

Күннүүй ҲУСАНЬОЕВА



ТАХЛИЛ – АДАБИЁТНИ АНГЛАШ ЙÜЛИ

ТОВНООТАУ



0000003415

- Башлангыч мактабуда адабиёт үзитиш мувиммопары
- Үрге мактабуда байдиң тәжүрә мәсалалары
- Үзбек адабиётини иккинчи адабиёт сипаттары үкитишнине илмий назарий асослари
- Ҳайрат чөкінләри



Педагогика фаннари доктори Қундуауи Ҳусайнбоеева күп ииппардии бүйін адабиёт үкітиш методикасынинг дөлзарб мұннамолыры тәдқиқи билән шугуланыб көлади. У "Адабий тәълимдә мустақил фикрлашы үргатиши асослары"(2003 йил), "Адабиёт – миңнешіят на мустақил фикр шақллантириш омилі" (2009 йил) монографиялары, қатор дарслерлер, үндән ортиқ методик тәсисиялар, қоздан ортиқ илмий ва илмий-методик мақолалар мүштепи.

Қ. Ҳусайнбоееваның ушбу китобидә бадиий асарни таҳлил қилиш самағадорлігитини ошириш йүннәрі үрганилиб, ҳар бир асар таҳлили юзасидан аниқ тәсисиялар берилген.

ISBN 978-9943-25-375-9

9 789943 253759

1935.2
89

Х - 91

Кундузой ХУСАНБОЕВА

ДОСТИГАЕМЫЙ
ПОДСКАЗКА
БЛЖ


ТАҲЛИЛ – АДАБИЁТНИ АНГЛАШ ЙЎЛИ

РУССКИЙ
ЯЗЫК

ГУРГИНОВА Н.И.

Изложениларни тушунишга тушириш
шурхиф кимини чеклаш
трансформидарни излантиш

Доддатчиларни тушунишга тушириш
трансформидарни излантиш
трансформидарни излантиш



"Muharrir" нашриёти

2013й.

УҮК:821.512.133

КБК 83.3(5Ү)

Х-84

Құндылой Ҳусанбоева

Х-84 Таҳлил — адабиётни англаш йўли:/ Қ.Ҳусанбоева; -
Тошкент: "Муҳаррир" нашриёти, 2013. 432 бет.

ISBN 978-9943-25-375-9

Она тили ва адабиёт ўқитувчилари, филологик йўналишдаги
олий ўқув юртлари талабалари ҳамда адабиёт ўқитиш масала-
лари билан шуғулланувчи тадқиқотчилар учун

УҮК:821.512.133

КБК 83.3(5Ү)

Масъул мұхаррир: Қозоқбай ЙҰЛДОШЕВ,
педагогика фанлари
доктори, профессор

Тақризчи: Ғафур ҮМУРЗОҚОВ,
филология фанлари
номзоди

ISBN 978-9943-25-375-9

© Қ.Ҳусанбоева,
© "Muҳarrir" нашриёти,
Тошкент, 2013 й.

**Унбу китоб набираларим: Кўҳинур, Темур Малик,
Руҳмони, Саидхон, Комронбек ва Беназирга багишланади.**

ИЧИДАГИЛАР

Тағылымдар 6
Кириш 11

БОШЛАНГЫЧ МАКТАБДА АДАБИЁТ ҮКИТИШ МУАММОЛАРИ

“Үкінші китоби” ва “Адабиёт” дарсلىклари мазмунини белгилеш тамойиллари 16
Адабий тарбияда она мавқеи 22
Мустақил фикрлаш хаёл суришдан бошланади 28
Ұкувчиларни мустақил фикрлашға ўргатишида әртакнинг үрни 32
Самара изланишда 37
Адабий қаҳрамон – тарбиячи 43

ҮРТА МАКТАБДА БАДИЙ ТАХЛИЛ МАСАЛАЛАРИ

Үрта мактаб адабиёт дарслеги қандай бўлиши керак..... 50
Адабий таълимда иншонинг үрни 62
Муаммо қўйиш – мустақил фикрлашга ўргатиши асоси ... 71
Мактабда Ҳамза ижодини ўрганиш 75
“Кичкина шаҳзода” асарини ўрганиш 79
Адабиёт дарсларида “фикрий хужум”ни қўллаш 86
“Сусамбил” эртагини ўрганиш 95
“Уч оға-ини ботирлар” эртагини ўрганиш 99
“Ойгул билан Баҳтиёр” эртагини ўргатиши йўллари 105
Адабиёт дарсларида муҳаббат ва бурч тарбияси 111
Маънавият дориси 118
«Оқ исма» асарини ўрганиш 127
“Гулиор опа” ҳикоясини ўрганиш 136
“Hellados” ҳикоясини ўрганиш 142
Ҳадислар – маънавий комиллик омили 150
«Миҳбуб ул-қулуб» асарини ўрганиш йўллари 160
“Нидо” достонини ўрганиш 169
“Урушиниг сўнгги қурбони” ҳикоясини ўрганиш 177
Тогай Мурод асарларини ўргатиши йўллари 187

“Музқаймөк” ҳикоясини ўрганиш	200
Ҳиқиқатдан туғилган афсона	210
“Ениойи йўрға” ҳикоясини ўрганиш	216
Тура Сулаймон шеърларини ўрганиш	223

**ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИ ИККИНЧИ АДАБИЁТ
СИФАТИДА ЎҚИТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ
АСОСЛАРИ**

Ноўзбек тилида иш юритиладиган мактабларда ўзбек адабиётини ўқитиш зарурияти	232
Ноўзбек тилли мактабларда ўзбек адабиётини ўқитишнинг мақсад ва вазифалари	235
Ноўзбек тилларида иш юритиладиган мактабларда ўзбек адабиётини ўқитишнинг ҳозирги аҳволи	241
Таълим бошқа тилларда юритиладиган мактабларда ўзбек адабиётини ўқитишнинг психологик ва педагогик хусусиятлари	267
Ноўзбек тилларида мактабларда ўзбек адабиётини ўқитиш мазмунини белгилаш тамойиллари	283
Таълим-тарбия бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек адабиёти дарсларини ташкил этиш йўллари	305
Напоий асарлари – ўзбекни англаш воситаси	337

ҲАЙРАТ ЧАҚИНЛАРИ

Буюк муҳаббат қиссаси	354
Кўнгилдан сизган сатрлар	372
Майсалардан туйғу олган шоир	378
Туфонга ғвирилган шивирлар	390
Унга хос илмий асар	399
Ота макон ва она тилга муҳаббат маҳсули	408
Буюк қунишини парвози	418

ТАФЛККУР ВА ТҮЙГУ ҮЙГУНЛИГИ

Таълим ва тарбия миллатнинг жисмоний, ақлий ва миттавий генефонди соғломлиги ва ўсишини таъминлаш омилидир. Шу боис эртанги куни түғрисида чинакамига ўйлайдиган миллат таълим-тарбия самарадорлигини оширишга интилади. Зеро, ҳар қандай жамият ва мамлакатнинг тараққиёт даражаси ундаги педагогика илми ва амалиёти ривожига түғри нисбатда бўлади. Шунинг учун ҳам кейинги вақтда очун миқёсида педагогика илми ва амалиёти тараққиётига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Гарчи, таълим-тарбия инсониятнинг ўзи билан бирга пайдо бўлган мангу ҳодиса бўлса-да, у турли даврларда турлича кўриниш ва хусусият касб этиб, ўзгариб, янгиланиб туради. Шунинг учун ҳам ҳар бир ижтимоий ўзгаришлар даври педагогика соҳасидаги туб янгиланишлар билан бирга кечади. Педагогика фанлари доктори, таниқли методист олим Кундузой Ҳусанбоеванинг “Таҳлил – адабий таълим асоси” китоби худди шу ўзгаришлар чогида адабиёт ўқитиши муаммоларини ҳал қилишнинг муҳим назарий ва амалий масалаларига бағишиланган.

Қ.Хусанбоева ҳақли равишда – адабиётга санъат, адабий таълимга эса инсонни санъат воситасида тарбиялаш жараёни деб қарайдиган мутахассис. У мактабда адабиётшунослик эмас, айнан бадиий адабиёт ўқитилиши, мактаб, лицей ва коллежларда филолог мутахассис ёхуд шоир-ёзувчи ва журналист эмас, балки бадиий асарлар ўқиб тушунадиган, таъсирланадиган, ўқигани юзасидан фикр юрита оладиган баркамол шахс тайёрланишини истайди. Шу боис турли босқичлардаги ўқувчиларга адабиётшуносликка доир билимлар беришдан кўра уларни бадиий асар ўқийдиган ҳамда уларда акс этган инсоний туйгу ва дардларни ҳис этиб, ўзгаларга туйғудош бўлиш кўлидан келадиган шахслар сифатида шакллантириш муҳимроқ деб ҳисоблайди.

Унбу китоб муаллифи адабиёт ўқитишига ўқувчилардаги ижодий тафаккур ва мустақил фикрни уйғотиш омили деб қарайди. Ҳаёт ҳодисасига ижодий ёндашолмаган ша мустақил фикрлай олмайдиган одам баркамол шахс бўлолмайди, деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам китобдаги деярни ҳар бир мақолада муаллиф ўқувчиларни ижодкорлик

ва мустақил фикрлашга ўргатиши үйларига тұхталади. Бунинг учун оліма үкувчи үқитиши кечимининг обьекти әмас, субъекти, яғни ижрочиси бўлиши керак деб билади ва болаларни үзларини үzlари үқитишига одатлантириш усулларига тұхталади. Олиманинг фикрича, үкувчиларини үзларини үzlари тарбиялайдиган даражага етказа олмаган педагогика илми ҳам, амалиёти ҳам чинакам ютуқقا эришмаган бўлади. Бундай педагогика эришган натижалар омонат, кўрсаткичлар кўпик каби вақтингчалик бўлади.

Кўлингиздаги китоб тўрт катта бўлимдан иборат бўлиб, ҳар бир бўлим ўзига хос назарий йўналишда ёзилган мақолалар билан бошланади. Улар воситасида муаллиф ўз қарашларига илмий-назарий асос яратиб олгандай бўлади.

Биринчи бўлимда бошланғич мактабда бадий адабиёт намуналари қандай ўргатилиши ва бу жараён самарадорлигини ошириш учун қандай назарий қарашларга таяниш ва амалий тавсияларни бажариш кераклигига тұхталинган. Муаллиф масалага жуда кенг қарайди. Миллий педагогик амалиётда кичик үкувчиларга бадий мати әмас, балки қайсиdir ишнинг яхши, қайсисинингдир ёмон экани очиқ кўрсатиб қўйилган насиҳат йўсинидаги дидактик битикларни үқитишига кўникліган эди. Кундузой Ҳусанбоева бола, иложи бўлса, боғчадан, бўлмаса, кичик үкувчилик ёшидан чинакам бадий асарлар билан таниша бориши керак деб ҳисоблайди. Шунда болаларнинг рухияти соглом, маънавияти эзгу бўлиб шаклланишини қатор илмий далиллар билан асослайди. Ушбу қарашдан келиб чиқсан ҳолда ўзбек ўтбошисида онанинг адабий тарбия беринидаги мавқеи қандай бўлиши кераклиги борасидаги муроҳазалари билан ўртоқлашади. Шунингдек, бошланғич мактабнинг турли синфларида адабиёт үқитишини яхшилаш пуллари борасида конкрет асарлар мисолида фикр юритиб, таскинлар беради.

Китобининг иккинчи қисмидә ўрта мактабларда адабиёт үқитни масалаларига атрофлича тұхталинган. Бунда оліма адабий таълимнинг ютуқقا эришиши бадий таҳлилга боғлиқсеканини, үкувчиларни ўрганған бадий асарнитахлил қишинша жалб этмай туриб, унда адабиётга доир билим ҳам, эзгу маънавий сифатлар ҳам қарор топтириш мумкин

Ўмаслигини кўнглаб далиллар мисолида кўрсатиб беради. Олима ўрганилаётган асарнинг жанри, ўзига хос хусусияти ҳамда синифдаги ўқувчиларнинг интеллектуал-руҳий ҳолатига қараб таҳлилнинг турли йўлларидан фойдаланиш кераклиги борасида тавсиялар беради. Аҳамиятлиси шундаки, муаллиф назарий фикрлар айтишнинг ўзи билан чекланиб қолмай, муайян асарни қандай таҳлил қилиш кераклиги борасида амалий йўллар кўрсатади. Бунда у ингерфаол усуслардан тортиб, муаммоли таълимгача, ундан савол-топшириклар устида ишлашгача, ундан эса анъанавий йўсинда ўқитишнинг самарали усусларидан фойдаланишгача бўлган масалалар ҳақида комплекс фикр юритади.

Муаллиф таълим усуслари самарадорлигига тўхталар экан, уларнинг бирини бошқасига қарши қўймайди, янги усуслар факат янги бўлганининг ўзи учунгина самарали бўлавермаслигини қайд этиб, янгича педагогик изланишлар мавзунинг хусусияти, ўқувчиларнинг руҳий ҳолат ва кайфияти ҳамда ўқитувчининг укувидан келиб чиқкан ҳолда ихтиёрий тарзда амалга оширилиши, зинҳор юқоридан кимнингдир истаги сабабли амалиётга татбиқ этилмаслиги керак деб ҳисоблайди.

Кўлингиздаги асарнинг учинчи қисмида ўзбек адабиётини таълим ишлари ўзбек тилидан бошқа тилларда юритиладиган мактабларда ўқитиш муаммоси комплекс йўсинда ўрганилган. Муаллиф ўзбек адабиётини иккинчи адабиёт сифатида ўргатишнинг мақсади ўқувчиларга ўзбек адабиёти тарихи ҳақида билим бериш деб қаралишини бирёқламалик ҳисоблайди. Унинг назарида, ўзбек адабиётини ўқитиш ноўзбек тилидаги мактабларда ўқийдиган болаларга ўзбек миллати вакилларининг руҳиятини яхшироқ билиш ва бу миллатга хос характер хусусиятлари, тутумлар ҳамда удумларни англаш орқали уларга яқинлашиш омили бўлиши керак. Чунки олима миллатнинг руҳияти бадиий адабиётда бошқа ҳар қандай нарсадан кўра ёрқинроқ ва қабариқроқ акс этишини, бинобарин, адабий қаҳрамонни билиш миллатни билининга хизмат қилишини мисоллар асосида исботлайди.

Фан доктори Қ.Хусанбоева ўз китобида ўзбек адабиётини иккинчи адабиёт сифатида ўқитишни самаралироқ қилиш

йўллари борасида босқичма-босқич фикр юритади ва ҳар бир синфда бир-икки асар мисолида ўзбекча асарни қай йўсинда ўқитиш ва ўқувчилар билан биргаликда қандай таҳлил қилиш кераклиги юзасидан аниқ амалий тавсиялар беради. Бу ҳол, шубҳасиз, ушбу китобнинг амалий қимматини оширади.

Маълумки, ўқитиш амалиётида бадиий асар таҳлили кўпинча ўқитувчи томонидан амалга оширилади. Ўқувчилардан унинг қарашларини тинглаб, хулосаларига қўшилиб ўтириш талаб этилади. Муаллиф ўкув кечимидағи бундай таҳлилни мутлақо яроксиз деб ҳисоблайди. У ҳар қандай асарнинг ўкув таҳлили ўқувчилар билан биргаликда жамоа бўлиб амалга оширилиши шарт деб ҳисоблайди. Бунинг учун у дарсликда берилган ҳамда ўқитувчининг ўзи томонидан тузилган савол-тотшириқлардан фойдаланиб, ўқувчилар билан бирга ишланиши лозим деб қарайди. Шунингдек, адабиёт ўқитувчиси текширилаётган ҳар бир асар бўйича ўқувчилардан ўзи истаган жавобни кутмаслиги, ҳатто, нотўғри бўлса ҳам болаларнинг ўз фикри бўлишига эришиши лозим деб билади. Чунки нотўғри бўлса ҳам фикрлаш шахснинг ўсишидан далолат бўлса, бирорвга ёқадиган қарашни айтиш фикрламасликнинг илк белгисидир.

Китобнинг тўртинчи бўлими муаллиф томонидан кейинги йилларда ёзилган тақризларни ўз ичига олган. Қундузой маҳорат билан яратилган чинакам санъат ҳодисаларидан кучли таъсирланади, қаттиқ ҳайратга тушади. У ўз ҳайратларини илмий қолипларга унчалик ҳам мослаб ўтирмай ифодалашдан тортишмайди. Шу боис унинг адабий мақолаларида поэтика оламининг дарғаларидан олинган узиндилар жуда ҳам кўп бўлмайди. Лекин олиманинг мақолалари кўнгил ҳақиқатлари бекитилмай, очик ифодалангани билан эътиборни тортади. Бу жиҳат Қундузойнинг Ҳалима Худойбердиева, Улуғбек Ҳамдам, Абдулла Шер, Носиржон Тошматов сингари ижодкорларнинг асарлари таҳлилига багишланган мақолаларида яққол бўй кўрсатади.

Қўлингиздаги китоб – олиманинг учинчи йирик асари. Бизнинг назаримизда, муаллиф китобдан китобга ўсиб,

фикарлари қаймок бойлаб, таҳлилга тортган асарлари мөхиятига тобора чуқурроқ кириб бораётганга ўхшайди. Олдинлари битганларида таассурот ва туйғу етакчилик қилгандай бўларди. Энди унга хос серзавқлик ва ёрқин туйғу теран тафаккур билан уйғунлашиб, олиманинг қарашиб ва тўхтамларига ўзгаларгода юқадиган хусусият касб этиб боряпти. Қундузой домланинг учинчи китоби ўзбек адабиёт ўқитиши методикаси илми тараққиётида ўз ўрнига эга бўлган илмий ҳодиса, адабиёт ўқитиши амалиётини ривожлантириш сари ташланган йирик қадам бўлишига ишонамиз.

Қозоқбой ЙЎЛДОШ

КИРИШ

Мамлакатимиз таълим тизимида ўрта мактаб ўқувчиларга ушбу босқич учун зарур бўлган билимларни беради, уларнинг мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилиятлари ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиради, касбга йўналтириб, таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдамлашади. Лекин, афсуски, бугунги умумий ўрта таълим тизими билим даражаси ўртача бўлган ўқувчиларга мўлжалланган бўлиб, иқтидорли ёшларга алоҳида эътибор қаратилмаяпти, улар билан якка тартибда ишлаш механизмидан яхши фойдаланимаяпти. Натижада фаннинг бирор соҳаси бўйича яхши мутахассис бўлиб етишиши мумкин бўлган тарбияланувчиларнинг кўпчилиги ўртача ўқувчилар даражасида қолиб кетишяпти.

Мамлакатда замон талабларига муносиб кадрларни тайёрлашга қаратилган Миллий дастур умумий таълим тизими олдига “...таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар дараҷасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш” вазифасини қўйган бўлса-да, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бажарилишининг сўнгги учинчи босқичида ҳам бу вазифа тўлиқ амалга оширилди, деб айтиш қийин. Миллий дастур ижросининг учинчи босқичида аввалги босқичларда тўпланган тажрибаларга таянган ҳолда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш назарда тутилган. Шундан келиб чиқиб, умумий ўрта таълим мактабларида дарснинг уй вазифасини сўраш, уни мустаҳкамлаш, янги дарсни тушунтириш ва уни мустаҳкамлаш, уй вазифаси бериш тизимидан воз кечилган. Айни ҳолат адабиёт ўқитиши кечимиға ҳам янгича ёндашувни тақозо этиб, муаллимларни ўқувчилар фаоллигини оширадиган сабоқ турларидан фойдаланишга ундумоқда. Ташаббускор адабиёт ўқитувчилари бугунги кунда асосан дарснинг қуйидаги типларидан фойдаланмоқдалар:

1. *Дарслик билан ишилаш.* Янги мавзу бир неча қисмларга бўлинади. Ўқувчи ўқитувчининг матнга таянган ҳолда му-

носабат билдиришга йўналтирувчи саволларига жавобни дарсликка қайта-қайта мурожаат қилган ҳолда топади. Жавоблар таҳлил қилиниб, баҳоланади. Дарс охирида ўқитувчи мавзуни қисқача умумлаштириб, якунлайди. Бу иш тури ўқувчиларни дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб, мустақил билим олишга ўргатади.

2. *Мустақил фикр юритиши дарслари*. Ўқувчиларга янги материалнинг айрим қисмлари берилади. Берилган вонса, ҳодисанинг келиб чиқиш сабабларини излаб топиш ўқувчилар томонидан амалга оширилади. Бундай дарслар ўқувчиларни мустақил тафаккур қилишга ўргатади, ўқитувчи материал танлашда уни қизиқарли ва ўқувчиларнинг ҳиссий-интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган бўлиши талаб қилинади.

3. *Семинар дарслари*. Адабиёт дарсликларидағи катта мавзулар, хусусан, бир руқнга жамланган мавзулар тўлиқ ўтиб бўлингандан сўнг мавзулар ўқувчиларга қайта бўлиб берилади. Ўқитувчи ёрдамида режа тузилиб, фойдаланилайдиган адабиётлар рўйхати тақдим этилади. Ҳар бир ўқувчи ўз мавзусининг моҳиятини очиб берганидан сўнг синфдаги бошқа ўқувчилар сўзга чиқиб мавзуни тўлдириши мумкин бўлади. Дарс охирида ҳар бир сўзга чиқсан, муносабат билдириган, фикрларни тўлдириган иштироқчиларнинг фаолияти таҳлил қилинади, ҳар бири ҳақида алоҳида фикр айтилиб баҳоланади. Семинар дарслари ўқувчиларда мустақил изланиш ва жавобгарлик ҳиссини тарбиялайди.

4. *Синов дарси*. Бу типдаги сабоқлар икки турли бўлади. Синов дарсларининг биринчи шаклида ўқитувчи йирик бобларни маъруза тарзида ўтади. Ўқувчиларга материалларни умумий тарзда қамраб оловчи саволлар беради. Кейинги соатларда шу саволларга жавоб олади. Дарснинг бу тури тарбияланувчиларни барча саволларга жавоб топиш учун изланишга чорлайди. Яхши ўзлаштирадиган ўқувчилар билан қўшимча ишлаш ва паст ўзлаштирганларга ёрдам бериш учун шароит яратилади. Синов дарсларининг иккинчи тури ўқув йили ва чорак давомида ўтилган материаллар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда саволлар бериш билан фарқланади. Ўқувчилар тайёр бўлган пайтларида ёки рўйхат асосида жавоб беринилари мумкин. Синов дарслари ўқувчиларнинг

үтилган материалларни тұлық билишига қаратылади.

5. *Мулоқот дарси*. Бундай дарсларда синф үқувчиларини икки гурұхға бўлиб, юмалоқ стол атрофида давра сұхбати ташкил этилади. Мулоқот дарсларида олдиндан ҳеч қандай вазифа берилмай, үтилган мавзуларни қайтариб келиш топширилади. Дарсда үқитувчи ҳар иккала гурұх аъзола-рига турли шаклларда вазифа беради ва жавобларга қараб балл қўяди. Балл қўйишда 2-3 үқувчидан эксперт сифати-да фойдаланиши ҳам мумкин. Экспертлар дарс давоми-да қўйилаётган балларни умумлаштириб боради ҳамда ўзларининг таклиф-мулоҳазаларини айтадилар. Бундай дарс усуллари үқувчиларни ташаббускорлик, ижодкорликка йўналтиради.

6. *Муаммоли дарс*. Дарсда муаммоли вазият вужудга келтирилади. Үқувчилар муаммо ечимини якка ҳолда ёки гурӯх бўлиб излашлари мумкин. Дарс давомида бир неча муаммоли саволлар ўртага ташланади ва умумий холоса чиқарилади. Муаммоли вазият үқувчиларда ақлий изланиш кўникмаларини шакллантиради.

7. *Кўргазма дарси*. Бундай дарсларда үқувчилар илга-ридан берилган вазифалар бўйича альбом, реферат ёки ўзлари тайёрлаган маҳсулот, материаллардан кўргазмалар тайёрлайдилар. Кўргазма материалларидан фойдаланган ҳолда үтилган мавзу мазмуни ёритилади. Кўргазма дарси үқувчиларда ўз меҳнатини намойиш қилиш, ҳикоя қила билиш ва эмоционал ҳолатларини бошқариш кўникмасини шакллантиради.

8. *Маъруза дарси*. Үқитувчи маъруза тайёрлаш учун бир неча мавзуни үқувчиларга тақсимлаб беради. Мухим ўринларни кўчирма қилиш, керак жойларға кўргазмалар, карточкалар тайёрлашни топшириади. Тайёр бўлган үқувчи ўз мавзуси юзасидан маъруза қиласи. Қолган үқувчилар маърузачига саволлар беришади. Маъруза дарсларида үқувчи ҳажми катта материални қисқа муддатда ўрганиш, ўзлаштириш, баён қилиш ва уни мустаҳкамлаш кўникмасини эгаллаб боради.

9. *Мухбирлар дарси*. Бундай дарсларда мавзуни ўлкашунослик материаллари билан боғлаб үтиш яхши самара беради. Үқувчи-мухбир уй вазифаларини яхши

ўзлаптирган ўқувчиларга ўзининг мавзусига мос саволлар бериб, жавоб олади ва мухбир сифатида уларнинг жавобларини синфдошлари билан биргаликда таҳдил қилиб, ютуқ-камчиликларини кўрсатади. Бундай вазифалар мухбир бўлишни орзу қилган ўқувчиларга топширилса, у бор маҳоратини ишга солади. Бу каби дарсларда ўқувчиларга хос бўлган ижодкорлик, ташаббускорлик хислатлари уйғонади.

10. Сценарийли дарс. Таълим амалиётига кириб келган бу дарс тури ҳам ўқувчиларни бевосита ижодга ундаши билан аҳамиятлидир. Ўрганилган асарлар матни юзасидан сценарий тузиш – ўзига хос ижод жараёни. Ўқитувчи аввал ўқувчиларга асар мазмуни юзасидан сценарий тузиш йўлларини ўргатади. Кейинги дарсда ўқувчилар томонидан тузилган сценарийларнинг хусусиятлари таҳлил қилинади. Бу жараёнда ўқувчилар мустақил фикрлаш ва ижод қилишга йўналтириладилар.

11. Мультимедия дарслари. Бундай сабоклар асосан компьютерлар ёрдамида амалга оширилади. Ўқувчилар ўтилган мавзуга доир материалларни интернет орқали тошишлари ҳам мумкин. Ёки маълум мавзуу, тимсолларнинг характеристикаси, асар қаҳрамонларининг умумий ва фарқли жиҳатлари бўйича жадваллар, саёҳатномаларнинг хариталарини тузишлари, руқнларнинг модулларини яратишлари мумкин ва ҳк. Бундай машғулотлар ўқувчиларнинг қизиқишлирига ҳамоҳанг бўлганидан улар топширикларни сидқидилдан бажарадилар.

Муҳими шундаки, ушбу дарс турларининг барчаси замирида асарларнинг бадиий таҳлили ётиши керак. Ўқувчига ўрганиш учун тақдим этилган бадиий асарлар таҳлилга тортилмас экан, улар ҳеч қандай дидактик самара бсрмайди. Шу маънода ушбу китобда жамланган мақолаларда бадиий асарларга ёндашишнинг ўзига хос хусусиятлари, улардаги муҳимни номуҳимдан фарқлаш, матн моҳиятидаги ўқувчининг эътибори қаратилса унинг маънавиятида албатта ижобий из қолдириши мумкин бўлган жиҳатлар ажратиб тавсия этилганким, ўқитувчилар адабий таълим амалиётини ташкил этишда уларга таянсалар, мактаб адабий таълими олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишида муайян са-марага эришадилар.

БОШЛАНГИЧ МАКТАБДА
АДАБИЁТ ЎҚИТИШ МУАММОЛАРИ



**БОШЛАНГИЧ МАКТАБДА
АДАБИЁТ ЎҚИТИШ МУАММОЛАРИ**

“ЎҚИШ КИТОБИ” ВА “АДАБИЁТ” ДАРСЛИКЛАРИ МАЗМУНИНИ БЕЛГИЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Шўролар тузуми даврида педагогика илмида ҳам, амалиётида ҳам таълим тарбиядан устувор ҳисоблаб келинди. Илмда болаларга таълим беришнинг ҳар хил йўллари изланди, турли янги методлар яратилди. Лекин ўқувчининг ўзи шахс сифатида иккинчи планда қолиб кетди. Унинг кўнгли, фикри мутахассис ва мутасаддиларни уччалик қизиқтирумади. Ўқувчиларга тайёр билимларни кўпроқ сингдириш билан шуғулланилди. Болаларда қандай инсоний сифатлар шаклланаётгани назардан четда қолди. Уларда мустақил фикрлаш кўникмалари таркиб топтирилмади. Шу боис ўқувчилар бир ходиса тўғрисида бир хил фикрлайдиган, бир хил хулоса чиқарадиган қолипдаги кимсаларга айлантирилди. Тарбиянинг асосий омилларидан бири бўлмиш адабиёт дарсликлари ҳам худди шу мақсадни амалга оширишга қаратилганди. Натижада, синик, бирор масалада фикр айтиш ёки мустақил қарор қабул қилишдан чўчидиган, ҳар ишда ўзганинг оғзига қараб турадиган, айтилганларни кўр-кўrona бажарадиган, муте авлод шаклланди.

Маълумки, жамиятни инсон тебратади. Уни буюк келажак сари етаклаш ҳам, тубанлик қаърига тортиш ҳам одамнинг қўлида. Шу сабаб жамият аъзоларининг, айниқса, ўсиб келаётган авлоднинг маънавий камолоти мустақил Ўзбекистонда давлат аҳамиятига молик долзарб масалага айланди.

Ҳозирги шароитда ўзбек ўқувчиларини ҳам руҳан, ҳам ақлан, ҳам жисман етук қилиб шакллантириш учун миллий педагогика илми, оила, мактабгача тарбия муассасалари ва мактабда тамомила янгича йўсинда иш олиб борилиши керак бўлади.

Инсон ўз умрининг турли босқичларида жисман ҳам, руҳан ҳам, ақлан ҳам турлича ўзига хос тарзда ривожланиши психология илмида асосланган. Жумладан, ўқитувчисини дахлсиз ва энг билоғон шахе ҳисоблаб унинг айтганларига сўзсиз қулоқ осиш, ишониш, унга интилиш – бошлангич синф ўқувчиларига хос бўлган умумий хусусият. Бошлангич

синф ўқувчиси учун ўқитувчи – энг буюк шахс. У ўқитувчиси талабларига ихтиёрий равишда астойдил бўйсунади. Кичик синф ўқувчиларининг кўпчилиги ўқитувчиси айтганларни кулоқ қоқмай бажаради ва доимий равишда унинг кўрсатмаларини кутишга мойил бўлади. Ўқитувчи қандай ва нимани ўқитишидан қатъи назар, уни билиб олиш керак деб ҳисоблайди. Бошланғич синф ўқувчилари назарида ўқиш – кўр-кўrona ижрочилик, ўқитувчисига тақлид, устози айтганларини тақрорлашдан иборатдай туюлади. Мазкур давр педагогик жиҳатдан болада инсоний сифатларни шакллантиришда ўқитувчи учун энг қулай босқич саналади. Бу ўринда ўқитувчи оқил, доно бўлса хўп-хўп, акси бўлса...

Инсон қачон ўз сўзини айтади? Ичидা, ички “мен”ида ўз фикри бўлганда. Фикрлаш – ички “мен” фаолиятининг натижаси. Инсонда ўзлики шакллантириш, ўз сўзи ва мустақил фикри бўлишини таъминлаш, бунга шароит яратиш мактабда ўқитувчининг вазифаси ҳисобланади. Бу ундан профессионал билимдонликни талаб қиласди. Чунки ўқувчининг мустақил фикрлаш, аниқ мақсад асосида олдига қўйилган вазифаларни бажариш йўлида мантиқий мулоҳаза юритиш, қўйилган масалани муайян зўриқишилар орқали мустақил равишда ҳал қилишдай фаолиятини ташкил этиш осон иш эмас.

Бошланғич синфда болаларни мустақил фикрлашга ўргатиш ўрта ва юқори синфлардагига нисбатан фарқли кечади. Бу ёшдаги боланинг ҳаётий тажрибаси кам ва у хулоса чиқаришни билмайди. У кўпроқ тақлид қиласди. Бошланғич синф она тили, ўқиш, математика, табиат дарсларида ташкил қилинган мустақил ишлар болаларнинг ёши ва интеллектуал имкониятлари доирасида бўлиб, улар хулоса чиқаришга эмас, фикр айтишга, муносабат билдиришга қаратилган бўлиши мақсадга мувофиқ. Шу сабаб бошланғич синф ўқитувчисининг вазифаси дарсда масалани тўғри қўя билиш, ўқувчини қизиқтира олиш, унинг туйғуларини безовта қила билишдан иборат.

Бола ўз билими ва тажрибасида кўрилмаган вазият билан тўқнашганда ва бу вазият уни қизиқтириб қолганда ғайрииҳтиёрий равишда мустақил фикрлаш бошлади. Маълумки, қизиқкан бола масаланинг мөхиятига кирмай,

үт истакларини, билиш эҳтиёжини қондирмай қўймайди. Фикр болани бундай ҳолатга солишдан аввал уни астасекнилик билан таққослаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, аниқлик киритиш, тизимга sola билиш каби қўнікмаларни эгаллашига эришиш лозим. Шундагина унинг билиш фаолияти муайян самара келтириб, шахси тўғри шаклана боради.

Кичик ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишда ўқиш дарсларининг ўрни бекиёс. Ўқитувчи томонидан ўқиш китобидаги асарларни тўғри идрок этишга йўналтирилган ўқувчи мустақил ишлашга, уқиб ўқишга, ўзгаларнинг фикрларини илғашга, ўзи ва бошқаларнинг туйғулар оламини кузатишга ва туйишга ўргана боради. Оламни, Одамни ва Ўзлигини кашф қиласди. Ўз ички “мен”ининг шаклланишида ўзи иштирок этади.

Дарсликлар бундай педагогик вазифаларнинг бажарилишида энг катта кўмакчи саналади. Дарсликларда тақдим этилган ўқув материалларининг дастурий талқини таълим-тарбия жараёнидан кутилган мақсадларга мутаносиб бўлиши керак. Ўрганиб чиқиши натижасида бугун амалда бўлган “Ўқиш китоби” дарсликларининг кўпчилиги бу талабларга етарлича жавоб беролмаслиги маълум бўлди. Бошланғич синфлар “Ўқиш китоби” дарсликларини тузишда кичик ўқувчиларнинг руҳияти, интеллектуал савияси етарли ўрганилмаган. Айтиш керакки, бугунги бошланғич синф ўқувчилари муаллифлар тасаввур қилганларидан, уларнинг бу ёшдаги даражасидан кўра билимли ва ақллироқ. “Ўқиш китоб”ларининг умумий таҳлилига таяниб шуни айтиш мукинки, бошланғич синф ўқувчиларида инсоний сифатларни шакллантиришда болаларнинг кучи, ақли ва имкониятларидан унумли фойдаланилмаяпти. Дарсликларда ўрганиш учун тақдим этилган ўқув материалларининг катта қисми мантиқсиз, жўн, ҳаётий ҳақиқатдан узоқ. Бир қисми насиҳатгўйликка курилган. Улар мавзудан келиб чиқиб, муаллифлар томонидан шунчаки “тўқиб” ташлангандай. Асарлар матни юзасидан тузилган: “Нима учун она Ер деймиз? Жавобни матндан топиб ўқинг ва ўқиганингизни ёд олинг”, “Навоийнинг истаги ифодаланган мисраларни ўқинг”, “Якшанба куни қандай воқеа юз берди?”, “Ота-

она ўз фарзандига нисбатан қандай иборани ишлатади?” каби савол-топшириклар боланинг матн мазмунини такрорлашигагина хизмат қилади.

“Асар сизда қандай таассурот қолдирди?”, “... деганда нимани тушунасиз?”, “Нима деб ўйлайсиз, Широқ нега кўйини бокиб юравермай қабила бошлиқларининг олдига келди? Уни бунга ундангар нарса нима эканини айта оласизми?”, “...тарзидағи тасвири ўз сўзларингиз билан ифодалашга уриниб кўринг. Уни сиз қандай тушундингиз?” сингари кичик ўқувчиларни фикрлаш ва матн моҳиятига киришга йўналтирадиган, асардан бадий завқ ва маънавий озуқа олишга ундейдиган, ўз қарашларини айтишга қаратилган савол-топшириклар мутлақо учрамайди.

Матн юзасидан тузилган мантиқли, ўйлантирадиган саволларга синфдаги ўқувчиларнинг барчаси жавоб бериши шарт эмас. Мухими, савол билан уларни безовта қилиш. Агар ўқитувчи кичик ўқувчиларни матн устида узлуксиз равишда шундай ишлатаверса, болалар шунга ўрганиб боради ва уларда исталган кўнишка ҳосил бўлади. Натижада бола фикр кишиси бўлиб етишади. Фикр кишиси ҳеч қачон ўзгаларга кўр-кўrona эргашмайди, муносабат билдириш керак бўлганда жим турмайди. Ўқитувчи болаларда шундай сифатларни шакллантиришга даъват этилган шахсdir.

Ўқувчиларни бадий асар юзасидан мустақил фикрлашга йўналтириш нуқтаи назаридан умумий ўрта таълимнинг юқори синфлари “Адабиёт” дарсликлари ҳам ўрганиб чиқилди. Мустақилликкача фойдаланилган ва 1991 йилдан 1999 йилгача қўлланилган ўкув дарсликларининг, бирбиридан фарқли томонлари, ютуқ ва камчиликлари ҳақида жуда кўп ганирилган. Бу дарсликарнинг ўхшаш жиҳатларига тўхтамоқчиман.

1. Ўқувчилар учун ёзилган ҳар иккала авлод дарсликлирида ҳам билимларни ўзлаштиришда ўқувчиларнинг иштироқи деярли кўзда тутилмайди. Уларда ўқувчиларнинг вазифаси дарслик муаллифларининг айтганларини ўқитувчиси кўмагида хотирасига жойлаб олишдан иборат деб қаралган.

2. Яратилган дарсликларнинг ҳар иккала авлоди ҳам ўқувчиларнинг хотирасини кучайтиришга қаратилган. Яъни, дарсликларда битилганларни эслаб қоладиган хотираси

кучли бола – яхши ўқувчи. Хотираси заифрок ўқувчи янги дарс баёнида ўқитувчисидан билган, уни мустаҳкамлашда ўртоқларидан эшитган нарсаларни уйда дарслигидан такрорлаб ўқыйди, кейинги дарсда қайтариб айтиб бериб, баҳосини олади.

3. Хар иккала авлод дарсликларида хам билим бериш биринчи планда туради. Бутун умр адабиёт ўқитиш билан эмас, адабиёт илми билан шуғулланган дарслик муаллифлари ўз билгандарини тайёр ҳолда ўқувчиларга тақдим этадилар. Болалар тайёр билимларни хотирасига жойлаб олишлари кўзда тутилади. Ваҳоланки, бугунги педагогика илмида ўқувчилар хотирасини ривожлантиришга қаратилган фаолият мақсадга мувофиқ эмаслиги айтилади.

4. Дарсликларнинг хар иккала авлодида хам адабиётни ўқитишга педагогик ёндашув эмас, филологик ёндашув устуворлик килади. Чунки бу дарсликларнинг деярли барчаси адабиёт ўқитиш методикасидан бехабар муаллифлар томонидан яратилган. Адабиёт ўқитиш методикаси алоҳида фан, унинг ўз қонуният ва категориялари бор, уни маҳсус ўрганиш тақозо этилиши мутасаддиларни қизиқтирумайди. Тан олиш керакки, дарслик муаллифларининг кўпчилиги – адабиётшунослик илмининг дарғалари. Фақат улар адабиёт ўқитиш методикаси илми билан алоҳида шуғулланишмаган. Агар шуғулланганларида эди, болаларга билим бериш, уларни ўқитиш эмас, уларни билим олишга ўргатиш, ўзларини ўқийдиган қилиш масаласи жаҳон педагогикасида XX асрнинг 50-йилларида кўтарилиганини билган ва дарсликларни тузишда буни албатта инобатга олган бўлардилар.

5. Иккинчи авлод дарсликларининг кўпчилиги – ўз яратилиш услуби билан шўро давридаги дарсликларга нисбатан хам ўқувчилардан анча йироқ. Бадиий асарлардан парча бериш, уни дарслик муаллифи истагандай таҳлил қилиш ҳамда шуни миллатнинг барча болалари хотирасига жойлашга уриниш, бутун авлодни бир хил фикр айтадиган, битта хулосага келадиган ҳолатга солиш адабиёт ўқитишнинг асл мақсадига хизмат қилмайди.

Бундай камчиликлар саноғини яна давом эттириш мумкин. Лекин мақсад бу эмас. Янги авлод дарсликларни

яратишга педагогикани яхши билган, адабиёт ўқитиши методикаси илмини алоҳида ўрганганд, шу соҳа мутахассиси етакчилик қилмоғи керак. Уларни тузишда жаҳон педагогикасида, миллий тарбияшуносликда илгари суринган илгор ғояларга таянилиши мақсадга мувофиқдир. Улар мамлакатда илгари сурилаётган миллий истиқлол ғояси ва ўзбекона қадриятлар билан суғорилиши керак.

Ўқувчига тайёр билимлар берилмаслиги, ДТС талаблари асосида дастурда ўрганишга тақдим этилган билимларни бола ўз меҳнати билан, машаққат билан ўзлаштириши мақсадга мувофиқдир. Маълумки, меҳнат билан эришилган ҳар қандай нарса бир умр ёдда қолади ва керак бўлганда, ҳаётга татбиқ этилади.

Янги руҳда яратилган дарслерларда қарашлар муаллифларнинг қолипига солинмаслиги, уларнинг хуросаларига асосланмаслиги лозим. Дарслерларда адабий матн юзасидан тузилган савол-тотшириклар билан ишлаш натижасида ҳар бир боланинг ўзи хуроса чиқарсин, асар таҳлили натижасида ўз ҳаётий ҳақиқатини кашф этсин. Асар бўйича ҳар бир ўқувчининг ўз қарashi бўлсин.

Уларни оддий иштирокчидан таълим жараёнининг субъекти – ижроисига айлантириш керак. Ўқитувчи болаларнинг меҳнатини тўғри бошқариб тура билса, ўқувчилар билишлари керак бўлган бадиий ҳақиқатни ҳам, ҳаётий ҳақиқатни ҳам ўzlari кашф этадилар.

Бирор бадиий асар ва унинг мазмунини қайта эслашга қаратилган уч-тўрт савол тузиб қўйиш дарслер яратиш дегани эмас. Адабиёт дарслерларининг ўзига хос илмий-педагогик талаблари, зинмасига юкландиган ижтимоий юк бор. Оддий ўқитувчи чинакам дарслер яратолмагани сингари, педагогика илми билан мукаммал шуғулланмаган филолог ҳам мукаммал дарслер яратади. Дарслерлар, айниқса, “Адабиёт” дарслерлари, миллат келажаги маънавиятининг шаклланиши омили саналади. Дарслер яратишга даъво қилаётган олимлар мана шу масъулиятни унутмасликлари давр талабидир.

2001.

АДАБИЙ ТАРБИЯДА ОНА МАВҚЕИ

Жамият равнақини инсон таъминлайди. Уни буюк келажак сари олиб бориш ҳам, тубанлик қаърига тортиш ҳам унинг қўлида. Мустақил фикри, шахсий қарашларига эга бўлган, эркинликни ҳис қилувчи кишилари кўп бўлган миллатгина тараққиёт йўлидан қатъият билан бора олади. Жамиятни ҳаракатга келтирувчи мана шу куч – инсоннинг тафаккури қанчалик мустақил бўлса, у шунчалик ташаббускор бўлади. Қанчалик эркин бўлса, шунчалик изланувчан бўлади. Унинг туйғуларига, қарашларига, рухиятига дахл қилинмаса, бас. Шаклланиб келаётган шахс оиласда катталарнинг мактабда ўқитувчининг тазиикларидан чўчимаса, олам ҳодисаларини ўз руҳий, ақлий, жисмоний имкониятлари даражасида англаб олиш ва шунга қараб иш тутиш боланинг ўзига кўйиб берилса, унда масъулиятни, хатти-ҳаракати учун жавобгарликни ҳис қилиш туйғуси пайдо бўлади. Бола ўз фикр-қарашларига эга бўлади. Фикр қишиси ҳамиша ўз қарашларини асослай билади, керак бўлганда – ҳимоя қиласди, зарур бўлганда – курашади. Шунинг учун баркамол авлодни шакллантириш ишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ҳақиқатдан мамлакатдаги ҳар бир оила, айниқса, оналар хабардор бўлишлари керак. Чунки бундай комил инсонларни тарбиялаш жамият учун ҳам, ота-она учун ҳам бирдай зарурдир.

Тафаккур ёки фикрлаш – физиологик жиҳатдан инсон миясининг фаолияти маҳсули. Психологик жиҳатдан эса теварак-атрофни, ижтимоий муҳитни, воқеликни билиш асоси, шунингдек, инсон фаолиятининг оқилона, самарали амалга оширилиш шарти ҳисобланади. Сўзга айланувчи фикр эса шу жараённинг маҳсули. Бу жараён, ўз навбатида, одамнинг кўнгли, рухияти, ички дунёсининг бойлиги, дунёқарашининг кенглиги, билимдонлик даражаси билан бевосита боғлиқ. Инсон руҳияти қанча эркин шаклланса, унинг фикрлаши, нутқи, фаолияти ҳам эркин, тафаккури мустақил бўлади.

Фикр мустақиллиги ҳам унинг мантиқлилик, бадиийлик, ижодийлик, образлилик каби хилма-хил шаклларидан бири. Инсон тафаккурининг бундай сифатларига қанчалик кўп эга бўлиши унинг ақлий, руҳий, фикрий ҳамда жисмоний

баркамоллигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Одам ва олам ҳодисаларининг сир-синоатларини англаш, ўзликни тушуниш шу шакллар орқали амалга ошади. Бу ҳақиқатни Алишер Навоий: “Ҳар ишники қилмиши одамизод, Тафаккур бирла билмиш одамизод”, дея таъкидлаганлар.

Киши фикрий фаолиятининг мустақиллиги билан онгига акс эттирган, руҳияти билан ҳис қилган, кўнгли билан сезган нарса ва ҳодисаларнинг тўғрилигини, ҳақиқийлиги ҳамда унинг воқелик билан мутаносиблигини аниқлайди. Бу фаолият ҳар бир кишида ўзига хос тарзда, яъни унинг интеллектуал имкониятлари доирасида амалга ошади. Тафаккур мустақиллиги туфайли атроф-муҳитни билиш жараёнида ҳосил бўлган тушунчалар, хulosалар, фаразларнинг ҳақиқатга, воқеликка нечоғлик мослиги белгиланади. Мустақил фикрлаш орқали киши борлиқни, атроф-муҳитни умумлаштириб, буюмлар, ҳаётий ҳодисалар ўртасидаги ички мутаносиблиқ, ўзаро муносабат, хосса ва хусусиятлар ҳамда уларни бири билан боғлаб ёки ажратиб турадиган унсурларни англаб етади. Ақлий фаолиятида шундай амалларни бажариб, ўз фикри ва қарашларига эга бўлиб, уларни мантиқий асослай билган одам ҳеч қачон жиддий масалалар ҳал этилаётганда ўйламай-нетмай, кўшилиб кетавермайди, такдирини ўзгалар ҳал килиб юборишига йўл қўймайди. Фикр кишиси бирор фаолиятни бошлишдан олдин ўйлаб кўради, таваккалига иш тутмайди.

Бола тарбияси – ота-она учун ҳам, жамият учун ҳам муҳим иш. Яхши тарбияланган фарзанднинг камолини ҳам, ёмон тарбияланган боланинг жабрини ҳам аввало ота-она, қолаверса, жамият кўради. Тарбия жараёнида ўсиб келаётган авлодга сўз эркинлигини бериш оилада ота-онанинг, мактабда ўқитувчининг бурчи. Ота-она ҳам, ўқитувчи ҳам бола тафаккури мустақиллигини таъминловчи катта куч ҳисобланади. Уларнинг ўзаро ҳамкорлиги шакланаётган шахснинг баркамоллиги асосидир.

Жамият ижтимоий ҳаётида қандай мавқе ёки лавозимни эгаллашидан қатъи назар аёл – оилада она. Оила деб аталмиш муқаддас маконда фарзандларнинг ҳам руҳан, ҳам жисман соғломлигини таъминлаш вазифаси кўпроқ аёлнинг зиммасига юкланади. Мактабда ўқитувчининг

ўз предмети бўйича билимдонлик даражаси, касбий маҳоратларни нечоғлик чукур эгаллагани, айни замонда унинг шахсий фазилатлари тарбияланувчида инсоний сифатлар шаклланишида қай даражада аҳамиятли экани аён. Худди шу жиҳатлар оиласда онанинг зиммасида. Она маънавиятининг қанчалар соғломлиги, қай даражада бойлиги, дунёқарашининг нечоғлик кенглиги фарзанд камоли учун ҳал килувчи аҳамиятга эга. Шу маънода айтиш мумкинки, оиласда онанинг, мактабда ўқитувчининг савияси кўтарилсагина миллатнинг маънавияти, маърифати юксалади. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг камолоти таъминланади.

Таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар – ўқув-методик мажмуалар янги авлодининг яратилиши, уларнинг мунтазам равишда такомиллаштириб борилиши, ўқувчи шахсини таълим-тарбия жараёнининг иштирокчиси дажарасига кўтариш, ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларида педагогик ҳамкорликни таъминлаш, бу фаолиятнинг ўқувчи интеллектуал имкониятлари билан уйғун бўлишига эришиш каби талаблар оила билан ҳамкорликда амалга оширилмас экан, бу борада кутилган натижага эришиш амри маҳол.

Оила ва ундаги мұхитни, ота-онанинг билимдонлик даражасини жамият миллий тарбияшунослик илми олдига кўяётган талабларга мослаштириш даври аллақачон келган. Афсуски, мактаб ва оиласда бола шахсини шакллантиришга қўйилаётган рухий, ахлоқий ҳамда интеллектуал талаблар орасида тафовутни бартараф этиш йўлида қилинаётган ишларни, ҳозирча, талаб даражасида деб бўлмайди. Гап шундаки, бола мактабда, дарсларда ўқиган, билганларини оиласдаги кундалик фаолиятида узлуксиз тарзда давом эттиrolмаяпти. Мактаб билан оналар савияси, билимлилик даражаси орасида номутаносиблик мавжуд.

Маълумки, инсоннинг билиш фаолиятида ўзининг бевосита иштироки лозимлиги, ўқувчига тайёр назарий, амалий қонуниятларни уқтиравермаслик, шу ҳақиқатларни мустақил ишлаш, ижодий мулоҳаза юритиш, хуросалар чиқариш орқали ўзи кашф қилиши, фикрларини асослай билиши тарбияланувчи камолоти йўлидаги энг самарали усулдир. Шу маънода мактаб амалиётида бола

дарснинг ўқитувчи сингари эгаси сифатида фаолият кўрсатишига, ўкувчини таълим жараёнининг ижрочиси, субъекти даражасига қўтаришга, унинг билим олиши ва тарбияланишида ўзининг бевосита иштирок этишига, имкон даражасида ҳаракат қилинмоқда. Лекин таълим жараёнидаги бу ислоҳотлардан оналар етарли даражада хабардор деб бўлмайди.

Шу ўринда ўзбек оиласида мавжуд бўлган бир ҳақиқатга ўтиборни қаратиш мақсадга молиқдир. Гап шундаки, ўзбек оиласида болалар тарбияси тўлиғича аёл зиммасида. Ота бола тарбияси билан деярли бевосита шуғулланмайди. Кўпинча оналар тарбия жараёнида отанинг шахсидан фойдаланадилар. Масалан, она: “Отангга айтаман!” деб боласини бирор ёмон ишни қилишдан қайтаради, “Отангга қандай айтамиз?” дея болага қилган ишининг ёмонлик даражасини англатади ва бу билан бола шахси шаклланишида отанинг таъсир кучини ошириб боради. Айни замонда отанинг бола олдидағи обрўси ҳам сақлаб қолинади ва юксалиб боради. Фарзандини тарбиялашда она отанинг обрўси, шахсидан фойдаланади. Ота тарбия жараёнига фавқулодда ҳолатларда ёки боланинг қилмиши “газак олганда”гина бевосита аралашиши мумкин. Бунгача бўлган жараён она орқали бошқарилади. Шунинг учун оналар мактабда ўқитилаётган ҳар бир ўқув предметининг фарзанди шаклланишидаги аҳамиятини англашлари керак. Шунда боланинг мактаб ва оиласидаги ҳаёти орасида уйғунлик вужудга келади, ўсиб келаётган авлод маънавий камолотида оила ва мактаб ҳамкорлиги вужудга келади.

Бола тарбияси – жуда нозик масала. Маълумки, оналар кўпинча оиласида боласининг ҳар бир ишини ўзлари назорат қилишни маъқул кўрадилар. Боласининг қачон нима иш қилиши, қачон дарс тайёрлаши, қай пайтда ўйнаши, кимлар билан ўртоқ бўлиши-ю нима билан шугулланиш фойдалироқ эканини белгилаб берадилар. Фарзандининг ҳар кунги фаолияти бўйича ҳисобот ҳам талаб қиласидар. Бу она учун бола тарбиялашда энг яхши, осон ва кулагай усуладай туюлади. Чунки ҳаммаси у белгилаб қўйгандай, у талаб қилгандай кетяпти. Ҳаммаси кафтидагидек аён. Лекин афсуски, оналар тарбиянинг бундай тури фикрсизликка,

боланинг синиқ, муте бўлиб шаклланишига сабаб бўлиб қолиши мумкинлигини кўздан қочирадилар. Бу итоаткорлик, кўр-кўронада бўйсунаверишнинг оқибати нима бўлиши мумкинлигини ўйламайдилар. Фарзандига ёмонликни тилямаган ҳолда унга ёмонлик қилиб қўяётганликларини ўзлари сезмай қоладилар.

Аҳолининг кўп қисми шаҳарларда истиқомат қилаётган ҳозирги даврда боланинг фаолияти ҳамиша катталарнинг назоратида бўлгани маъқул, албатта. Бироқ болани тарбиялаш, худди мактабдагидек, бевосита ўзининг иштирокида амалга оширилиши лозимлиги ёдда тутилиши керак. Аёл учун ҳаётдаги энг азиз мева боласи экани ҳақиқат. У фарзанди учун ҳар нарсага тайёр. Лекин она улкан орзулар, яхши ниятлар билан боласи олдига қўяётган талабларга баъзан боланинг салбий муносабатда бўлиши шунчаки инжиқлик ёки қайсарлиқдан эмас, балки унинг кўнгли, руҳияти, қизиқиши ва имкониятларининг жамидан келиб чиқаётганини ҳам тушуниши керак. Ота-она ва бола ўртасидаги муаммоларга, ўзаро тушунмовчиликларга оиланинг ички иши деб қарамай, уларни атрофдагилардан яширишга уринавермай, бу муаммоларни соҳа мутахассислари бўлмиш педагог ва психологларни жалб қилиб, ҳал этиш даври келганини оналар тушунишлари керак. Онанинг фарзанд фикри, хоҳишистаклари билан ҳисоблашиши, боласини тушунишга ва у билан ҳамкорлик қилишга ҳаракати тарбияланувчи “мен”нинг шаклланиши учун катта аҳамиятга эга. Бу ўз навбатида, боланинг соғлом эътиқодли, ўзга инсоннинг туйғуларини англайдиган, ўткир ҳиссиётли, юксак дидли, ахлоқан баркамол, ақлан етуқ, ўз хатти-ҳаракатларига масъул инсон сифатида шаклланишида катта ўрин тутади.

Болада таълим мақсадига мутаносиб равишда китобга, бадииятга муҳаббат уйғотиш, дарсда уққанларига уйғун ҳолда бадиий адабиётга ошно этиш ҳам оналарнинг вазифаларидан биридир. Боласини бадиий сўз оламига киришга – эртак тўкиш, ҳикоя битиш, шеър ёзишига йўналтириш, унда санъатнинг бирор турига мойиллик уйғотиш, фарзандини сўз, мусиқа ёки тасвирни ҳис қилишга, тушунишга ўргатиш болани кўнгил кишислига

шайлантириши, ундаги қобилиятни истеъдод даражасига кўтаришида муҳим ўрин тутиши мумкинлигини оналар билдишлари лозим. Болага илк ёшидаёқ, худди алла айтган каби, эргаклар айтиш, ёддан шеър ўқиши, китоб ўқиб бериш, расмлар кўрсатиш унинг шаклланишида улкан аҳамиятга эга.

Баъзи оналар: “Ҳали ҳеч нарсани тушунмайди”, дега болалари билан шуғулланмайдилар, болаларининг “тушунадиган пайти” келишини кутадилар. Гўдакнинг она биланидалигидеёқ унга бўлган муносабат, болаликнинг илк даврида қилинган ишлар бола ҳаётининг кейинги босқичларида самарали натижа беражаги тажрибада кузатилиб, психология илмида тасдиқланган. Бола меҳр билан айтилган она алласини туйгани каби сўзни ҳам, мусикани ҳам, тасвирни ҳам туди.

Боланинг қизиқишлиарини инобатга олиш, бу йўлда унга керакли шарт-шароитни яратиб бериш, муваффақиятларидан қувониш, уларнинг эрки, орзулари, мустақиллигига дахл қилмаслик, баъзан бу эркинлик туфайли мушкулроқ ҳолатларга тушиб қолингандан ҳам, унга газаб билан эмас, ҳамдардлик билан ёндашиш, умуман, болаларга самимий муносабат уларда инсоний физиолатларнинг шаклланишига олиб келади. Боланинг ўқини ёки шахсий ҳаётидаги муаммоларни ҳал этишда унга яқин бўлган кишиларнинг аёвли муносабати шаклланаётган шахсда мавжуд эзгу маънавий сифатларнинг киттийлашишига кўмаклашади.

Боланинг мактаб ҳаёти билан оиласдаги фаолиятини бир-бирига яқинлаштириш йўлида амалий ишга ўтиш ҳақида кўп танирилди. Илгари сурилган бу фикрларни амалга ошириши учун оила марказларида, маънавият ва маърифат үчононларида, таълим муассасалари ҳамда маҳаллаларда, радио ва телевидениеда маҳсус “Оналар мактаби” ташкил этишини айни муддаодир. Ҳозир босилиб чиқаётган педагогик рисолалардан оналарнинг кўпчилиги баҳраманд эмас. Мина шундай адабиётларни ўқиган она ўз оналик фаолиятиди, тарбиявий ишларида шулардан фойдаланади. Бу борада ҳим оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигига эришиш керак.

2002.

МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШ ХАЁЛ СУРИШДАН БОШЛАНАДИ

Бугунги тарбия амалиёти, хоҳ у болалар боғчасида бўйлсин, хоҳ мактабда, ўз моҳиятини ўзгартирмоқда. У жамият ва миллат талаб қилаётган маънавий баркамол авлодни шакллантириш йўлида изланяпти. Ўсиб келаётган авлоднинг мустақил фикр эгаси бўлишига жиддий эътибор қаратилаётган бир пайтда мактабгача тарбия муассасаларидағи таълим-тарбия жараёнининг тўғри ташкил этилиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Таълим-тарбия узлуксиз ва узвий жараёндир. Маълумки, бола уйда ҳамиша катталарнинг меҳр-муҳаббати ва эътибори марказида бўлади. Ҳар бир ота-она ўз фарзандини ҳам жисман, ҳам руҳан соғлом ўстиришга ҳаракат қиласди. Боласининг интеллектуал имкониятлари ва хусусиятларини ўрганади. Фарзандининг қизиқиши ва қобилиятига қараб, уни маҳсус мактабларга тайёрлайди.

Жамиятдаги ўзгаришлар натижаси ўлароқ ота-оналар фарзандлари учун маҳсус ўқитувчилар ёллаб уларни тайёрляяптилар, четтилларни, компютердан фойдаланишини ўргатмоқдалар. Уларни маҳсус спорт, рақс мактабларига олиб бормоқдалар ва ҳк. Қисқаси, фарзандининг келажаги учун кўпчилик ота-она ўз имконияти доирасида ҳаракат қилмоқда. Лекин ҳаётининг маълум қисми болалар боғчаларида ўтаётган гўдаклар маънавияти шаклланиши ва ривожланишида ота-оналар билан бирга ўша тарбия муассасалари ҳам бирдай масъулдирлар. Айниқса, “боғча опа”лар ўз тарбияланувчиларининг жисмонан ва маънан камолоти йўлида бурчли шахслардир. Лекин улар гўдакларни тарбиялаш йўлларини билишадими? Ўсиб келаётган авлодни фикр кишиси қилиб тарбиялаш муаммоси пайдо бўлгандан бери бу йўналишда тарбиячиларга жўяли илмий-методик ёрдам берилмаганлиги айни ҳақиқат. Болаларни мустақил фикрлашга ўргатиш масаласи билан шуғулланиб кеслаётган мутахассис сифатида “боғча опа”лар билан айрим мулоҳазаларни ўртоқлашмоқчимиз.

Боғча ёшидаги болаларни фикр кишисига айлантиришнинг бирдан бир йўли – уларни ижод билан ошно қилишdir. Болалари қадрли бўлган, уларни интеллектуал

стук, улкан орзулар қиласынан да орзуларига эришишга қодир баҳтиёр авлод бүлиб шаклланишини истаган ҳар бир миллат фарзандларини ҳәлот оламига, кашфиётлар дүйсисига олиб киришга ҳаракат қиласы. Бунинг учун зарур шарг-шароитларни яратади. Мамлакатда таълим-тарбия борасыда амалга оширилаётган ишлар сафидар тарбиячилар малакасини ошириш йўлида ҳам муайян ҳаракатлар қилинаётir. Малака ошириш курсларида тарбиячиларга болаларни фикрлашга ўргатиш юзасидан муайян илмий ва амалий тавсиялар берилмоқда. Лекин болаларни ижодга ошино қилиш борасыда амалга оширилаётган ишлар ғоят кам эканини ҳам тан олиш лозим.

Эртак тўкиш болага инсон учун ўта зарур бўлган кўп ҳақиқатларни тақдим этадиган воситадир. Буни боғчаларда болаларни эртак эшитишга, айтишга, ҳар хил ҳодисалар хикита тизимли ҳикоя қилишга ўргатиш орқали амалга ошириш мумкин. Масалан, болалар билан “Эртакчи бобо ёки момо” ўйинини ташил қилиш мумкин. Одатда, болалар нағарида, бобо-бувишлар эртаклар хазинасига ўхшайди. Улар ҳар хил эртакларни жуда кўп биладилар. Тарбиячи болакайларга эртакчи болани бобо ёки буви кийимида кўриш кучлироқ таъсир қилишини яхши билади. Бу ўйинда болалар навбат билан эртакчи момо ёки бобо кийимида уртоқларига ўзлари ўйлаб топган воқеаларни, эшитган ёки тўқигай эртакларини ҳикоя қиласидилар. Ўзининг ўртоги, тенгдоши айтиётган эртак, у тўкиган ҳикоя атрофдагиларга ким қизиқарли бўлади. Тарбиячи эса “эртакчи”нинг “исар”ини сўзма-сўз ёзиб бориши керак. Бу нарса болани эртак тўкишга жиддий ёндашишга, эртагини қизиқарли қилиш учун ҳаракатга ундейди. Тарбиячи болаларга тўқинажак эртак мавзуларини тавсия қилиши ҳам мумкин.

Тарбияланувчиларга “Ассалому алайкум” сўзи билан эртак тўкишни таклиф қилиш мумкин. Бунда болалар “ассалому алайкум”, “раҳмат”, “марҳамат”, “илтимос”, “қашрасиз” сингари “сехрли” сўзлар билан боғлиқ ишиттишларини эслали, улар билан боғлаб ҳодисалар тўкиши мумкин. Албатта, болалар айтган эртакларда чуқур маъно, пухта мантиқ бўлмаслиги табиий. Бу ёшда маъноматтаник мухими эмас. Энг мухими – жараён. Бола бу жараёнда

мустақил ривиншда ўйланади, изланади. Ақлини, хотирасини үткестери билан зўриқтиради. Чунки бу ўйин унинг учун кизиқ, унги ёқади. Бу жараёндан у чинакамига завқланади.

Болаларни хаёлпарастликка – ижодга йўналтириш учун тирбиячи “Нима бўларди агар сиз сув ости мамлакатига тушиб қолсангиз”, “...бутун дунёда пул бўлмай қолса”, “...боғчамиз космосга чиқиб қолса”, “...боғчамиз учадиган бўлиб қолса”, “...дунёда шакар йўқ бўлиб қолса” сингари улар учун бевосита тегишли бўлган ҳолатлар ҳақида эртак-хикоялар тўқишига ундаши катта тарбиявий самара бериши тайин. “Мана, эшик таққилади. Очсангиз, остоноада (мультиклар қаҳрамонлари) турибди” сингари фаразлар ўртага ташланиб болаларни шу борада ҳар хил эртаклар тўқишига ўргатиш мумкин. Болаларни шунаقا кутилмаган, мантиққа сифмайдиган мавзулар кўпроқ қизиқтиради. Бундай ишлар уларнинг тасаввур оламини кенгайтиради. Ҳар қандай қизиқарли ўйин боланинг ривожи учун фойдали.

Боғчадаги эртак машғулотларида эртак тугагандан сўнг тарбиячи бирор замонавий сўзни айтади. Болалар шу сўз кўмагида эртакни давом эттирадилар. Ёки болаларга таниш эртакнинг энг қизиқарли жойига келганда тўхтатиб қўйиб эртакнинг мазмунига бутунлай зид бўлган қўшимча сўз таклиф қилинади. Тарбиячи аввал шу сўз кўмагида янги эртакни ўзи айтиб, кўрсатиб беради. Болалар учун яхши таниш бўлган “Зумрад ва Қиммат”, “Уртўқмоқ”, “Бўғирсоқ” сингари эртаклар билан шундай ўйинлар ташкил қилиш мумкин. Бу ижодий машғулотнинг ўз лаззати бор. Тарбиячи болаларга шу лаззатни қайта-қайта туйиш имконини яратиши керак. Бу лаззат уни янги-янги изланишларга ундейди.

Эртак қаҳрамонларини ўзгартириш иши ҳам болаларни ўйланишга, таклифлар киритиши, эътиrozлар билдиришга ундейди. Масалан, Қиммат билан онаси жуда яхши, меҳрибон. Зумрад эса дангаса, ёмон қиз. Тарбиячи шундай давом этавергани сари болалар уни тузата борадилар. Бу изланиш жараёни хисобланади.

Эртаклар қаҳрамонларининг ўрнига болаларнинг, уларнинг ота-оналари ва қариндошлари номини қўйиб айтиб бериш ҳам болаларда шахслик белгиларининг

пайдо бўлишига катта ёрдам беради. Эртак қаҳрамонлари ўрнида аждар билан олишиш, ўғриларни енгиш, заифларни ҳимоя қилиш унинг руҳиятига ўзига ишонч ҳиссини солади. Ичидаги тушунарсиз ва сирли кўркувни енгишга кўмаклашади. Фақат ҳаммаси реал бўлиши, ростакам, жиддий ифодаланиши керак. Воқеалар марказда эса реал бола бўлиши керак. Шунда болаларнинг айримлари ўзларини қоронғилик ёки ҳайвонлардан кўрқмайдигандек ҳис қиласидилар. Бу билан тарбиячи болаларнинг ҳаётдаги ўз ўрнини топишига кўмаклашган бўлади. Ўзини воқеалар марказида тасаввур қилиш, ўзлигини англаш учун ёрдам беради.

Одатда болалар ўз имкониятларидан баланд масалаларни ҳал этишни хуш кўрадилар. Қўлларидан келмайдиган ишларни қилишга тиришадилар. Тарбиячи болаларга хос бўлган мана шу табиий ҳолатдан фойдаланиши керак. Тарбия боладаги табиийлик билан уйғун бўлгандагина унга “юқади”. “Бу болага оғирлик қиласи”, деган фикрни биринчи иланга чиқармаслик керак. Шу билан бирга, бериладиган топшириқ боланинг интеллектуал имкониятларидан баланд бўлиши ҳам мумкин эмас. Бу унинг шаштини қайтариб кўйиши мумкин. Топшириқ шундай танланиши керакки, бола бир оз қийналиб, изланиб, ақли, хотираси ва билимини зўриқтириб, вазифани бажарсин. Болаларни бундай ишлата билиш тарбиячининг маҳоратига боғлиқ.

Шу билан бирга ҳеч қандай таъқиқлар бўлмаслиги керак. Ижод пайтида, эртакчилик минутларида ҳамма хоҳлагандай ўтирсин. Ким эшитади ким эшитмайди, бунинг ҳам унчалик аҳамияти йўқ. Бордию, танбех берилса ҳам уни боғча опа эмас, болаларнинг ўзлари қилгани маъқул.

Бундан ташқари, бир неча киши бўлиб расм чизиш ҳам болаларни ижодга ундейди. Болалар ихтиёрий равища 3-4 кишилик гурухларга бўлинишади. Расмни бири бошлайди, иккинчиси давом эттиради – уларнинг ҳар бири ўз тасаввури билан давом эттиради. Чизгилар бири бирини тўлдириши, учинчиси расмга бутунлай бошқа, бегона нарсани ёпиштириши мумкин. Натижада тушунарсиз бир шакл пайдо бўлади. Маъносиз нарсадан мантиқ сари борилади. Болалар бир-бирларининг суратларини кўриб

кулишари, ундан мантиқ топишга интилишари, ном қўйишига тиришишлари мумкин. Мана шу ижод жараёнида кечилган туйгулар самимий, табиийдир. Тарбиячининг вазифаси уларни шундай ижод ҳолатига сола билишдан иборат. Болалар бу ўйиннинг ҳавосини бир қадар олганларидан кейин ўйлаб чиза бошлашади.

Маълумки, боғча ёшида ҳам, илк мактаб даврида ҳам топишмоқлар топиш болалар учун жуда қизиқарли жараён. Бу шунинг учун қизиқки, бу билан болалар ўзлари учун номаълум бўлган нарса-ҳодисалар дунёсида кашфиётлар қиласидилар. Ўзлари учун ўзлари “сюрприз”лар қиласидилар, хурсанд бўладилар. Билиш, кашф этиш ҳамиша ҳам ёқимли жараён. Уларни топишмоқлар тўқишига ўргатиш ундан ҳам қизиқарлироқ бўлади. Масалан, бирор предмет – ручка, қалам, қошиқ ва ҳ.к. буюмларнинг вазифаси, ҳолати, шакли ва кўриниши тарбиячи томонидан содда, болалар учун тушунарли қилиб айтиб берилади. Болалар эса эшитганлари асосида топишмоқ тўқишида. Бу ҳолат ҳам болаларнинг борлиқни билишида ўзига хос манба ҳисобланади. Бола учун дунё сирли ва тушунарсиз. Топишмоқлар тўқиши ва топиш жараёнида бола мана шу сирлар оламига киради, нарса ва ҳодисаларнинг хусусиятларини ўрганади, шунга таяниб уни кашф этади. Топишмоқлар тўқиши ва уларнинг жавобини топиш болалар учун катта завқ беради. Мана шу завқ уни янги-янги кашфиётларга ундайди.

2002.

ЎҚУВЧИЛАРНИ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШДА ЭРТАКНИНГ ЎРНИ

Ёш авлодни жисман ва руҳан баркамол қилиб тарбиялаш тез ва осон амалга ошадиган иш эмас. Бунинг учун мактаб ва ўқитувчилардан тўғри белгиланган мақсад асосида йиллар давомида қатор вазифаларни ўз вақтида амалга ошириш талаб этилади. Шуни эсда тутиш керакки, мактаб ва ўқитувчининг ютуғи тезда кўринмагани каби хатоси ҳам ўша заҳоти эмас, орадан йиллар ўтгач юзага чиқади ва бу вақтда ушбу хатоларни тузатишнинг имкони бўлмай қолади.

Маълумки, боланинг борлиқни билиш фаолияти у

дунёга келиши билан бошланади. Фақат бошланғич таълим босқичига қадам қўйганда жараён шаклан ҳам, мазмунан ҳам маълум тартибга солиниб, тизимли кўриниш олади. Мактаб ҳёти ташки ва ички жиҳатлари билан оила ёки мактабгача таълим муассасаси ҳётидан фарқ қиласди. Бола биринчи синфга келишдан олдин ўз ҳаётининг бу босқичи билан қизиқа бошлайди. Мактабга келгач эса уни бевосита ҳис қиласди. Боланинг эркин яшаш тарзини ўзгартириб, қолипларга солинган мактаб ҳётига мослашиши осон кечмайди. Бошланғич синфларда билим олиш жараёнининг ўйинлар шаклида амалга оширилишининг боиси ҳам шундан. Бу таълим жараёнини инсон табиатига мослаштириш демакдир.

Болаларга бетиним жиддий топшириқлар бериб, устмас-уст назарий билимлар сингдириш уларни ўқишдан бездириб қўйиши мумкин. Ақлий зўриқицдан толикиб, унга қарши қандай курашиш кераклигини билмаган бола ўқимай кўя қолади. Кичик мактаб ёшидаги болаларда бундай ҳолат жуда кўп учрайди. Боланинг мустақил фикрлаши, бадиий ижодкорлиги илмий-назарий билимларни эгаллаш услубини ўйинлар асосига қуришнинг ўзи алоҳида муаммодир. Чунки баркамол авлодни шакллантиришнинг бош омили уни мустақил фикрлашга ўргатишидир. Ўз фикри ва мустақил қарашига эга бўлган киши ўқиган, эшитган, кўрган-билганини мулоҳаза қиласди, ўз фикрига эга бўлади, қарашларини асослайди. Агар болалар даврга мос қилиб тарбияланиши исталса, аввало, уларнинг бадиий адабиётга ошно бўлиши таъминланиши шарт. Италиялик машхур эртакчи Жанни Родари айтганидек: "...сўзга эркин эгалик қилиш барчанинг санъаткор бўлиши учун эмас, балки ҳеч ким қул бўлмаслиги учун зарурдир".

Болалар ўз имкониятларидан ортиқроқ ишларни бажаришни хуш кўрадилар. Психологларнинг фикрича, бу болаларнинг руҳий камолоти ва жисмоний ўсишини таъминловчи асосий омилдир. Улар табиий равищда шунга интиладилар. Бошланғич синфларда болаларнинг мана шу интилишини мустақил мулоҳаза юритишга, фикр айтишга ўйналтириш уларнинг маънавий тўқис шахслар сифатида шаклланишини таъминлашда катта аҳамият касб этади.

Бу ўт таңбатида, таълим-тарбиянинг кейинги босқичидаги тадбирир самарадорлигини таъминлашга ҳам хизмат қилиди. Бонланғич мактабда шакллантирилган маънавий фасилаттар боланинг кейинги умри давомида қарамлик, мутеник, масъулиятсизлик, ёлғончилик каби иллатлар пайдо бўлиншига йўл қўймайди.

Психология илмида таъкидланганидек, инсоннинг исли, қарашлари курашлар асносида туғилади ва ўсиб ривожланади. Бас, шундай экан, болаларни ўйинлар асносида тинимсиз равишда мустакил мулоҳаза юритишга, муносабат билдиришга, фикр айтишга ундаш, хаёлот дунёсига сайд қилдириш, рухий, ақлий зўриқишиларсиз улар истаган йўллар билан ўзларини ўзлари тарбиялашларига кўмаклашиш лозим. Ўзбек китобхонларига яхши таниш бўлган италиялик ёзувчи Жанни Родари бунинг хилма-хил варианtlарини ишлаб чиқкан, мактабларда синовдан ҳам ўtkazgan.

Мана шундай ижодкорликка ундовчи машғулотлардан бири “Сўз ва ҳодисаларни эслаш” ўйинидир. Дарстаҳтага “китоб” сўзи ёзилади. Ўқувчилардан шу сўзнинг бош ҳарфи билан бошланадиган бошқа сўзларни айтиш талаб қилинади. Бу ўйинда қанча кўп ўқувчи иштирок этиб, қанча кўп сўз топилса, шунча яхши. Ўқитувчининг вазифаси “топилма”ларни дарстаҳтага ёзib боришдан иборат бўлади. Ўқувчиларнинг “к” ҳарфи билан боғлиқ сўзлари тугаганда кейинги ҳарф билан машқни давом эттириш мумкин ва ҳк. Шу тариқа тарбияланувчиларнинг луғат бойлиги ортиб боради. Айни вактда, ўқувчиларга китоб билан боғлиқ барча ашёлар номини эслашга тўғри келади. Охирги босқичда китоб билан боғлиқ бирорта эртак, хикоя, шеър тўқишини сўраш мумкин. Бунда ўқувчиларга юқорида тўпланган материаллар қўл келади. Бу топшириқнинг бажарилишида олинган натижалар дастлаб балки кутилганидек бўлмас, лекин у такрорланаверса, албатта кутилган натижага эришилади.

Топшириқлар босқичма-босқич мураккаблашиб боради, болаларнинг фаолияти жиддийлашади ва жадаллашади. Шунинг учун у дарсда зерикмайди. Топшириқларни бажариш жараёни қизиқ бўлгани учун болага ақлан

зўриқиши малол келмайди. Бола ўйин жараёнида фикрлайди, ўз лексик бойлигини титкилаб, уни фаоллаштиради. Ўйин давомида кимдир фикрини мантиқ асосига қуради, кимдир сўзларни тасодифан айтади. Бошида бунга ортиқча аҳамият бериш керак эмас. Мұхими, болаларнинг фикр юритиб, мустақил мулоҳаза қилаётгани. Ўқувчиларнинг ўқитувчи айтиб берганларини қайтариб лоқайд ўтирганларидан кўра қандай бўлса-да, ўзлари мулоҳаза юритишга ўргангандари маъкул.

Бошланғич синфларда ўқувчилар тасаввурини, мустақил, ижодий фикрлаш кўникмасини шакллантирувчи, ақлини пешлаб, зеҳнини ўткирловчи фаолият турларидан бири синфда “Эртакчи” курсисини ташкил этишдир. Мазкур ўйинда ўқувчилар ўзлари тўқиган эртак, ҳикоя ёки воқеа-ҳодисани навбат билан эртакчи курсисида ўтириб, айтиб берадилар. Бунда болалар ўз хаёлот олами, билимлари дунёсида кезиб эртак ёки саргузашт тўқийдилар, яъни ижод қиладилар. Тасаввурларини ўзларича тизимга соладилар. Ўртоқларига қандай таъсир қилишини ўйлаб безовта бўладилар, изланадилар. Албатта, ҳамма болалар ўз эртаги ёки ҳикояси билан ўртоқлари ва ўқитувчисини лол қолдиргиси, ҳайратларга солгиси келади. Шу боис уларнинг туйғуларини хис этиб, “ижод” намуналарини хурмат қилиш – ўқитувчининг бурчи. Болалар ижоди савияси қандай бўлишидан қатъи назар уларни танқид қилиш, камситиши мумкин эмас. Боланинг бир мунча ихтиёрий зўриқиши, ҳаяжони, ақлий ва руҳий интилиши, завқли меҳнати натижаси бўлмиш эртак қадрланиши керак.

Навбатдаги ўйинни шартли равища “Хатолар устидан кулиш” деб номлаш мумкин. Бу ўйинни олдин ёздирилган иншо ёки диктант устида ишлаш жараёнида қўллаш самарали бўлади. Ўқитувчи болаларнинг ёзма ишларини текшираётганда, йўл кўйилган хатоларни ажратиб олади. Масалан, “лўппи” сўзининг ўрнига ёзилган “дўппи”, “олма” сўзи ўрнига битилган “ома”, “болари” ўрнида қўлланган “болалари” ва ҳ.к. Ўқитувчи шу каби “ижодий” хатоларнинг муаллифларини (болаларнинг шахсиятига тегмаслик учун) сир сақлаган ҳолда ўқувчилардан улар кўмагида бирорта, иложи борича кулгили эртак ёки ҳикоя тузишни

таклиф қиласы. Үқувчилар үз хатоларининг устидан кулиш жараёнида кейинги сафар зийракроқ, эътиборлироқ, билимлироқ бўлишга тиришадилар. Бу үйинлар дастлабки машғулотларда кутилган натижани бермаслиги мумкин. Бироқ болаларда муайян кўникма ҳосил бўлганидан кейин бу машғулот, албаттга, самара келтиради.

Кичик үқувчиларда мустақил фикр шакллантиришда қўл келадиган яна бир ўйин – таниш эртакдан олинган бешта сўз битта бегона сўзни қўшиб янги асар яратиш. Масалан, “ўгай”, “эрка”, “дангаса”, “мехнатсевар”, “сехргар кампир” каби таниш сўзлар дарстахтага ёзилади ёки карточкаларга ёзиб тахтага ёпишириб қўйилади. Уларга “кулол” деган бегона сўз қўшилади. Болалар аввал таниш сўзларга асосланиб эртакнинг номини аниқлайдилар: “Зумрад ва Қиммат”. Шундан сўнг бегона сўз кўмагида эртакни давом эттириш таклиф этилади. Буни ёзма равишда ҳам, оғзаки тарзда ҳам ўюштириш мумкин. Ана сизга ижод!

Үқувчилар тузган эртакларини синфда ўқиб ёки айтиб берадилар. Мазмунли, мантиқли “асар”ларнинг муаллифлари рағбатлантирилади. Бу билан уларнинг руҳияти қўтарилиши табиий. Кўтаринки руҳият, яхши кайфият билан улар дунёнинг топшириқларини бажарив юборадилар. Бир олам яхшиликлар қилишга қодир бўладилар.

Үқувчилар дастур материалларини камида давлат таълим стандарти талаблари даражасида ўзлаштиришлари шарт. Ўқитувчи билимларни ўзлаштириш жараёнини мана шундай үйинлар асосига қура билса, билим олиш шодлик ва завқ манбаига айланиши, нафакат стандарт, балки дастурий талабларга ҳам тўла жавоб берадиган үқувчилар сонининг ортиши табиий. Фақат ўқитувчи зийракроқ бўлиб үқувчиларни баҳолашда “яратилган” эртак, ҳикоя ва саргузаштлар болалар фантазияси маҳсули эканини кўзда тутиши керак.

Болалар хаёлот оламига сайр қилганда уларга ғайриоддий саволлар билан мурожаат қилиш ҳам ажойиботлар яратилишига туртки бўлади. Масалан, “Нима бўларди агар...:

- дунёда пул бўлмай қолса;

- дарахтларда барглар ўрнига пул униб чиқса;
- Тошкент сув ости шаҳрига айланиб қолса;
- ўқитувчилар ёмон баҳони унтиб қўйсалар;
- сиз сеҳрли қалпоқча топиб олсангиз;
- динозаврлар дунёсига тушиб қолсангиз ва ҳк.

Бу каби топшириқлар болаларнинг хаёлот дунёсига шўнғиб кетишларига шароит яратади. Шунда ўқувчилар ўқитувчи истаганидан ҳам кўра кўпроқ фикрлайдилар, изланадилар.

Шуни таъкидлаш жоизки, бундай таълимда ўқитувчи фақат ўқитадиган, билим берадиган ёки тарбияладиган, айтганларини қайтаришни талаб қиласидиган субъектлик мақомидан бир қадар “маҳрум” бўлади. У боланинг билимларни ўзлаштиришига кўмаклашувчи, уларни маънавий-рухий тараққиёт сари йўналтирувчи, шаклланаётган эзгу фазилатларни ривожланишига ёрдам берувчи, ижодий фикрлаш машқларида ўқувчилар билан биргаликда ҳаракат қилувчи ҳамкордир.

Бу сингари хаёлот машқларини ўқитувчи истаганча кўллаши мумкин. Фақат бу жараёнда ўқитувчи ўзбекка хос бўлган миллий қадриятларнинг, миллий руҳнинг посбони бўлиши лозим. Токи эркинликка интилаётган ёш авлод ўзи учунгина қулай бўлган ҳаётта шўнғиб кетмасин. Фақат ўзига тегишли муаммолари билан ўралашиб қолмасин, ўзгалар олдидағи бурчларини унтиб қўймасин. Ота-она ва фарзанд, ака-ука ва опа-сингиллар орасидаги жигаргўшалик туйғуси индивидуализм ҳиссига қурбон қилинмасин.

САМАРА ИЗЛАНИШДА

Мактабнинг турли босқичларида Алишер Навоий ижодини ўрганишнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш мақсадида ўрта умумий таълим ва бошланғич синфларда буюк аллома асарларини ўқитишининг боғланганлик даражасини аниқлаш учун I–IV синфлар “Ўқишикитоби” дарслклари кўздан кечирилганда маълум бўлдики, ҳар бир бошланғич синфда Алишер Навоий ижодига мурожаат қилинган. Масалан, биринчи синф учун мўлжалланган “Она тили ва ўқиши” дарслигига Навоийнинг

ҳикматли сўзлари ва у ҳақидаги “Нон иси”, “Шарафли бурч” ривоятлари, 2-синф “Ўқиш китоби”да “Садди Искандарий” достонидан ҳажми унча катта бўлмаган ҳикоят, “Алишер билан булбул”, “Шоир билан шоҳ”, “Ёлғончи” шеъри, 3-синф “Ўқиш китоби”да “Алишернинг ёшлиги”, “Доноларнинг доноси”, “Азиз устоз бобом”, “Навоий ҳикматлари” ва 4-синф “Ўқиш китоби”да “Алишернинг ёшлиги” матни ўрганиш учун тавсия этилган.

Ушбу асарлар тизими орқали Навоий ижодини ўрганишда узлуксизликни таъминлаш кўзда тутилган. Лекин дарсликлар савия ва мазмун-моҳиятига кўра ўқувчидан орқада қолаётгандек тасаввур пайдо қиласди. Матнлар мазмунни, улар юзасидан тақдим этилган дидактик ашёлар, тузилган савол-топшириклар бугунги талабларга етарли даражада жавоб бера олмайди. Масалан, биринчи синф ўқувчиси учун тақдим этилган “Нон иси” ривояти юзасидан тузилган “Ҳусайн Бойқаро нима келтиришни буюрди? Вазирлар кимга мурожсаат қилишди? Китобдан ўқиб беринг. Навоий саройга нима олиб борди? Ҳусайн Бойқаро Навоийга нима учун раҳмат айтди?” каби савол ва топшириклар ўқувчини матннинг мазмунини қайта эслашгагина хизмат қиласди. Аслида, улар ривоятнинг ички моҳиятини, Навоийнинг шахсини очишига қаратилмоғи лозим эди. Ўқувчи дарслиқдаги саволларга жавоб қидириш асносида алломанинг шахсий сифатларини ўзи очсинким, миллат улуғларининг нафақат ёзганлари, балки инсоний сифатлари ҳам ўқувчиларнинг маънавий камолоти йўлида хизмат қилсан.

Миллатнинг баркамол кишилари ҳаёти ва ижоди нима учун дарсликларга киритилади? Ўқувчини ўзбекнинг шундай адаби борлигидан хабардор қилиш учунгинами? Бугунги кунда билиб қўяқолишнинг ўзи камлик қиласди. Энди, билганларини ўзига сингдирадиган, маънавий камолоти йўлида ўзи меҳнат қиласидиган, ўзлаштирганлари орасидан муҳимни номуҳимдан ажратиб, ҳаётида фойдаланиш қўлидан келадиган инсонлар тарбияланиши лозим. Юқорида тилга олинган ривоят бўйича: “Навоий Ҳусайн Бойқаронинг янги ёпилган нон исини қўмсаётганини қандай билгани ҳақида ўйлаб кўринг-чи? Бу нимадан далолат

беради? Сиз янги ёпилган ноннинг хидини туйганимисиз? Унинг қанақа бўлишини сўз билан ифодалашга уриниб кўринг. Навоий қилган иши орқали унинг қандай одам эканига баҳо бера оласизми?” каби савол-топшириқлар ўртага ташланса, болалар фикрлай бошлайдилар, матнга қайта-қайта мурожаат қиласидилар, жавоб қидирадилар. Мана шу изланиш билим олиш йўлида меҳнат қилиш бўлади.

Шу дарсликдаги “Шарафли бурч” ривояти бўйича ҳам “Алишер Навоий қаердан келаётган эди? У киши қабристон олдига келганда нима қилганларини айтинг. Алишер Навоийга мулозимлари нима деб савол беришиди? У киши мулозимларига қандай жавоб қилганларини китобдан ўқиб беринг” каби савол-топшириқлар тақдим этилган. Ўқувчи учун Навоийнинг қаердан келаётгани муҳимми ёки у қилган ишнинг моҳиятини очиш зарурроқми?

Бу ўринда матн юзасидан тузилган савол-топшириқлар, асосан, Навоийнинг қилган иши ва айтганларининг таҳлилига қаратилмоги лозим эди. У кишининг нима қилгани ва жавобини китобдан шунчаки ўқиб қўяқолишдан кўра нега шундай килганини таҳлил қилиш, унга боланинг муносабатини уйғотиш шаклланаётган шахс учун фойдалироқ. Навоий нега отдан тушгани ўз сўзлари орқали маълум бўлди. Лекин мулозимлар, ҳеч нарсадан бехабар аскарлар нега отдан тушишди? Бола уларнинг хатти-ҳаракатини таҳлил қилсин. Инсоний муносабатлар моҳиятига кирсин. “Биринчи синф ўқувчилари бундай тоншириқларни бажаролмайди” деган эътиroz ўринисиз. Бугунги ўқувчи ахборотлар оқими замонида яшаяпти. Унинг фикрлаш савияси, билим даражаси олдингиларницидан анча баланд. Шундай экан, дарсликлар ўқувчи билан тенг “қадам ташлаши”, синфдаги энг илфор ўқувчи ҳам дарсликдан ўзи учун керакли билим олиши керак.

Иккинчи синф ўқувчиларига тавсия этилган ҳикоят ҳам ўзига хос тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, бу ёшдаги ўқувчига мос дейиш мумкин. Лекин, матн юзасидан тузилган савол-топшириқлар шунчалар жўнки, улар билан ишлаган ўқувчи бу матндан ўз маънавиятини бойитиш йўлида ҳеч нарса ололмайди. Ўқитувчи ва ўқувчи “Каптар қаёққа учиб кетаётган эди? Каптар учиб кетаётганда қандай воқеа

содир бўлди? Кишилар нима қилмоқчи бўлдилар? Ҳикоят қандай якунланган?” каби саволлар билан ишлаш учун бола ўйлаб ҳам ўтирмайди, ҳеч қандай ақлий фаолиятга ҳожат ҳам йўқ. У ҳозиргина ўқитувчиси ўқиб берган матндан эсида қолган воқеани қайта айтиб бериб, баҳо олаверади. Баҳо олиши билан бу ҳикоят унтилади. Таълимнинг бундай бир ёқлама шаклида жонли туйғулар, фикр иштирок этмайди. Бундай таълим ҳаракатсизликка, фикрсизликка ўргатади.

Ўкув материалини ўқувчи онгли равишда ўзлаштириб олиши учун у, албатта, ўзи ишлаши керак. Ўқувчига тайёр тушунчаларни бериш ўқитиш эмас. Ўқувчининг маълум билимларни ўқитувчи айтганлари эслаб қолиши ёки китобдан ёдлаб олишини билимларни онгли равишда ўзлаштириш билан тенглаштириб бўлмайди. Ўқувчини воқеа-ҳодисаларни кузатишга, уларни ўзаро таққослашга, ўхшаш ва фарқли томонларни кўра билишга одатлантириш керак. Ўқиши дарсларида буларни амалга ошириш учун матн юзасидан болани фаолиятга ундейдиган шундай савол-топшириқлар берилиши керакки, бола уларга жавоб бериш давомида ақлини зўриқтиришга мажбур бўлсин. Осон ўзлаштирилган нарса осон унтилгани каби, меҳнатсиз эришилган билим ҳам ўқувчи онгида из қолдирмай ўчиб кетади.

Ўқитувчи ҳикоятни ўқиб бўлгач, ўқувчиларга “Кушнинг бир неча кунлик йўлни оз фурсатда босиб ўтиши сабабини топишга уриниб кўринг. Уни бунга ундан нарса, сизнингча, нима? Каптар уйини тополмаса ҳам ўша атрофда айланиб учаверганига муносабат билдира оласизми? Шу ҳақда ўйлаб кўринг. Каптарнинг унга берилган емишларга эътибор ҳам қилмай уйини қидираверганига қандай қарайсиз?” каби савол-топшириқлар билан мурожаат қилса, болалар матннинг сўнгти хатбошисида чиқарилган хуросага матнни таҳлил қилиш давомида ўzlари келган бўларди.

Айрим методист олимлар ва ўқитувчилар орасида: “Мустақил фикрлаш кичик ўқувчига оғирлик қиласи” деган қарашиб кенг ёйилган. Гап шундаки, дарсда ўзлаштириладиган билимга боланинг қизиқиши уйғотиб олинса, методика ва психология илмидан маълумки, билиш, ўрганиш ўқувчига ҳеч қаҷон малол келмайди. Унга ўзи қизиқсан нарсаси

олдида, мақсади йўлида ҳеч нарса оғирлик қилмайди, қанча қийин бўлса ҳам орқага чекинмайди. Яна шу нарса маълумки, болага қизиқарли бўлган нарсагина унда инсоний сифатларнинг шаклланиши ва ривожланиши учун фойдали бўлади.

2-синф дарслигида тавсия этилган “Алишер билан булбул”, “Шоир билан шоҳ”, “Ёлғончи” шеъри ва бошقا қатор адабий матнлар юзасидан тузилган савол-топшириклар ҳақида ҳам худди шу йўсиндаги фикрларни айтиш мумкин.

Болалар психологияси ўқувчилар бир нарсани икки марта эшлишини хушламаслигини айтади. Ваҳоланки, мактабда бола ўқув материали билан тўрт марта: ўқитувчи янги мавзуни тушунтирганда, уни мустаҳкамлаганда, уй вазифасини бажариш мобайнида ва кейинги дарсда ўқитувчининг саволларига жавоб бериш асносида тўқнашади. Бу нарса ўқувининг ташаббускорлигини бўғиб, зериктиради ва ўқишдан бездириши ҳам мумкин. Зерикарли таълимда билим бола онгига етиб бормайди.

Аёнки, ҳар қандай бадиий матн таҳлилга тортилмас экан, бола унинг моҳиятига кирмайди, асарни ўрганишдан келадиган самара ҳам шунга яраша бўлади. Адабиётнинг инсон тафаккури ва туйғуларига бир вактнинг ўзида, бирдай таъсир кўрсатадиган қудратини муносиб баҳолай олмаслик ва ўринли фойдаланмаслик жамиятга қимматга тушади.

3-синф дарслигидаги “Алишернинг ёшлиги” деб номланган материалга назар ташласақ, аввало, матннинг таъсирли эмаслигига гувоҳ бўламиз. Алишер Навоийнинг ёшлиги ҳақида савияси юқори ва унга хос шахслик сифатларини очишга хизмат қиладиган лавҳалар жуда кўп бўлгани ҳолда айни шу матн болаларда инсоний фазилатлар шаклланиши учун “фойдали” деб топилгани ҳақида ўйлаб кўриш керак. Бошланғич синф ўқувчилари табиатан асарда акс эттирилган воқеалар ичига кириш, тасвирланган воқеа ва одамларни тасаввур килиш, образларнинг қувончидан қувониб, ғамидан қайғуришга мойил бўлади. Шу боис ўрганиладиган матн юзасидан тузилган савол-топшириклар болаларнинг мана шу табиий ҳолатига уйғун равишда уларнинг руҳий ва ақлий камолотига хизмат қиладиган тарзда тузилиши лозим. Гап шундаки, 3-синф

Үкүнинең учун мүлжалланган парчадан нима мұхиму нима номуҳимлигини ажратиб бўлмайди. Унда ёш Алишернинг қайси жиҳатларини болаларга ўрнак қилиб кўрсатиш мақсад қилинганини англаш қийин. Бундай начор матн юзасидан тузилган савол-топшириклар ҳам ўзига яраша.

Тўғри тарбия – болада табиатан мавжуд бўлган эзгу сифатларни уйғотиб, уларнинг белгиланган мақсад сари йўналтирилган ҳолда ривожланишига кўмаклашишдан иборат. Бундай тарбия бадиийлик билан уйғун келади. Бадиий тарбия ҳаётнинг рангию оҳангни ва моҳиятини очиб беради. Мактабда болаларга бериладиган билимлар ҳиссиёт билан суғорилгандагина ўкувчилар руҳиятига киради, чукур ўрнашади.

4-синф дарслигидаги тақдим этилган “Алишернинг ёшлиги” матни эса мазмунан анчагина бой. Унда кичик Алишернинг фикр кишиси экани, унинг табиатни, қушларни севиши, унга хос кузатувчанлик каби сифатлар, юксак одоб ва зеҳнга эгалиги намойиш қилинган. Аммо матн юзасидан тузилган савол-топшириклар орасида унинг бу хусусиятларини очишга хизмат қиласидиганлари йўқ ҳисоби. Матн юзасидан берилган топшириқ – “Алишер – мен севган қахрамон” мавзусида иншо ёзишдан олдин ўкувчи Алишерни севиб қолиши керак. Лекин болада бундай туйғунинг уйғониши учун дарсликда ҳеч қандай шароит яратилмаган. Ўкувчи қандай килиб бу мавзуда иншо ёзди? Кўнглида ҳеч қандай туйғу бўлмаган бола асар мазмунини қайта ҳикоялашга мажбур. Дарвоқе, дарсликда тақдим этилган режа ҳам боладан худди шу нарсани талааб қиласи.

Хаётида бирор нарсага эришиш унун курашаётган инсон ўз онгида уни курашга ундовчи қучни аниқ ҳис қилиб туриши керак. Акс ҳолда у яхши курашчи бўла олмайди. Нимагадир қарши курашиш учун ҳам киши кўнглида унга нисбатан муносабат бўлиши керак. Муносабат ҳиссиётдан туғилади. Бундай ҳиссиёт ўкувчида уйғотилмас экан, маънавият тарбияси бўйича қўйилган мақсадга эришиб бўлмайди.

Баъзан саводли, ўзгалар фикрини жуда чиройли қилиб тақрорлайдиган ўкувчи ўз фикрини ифодалаш керак бўлганда қийналади, ҳатто бирор мулоҳаза айтишга кўрқади,

эҳтиёткорлик қиласи. Бундай ўкувчи ё асар мазмунини қайта хикоя қиласи ёки ўқитувчисининг асар ҳақидаги фикрини тақорлайди. Афсуски, ўкувчилар дарсларда ўқитувчи эшишини истаган жавобни беришга йўналтириладилар. Ўкувчилар мустакил фикри, шахсий қарашларини сиртга чиқармаган ҳолда мактабни битириб кетяптилар. Бунинг учун уларни меҳнат қишишга ундан олмайдиган дарсликлар, фикрлашга, мулоҳаза айтишга қўймайдиган ўқитувчилар айбдор.

Таълим олишни енгиллаштириб, ўкувчиларни камрок ишлатишга уриниш – билим олишнинг энг пассив ва самарасиз йўли. Билим беришда болаларни ишлата олмаслик – тарбиячининг энг катта хатоси. Ўкувчининг билимни меҳнат қилиб ўзлаштириши нафақат таълимий, балки маънавий тарбия нуқтаи назаридан ҳам катта аҳамиятга эга. Меҳнатнинг эҳтиёж ва одатга айланиши болани моддий ва маънавий қарамлиқдан кутқаради. Жамиятнинг мақсади маънавий баркамол авлодни шакллантириш экан, педагогика илми ҳам, мактаб ҳам, методика ҳам шу мақсад йўлида хизмат қилмоғи, яъни педагогик самара ўкувчиларнинг изланишга ўрганишида эканига кўникмоғи лозим.

2001.

АДАБИЙ ҚАҲРАМОН – ТАРБИЯЧИ

Мактаб даврида болаларнинг ҳам жисман, ҳам руҳан шиддат билан ривожланиши психология илмida исботланган. Шунингдек, мактаб даврининг турли босқичларида мактаб ўкувчилари турлича руҳий, жисмоний, интеллектуал хусусиятларга эга бўлишади. Жумладан, бошланғич синф ўкувчиларига ўқитувчисининг айтганларига сўзсиз қулоқ осиш, унга тўлиқ ишониш ва барча жиҳатдан унга ўхшашга интилиш хос экани педагогика илми ва амалиётида ҳар жиҳатдан исботланган.

Бошланғич синф ўкувчisi учун ўқитувчи – сўзсиз буюк шахс. Кичик ўкувчи устозининг талабларига тўлиғича ва энг муҳими, ихтиёрий равищда бўйсунади. Бошланғич синф ўкувчилари ўқитувчисининг айтганларига риоя қиласи ва доимий равищда унинг кўрсатмаларини кутишга мойил

бўлади. Улар қандай ва нимани ўқитишлиридан қатъи назар, шуни билиш керак, деб ҳисоблайди. Ўқитувчисининг ўзини бошқаришини истайди. Кичкинтолар назарида ўқиш ўқитувчининг айтганини қилиш, унга тақлид, устоз ўргатганларни такрорлашдан иборатдай туюлади. Мазкур давр болада инсоний сифатларни шакллантиришда ўқитувчи учун энг қулай босқич саналади.

Инсоннинг ўз фикри бўлгандагина бирор воқеа-ҳодисага муносабат билдиради. Фикр айтиш – ўзликнинг иши. Болада ўзликни шакллантириш, унинг ўз сўзи ва мустақил фикри бўлишига эришиш ўқитувчининг асосий вазифаси. Ўқувчини эркин фикрлаш, аниқ мақсад асосида олдига кўйилган вазифаларни бажариш учун мантиқий мулоҳаза юритиши, ўқув муаммосини мустақил ҳал этишдай фаолиятга ўргатиш осон иш эмас.

Бошлангич синфларда ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатиш юқори синфдагидан анчагина фарқ қиласи. Кичик мактаб ёшидаги боланинг ҳаётий тажрибаси кам ва у хулоса чиқаришни билмайди. Шу боис у кўпроқ тақлид қиласи. Демакки, бошлангич синfnинг ўқиши дарсларида уюштириладиган мустақил ишлар ҳамда муаммоли вазиятлар асосида таълим бериш хулоса чиқаришга эмас, фикр айтишга, муносабат билдиришга ундайдиган бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Муаммоли вазият – психология илмида инсоннинг интеллектуал қийин ҳолатга тушиб қолиши, деб баҳоланади. Бундай вазиятга тушиб қолган бола ҳодиса ёки ҳолатни қандай изоҳлашни билмайди. Ўз навбатида у вазиятдан чиқишининг янги йўлларини қидиришга мажбур бўлади. Ўқувчиларни мустақил фикрлашга одатлантирадиган муаммоли таълим анъанавий йўллар билан кутилган натижага эришиб бўлмайдиган ҳолатларда ташкил қилинади. Муаммоли таълимда ташкил этилган баҳсли вазиятда, ўқувчи ўзи учун янги тушунча ёки ҳодисани англаш жараёнида қийинчиликлар билан тўқнашади. Беихтиёр ақлини зўриқтириб, олдинги билимларини хотирасида қайта тиклайди, ички имкониятларини ишга солади. Чунки вазият боладан шуни талаб қиласи. Муаммоли ҳолат қизиқ экани билан болани ўзига тортади. Психологларнинг фикрича,

бала учун қизиқарлыми, демак унинг ривожланиши учун ҳам фойдали. Муаммо билан тўқнашган боланинг сўнгти босқичга, ечимга мустақил равишда етганда туйган лаззати, хис қилинган ғалаба нашидаси тайёр билимларни ўзлаштиришдан туйганларидан тотлироқ, баландроқ ва фойдалироқdir.

Бола муаммога дуч келгандагина мустақил фикрлай бошлайди. Бунинг учун унда аста-секинлик билан таққослаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, аниқлик киритиши, тизимга сола билиш каби кўнималар шакллантириб борилиши керак. Бу ўринда бошланғич синф ўқитувчиси муаммони тўғри қўйиб ўқувчини қизиқтира олиши, унинг туйғуларини қўзғата билиши лозим. Бундан ташқари, машгулот жараёнида бола фаолияти қанчалик эркин бўлса, унинг фикр хурлигига дахл қилинмаса, унинг ақлий фаоллиги ортиши ҳам ҳисобга олиниши зарур.

Ўқувчи китоб билан мустақил ишлаш асосида уқиб ўқишига, баён этилган фикрларни илғай олишга, инсон ва унинг туйғулар оламини кузатишга ўргана боради. Бу унга ўзлигини кашф қилиш имконини беради. Ўз ички “МЕН”и шаклланишида ўзи иштирок этади. Айтилган фикрлар асосли эканини З-синф “Ўқиш китоби”да ўрганилиши кўзда тутилган “Чўпон йигит Широқ” афсонаси асосида “Мустақил фикрлаш дарси” ташкил этиш асосида синаб кўрайлик.

Аввало, айтиш жоизки, дарслиқдаги матн бироз жўнлаштириб юборилган. Ўқитувчи афсонанинг нисбатан ширалироқ, қаҳрамон фазилатлари яққолроқ ифодаланган матнини бошқа манбалардан, масалан, М.Осим талқинидаги вариантини топиб ўқиб берса, маъқулроқ бўларди. Гап шундаки, З-синф ўқувчиси тўққиз ёшли бола. У ўзидаги туйғуларни фарқлай билади. Бирор воқеа-ҳодисага, ҳатто инсонга муносабат ҳам билдира олади. Ўз фикрини ўзининг даражасида асослай билади ҳам. Фақат уни гапиртира ва тинглай билиш керак.

Ўқитувчи бадий матнни ўқишдан олдин Марказий Осиё, Эрон ҳакида болаларнинг билганларини сўраб олиши мақсадга мувофиқ бўлади. Улар орасидан кимдир, албатта, бирон фикр айтади. Акси бўлса, ўқитувчи ўзи

түшунтиради. Қадимда Ўрта Осиёда яшаган қабилалар бизнинг боболаримиз экани ҳақида қисқача маълумот беради. Шундан сўнг асарни ўқишига киришади. Матнни ўқишидан олдин ҳар бир тимсолга хос овозни танлаб олиш керак. Масалан, Широқнинг овозини синиқроқ, Доронинг овозини дағалроқ, кўполроқ оҳангда бера билиш асарнинг таъсир кучини оширади. Матн ифодали ўқиб бўлингач, болаларни озгина ўз ихтиёрларига қўйган маъқул. Токи, улар ўз туйғулари билан ҳоли қолиб, улар ҳақда ўйлаб кўрсинлар.

Болалар безовта бўла бошлагач, ўқитувчи асар матни ҳақида болаларни ўйлантирадиган, фикр айтишга, мулоҳаза юритишга чорлайдиган, билишга иштиёқини қўзгайдиган саволлар бериши керак. Токи, болалар матнга қайта-қайта мурожаат қилсинлар, асар қаҳрамони хиссиётини туйсинлар, унинг тимсолида чин инсонни кўра билсинлар, фазилатларини таҳлил қилсинлар. Асар қаҳрамони фаолиятини кўнгилларидан ўтказсинлар. “Айтингчи, афсона сизда қандай таассурот қолдирди? У нима ҳақида ёзилган? Ватан деганда нимани тушунасиз? Нима деб ўйлайсиз, оддий чўпон Широқни қабила оқсоқолларининг олдига келишга ундан туйғу нима экани ҳақида ўйлаб кўринг. Широқнинг оқсоқоллар олдига қўйган шартига муносабат билдиринг. Уни ўз кулоқ-бурнини кесишга ундан куч ҳақида фикр юритинг. Ўлеми муқаррар эканини била туриб шу ишга қўл урган Широқни ким деб аташни истардингиз? Доронинг Широққа ишониши, сизнингча, асослими?” ва ҳк.

Бу саволларнинг барчасига ҳамма болаларнинг жавоб бериши шарт эмас. Агар ўқитувчи болалар билан авваллари шундай ишлаб юрган ва уларда кўникма ҳосил қилинган бўлса, ўқувчиларнинг кўпчилиги жавоб бериши аниқ. Акси бўлган тақдирда ҳам бундан чўчимаслик ва уларни шундай сухбатларга тайёрлаб бориш керак бўлади. Шу тариқа улар кичикилигидан жиддий таҳлилларга, мазмунли сухбатга ўрганиб боради. Бу, ўз навбатида, уларни ўқиганларини тушуниш, тушунганлари ҳақда ўйлаш, уларга муносабат билдиришга ўргатади. Ўқитувчи – болаларда шундай сифатларни шакллантиришга масъул шахс.

Мазкур афсона дарсликка ўқувчиларда ватанпарварлик

ҳиссини тарбиялаш мақсадида киритилгани аниқ, албатта. Лекин ватанга муҳабbat ҳисси ўз-ўзидан шаклланавермайди. Ватанни севишга, унинг учун жондан кечишиг қаратилган чақириқлар, шу йўналишдаги чиройли сўзлар ёки шеърларни ёдлаш билан ўқувчилар ватанни севиб қолмайдилар. Тўғри, ҳар қандай инсон онгли-онгсиз равишда киндик қони тўқилган тупроқни ота-онаси, жигарлари, қондош-қариндошлари билан қўшиб сужди. Бошпанаси – уйини ҳам кичик бир ватан фаҳмлайди. Инсонда шундай туйғу мавжуд. Ўқувчиларга хос бўлган мана шу табиий туйғуни юзага чиқариш ва буни англатиш мақсадида афсона матни юзасидан ўқувчилар олдига қўйилган савол-топшириқларнинг бир қисми (Широқ нега қўйини боқиб юравермай, қабила бошлиқларининг олдига келди? Уни бунга ундан туйғу нима эканини айта оласизми? Широқнинг қабила бошлиқлари олдига қўйған шартига ўз муносабатингизни билдиринг. Широқнинг ўз кулоқ-бурнини кесишга ундан куч ҳақида фикр айтинг.) уларни жиддий ўйлашга мажбур қиласди.

Қабила оқсоқолларини безовта қилган нарса шуки, агар Доро юртни босиб олса, ҳалқ ўз эркидан, мустақиллигидан маҳрум, қулликка маҳкум бўлади. Бу – эркин яшашга ўрганганд қабила учун ўлимдан баттар. Буни Широқ ҳам, бошқалар ҳам яхши тушунишади. Доронинг бостириб келаётгани хабарини эшитган Широқнинг қалбида мана шу қулликка қарши исён бор эди. У ўзининг, айниқса, фарзандларининг қулликда яшашини тасаввур қилолмасди. Қаранг, ватанга, фарзандларга муҳаббатда, эрк учун курашда касб-кор ёки амалнинг, мартаба ёки лавозимнинг аҳамияти йўқ. У чин инсоннинг рухиятида бўлади. Чин муҳаббат эгаси “мен ватанни севаман” деб ҳайқирмайди. Чиройли чақириқлар қилмайди. Муҳаббатини хатти-ҳаракатида намойиш этади. Широқни – оддий чўпон йигитни – қабила бошлиқлари олдига етаклаб келган туйғу фарзандлари, ҳалиқи ҳамда юргига бўлган муҳаббат ҳисси эди.

Навбатдаги саволни ўртага ташлашдан аввал ўқитувчи ўқувчиларини Широқнинг фидойилиги моҳиятини чуқурроқ англашга йўналтириш мақсадида бетоб бўлиб қолганларида уларга укол қилишганда ёки бехосдан бирор жойларини

кесиб олганда ёхуд кутилмаганда бирор жароқат олганда түйилган оғриқни эслашга ундейди. Улар бир-бирларига сүз бермай, шундай ҳодисаларни санаб кетадилар, албатта. Улар ўйлаб кўришлари керак: ўз хоҳишлари билан ўзларини ана шундай азобга сола оладиларми? Шу оғриқни қайта туйишни ўзларига раво кўрадиларми? Бу саволга кимdir ўйлаб, кимdir ўйламай, таваккалига жавоб беради, албатта.

Бужараёнда болалар Широқнинг фидойилигини теранрок хис қиласидилар. Шуни таъкидлаш жоизки, чўпоннинг қулоқ-бурнини кесдириш билан боғлиқ азобни, унинг ортидан келадиган муқаррар ўлимни ўз ихтиёри билан танлашига сабаб бўлган нарса фарзандларига бўлган оталик, юртига бўлган фарзандлик меҳри эди. Чўпон болалари фақат ўз халқи орасидагина озод яшashi мумкинлигини жуда яхши биларди.

Бадиий матн устида ишлаш шу каби таҳлиллар билан унинг моҳиятига кириш, асарнинг мантиқий ва бадиий-эстетик мазмунини англаш ҳамда муҳокама қилиш, асосий ёки иккинчи даражали фикрларни ажратা билиш, улар орасидаги алоқани илғай олиш, шу билан бирга, бу жараёнда ўз фикр-мулоҳазасига, ўз қарашларига эга бўлиш демакдир. Адабий қаҳрамонларнинг тимсоллари орқали ўқувчи инсон ва унинг ҳаёти моҳиятини англаш билан бирга ўзини ўзи тарбиялади ҳам.

2002.



ҮРТА МАКТАБДА БАДИЙ ТАҲЛИЛ МАСАЛАЛАРИ

ҮРТА МАКТАБ АДАБИЁТ ДАРСЛИГИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Истиқтол туфайли мамлакатимизда юз берган ўзгаришлар, барча соҳаларда бўлгани каби, таълим жараёнига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Таълимнинг кўпбоскичли тизими жорий этилиши ўқув ишларида кескин янгиланиш бўлишини талаб қилди. Юртимизда ўсиб келаётган авлоднинг маънавий камолотини таъминлаш бош мақсадга айланди. Ана шу асосда ўқув режасида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилди, ҳар бир ўқув фани бўйича таълим концепцияси ишлаб чиқилди. Шунингдек, ҳар бир ўқув фани бўйича таълим жараёнида берилиши керак деб ҳисобланган билимларнинг энг кўп миқдори билан ўқувчилар ўзлаштиришлари шарт бўлган билимларнинг энг кам ҳажми акс этган давлат таълим стандартлари яратилди.

Таълим мазмуни деб аталмиш воситалар: ўқув режаси, таълим концепцияси ва стандарти, дастур, дарслик, методик қўлланмалар ўқитувчи шахси билан мувофиқлашган ҳолдагина ўқитиш самарали бўлади. Чунки ўқув жараёнининг қандай маъно-мазмун касб этиши бевосита ўқитувчининг шахси, унинг савияси, билими ва маҳоратига боғлиқ. Жамият ва таълим жараёнидаги ўзгаришларни рўёбга чиқарадиган ҳам, ўқувчи билан бевосита юзма-юз турадиган ҳам ўқитувчи.

Кейинги йилларда таълимнинг барча босқичларида адабиёт ўқитиш ҳам туб бурилишларга юз тутди. Соҳа мутахассислари томонидан “Адабий таълим концепцияси”, “Адабий таълим давлат стандарти”, “Адабий таълим дастури” каби педагогик хужжатлар тизимли равишда такомиллаштирибборилмоқда. Умумтаълиммактабларининг 5–9-синфлари учун “Адабиёт” дарслик-мажмуалари бир неча марта қайта ишланди, такомиллаштирилди, уларнинг мазмуни асосида ўқитувчиларга методик ёрдам кўрсатадиган “Ўқитувчи китоб”лари ёзилди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда мунтазам амалга оширилаётган таълим ислоҳотининг самарасидир.

Маълумки, умумтаълим мактабларида йигирмадан ортиқ ўқув фани ўрганилади. Уларнинг кўпчилиги бевосита ўқувчи тафаккурини ўстириш, билим бериш мақсадига

йўналтирилган. Айрим фанлар эса болага касб-хунар ўргатишга хизмат қилади. Ўқув фанлари орасида адабиёт бевосита боланинг кўнгли, унинг руҳияти ва маънавиятини камолга етказиш воситаси ҳисобланади. Адабиёт дарслари мутахассис шакллантириш учун эмас, шахс маънавиятини тарбиялаш учун хизмат қилади. Шу боис адабий таълим жараёнида соф адабиётшуносликдан билим бериш эмас, балки, инсон кўнглини тарбиялаш устувор аҳамият касб этмоғи мақсадга мувофиқdir.

Адабиёт дарсларида бадиий асарлар таҳлил қилинади, қаҳрамонларнинг хатти-харакатлари мухокама мавзусига айланади, бу жараёнда болалар одам ва олам сирларини ўрганадилар, асар муаллифи ва адабий қаҳрамонлар тимсолида инсонни кашф этадилар, охир-оқибат навқирон фуқаро ўзлигини англай бошлайди. Ўзлигини англаган, мустақил нуқтаи назарига эга бўлган одам ўзгаларга кўр-кўруна эргашмайди, унинг тақдирини бошқалар ҳал қилиб юбораверишига йўл кўймайди.

Инсонга хос хусусиятлар бевосита руҳият билан боғлиқ бўлгани учун ҳам бугун маънавият тарбияси мамлакат миқёсидаги мухим вазифага айланди. Маънавиятни тарбиялаш эса мактабда асосан адабий таълим тизими зиммасига юкланди. Тўғри, барча ўқув фанлари зиммасида маълум даражада маънавиятни шакллантириш вазифаси бор. Бироқ, адабий таълим бу борада карvonбошилик қилади. Чунки унинг тадқиқот обьектининг ўзи – инсон. Адабиёт дарсларида одамнинг ички олами, ҳис-туйғулари, кечинмалари, ҳаяжонлари, изтироблари ўрганилади, таҳлил қилинади, муносабат билдирилади. Инсон умри давомида турли вазиятларнинг пайдо бўлиш сабаблари ва оқибатлари аниқланади, муаммоларнинг ечими устида ўйга толинади.

Ҳамонки адабиёт дарси ва дарслклари зиммасида шунча масъулият бор экан, “Адабиёт” дарслкларини яратишга адабиётшунос олим қўл ургани маъкулми ёки педагог олим деган саволга аниқлик киритиб олиш мақсадга мувофиқdir. Адабиётшунос олим бевосита бадиий асарларни назарий жиҳатидан ўрганиди, уларнинг ўзига хослиги, эстетик қиммати ва мазмун-моҳиятини таҳлил қилади. Педагог олим, яъни методист касби тақозосига кўра инсоншунос

бўлади. У адабиёт илми билан бир қаторда умумжаҳон ва миллий тарбияшунослик, психология, педагогик-психология, ёш психологияси, адабиёт ўқитиши методикаси каби предметларни ўрганганди бўлади. Бинобарин, педагог олим адабиёт фани билан биргаликда ўқувчи руҳиятини, унга билим беришнинг энг самарали босқичлари қайсилар эканини билади.

“Адабиёт” дарслеклари вояга етган, бадий сўз билан муайян даражада қизиқадиган ёки тақдири маълум даражада шу соҳага боғлиқ бўлган кишилар учун эмас, балки ўсиб келаётган ёш авлод, эртага врач, ҳайдовчи, тадбиркор ва ҳоказо касбларни эгаллайдиган, айни замонда маънавий камолот йўлини тутиши лозим бўлиб шаклланётган шахс учун тузилади. Шу сабабли ҳам дарслекларининг адабиётшунос ёки педагог олим томонидан яратилгани катта аҳамият касб этади.

“Адабиёт” дарслекларини яратишда назарда тутилиши лозим бўлган жиҳатлардан бири шуки, ҳар бир синфда ўқувчининг интеллектуал имконияти ўзига хос тарзда намоён бўлади. Шу боис таълимнинг бирор босқичида ўқувчи томонидан бой берилган имкониятлар ўрнини ҳеч қачон қоплаб бўлмайди. Ўз вақтида қўлланган тарбиявий воситалар боланинг шахси, жисми, руҳияти такомили учун ижобий таъсир кўрсатади. Таълимнинг ҳар босқичида боланинг фикрлаш қобилияти ёши ва интеллектуал имкониятлари доирасида ривожлана боради. Хусусан, адабиёт дарсларида амалга ошириладиган бадий асар таҳлили уни ўз шахсий фикрига, муносабатига эга бўлиб боришини таъминлайди. Масалан, бошланғич синкларнинг ўқиш дарсларида ўқувчи бадий асар қаҳрамонларига кўр-кўронада тақлид қиласи, уларга эргашади; таълимтарбия жараёнининг иккинчи босқичда эса уни асар қаҳрамонларининг ахлоқий сифатлари, ички дунёси, характеристерининг шаклланиши ва бунга турткни бўлган омиллар кўпроқ қизиқтира бошлайди. Аммо ёш бола қаҳрамон шахсига хос бўлган барча хусусиятларни инобатга олган ҳолда баҳолашга қодир бўлмайди. Кўпинча у қаҳрамоннинг баъзи фазилатига ургу бериб, унинг шахсини бирёзлама баҳолайди.

Таълим жараёнининг юқори босқичига қадам қўйган ўқувчи эса муаллим ёки ота-онасининг айтгандарига, китоб ва дарсликларда ўқиганларига танқидий назар билан қарай бошлади. Кўпинча муаллимнинг фикр-мулоҳазасидан, дарслиқдан хато ёки камчилик топишга интилади, ўз позициясида қаттиқ туриб, баҳслашишга мойил бўлади.

Мактаб дарсликларини тузишда ҳар бир босқичга хос бўлган шу каби жиҳатлар ҳисобга олиниши, ўқувчиларнинг руҳий, жисмоний ва жинсий хусусиятлари, интеллектуал имкониятларидаги ўзгаришлар назардан четда қолмаслиги керак бўлади. Дарсликлар ўқувчиларнинг ҳар бир ёшдаги ички “мен”ига мос тушиши, синфдаги энг билимдон, билимга чанқоқ ўқувчини ҳам ортидан эргаштира олиши лозим. Шунда ўқувчиларга дарсликлар билан мулоқот малол келмайди, уларда ўзининг ички эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилаётган дарсликка, предметга меҳр уйгонади.

Дастур ва дарсликлар мазмунига шу нуқтаи назар билан ёндашилганда маълум бўлдики, шўро даврида нафақат бадиий адабиёт, балки адабий таълим ҳам сиёсатга бўйсундирилган. Ўсиб келаётган авлод онгига сиёсий гояларни сингдириш, уларда шўролар жамиятига хизмат қилиш ҳиссини тарбиялаш адабий таълимнинг бош мақсади қилиб белгиланган. Адабиёт дарсликларига материал танлаш ва уларни ўрганишда ҳам ана шу мақсад асосий мезон ҳисобланган. Дарсликлар мазмунини асосан рус адабиётидан таржима қилинган асарлар ташкил этади. Айниқса, 40-йилларгача бўлган даврда яратилган дарсликларда ёзувчиларнинг таржими ҳоллари, асар юзасидан савол-топшириқлардан бошқа ҳеч қандай қўшимча маълумот берилимаган. Асар матни устида ишлаш учун тақдим этилган савол-топшириқларнинг зиммасига воқеаларни ёдга солишдан бошқа деярли ҳеч қандай дидактик вазифа юқлатилмаган. Улар асосан асар матнини қайта баён қилиб беришга қаратилган, холос. Маълум бўладики, ўсиб-шаклланиб келаётган авлоднинг дунёқараси, савияси ҳеч кимни қизиқтиргмаган. Уларни сиёсатга бўйсундирилган адабиёт билан таништириб боришигина назарда тутилган.

Шўролар тузумининг кейинги йилларида нашр этилган дарсликларда ҳам тубўзгариш содир бўлмаган. Дарсликларда

ўзбек мумтоз адабиётидан тавсия этилган асарларнинг фақат луғати тақдим этилгани, улар ўзлаштиришга хизмат қиласидиган дидактик ашёларнинг йўқлиги уларни шунчаки юзаки ўрганиш кўзда тутилганини кўрсатади. Бу давр дарсликларида ҳам кўзга ташланадиган бир иллат уларда рус адабиётидан қилингандар таржималар устуворлик қилганидир. Мумтоз адабиёт намуналари, масалан, “Фарҳод ва Ширин”нинг мазмуни қисқача баён этилган, у ҳақда умумий гаплар айтилган. Топширикларнинг деярли ҳаммаси “асарнинг фалон-фалон бобини қисқартириб сўзлаб беринг” шаклида бўлса, саволлар унинг матнини қайта ҳикоялашни талаб қиласи. Дарсликлардан ўрин олган асарларга “социалистик воқелик, совет ҳалқининг баҳтсаодати” қандай ёритилганига караб баҳо берилган, ҳар бир давр адабиёти бўйича ёзилган умумлашма мақолалар ҳам мафкурага бўйсундирилгани, мазмунан саёзлиги билан ажралиб туради.

Бундай ҳолат XX асрнинг 80-йиллари “Ватан адабиёти” дарсликларида ҳам давом этади. Буларда ҳам ўқиш учун тақдим этилган асарларнинг сиёсий-мафкуравий талқини, образлар таҳлили, асар ҳақида дарслик муаллифларининг қатъий хulosалари берилади. “Асар ҳақида”ги мақолаларда асар матни таҳлил қилинади. Бундай ёндашув натижасида ўқувчи асарни ўқимайди ва унинг мазмуни ҳақида ўйланмайди. Барча адабиёт дарсликларида сиёсий чақириқ ва насиҳатомуз гаплар керагидан зиёда. Образлар ижобий ва салбий гуруҳларга ажратилиб, меҳнаткаш ҳалқ вакиллари истисносиз яхши, бой табақа вакиллари ёппасига ёмон, деб талқин этилади. Образлар юзасидан дарслик муаллифларининг қатъий тўхтамлари билдирилган. Ўқувчидан шуларни ўқиб, такрорлаб беришгина талаб этилади. Бирор жойда ҳам “Ўз фикрингизни айтинг”, “Муносабатингизни билдиринг” ёки “Фалон асарни топиб ўқинг” қабилидаги топшириқ учрамайди. Ўқувчининг асарни ўқиши, у ҳақда ўйлаши ёки муносабат билдириши муаллифларни қизиқтирумаган.

1991 йилда адабий таълимнинг мақсади, дарсликларнинг мазмуни бир қадар ўзгарган. Лекин эски даврга хос камчиликлар бирданига барҳам топмаган, албатта. Ҳали

мамлакатимиз мустақиллиги қўлга киритилмасдан олдин яратилган бу дарсликларда рус адабиёти намуналари камайтирилиб, мантиққа мувофиқ микдорга келтирилган. Масалан, 5-8-синфлар учун тузилган “Ватан адабиёти” дарслик-хрестоматиялар мундарижаси янги-янги асарлар билан бойиган. Бироқ, улар ҳали янгиланган адабий таълимнинг мақсадига – “...*соглом эътиқодли, умуминсоний қадриятларни англайдиган, ахлоқан баркамол, ўз хатти-ҳаракатларига маънавий мастьул бўла оладиган етук шахснинг маънавий дунёсини шакллантириши*”га хизмат қиласидиган даражада эмасди. Боз устига, “Адабиётшунослик терминлари луғати”дан кўчириб олинган яхлит парчалар дарсликларнинг 40 фоизга яқинини ташкил этарди. Ваҳоланки, бу босқичда ўқувчини асарнинг моҳиятига олиб кириш, бадиий сўз билан унга таъсир кўрсатиш, уни сўз сеҳрига ошно қилиш орқали маънавий қиёфасини шакллантириш мухим эди. Бу – тарбияшшуносликнинг, адабий таълимнинг асосий вазифаси ҳисобланарди. Равшанки, назарий маълумотни билиш билан боланинг маънавий дунёси шаклланиб қолмайди. “Ачавотда қандай воқеа юз берди?”, “Кўктерак бозорида Омон билан Шум бола нималар қилишди?”, “Асарнинг кириш қисми мазмунини ўз сўзингиз билан сўзлаб беринг” (5-синф), “Она ерга муҳаббат туйғулари ифодаланган мисраларни қайта ўқинг. Мазмунини ўз сўзингиз билан изоҳланг”, “Шеърнинг ҳар бир бўлимига сарлавҳа топини”, “Режа асосида ҳикоянинг мазмунини сўзлаб беринг”, “Бола дурбин орқали нималарни кўрди?”, “Диалогни ролларга бўлган ҳолда ифодали ўқинг” (6-синф), “8-қисм мазмунини сўзлаб беринг”, “3-қисмда кимлар ҳақида сўз юритилади?” (7-синф) каби савол-топшириклар ўқувчиларни юксак маънавий фазилатларга зга шахс сифатида шакллантиришга хизмат қилолмайди.

1991 йилда “Ўзбек адабиёти” фани бўйича янги руҳдаги дастур яратилди, 1993 йилда эса ана шу дастур асосида дарсликлар чоп этилди. Бу борада 7-8-синфлар дарсликлари адабий таълим мақсадига яқинлаштирилгани, ўқувчилар ёш ва руҳий хусусиятларини кўп даражада ҳисобга олганлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, 9-, 10-, 11-синфларнинг

адабиёт дарслик ва мажмуалари ҳам педагогик мақсадга мувофиқ даражада тузилган. Айтилган дарсликлар билан танишилганда, муаллифларнинг адабиётга доир билимларни ўсмирларга етказиши йўлида астойдил ҳаракат қилганликлари кўзга ташланади. Фақат, бу дарсликларда ҳам мактабдаги адабий таълимнинг бош мақсади баъзан баъзан назардан қочирилгандек туюлади. Дарсликларда такрорларга йўл қўйилган: асарлари бир неча синфда ўрганилган адиларнинг таржимаи ҳоллари деярли бир хил қайтарилиган. Шу билан бирга, тазкирачилик ва тазкира ёзган кишилар, сайёҳатномалар ҳақидаги маълумотлар, адабиётшуносликнинг узундан-узоқ тарихи, “Шоҳнома”, “Бобурнома”, Баёний, Алмайи, Ибрат каби адиларнинг ҳаёти ва ижоди, мумтоз адабиётга хос бўлган шеърий санъат намуналари кўпайтириб юборилган. Ҳамзанинг 7-синф дарслигига берилган шеърлари негадир 11-синфда яна такрорланади. Бу дарсликларда ҳам ўқувчиларга имкон қадар кўпроқ маълумот беришга уриниш устуворлик қилган. 6-синфда Ўткир Ҳошимовнинг “Урушнинг сўнгги қурбони” ҳикоясини ўрганиш учун уч соат ажратилган. Ваҳоланки, асарнинг матнини ўқиши учун дарснинг 23-25 дақиқаси кифоя қиласди. Биринчи дарснинг қолган қисми ва иккинчи соат асар устида ишлашга бемалол етади. Мазкур асар учун ажратилган учинчи соат ортиқча. Бундай ҳолатни бошқа дарсликларда ҳам учратиш мумкин. Аслида, севимли ёзувчимизнинг “Дехқоннинг бир куни” ва “Дехқоннинг бир туни” ҳикоялари ҳам дарсликка киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Аён бўладики, ушбу дарсликларга материал танлаш ва вақт тақсимоти уччалик тўғри бўлмаган. Бундай камчиликларга йўл қўйилишининг сабаби шундаки, бу дарсликлар педагог-мутахассис томонидан ёзилмаган, ҳеч бўлмаганда, таҳрир қилинмаган.

1991-1992 ва 1993-1999 йилларда яратилган икки авлод дарсликларида ҳам мавжуд билимларни ўзлаштириш жараёнида болаларнинг ўзлари мустақил иштирок этиши, фикрлашига етарлича эътибор берилмаган. Гўё ўқувчиларнинг вазифаси – дарслик муаллифлари нима деган бўлса, ўшани ўқитувчисининг кўмагида ўзлаштириб олишдан иборатдек. Адабиёт дарсликларининг ҳар иккала

авлоди ҳам фикрлатишни эмас, факат хабардор қилишни, ўзлаштиришни назарда тутган. Кўпчилик дарслерларда маълумот бериш бош мақсад бўлиб туради ва ўқувчиларга муаллифларнинг тайёр қарашлари тақдим этилади. Худди барча ўқувчиларни адабиётшунос қилиб тарбиялаш асосий мақсад этиб қўйилганга ўхшайди. Агар муаллифлар педагогик талаблардан хабардор бўлганларида ўтган асрнинг 50-йилларида ёқ билим олиш учун болаларнинг ўзлари меҳнат қилиши лозимлиги жаҳон педагогикасида белгилаб қўйилганини ҳисобга олган бўлишарди.

Истиқлол даврида яратилган иккинчи авлод дарслерларининг кўпчилиги услуб, болалар дунёқарашига мослиги жиҳатидан, биринчисига нисбатан ҳам бўшроқ. Биринчи авлод дарслерларнинг айримларида педагогик тамойилларга амал қилингани яққол кўзга ташланиб туради.

Бугун адабий-эстетик тарбия борасида жамият томонидан қўйилган вазифаларни бажариш учун адабиёт дарслерларини яратиш ва улардан фойдаланишда кўлланилаётган усусларга қуидаги талаблар қўйилади:

- Боланинг ёши, шахси, дунёқарапи доимо адабий таълим жараёнининг диққат марказида бўлиши керак. Дарсда ўқувчини шахс сифатида шакллантириш биринчи ўринда турадиган вазифага айлантирилиши зарур. Адабиёт сабоқларида шаклланиб келаётган авлод филолог мутахассис эмас, балки маънавиятли одам сифатида тарбияланиши, эзгу маънавий фазилатларга эга шахс тарзида таркиб топтирилиши керак. Ўқувчилар ўрганилаётган асар қаҳрамонларини жонли одамлар сифатида тушунишлари, тушишлари ва улардан ибрат олиб яшашга ўрганишлари даркор. Адабий таълимда ўқитувчи ҳам, дарслер ҳам дарс ҳам боланинг руҳий-маънавий тарбияси, унинг ўзлигини шакллантириш учун хизмат қилиши керак;

- адабиёт дарсларида маънавиятни шакллантириш устувор йўналишда бўлиши лозим. Бадиий сўз ёрдамида гўзал сифатлар, ижобий фазилатлар тарбияланиши керак. Гўзал хулқли кишиларнинг сўзи ҳам, иши ҳам ўзига муносаб экани бадиий сўз орқали англашилади. Шуни англаб етган бола ўзини ўзи назорат қилиб, маънавий камолот сари интилади. Бундай олижаноб вазифалар бевосита асарлар

таҳлили, улар юзасидан тузилган савол-топшириқлар устида ишлаш йўли билан амалга оширилади. Амалдаги адабиёт дарслеридаги тақдим этилган асарлар ҳам, уларнинг матни юзасидан киритилган дидактик ашёлар ҳам ўз зиммасига маънавият шакллантиришдек оғир ва шарафли юкни олиши зарур;

- ўқувчиларда ўрганилаётган асар юзасидан муносабат пайдо қилиш, уларни мустақил фикрлашга ўргатиш асосий вазифага айланиши лозим. Адабиёт дарслеридаги барча савол-топшириқлар ҳар бир ўқувчини мустақил фикрлашга, асардаги воқеа-ҳодиса ёки қаҳрамонга, унинг хатти-ҳаракат ва кечинмаларига ўз муносабатини билдиришга йўналтиурсин. Дарслик муаллифларининг асар ёки унинг қаҳрамонларига бўлган муносабати очиқ кўриниб турмаслиги мақсадга мувофиқдир. Асар ўқилиб, таҳлил этилгач, унинг маъно-мазмуни, ҳар бир қаҳрамони ҳақида ўқувчи ўз фикри, қараши, муносабати ва холосасини билдира олсин. Дарслеридаги дидактик ашёлар зиммасига ана шундай вазифа юкланиши адабий таълимнинг бош мақсадига мувофиқдир;

- адабиёт дарслеридаги ўқувчиларни ўз маънавиятини шакллантириш учун ўзлари ҳаракат қилишга йўналтирадиган йўсина яратилиши зарур. Бадиий асарнинг ўқув таҳлили жараёнида, воқеа-ҳодисалар муҳокамасида, адабий қаҳрамон шахсига доир мунозоралар вақтида ҳар бир ўқувчининг фикр айтиш ва муносабат билдиришига эришилиши даркор. Муносабат билдириш жараёнида бола, ўзи сезмаган ҳолда, ўз маънавиятини шакллантириш йўлига кирган бўлади. Бу жараённи тўғри йўналтириш ўқитувчининг энг муҳим вазифасидир;

- ўқувчиларнинг ҳар қандай мўъжаз кашфиётлари ҳам рағбатлантирилиши лозим. Бадиий асардаги бадиий-эстетик топилмаларни ўқувчиларнинг ўзлари кашф этишларига эришиш керак. Дарслерда бунга имконият яратилмоғи зарур. Инсон учун ўзи қилган кашфиёт ўта қадрлидир. Адабиёт дарсларида шу ҳолат ҳисобга олинса, болаларда адабиётга нисбатан чинакам муҳаббат уйғонади;

- тарбия жараёнида ўқувчининг бевосита иштирок этишига эришилиши зарур. Бунинг учун ўқувчиларнинг ёш

ва психологияк хусусиятлари максимал даражада ҳисобга олиниши керак. Ўқиши даврининг маълум босқичларида ўқувчи табиатан насиҳатларни хушламайдиган, катталарнинг ортиқча эътиборидан ғашланадиган, эҳтиёткорлигидан оғринадиган бўлиб қолади. Одоб-ахлоқ ва ҳикмат ҳазинаси бўлмиш адабиёт оламига боланинг ўз ихтиёри билан кириши, асарлар устида мустақил ишлашига эришиш орқали ўқувчидаги ўз-ўзини тарбиялаш кўникмаси шакллантирилади. У муайян бир асар ёки унинг қаҳрамони ҳақида мустақил фикр айтишга ўрганар экан, ўз қараши, муносабати ва нуқтаи назарига эга бўлиб боради. Инсоннинг ички “мен”и, дунёқараш ва эътиқоди шу тариқа шаклланади. Яратилажак дарсликларда шу ҳолат инобатга олинмоғи даркор;

- адабий таълим жараёнида педагогик ҳамкорлик бўлишига эришиш керак. Таълим тизимида ўқитувчининг якка ҳокимлигига барҳам бериш, унга болаларни ўқитиши керак бўлган ягона субъект, синфдаги ўқувчиларга ўқибтарбияланишлари лозим бўлган обьект сифатида қарашни тугатиш вақти келди. Бугунги адабий таълимда бундай муносабат мутлақо самара бермайди. Адабиёт сабоқлари тенг ҳукуқли ҳамкорларнинг биргаликдаги фаолияти бўлиши, яъни ўқувчилар ҳам, ўқитувчи ҳам бирдай ишлаши ва изланиши лозим;

- дарсларда ўрганилаётган асар қаҳрамонларига ижобий ёки салбий образ деб эмас, балки ўзига хос ўзгарувчан феълатвор эгаси бўлган инсонлар деб қарашга ўргатиш зарур. Яратилажак янги авлод дарсликларида ҳар бир адабий персонажни жонли одам сифатида талқин этиш, унинг ички олами, кечинмалари, хатти-ҳаракатлари замирида унинг шахслигига хос белгилар ётганлигини англашиб устуворлик қилиши керак. Дарсликдаги савол-топшириқлар кўмагида ўқувчилар қаҳрамонларни ўзлари кашф этишлари мақсадга мувофиқ. Дарсликларнинг дидактик ашёлари ўқувчиларнинг персонажлар орқали ўзлигини топиб боришларига қаратилиши зарур;

- адабиёт дарслари ўқувчиларни асар қаҳрамонларининг кечинма ва хатти-ҳаракатлари орқали инсонни баҳолашга ўргатиши лозим. Ўқувчиларда персонажларнинг шодлик

ва қайғуларига шерик бўлиш, улар ҳақда ўйлаш ва мулоҳаза юритиш, уларни англаш ва қадрлаш орқали одамийлик сифатларини қарор топтиришга эришиш ҳам дарсликларнинг вазифаси ҳисобланади;

- адабиёт дарсликлари ўқувчиларда кўнгил тарбиялаши ва маънавий қиёфа шакллантиришга қаратилмоғи лозим. Дарсликларда ҳеч нарса қолипга солинмаслиги керак. Ўқувчи дарслик муаллифи ёки ўқитувчининг фикрларини куруқ такрорлайдиган ҳолатга солинмаслиги лозим. Савол-тотшириқлар билан ишлаш жараёнида асар моҳиятига кириб бораётган, ўз фикр ва муносабатларини асаддан мисоллар келтириб асослаётган, мустақил фикр билдираётган ўқувчи шакллантириш адабиёт дарсликларининг асосий вазифасидир.

Хуллас, янги йўналишда яратиладиган дарсликлар мазмунига ҳам, дидактик ашёларига ҳам юқоридаги талаблар нуқтаи назардан ёндашилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Адабиёт дарсликларига миллий ва чет эл адабиётидаги энг сара бадиий асарлар киритилиши лозим. Лекин адабиёт оламидаги энг зўр асарларнинг барчасини дарсликка жойлаб бўлмайди. Дарсликларнинг, ундаги дидактик ашёларнинг вазифаси ўқувчини ўша энг зўр асарни қидириб топиб ўқийдиган даражага кўтаришдан иборат. Афсуски, бугун мактабда адабиётдан дарс беряётган ўқитувчилар томонидан бу ҳақиқатлар тўлиқ англаб етилгани йўқ. Уларга кўмак бериш мақсадида “Ўқитувчи китоби” методик қўлланмалари чоп этилмоқда. Бироқ, булар ҳали етарли эмас. Бизнингча, адабиёт дарсликларига киритилган ҳар бир бадиий асарни ўрганиш йўллари бўйича маҳсус ишланмалар яратиш зарур.

Янги авлод ўқув ашёлари педагогикани яхши билган, адабиёт ўқитиши методикаси илмидан хабардор бўлган мутахассис-олимлар томонидан яратилиши мақсадга мувофиқдир. Уларни тузишда жаҳон педагогикасида, миллий тарбияшуносликда илгари сурилган илғор қарашларга таянилиши давр талабидир.

Дарсликларда ўқувчига тайёр билимлар берилмаслиги, уларда давлат таълим стандарти талаблари асосида дастурда ўрганишга тақдим этилган билимларни ўқувчи ўз меҳнати билан ўзлаштириши кўзда тутилиши мақсадга мувофиқдир.

Кўринадики, мактаб адабий таълимида самарадорликка эришиш учун мукаммал адабиёт дарсликлари яратиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Лекин ҳар қандай юксак қурилма мустаҳкам пойдеворга таянсагина узоқ тургани каби, адабиёт дарсликларининг самарадорлик даражалари ҳам бошланғич синфларнинг “Ўқиш китоби” дарсликларининг савиясига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Щу сабабли ҳам ўқитиши кечимида қўлланилаётган “Ўқиш китоблари” ҳақида икки оғиз тўхталиш лозим деб ҳисоблаймиз.

“Ўқиш китоби” дарсликларида ҳиссиз, саёз матнлар кўпчиликни ташкил қиласда, шулар билан бирга, ширали, бадиияти юксак, кичик ўқувчиларни ўйлашга ундейдиган асарлар ҳам бор. Ҳар бир синф “Ўқиш китоби”да болаларнинг ёши, ақлий имконияти ва тасаввури даражасига мос, яхшигина номланган руқнлар остида бир талай асарлар жамланган. Лекин, умуман олганда, афсуски, “Ўқиш киобрлари”нинг аксарияти пухта ўйлаб тузилмаган. Айниска, дидактик воситаларнинг ҳолати ачинарли. Савияси баланд асарга ҳам, тўқиб чиқарилган қуруқ матнга ҳам уч-тўрттадан савол-топшириқ шунчаки тузиб қўя қолинган.

Бу дарсликларда кичик ўқувчиларга хос хусусиятлар муаллифларнинг назаридан четда қолган, деб бўлмайди. Тақдим этилган матнларнинг айримлари болаларнинг ёшига мос бўлса, баъзилари уларнинг интеллектуал имкониятларидан орқада қолган. Бошланғич синф бўйича ишлайдиган методист олимлар орасида, ўқувчини керагидан ортиқ аяш, материалларнинг болаларга оғирлик қилишидан чўчиш ҳукмронлик қиласди.

Психология илмидан маълумки, дарсда ўзлаштириладиган билимга ўқувчининг қизиқиши уйғотилса, ўқиш-ўрганиш унга ҳеч қачон қийин бўлмайди. Мақсадга мувофиқ қийинликда бола оғринмай, керакли билимларни ўрганаверади. Боланинг мактабдан ташқарида кечадиган ҳаётига бир назар ташланса, у ўзини қизиқтирган ҳамма ишни қилгиси, бажаргиси келганини кўриш мумкин бўлади. Бола ўз ҳаракатларининг натижасини кўришни истайди. Агар катталар таъкиқласа, улардан беркитиб иш қилишга уринади. Бу йўлда йиқилиб-суриниши, куйибёнини мумкин, лекин барибир ўз йўлидан қайтмайди.

Самарасизлигига ўзи амин бўлгачгина уринишларидан воз кечиши мумкин.

Тузуккина саводхон, ўқитувчиси фикрларини жуда чиройли такрорлай оладиган айрим ўқувчилар ўз фикрини ифодалаши керак бўлганда қийналади, мулоҳаза айтишга кўрқади, эҳтиёткорлик қиласди. Афсуски, кўпчилик ўқувчилар мустақил фикр-мулоҳазаларини, шахсий қарашларини ташқарига чиқармаган ҳолда мактабни битириб кетаётирлар. Билим бериш жараёнида болаларнинг мустақил фикрлашига диққат қилмаслик – тарбиячининг энг катта хатоси. Зарур билимларни меҳнат қилиб ўзлаштиришдан маънавий озуқа олиш мумкинлиги, бу йўлдаги меҳнат ўқувчининг эҳтиёжига айланиши уни моддий ва маънавий қарамлиқдан кутқариши бола онгига сингдирилиши керак. Ўқувчи меҳнатини ташкил эта билмаслик, боланинг ўзини билим олиш йўлида ишлата олмаслик дарслик муаллифининг ҳам, ўқитувчининг ҳам кечириб бўлмайдиган хатоси ҳисобланади.

Туйғулари тўғри тарбияланган, кўнгил мулки обод бўлган боладан ёмонлик чиқмайди. У эзгулик йўлида ёниб яшайдиган чинакам баркамол инсон бўлиб етишади.

АДАБИЙ ТАЪЛИМДА ИНШОНИНГ ЎРНИ

Мамлакат олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари тестлар асосида амалга оширилгани сабабли ўқувчилар, отоналар, ҳатто, айрим ўқитувчиларда ҳам иншога эътибор сусайгандай бўлди. Аслида иншо олий мактабга кириш воситасигина эмас. У умумий ўрта ва ўрта-маҳсус таълим босқичларида ўқувчилар томонидан адабиёт дарсларида бажариладиган асосий дидактик вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки иншо инсон тафаккурини чархлаш, дунёқарашини кенгайтириш, фикрларини, қарашларини қатъийлаштириш, маънавиятини шакллантириш ва ривожлантириш борасидаги энг таъсирчан педагогик омил ҳисобланади. Щунинг учун адабий таълимининг барча босқичларида ўқувчиларга иншо ёздириш шарт.

Ўқувчининг фантазияси, хаёлот олами катталарникидан бой ва кенгроқ. Фақат унинг ҳаётий тажрибаси

кагталарни кига нисбатан анча ғарип, атроф-мухитга муносабати ҳам содда ва жүнроқ бўлади. Ўқувчиларнинг хулқ-автори ҳам кагталарни кидан кескин фарқ қиласди. Таълимда тарбияланувчи даги бундай имкониятлардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Иншо ёзиш – ижодий жараён. Ўқувчини ижодга ундаш эса руҳиятини безовта қила оладиган, қизиқтирган мавзуда ёзишга ва энг муҳими, ўзининг туйгуларини, муносабатини сўз билан ифодалаб беришга қизиқиш уйғотилганда енгил ва муваффақиятли амалга ошади. Ўқувчи кўпинча ёзишга арзийдиган салмоқли фикри йўқлиги учун ёмон ёзади. Адабиёт дарсларида иншо ёздиришдан мақсад синфдаги ўқувчиларни ижодкор қилиш эмас. Муҳими, тарбияланувчида шундай туйгуларнинг айрим жиҳатлари, белгилари пайдо бўлса, жуда бўлмагандан, дарсда ўргангандарига муносабат билдиришга одатланса, унда инсонлик, шахслик куртаклари пайдо бўлади. Ўзида шахслик сифатларини шакллантиришга эришган бола ривожланиш сари интилиши, табиий.

Ўқувчини фақат ўзи яхши билган, у кўп ва чуқур ўйлаган нарсаси ҳақида ёзишга ўргатиш керак. Яхши билмаган, тушунмаган мавзу ҳақида ёзишдан азобли нарса йўқ. Ўқувчига бундай топшириқ бериш унда қуруқлик, юзакиликни тарбиялаш демакдир. Ўқувчи шахсида ижодкорликни, безовта, уйғоқ қалбни тарбиялаш учун, аввало, унда атроф-мухитга, табиатга, ҳайвонот ва наборот оламига, инсонга кучли қизиқиш уйғотилади. Тарбияланувчини ўзи яхши билмайдиган, яхши кўрмаган, қизиқмаган мавзуда ёзишга мажбур қилмаган маъқул. Афсуски, ўқитиш амалиётида кўпинча буннинг акси қилинади.

Ўқувчиларда ижодкорликни ўстириш учун уларни ижодга ундовчи материал ва эркинлик бериш, “уларни ўқитишни бас қилиб”, ишга тушишга йўл бериш зарур. Ўқувчиларнинг мустақил ижодий фаолияти бўлмиш иншо ёзишни ташкил этишда қуидагиларга амал қилиш мақсадга мувофиқ бўлади:

а) хилма-хил мавзуларни танлаш ихтиёрини бериш. Бу мавзулар ўқувчилар учун қизиқарли ва уларни ижодий фикрлашга ундейдиган бўлиши керак;

- б) ўқувчиларга ўртоқларининг иншоларини ўқишга бериш;
- в) ўқувчиларнинг иншолари таҳлил қилинаётганда ундаги камчиликлар юзасидан қаттиқ танбех бермаслик;
- г) иншога баҳо беришда ҳажмнинг қанчалигини ҳисобга олмаслик.

Одатда, ўқувчилар адабий иншо ёзганларида дарслик муаллифлари ёки ўқитувчининг тимсоллар ҳақидаги фикрларига ёпишиб олишади. Бунинг сабаби уларнинг ўз фикрини ифодалашга ўргатилмагани, тимсоллар ҳақида шахсий қарашларининг йўқлиги, асар мазмуни ёки матннинг қайси ўрни ва жиҳати таъсир этганини ажратади. Ўқувчиларга иншо ёздиришдан олдин ўқитувчи уларнинг бадиий асарни қандай ўқиганлари ва қанчалик тушунгандарини аниқлаб олиши зарур. Шундай мақсад билан ташкил этилган сухбатлар асосида асар юзасидан ўқувчилар англамай қолган жиҳатлар ва бунинг сабаблари аниқланади. Шундан келиб чиқиб маълум даражада тушунтириш ишлари амалга оширилади. Айни вактда ўқувчида мустақил фикр, соғлом маънавият шакллантиришга ҳам эришилади.

Ўқувчиларга иншо ёзишни уй вазифаси сифатида ҳам топшириш мумкин. Бошланғич синфлар адабий таълимидаги уйга иншо ёзишга берилса, ўша куни ўқувчи бошқа ўқув фанлари бўйича ошиқча юкламалардан халос этилиши, кўшимча топшириқлар берилмаслиги керак. Чунки иншо ёзиш анчагина ақлий зўриқишиш ва вақтни талаб қиласи. Таълимнинг юқори босқичларида ҳам ўқув фанлари муаллимлари бир-бирлари билан доимий алоқа боғлаб туришлари, уй вазифаларини беришда бир-бирлари билан келишишлари ўқувчининг уйга берилган топшириқларни тайёрлашдаги вақтини назорат қилиш имконини беради. Бундан ташқари, мактабда дарс жадваллари ҳам шундок тузилиши керакки, уй вазифалари бир кунда уч-тўрттадан ошмасин. Синфлар юқорилаб боргани сари уй иншоларининг сони ошмай мазмуни чуқурлаштирилади. Талаб доираси кенгаяди. Бундан ташқари расмлар, кузатишлар асосида ҳам иншолар ёздириш мумкин. Бундай уй иншолари 30–35 дақиқа давомида бажариладиган ишлар бўлиши керак.

Шарқда азалдан күнгил тарбияси устуворлик қилиб, маънавий етуклик баланд мартабада бўлган. Билимларни ўзлаштиришга, фанда қашфиётлар қилишга руҳий камолот орқали чиқилган. Шунинг учун ҳам мактабларда аввал бадиий адабиётни ўқитиш, сўздан таъсирланишга ўргатиш амалга оширилган. Руҳиятни уйғотишга ҳаракат қилинган. Безовта қалбгина изланишга қодир экани яхши тушунилган.

Европа таълим тизимида ҳар қандай ўқув фани бўйича, у биология бўладими, иқтисодми, тилми, турли мавзулар юзасидан эсселар ёзиш етакчилик қиласди. Маълумки, эссе – эркин фикрнинг, мустақил тафаккурнинг маҳсули. У ижод. Адабиёт дарсларида иншо ёзиш ҳам ижод. Ижоднинг бу турлари орасидаги тафовут унча катта эмас. Албатта, иншолар таълим тизимида ўрганиб қолинган анъанавий тартибда эмас, айнан ижоднинг маҳсули тарзида яратилиши керак. Адабиёт дарсларида танланган иншо мавзулари ўқувчилар учун янги бўлиши аҳамиятга эга.

Ўқувчиларга иншоларнинг ўйлантирадиган, қийнайдиган ёки севинтирадиган туйғуларга ҳамоҳанг мавзуларда бўлиши ёқади. Масалан, маълум шахс ҳақидаги иншо мавзулари: “Ўртоғимнинг тавсифи”, “Менинг дўстим”, “Мухаббат ҳақидаги тасаввурим”, “Менинг акам”, “Бизнинг оиламиз”; ўрганилган асарлар юзасидан: “Менга ёқкан саҳифа”, “Хошимжонга муносабатим”, “А.Орипов ижодидан олган таассуротларим”, “Ў.Хошимов асарларига муносабатим” ва ҳк. мавзулар ижодий ёндашув ва мустақил фикрлашни талаб қиласди. Ўқувчининг эркин ва мустақил мулоҳазасига асосланадиган бундай ёзма ишларни ўқув йилининг боши, ўртаси ва охирида олиш ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини ўстириш ҳамда улардаги фикр мустақиллигининг ўсишини назорат қилиш имконини беради.

Ўрганиладиган бадиий асарни ўқиш давомида ўқувчиларга иншо ёзища қўл келадиган мухим сўз ва ибораларни белгилаб боришини ўргатиш ҳам максадга мувофиқ бўлади. Бу нарса ўқувчиларни асар мутолааси давомида иншо ёзишга руҳан тайёрлайди, матндаги мухимни номуҳимдан фарқлашга ўргатади. Масалан, “Қодирийнинг ижодида нимани қадрлайман ва севаман” мавзусида иншо ёздириш

учун, анибало, Абдулла Қодирийнинг асари ўқувчилар севиб қоладиган даражада таҳлил қилиниши керак. Асаддан фақат Қодирийга хос бўлган ва ўқувчи қалбини титратадиган тасвиirlарни кашф қилдириш керак. Мана шу кашфиёт, ўқувчига лаззат бағишлигага топилдиқларгина адабни китобхонга севдиради. Бу ёзувчини асарларининг гўзал услуги, кўнгилга бориб ўрнашадиган фикрлари туфайли севишдир. Қолаверса, ўқувчининг ёзувчи шахсиятидаги ўзиникига ўхшаш жиҳатларни илғаши уларни бир-бирига яқинлаштиради. Фикр ва туйғуларнинг ҳамоҳанглиги ўқувчининг иншосида ўз аксини топади. Иншо ёзишда ўқувчига берилган эрк ва имконият уни мустақил фикрлаш ва руҳий кечинмаларини ифодалашга одатлантиради.

Мактаблардаги кузатишлардан маълумки, бугунги ўқувчиларнинг кўпчилиги ўз фикрини айтишни истамайди. Ачинарлиси шуки, уларнинг кўпчилигига салмоқли фикрнинг ўзи йўқ. Агар мактаб адабий таълими бугунги методика илми тавсия этаётган йўллар билан ташкил этилса, фикр кишилари кўпайиши муқаррар. Юқорида саналган мавзуларда ўқувчилар анъанавий йўсинда ёзгандан кўра яхши ёзишади. Бу йўл билан улар дарслердаги матнни қайта ҳикоялашдан қоча бошлайдилар. Иншоларида ўз фикр-туйғулари, истак-интилишлари, муносабатлари ифодалана боради. Иншонинг услуги ёзувчиларнинг услуги билан тенглаштирилмаслиги керак. Ўқитувчи фаразлари, китоб ва кўлланмалардаги фикрлари ўқувчиларнинг иншосида учраши, табиий. Фақат уларнинг ўринли бўлиши, ўқувчининг қарашларини асослашга қай даражада хизмат қилиши мухим.

Адабиёт дарсларида ўқитувчи ўқувчиларни бадиий асарда нима айтилганига эмас, балки қандай айтилганига алоҳида диққат қаратишга йўналтириб туриши лозим. У табиат тасвири гўзаллиги, қаҳрамонлар ички кечинмалари ифодаси нозиклиги, муаллиф тилининг инжалигини ҳам кузатсин, сезсин. Адабиёт дарсларида, асар таҳлили мобайнида эътиборли бўлган ўқувчи ижод жараёни бўлмиш иншо битишда ўйланмаслиги, изланмаслиги мумкин эмас. Ўқувчи шуларни тушуна бошласа, маънавияти тўқисроқ шаклланади, пухтароқ билим олади. Бундай

ишлиар мактабнинг бошланғич ва ўрта давридаги нутқ ўстириш ишининг давоми бўлади. Уларнинг фикрлари мураккаблашади, жиддийлашади.

Ўқувчи иншоларининг мазмунли бўлишида ўрганилаётган асарнинг қайси ўринлари муваффақиятли чиққанини пайқаши ва билиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчиларда бундай топқирликни шакллантириш ва ривожлантириш ўқитувчининг бурчи ҳисобланади. Бунга “Менга ёқсан сахифа”, “Асар мутолааси менда қандай туйғуларни кўзғади”, “Асардаги менга энг ёқсан тасвирлар”, “Мени қизиқтириб қолган қаҳрамон”, “Менинг Шум болага муносабатим”, “Менинг Бўри полвонга муносабатим”, “Эргашвой – менга маъқул келган қаҳрамон”, “Зобит ва Раданинг ватанга муҳаббати тавсифи” сингари мавзуларда синф ва уй иншолари ёздириш билан эришиш мумкин. Ўқитувчи ўқувчига йўналиш бериб, фикрлашини тизимга солиб тургани маъқул. Акс ҳолда, бундай иншо тўла ижод маҳсули бўла олмайди. Ўзи кашф қилиш бошқа, ўзгаларнинг йўналиши билан фикр юритиш бошқа, албатта. Лекин ўзгалар берган йўналиш асосида фикрлай бошлаган ўқувчи маълум вақт ўтгач, албатта, мустақил фикрлашга ўтади.

Иншо муаллифи ҳар бир ишда ўз фикрини ифодалаши, ёки ўзгаларнинг айтганларига қўшилиш-қўшилмаслиги сабабларини изоҳлаши керак. Бирор фикрни ёқлаш ёки инкор этиш ҳам мустақил тафаккурни талаб қиласди. Ўқувчи ўз фикрларини ифодалашни, уларга ишлов беришни билиши, ўқитувчи эса қолипдаги ёзма ишни эмас, айнан иншони олиши ва текшириши мақсадга мувофиқ бўлади. Дидларни “икки” ёки “ёмон” баҳолар билан сўндириш эмас, улар ҳақида тортишиш, баҳслashiш керак. Иншо ёзган ўқувчининг фикрларини хурмат қилган ҳолда, ёзма ишлардаги бирор детални эътиборсиз қолдириш мумкин эмас. Муваффақиятли чиққан фикр ва хulosаларни кўрсатиш, нотўғри ифодалар ҳақида жиддий мулоҳазалар айтиб, унга ўқувчини ишонтириш зарур.

Асар устида ишлаётган ўқувчилар сўзга авайлаб ёндашишни билишлари керак. Ўқувчини муаллиф кўллаган ҳар бир сўз тагида қандай фикр мавжудлигига эътибор беришни ўргатиш адабиёт ўқитувчисининг бурчи. Бунга

ўрганган ўқувчи эссе, ёки иншо ёзишда ҳамиша ўзига ёқсан, уни безовта қилган – шодлантирган ёки қайғуга солган, дилини қувонтирган ёхуд оғритган барча нарсаларни сўз билан ифодалашга, уни таъсири, ўзгаларга ҳам “юқтира оладиган” қилиб ифодалашга одатланиб боради. Ана шунда сўзнинг қудратини, ижоднинг машақкати ва лаззатини ҳис қиласди.

Тарбияланувчидаги ижодга эҳтиёж ҳиссини шакллантирмай туриб, унга атрофини ўраб турган, уни безовта қилаётган борлиқни, инсонни, воқеа-ҳодисани англатиш мумкин эмас. Адабиёт ўқувчини инсониятга ошно этади, уни одамлар дунёсига олиб киради, шу оламга мансублик қиласди, яъни ижтимоийлаштиради. Бу ўз навбатида, унга ўзлигини англатади. Ўқувчи ижод жараёнида ҳаётда мавжуд нарсани ўзи учун ўзи қайта кашф этиши ва бунинг лаззатини туйиши керак. Ўзи ҳис қилиб, кўнгилдан ўтказиш гаштини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Ўқувчи омадсизликлар, мағлубиятлар, изтироблар кетидан эришилган ғалаба нашидасини, лаззатини туйиши керак. Адабиёт дарсларининг муҳим хусусиятларидан бири – дарс жараёнида ўқувчиларнинг “уйғониши”, ақлий ва руҳий мувозанатдан чиқиши, зўриқиши. Ҳар бир адабиёт дарсидан сўнг ўқувчидаги китоб ўқишига, ижодга, санъатга эҳтиёж қолиши керак.

Ўқувчининг ўқитувчига ишончи ҳам унинг ижодидаги самимиyликка гаровдир. Фикр ва фаoliятнинг мустақиллиги руҳият мустақиллигининг кўриниши, маҳсули ҳисобланади. Ақлнинг чинакам мустақиллиги, тафаккур етуклиги, мулоҳазаларнинг рост ва самимиyлиги ҳаёт, бадиий сўз, ҳамда санъат ҳодисаларини таҳлил қила билиш маҳоратида кўринади. Тафаккур мустақиллигининг бундай даражасига ўқувчилар олдига ҳал қилиш билан дунёқарашиб, ахлоқий ва эстетик назарлар шаклланадиган мураккаб масалалар қўйиш билан эришилади. Ҳеч қандай фикр йўқлигидан, потўғри бўлса-да, қарашларнинг бори маъқул. Йўқ нарсани яратишдан кўра борининг йўналиши ёки шаклини, мазмунини ўзгартириш, унга мантиқ бағишлиш осонроқ.

Дарсларда ўқувчиларнинг ёзма ишларини таҳлил қилишдан асар таҳлилига ўтишни матнда кўзга яқол

ташланадиган, лекин ўқувчининг назаридан четда қолган ёки нотўғри талқин қилинган бирор жиҳатни белгилаб, бу борада сұхбатлашиш мумкин бўлган даражада ташкил этиш керак. Ўқувчилар томонидан бажарилган иш таҳлили билан бадиий асар таҳлили уйғунлашиб кетгани маъкул.

Ўқувчиларнинг уй ва синф иншоларига қуйидаги талаблар қўйилади:

- ўз фикрини режа асосида, мавзудан чиқмай, изчил баён этиш;

- айтилган фикрлар, чиқарилган хulosаларни асослаш ва далиллар билан исботлаш;

- мавзу юзасидан ўз хulosасини чиқариш ва умумлашмалар қилиш;

- фикрларини тўғри ва саводли баён кила олиш.

Олтинчи синфдан бошлаб ўқувчиларга ривоят тарзидаги иншолар ёзишни топшириш мумкин. Бундай иншолар учун адабий таълимнинг дастлабки босқичида асардаги воқеалар ривожи жараёнини ёритиб бериш яхши материал ҳисобланади. Аста-секинлик билан, синфлар юқориляб боргани сари асар қаҳрамонларининг ёзма характеристикасига ўтилади.

Ўқувчиларни иншо ёзишга тайёрлашда аввал асар қаҳрамонининг оғзаки индивидуал тавсифини чизиш кўникмаси шакллантириб олинади, сўнг уларнинг қиёсий характеристикасини тузиш билан боғлиқ топшириклар берилади. Оғзаки қиёсий тавсифдан кейин ўқитувчи умумлаштирувчи характеристердаги иншоларни топшириқ сифатида бериши мумкин. Умумлаштирувчи характеристердаги иншоларнинг мавзулари юқори синфларда сезиларли даражада қийинлашиб боради. Яъни ўқувчилардан нисбатан кенгроқ муҳокамалар, умумлашмалар талаб қилинади.

Масалан, “XV асрдаги ҳаёт ва у даврнинг умумий тавсифи”, “Мумтоз адабий қаҳрамонларнинг (маълум асарлар мисолида) умумий хусусиятлари”, “Иккинчи жаҳон уруши даври кишиларининг ўзбек адабиётидаги тасвири” ва ҳк.

Юқори синф ўқувчиларини кенгроқ умумлашмалар қилишга ўргатиш учун уларга ёзувчи ёки шоирнинг ижодий фаолияти характеристикасини яратиш бўйича,

адиб ижодининг бирор қирраси, асар қаҳрамонининг кенг миңгесдаги характеристикаси, шоир ижодидаги бирор мавзунинг тараннум этилиши, адебнинг ilk ижоди билан ҳаётининг сўнгги йилларидағи битиклари қиёсий таҳлили, публицистик йўналишдаги иншолар ҳам бериш мумкин.

Иншолар 7-синфдан 9-синфнинг ўрталаригача оддийдан мураккабга тамойили асосида ёздирилади. 9-синфнинг тўртингчи чорагидан бошлаб ўкув йилининг охиригача уй иншолари олинмайди. Чунки ўкувчилар битирув имтиҳонларига тайёрланадилар. Иншоларнинг тахмний меъёрини: бир ўкув йилида 5-6-синфларда тўрт-бештадан, 7-8-синфларда беш-олтитадан, 9-синфда саккиз-тўқизта қилиб белгилаш мумкин.

Ўкувчиларга бериладиган уй иншолари синфдаги иншолардан фарқланиши керак. Синфдаги иншолар, асосан, назорат характерида бўлса, уй иншолари таълимий, яъни кўникма шакллантириш йўналишида бўлади.

Юқори синф ўкувчилари иншоларида учраб турадиган: фикр баён этишда изчилик ва аниқликнинг етишмаслиги; умумлашмалар қилишни, хуросалар чиқаришни билмаслик; мавзудан четлаб кетиш; режа бандларига амал қилмаслик; мавзу учун мухимни номухимдан ажратса олмаслик; кўчирмалардан ўрни билан фойдаланолмаслик; иншо мавзуси, режаси ва мазмунидаги номутаносиблик каби камчиликлардан қутилишга ўргатиш ўқитувчининг мухим вазифасидир. Бу каби хатоликлардан ўкувчиларни қутқариш учун ўқитувчи ишларнинг таҳлили ва хатолар устида ишлаш дарсларида уларни аниқ мисоллар билан кўрсатиши, хатоларнинг сабабларини аниқлаши, режа тузишда умумий, мавҳум гаплардан қочишга ўргатиши, тузилган режа бандлари ва иншони батафсил таҳлил қилиши керак.

Уй иншолари беришда ўқитувчидан уларнинг мавзуси ҳақида синфда батафсил маълумот бериш, зарурий адабиётлар рўйхатини тавсия этиш талаб қилинади.

Хуллас, адабиёт дарсларида, у таълимнинг қайси турида бўлишидан қатъи назар, ўкувчиларга иншо ёздириш уларнинг маънавий баркамол бўлиб шаклланишига кўмаклашади.

МУАММО ҚҰЙИШ – МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШГА ҮРГАТИШ АСОСИ

Бугун миллий тарбияшуносликнинг мазмуни ҳам, мақсад ва вазифалари ҳам ўзгарган. Баркамол авлодни шакллантириш йўлида изланётган, янгиланган миллий педагогиканинг долзарб масалалардан бири шахснинг камол топишида унинг ўзининг иштирокини таъминлашдир. Боланинг шахс сифатида шаклланшида унинг ўзи бевосита иштирок этиши, бу жараёнга ихтиёрий равишда киришиши учун унда онгли эҳтиёжни уйғотиш керак. Бунинг самарали йўлларидан бири унинг олдига муаммо қўйишдир. Ўтган асрнинг 70-йилларида жаҳон педагогика илмига ўқувчи шахси мустақиллигини таъминлаш билан бөлгик бўлган муаммо, муаммоли таълим, муаммоли масала, муаммоли вазият каби тушунчалар кириб келди.

Муаммоли таълим ўқувчиларнинг билим олишида уларнинг фаол иштирокни таъминлаш мақсадида олдиларига муаммо қўйиши воситасида амалга ошириладиган таълим жараёнидир. Муаммога дуч келган ўқувчи рухиятида, аввалио, уни интеллектуал фаолиятга ундовчи ички эҳтиёж пайдо бўлади. Бу эҳтиёж болани олдида турган муаммонинг моҳиятини билишга қизиктиради. Шу туфайли у ўзининг интеллектуал имконияти ва ҳаётий тажрибаси ёрдамида муаммони ечишга киришади. Агар ўқувчининг олдига қўйилган вазифани бажариш учун бола шу вақтгача эгалланган билим ва тажриба етарли бўлса, муаммоли вазият-ҳолат вужудга келмайди. Чунки қўйилган масалани ҳал этиш учун ўқувчи ўзини зўриқтирмайди, изланмайди, уни осонгина ҳал этиб қўя қолади. Демакки, бу ўринда муаммоли таълим ҳақида гапириб бўлмайди. Боланинг олдига қўйилган масала уни қизиктириб қолса-ю, лекин муаммонинг ечими унинг билими, интеллектуал имкониятлари даражасидан юқори бўлса ва ўқувчи уни ҳал этаб, ўз муваффақиятидан ҳузурлана олмаса, бу ҳам муаммоли таълимнинг мақсадига мувофиқ бўлмайди.

Муаммоли таълим деганда билимларни ижодий ўзлаштириш ҳамда ўқиши усусларини уйғунликда амалга ошириш назарда тутилган дидактик тизим тушунилади. Бу таълим билимлар асоси мустахкам эгалланишини,

ўқувчиларнинг мустақил равишда билим олишини таъминлайди, уларнинг ижодий қобилиятларини ўстиради, дунёқарашини шакллантиради, у ёки бу таълимий ҳақиқатни ўзлари мустақил кашф қилишларига имконият яратади.

Муаммоли таълимда ўқувчилар мустақил равишда ёки ўқитувчиси кўмагида қўйилган масалани ечиш йўлларини ахтарадилар, шу аснода ўзлари учун янгилик кашф этадилар, муаммони ҳал қилиб, ўз билимларини бойитадилар ва бу жараёндан завқ оладилар. Кашф этиш, яратиш завқи инсон руҳияти ва фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиб, уни камолотга етаклайди.

Таълим жараёнида муаммоли вазиятдан фойдаланиш ўқувчидаги фикрлаш мустақиллигини таъминлайди. Мустақил фикрлаш аввал қўнимма сифатида шаклланади. Шундай ҳолатнинг мунтазам такрорланиши ўқувчидағи бу қўнимани малакага айлантиради. Малака нечоғлиқ чукур эгалланса, у ўқувчи учун оддий ҳолга айланиб унинг нутқи, ақлий фаолиятида намоён бўлади.

Адабий таълимда муаммоли вазият ҳосил қила билиш, бу вазиятдан ўқувчиларнинг мустақил равишда чиқиб кетишларига эришиш ўқитувчидан ҳам жиддий меҳнатни талаб қиласди. Ушбу мақолада Шукур Холмирзаевнинг 7-синф “Адабиёт” дарслик-мажмуасидаги “Ўзбеклар” ҳикояси устида ишлаш мисолида адабиёт дарсларида муаммоли таълимни амалга ошириш йўл-йўриқлари ҳақида фикр юритилади.

Мазкур ҳикоя ўз мазмун-моҳияти билан кишида хилмажил туйғуларни қўзғайди, қалб қаърида оғриқ пайдо қиласди, алам, изтироб, ифтихор, ғурур уйғотади. Уни дарсликда матн юзасидан тақдим этилган қирқдан ортиқ савол-топшириқлар ёрдамида ўрганиш муаммоли ўрганишдан кам самара бермайди. Берилган савол-топшириқлар билан ишлагандага ўқувчиларга асарнинг бадиий қудратини сездириб, таъсир кучини ошириш мумкин.

Ўрганишга тақдим этилган ҳикоянинг ҳажми каттагина. Бир дарснинг ўзида уни тўлиқ ўқиб чиқишининг имкони йўқ. Шунинг учун ўқитувчи матнни жумбокли, болаларни ҳикоянинг давомини мустақил ўқишга мажбур қиласиган жойигача ўқигани, қолганини уйга топшириқ тарзида

бергани маъқул бўлади. Масалан, матнинг бошидан 2-3 саҳифа ўқиб (буни вақт имкониятига қараб ўқитувчи ўзи белгилагани маъқул), сўнг “Шунда сиз масаввур ҳам қилолмайдиган бир воқеа содир бўлди...” деган жумла билан асарнинг бир қисмини якунлагани, сўнг “Биз энди яккамахов бўлиб қолдик. Йўқ, сира кирмадим. Қандай қилиб кираман! Бу ёёғига қулоқ солинг...” жумласигача ўқиб, орадаги ва кейинги асосий лавҳаларни қолдириб кетгани маъқул. Ўқитувчи матнни ўқиганда хикоячининг ҳолатига кириб, сұхбатдошига “қадрдон”, “мехрибоним” дея юзланишини, “...сиз нима қиласдингиз?” деган мурожаатларини алоҳида оҳанг билан ўкиши, сўнг бир оз узилиш қилиб, ўқувчиларга ўйлаш имконини бериши лозим бўлади. Мақсад – болалар кўнглида ҳикоя қаҳрамонига муҳаббат, ҳеч бўлмаса илиқтиқ үйғотиш.

Ҳикоянинг тўлиқ матнини ўқишини уйга топшириш билан бирга кейинги икки дарсда асар матнини ўрганиш муаммоли ҳамда мунозара шаклида бўлишини айтиб: “Асар қаҳрамони Эргашвой инсон сифатида сизга ёқдими, йўқми? Нега? Уни асл ўзбек деса бўладими? Ҳикоянинг барча қаҳрамонларида ўзбекка хос нимадир бор. Сиз қай бирини нима учун ёқлайсиз, не сабаб билан маъқулламайсиз? Шу ҳакда ўйлаб кўринг.” шаклидаги ўқувчи рухиятини, шуурини қитиқлайдиган муаммоли саволларни ўртага ташлаб, уларни адабиёт дафтарига ёздириб қўйиш мумкин. Ҳикоя таҳлилига бундай ёндашган ўқувчи асарни ўқиш давомида ҳар бир жумлага эътибор билан қараб, кейинги дарсга иштиёқ ва тайёргарлик билан келиши табиий. Кейинги дарсда ўқитувчи муаммоли саволларни қайта эслатиб, ҳар бир ўқувчи фикрини, дикқат билан эшитиши лозим. Чунки ўқувчилар асосан ўқитувчи учун гапиради. Балки баъзиларининг айтганлари маънавий-ҳаётий ўлчамларга мос келмас, лекин бунинг учун дарҳол дакки бериб боланинг руҳини чўқтириб қўймаслик керак. Ўқувчи ўз қарашларининг нотўғрилигини ўртоқларининг фикри, хulosалари билан таққослаб қўриб, ўзи билиб олсин. Эргашвойнинг маънавияти қанчалар баландлигини ўқувчилар ўз мунозаралари давомида ўzlари кашф этсинлар. Муаммоли вазиятда баъзан шундай ҳолатлар ҳам бўладики, болалар сұхбат жараёнида боши берк кўчага

кириб қоладилар, ёки тортишиб қоладилар, ёхуд масала ҳал бўлмай мунозара тўхтаб қолади. Шунда ўқитувчи дарсликда Эргашвой характерини очишга йўналтирилган савол ва топшириқлардан фойдаланиши мумкин:

1. Бир персонажнинг: “Қандай абллаҳ эканмиз!” деган икрори сабабини тушунтиринг.

2. Ўзбекларнинг ўз камбағалликларини яширишига сиз қандай қарайсиз? Сизнингча бунинг сабаби нимада?

3. Ботир чўпон ва аёлининг Эргашга ўзларидаги биргина тарвузнинг ярмини илингандиклари, ўта камбағал бўлсаларда, барча ҳашарчи йигитларга ош қилиб берганликлари сабаби тўғрисида ўйлаб кўринг.

4. Эргашнинг чўпонникида бир ошам ҳам ош емагани сабабини изоҳланг. Сиз унинг ўрнида нима қилган бўлардингиз?

5. Эргашинг: “Ҳаммаларингдан жирканаман”, дея четга чиққандаги ҳолатини батафсил тасвирилашга уриниб кўринг. Ўша пайтда унинг кўзи, қоши, сўзлаш тарзи, гавдаси қандай бўлган деб ўйлайсиз? Сиз уни тушунасизми, ҳис этасизми? Ҳолатингизни сўз билан ифодаланг.

6. Кўзи воқеасидан кейин ҳам Ўрмон, Азимжон, Мирзаголибларнинг чўпонникига кираверишларига муносабат билдиринг. Уларнинг ўрнига ўзингизни қўйиб, фикрингизни асослашга урининг.

7. Чўпон ва аёлининг руҳиятини тушунишга уриниб кўринг. Эргашнинг ҳаракатларига уларнинг кўзи билан баҳо беринг.

8. Матнга асосланиб, чўпон ва аёлининг Эргаш билан хайрлашмаганига муносабат билдиринг. Одам учун дўстдан душманни, яхшидан ёмонни ажратиш қанчалар қийин экани ҳақида ўйлаб кўринг, фикрингизни айтинг.

9. Сиз чўпон ва унинг аёлидан фаҳрланасизми, хижолат бўласизми, нафратланасизми? Ҳашарчи талабалардан-чи?

10. Асадаги чўпон ва аёлига ўхшаш кишиларни ҳаётда кўрганмисиз? Шу ҳақда сўзлаб беринг.

11. Эргашвойнинг табиат тасвирига бунча кўп эътибор берганига қараб, бунинг сабаблари ва унинг табиатга муносабатини изоҳланг.

Муаммоли вазиятнинг ечими синфдаги яхши ўқийдиган

бир неча ўқувчининг иштироки билан чекланмай, унда ўқувчиларнинг барчаси иштирок этиши керак. Ушбу дарс баҳс-мунозара, эркин сұхбат, ҳар хил фикрлар түқнашуви шаклида ўтиши лозим. Муаммоли вазиятни ташкил қылган ўқитувчи ҳам унинг ҳокими эмас, иштирокчиси бўлиши, бошқарувчисидан кўра кўпроқ кузатувчи бўлгани маъқул.

Ўқувчилар бир-бирларининг фикрларини хурмат қылган ҳолда сұхбатни, мунозарани ўзлари юритганлари фойдалироқ. Мунозарадан ҳар бир ўқувчи миллий маънавий ўлчовларга мос келадиган ўз ҳақиқати, фикри, холосасиға эга бўлса, уларнинг шахсияти шаклланиши сари қадам босилган бўларди.

2001.

МАКТАБДА ҲАМЗА ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий XX асрнинг 20-йиллари ўзбек адабиёти тараққиётiga маърифатчилик ғояларини илгари сурган шеърлари ва драматик асарлари билан ҳисса кўшган адиддир. Унинг шахси ва ижодига совет даври “Ўзбек адабиёти” дарслкларида бутунлай ўзгача талқин берилиб, ўзи сингари унинг асарлари ҳам даврга мослаштирилган. Тўғри, у инқилобдан кейин шўролар фаолиятини улугловчи асарлар ҳам яратган. Лекин у ўша даврдаги жадидчилик ҳаракатининг барча вакиллари қатори миллатни ўқитиш, саводли қилиш, маърифат орқали уни жаҳолатдан, маънавий қанишоқликдан қутқариш орзусини амалга ошириш мақсади йўлида фаоллик кўрсатган.

Мустақиллик даври дарслкларида Ҳамза шахси ва ижодига холис ёндашилмоқда. Ҳ.Ҳ.Ниёзийнинг ижоди амалдаги 7-синф “Ўзбек адабиёти” дарслк-мажмуаси (Қ. Йўлдошев, Р. Мажидов. Ўзбек адабиёти. 7-синф учун дарслк-мажмуа. Т.: Ўқитувчи, 1995.) ҳамда 11-синф “Ўзбек адабиёти” дарслигида (Н. Каримов ва бошқ. Ўзбек адабиёти. Дарслк. 11-синф учун. -Т.: Ўқитувчи, 1995.) ўрганиш учун тапсия этилган. Дастурда (Умумтаълим мактаблари дастури. Ўзбек адабиёти. (V-XI синвлар учун). -Т.: Ўқитувчи, 1997.) Ҳамзалик ижодини ўрганиш учун 7-синфда 3 соат, 11-синфда 8 соат вақт ажратилган.

7-синф дарслер мажмуаси учун К. Йулдошев томонидан алоҳида методик қўлланма (К. Йулдошев. Ўқитувчи китоби. Методик қўлланма. 7-синф “Ўзбек адабиёти” дарслер мажмуаси учун. -Т.: Ўқитувчи, 1997.) чоп этилган. Унда Ҳамзанинг ҳаёти, тақдим этилган асарларини ўрганиш йўллари тавсия этилган.

11-синф “Ўзбек адабиёти” дарслигида адабнинг “Миллий ашулалар учун миллий шеърлар” мажмуасидан олинган “Йигла, Туркистон”, “Яхши ҳолин йуқотган оқибатсиз Туркистон”, “Бизни Туркистон эли дардига дармон истамас” шеърлари тақдим этилган бўлиб, ўқувчилар худди шу асарлар билан 7-синфда танишганлар. Ўқитувчи ўқувчиларни тақордан холос этиш учун Ҳамзанинг “Янги саодат” ёки “Майсарапнинг иши” асари матнини тавсия этса, мақсадга мувоғик бўлади.

Биз бу ўринда дарслер материалларидан келиб чиқиб, Ҳамзанинг “Захарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари” фожиаси таҳлили хусусида сўз юритмоқчимиз. Ўқитувчи дастурда белгиланган саккиз соатнинг уч соатини ушбу асарни ўрганиш учун ажратиши мумкин. Мажмууда берилган асар матнини ўқиши учун дарснинг бир соати талаб қилинади.

Матннинг дарсда ўқитувчи томонидан таъсирили, ҳар бир образ характеристига хос хусусиятларга ургу берган оҳангда ўқилиши катта аҳамиятга молик. Ўқитувчи ўқиш оҳангидан билан тингловчиларининг қаҳрамонлар руҳий ҳолатини туйишига, уларнинг дардини ҳис қилишига замин яратиб, ўқувчи билан қаҳрамонни бир-бирига яқинлаштиради. Асар матни билан танишишни адабиёттага майли кучли ўқувчилар иштирокида ролларга бўлган ҳолда ташкил этиш ҳам яхши самара беради. Чунки 11-синф ўқувчилари Маҳмудхон ва Марямхон билан салкам тенгдош, қаҳрамонларнинг туйғулари ҳар бир ўқувчига у ёки бу даражада таниш. Қолаверса, ўқувчилар асарни ўқиши давомида севишганларнинг ҳолатини бевосита ҳис қиладилар.

Дарслерда асар талқини ва тимсоллар ҳақида муаллифларнинг мулоҳазалари берилган. Ўқитувчи ўз тарбияланувчиларига бу талқин ва хуносалар бир кишининг, яъни муаллифнинг қарашлари эканини, бу барча учун умумий, қатъий хукм эмаслигини алоҳида уқтириши

мақсадга мувофиқ бўлади. Токи, асар таҳлили жараёнида ҳар кимнинг ўз Маҳмудхони, Марямхони бўлиши учун ҳар бир ўқувчи қаҳрамонлар характерига, хатти-ҳаракатлариға ўз муносабатини билдириш, шу асосда ўз хulosасини чиқарсин. Бугунги адабий таълимнинг бош мақсади – маънавий баркамол авлодни шакллантириш экан, мустақил фикрлай биладиган, ўз қарашларига эга бўлган ёшларни тарбиялаш асосий вазифа бўлиши керак.

Дарсликда асарнинг моҳиятини очишга хизмат қиласидиган, ўқувчиларни фикрлашга ундейдиган, асарни бадиий таҳлил қилишга ўргатувчи савол-топшириқлар бсрilmаган. Шундай экан, ўқитувчи дарсга тайёргарлик жараёнида ўқувчилари орасида баҳс-мунозарага сабаб бўладиган, уларни мустақил фикрлашга, ўйлашга, фактларни таққослаб, хulosалар чиқаришга ундейдиган савол-топшириқларни ўзи тузиши керак бўлади. Асарни ўрганишга ажратилган икки соат яхлитланса ва ўқувчиларнинг ўқилган матн мазмуни бўйича таассуротлари совумай унинг таҳлилига киришилса, дарс самарали бўлади. Таҳлил жараёнида ўқитувчининг холислиги, қаҳрамонларга ҳам, ўқувчиларнинг муносабатига ҳам ҳалол ёндашуви, ўз фикрини зарурат туғилгандагина, шунда ҳам маслаҳат сифатида айтиши, ўз қарашларининг синфда ҳоким бўлиб қолишига йўл қўймаслиги натижасидагина кутилган мақсадга эришиш мумкин.

Куйида ўқувчиларни баҳс-мунозарага тортишга кўмаклашувчи савол ва топшириқлардан намуналар келтириладики, ўқитувчи синфдаги болаларнинг савияси на билим даражасига қараб уларни соддалаштириши ёки чукурлаштириши мумкин:

“Маҳмудхоннинг ўз орзў-ўйларини отасига киши орқали етказишига қандай қарайсиз?” Асадаги воқеалар ривожидан келиб чиқиб, бадиий матн таҳлилини шу савол бишан бошлиш мумкин. Саволлар ўртага ташланганда, ўқувчиларнинг мустақил фикрларига, таҳлилларига дахл килинмаса, эрклари, ўйларига йўл берилса, улардан ҳар кий жавоблар чиқиши табиий. Ўқитувчи мантиқли ёки мантиқсиз, баъзан асосли, баъзан асоссиз, тоҳ тўғри, тоҳо ног’ғри, ёқимли-ёқимсиз жавобларни эшитишдан

зериқмаслиги керак. Қандай бўлишидан қатъи назар, улар – ўқувчининг мустақил, эркин фикри. Фақат бу жараёнда ўқувчилар Маҳмудхоннинг ўзбекона ахлоқ-одоб доирасидан чиқолмаганини, ўзбек йигити, айниқса, муаллиф яшаган даврда, уйланиш масаласида отаси билан очиқ гаплашолмаслиги, бу ўзбекона андишанинг устуворлигидан эканлигини илғасалар, қаҳрамонни тушуна борадилар.

“Ҳамдамбойнинг қарорига ўз муносабатингизни билдиринг. Унинг ўрнига ўз отангизни қўйиб кўринг. Фикрингизни асослашга урининг”. Асардаги ҳар бир тимсол замирида инсон тақдири мавжудлигини, уларнинг ҳар бири ўзига яраша характер эгаси эканини ўқувчилар туйиб туришсин. Улар – ижобий ёки салбий образлар эмас, балки, ҳар бири ўзига яраша ижобий, салбий хислатларга эга бўлган тирик инсонлар. Ҳар бирининг ўз қарashi, ҳаёт ҳодисаларига ўз муносабати бор. Ҳамдамбой ҳам вазиятга ўз муносабатидан келиб чиқиб ёндашди. Ўқувчиларнинг ҳар бири ўзларининг ҳаётга муносабатлари, дунёқарашлари, ўз нуқтаи назарларидан келиб чиқиб унинг қарорига баҳо берадилар. Шу боис қарорлар ҳар хил бўлиши табиий, албатта. Шундан келиб чиқиб таҳлил жараёнida ўқувчилар – эр йигитлар ва бўй қизларнинг бир-бирлари фикрларини таҳлил қилишлари, танқид қилишлари ҳам табиий. Айни замонда ўзгаларнинг қарашларини хурматлай билишга ҳам одатланиб борсалар, мақсаддага мувофиқ бўлади.

Ўқувчиларининг руҳиятини безовта қилиб, уларни таҳлилга торта олган ўқитувчи: “Марямхоннинг Маҳмудхон билан бирга бўлиш орзуси замирида ётган мақсадларни қандай баҳолайсиз? Инсоний муҳаббат ботинига шундай ижтимоий-маърифий орзулар сингдирилишига ишонасизми? Нега драматург ташаббускорлик ва жасорат ҳиссини Марямхон тимсолига сингдирган?” Шу ҳақда фикр айта оласизми? Марямхоннинг “яқиндан бери қўрқинчли бир туш” кўриши билан унинг тақдирида содир бўлиши кутилаётган фожиа ўртасида боғлиқлик борми ёки Маҳмудхон айтмоқчи “түшнинг эътибори йўқ”ми? Мазкур ҳолатнинг ҳаётийлигини асослашга уриниб кўринг. Марямхоннинг Маҳмудхонга ўтичлари кўнглингизда қандай туйфу кўзгади? Унинг эшонга муносабати, ўлими

олдидан онасига муомаласи-чи? Мазкур ҳолатларга таяниб, Марямхоннинг характерини таҳлил қилинг. Матндан Маҳмудхоннинг характерини очиб берувчи ўринларни топиб ўқинг ва унинг табиатига хос хусусиятларни аниқланг. Шахсига муносабат билдиринг. Маҳмудхоннинг тўртинчи шардадаги монологини қайта ўқинг. Сўзларига таянган ҳолда шахсини аниқлашга ҳаракат қилинг.

Унинг “Ҳақиқатда бу ишлар жаҳолатдан, гафлатдан, илмисизликдан” деган холосасига муносабатингизни билдиринг. Маҳмудхоннинг: “Марямхоним, ...амин бўл, қиёмат куни иккимиз қўл тутишиб, жаноби ҳақ ва расул қошида бу шариат хоинларига баробар даъво қилишамиз”, деган гапларига таяниб Ҳамза шахсига муносабат билдиринг. Сиз нима деб ўйлайсиз, Ҳамза маърифатчилик ғояларини фожиада ишонарли ифодалаб бера олганми?” каби саволни ўргатга ташлайди. Бу билан муаллим ўқувчиларни мустакил фикрлашга, асар матнiga қайта-қайта мурожаат қилишга, дарслик муаллифлариницидан фарқли равишда ўз холосаларини чиқаришга йўналтиради. Таҳлил сўнгида ўқитувчи ўзининг якунловчи, умумлаштирувчи фикрини ўргатга ташламагани маъқул. Ҳар бир ўқувчи асар юзасидан ўз холосасини чиқариши ва фикрида собит қолиши, ҳар бирининг ўз бадиий ҳақиқати бўлиши дарснинг ютуғи ҳисобланади.

2002.

“КИЧКИНА ШАҲЗОДА” АСАРИНИ ЎРГАНИШ

Умумтаълим мактабларининг 5-синфи дастурида Антуан де Сент-Экзюперининг “Кичкина шаҳзода” асарини ўрганиш учун тўрт соат ажратилган.¹ Асарни ўрганишга йўналтирувчи дастурий талқин куйидагича: “Эртак-қиссада болалар оламининг маҳорат билан тасвир этилиши. Унда абадият ва фонийлик, ҳаёт, муҳаббат ва улим муаммосининг ўзига хос тарзда тасвир этилиши. Кичкина шаҳзода образи. Эртакдаги бошқа образлар ва улар ўртасидаги муносабат. Эртакда болалар руҳиятига

¹ Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-9-синфи учун адабиётдан ўқув дастури. “Маърифат” газетаси, 2007 йил, 4, 7, 9 октябрь.

хос хусусиятларнинг ёрқин ифодаланганлиги. Эртакнинг тарбиявий аҳамияти”.

Методика илмида бадиий асарларни бўлакларга бўлиб ўрганишда истаган жойда тўхтаб, кейинги дарсда давом этиш усули маъқул эмаслиги айтилади. Бунинг ўзига хос педагогик, психологик сабаблари бор. Ўқитувчи “Кичкина шаҳзода”ни унинг бобларига таяниб, тўрт соатга режалаштириб олиши ва ҳар дарсда ўқилган бўлакнинг таҳлилини амалга ошириши ҳам мумкин. Ёки 40 – 45 дақиқа давомида дарсликда берилган парча тўлиқ ўқиб чиқилиб, сўнгра ўқувчилар билан бирга унинг таҳлилига ўтса ҳам бўлади.

Адабиётчи ўқитувчиларнинг “Кичкина шаҳзода”ни ўрганиш қийин деб айтадиган эътиrozларида жон бор. Ўқувчиларнинг уни англаши қийин кечаётганини ҳам тушуниш мумкин. Чунки асар бизнинг миллий руҳиятимизга унча яқин эмас. Аввало, бизнинг болалар ҳамиша катталарни ҳақ деб биладилар. Ўзбекнинг миллый-ахлоқий хусусиятида катталарни танқид қилиш, уларнинг хатти-ҳаракатларига таҳrir киритиш ҳисси йўқ. Бу ўзбекча ахлоқий меъёр болаларнинг генида мавжуд. Айрим 5-синф ўқувчиларининг асардан маънавий завқ ололмаётганликлари ва қисса қаҳрамонини ҳис қилмаётганликларининг сабаби ҳам шунда.

Ишни қийинлаштирадиган яна бир ҳолат шундан иборатки, асардан дарсликда берилган парчада қиссанинг аслидаги суратлар йўқ. Ҳолбуки, парчада “Расмларни муаллифнинг ўзи чизган”, “Мана ўша сурат”, “Мана, мен чизган нарса”, “шу расмни чизиб бердим” деган жумлалар бор. Бу сезгир ўқувчидаги эътиroz уйғотади. Ўқувчининг хафсаласи пир бўлиб қолмаслиги учун кейинги нашрда бу номувофиқлик бартараф этилиши лозим. Шундан сўнг асар матни ўқитувчи томонидан ўқиб берилади. Ўқувчилар у билан бирга ўз дарсликларидан асарни ичдан ўқиб борадилар. Асар тўлиқ ўқиб бўлингандан сўнг, иккинчи дарсда унинг таҳлига киришилади.

“Кичкина шаҳзода” қиссаси дунёдаги кўп тилларга таржима қилинган. Унда Антуан де Сент-Экзюпери ниҳоятда нозик қалбли, хаёлот олами бой, соглом мантиқ асосида

яшайдиган ўзга сайёралик болакай тимсолини яратган. Кичкина шаҳзода яхшини ёмондан, гўзални хунукдан фарқлай олмайдиган, фантазияси қотиб қолган катталар руҳиятини тушунмайди. Ҳодисаларга тор, манфаат юзасидан қараганлиги, бағри кенг бўлолмагани учун бир-бирини англамай, бир марта бериладиган ҳаётда маза қилиб яшаш ўрнига урушларни, қирғинларни ўйлаб топадиган катталар шаҳзоданинг киноявий назари билан тасвир этилади. Ўқувчиларга асардаги мана шу ҳақиқатларни кашф этишда кўмаклашиш керак. Бунинг учун ўқитувчига асар матни юзасидан тайёрланган савол-топшириқлар ёрдам беради. Афсуски, дарсликда тақдим этилган савол-топшириқлар билан ўқувчилар асарнинг моҳиятига киролмайдилар. Шунинг учун ўқитувчи асар матнидаги диққатга сазовор ўринларни савол ёки топшириққа айлантириб, уларга ўқувчиларнинг эътиборини қаратиши керак бўлади.

Асар таҳлилининг асосий куроли бўлмиш савол-топшириқларнинг дастлабкиси “*Кисса қаҳрамони чизган расмга катталарнинг муносабати, уларнинг жуғрофия, тарих, арифметика ва ҳуснинатни ўрганиши борасида берган маслаҳатлари ҳамда шу сабабли “рассомликнинг порлоқ истиқболидан воз кечишга мајсбур бўлгани”га ўз муносабатингизни билдиринг!*” топшириғига жавоб бериш учун ўқувчилар мустақил мулоҳаза юритишлари керак бўлади. Аввало, жунгли ҳақида хаёл суриш учун у ҳақда бирор нарса билиш керак. Унга хос жиҳатларни тасаввур қилиш керак. Боланинг хаёлот олами чегара билмайди. Хаёлда ақлга сифтайдиган ишлар ҳам оппа-осон содир бўлаверади. Ҳикоячини расм чизишга ундан нарса ҳам унданда ҳаёл уфқининг кенглиги бўлса ажабмас. Маслаҳат берган, узоқни кўра биладиган катталарнинг ҳақ экани кўриниб турган эсада, улар нафақат асар қаҳрамонига, балки шу дарсда ўтирганларга ҳам ёқмаслиги мумкин. Лекин баривиб, катталар ҳақ эканини ўқувчилар ичдан туйиб турадилар. Ўқитувчи ўқувчиларининг жавобларидан буни илғаси мумкин. Лекин катталарнинг “акллилиги” билан шаклланиб келаётган истеъдод йўққа чиқарилмадими? Катталар бу билан ҳисоблашишлари мумкинмиди, керакмиди? Болалар шулар ҳақида ҳам ўйлаб кўрсинлар.

“Муаллифнинг болаликда чизган дастлабки сурати ҳақида катталарнинг: “Шляпанинг нимаси кўрқинчли экан?” шаклида муносабат билдиришилари сабаби ҳақида ўйлаб кўринг. Катталарнинг ташки ўхшиашликка эътиборлари, хаёли узокларга парвоз қилмаслиги ҳақида ўйланг. Ўзингизнинг болаликдаги “суратчи” ликларингизни ҳам ёдга олинг” топшириғи ўқувчиларни ўз атрофидаги катталарга асар қаҳрамони назари билан қарашга ундаиди. Масалага чукурроқ ёндашишга қодир ўқувчилар ўз ҳаётидаги ҳар хил вазиятларга катталарнинг муносабатини эслаб, уни ўз назари билан қайта баҳолайди. Балки бу ҳақда сўзлаб ҳам берар. Ўқитувчи бу имкониятни қўлдан бермаслиги керак.

“Ҳикоячининг: “Ахир, катталарга ҳамма нарсани доим тушунтириб бориш керак-да” деган таъкидига қандай муносабат билдирасиз?” саволи ўқувчиларни бир оз ўйлантириши табиий. Ўзбек болалари назарида катталар ҳамма нарсани билишади ва улар кўпинча ҳақ бўладилар. Экзюперининг қаҳрамони эса катталарнинг ҳақлигига шубҳа қиляпти. Энди ўқувчиларда икки хил назар пайдо бўлди. Улар асар қаҳрамонини ўзлари билан солиштиришлари мумкин. Айримлар қай бири тўғри эканини ажратолмай, мавҳум бир ҳолатда таҳлилда иштирок этаверади. Лекин бу иккиланиш ҳам унинг шахсияти шаклланишида аҳамиятга эгалиги тайин.

Асаддаги: “Катталар ҳеч қачон ўзларича бирон нарсани тушуна олмайдилар, уларга ҳадеб ҳижжсалаб тушунтириб беравериш эса охир-оқибат болаларнинг ҳам жонига тегиб кетади” тасвирига муносабат билдиринг” тарзидаги ҳазиломуз йўсиндаги бу фикрда ҳам асар қаҳрамони ҳақдир. Болалар ўзларининг ҳар бир қилган ножӯя ишлари учун катталарга ҳисоб бераверишдан қийналганларини эслаб, қаҳрамонни яхши кўриб қолишлари табиий ҳол. Ва бу, эҳтимол, яхшидир. Чунки ўқувчилар ва адабий қаҳрамон бир-бирларини тушуниб боришияпти.

Ўқувчини мустақил мулоҳаза юритишга ундаидиган навбатдаги топшириқ, яъни ҳикоячининг: “Катталар орасида узоқ вақт яшадим. Уларни яқиндан кўрдим, билдим. Ва бундан, тан олишим керакки, улар ҳақидаги фикрим

яхши томонга ўзгармади”, деган хулюсасига эътибор қилинг. Асарда катталар ва болаларнинг бу тарзда қарама-қарши қўйилаётганлиги сабаби ҳақида ўйлаб кўринг – топшириги болаларни анча ўйлантиради. Аввало, “кичкина рассом”нинг катталар ҳақидаги фикри қанақа эканини болалар матнга мурожаат қилиб, бир эсга олишади. Сўнг улар ўртасидаги муносабатларга, қарама-қаршиликларнинг сабабларига эътибор қаратилади. Унинг назаридаги, катталар болаларни тушунмайдилар. Уларнинг ўз белгилаб олган йўллари бор ва болалар хоҳлайдиларми йўқми, бундан қатъи назар, шу йўлдан боришлигини талаб қиласидилар. Катталар ҳаётий тажрибалари, билими ва ақли етовида болага нисбатан узокроққа қарайдилар, кичикларнинг феъл-автори, қизиқишилари, интеллектуал имкониятларини ҳамиша ҳам ҳисобга олиб ўтирумай, ўз мантиқларидан келиб чиқиб, талаб қўядилар. Ҳолбуки, болакайлар – хаёлот кишилари. Орадаги қарама-қаршиликларнинг сабаби ҳам шунда.

Юқоридаги: “Мен шу тариқа ёлғизликда яшардим, дилимни англайдиган бирор ҳамдардим ийқээди...” шаклидаги андуҳли хулюсага муносабат билдиринг. Ҳикоячининг ёлғизлиги сабаби ҳақида ўйлаб кўринг” топширигини бажариш учун ҳам болалар фикрлашга мажбур бўлишади. Катталардек мулоҳаза юритадиган “кичкина шаҳзода” қарашларини ўзидаи қабул қиласидиган ҳамдард йўқлиги туфайли ўзини ёлғиз деб ҳисоблайди. Чиндан ҳам, кишининг атрофида ҳамфикр, дилдош одамлар бўлмаса, у ўзини ёлғиз сезади. Унинг бу ҳолатини, вазиятидан келиб чиқиб, катталар ҳам, кичиклар ҳам тушуниши, унинг андуҳли хулюсасига қўшилиш мумкин.

“Кичик шаҳзоданинг ҳикоячидан айнан қўзичоқ чизиб беришни сўраганилиги сабаби ҳақида мулоҳаза юритинг. Сизнингча қўзичоқда қандай рамзий маъно бор?” саволига жавоб бериш учун болалар матнга мурожаат қиласидилар. Кичик шаҳзода илтимосининг сабаби ва қўзичоқдаги рамзий маъно улар ўртасидаги сухбатда англашилиши зарур. Агар болалар буни илғай олмасалар, ўқитувчи шу топширикни уй вазифаси сифатида қўйиши ҳам мумкин. Улар ўйлашда давом этсинлар.

“Шаҳзоданинг бўғма илон ва фил суратини қўриб: “Йўқ, йўқ! Менга илон ҳам, фил ҳам керак эмас! Илон ҳаддан ташқари хавфли, фил эса ҳаддан ташқари катта”, дея муносабат билдиргани ҳақида ўйланг” топшириги ўқувчиларни шаҳзодага янада яқинлаштиради. Болалар бир-бирларини деярли ҳамиша яхши тушунадилар. Шаҳзоданинг расмда ифодаланган тасвирни дарҳол англаб, унга муносабат билдиргани сабаби шунда. Топшириқ ёрдамида ўқувчилар шундай мулоҳаза юритишга йўналтирилади. Шу ўринда шаҳзоданинг чизилган суратларга билдирган эътиrozларига болалар дикқати тортилиши керак. “У расмни синчиклаб кўздан кечиргач:

– Йўқ, бу қўзичоқ жудаям ориқ-ку, – деди. – Бошқасини чизиб бер.

Мен бошқа қўзичоқ расмини чиздим.

Янги дўстим хушфеъллик билан мулойим жилмайиб қўйди.

– Бу қўзичоқ эмас-ку, – деди у. – Ўзинг ҳам қўриб турибсан-а, қўчкор-ку бу. Ана, шохиям бор...

Мен қўзичоқни тагин бошқатдан чиздим. Бироқ, бу расм ҳам унга маъқул бўлмади.

– Э, бунинг ўлгудай қари-ку. Менга узоқ яшайдиган қўзичоқ керак”. Болалар чизилган расмни бунчалик осон тушуниб, тез таҳлил қила оладиган кичик шаҳзода билан филни ютиб юборган илон суратини шляпа деб ўйлаган катталарни таққослашлари керак. Ўқувчилар қараашлар хилма-хиллигининг сабаблари ҳақида ўйласинлар: балки катталар катта бўлгани учун суратни тушунишмагандир? Балки орадаги масофа жуда узокдир? Балки катталар ҳаёт ташвишлари ва муаммолари билан бўлиб болалардан жуда ҳам узоққа кетиб қолишгандир?

Қўзичоқни кундузлари боғлаб қўйиш учун арқон бермоқчи эканини эшитиб: “Кичкина шаҳзоданинг қошлиари чимирилганлиги” сабаби ҳақида ўйлаб кўринг. Унинг: “Боғлаб қўясан? Нима кераги бор бунинг?” деган саволларига таяниб, унинг қандай бола экани ҳақида фикр билдиринг”, топшириги ҳам болаларни анчагина ўйлантиради. Ерликларнинг назари билан ўзга сайёралик йигитча кўзқарashi орасидаги тафовутга, уларнинг ҳар бири

ўз шароитидан келиб чиқиб иш тутаётганига ўқувчилар эътиборини тортиш керак. Эҳтимол, кичкина шаҳзода сайёраси жуда кичик бўлгани учун шундай деётгандир. Балки қўзичоқнинг озодлигига дахл қилмаслик учундир. Буни ўқувчилар ўzlари аниқлаганлари ва фикрларини асослаганлари маъқул.

1909 йилда янги сайёрани кашф қилган олим ҳақидаги: “Ўшанда астроном ажсойиб кашфиёти ҳақида халқаро астрономия конгрессида маъруза қилган, аммо унинг гапига бирор кимса ишионмаган, чунки у туркча кийинган эди”, тарзидаги изоҳга муносабат билдиринг. Гап тил ҳақида эмас, кийим тўғрисида эканига эътибор қилинг”, “Ўша астроном 1920 йили кашфиёти ҳақида тагин маъруза қилди. Бу сафар у энг сўнгги модада кийинган эди – ҳамма унинг гапини маъқуллади”, тасвирни изоҳланг. Катталар қароридаги мантиқ ҳақида ўйлаб кўринг” топшириқларини бажариш асносида боланинг катталар ҳақидаги тасаввури намоён бўлади. Бу масалага ўқувчилар ўzlарининг жажжигина ҳаётий тажрибаларига асосланиб жавоб беришга ундалсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Асардаги: “Ана шунаقا ғалати халқ бу катталар. Улар хафа бўлиб ўтиришига арзимайди. Болалар катталарга нисбатан кенгфеъл ва кечиримли бўлишилари лозим”, деган хulosага муносабат билдиринг”, топшириғидаги талабни ўқувчилар ўzlарича қабул қилишлари тайин. Болалиқдан кенгфеълликни, кечиримлиликни ўз табиатларига сингдиришни эплай олсалар, биздан кейинги катталар биздан яхшироқ бўлишига кафолат яратилади.

Асардаги: “...дунёда дўстларни унумтиб юборишдан ҳам қайгулироқ нарса йўқ”, хulosага муносабатингизни билдиринг”, Ҳикоячининг: “...афсуски, мен қутича деворлари аро қўзичоқни кўришига қодир эмасман. Балки мен катталарга озроқ ўхшаб кетарман”, тарзидаги андуҳи сабаби тўғрисида ўйлаб кўринг”, топшириқларига жавоб бериш учун ҳам асар матнига қайта мурожаат қилиш керак бўлади.

Ўқитувчи ўқувчиларга уй вазифаси сифатида ўз тасаввурларидаги шаҳзодани, ҳикоячи ва унинг чизган суратларини чизишни ёки улардан чизилган суратларга шарҳ

ёзишни талаб қилиш мумкин. Ҳар иккала топшириқнинг натижаси ҳам ижод маҳсули ҳисобланади. Ижод эса мустақил фикр натижаси бўлиб, ўкувчини яна мустақил фикрлашга ундейдиган омилдир.

2009.

АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА “ФИКРИЙ ҲУЖУМ”НИ ҚЎЛЛАШ

Таълим-тарбия жараёнига “интерфаол методлар”нинг бир кўриниши сифатида кириб келаётган усуллардан бири “Фикрий ҳужум”нинг мақсади ўкувчиларнинг фаоллигини ошириш, уларни эркин, мустақил мулоҳаза юритишга ундаш, ҳаммани бир хил қолипда фикрлашдан озод қилиш, маълум мавзу юзасидан ҳар хил фикрларни тўплаш ва масалага ижодий ёндашувни таъминлашдан иборат. Бу усул А.Ф.Особорн томонидан тавсия этилган. Ундан фойдаланилганда, ўкувчилар олдига ақлий зўриқиши талаб қиласидан муайян бир муаммо қўйилади. Бу усулдан фойдаланилганда, ташкилотчи ўқитувчидан ўкувчилар томонидан муаммони ечиш учун билдирилаётган ҳар бир фикрни қайд этиш ва иштирокчиларнинг эркинлигини таъминлаш талаб қилинади. Ўкувчилар томонидан айтилаётган фикрларни алоҳида баҳолаш, уларни танқид қилиш ёки фикрлардан кулиш таъқиқланади.

“Фикрий ҳужум” – ўкув муаммоларини ҳал қилишда ўкувчиларнинг тасаввур, билим ва ақлий имкониятларидан унумли фойдаланишга йўналтирилган метод. Ушбу усул ўкувчи олдига қўйилган ҳар қандай муаммоли масалага кўп сонли ечим топишга имкон яратади.

“Фикрий ҳужум”дан фойдаланилганда куйидаги қоидаларга амал қилинади: 1. Ўйлаш жараёнида баҳолашга йўл қўйилмайди. Агар ўйлаш жараёнидаги ғоялар баҳоланадиган бўлса, қатнашчилар моддий манбаатдорлик йўлига тушиб, ўзларининг фикр-ғояларини ҳимоя қилишга ургу берадилар. Бошқаларнинг янги фикрларини рад этишга уринадилар. 2. Ҳар бир ўкувчи битта муаммо юзасидан хилма-хил фикрлар айтишга йўналтирилади. Ўкувчиларда

кутилмаган фикр, фавқулодда ғоялар туғилмаса, қатнашчилар ўз фикрларини қайта тақрорлашга ўтадилар. 3. Ғоя ва фикрларнинг микдори рагбатлантирилади. Маълумки, микдор одатда ўсиб сифатга айланади. Қатнашчиларнинг ўз тасаввурларига эрк беришларига имконият яратилиши керак. Бу эркинлик натижасида бетакрор ва кучли ғоялар туғилади. 4. Ҳар бир ўқувчи ўзгалар ғоясига асосланиб, янги фикрлар билдириши мумкин. Чунки фикрдан фикр туғилади. Олдин тақлиф этилган гояларни ўзгартириш, кўпинча, асос бўлган фикрдан кучлироқ ва яхшироқ гояларни келтириб чиқаради.

“Фикрий ҳужум” усулидан куйидаги босқичларда фойдаланилади:

1. Ўқувчилар эркин ўтирадиган қилиб жойлаштирилади.

2. Ўқувчиларнинг ғоя ва фикрларини ёзиш учун дарстахта ёки вараклар тайёрлаб қўйилади.

3. Ҳал этилиши лозим бўлган муаммо аниқланади.

4. Иш жараёни белгилаб олинади: а) ғоялар баҳоланмайди; б) фикрлашга тўлиқ эрк берилади; в) ғоялар кўп бўлишига (микдорга) интилинади; г) “илғаб олинг”, “илиб олинг”, “ғояларга асосланинг”, “кўшинг”, “кенгайтиинг”, “ўзгартиинг” сингари фаолиятга асосланилади.

5. Қўйилган муаммо юзасидан фикрлар суралади ва ёзиб борилади.

6. Ўзгаларнинг фикрларидан кулиш, қочиrimлар ва майна қилишларга йўл қўйилмайди.

7. Вараклар ғоя ва фикрлар билан тўлганда улар кўринарли ерга осиб қўйилади.

8. Ғоялар тугамагунча иш давом эттирилаверилади.

9. Шундан сўнг янги, кучли, асосли ва оригинал ғоялар ўқитувчи томонидан рагбатлантирилади, баҳоланади.

Бир асарни “Фикрий ҳужум” методидан фойдаланиб ўтиш йўлини амалда куйидагича кўриш мумкин. 5-синф “Адабиёт” дарслигида “Ватанни севмоқ иймондандир” рукнида Абдурауф Фитратнинг “Юрт қайғуси I”, “Юрт қайғуси II” деб номланадиган сочма шеърларитакдим этилган бўлиб, унинг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишига икки соат ажратилган. Фитратнинг ушбу асарини ўрганишга бўлган дастурий талаб: “...шоирнинг “Юрт қайғуси” деб номланган шеърларининг яратилиш сабаблари. Шеърда

ватан озодлиги, ҳар бир одамнинг ватан тақдири олдидаги жавобгарлик туйгусининг таъсирчан тасвирланиши. Шеърдаги самимийлик ва ифода қудрати¹ни ўкувчиларга англатишдан иборат. Дарсликдаги асар матнига шу назар билан ёндашиш ва савол-топшириклар шу талқин талабида тузилиши керак. Ўқитувчи ҳам дарснинг мақсадини белгилашда шу талқиндан келиб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Дарс бошида ўқитувчи Фитрат шахси ва унинг ҳақида кичкинагина кириш сўзи қилиши керак бўлади. Унинг ҳаётидан олинган қўйидаги лавҳани: “*Туркиядан дунёқаралиши жисддий ўсиб қайтган Фитрат Бухорода жадидчилик ҳаракатининг шаклланиши ва кенгайишида фаол қатнашиди. Бу ҳаракатнинг асосий мақсади Туркистонни мустамлака кишинларидан озод этиши, бунинг учун ҳалқда озодликка ташна руҳ пайдо қилиши, маърифат кўзини очиши, ижтиомий онгини ўстириши эди.*” ўқиб бериши керак бўлади. Ватан ҳақида шундай битик яратган, қалбида юртига бунча катта муҳаббати бор ўғлоннинг шахси қанақа бўлганлигини ўкувчилар тасаввур қилишлари керак. Шундан сўнггина “Юрт қайғуси” шеърини ўқишига ўтилади.

“Юрт қайғуси” – сочма шеър. Мисралар қофияга солинмаган. Фикрлар насрый шаклда ифодаланган бўлса-да, ички тартибга асосланган, шиддатли мусиқийлиги борлиги учун ҳам у шеър. Асар шундай оҳанг билан ўқилиши керакки, унда дард, алам яққол ифодалансин. Ўкучининг шеър руҳини ўқитувчисининг ўқиши оҳангидан туйиши дарс самарадорлигини таъминлайди. Сўнгра унинг таҳлилига киришилади. Асар матни юзасидан ўртага ташланадиган савол-топшириклар ўқитувчи билан ўкувчи биргаликдаги фаолиятининг етакловчиси бўлади. “Юрт қайғуси” шеъри юзасидан тақдим этилган савол-топшириклар ўртага ташланганда ҳам ўқитувчи томонидан асардан келтириладиган намуналар ўз оҳангি билан ўқилиши керак. Шунда уларнинг таъсир кучи сақланиб қолади.

Аввал: “Шеърдаги: “*Бағрим ёниқ, юзим қора, кўнглим синиқ, бўйним букик*” сингари аламли иқрорлар сабаби

¹ Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва дастури. Адабиёт. 164-244-бетлар. \\Таълим тараққиёти. 1-максус сон. Шарқ матбаа-концерни. 1999 йил.

нимада деб ўйлайсиз?” – саволи ўртага ташланади ва бу билан ўқувчилар мулоҳаза юритишга ундалади. Ўқувчилар шоир ва унинг тимсолида бутун миллатнинг шундай ҳолатга тушишига сабаб бўлган ҳолатлар ҳақида ўйлашга йўналтирилади. Бунинг учун ўқитувчи зарур бўлса қўшимча саволлар бериш орқали ўқувчиларни асаддаги фикрлар моҳиятини англашга ундаши мақсадга мувофиқ. Ўқувчилар қадим Туроннинг Россия томонидан босиб олингани ҳақида балки билар, балки билмас. Бирортаси бу ҳақда фикр айтольса тузук, айтольмаса, ўқитувчи ватан тарихининг шу даврига боғлиқ маълумотлар бериши керак бўлади.

“Номусини бот кишиларнинг оёглари остинда кўруб, турклик қони қайнагай, мусулмонлик ҳамияти тошгай, тамуг оловлари каби сачрагай. Лекин ўз қучсизлигини англаб, қайтиб ўтирган ва қон ишлаган туркнинг ҳолини арз этарга келдим, хоқоним!” сатрларида турк руҳининг қайнани ва ожизлиги акс этган ўринларни кўрсатинг” топшириғи ҳам болаларни ўйлантириши аниқ. Шоир юртнинг ҳамиятили бир ўғлони сифатида ватаннинг ётлар қўлида эканидан эзилади, лекин қўлидан ҳеч нарса келмайди. Умуман, “Юрт қайғуси”ни ўзлаштириш учун ўқувчилар ақлларини анчагина зўриқтиришларига тўғри келади. Унда шоир орномуси, ғурури ўзгаларнинг оёғи остида топталаётган бутун туркнинг қони, руҳи, мусулмонлик ҳамияти номидан гапиради, ўз заифлигидан қон йиғлади. Мазкур савол устида ишлаш жараёнида ўқувчи эркнинг, мустақилликнинг қимматини түя боради.

Асаддаги: “Туркнинг номуси, эътибори, иймони, вижсони золимларнинг оёглари остида қолди. Туркнинг юрти, улоги, ўчоги, Турони ёт қўлларга тушди” тарзидаги таъкидга эътибор қилинг” топшириғини бажариш жараёни ҳам болаларга ўша даврдаги ҳолатни англатади. Фақат ўқувчиларга буни аникроқ тасаввур қилишга кўмаклашиб керак. “Золимларнинг оёғлари остида қолган”, “ёт қўлларга тушган” каби сўзларнинг моҳиятига кириш учун уларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиш, изоҳ бериш керак бўлади. Туркистонни босиб олган руслар, аввало, унинг тили ва маънавиятини оёқ ости қилдилар. Туркнинг руҳини синдиришга уриндилар. Туркнинг қадим қадриятларини

йўқотиш пайида бўлдилар. Ўзларининг маданиятини олиб кира бошладилар. Мана шу каби одам англаши осон бўлмаган яширин тарзда, зимдан қилинган ҳужумлар Фитратнинг дилини оғритган.

“Сенинг омонатингга хиёнат қилганларни эз, ур, ўлдур!” шаклидаги чақириқ кимга қаратилган ва “хиёнатчи” ким деб ўйлайсиз?” саволи ҳам кишини ўйлантирадиган оғир сўров. “Асар қаҳрамони кимга мурожаат қиляпти?”, “У “омонат” деганда нимани назарда тутяпти?” каби қўшимча саволлар билан асосий саволни бир оз соддалаштириш, сўнг хиёнатчилар ҳақида гаплашиш мумкин. Хиёнатчилар ҳақида болалар фикр айтолмаса, ўқитувчи ўз қарашларини ўртага ташлаб, болаларни бу ҳақда ўйлаб кўришга ундагани маъкул. Мазкур вазият ўша даврдаги хонликлар, улар орасидаги келишмовчиликлар, юртдаги парокандалик, уларга омонат қолдирилган юртни асролмаганликлари, бирикиб умумий душманга қарши курашолмаганликлари оқибати. Шоир бобокалони Амир Темур мақбараси олдида, не машаққатлар билан юртини босқинчилар қўлидан озод қилиб, авлодлар қўлига омонат топширган ҳоқон пойида тиз чўкиб унинг руҳи олдида муножот қилмоқда. Бу жуда оғир вазият. Ўқитувчи эҳтиёт бўлиши керак: ўқувчиларнинг рухиятида тушкунлик кайфияти пайдо бўлмаслиги, уларда ифтихор туйғуси етакчилик қилишига эришиш лозим.

Шоирнинг: “...юқорида айтдигим ишларнинг ҳаммасига ўзим сабаб бўлдим, барчасини ўзим қилдим, сенинг Туронингни ўзим талатдим, сенинг туркингни ўзим эздирдим, сенинг омонатларингга хиёнат ўзим қилдим”, деган икрори тўғрисида нима дейсиз? Фитратни хиёнатчи ҳисоблайсизми?” саволлари болаларни мустақил мулоҳазага ундейди. Асл ҳолатни тасаввур қилган, Фитратнинг шахсидан хабардор бўлган ўқувчилар шоир “ўзим” деганда бутун туркни, хону ҳоқонларни назарда туваётганини англайдилар.

Навбатдаги: “Асадан олинган: “Мен қўлимга топширдигинг қилични ташлаб чолгуни олмаса эдим, Туроним таланмас эди!..” сатрларига алоҳида эътибор беринг. Юрт учун курашиш ўрнига чолғу билан кўнгил очиш оқибати хайрли бўладими?” сўроғига жавоб бериш учун

ҳам анча ўйланиш лозим бўлади. Демак, юрт улуғларининг айш-ишрат билан банд бўлиши, ўз кўнглини хушлаш билан оворалиги бутун юрга, миллатга қимматга тушади. Болалар бу саволга жавоб бера олмаса, ўқитувчи ҳам ўз фикрини ўзида сақлаб туриши, бу масала ҳақида ўйлаб кўришни, уйда катталар билан маслаҳатлашишни, сўнгра кейинги дарсда жавоб бериш мумкинлигини айтиши керак. Бундай улкан ишларга уйдаги катталарнинг ҳам эътиборини тортиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Муаллифнинг: “Мен ёлгиз ёзуқларимни иқрор этарга эмас, Туронга бердигим заарларни тўламоқ учун келдим, хоқоним. Мендан нафрат этма!” деган ўтинчи Сизга қандай таъсир қилди? Нега?” саволи ҳам ҳар қандай ўқувчини ўйлантиради. Аввал Туронга берилган зарар ҳақида болаларнинг фикрини сўраш керак. У зарар ким томонидан берилган? Нега шоир “бердигим заарларни” деяпти? Туронга берилган заарлар унинг томонидан бўлганми ёки миллат учун қайғурмайдиган, миллат ва мамлакат тақдири учун дили оғримаган бир гурух мансабдорлар, ўша даврнинг ҳукмдорлари, босқинчилар билан тил бириктириб, ўз ҳузур-ҳаловатини миллатнинг тақдиридан устун қўйган сотқинлар томониданми? Ўкувчиларнинг фикрини мана шу томонга йўналтириш керак. Фақат бунга жавобни уларнинг ўзлари топишлари зарур. Шоир ўз ўзасини назарда тутяптими ёки милатнинг ҳар бир улуғиними экани аниқлангач, шоир ўтинчининг таъсири ва бунинг сабаблари ҳақида гапирилади. Бу ўринда бола ўз дунёқарashi, ўз кўнглига таянади. “Туронга бердигим заарни тўламоқ учун келдим” жумласини қандай тушуниш борасида ҳам ўкувчиларнинг фикри бир қадар зўрикиши лозим. Бу заарни, она Ватанга, муқаддас заминга берилган заарни нима билан тўлаш мумкин? Уни тўлаш мумкинми? Ҳатто жонни берганда ҳам бу тўловдан кутулиш мумкинми? Бир кишининг жони, қони ватан учун, она замин учун керакми? Ўкувчиларга мана шундай кўмакчи саволларни бериб, бундай фикрлар ҳақида ўйга толдириш адабий таълимнинг мақсадига мувофиқ келади.

“Шеър қаҳрамонининг қатъий қарори ифодасига эътибор қилинг: “Сенинг дунёда сизмаган гайратингга онт

ичаманки, Турунинг эски шараф ва улуғлигини қайтармасдан бурун оёқдан турмасман”. Ўқувчиларнинг эътибори аввал “дунёларга симаган файрат” эгаси ким эканига қаратилади. “Туруннинг эски шараф ва улуғлиги” деганда қайси давр назарда тутилаётганини ҳам болалардан бир сўраб боқсан маъкул. Шунда болаларнинг бу қарорга эътибори ортади. Файрати дунёларга симаган Амир Темур она юртини жумла жаҳонга танитган, унинг шарафи ва улуғлигини жон билан, қон билан ҳимоя қилган, кўкларга кўтарган. Фитрат сингари руҳияти уйғоқ ўғлонлар ҳеч курса сўзи билан миллатни ўйғотмоқ, уни оёқка турғизмоқ истайди.

Ўқувчилар “Турун”, “Туркистон”, “турк”, “турклиқ” тушунчалари ҳакида ўз билгандарича жавоб берсинлар. Бу ўқувчилар олдига савол шаклида қўйилиши керак. Ўқитувчи жавобларни тўлдириб, мукаммаллаштириши мумкин. Ўқувчининг ақлини зўриқтирувчи саволлар билан қўзгаш болани бор файратини ишга солишга мажбур этади.

Ўқитувчининг вазифаси айтилган ҳар бир фикр ва гояни, хулоса ва муносабатни ёзib боришдан иборат. У аввалдан бунга тайёрланиши талаб қилинади. Токи, ўқувчиларнинг бирорта ҳам фикри унинг назаридан четда қолмасин. Бу методда фикрлар сони, мазмуни, мантиқийлик даражаси, асоси ва исботининг нечогли кучлилиги баҳоланади, рағбатлантирилади. Юқоридаги таҳлил асосида асар моҳиятига кирган, шоирнинг муҳаббат, дард ва изтиробларини ҳис қилган, уни ўзбекнинг бир ўғлони сифатида англаған ўқувчи маънавиятида ўсиш содир бўлади.

Иккинчи дарсда “Юрт қайғуси II” шеъри ўтилади. Бу икки соатни бирлаштириш мақсадга мувофиқ эмас. Ўқувчига шеърнинг биринчи қисмини ўзлаштириш ва мағзини чақиши ҳам осон бўлмайди. Биринчи қисмдаги ватанга муҳаббат, унинг учун оғриш, қайғуриш, бурчлилик ҳиссини туйиш, айтилганларни “ҳазм қилиш” учун ўқувчи ақлан анчагина зўриқади. Сочмани ёд олиш ҳам ўзига яраша вақт талаб қиласиди.

Мажмуадаги иккинчи шеър ҳам худди биринчиси сингари ўқилиб таҳлилга тортилади. Юқоридаги тарзда маҳсус савол-топшириқ устида ишланади, уларни болалар англаб олишлари учун ёрдамчи саволлар тузилади. Жавоблар ёзib

борилиб, уларга муносабат билдирилади.

Асар таҳлилига киришда “Сочмада йигитнинг хаёлини ўирлаган соҳибжамол Хотун, Сизнингча, кимнинг тимсоли? Шеърда: “*Бир Хотунки, эгнида ипакли, лекин йиртиқ ва эски бир қўйлакдан бошқа бир кийим йўқ*”, тарзида тасвиrlанганлигининг сабаби ҳақида ўйлаб қўринг”, деган биринчи савол-топшириқ ўртага ташланганда ўкувчилар унинг моҳиятига кириши учун “Хотун”нинг соҳибжамоллигига эътибор қилинг, устидаги қўйлак ипакли экани нимадан далолат беради?”, “Унинг нега ҳозир эски ва йиртиқлиги ҳақида ўйлаб қўрингчи”, сингари қўшимча саволлар берилиши мақсадга мувофиқ. Бу соҳибжамол турк – ўзбек аёли. У ўзбек учун дунёдаги барча соҳибжамоллардан гўзалроқ. У аёл бир замонлар шундай тўқ, ҳам маънан, ҳам моддиян бой бўлган. Шунинг учун ҳам эгнидаги қўйлаги “ипакли”. Мустамлакачилар унинг бор буд-шудини, эгнидаги ипакли қўйлагидан бошқа ҳамма нарсасини тортиб олганига анча бўлган. Шунинг учун ҳам аёлнинг эгнидаги яка-ёлғиз қўйлаги ҳам эскириб, йиртилиб кетган. Ўқитувчи бу фикрларни ўзи айтмай, ўкувчиларни шундай хулоса чиқаришга, шу ҳақиқатни ўзлари топишига, англашига йўналтириши керак. Бу ҳақиқатларни ҳар бир бола ўзи учун ўзи очиши керак. Шунда у таълим жараёнидан хузур қиласи, лаззат туяди.

Навбатдаги “Асарда ўтли бир ёниш билан берилган: “*Ёнимда, қўзимда, миямда, юрагимда нима ахтарасан, нечук кетмайсан? Қайгу тутунлари ичра ёғдусиз қолган қўзларинг ёш ёмғурлари нечук тўқадур?*” саволларига жавоб топишга уриниб қўринг” топшириғи ҳам болаларни анчагина ўйлантиради. Аввал саволнинг биринчи қисми ҳақида. “Аёл тимсоли нега шоирнинг қўзи, мияси, юрагидан нари кетмаяпти?”, “Бу ерда гап аёлдами, шоирдами?”, “Балки шоир уни ўз онгидан, қўнглидан қувиб чиқаролмаётгандир?”, “Бунга унинг руҳан баландлиги, маънан етуклиги эрк бермаётгандир, эли, юрти учун қайғурадиган одам бўлгани учун бу вазиятга, мамлакатдаги ҳолатга бефарқ қараёлмаётгандир?” Ўқитувчи болаларни мана шуларни англашга йўналтириши керак. Шунда улар Фитратнинг кимлиги ва асарининг моҳиятини англайдилар.

Сўнг ўқувчилар аёлнинг кўзлари “ёғдусиз қолгани” ҳақида ўйлаб кўришга ундалади. Инсоннинг кўзи қачон ёғдусиз қолиши мумкин? Балки жон жисмни тарк этгандадир? Ёки инсон ўлик сингари хиссиз, руҳсиз бўлиб қолганидадир? Аёлнинг кўзлари нечун ёғдусиз қолган? Балки у ҳамма нарсасидан, эри, фарзандларидан жудо бўлганидандир!? Ёки уларнинг ҳам жисми бору гурури, жони бору шаъни, диллари бору ори йўқлигидан эзилаётгандир!? Шу туфайли унга ҳаётнинг ҳеч қандай қизиги қолмагандир!? Балки шунинг учун жисми бору руҳи йўқдир!? Шунинг учун кўзларида ҳам нур йўқдир!? Шу сабаб кўзларидан тинимсиз ёш ёмғирлари тўқилар!? Бу каби ўйлар ўқувчиларнинг шууридан ўтиши керак. Бунинг учун ўқитувчи дарс жараёнида шу фикрларни соддароқ йўсинда даврага ташлаши, ўқувчиларнинг фикр йўналишини шу томонга оқилона буриши керак.

Ўқувчилар фикру қарашларининг ўқитувчи етовида кетаётганини илғамагани, асадан чиқадиган маънони гўё ўзлари кашф килаётгандай ҳис этгани мақбул. Мустамлака давридаги ўзбек аёлларининг аҳволини англаган, улар учун дили оғриган муаллифни ўқувчиларга англаш, унинг асар замиридаги дард ва изтиробларини туйиш ўқувчилар шахсининг ўсишига сабаб бўлади.

“Муаллифнинг: “Билдим... Билдим... Англадим! Сен менинг Ватанимсан, Ватанимнинг мунгли хаёлисан” тарзидаги кашфиёти нимага асосланган? Асар қаҳрамонини безовта қилган аёл – Ватан эканлиги қандай билиб олинди?” саволига жавоб бериш учун ўқувчилар матнга мурожаат қилишлари керак бўлади. Аёлга хос бўлган барча жихатлар билан ўша даврдаги Туркистоннинг аҳволи таққосланади. Шунга таяниб, бу саволга жавоб берилади.

“Асаддаги: “Эй, муқаддас Туронимнинг хаёли, кетмай тур, айрилма. Ёнимда, кўзларимда, юрагимда, виждонимда қол, кетма. Юртим, Туроним, сендан айрилмоқ, менинг ўлимим” тарзидаги хитоб мазмунини чақишига уриниб кўринг”. Ўқувчи шу хитоб мазмунига таянган ҳолда асл ўзбекнинг, чин ўғлоннинг шахси ҳақида тасаввурга эга бўлиши тайин. Ватанга муҳаббат, унинг учун қайғуриш туйғуси чақириқлар билан эмас, самимий фикрларни

туйиш орқали шакланади. Киши кўнглидаги муҳаббати ҳақида ҳайқирмайди. Унинг оғриқлари, изтироблари ҳақида жар солмайди. Кўнгилдаги туйғу иккинчи кўнгил билан туйилади. Муҳаббат шу йўл билан “юқади”.

“Муаллиф тилидан айтилган: “Сенинг учун ўлмоқ – менинг тириклигимдур” шаклидаги хитобнинг маъносини англатинг”. Бу топшириққа жавоб юқоридаги фаолият таъсирида қалби уйғонган, руҳий мувозанатдан чиққан, лоқайдликдан ҳалос бўлган, эмоционал ҳолатдаги ўкувчининг қалби қаъридан чиқади. “Мен сенинг учун тирилдим, сенинг учун яшарман, сенинг учун ўлурман” сингари оташин таъкидлар нимани англатишини изоҳланг. “Эй, туркликнинг муқаддас ўчоги! Ўлим сенинг ўлимнингни истаганларга, нафрат сени кўмгани келганларга!” чақириқлари Сизнинг кўнглингизда қандай муносабатлар уйғотди? “Туркликнинг муқаддас ўчоги” қаер деб ўйлайсиз?” каби савол-топшириқлар ҳам ўкувчини ўйлашга мажбур этади. Улар устида ишлаш мобайнида ўкувчи мурғак қалби билан ниманидир туйса, шуури билан неларнидир англаса, адабий таълимнинг бош мақсадига эришиш йўлида салмоқли қадам ташланган бўлади.

2003.

“СУСАМБИЛ” ЭРТАГИНИ ЎРГАНИШ

Бешинчи синф “Адабиёт” дарслигидағи “Сусамбил” эртаги матни билан танишишга биринчи дарснинг 21-22 дақиқаси сарфланади.¹ Қолган вақт ва иккинчи соат тўлиғича асарнинг таҳлилига бағишлиланади. Эртак матни устида ишлаганда ўқитувчи: “Эртақдаги жониворлар образининг моҳияти”ни, “Сусамбил адолат қарор топган ва ҳамма бахтли яшайдиган афсонавий юртнинг тимсоли” эканлигини, “асарнинг тили, ундаги рамзлар ва бадиий ифода хусусиятлари”ни очишга эътибор қаратиши лозим бўлади.²

Асар билан таништиришда бъязи ўқитувчилар бадиий

1 С. Ахмедов ва бошк. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфи учун дарслек. Т.: Шарқ, 2007. 73-бет.

2 Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-9-синфи учун адабиётдан ўқув дастури. “Маърифат” газетаси, 2007 йил 2,7,11 октябрь.

асар матнини навбат билан ўқувчиларга ўқитадилар. Бу билан ўзларича синфдаги ҳамма ўқувчиларни машғулотга жалб этгандек бўладилар. Асар матни билан биринчи марта танишаётган ўқувчи унинг қаерини қандай ўқиши, қайси ўрнига кўпроқ эътибор беришни билмайди, шу сабаб бир хил оҳангда ўқийверади. Қолаверса, ўқувчиларнинг ўқиши тезлиги, савияси, ифода усули ҳам ҳар хил. Нотаниш матнни синфдаги ўқувчиларга терма ҳолда ўқитиш ўрганилажак асарнинг бадиий тароватини, таъсир кучини йўққа чиқариб, ўқувчиларнинг қизиқишини сусайтириб қўйиши мумкин. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ўзлаштирилаётган бадиий матнни маҳсус тайёргарликдан сўнг ўзи ўқиб бергани методик жиҳатдан тўғри бўлади.

Ўқиши жараёнида ўқувчилардан ўз дарслеридан матнни кузатиб боришлиари талаб қилиниши лозим. Бу ўз навбатида, ўқувчиларнинг кўзларини тез ўқишига, кулоқларини уқиб олишга ўргатади. Мутолаа давомида ўқувчиларнинг руҳиятига ўрнашиб қолиши лозим деб топилган сўз ва иборалар, бадиий асарнинг тилига хос бўлган бетакрор жиҳатларни белгилаб боришини сўраш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқувчи асар матни билан ишлаганда, мана шу белгиланган ўринларга эътибор қаратади. Белгиланган сўз ёки ибора дикқат билан ўқиб ўтилса, ўқувчининг шуурида чизги қолдиради. Ўз вақтида назарга тушган бу чизги маънавий камолот учун аҳамиятли бўлиши табиий.

Матн ўқиб бўлингач, ушбу асарни ўрганишни таққослаш методи асосида ташкил этиш мумкин. Бунда эртакдаги тимсоллар таққосланади. Аввал ўқувчиларнинг дикқати эшакнинг тақдирини тубдан ўзгартириб юборган сабабни аниқлашга қаратилади: “Эслаб кўрингчи, эшакнинг тақдирини кескин ўзгартириб юборган нарса нима?” Ўқувчилар эшак тақдирининг тубдан ўзгаришига сабаб бўлган омилларни матндан излай бошлайдилар. Эшакнинг ҳеч қизғанмай, ўз емишидан хўқизга бериши тақдирининг кескин ўзгаришига сабаб бўлгани, шу иши учун эгаси томонидан жазоланишига ўқувчилар муносабат билдирсингилар. Бу жараёнда ўқувчилар уларнинг ҳар иккиси: инсон ва эшакка хос бўлган феъл-атворни таққослайдилар. Таққослаш асосида икки тимсол

табиатига хос бўлган яхши ва ёмон сифатлар очилиб, уларга ўқувчилар томонидан муносабат билдирилади. “Эшакнинг шунча қийинчиликларга қарамай ҳўкиздан нолимаганини қандай тушунтириш мумкин? Бу унинг характеридаги фазилатми ёки камчилик?” деган савол ҳам ўқувчиларнинг тафаккурини чархлайди. Кимдир буни ютуқ деб ҳисоблар, кимдир камчилик деб билади. Муҳими, ҳар бир ўқувчи нега шундай деб ўйлаганини асослаши керак.

Фикрлар якунидан сўнг таққослаш обьекти сафига хўroz ҳам қўшилади, ҳўкиз, эшак, хўрознинг ҳаёти қиёсланади, уларга одамларнинг муносабати ҳақида фикрлашилади. Сўнг ўқувчиларнинг диққати ҳайвонларнинг уйдан қочишига, одамлардан безишига сабаб бўлган омилларни аниқлашга қаратилади. Ўқувчиларнинг олдига “Одамларнинг ҳайвонларга шундай муносабатда бўлишига асос бўладиган сабабларни топинг. Нега одамлар шундай қилишади?” тарзида масала қўйилса ва болалар бунга муносабат билдирсалар дарс самарали бўлади.

“Эшак, хўroz, ҳўкиз-ку одамларнинг ўзларига адолатсиз муносабатидан безиб, Сусамбилни излаб йўлга чиқишибди. Каламуш ва ариларни қочқинлар тўдасига қўшган омил ҳақида фикр юритинг”, топшириғи ўқувчиларни матнга қайта мурожаат қилишга мажбур қиласди. Бу жараёнда яна таққослаш ишлари амалга оширилади. Каламушлар билан ариларни Сусамбилга кетишга мажбур қилган асосларни жиддий излаган ўқувчи матндан топади. Чунки бу сабаблар эртакда алоҳида кўрсатилган.Faқат бу сабабни ўқувчи китобдан ўқиб бермай, ўз сўзлари билан ифодалаб беришига эришиш керак бўлади. Шундан сўнг ўқувчилар ҳайвонларнинг бирлашишига яна қандай сабаблар борлигини ўйлаб кўрсинлар. Бу саволга матнда тайёр жавоб йўқ. Ўқувчилар мустақил мулоҳаза юритиб, асар мазмунидан хулоса чиқариб ўз фикрини айтиши керак.

“Сусамбил юрти аслида борми ёхуд аҳиллик, бир-бирини тушунишга, ўрни келса, кечиришга, зарур бўлса, ёрдам беришга тайёрлик туйғуси ҳар қандай жойни ўшандоқ баҳтлар водийсига айлантирадими?” деган масала ўқувчиларнинг руҳиятини мувозанатдан чиқариши табиий. Эртакда кўтарилган аҳиллик, самимийлик,

үзаро оқибат, бир-бирини тушуниш, аяш, зарур бўлганда кўмаклашиш, кечиrimли бўлиш каби инсоний сифатлар ҳақида гап кетганда, ўқитувчи насиҳатгўйлик қилмагани маъкул. Шундай сифатларга эга бўлган кишиларгина Сусамбидай озод ва обод мамлакатда ҳаёт кечиришга муносиб эканликлари ҳақидаги хулосани саволга жавоб бериш асносида ўкувчиларнинг ўzlари чиқаришлари керак. Мана шу ҳақиқат ҳар қандай маъруза-ю насиҳатлардан кўра самаралироқ натижа беради.

Бундан ташқари, ўқитувчи вақтига қараб ўкувчиларини мустақил мулоҳаза юритишига ундаидиган: “Эртакда айб қилганинни кечириш, оғир кунда сабр-тоқатли бўлишга ундаш сингари фикрлар қайси ўринларда кўзга ташланади? Мақтанчоқ бўриларга хос жиҳатларни кўрсатинг. “Уч оғанини ботирлар” эртагидаги отанинг болаларига насиҳатида айтилган қайси иллат билан бўриларнинг керилишлари ўртасида боғлиқлик бор деб ўйлайсиз? Аслида бўриларга қараганда анча ожиз бўлган жониворларнинг қудрати нимада эканлигини тушунтириинг. “Азроил”, “гўрков”, “сўфи”, “эшон” тимсолларини таққосланг. Ҳар бир жониворга тавсиф беринг ва уларни эртакда тасвиirlанган одамлар билан солиштириинг. Қай бири сизга маъкулроқ? Нима учун?” сингари савол-топшириқларни ўртага ташлаши ўкувчиларнинг асар моҳиятини чуқурроқ англашларига кўмаклашади.

Ўқитувчи ўкувчиларини инсонга хос фазилат ва иллатлар устида ўйлаб кўришга йўналтириши лозим. “Инсон табиатидаги қайси фъел-атвор ва туйғуларни фазилат деб, яхши сифатлар деб атаймиз-у қайсларини камчилик, иллат, ёмон сифатлар деб биламиз? Нега бу сифатларнинг бири яхши-ю иккинчиси ёмон? Буни бизга ким белгилаб берган? Бу сифатларнинг қайси бирини эгаллаганимиз маъкул ва буни ким баҳолайди? Бу борада катталарнинг жазолаши ёхуд мақташи кифоями ёки фазилатли ёинки иллатли бўлишнинг бошқа оқибатлари ҳам борми?” сингари саволларни алоҳида қофозга ёзиб ҳаммага тарқатиш, кейинги дарсда шу ҳақда суҳбатлашишларини маълум қилиб уйда катталар билан биргаликда ўйлашиб кўришни тавсия этиш тмақсадга мувофиқ бўлади. Шулар ҳақида ўйлаб кўрган, бу ҳақда ота-

онаси, бобо-бувиси билан маслаҳатлашган бола лоқайдлик иллатидан йироқ бўлади.

Иккинчи дарснинг охирида уй вазифаси сифатида ўқувчиларга эртакнинг “Сусамбилга келиб кўп роҳатланиб қолишибди...” деган жойидан бошлаб иккинчи, учинчи тугашини тўкиб келишни ҳам топшириш мумкин. Бу ўқувчилар учун ёқимли машғулот бўлибгина қолмай, уларнинг хаёлпарастлик, ижодий ва мустақил фикрлаш қобилиятларининг ўсишига ҳам кўмаклашади.

2010.

“УЧ ОҒА-ИНИ БОТИРЛАР” ЭРТАГИНИ ЎРГАНИШ

Амалдаги 5-синф “Адабиёт” дарслигида “Уч оға-ини ботирлар” эртаги ўрганиш учун тавсия этилган¹. Кечагина бошлангич синфни тугатган ва ҳали эртаклар дунёсидан узилиб улгурмаган хаёлпараст болакайларнинг ўрта босқич адабий таълимимда ҳам эртаклар билан танишиши уларнинг шахс сифатида шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. “Уч оға-ини ботирлар” эртагини ўқишга киришишдан олдин ўқитувчи кейинги дарс “Эртак дарси” бўлишини, унда ўқувчилар ўзлари эртак тўкишларини, дарсликдаги эртакни ўқиши, унинг матни устида ишлаш жараёнида бўлажак эртак дарсига материал йигиб бориш лозимлигини айтади. Бу ўқувчиларни ҳаяжонлантириши табиий. Бундан ташқари, ўқитувчининг огоҳлантириши уларни эртак яратиш ҳақида ўйлаб юришдай фаолият атрофига бирлаштиради.

Ўқитувчи асар матнини оҳангга солиб ўқиб беради. Эртакни болаларга ўқиттириш методик жиҳатидан тўғри тадбир эмас. Ҳатто ўқитувчининг ўзи ҳам эртакни ифодали ўқишга алоҳида тайёргарлик кўриши шарт. Чунки эртак ўқилиш йўсими билан тингловчиларни ром этиб олса, дарс муваффақиятли чиқиши аниқ.

Дарсликда эртак матни қисқартириб берилган. Ўқитувчи “Уч оға-ини ботирлар”нинг тўла нусхасини топиб, ўқувчиларнинг бу эртак ҳақида тўлиқ тасаввурга

1 С. Ахмедов ва бошк. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактаблариининг 5-синфи учун наредник. Т.: Шарқ, 2007. 64-бет.

эга бўлишларига эришгани маъкул. Эртакни ўрганиш учун дастурда уч соат ажратилган бўлиб, асарни ўқиш учун 28-30 дақиқа сарфланади. Қолган вақт матн мазмуни юзасидан ўқитувчи томонидан тақдим этилган савол-топшириклар кўмагида асарни таҳлил қилишга бағишлианди.

Амалдаги дарсликда эртакнинг мазмуни юзасидан берилган дидактик ашёлар ўқувчиларни матн моҳиятига чукур кириб боришлинига имкон бермайди. Шу боис ўқитувчи эртак мазмуни юзасидан қуидагича савол-топшириклар тузгани фойдали бўлади: “Эртакнинг “Уч ога-ини ботирлар” деб аталишининг сабаблари ҳақида фикрингизни айтинг”, топшириғи юзасидан ўқувчилар ҳеч қийналмай фикр билдирадилар. Лекин “Отанинг ўғилларига айтган: “Биринчидан, соглом вужудли қилиб ўстирдим – қувватли бўлдингиз. Иккинчидан, яроғ билан таништирдим – яроғ ишлатишга уста бўлдингиз. Учинчидан, қўрқимай ўстирдим – ботир бўлдингиз”, тарзидаги сўзларига эътибор қилинг. Бу сўзларнинг йигитлар табиатига хос хусусиятларни белгилашдаги ўрни ҳақида мулоҳаза юритинг”, тарзидаги иккинчи топшириқ ўртага ташланганда ўқувчилар ўйланиши, ўзларини бир оз зўриқтириши керак бўлади. Бу топшириқ уларни йигитлар табиатига хос бўлган бақувватлик, яроғ ишлатишга усталик, ботирлик, топқирлик, зукколик, синчковлик каби сифатлар уларнинг қайси ишларида кўринганини матндан қидиришга йўналтиради. Ўқувчилар ботирларнинг шер, аждар ва ўғрилар билан тўқнашувдаги қаҳрамонликлари тасвирланган лавҳаларга мурожаат қиласидилар. Топшириқни бажариш мобайнида улар ботирларнинг шахси билан боғлиқ жиҳатларни кашф қиласидилар.

Ўқитувчи мунтазам равища ўқувчилардан фикрларини матнга таянган ҳолда баён этишни, айтганларини асардан мисоллар келтириб асослашни талаб қилиши болаларни ижодий фикрлашга йўналтиради. Тарбияланувчилар отанинг “соғлом вужудли қилиб ўстирдим – қувватли бўлдингиз”, деган гапи замирида қандай ҳақиқат борлиги, соғлом, бақувват бўлиб ўсишнинг гарови нимада эканлиги, бунда отанинг вазифаси нималардан иборатлиги ҳақида ҳам ўйлаб кўрсинлар. Бунинг учун ўқитувчи шу тасвирни саволга

айлантириб, ота тарбиясидаги: “Кўрқитмай ўстирдим – ботир бўлдингиз”, тарзида жиҳатда нималар назарда тутилганига, “кўрқитмай ўстириш”нинг маъносини чақишига ўқувчилар эътиборини қаратгани маъкул. Ўқувчилар бу ибора замиридаги маънони қандай тушунадилар? Булар – эртак замирига сингдирилган миллий тарбиянинг асослари. Ўқитувчи буни эътибидан четда қолдириши мумкин эмас. Қадимда яроғ ишлата билиш, от миниш ҳам йигит кишининг фазилатларидан ҳисобланган.

Иккинчи дарсда асар таҳлилини давом эттириб, ўқувчилар отанинг: “Тўғри бўлинг – бехавотир бўласиз. Мақтанчоқ бўлманг – хижолатга қолмайсиз. Дангасалик қилманг – баҳтсиз бўлмайсиз” тарзида насиҳатига ўз муносабатларини билдирадилар. Отанинг ҳар бир гапини ўзларича таҳлил киладилар. Тўғри, ўқувчиларнинг бу насиҳат мазмуни борасида фикрлари содда, ўз билганлари доирасида бўлади, албатта. Фикрлар ўқитувчи ёки бошқа катталарнинг қарашларига нисбатан жўнроқ бўлиши табиий. Лекин муҳими – ўқувчидаги фикрнинг, ўз қарашининг шаклланиб боришидир. Унинг ўқитувчи томонидан тўлдирилиши, тузатилиши методик жиҳатдан тўғри бўлмайди. Бу ўринда ўқитувчининг вазифаси фикр кишисини рағбатлантириш, янги қўшимча саволлар билан унинг ичидаги гапларини чиқариб олиш, бир-бирларининг фикрини такрорларсиз тўлдиришга ўргатиш, хато кетган уринларини ўзларига топтириш, камчиликларини ўзлари инглаб, ўзлари тузатишларига имкон яратишдан иборат. Ўқувчилар отанинг айтганлари моҳиятига киришлари, тўғрилик маҳсули бўлган хотиржамликнинг, мақтанчоқлик туфайли хижолатга қолишининг, дангасалик оқибатида баҳтсиз бўлишнинг нима экани ҳақида тасаввурга эга бўлишлари учун бу тушунчаларнинг мазмуни ҳақида “Тўғрилик деганда нимани тушунасиз?”, “Хижолатга қолини дегани сизнингча нимани англатади?”, “Дангасалик нималарда кўринади?”, “Сиз баҳтсизликни қандай тушунасиз?” каби қўшимча саволлар билан ўйлаб кўришга йўналтирилади. Шу тариқа тушунчаларнинг, улар ёрдамида тұтакнинг моҳиятига кира бориб ўқувчилар ўзларининг гарбияланиши жараёнида бевосита иштирок этадилар.

Яъни ўқитувчисининг кўмаги, йўналтиришлари асносида ўзларини ўзлари тарбиялайдилар.

Оға-иниларнинг ўз саргузаштларини бир-бирларига ҳам дарров айтиб бермаганликлари уларга хос яна қандай фазилатнинг белгиси эканини ўқувчилар ўзлари қашф этсинлар, мақтанчоқлик ёт бўлган ботирларнинг оғир-босиқлиги, камтарлигига муносабат билдирилар. Ботирларга хос бўлган бу фазилатлар ўқувчиларнинг ҳавасини қўзгаши табийи. Айниқса, болалик пайтида у яхшиларга, кучлиларга ҳавас қилади. Бу – фазилат. Ўқувчиларда шундай фазилатларни шакллантириш адабиёт дарсларининг вазифасидир. Бунинг учун матн юзасидан ўқувчилар эътиборини шундай туйғуларни қўзғотадиган, руҳиятини мувозанатдан чиқарадиган савол-топшириқлар бериб борилса, кифоя. Кўриниб турибдики, ўқитувчидан ортиқча нарса талаб қилинаётгани йўқ. Қаҳрамонларга хос бўлган ижобий сифатларга ҳавас уйғотиб, уларнинг фазилат экани ўқувчилар кўнглига жойланса, улар бола маънавиятида, албатта, из қолдиради.

“Кенжা ботир саргузаштларига эътибор беринг. Унинг ўғриларни ўз ҳолига қўйиб, кетиб қолмаганига қандай қарайсиз?” савол-топшириғи синфдаги ҳар бир ўқувчидан мустақил мулоҳазани талаб қилади. Сиртдан қараганда ўзгаларни муҳокама қилиш жуда осондай туюлади. Лекин ўша ўзгалар ўрнига ўзини қўйиб кўриш, ўзини уларнинг ўрнида тасаввур қилиш талаб қилинганда бальзан “тиллар бойланиб қолиши” ҳам бор гап. Ўқувчиларни вазиятга шундай ёндашишга ундаш ҳам уларни ижодий фикрлашга йўналтиради. Жавоб берган ўқувчиларнинг фикри диққат билан эштилади, зарур бўлганда қўшимча саволлар билан қарапшларга аниқлик киритилади.

“Кенжা ботирнинг тадбиркорлиги, топқирлиги, жасурлиги билан эртак бошида ота томонидан айтилган гаплар ўртасида қандай боғлиқлик бор деб ўйлайсиз?” саволи берилганда, унга аниқлик киритиш мақсадида “Кенжা ботирнинг тадбиркорлиги унинг қайси ишида кўринади?”, “Унинг топқирлигини қайси хатти-харакатларида кўриш мумкин?”, “Кенжা ботир отасининг ўша насиҳатидан кейин бирданига жасур бўлиб қолдими?”

сингари қўшимча саволлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Шу тариқа ўқувчилар эътибори Кенжаботирнинг қайси фазилати унинг қайси амалида кўринишига, жасурлигини намойиш этган ишлари тасвирига қаратилади. Бу каби фаолияти билан улар адабий қаҳрамонларни ўзлари учун қайта кашф этадилар. Бу кашфиётлари маънавиятларининг камол топишига хизмат қилади.

Ўрдага келган ботирларнинг зиёфат пайтида дастурхонга кўйилган гўшт, шинни, нон тахлами тўғрисидаги фикрларига ҳам ўқувчиларнинг дикқати қаратилади. Йигитлар табиатидаги билгичликнинг омиллари ҳақида ўйлаб кўришга ундалган ўқувчилар мулоҳаза юритиб, ўз фикрларини ўртага ташлайдилар.

“Қизлар йўқотган тиллаларига гавҳар қўшиб олдила”, деган иборани қандай тушундингиз?” саволи ўқувчиларни асар матнида илгари сурилган гоялар ҳақида мулоҳаза юритишига ундейди. Ўқувчилар “қизлар йўқотган тиллалар” дейилганда нима назарда тутилган-у “кўшиб олинган гавҳар” дейилганда нима кўзлангани ҳақида мулоҳаза юритадилар. Ўз қарашларини асардан келиб чиқиб баён қиласидилар. Бу каби савол ва топшириқлар 5-синф ўқувчиларига хос бўлган кўп ўйлаб ўтиромай гапириб юборавериш ёки ўртоқларининг фикрини такрорлаш каби одатларини улар табиатидан чиқаришга кўмаклашади. Жавобларда ўқувчиларнинг ўз хулосаси, қарашлари ифодаланади. Берилган савол ва топшириқларга кимнингдир ақли етар, кимницидир етмас. Муҳими, синфдаги болаларнинг ўйлаши, изланиши.

Асар мазмуни юзасидан тақдим этилган: “Кенжаботир ҳикоясидаги тўтига эътибор қилинг. Ваъдага вафо қилиш учун ота-онаси, aka-укалари ва яқинлари, энг муҳими, ўз озодлигидан кечиб келган тўтининг олижаноблигига кўрсатилган оқибатга муносабат билдиринг”, топшириғини бажаришга тутинган ўқувчилар тўти, подшоҳ ва вазир шахсини таҳлилга тортадилар. Ўқитувчи уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини алоҳида саволга айлантириши лозим. Шунда ўқувчилар уларнинг хатти-ҳаракатига муносабат билдирадилар, баҳолайдилар. Тўти қайтиб келмаслиги ҳам мумкин эди-ку! Лекин у мардлик қилиб садоқатини намойиш этди, бунинг устига ёшартирувчи мева ҳам олиб

келди. Ўқувчилар бундай олижанобликнинг нима учун ўлимга маҳкум этилгани, подшоҳ нима сабабдан тўтининг эмас, вазирнинг гапига ишонгани ҳақида мулоҳаза юритадилар. Болалар подшоҳнинг ўз фикри йўқлиги, вазир меванинг биттасини подшоҳга едириб, иккинчисини ўзи еганда ҳаммаси яхшилик билан тугаши мумкинлигини, тўтининг ўлимини истагани вазир ўзининг ҳам бошини егани ҳақида фикрлашадилар. Бу билан ёмонлик, албатта, жазоланишини, ҳақиқат маълум вақт эгилсада, лекин синмаслигини ўқувчилар англаб етишларига имкон яратиш ўқитувчининг асосий юмуши бўлиши керак.

“Эртакдаги ва ҳикоядаги шоҳларни бир-бирига солиширинг”, топшириги ўқувчиларни иккала подшоҳнинг табиатидаги хислатларни аниқлашга, эртак ва ҳикоя матнига қайта-қайта мурожаат қилишга ундейди. Чунки Кенжা ботирнинг ҳикояга сингдирган мақсадини англаш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун бу ҳодиса устида ишланаётганда ўқитувчи қўшимча саволлар билан йўналиш бериб юбориши ҳам муҳим. Ҳикоядаги тўти ва подшоҳ тимсолларига хос сифатлар: ваъдага вафо ва шошқалоқлик билан тадбир кўриш ҳақида ўқувчиларда болаларча содда хулосалар чиқарилади. Эртакдаги ва ҳикоядаги шоҳларни таққослаш асносида ўқувчилар уларнинг ҳар иккисига ўйламай иш кўриш, яқинларни аямаслик, шафқатсизлик, қаҳри қаттиқлик каби сифатлар хослигини аниқлайдилар.

“Оға-ини ботирларнинг саройдан кетиш тўғрисидаги қарорига ўз муносабатингизни билдиринг”, топшириги ҳам ўқувчиларни ўйлантириши мумкин. Уларнинг кўпчилигидан кутилган жавоб чиқмаслиги ҳам оддий ҳол. Лекин бу вазиятга ўқувчиларнинг муносабати кейинги соатда бўладиган эртак дарсининг самарасини таъминлайди. Кенжা ботирнинг ноҳақ жабрдан дили оғригани, энди акаукалар у ерда ортиқ қололмасликларини ҳис этгани учун кетишга, табиатларига сингдирилган тарбияга мувофиқ яшашга интилишларини ўқувчилар бола кўнгиллари билан ҳис қиласидилар. Улар туйганларини сўз билан ифодалаб беролмасликлари ҳам мумкин. Лекин адабий таълим учун ўқувчидаги туйғу уйғотишнинг ўзи катта ютуқ.

Суҳбат сўнгидаги “Эртак таҳлилидан сўнг кўнглингизда

қандай түйғулар пайдо бўлди? Уларни шарҳлашга уриниб кўринг” топшириғи ўқувчиларнинг асарни ўқишдан олган дастлабки ва таҳлилдан кейинги таассуротларини фарқлаб, тасаввурларини тиниқлаштириб олишга кўмаклашади.

Уй вазифаси сифатида эртакдаги: “Кенжаботир подшоҳга қараб бир ҳикоя айтди...” жумласидан кейинги ҳикояни ўқувчилар эртакдаги воқеалар ривожига мослаштириб янгидан яратишлари мумкин. Бу ўқувчиларнинг имконияти доирасида бажариладиган топшириқ.

“Уч оға-ини ботирлар” эртагини ўрганишга бағишлиланган учинчи дарсда ўқувчилар томонидан яратилган эртаклар эшитилиб, уларнинг ютуқ ва камчиликлари таҳлилга тортилади.

2008.

“ОЙГУЛ БИЛАН БАХТИЁР” ЭРТАГИНИ ҮРГАТИШ ЙЎЛЛАРИ

Умумтаълим мактаблари бешинчи синфларида Ҳамид Олимжоннинг “Ойгул билан Баҳтиёр” эртак-достони ўрганиш учун тавсия этилган бўлиб, бунинг учун дастурда уч соат ажратилган¹. Лекин дарсликда эртак матни тўлиқ келтирилмай муаллифларнинг асар ҳақидаги қарашлари берилган.² Агар эртак-достонни дарсликда тақдим этилганидек ўрганиладиган бўлса, ўқувчиларда у ҳақда умумий тасаввур пайдо бўлади, холос. Дарсда ўқувчилар эртакнинг ўзи билан эмас, балки муаллифларнинг асар ҳақидаги қарашлари билан танишадилар, уларнинг хulosаларини ўзлаштирадилар. Бу бутун мамлакатдаги 5-синф ўқувчилари эртак ҳақида айнан шундай фикрда бўладилар, асарга ўзгача ёндашолмай, дарсликдан айрича муносабат билдиrolмай, ўз мустақил қарашларига эга бўлолмай қоладилар деганидир. Бунақада мамлакат раҳбари И.А.Каримов айтмоқчи “Ватанига, ҳалқига, миллатига фидокор, мустақил фикрлайдиган, бирор бир масалани онгли равищда масъулият билан ҳал қиласдиган, изланувчан,

¹ Умумий ўрта таълим мактабларининг адабиётдан ўкув дастури. “Маърифат” газ., 4, 7, 11 октябрь, 2007 йил.

² С.Ахмедов ва бош³. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфи учун дарслик. Т.: Шарқ, 2007.

янгиликка интилувчи кадрларни эмас, асосан, саёз савияли, муте кишиларни..., онги қотиб қолган, азму шижаатдан йироқ, ишнинг “белига тепиб турадиган” кадрлар¹ тарбияланиб қолмайдими?

Қолаверса, уч соат давомида ўқитувчи ва ўқувчилар нима билан шуғулланишади? Биринчи соатда ўқувчилар шоирнинг таржимаи ҳоли билан танишар, дейлик. Аслида, бугун мактаб адабий таълимни методикаси илмида 9-синфга қадар ёзувчи таржимаи ҳолини ўрганишга алоҳида вақт ажратиласлиги кераклиги айтилмоқда. Иккинчи соатда эртак ҳақидаги адабиётшуносларнинг қарашлари ўрганилса, учинчи соатда назарий маълумот устида ишланадими? Бунақада ўқувчиларни адабиёт дарсларидан, бадиий сўздан лаззатланишдан маҳрум қилиб, китоб ўқишдан бездириб кўйилмайдими?

Адабиёт ўқитувчиси бу хатоликларнинг олдини олиш, таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга йўналтириш, уларни ўз қарашларига эга бўлган, маънавий комиллик сари юз тутган инсонлар қилиб тарбиялаш мақсадига эришиш учун биринчи дарсни эртакнинг тўлиқ матни билан танишишга багишлиши, шундан сўнг ўқувчилар билан биргаликда асар таҳлилига киришиши ўринли бўлади. Агар ўқитувчи бу икки дарсни бир кунга кўчириб, кетма-кет ташкил этишга эришса, мақсадга мувофиқроқ бўлади.

Мазкур эртакнинг ўз ўқилиш оҳангига бор. Асарнинг ўқилиш оҳангига ва ифодалилиги дарснинг ярим муваффакияти саналади. Ўқитувчи ифодали ўқишининг ўзи билан ўқувчилар кўнглини безовта қилиб, уларнинг эътиборини ўзига қаратиб олиши мумкин. Бутун диққат-эътибори матнга қаратилган ўқувчи бошқа нарсаларга чалғимайди. У бор вужуди билан ёқимли оҳангда ўқилаётган эртакни тинглайди. Ўқувчилар ўқитувчи билан биргаликда ўз дарслекларидан эртак матнини ўқиб борсалар, яна ҳам яхши бўлади. Бунда улар қулоқлари кўмагида асарнинг ўқилиш оҳангини, кўзлари орқали эса тез ўқиш машқини оладилар.

Айни замонда, ўқиш давомида эртак қаҳрамонларининг

1 Баркамол авлод орзуси. (“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга ошириш бора-сидаги публицистик мулоҳазалар) –Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни, 1998. 40-41-б.

руҳияти, феъл-автори ифодаланган, уларнинг табиати тасвирланган лавҳаларни, шоирнинг сўзни ўйнатиб юборган ўринларини ўқувчиларга белгилатиб бориш мумкин. Бу билан асар матни устида иш бошлангандা, аввало, эътибор қаратилган ўринларни матидан қидиришга сарфланадиган вақтдан ютилади, қолаверса, ажратиб кўйилган сўз, инсонларга хос бўлган баланд сифатлар, чинакам фазилатлар ўқувчининг диққат марказида туради, руҳан муносабат билдиришга тайёрлана боради. Ўқувчилар томонидан эътибор қилинган, муносабат билдирилган сифатлар уларнинг шахсиятида, албатта, из қолдиради.

Достон ўқиб чиқилганидан сўнг матн устидаги иш “Шоир эртакнинг биринчи бўлимини болалик хотираларига бағишилагани сабаби нимада бўлиши мумкин? Асаддаги: “*Бувимнинг ҳар қиссаси, Ҳар бир қилган ҳиссаси Фикримни тортар эди, Ҳавасим ортар эди*”, мисраларида кўзда тутилган мазмун ҳақида ўйлаб кўринг. Бўлажак шоирга бувисининг қайси ишлари бу қадар кучли таъсир кўрсатганини айтинг. Эртакдаги:

*Тинглар эдим бетиним
Узун туңлар ётиб жисм.
Сеза олардим кучин,
Кўпі – ёлгон, кўти – чин*

сатрларига эътибор беринг. Гап нима ҳақда кетаётганлигини англатинг ва шоирнинг шундай деётганлиги сабабини тушунтиринг” каби савол-топшириқларни ўртага ташлашдан бошланади. Мазкур савол-топшириқлар устида ишланаётганда асарнинг биринчи бандини қайта ўқиб бериш ҳам мумкин.

“Ойгул билан Бахтиёр” – адабий эртак. Унинг биринчи бандидаги тасвиirlар эса эртак ҳақидаги ҳикоя. Лекин улар, айни вақтда, асл ҳақиқат ифодалари ҳам. Унда тирик инсон ва унинг болалик туйгулари, ҳаётидаги энг гўзал давр акс этган. Шоирнинг достонда ифодаланган ҳолати эртакни тинглаётган боланинг ҳозирги кайфияти билан деярли ҳамоҳанг. Асада айтилаётган эртакларнинг деярли барчаси ўқувчиларга ҳам таниш. Шунинг учун эртакнинг бу банди кўп ўқилмасданок, ўқувчиларнинг хотирасида михланиб қолиши аниқ.

Бўлажак шоирга бувисининг айтган эртаклари ва улардан чиқариб олган ҳиссалари қандай таъсир қилгани, эшигнларидаги фикрини тортган, ҳавасини ортирган нарсалар унинг тақдирада қандай рол ўйнаганини савол тариқасида ўқувчиларга эслатиб ўтган маъқул. Бувисининг эртакларини тинглаётган ёш шоир уларнинг “кўпи – ёлғон, кўпи – чин” эканини билади. Мана шу ёлғону чинларнинг таъсир кучи қанчалар баланд эканини ҳам ҳис қиласди. Сўзни ҳис қилиш, ундан таъсиrlаниш инсон тақдира учун қанчалик аҳамиятли экани ўқитувчи томонидан айтилган икки оғиз гап орқали ўқувчиларнинг “кулоғига тушиб қолгани” фойдадан ҳоли бўлмайди.

Баъзи саволлар мазмунини ўқувчи тўла англамай қолиши мумкин. Шунда ўқитувчи уларни соддалаштиргани маъқул. Токи, савол-топширикда кўтарилиган муаммо ўқувчига етиб борсин. Саволга жавоб бериш, топшириқни бажариш учун матннинг қаерига қараши, нималарни эслаши лозимлигини тасаввур қила олсин. Шунда ўқувчининг жавоблари асосли, салмоқли бўлади. Фикри қатъийлашади. Бунда боланинг матнни ўқитувчиси билан бирга ичдан ўқиб, устози таъкидлаган жойларига белги кўйиб боргани кўл келади.

Ўқитувчи эртакдан “Бош қўтардик, зулмдан Бўлмоқчи эдик озод. Лекин бу гал бўлмади, Аммо тилак ўлмади” мисраларини ўқиб беради ва “Дархоннинг иқори замирида қандай маънони англадингиз? Дархон ўлди-ку, тилакнинг ўлмагани нимани англатади?” саволини ўртага ташлайди. Кул Дархоннинг хон билан тўқнашуви саҳнаси, унинг хонга муносабати сабабларини ўқувчилар матнга таянган ҳолда ўзлари таҳлил қилганлари маъқул. Шунда улар қўзғолончиларнинг тилаги – зулмдан озод бўлиш эканини, зулм, хорлик, қашшоқлик бир кун шундай якунланиши аниклигини ўzlари англаб етадилар.

“Хон қовоғини уйди, Булутлар ёмғир қуиди” тасвири замиридаги бадиий маънони топишга йўналтирилган ўқувчилар матннинг шу ўрнига мурожаат қиласди. Хоннинг қовоғини уйиши билан осмоннинг ёмғирли ҳолати ўртасидаги ўхшашликтин уларнинг бири бўлмаса бири топади. Ўқитувчи бу ҳолат шоирнинг маҳорати эканини билдириб қўйгани маъқул.

Озодлик сари Дархондек мард, довюрак одамлар йўл бошлайдилар. Шундай одамнинг фарзанди бўлмиш Ойгулнинг тақдирга тан бериб, хон саройида яшаб қолиши мумкинмиди? Довюрак кишиларнинг дўстлари ҳам кўп бўлади. “Қора кун”да, гамда инсонлар бир-бирларига жуда тез яқинлашадилар, ғам кишиларни бирлаштиради. Ўкувчилар эртакдаги:

*Қалдиргоч қошлиридан
Тўйиб қарашиларидан
Ҳаёт сочишар эди,
Гуллар очилар эди*

тарзидаги мисралар ким ҳақда эканини ва нима учун шундай ифодаланганлигини ўйлаб кўринг” топшириғини бажариш учун матндан шу ўринни топган ўкувчилар унинг Ойгул ҳақида эканини дарров англайдилар. Унинг шундай қараши, бу қараашлардан “ҳаёт сочилиши, гуллар очилиши” сабабини ҳам ўзларича топишга уринсинилар. Ўкувчилар бу билан ўз маънавий камолотларини тезлаштиришда иштирок этадилар.

Сусамбилга кетмоқчи бўлган жамбиликларга “Ойгул назар ташлади, Шундай бир сўз бошлади:

*Золим хон қучди ўлим,
Энди сизга йўқ зулм.
Эл, осойиш яшарсиз
Ва бекойиш яшарсиз
Сусамбилни қўйинглар
Ва Жамбилни суйинглар.
Сизникидир тупроғи,
Сизники тошу тоги.
Хон бўлмаса Жамбилда,
Қайгу ҳам бўлмас дилда.
Мана бу ота Тарлон
Ҳаммангизга бош бўлур.
Сизлар учун берур жон,
Ҳар ерда йўлдош бўлур.*

Бу гаплари билан Ойгул ватандошларига юрт, унинг тупроғи, тошигача азизлиги, ўзгаларнинг Сусамбилидан ўзларининг Жамбили юқори туришини таъкидлайди. Бу ҳаётий ҳақиқатни ўкувчилар ҳам англашлари мақсадда

мувофиқ. Чунки асл фарзанд камбағал юртни ташлаб қочмайди, балки құлидан келганича уни фаровон қилишга интилади.

Үқитувчи томонидан үртага ташланган: “Сиз үқиган “Сусамбил” эртаги билан “Ойгул билан Бахтиёр” достон-эртакдаги Сусамбил юрти орасида яқинлик борми?” саволи үқувчиларнинг үтган дарсларда олган билимларини фаоллаштиришга хизмат қиласди. Бу үз навбатида уларни таълимнинг таққослаш, қиёслаш методларида ишлашга ўргатади.

Асарлар матни, мазмуни юзасидан тузилган савол-топшириқларнинг ҳар бирида үқувчи дикқатини тортиши, унинг кўнглига ўрнашиб қолиши керак бўлган лавҳалар, фикрлар бўлиши зарур. Асарнинг бадиий жиҳатидан гўзал чиққан ўринлари савол-топшириқларда, албатта, үз аксини топиши, уларнинг ҳар бирига бадиий, ахлоқий, ижтимоий, маънавий юк қўйилиши, уларнинг ҳар бири үқувчини асар матнини шунчаки тақрорлашга эмас, булки у ҳақда ўйлаш, мулоҳаза юритиш ва тасаввур қилишга йўналтирадиган тарзда бўлиши зарур.

Үқитувчи, эртак матни устида ишни давом эттириб үқувчиларига қўйидаги савол-топшириқлар билан мурожаат қилиши мумкин: “Ўйлаб кўрингларчи, эртакдаги: “Қора кунда қул Тарлон Қизга қайғудош келди, Фамига йўлдош келди” сатрларида “кора кун” бирикмаси нимани ифодалаяпти?”, “Утинчи чол: “ховлиқиб, бўлиб хушҳол Қаққайиб туриб қолди”. Нега шундай эканини тушунтиринг”; “У йўқ эди ўзида, Бир сандиқ сув юзида Лопиллаб келар эди, Тўлқинда елар эди. Олмайин икки кўзин Ечина солиб дарҳол, Сандиқ кетидан ўзин Дарёга ташлади чол” тасвирига таяниб чолнинг қандай одам эканлиги ҳақида фикр айтинг”; “Охирида қиз туриб, Ерга қадар букилиб, Уларга таъзим қилди, Чолга қараб эгилди” мисраларида хонларга бўйин эгмаган қизнинг подачиларга эҳтиром кўрсатишини қандай тушундингиз?”, “Ойгулнинг табиатини англашга ёрдам берадиган қуйидаги сатрлар: “Икки катта ҳалқалик Гавҳар топувди унда. Қадрини билган эди, Эҳтиёт қилган эди” мисраларида нима ҳақида гап кетаётир деб ўйлайсиз? Ойгул улардан қандай фойдаланди?

Бу, сизнингча, нимадан далолат беради?"; "Эслашга уриниб кўрингчи, Сусамбил мамлакати, унинг ўта ободлиги ҳақида яна қайси эртакда ўқигансиз? Сусамбил деган мамлакат борлигига ишонасизми ёки ҳар қандай озод ва обод юртни Сусамбил деб аташармикин?"; "Ойгул билан Бахтиёрнинг табиатига хос хусусиятларни санант ва ўхшаш томонларини кўрсатинг". Улар ўқувчиларга эртак мазмунини чуқурроқ англаш имкониятини яратади. Бундан ташқари, бадий асарлар моҳиятига шу тариқа кириб борган ўқувчилар кейинчалик бадий асарларни шунчаки ўқимайдиган, ундан тагмаъно излайдиган бўлишади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, берилган савол-топшириқларга синфдаги ҳамма ўқувчиларнинг бир хил жавоб беришлари шарт эмас. Маълумки, ҳар бир ўқувчи ўз имконияти даражасида билим ўзлаштиради. Ўқувчидан имкониятидан ортиқча нарсани талаб қилиш уни таълим олишдан бездириб кўяди.

2009.

АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА МУҲАББАТ ВА БУРЧ ТАРБИЯСИ

Кейинги йилларда миллий таълим тизимиға кўплаб янги усуллар кириб келмоқда. Педагогика фани ва амалиётида улар интерфаол усуллар номи билан юритилади. Таълимни ташкил этишда жаҳон педагогикаси амалиётида кўлланиладиган илғор усул ва услублар, техника воситалари, ўқитишнинг шаклларини миллий тарбияшуносликка ҳар бир ўқувчи шахси, руҳий ўзига хослиги, интеллектуал имкониятлари, миллий ва ижтимоий хусусиятларини инобатга олган ҳолда кўллаш ўқитиш самарадорлигини сезиларли ошириши синовдан ўтган.

Таълимнинг янги усуллари миллий педагогик амалиётда мавжуд бўлган сухбат, эвристик, тадқиқот, таққослаш, индуктив, дедуктив усулларга қарши эмас ва уларни инкор ҳам этмайди. Ушбу усулларнинг моҳияти амалиётда, хусусан, адабий таълимда бола шахсини бош қадриятга айлантириш, унга таълим жараёнининг обьекти эмас, субъекти сифатида ёндашиш, ўқувчи маънавиятини шакллантириш

устуворлигини таъминлаш, мустақил фикрлашга ўргатиш, тарбияланувчидаги билим олишга қизиқиши ва эҳтиёж уйғотиши, унга кашф этиши лаззатини ҳис эттириш, адабий таълим жараёнида адибларнинг асарларида уларнинг шахси у ёки бу даражада акс этганлигини англиши, асарлардаги қаҳрамонларнинг кечинмалари ва хатти-харакатларига қараб уларнинг шахсини баҳолашга ўргатиш демакдир.

Бу усуулларнинг асосий хусусияти ўқувчиларнинг изланиш ва мустақил фикр қилишига таяниш, дарсда эркин баҳс-мунозара шароитини туғдиришдир. Масалан, бирор катта асар мазмуни билан танишиб бўлингандан сўнг унинг таҳлили устида ишлаш учун синфдаги ўқувчилар олтита-олтитадан, дейлик, олти гурухга бўлинади. Ҳар бир гурухга муайян ном берилади. Мавзу эълон қилиниб, вақт белгиланади. Ўқувчилар мавзу юзасидан баҳслашадилар, ўз муносабатларини билдирадилар. Белгиланган вақт якунлангач, ўқитувчи гуруҳ аъзоларини алмаштиради. Янги гурухда аввалги гурухдан битта вакил қолади ва у мавзу юзасидан ўз гурухининг чиқарган хulosаларини гурухнинг янги аъзоларига тушунтиради. Янги гуруҳ аъзолари аввалги гурухнинг фикр ва хulosаларини ўрганади, унга ўз муносабатларини билдиради. Шу тариқа қисқа вақт оралиғида ўқувчилар томонидан мавзу юзасидан фикрлар билдирилади, хulosалар чиқарилади ҳамда фикрлар уларнинг ўзлари томонидан таҳлил қилинади ва баҳоланади.

Синфдаги ўқувчиларни кичик гурухларга бўлиб ишлаш учун куйидаги шартларга амал қилиш талаб этилади: 1. Гурухлар ўқитувчи томонидан ташкил этилади. 2. Гурухга раҳбарлик қила оладиган ўқувчи тайинланади. 3. Ҳар бир гурухда зеҳнили ва қобилиятли ўқувчилар бўлишига, бўшроқ ўзлаштирадиган ўқувчиларни ҳам гурухларга имкон қадар тенг тақсимлашга харакат қилинади. Гурухлар бир-бирига муносиб аъзолар билан тўлдирилади ва вазифалари белгиланади. 4. Гуруҳ раҳбари ва аъзоларининг вазифалари тушунтирилади. 5. Ҳар бир гуруҳ доира шаклида ўтириши, унинг ҳар бир аъзоси бир-бирини кўриб туриши мақсадга мувофиқ. 6. Иш жараёнида ҳар бир гурухнинг фаолиятига, тояларига эътибор берилади. Яхши гоя эгалари рағбатлантирилади.

Бундай гурухларни ташкил этишдан аввал қўйидагиларни ҳам назарда тутиш зарур:

- ўқувчиларнинг шу ишни бажаришлари учун билим ва малакалари етарлилигига ишонч ҳосил қилиш;
- гурухларга аниқ йўл-йўриқлар кўрсатиш;
- вазифанинг бажарилиши учун етарли вақт ажратиш;
- ўз вазифасини вақтдан илгари бажарган гурухнинг бандлигини таъминлаш;
- қўйиладиган масала мураккаб бўлганда гурухларни камайтириб, гурух аъзоларининг сонини кўпайтириш;
- баҳолаш ва мукофотлаш гурух аъзоларининг фаоллигига таъсир этишини кўзда тутиш;
- кучли гурухларни мукофотлаш;
- бажарилган иш натижасини баҳолаш ва эълон қилиш;
- жамоанинг эркинлигига имконият яратиш.

7-синф “Адабиёт” дарслик-мажмуасида таникли турк адиби Умар Сайфиддиннинг “Нақорат” ҳикоясини ўрганиш кўзда тутилган¹. Шу ҳикояни юқоридаги интерфаол методдан фойдаланиб ўтиш мумкин. Дастурда бу ҳикоя устида ишлаш учун икки соат ажратилган. Ўқитувчи бу икки соатни бир кунда ўтгани ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлади. Дастурда асарга ёндашув қўйидаги тарзда белгиланган: “Нақорат” ҳикоясида ватанпарварлик, миллий ғуур туйғуларининг ёш турк зобити ҳаёти мисолида берилиши. Муҳаббат ва бурч туйғулари орасидаги тўқнашувда ватан олдидаги мажбурият ҳиссининг ғолиб келиши тасвири. Булғор қизи Рада ва турк зобити орасидаги муносабатлар ривожига ватан ва миллат тушунчалари ўтказган таъсир”. Ўқитувчи асар устида ишлаш борасида мана шу талқинга асосланиши талаб қилинади.

Буасарни юқоридаги методдан фойдаланган ҳолда ўтишда ўқитувчи гурухларни: “Нодира набиралари”, “Навоий набиралари”, “Бобур набиралари”, “Машраб набиралари”, “Қодирий набиралари” ва “Қаҳҳор набиралари” тарзида номлайди ва ўқитувчи столига “Нодира набиралари-1”, “Навоий набиралари-3”, “Бобур набиралари-1”, “Машраб набиралари-6”, “Қодирий набиралари-5” ва ҳ.к. тарзда рақамланган 36 карточкани қўяди.

¹ К.Йўлдошев, Б.Қосимов. Адабиёт. 7-синф учун дарслик-мажмуа. Т.: “Ўқитувчи”, 2000.

Дарсликда асар матнидан сўнг ҳикоя юзасидан бир қатор савол-топшириқлар тақдим этилган. Ўқитувчи ҳикояни ўқиб берганидан сўнг, 9 саҳифали матн юзасидан тузилган йигирма тўққиз савол-топшириқ орасидан турфа фикрлар келтириб чиқариши мумкин бўлғанларини алоҳида қоғозга ёзиб столларга кўяди. Бу стол атрофида ўтирган ўқувчиларнинг асосий топшириғи ҳисобланади. Ҳар бир савол-топшириқ ўқувчиларни хилма-хил мулоҳаза юритиш ва фикрлаш асосида асарни пухта ўзлаштиришга ундаши лозим. Ўртага ташланган саволга ўқувчининг ўз ҳаётий тажрибаларига, бадиий асар матнига таянган ҳолда жавоб бериши уни ҳикоя қаҳрамонларига яқинлаштиради. Ёш зобит қалбидаги ватан туйғуси, унинг хатти-харакатлари, ўйлари, изтироблари, самимий муҳаббати ўқувчилар дилини безовта қиласди. Улар зобитнинг ҳолатини ҳис қиласдилар. Саволларга жавоб бериш жараёнида ўқувчилар томонидан хилма-хил фикрларнинг билдирилиши ушбу ҳолатни кучайтиради, уларни фаоллаштиради. Ўқувчи ўзининг ҳақлигини ҳис қиласми сари билим олишдаги қатъйлиги ортиб боради.

Ўқувчилар турк зобити тимсолида шунчаки адабий қаҳрамонни эмас, ўз ватанини чин дилдан севган, ўз амалларига танқидий назар билан қарай оладиган, ўзини ўзи тафтиш қилишга қодир, шахсий туйғуларини буюк мақсадлар йўлига бағишлий биладиган инсонни кўрадилар. Тахлил ҳикоя матни маромига қатъий амал қилинган ҳолда олиб борилса, самарали бўлади.

Гурӯхлардан бирига юртини соғинган ёш зобит кўзига Бабинанинг шу қадар ирkit ва ёқимсиз кўринишига сабаб нима эканлиги ҳақида ўйлаб кўриш учун: “Ёш зобитнинг Бабинада тўхтаган жойи унга бу қадар ирkit ва ёқимсиз кўринишига сабаб нима деб ўйлайсиз?”, “Қаҳрамоннинг: “Чироқ иўқ. Сассик, ёғли бир қурум босган тунука қандил сариқ ва сўник нур таратади. Вужудим, зеҳним ҳоргин... Тушуна олмайман”, тарзида ифодаланган “Зеҳнинг ҳорғин”лиги сабабини аниқлашга уриниб кўринг”, деган топшириқли карточка берилади.

Мазкур топшириқни олган ўқувчилар ҳикоянинг “21 январь, 1319(1903)йил, Бабина” деб номланган биринчи

бўлими бўйича ишлайдилар. Улар йигит кўзига ҳамма нарсанинг жирканч кўриниши, унинг ҳорғинлиги урушдан чарчаганидан эканини, ўзига ёқмайдиган ишни қилаётганлиги сабабли вужуди ҳам, зехни ҳам толиққанидан эканини эътироф этадилар. Ўзи аскар бўла туриб қон томчиларининг юзига тегиб кетишидан бунчалар қўрқишига қараб, унинг табиатан хунуклик ва қон тўкишдан йироқ одам эканлигини илгайдилар. Унинг ҳорғинлиги куз ҳавоси билан нақадар ҳамоҳанглигини пайқайдилар ва инсоннинг қанчалар табиатга яқин эканини яна бир бор ҳис қиласидилар. Ўқувчилар эътиборни йигитнинг дикқатини тортган бир сасга – аёл товушига, бу саснинг йигитга таъсири ва бунинг сабабларига қаратишлари керак бўлади. Мана шу эпизод гурӯҳ аъзолари эътибор қилишлари керак бўлган асосий ҳодисадир. Йигитга аёл овозининг бунчалар таъсир қилгани унинг урушдан, сарғайган, хароб ўрмонларни кезишдан чарчаганидандир? Балки эр етган йигит қалбидаги табиий туйғулар уйғонганидандир? Оддий, осойиша ҳаёт бўлганда йигит бу сасга эътибор қиласиди, йўқмиди? Ўқувчилар мана шуларга эътибор қаратишлари керак. Зарурат туғилса, ўқитувчи шу саволларни оғзаки тарзда ўртага ташлаши мумкин. Ўқитувчи хар бир гурӯҳ ўқувчилари ўз йўналишларидан чалғиб кетмаслигини назорат қилиб бориши керак.

Иккинчи гурӯхга: “Ҳикоячининг: “Ҳаёт уйқу бўлса, ишиқ унинг рўёсидур! Мана – энг буюк ҳақиқат”, деган фикрига қўшиласизми? Унинг: “...деворлардаги ёзувларга бир неча сатр илова қиласман. Лекин бу на бир шикоят, на бир оҳ бўлади! Тотли, тоза, бир хотира...” дегандаги ҳолати, “Майдончадаги гўзал, башанг, келишган қиз билан узоқдан бир севишиш! Унинг исмини ҳам билмайман. Сўрашдан нима фойда? Уни билмасам, фақат ёзувларимгина мени унга боғлаб қўйди”, сингари иқрорига таяниб, унга баҳо бериш топшириғи берилади.

Мазкур гурӯҳ ўқувчилари асар матнидаги зобитнинг ҳаётдан чиқарган хулосасига таянган ҳолда муносабат билдиришлари керак бўлади. Улар ҳикоянинг “Январь, 1319 (1903) ва “Февраль, 1319 (1904)” деб номланган бўлимлари устида ишлайдилар. Йигитнинг эси ҳам, гами ҳам кетиб,

булғор қизининг кўзига бунчалар чиройли кўриниши сабаблари ҳақида мулоҳаза юритадилар. Шу тариқа улар ишқ атальмиш туйғунинг қудратини кашф этадилар. Ҳатто исмини ҳам билмаган, тилини тушунмайдиган, бирор марта гаплашмаган бир қизни бунчалар севиш, бу севгидан шунчалар завқланиш мумкинлигидан ҳайратга тушадилар. Чунки уларга ҳали бу туйғу бегона. Вақти келиб ўзлари ошиқ бўлганларида, асаддаги йигитнинг ҳолатини ҳис қилсалар, ажаб эмас. Лекин ҳозирча унинг ҳолатини тушунишга, ҳар бир хатти-харакати, сўзи, очик икрорларига таянган ҳолда муносабат билдиришга уриниб кўришлари керак. Бу гуруҳ ўқувчиларнинг вазифаси шундан иборат бўлади.

Навбатдаги гуруҳ аъзолари олдига: “Ёш зобит устозининг: “*Фазилатли бўлмоқ инсоннинг қўлида эмас. Лекин истаса, номусли бўла олади, бу ихтиёрий бир нарсадир!*” деган сўзларини нима учун хотирлади деб ўйлайсиз? Бу сўзларнинг йиғитга қандай алоқаси бор?” “*Унинг фикрича, ким яширин қилган ишини кўпчилик билиб қолган ҳисоблаб, жазо қонунномасининг моддаларини хотирага олса, номуссиз бўлишдан қутулади. Лекин фазилат ичдан келадиган бир нарса. Бунга зўрлик билан эришишмоққа уриниши “риёкорлик” бўлар эди. Бир кишида фазилат ё бор, ё йўқ. Орзу билан, ироди билан унга эришиб бўлмайди*” деган фикрига муносабат билдиринг, Зобит йигитнинг гўзал булғор қизига муҳаббат изҳор қилмаганлиги сабабини тушунтиришга уриниб кўринг. Йигитнинг ўзидан норози бўлиб: “...*буларнинг ҳаммасини ўйлаб ўтирмаи, муҳокамасиз қилолсан эди*”, қабилидаги армони ва шундай қилолмаётганининг сабаблари ҳақида ўйлаб кўринг, муносабат билдиринг”, топшириғи кўйилади.

Бу гурухдаги ўқувчилар ўқитувчининг кўмагига кўпроқ эҳтиёж сезишади. Устознинг фазилатли ёки номусли бўлиш борасидаги фалсафий фикри зобит йигитга қанчалик тегишли эканини ўқувчилар англаб олишлари бир оз қийин бўлиши мумкин. Ўқитувчи гурухдаги вазиятдан келиб чиқиб, уларнинг баҳсини маълум йўналишга солиб юборгани маъқул. Бу ўқувчилар ҳикоянинг “Февраль, 1319 (1904)” деб номланган бўлими устида ишлайдилар. Ўз руҳиятини бунчалар тафтиш қила оладиган, ҳар бир иши

учун руҳий жавобгарликни ҳис қилиб турган одамнинг ҳеч қандай фазилат эгаси бўлмаслиги мумкинми? Ўзини, туйғулари ва хатти-ҳаракатини шунчалар таҳлил қилиш фазилатми, иллатми? Унинг армони кўнглидан, ақлидан чиқаётирми? Бу столдаги ўқувчилар мана шу фикрлар атрофига мулоҳаза юритиб, муайян хulosага келишлари, ўз қарорларини асослашлари керак бўлади.

Кейинги гурух иштирокчилари олдига: “Бутун орзуим қочмоқ, бандиликдан қутулмоқ, ватанини оиласи абадий марқ этмоқ. Нотаниши олисларда биргина муҳаббат билан яшамоқ!” сингари хаёллар зобит йигит табиатининг қандай жиҳатларини кўрсатишини айтинг. Масъулият, бурч сингари туйғулар кучли эканлиги сабабини тушунтиринг. Зобитнинг ватансеварлиги намоён бўлган ўринларни кўрсатинг, изоҳланг” топшириқлари қўйилади. Бу топшириқни олган кичик гурух зобит ўз орзусини ҳеч қачон рўёбга чиқармаслигига аниқ ишонган ҳолда унинг нега бундай хаёлларга берилгани ҳақида фикр юритадилар.

Бешинчи гуруҳ аъзолари олдига: “Зобитнинг кундалигига: “Наш”лар шунчалар эҳтиросли, шунчалар жонли, шунчалар ошиқона, шунчалар қизгин эдики...” деб ёзганлиги сабабини тушунтиринг. Чиндан ҳам шундаймиди ёки бунга бошқа сабаб бормиди? Зобит хаёлан қизга қаратади: “Алвидо, эй ҳануз исмини билмаганим, лекин руҳини англаганим гўзал қиз!” дея мурожаат қилганида ҳақими? У ўзи айтмоқчи, булғор қизининг руҳини билармиди? Ҳикоячининг муҳаббат ҳақидаги ҳаяжонли ва кўтаринки хulosаларига муносабат билдиринг. Кўшиқнинг асл маъносини англагандан кейин зобит тушган ҳолатга муносабат билдиринг” топшириқлари қўйилади. Ўқувчилар ўртага қўйилган бу саволларга асар матнига таянган ҳолда жавоб берадилар, муносабат билдирадилар. Ўқитувчи чиқарилган хulosаларнинг асосланишини талаб қилиши лозим.

Олтинчи гурухга: “Булғор қизи Рада ҳамда турк зобитида ўз ватанига бўлган муҳаббат туйғуси, миллий ғурур ва шахсий жасорат ҳисси қай тарзда намоён бўлганини таққосланг. Сиз кимнинг хатти-ҳаракатини маъкуллайсиз? Ҳар иккала қаҳрамоннинг ватанга муҳаббати ҳақида ўйлаб кўринг. Бу туйғу уларнинг қай бирида кучли деб ўйлайсиз?

Нима учун? Фикрингизни асосланг”, сингари вазифалар қўйилади. Аслида бу вазифа бутун синфдаги ўқувчилар учундир. Ҳар бир гуруҳ ўз фаолияти давомида ушбу саволларга қандайdir даражада жавоб беришга интилган. Ўқитувчи жавобларнинг қуруқ гап бўлиб қолиб кетишига йўл қўймаслиги, улар, албатта, асосланишини талаб қилиши лозим. Синфдаги ўқувчиларнинг имкониятига қараб, саволлар камайтирилиши ҳам мумкин.

Барча ўқувчилар қўлида асар матни очиқ ҳолда туриши мақсадга мувофиқ. Чунки адабиёт дарсларида фақат матн билан, сўз билан ишланади. Бу жараёнда ўқитувчининг вазифаси ҳар бир стол атрофида ўтирган ўқувчилар фикрини эшитиш, зарур бўлганда мақсад сари йўналтирувчи қўшимча саволларни ўртага ташлашдан иборат бўлади. Ҳар бир гурухдаги етакчи ўқувчи қўйилган муаммонинг қатъий ечимини қоғозга тушириши, талаб қилинганда синфдошларига аниқ ифодалаб бериши керак.

2003.

МАЊНАВИЯТ ДОРИСИ

Чингиз Айтматов ижодида шахсдаги юксак мањнавий сифатларни шакллантиришда катта самаралар бера оладиган асарлар бисёр. Ёзувчи фалсафий мушоҳадаларга бой асарларида ҳам ёш болакайлар шууридан мустаҳкам ўрин олиши мумкин бўлган шундай лавҳаларни чизадики, улар билан танишиш келажак эгалари шахсиятининг шаклланишида ҳал қилувчи ўрин тутишига шубҳа йўқ.

Адибнинг бешинчи синф “Адабиёт” дарслигига киритилган “Қиёмат” романидан олинган “Олтovлон ва еттинчи” афсонаси¹ “Афсоналар садоси” рукнида берилган бўлиб, уни тўлик ўқиб чиқиш учун 23-24 дақиқа керак бўлади. Мутолаадан сўнг ўқувчиларнинг туйғулари уйғонган ҳолатидан фойдаланиб, уларнинг асарни батафсил тушуниб олишларига эришиш керак.

Асаддаги воқеалар бизга бирмунча яқин кунлардан – социалистик жамият барпо этилиши давридан олинган бўлиб, бир миллатга мансуб ўғлонларнинг бир-бирига

¹ Н. Каримов, У.Норматов. Адабиёт. 5-синф учун дарслик. - Т.: “Ўқитувчи”, 1999

қарши қўйилиши, оға-инидек йигитларнинг душманларга айланниб, бир-бирига қурол кўтариши воситасида бугун тарихга айланган кечаги тузумнинг мудхиш оқибати кўрсатилган. Асар таҳлилига ўтишдан олдин ўқитувчи болаларга ана шу ҳакда қисқача маълумот бергани маъқул бўлади. Шунда ўкувчиларнинг давр ҳақидаги тасаввурлари асардан олган таассуротларининг чукурроқ бўлишини таъминлайди, унинг матни устида ишлаш ҳам самарали кечади. Бешинчи синф боласи бизнинг кечаги кунимиз ҳақида кўп нарса билмайди. Тарих дарсларида ҳам ҳали бу ҳакда етарли маълумот берилмаган бўлади. Социализм ўрнатилаётган даврларда бизнинг юртимизда ҳам ушбу асарда акс эттирилганидек биродаркүшликлар бўлганини, миллат эрки ва озодлиги учун курашганлар “босмачи” тамғасини олганини, ўз юртини бўйсундириб бериш учун курашганлар эса қаҳрамон аталганини билдириш ўринли бўлади.

Асар таҳлили мукаммал бўлиши учун дарсликда берилган савол-топшириқлар етарли эмас. Қолаверса, улар ўкувчини мулоҳаза юритишга, фикр айтишга, муносабат билдиришга эмас, асар матнини қайта ҳикоялашга қаратилган.

Ўқитувчи асар ҳақидаги ўз ҳақиқатларини болаларга тайёр ҳолда бергандан кўра, таҳлилни болалар билан биргаликда қилгани маъқул. Бугунги педагогика, хусусан, адабиёт ўқитиши методикаси шуни талаб қиласди. Ўқувчи матнлар қаърига яширган ҳаёт ҳақиқатини ўзи кашф қилиши ўқитувчи эса уларнинг бу ишларини йўналтириб, бошқариб туриши мақсадга мувофиқ.

Таҳлил жараёнида ўқувчи мустақил мулоҳаза юритиш, фикрлаш, саволларга жавоб бериш учун матнга қайта-қайта мурожаат қилиши, асарни таҳлил қилиб, тимсолларга муносабат билдириши ва айтганларини асослашга ўрганиши лозим. Асар матни устидаги иш “*Бундай шароитда асосий қонун битта – агар душман таслим бўлмаса, уни янчидан ташлайдилар. Аммо шафқатсизликка жавобан шафқатсизлик юзага чиқади – бу ҳам қадимдан қолган қонун*” жумлаларига ўкувчилар эътиборини тортиш билан бошланади. Адабий таълимдаги етакчи тадбир шундан иборатки, ўкувчилар ўқиётган матнидаги мухим

нарсани номуҳимроғидан фарқлай олишга ўрганишлари зарур. Агар ҳамма товушлар, сўзлар, жумлалар бир хилда қабул этилаверса, ўқувчи бадиий асардан ҳеч қандай завқ ололмайди.

Ўқувчилар савол устида иш бошлишларидан аввал “Бундай шароит” дейилганда уруш, душманлик, қон тўкиш ҳолати назарда тутилаётганини англашлари керак. Шундан сўнг “Шафқатсизликка жавобан шафқатсизлик юзага чиқади”, деган қадимдан қолган қонуният замирида нима ётганини ўқувчилар тушунадилар. Мехр меҳр уйғотгани, муҳаббат муҳаббат чакирганидек, шафқатсизлик нафрат пайдо қиласди. Мазкур асарда грузин миллатига мансуб икки табақа вакилларининг бир-бирига муносабатдаги шафқатсизликлари ўзаро қаҳр ва нафратга сабаб бўлган. Афсона бир миллатга мансуб оға-иниларнинг мана шундай муносабатлари тасвирига қурилган.

Матнни таҳлил этиш, унинг моҳиятига кириш асносида ўқувчилар асар қаҳрамонларини таниб борадилар. Асар моҳиятига чуқурроқ кириб борилгани сари ундаги воқеалар моҳияти яхшироқ билиб олинади. Шу маънода матндан: “Чекист минганд отнинг эса айили бўшаб кетади. У буталар панасида отдан тушади” тасвирига ўқувчилар эътибори тортилгани маъқул. Шўролар хукумати вакилларига қарши курашчилар сафига кириб олган жосус Сандро шерикларини ўққа рўпара қилган ҳолда, гўё отининг айили бўшаб кетганлиги учун дараҳт панасида қолади. Одам жуда мураккабдир, бешинчи синфда ўқийдиган ўсмирлар ҳали бу мураккабликлар билан тўқнашмаган. Улар китоб саҳифасида бўлса ҳам шундай ҳолатга дуч келар эканлар, унга муносабатини аниқлаб олишлари зарур: Сандро оддий инсоний мантиққа кўра хиёнаткор, шўровий мезонларга кўра қаҳрамон. Чунки топшириқни бажарди. Ўқувчи бундай дилемма олдида ўйланиб қолиши табиий: нега бунақа? Ҳақиқат қайси томонда? Ҳақиқатни аниқлаш ушбу масалага қандай мезонлар билан ёндашишга боғлиқ. Илоҳий ва инсоний-ахлоқий мезонлар бўлганидек, сиёсий мезонлар ҳам бор. Одамнинг хатти-ҳаракатлари илоҳий ва инсоний мезон билан ўлчангани маъқул. Ҳали бешинчи синф ўқувчиси бундай мезонлар ва уларнинг талаблари

ҳақида түшүнчага эга эмас, албатта. Лекин ўқитувчи уларни ҳар қандай вазиятта шу мезонларга таянишга йўналтириб бориши лозим. Чунки асл инсоний-ахлоқий мезонлар ижтимоий-сиёсий мезонлардан юқори туради.

Ўқувчилар Гурам Жўхадзе табиатига хос хусусиятлар ҳақида фикр юритгандари маъқул. Унинг қандай одамлиги борасида персонажнинг ўй-изтироблари, айтган сўзларига таяниб мулоҳаза қилиш лозим бўлади. Бу тошириқ ўқувчиларни анчагина ўйлантириб кўйиши табиий. Ёппасига советлаштириш бошланганида ҳар бир миллатнинг миллатпарвар ўғлонлари бош кўтарган. Асар қаҳрамони Гурам Жўхадзе – она юрти, миллати озодлигини сақлаб қолиш учун курашганлардан бири. У ўз миллати эркини, ватани мустақиллигини ўзгалар кўлига топшириб кўймаслик учун уринган, юрт тупроғини ўзгалар топташини истамаган. Ватанига, халқига бўлган муҳаббати уни жанг жадал қилишга унданган. Лекин Жўхадзе сингари грузин фарзандлари Сандронинг сотқинлиги туфайли аёвсиз қирилди.

Ўқувчилар эътибори шу қирғиндан омон қолган еттовлон тўғрисидаги: “Беш кииши шу заҳоти ўликдай донг қотиб ухлаб қолади. Икки киишининг эса кўзларига уйқу келмайди”, деган тасвирга тортилиши керак. Жўхадзе мағлубиятнинг сабабларини ўйлаётгани, ватани тарк этиш изтиробларини кечираётгани учун ухломайди. Сандро эса чекистларнинг топширигини тўлиқ бажариш йўлини ўйлади. Уларнинг бири – миллат эрки ва озодлиги йўлида жонини фидо қилишга тайёр, берилган қурбонлар учун, енгилган жонлар, топталган тупроқ учун ўзини айбдор деб ҳис қилаётган эл фарзанди. Иккинчиси – ўз ватани ва халқи эркини ўзгалар кўлига топширишга шайланган, катталарап буйруғига кўр-кўрона бўйсунадиган кимса. У ҳам шу миллатнинг боласи. Биринчисини қийнаётган нарса – виждон ва бурч. Иккинчисининг уйқусини ўчирган сабаб – буйруқни бажариш бурчи. Шу ҳолатда қайси бирининг ташвиши кўпроқ, ғами улканроқ, мақсади покизароқ эканлигини болалар матн мазмунидан келиб чиқиб, асослашлари лозим.

Ўқувчиларнинг диққати асар матнидаги: “Тўлин ой уларнинг ўнг томонида нур ёғдиради. Тунги ўрмон оғир,

босинкиң үйрсинади. Пастда тошлардан тошларга урилиб дарё шағиллайды. Атроф тозлар тоши сукутга кетган”, тасвирига қаратилади. “Табиатнинг бу ҳолати тасвири асарга нега киритилган? Афсона қаҳрамонлари ҳолати билан табиатдаги ушбу вазият орасида алоқадорлик борми? Қонли кеча олдиdan табиатнинг сокинлигини бу қадар батафсил тасвирилашдан муаллифнинг мақсади нималигини англашга уриниб кўринг. Даҳшатли воқеаларни ўрмон ҳам, тог-тош ҳам кутаётганга ўхшамайдими?” деган савол-топшириқлар ўртага ташланади. Маълумки, табиат ҳамиша инсоннинг кўмакдоши, дардини, қайғусини бўлишадиган сирдоши. Ташибшли кунларда инсон ўзини табиатнинг қўйнига уради. Табиатга яқин инсонлар унинг ҳолатини яқиндан туяди, ўзича хулосалар чиқаради. Асар муаллифи ҳам табиатдаги сокинликни бекорга тасвириламаган. Қарама-қарши ҳолатлар асардан олинадиган таассуротни кучайтиради. Шунинг учун ҳам адид дунёни остин-устун қилгудек қонхўрлик олдиdan табиатнинг бу қадар беғубор, гўзал ва сокинлигини атайлаб тасвирилаган. Ўқувчилар бу ҳақда ўзларининг тушунчалари даражасида фикр айтадилар. Бу жавоб ўқитувчи истагандек, кенг қамровли бўлиши мумкин ҳам, шарт ҳам эмас. Ўқитувчи ўқувчиларнинг фикрини эшитгани ҳолда, уларга дахл қилмагани – тузатиб, тўлдирмагани маъқул.

Виждони тоза бўлмаган одам ҳар нарсадан гумонсирайди. Шундай экан, ўқувчилар эътиборини уйқуси келмаётгани учун Жўхадзенинг ғорга бориб ётмоқчи бўлганлиги хиёнатчи чекистга каттиқ таъсир қилгани тасвирига қаратиш керак. Асарда бу ҳолат биргина жумла билан берилади: “Сандро этаги куйгандай типирчилаб қолди”. Унинг бу ҳолати изоҳланиши, бунинг сабаблари ўқувчилар томонидан очилиши ва илғаниши зарур. Сўнг “Жўхадзени ғорда ётишга ундан нарса нима эди?” қабилидаги ёрдамчи савол билан ўқитувчи ўқувчилар фикрининг йўналишини кўрсатиб бериши мумкин. Бўлиб ўтган воқеа Жўхадзени қийнар, мағлублик ватангдолик эканини тушунган одам сифатида ундаги руҳий азоб жисмоний чаржоқдан устун эди. Ўқувчилар Сандрони тезроқ буйруқни бажариш ташвиши қийнаётганини ҳис этишади. Болаларга кўнгилларидаги туйғуларни ташқарига чиқариш имконияти

берилиши лозим. Ўқувчининг Гурамни ёқтириб, Сандродан нафрлатланиши табиий, лекин бундан кўра кўпроқ уларнинг хатти-ҳаракатлари, ўй-хаёлларини таҳлил қилиши, мулоҳаза юритиб муносабат билдириши маънавиятининг соғломлашувига кўпроқ таъсир этади.

Асарда шундай сўзлар бор: “Шом тушганда олтovлон ва еттинчи бир жойга тўпландилар”. Болалар бу ифоданинг айнан шундай берилаётганлиги сабабини аниқлашга уриниб кўришлари керак. Улар етти киши. Еттови ҳам бир миллатнинг боласи. Гўё бир мақсад йўлида юришибди. Муаллиф уларнинг олтovви аслида битта мақсад йўлидаги киппилар бўлиб, еттинчисининг мақсади эса тамомила бошқа эканлигини бир зум ҳам унутмайди. Ўқувчи ҳам ана шу нозик ўринга эътибор қаратиши керак. Чунки олтovлон билан Сандронинг қони бир, тили бир бўлса-да, руҳи, мақсади бир эмас. Шу боис у бегона – у еттинчи... Болалар шуни англаб етишса, демак, асарни чукур тушунган бўладилар.

Ўқувчилар эътибори афсонадаги Жўхадзенинг қиёфасини белгилайдиган қуйидаги гапларига тортимиши керак: “Уруши дегани шу. Биз қон тўкдик. Бизнинг қонимизни тўқишиди. У тарафдан ҳам, бу тарафдан ҳам кўп асл ғалонларнинг бошлари кетди... Ҳалок бўлган дўстларимдан иш ванимларимдан узр-маъзур сўрайман. Жангда ўлган ганим – ганим эмас. Оёгим узангизда турганда ҳам, бари бир, мен ҳалок бўлганлардан кечирим сўрап эдим...” Курашнинг моҳиятини англаған, душманидан ҳам узр сўрашга тайёр одамнинг ҳалоллиги, адолати, мардлиги борасида ўқувчилар ўйлаб кўришлари зарур. Жўхадзенинг буюк шиганпарвар эканлигини ўқувчилар нималарда кўришяпти? Агар тарбияланувчилар асар матнидан Жўхадзенинг шундай фазилатлари акс этган ўринларни топиб, уларни ўнча таҳлил қилишса, қаҳрамоннинг табиатини чукурроқ тушиунишади.

Ўқувчилар унинг ота юртдан чиқиб кетиш олдидан айтган қийидаги гапларига аҳамият беришлари керак: “Келинглар, ошр биримиз билан хайрлашайлик, она Еримиз билан хайрлашайлик, грузиннинг нони-тузи билан хайрлашайлик, шиноси билан хайрлашайлик”. Унинг сўзларида элга, юртга

бўлган муҳаббат қандай акс этаётгани хусусида ўйлаб кўриш лозим. Бу ҳақда юритилган фикрлар салмоғи ўқувчилар ички дунёсининг теранлиги ва билими даражасида бўлади. Шундай теран мулоҳаза юрита оладиган, айборни қидириб, ҳодисани тафтиш қиласидиган, бу дунёни тарк этган душманини ҳам кечира оладиган, халқининг нон-тузини азиз ва муқаддас билган ўғлонга муносабат билдириш аноссида ўқувчилар ҳам ўзгарадилар, ҳам улгаядилар.

Асарда Жўхадзенинг армони нақадар буюк ва сўнгиз эканлиги баланд маҳорат билан акс эттирилгани ўқувчилар назаридан четда қолмаслиги керак. Унинг: “*Биз ўзимиз билан тариқча нарса олганимиз йўқ. Ватанни олиб кетиб бўлмайди. Фақат согинч ва армонларимизни олиб кетамиз. Агар ватанни хуржун каби олиб юриши ва ташиб кетиши мумкин бўлганда, у сариқ чақага ҳам арзимасди*”, деган гапларидан йигит шахсиятига хос хусусиятлар англашилади. Ўқувчилар ўқитувчиларининг йўналтириши ва кўмаги билан Жўхадзенинг шу оташин гапларини сўзма-сўз таҳлил қилишлари, унга муносабат билдиришлари керак.

Асарда Гурам ва Сандрогина эмас, балки номлари тилга олинмаган бўлса-да, яна беш йигитнинг тимсоли ҳам ғоят эсда қоладиган қилиб чизилган. Куйидаги парчага таяниб, ўқувчиларни романдаги номсиз қаҳрамонлар ҳолатини шарҳлашга ундаш лозим: “*Улар давра ясад туришар, баъзан қўлларини бир-бирларининг елкаларига ташлашар, баъзан қамчидаи ерга солинтиришар, баъзан эса, билиб бўлмас ва кўриб бўлмас, лекин ҳар нарсани билувчи ва ҳар нимани кўрувчи илоҳий қудрат эшиитсин дебми, қўлларини осмонга кўтарар эдилар*”. Бу тасвирдан китобхон кўз олдида қолган беш йигит ҳам намоён бўлади. Мазкур сатрларда улкан самимият, адоксиз дард, инсон қисматининг бсадад чигаллиги акс этганини ўсмирлар хис этадилар. Асар қаҳрамонларининг ҳолати уларга таъсир этмасдан қолмайди. Улар афсона қаҳрамонлари тимсолида инсонни, унинг дардларини тасаввур қилишади.

Адиб қаҳрамонлар руҳиятини, уларнинг миясида қуюндан ғужғон ўйнаётган адоксиз саволлар тартибсизлигини қўйидагича акс эттирган: “*Агар Яратган ҳаммасини кўриб турган ва билиб турган бўлса, нега унда уларни ўз*

она Ерларидан қувегин қылмокда, бу қандай бүлди ахир? Нега ахир бундай, нега ахир одамлар бир-бирлари билан уришадилар, қон тұқадилар, күз ўшларни дарё қилиб оқизадилар, ҳаммалари үзларини ұақ, бошқаларни нохақ деб ҳисобладилар, қани ахир ҳақиқат, ким ҳақиқатни айтади, ким?” каби мисралар үқувчилар рухиятига кучли таъсир күрсатади. Бу саволларға уларда тайёр тұғри жавоб бұлмаслиги ҳам мүмкін, чунки бу савол нафақат үқувчилар, балқи бутун инсониятни ўйлантириб құяды. Асар муаллифи томонидан кетма-кет қўйилаётган бундай саволлар нафақат асардаги, балқи ҳаётдаги воқеа-ҳодисалар асносида унинг үзини ҳам қийнаганидандир? Уларнинг парокандалиги ҳаяжон, ички аламнинг зўридандир? Унинг нутқидаги такрорлар рухиятининг, тақдирининг қаҳрамонлари рухиятига, тақдирига у ёки бу даражада ҳамоҳанглигидадир?

Синфдаги үқувчилар асар қаҳрамонлари ҳолатини тасаввур қилишлари табиий. Чунки улар асарни ўқир эканлар у ёки бу даражада қаҳрамонлар тақдирига аралашиб, уларнинг ҳолатини ҳис қилишади. “Еттовлон” эмас, “олттовлон ва еттинчи” сўзлари ташиётган маънони аниqlамасликлари мүмкін эмас. Айни шу тасвир асносида асарда чекист ҳақида: “Сандро эса дам-бадам даврадан чиқиб, гулханга ўтин ташлар, олов қарсилаб, тобора қиздирив, күйдирив баланд ўрларди”, деб ёзилган. Үқувчилар тиимай ўрлаётган оловнинг нималигини: нафратми, хиёнатми, афсусми эканини ўйлаб қўрсинлар. Нега нафрату нега хиёнату нега афсус? У кимники? Сандроникими? Нафрат кимга қаратилган, хиёнат нимага қилинган, афсус нимадан? Бу савол ҳам үқувчилардан мантиқий зўриқишини тилиб қиласи. Агар улар жавоб беролмасалар, масала шундай очигича қолавергани маъқул. Лозим топса, ўқитувчи ўзи жавоб бериши, лекин бу унинг шахсий фикри эканлигини, бу ҳақда үқувчилар яна ўйлаб қўришлари мүмкін эканини тиқидлаб қўйгани маъқул.

Ўрлаётган оловда кимдир Сандронинг ўз оға-иниларига инфратини кўрар, кимдир унинг хатти-харакатларида хиёнатни кўрар, сўнгги ишига асосланиб ўз қилмишидан инфусини кўрар? Ҳар учала ҳолатда ҳам мантиқ бор, ҳар

учала жавобни ҳам нотўғри деб бўлмайди. Жавобдаги нафрат ҳам, хиёнат ҳам, афсус ҳам болаларнинг диққатини тортгани маъқул. Олти йигитга тегишли бўлган дард – ватан билан видолашиш дарди унга ёт. Унинг кўнглида бошқа мақсад мавжуд.

Ўкувчиларнинг эътибори олтovлон ва еттинчининг чигал руҳий ҳолати тўғрисидаги: “*Бошлини қўйи эгиб, қўшиқ бошлиши – оҳанг гўё ер остидан гувиллаб келаётгандай ўйчан ва қудратли янграб борарди*”, тасвирига таяниб, йигитларнинг кайфияти, ўйлари ҳақида мулоҳаза юритишлари зарур. Бунда ўкувчилар қўшиқ ҳам, унинг оҳангি ҳам йигитларнинг кўнгил қаъридан жуда катта дард, алам билан чиқиб келаётганини, шунинг учун ер остидан чиқаётгандек гувиллашини ҳис қилишар, лекин буни сўз билан ифодалаш болалар учун оғирроқ бўлиши мумкин. Чунки афсонага ортилган бадиий юк ўта огир. Ўкувчилар ҳам ўкув йили давомида бадиий асарлар билан ишлаб, бундай оғирликларга аста-секин кўнишиб борадилар.

Ўкувчилар дунё оқ ва қора ранглардан иборат эмаслигини, одамларни яхши ва ёмонларга, дўст ва душманларга ажратиш осон эмаслигини билиб боришади. Бунинг учун ўкувчиларни ўрганилаётган асардаги Сандронинг шахсияти ҳақида ўйлаб кўришга ундаш катта ёрдам беради. Сандро қандай одам? Бунда асардаги тасвирга таянган маъқул: “*Кўшиқларни ҳам у барча қатори чин юракдан айтар – ахир қўшиқ ҳаммага баб-баравар тегиши эмасми?*” Одам – ғоят тушунарсиз яратиқ. Ҳам чин юракдан қўшиқ айтгаётган, ҳам шу пайтнинг ўзида биродарларини ўлдиришни режалаштираётган кимса қандай одам? Балки Сандро қўшиқни чин юракдан айтмаётгандир? Ахир қўшиқларда унинг ижрочилари дарди ифодаланаёттир-ку? Сандрода ватандан айрилиш хавфи йўқ-ку! Буни ўкувчилар ўйлаб кўрсинлар: Асар муаллифи ҳақмикан?

Ўкувчилар Сандронинг ўз шерикларини ҳалок қилгандан кейинги ҳолати тасвирига эътибор қилиб, у ҳақда мулоҳаза юритишлари жуда мухим. Бу асарда шундай тасвиранади: “*У меини шарт кўтардида, тагида қолган винони тўкиб-соҷиб ютоқиб ича бошлиди, у ичида ёнаётган оловни босмоқчи бўларди*”. Ўкувчилар унинг

ичида нега ўт ёнаётганлиги, бу оташни бирор нарса билан учирин мумкин ёки мумкин эмаслиги борасида ўйлаб кўришлари керак. Биродаркушнинг ҳолати бундан бошқача бўлиши мумкинмиди? Унинг ичида хиёнат ўти, алам ўти ёнепти. У ҳам инсон. Унинг ҳам кўнгли, виждони бор. Буйруқни бажарган бўлса-да, ички бир қудрат олдида ҳисоб беришга мажбур. У шу ҳолатдан қийналаётир. Ўқувчилар ана шуларни ўйлашлари керак. Унинг ўзини ўлдиришдек даҳшатли қарорга келиши виждон қийноғидир. Ўқувчилар еттинчи ўқнинг аввалги олтитасидан фарқи ҳақида мулоҳаза юритсинлар.

Ўқувчиларнинг дикқатини олтovлон ҳалок этилгандан кейинги манзара тасвирига ҳам қаратиш керак: “Гулхан ёниб битмаганди. Дарё вагилларди, ўрмон ва тоглар бари ўз жойида эди, ой юксакларда сокин кезарди, ҳеч нарса юз бермагандай, ёлгиз узоқ давом этган таронагина узилди, узилди”. Нега ҳеч нарса ўзгармади? Сизнинг кўнглингиздачи? Бу савол ўқувчиларни ўз кўнглини, руҳиятини тафтиш қилишга ундаиди. Улар кўнгилларида алам, нафрат, ачиниш ҳиссини туйишлари табиий. Ўқувчилар таъсирчан бўлишади. Асар уларнинг дилларини оғритади, таъбларини хира қиласи. Начора, фойдали дори ҳамиша аччиқ бўлади. Бадиий асар эса, маънавият дорисидир.

2002.

“ОҚ КЕМА” АСАРИНИ ЎРГАНИШ

Еттинчи синф дарслигида асrimизнинг таникли адиби Чингиз Айтматов ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги матн ҳажман унча катта бўлмасада, унда адибнинг машакқатли болалиги, уни камолот сари етаклаган инсоний фазилатлар, унга буюклик бахш этган улкан иқтидор ҳақида қисқа, лўнда ва шу ёшдаги ўқувчиларга етарли маълумот берилган. Ўқитувчи болалар ўрганилажак асарни мукаммал ўзлаштиришлари учун муаллиф шахсини билиш ҳам аҳамиятга моликлигини эсда тутиб, бўлажак адибнинг отаси масъул лавозимларда ишлагани ва қатағон қурбони бўлгани, ёш Чингизнинг 14 ёнида қишлоқ кенгашида котиб бўлиб ишлагани, шу сабаб одамларни, ҳаётни яхши ўрганганини алоҳида эътибор

билин ўқиб, англайдилар.

Чингиз Айтматовнинг ижоди ҳақида сўз юритилар экан, ўқитувчи адабнинг “Жамила”, “Юзма-юз”, “Момо ер”, “Алвидо, Гулсари”, “Байдамтол соҳилларида”, “Биринчи ўқитувчи”, “Оқ кема”, “Асрга татигулик кун”, “Қиёмат”, “Кассандра тамгаси” каби асарлари дунёнинг кўп тилларига таржима қилингани, шунингдек, улар асосида қатор бадиий фильмлар суратга олинганига ҳам ўқувчилар диққатини тортиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабнинг ўқувчилар диққати қаратишлари лозим бўлган жиҳатларидан бири унинг рус тилида ижод қилишидир. Инсон ўз она тилидан бошқа чет тилларни қанча кўп билса, унга дунё ўз бағрини шунча кенг очиши, унинг олам ва одам сирларини билиш имконияти кенгайиши табиийлигига эътибор тортилади.

Ўқувчиларни бадиий асар ўқишига руҳан тайёрлаган ўқитувчи “Оқ кема”ни ўқишига катта қизиқиш билан киришиши шак-шубҳасиз. Қиссада қаламга олинган инсоний фазилатлар шаклланаётган шахс маънавиятида қатъий ўрнашиб қолиши адабий таълимнинг бош мақсадига хизмат қилишини ҳисобга олиб, ўқитувчи бу асар болалар томонидан тўла англанишига интилади. Кимнидир ёки ниманидир яхши кўра олиш инсонга берилган бебаҳо неъматдир. Ўқувчининг хаёлчан ва покиза “ука”сини яхши кўриб қолишида бадиий матннинг ифодали ўқилиши ҳам катта аҳамият касб этади.

“Оқ кема”ни ўқишига киришишдан аввал ўқитувчи асар матнини соатларга тақсимлаб, қайси бир қисми қайси дарсда ўқилишини режалаштириб олади.

Дастлаб икки соат мобайнида ўқувчилар билан асарнинг биринчи қисми ўқилади ва савол-топшириқлар устида иш олиб борилади. Матн таҳлили жараёнида ўқувчилар бола яшаётган шароитни яққол тасаввур қилишига эришиш керак. Улар адабий қаҳрамон яшаётган шароитни, унинг туйғуларини тасаввур қила олсагина асар ҳақида ҳам, унинг қаҳрамони тўғрисида ҳам ҳаққоний мулоҳаза юритиб, тўғри хulosалар чиқариши мумкин. Бунинг учун ўқувчилар қаҳрамоннинг ҳар бир ҳаракатини таҳлил қилишлари керак бўлади.

Асар ўқилганидан кейин эътибор боланинг эртаклариға қаратилади: “Улар қандай эртаклар эди?” Асар матни билан танишган ўқувчилар уларнинг бири – боланинг балиқقا айланиб оқ кеманинг ортидан сузид бориши ва ота-онасини топиши билан боғлиқ бўлса, иккинчиси, бобосининг она буғу ҳақидаги эртаги эканини айтадилар. Бу еттинчи синф боласи учун қийин эмас, албатта. Шундан кейин уларнинг эътибори боланинг кўчма дўкон келгандаги ҳолатига қаратилади. Нега бола унинг келишидан бунча қувониб кетди? Ёки у бобоси унга портфель олиб беришини билармиди? Ўқувчилар бола портфел олганидан нега бунчалар қувонгани устида фикр юритишлари лозим. Бунинг учун ўқувчилар олдига: “Сиз адабий қаҳрамоннинг ҳолатига қандай қарайсиз? Бу Сизга ғалати туюлмаяптими? Сиз ҳам бирор нарсадан шу даражада хурсанд бўлармидингиз?” каби саволларни қўйиш мақсадга мувофиқдир. Бу билан ўқитувчи ўқувчиларни ўйлашга, мушоҳада юритишга, муносабат билдиришга одатлантиради, фикрларини асослашга ўргатиб боради.

Шулар ҳақида мuloҳаза юритган ўқувчиларнинг диққатини ўқитувчи боланинг буталар, “түя”, “бўри”, “танк” каби харсанг тошлар: “...шунчаки нарсалар эмаслигини...” айтиб, “Улар ранжиб қолиши, ҳатто чалиб йиқитиши ҳам мумкин эди...” жумлаларига қаратади. Кўринадики, ёзувчи уларнинг “жонли” эканига ўқувчилар ҳам ишонишини истагандай бўлади. Ўқувчилар диққатини боланинг тошлар билан дўстлашиб, сухбатлашиб юриши боиси нима эканига, чақиртиканакни не сабабдан душман деб билишига қаратилиб, булар ҳақида мuloҳаза юритишга ундалиши лозим. Бунга сабаб қишлоқда боланинг тенгдоши йўклигиданми ёки у табиатан хаёлпараст бўлганиданми эканини ўқувчилар ўзларича муҳокама қилсалар, қандай хulosага келган тақдирда ҳам буни асосласалар, мақсадга яқинлашиллади.

“Бола нега печакгулларни яхши кўради, уларга хос қайси сифатлар кўнглига хуш ёқади? Бу боланинг қандай фазилатга эга эканига ишора?” деган саволлар ўқувчиларни мuloҳаза юритишга, матнга таянган ҳолда фикр билдиришга жалб этади. Ўқувчилар бу ҳақда тўғри хulosага келишлари учун печакгулларнинг сифати ҳақидаги тасвиirlарни яна

бир бор ўқитиши керак. Бу жараёнда ҳикоя қаҳрамонининг фантазияси кучлилигидан ташқари, қанчалар зийраклиги ҳам ўқувчилар назаридан четда қолмаслиги керак.

Ўқувчилар широлжинларнинг бола кўнгли, табиати билан боғлиқликлари борлиги, уларнинг панасида пинҳона йиглагиси келишининг сабабларини тушуниши учун уларга “Ўзингизни кузатганмисиз, сизда ҳам шунака ҳолат бўладими? Бундай пайтларда сиз нима қиласиз?” саволлари берилиб, мантиқли жавоблар олинса, дарсдан кутилган самараага эришилади.

Ўқувчилар эътибори боланинг булутлар кўринишидан завқланишига, уларнинг турли шаклларга киришини кўра олишига муносабат билдириш, адебнинг буларни тасвирлашдаги маҳоратини сезишга қаратиш ўқувчини яратувчилик ва гўзалликдан завқланишга ўргатади.

Боланинг бобосидаги “...очиқ кўнгил, ҳатто, сал-пал биладиган одамига ҳам бирон яхшилик қилишга тайёрлиги, ҳар кимнинг хизматига ҳозирду нозирлиги, ҳаммага садоқатли ва хушмуомалалиги” каби фазилатларнинг баъзан иллатга айланиши ҳақида ўқувчилар фикрини сўраш лозим. Нега шундайлиги ҳақида мулоҳаза юритиш, Мўмин чолга атрофдагиларнинг муносабати тўғри ё нотўғри эканини таҳлил қилиш ўқувчиларни одамларга муносабатни баҳолашга ўргатади. Ўқувчиларни ҳаётда дуч келинаётган лоқайдлик ва оқибатсизликларнинг сабабларини билишга ундейди. Шулар устида мулоҳаза юритиш асносида ўқувчилар уларнинг қанчалар даҳшатли иллатлар эканини хис қилсалар, кўнгилларида уларга нисбатан нафрат уйғонади. Нафрат эса, табиий равишда, инсонни бундай иллатлардан нари бўлишга ундейди.

Қисса матнида “Мўмин буги авлодидан бўлиб, бу билан гоятда фахрланар, ўз қабиладошларидан биронтасининг маъракасидан қолмасди”, деган жумла бор. Унга болаларнинг диққати қаратилиб, бунинг сабабларини аниқлашга йўналтириш керак. Нима учун адеб Мўмин чолни “камдан-кам учрайдиган баҳтли одам”, деб баҳолаган? Ўқувчиларни бу ҳақда ўйлаш, фикр айтишга ундаш, фикрини асослашга йўналтириш лозим.

Одамларни кемириб ташлайдиган “бало”га муносабат

билдиришга чорлаш ўқувчиларга бунинг ёмонлигини ўз кўнгилларига сингдириш имконини беради. Ўзини боридай кўрсатиш, кўрингандай бўлишга интилиш, самимилик, дил, фикр, тил, ҳаракат эзгулиги, гўзаллиги ва бир хиллиги комилликнинг дастлабки сифатлари экани ўқувчилар руҳиятидан жой олиши керак.

Ўқувчилар билан биргаликда Мўмин чолга одамларнинг довдирга муомала қилгандай муомала қилиши сабабларини аниқлаш, уларнинг ҳаммаси Мўмин чолдай эмаслигига сабаб нималиги тўғрисида муроҳаза юритиш зарур. Мўмин чолнинг табиати ҳақида фикр юритиш асносида “Бобо ҳурматга лойиқми ёки ачинишга?” саволи ташланиб, болаларни чонни ҳурмат қилмаган одамларга муносабат билдиришга ундаш керак бўлади. Мўмин чолнинг кенгашга чақиришмагандан қаттиқ ранжиб, буни унутолмаслиги сабаби уни менсимаганларидан эмас, балки “қадимий урф-одатларнинг поймол” қилинаётганидан эканини ўқувчилар туйишлари лозим. Шундай таҳлил асносида уларнинг руҳиятига миллий қадриятларни асраб-авайлаб кейинги авлодларга ўтказиш ҳисси ўрнашади.

Ўқувчилар Ўрозқул ва Бекей холанинг муносабатларига ҳам эътибор қилишлари зарур. Ҳаётнинг шундай азоблари борлигини ҳам билиш, уларга ўз ота-оналари учун қанчалар азиз эканликларини ҳис қилиш имконини беради. Ўқувчилар Ўрозқул ва Бекей холанинг дардини ҳис қилиб, уларга ачина олсалар, кўнгилларининг бир чеккасида Аллоҳдан уларга фарзанд тиласалар, бу уларнинг жамиятга керакли инсонларга айланәётганлигидан нишонадир. Ўқувчилар ўзгаларнинг муаммоларини таҳдил қилиш асносида ўз ҳаётидаги тўқисликнинг қанчалар буюк неъмат эканини ҳис қилиб, уни қадрлаш ва шукроналар айтишга ўрганадилар.

Боланинг портфель ва дурбини билан худди одам билан гаплашгандек гаплашишига ҳам эътибор тортилиши керак. “Нега шундай? Бу яхшими-ёмонми? Бола дурбинни шима учун яхши кўради? Бу муҳаббатнинг тагида қандай асос бор? Портфелни-чи?” Ўқувчиларга ана шу саволлар берилса, улар ушбу ҳолатлар ҳақида ўйлай бошлайдилар. Айни замонда бир инсоннинг табиатини ўрганиб борадилар. Боланинг характеристири ўқувчиларга ёқяптимикин? Ёқсан-

ёқмагани сабабларини тушунтириб бера олармикинлар? Бу ҳам ўқувчиларнинг ўсишига хизмат қиласди.

Мўмин чолнинг набирасига кўлоб ясад бериши, боланинг орзулари билан кўлоб ўртасидаги алоқага ўқувчиларнинг дикқати қаратилиб, улар бунга муносабат билдирулар, даре янада самарали бўлади. Ўқувчилар боланинг оқ кемага шунчалар боғланиб колганлиги сабабини тушунтиришга уринишлари керак. Улар боланинг оқ кемани кўрганда юраги гупиллаб кетишининг сабаби ҳақида ўйласалар, қаҳрамоннинг кўнглидан кечаетган ҳаяжон сабабини ҳис қилишлари мумкин.

Асар қаҳрамонининг ташқи қўриниши тасвирига ҳам ўқувчилар эътибори тортилиши лозим. Асарда боланинг чиройли киприкларию унга қаҳрамоннинг муносабати тасвирланган ўринлар эътибордан четда қолмаслиги керак.

Болада балиқقا айланиш ва оқ кемага сузуб бориш истаги пайдо бўлишининг асл сабабларини ўқувчилар қидириб топишлари лозим. Унинг хаёллари, отаси билан кўришиш орзуси, тушкун ҳолати ўқувчиларда қандай туйғулар силсиласини ўйғотгани аниқланиши фоят мухимдир.

Асар билан ишлашга ажратилган вақтнинг кейинги соатида ўқувчиларга қисса матни юзасидан дарсликдаги савол-топшириклир устида ишлаш уйга вазифа сифатида берилади. Ўқувчилар ҳиссиётлари эскирмай туриб, уйда матнга яна мурожаат қиласдилар. Улар кейинги дарсгача матн таъсирида юрадилар ва сабрсизлик билан матннинг қолган қисмини ҳам ўқийдилар.

Кейинги дарсда асарнинг шохдор Она буғу ҳақидаги иккинчи қисми ўқиласди. Тўғри, ўқувчиларни аввалги дарсдаги ҳолатга солиш қийин. Лекин бу дарснинг ҳам ўз “дарди” борки, уни болаларга юқтира билиш керак. Бунинг учун кичкина кириш қилиб, ушбу асар гарчи эртак шаклида берилган бўлса-да, унинг замирида ҳаётий ҳақиқат борлиги, тарихий манбаларда кўрсатилишича, Энасой дарёси бўйларида туркий халқлар яшаб, улар чорвачилик билан шуғулланганликлари, Сибирдаги кўп жой номларининг туркийда экани ҳам ушбу ҳолатдан далолатлиги таъкидланиши керак.

Энасой ҳақидаги асарда берилган қадимий туркий

күшиқ матни таҳлил этилиши лозим. Бу жараёнда кишининг кўнглидан ғалати туйғулар кечади. Халқнинг ўз ватанини қанчалар чуқур меҳр билан суйганини ҳис қилиш мумкин. Кўнгилда озгина алам, оғриқ ҳам пайдо бўлади. Ўқувчиларни бунинг боиси нима эканлиги ҳақида ўйлаб кўришга ундаш лозим бўлади. Энасойнинг бугун бизники эмаслиги ёки биз эна дарё бўйларида эмаслигимиздан ҳасрат пайдо бўладигандай... Дарёнинг Энасой деб аталиши замирида ҳам катта маъно бор. Бу борада болаларнинг матнга таянган ҳолда чиқарган фикрлари аҳамиятлидир.

Матннинг “Одам одамга ичи ачимасди” жумласи билан бошланган хатбоисига ўқувчиларнинг эътибори тортилади. Инсон – Тангрининг энг олий яратиги. У қанча олижаноб, яратувчи бўлса, шунчалик даражадаги ваҳшийликларга ҳам қодир. Буни атрофимиздаги одамларда ҳам ҳар хил кўринишларда учратиш мумкин. Ўз сифатларини қайси томонга йўналтириб, қандай маънавий сифатларга эга бўлиш инсоннинг ўзига боғлиқ. У шундай даҳшатларни содир этмаслиги, инсон номига чинакам муносиб бўлиши учун унинг кўнглини чиройли қилишга эришиш керак. Инсоннинг кўнгли чирой, гўзалликдан кувониб, баҳра оладиган қилиб шакллантирилса, ўзгаларни аядиган бўлиб, разилликлардан ҳазар қиласи. Бунинг учун у бадиий адабиёт билан, гўзаллик билан, кўркам сўз билан ошно бўлмоғи керак.

Ўқитувчи матннинг давоми бўйича иш олиб борар экан, ўқувчилар кўнглида ваҳшийликларга нафрат ҳиссини туғдира олиши керак. Бу ўқитувчининг ижрочилик маҳоратига боғлиқ.

Ўрмонда пайдо бўлган қушнинг огоҳлантиришида ҳам қандайдир илоҳийлик бордай. Ҳаётда ҳам шундай. Инсон олдинда бўладиган ишлардан ҳар хил йўллар билан огоҳлантирилади. Фақат биз унга ҳамиша ҳам эътибор беравермаймиз. Мазкур ҳодисанинг киритилиши ҳам муаллиф томонидан шунга ишора бўлса, ажабмас. Бу масалага ўқувчилар эътиборини қаратиш керак.

Дафн маросимидағи урф-одатларнинг қайси жиҳатлари бугунги кунда ҳам сақланиб қолган? Қайсилари йўқолиб кетган? Ўқувчилар тарихдан ўқиганларига, асар матнига

таянган ҳолда шуларни аниқласинлар. Шу ўринда, миллат улуғига бўлган эътиборга ҳам дикқат қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўрмон этагига ҳозирлаб қўйилган бия, ҳўкиз, тўққизлик – қўйларнинг тўққизтаданлиги нимани англатади? Умуман, эртакдаги воқеа-ҳодисалар қайси даврга мос келади? Ўрмонга кетган болаларнинг шўхлиги ва ўзбошимчалигига илоҳийлик бўлиши мумкинми? Ўқувчилар бунга нима дейди? Эртакда болаларнинг ҳолати қай даражада ишонарли тасвирлангани, яъни ёзувчининг шу ўриндаги маҳоратига эътибор тортилиши керак. Ўқувчиларни қаҳрамон ҳолатига олиб кириш керак. Токи, улар эртакда тасвир этилган болалар бошига тушган кулфатнинг қай даражада оғир эканини ҳис этсинлар. Болалар келганда ўз ғалабаларини нишонлаётган қабиладагилар нега бунча чўчиб кетганликларига ўқувчилар муносабат билдирилар. Бу қандай қўрқув? Нега уларнинг кўнглида шундай туйғу пайдо бўлди? Ўқувчиларнинг муҳокамаси мана шу саволларга жавоб бўлиши керак.

Қабила аъзолари билан хон ўртасида қандай фарқ бор? Нега хон болаларни шу ернинг ўзида ўлдиритириб юбормади? Бу масалаларга ҳам ўқувчилар дикқати тортилиши керак, улар буни ҳам муҳокама қилиб, муносабатларини билдиришсин. Ўқувчилар одамлар билан она буғу муносабатини солиштирганлари маъқул. Шунингдек, улар олдига: “Она буғунинг одам болаларига меҳрибонлиги ва содиклиги нимадан далолат Баймоқ кампир она буғуга: “...одам болалари сенинг яхшилигингга ёмонлик билан жавоб қайтаришса, ўзингдан кўр”, дейди. Кампир нимага асосланиб шундай деди? У ҳақми ёки ноҳақми?” деган саволлар қўйилиб, ўқувчилар шу ҳақда ўйлаб кўришга, жавоб беришга ундалади.

Она буғу болаларга: “Сизлар келтирган тилни авлодлар унутмайди. Уларга ўз она тилларида сўзлаш ва куйлаш ёқимли бўлади. Инсонлар қандай яшashi керак бўлса, шундай яшанглар”, дейди. Ўқувчилар шу фикрларни шарҳласинлар, таҳлил қилиб, муносабат билдирилар.

Ўқитувчи ўқувчиларга: Она буғунинг шохларида бешик олиб келишида қандай рамзий маъно бор? Буғубой авлодларидаги она буғуга бўлган эътиқод нималарда

кўринади?” деган саволларни бериб, уларни бу нарсалар хақида ўйлаб кўришга ундаиди. Ўқувчилар матндан бу ўринларни топиб, муносабат билдиришлари ва айтган гапларини асослашга уринишлари керак. Улар бутун бошли улуснинг маънавий бузилиб кетиши сабаблари хақида ўйлаб кўрсинашлар. Одамлар бузилиши асарнинг кайси ўринларида кўринишини топсинашлар. Мўмин чолнинг қавс ичида берилиган сўзларига алоҳида муносабат бидирсалар, жуда ўринли бўлади. Матнда “Бутун умр бўйи бугу нима эканлигини кўрмаган янги инсонлар туғилди”, жумласининг ўқувчиларга қай даражада дахли борлигини ўйлаб кўришга ундаш лозим.

Иккала эртак ҳам тугади. Ҳар икки эртак ўқувчиларнинг кўнглида ўзига хос из колдиргани аниқ. Болаларни эртак таъсиридан чиқармасдан унинг қолганини ўқишини уйга топшириш ўринли бўлади.

Охирги дарсда матннинг қолган қисми ва унинг аввалги бўлимлари юзасидан умумий саволлар билан асар таҳлили мустаҳкамланади, фикрлар қатъйлашади. Ҳар бир савол юзасидан имкон қадар кўпроқ ўқувчилардан жавоб олишга ҳаракат қилган маъқул. Ўқувчилар бир-бирларининг фикрини эшитишга ўрганишлари керак. Айни вақтда, жавобларнинг лўнда ва мазмунли бўлишига эътибор бериш лозим. Болаларга бировнинг фикрини қайтариш, матн мазмунини ҳикоя қилиш имкони берилмай, улардан ўз фикрини билдириш талаб этилса, ўқувчилар мустақил фикрлайдиган ва ўз фикрини ҳимоя қила оладиган кишилар сифатида шаклланадилар.

Асарнинг уйга вазифа сифатида берилган қисмидан чол билан боланинг безовталиги сабабини тушунтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Боланинг шохдор она буғу калласини кўргандаги ҳолати тасвирланган ўринларни қайта ўқитиши ва ўқувчилардан бу ҳақдаги фикрларини сўраш зарур: “Мазкур вазият тасвири уларнинг кўнгилларида қандай ҳисларни кўзғаган бўлиши мумкин?” Болалар ўз фикрларини айтар экан, асар қаҳрамони ҳолатини қайта ҳис қиласидилар. Қисса қаҳрамони руҳияти, кечинмалари, ҳолати билан боғлиқ бўлган бирорта детал ўқувчилар назаридан четда қолмаслиги керак. Ана шунда ўқувчилар

адабий қаҳрамон тимсолида ўзгани, иккинчи бир инсонни кўришга ўрганадилар. Ўқитувчининг ўқувчиларга берган: “Ўрозқулнинг шохни олишдаги хатти-ҳаракати сизнинг кўнглингизда қандай туйғуларни пайдо қилди? Сиз боланинг характеристи билан матнни ўқиши жараёнида танишиб бордингиз. Унинг охирги хатти-ҳаракатларини қандай баҳолайсиз?” тарзидаги саволларига жавоб бериш асосида болалар асар ҳақидаги умумий хуносаларини чиқарадилар.

“Боланинг бу дунёга сифмай қолишини, исёнини қандай шарҳлайсиз? Сиз болага ачиндингизми? Мўмин чолга-чи? Ўрозқулга-чи? Ўрозқулдан нафратланиш керакми ёки унга ачиниш керакми? Нима деб ўйлайсиз, ҳаётда Ўрозқуллар кўпми ёки бола ва унинг бобосига ўхшаганлар? Нима учун?” каби саволлар болаларни ўқиганларини ҳаёт билан таққослашга, ўзига хос хуносалар чиқаришга ундаиди. Саволлар жуда кўп бўлиши керак. Акс ҳолда, ўқувчиларни бадиий матн ичига олиб кириш, мустақил мушоҳада юритишга ўргатиш қийин бўлади.

1999.

“ГУЛНОР ОПА” ҲИКОЯСИНИ ЎРГАНИШ

Ўзбек бадиий тафаккури тараққиётида ўзига хос ўрин эгаллаган Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ижоди умумий ўрта мактаблар адабий таълими дастурида ўқувчининг ёши ва интеллектуал имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда маълум синфларга тақсимланган. Жумладан, мустақилликнинг ilk йилларида тузилган “Адабиёт” дастурида бешинчи синф ўқувчиларига Ойбекнинг болалик хотиралари асосида яратилган “Гулнор опа” ва “Фонарчи ота” ҳикоялари билан танишиш тавсия қилинган. Ёзувчи ўзининг айни 11-12 яшар ўсмирлик ҳаётидан ҳикоя қилиувчи бу асарларида болакайларнинг руҳиятидаги товланишларни, кўнглида кечаётган ҳисларни жуда таъсирли тасвирлаган.

Афсуски, бугунги кунда 5-синф ўқувчилари учун яратилган “Адабиёт” дарслигидан “Гулнор опа” ҳикояси чиқарип юборилган. Ойбек ҳикоялари орасида кичик ўсмир ёшидаги болакайнинг туйғулари бутун нозиклиги билан ифодаланган, бадиий жиҳатдан юксак бу асарнинг

дарсликдан олиб ташланишига сабаб нима?

Ўсиб келаётган авлоднинг кўнглини шакллантириш билан шуғулланадиган мутахассислар бўлмиш адабиёт ўқитувчилари маънавий савияси шунчалар бўлдики, мактаб адабий таълими стандарт, дастур, дарсликлари таҳлилига бағишланган йигинларда улар “Гулнор опа”ни бешинчи синф ўқувчиларига ўргатишга “уялаётган”ликларини айтдилар. Хўш, “уялиш” туйғуси нима? Инсон қачон, қайси хатти-ҳаракати учун уялиши керак? Ўқитувчи, айниқса, бадиий сўз билан, инсон маънавияти тарбияси билан шуғулланадиган бугунги муаллим нимадан уялиши керак? Кўйилган саволларга жавоб бериб шуни айтиш мумкинки, бандаси учун белгилаб кўйилган ахлоқий мезонлар бор. Бу мезонлар бузилса, илоҳий мезонларга кўра – гуноҳ, қонун мезонларига кўра – жиноят, инсоний мезонлар бўйича – одобсизлик ҳисобланади. Айрим ижтимоий мезонларнинг бузилиши содир этилса, уят саналади. Қилмишнинг уятлилик даражаси шу ишни қилган кишининг маънавий савиясига бориб тақалади. Баъзилар учун оддий ҳол бўлган хатти-ҳаракат бошқалар учун ўлимдан оғирроқ уят бўлиши мумкин.

Шуларнинг фарқига борган ўқитувчи Ойбекнинг “Гулнор опа” ҳикоясини ҳеч “уялмай” ўта олади. Ўқитувчи асарга фаросат билан ёндошса, бу ҳикоя у тарбиялаётган ўқувчиларга шундай туйғуларни фарқлашни, уларга муносабат билдиришни ўргатади. Ахлоқ-одоб мезонларини, уят, андиша, шаън, орият, ғурур, ҳайрат сингари туйғуларни илғашни ўргатади, инсон ҳаракатларининг чегарасини кўрсатиб беради.

“Гулнор опа”ни бошқа мавзуларни ўрганишдан ошиб қолган вақтларда, аминманки, бугунги адабий таълим амалиётида бундай бўшлиқ керагидан ортикроқ, ўрганишни истаган ўқитувчилар бу жараённи қўйидаги тартибда амалга оширсалар, адабий таълим стандарти талабларига жавоб берган бўладилар. Ўқитувчи “Гулнор опа” ҳикоясини ўқиш учун дарснинг 6-7 дақиқасини сарфлайди. Ҳикояни муаллимнинг ўзи ифодали ўқиб, ўқувчилари дарсликдан кузатиб боришини талаб қилиши мақсадга мувофиқ. Мутолаа жараёнида эътибор қаратилиши лозим бўлган

ўринларга ўқитувчи раҳбарлигига ўқувчилар қаламда белги қўйиб борсалар, таҳлил жараёни тезлашиб, вактдан унумли фойдаланилади.

Мутолаадан сўнг асар устида иш бошлаб, ўқитувчи ўқувчилар эътиборини: “*Болалар бирин-сирин тарқалиб кетишган эди. Мен ёлғиз қолгандим...*” тасвирига қаратади, яъни шу жумлани ўқиб беради ва тўпни боққа тепиб юборган Вали, Фаттоҳларнинг табиати ва хатти-ҳаракатларига муносабат билдиришни талаб қиласди. Ўқувчилардан Бадалнинг кўнглидан кечган туйғунинг: “...*ўйнаб тўймаган тўпимнинг алами ичимда дақиқа сайн зўрайиб борарди*”, тарзидаги ифодасига муносабат билдиришларини сўрайди.

Ўқувчилар эътибори Бадалнинг боққа ошиб тушиб, кучоқлашиб турган қиз билан йигит ҳолатини кўрганда қалбидан кечган: “*Менга англашилмаган бир сирнинг оғирлиги кўкрагимни сиқар, яшил ўтлар орасига кўмилган бошимда шу вақтгача яшириниб ётган фикрлар учқунланар эди*”, қабилидаги ўйларига қаратилади ва муносабатлари сўралади. Ўқувчилар Бадални тушунишга ҳаракат қилишлари керак. Айни Бадал ёшида болалар ўзларининг ўғил болалигини туйиб, бошқа жинс вакилларига қизиқиш билан қарай бошлайдилар. Ва бу қизиқиш уларнинг туганмас шўхликлари тарзида рўй беради. Муаллим ўқувчиларни Бадал тимсоли асносида шуларни англашга йўналтириб: “Бу қандай сир деб ўйлайсиз? Нега бу сир Бадалнинг кўкрагини сиқяпти? Унинг бошида қандай фикрлар яшириниб ётганди ва улар нега энди учқунлай бошлади?” каби саволларни ўртага ташлаши мумкин. Бадалга англашилмаган сир шундаки, у ҳали эркак билан аёлни бундай ҳолатда кўриб улгурмаган гўдак. Унинг учун бу сирли ҳолат, ғайриоддий тасвир. Лекин Бадалнинг тенгдошлари бўлмиш буғунги бешинчи синф ўқувчилари бундай ҳолатларнинг кўпини кўриб қўйишган. Улар шу хилдаги асарлар таҳлили воситасида катталардаги табиий туйғулар моҳиятини англаб, тўғри баҳолай билишлари ва шу аснода ўзларининг ички “мен”ини ҳам ўстиришга эришишлари мумкин.

“Киз билан йигитнинг ҳолатини кўрган Бадалнинг хаёлидан ўтган: “*Қўчадан ўтган ҳар бир қизнинг паранжисидан тортишидан завқ оловчи тўполончи кўнглим*

бундай фурсатдан фойдаланмай жисмина чиқиб кетишга маслаҳат қилмасди”, тарзидаги фикрларни қандай тушундингиз?” саволи ўкувчиларни мулоҳаза юритишига ундаиди. Ҳали болалик билан кичик ўсмирилик орасида бўлган бугунги 5-синф ўкувчилари ҳам тенгдошларини яхши тушунадилар. Бадал ички бир туйғу билан кўрганлари гайриоддий ҳодиса эканини туди, шунинг учун ҳам ёшига хос бўлган “шумлик”ни қилгиси келди. Шу каби фавқулодда вазиятларга дуч келиб қолганда, ўкувчилар ҳам, оқибати қандай бўлишини билмай, албатта, қандайдир ноўрин иш қилишлари мумкин.

Ўкувчиларининг муносабатлари эшитиб бўлингач, ўқитувчи “Ҳикоядан шумтака Бадал: “Гулнор опани билиб олдим”, деб қичқирганидан сўнг Асад билан Гулнор тушган ҳолатни изоҳланг”, тарзидаги топшириқни беради. Аслида-ку бу боғда шовқин солиш у ёкда турсин тўпини олишга ҳам юраги дов бермайдиган ўсмирининг тиниб-тинчимас ва ғалаёнчи руҳияти “жисмина чиқиб кетишга маслаҳат қилмас”лиги табиий эди. У қизни уялтириш ёки йигитни кўрқитиш учун эмас, балки шунчаки шумлик қилиш, ўз ҳайратини ифодалаш учун аюҳаннос солди. Айни шу жиҳати билан у “Шум бола”нинг қаҳрамонидан фарқ қиласди.

Икки ёшнинг ҳолати: “Асад бир нимадан қаттиқ ҳуркиб, арқонни узган от каби ўзини бир ёқса отди, қўли қалтирад, кучи йўқ. Баланд деворга сакрайди, ииқилиб тушиади, яна туриб, бутун кучи ила иргайди, яна ииқилади. Гулнор бир зумда боғчанинг иккинчи ёғига ўтган бўлса-да, қўрққанидан боғча эшигининг занжирини туширолмасдан тикирчиларди...” тарзида тасвиirlанган. Ҳикоя қаҳрамони ёшигина Бадалнинг каттаиар ҳолатини кузатишдаги бу зийраклигига ўкувчиларнинг диққатини қаратиш керак бўлади. Ёш йигит билан қиз нега бунча кўрқиб кетди? Асад Бадални тутиб олиб, дўппослаши мумкин эди-ку! Гулнор ҳам келиб унинг кулогидан чўзиши, қўрқитиши мумкин эди-ку! Мана шу саволларга ўкувчиларнинг берган жавоблари уларнинг маънавияти қай даражада тозалиги ёки кирлигидан далолат беради. Асад билан Гулнорнинг бунчалар кўрқиб кетиши, нима қилишни билмай ўзларини ҳар томонга уриши – уларнинг ахлоқий мезонларни

бузганликлари учун чеккан ҳижолатлик, уятнинг оқибати. Йигит эр етиб, қиз бўй етганда икки қалбнинг бир-бирига интилиши табийи. Лекин бу табийи жараён ўзбекчиликда ўзгаларнинг назаридан пардаланади. Шаън ҳимояланади, асралади. Асад ўзини босиб олиб, Бадал билан ўғил болача гаплашиши ҳам мумкин эди-ку! Нега бундай қилмади? Ўқувчилар бу ҳақда ҳам ўйлаб кўрсинглар. Бир вазиятга ҳар хил ёндашув, унга ҳар томондан қараш тарбияланувчининг тафаккурини чархлайди.

“Бадал қилган ишидан нега бунчалар севиниб кетди? Бу, сизнингча, нимадан далолат беради?” саволларига жавоб бериш асносида ўқувчилар ҳикоя қаҳрамонинг шахсини англашга ҳаракат қиласидилар. Жавоблари табийики, ўзларининг “мен”идан келиб чиқади. Зийрак ўқитувчи жавобларга қараб ўқувчиларининг шахсиятини аниқлаб олади. Уларнинг ҳар бирига ёндашув йўлларини белгилаб боради.

Шундан сўнг ўқувчилар эътибори Гулнорларникига сутга чиқсан Бадалнинг ҳолатига доир: “Менга тикилиб қаролмасди, майдонга кирганда атлас кўйлагининг икки енгини шимарди, кумуш билагузукларини ҳам юқорироқ суриб қўйди-да, титрак бир товуш ила...” тасвирига қаратилади. Қиз ҳаяжонининг сабаблари сўралади. Унинг тараддулари – кўйлагининг енгини шимариши, билагузукларини юқори суриши нимадан далолат беради? У Бадални тутволиб урмоқчими ёки ҳаяжоннинг зўридан англанмай қилинаётган онгсиз ҳаракатларми? Ўқувчилар шуни фарқлашга уринишлари керак. Гулнор опасининг қийналишларини кўрган ҳикоячининг: “Мен кўйлагимнинг енгини тишлаб ҳеч нарса билмаган кишидек турар эдим”, тарзидаги баёнига ҳам болаларнинг диққати қаратилади. Бадалнинг бу туриши ўқувчиларга нимани англатдийкин? Бадал ўзини ҳеч нарсани билмагандек тутаётганда Гулнор ҳам шундай қилаверса бўлмасмиди? Нега у “муштдек” боладан бунча ҳижолат бўляпти? Ўқитувчи ўқувчиларни бу каби саволлар асносида Бадални, Гулнорни, умуман, барча қаҳрамонларни ҳис қилишга йўналтириш билан ўзларини ўзлари тарбиялашга ундейди.

Муаллим Гулнорнинг Бадал олдидаги ҳолати акс

эттирилган қуйидаги тасвирларни қайта ўқиб беради: “Йирик, қора кўзларидан марварид томчилар унинг чиройли юзига юмалаб туша бошламиши, узун киприклари намланмишиди. ...Қаршимда йиглаб ва ялиниб турган Гулнор она қалбимга ҳам ғурур, ҳам алам соларди, Гулнор опани қандай қилиб ишонтириши билмас эдим”. Сўнгра ўқувчиларга мурожаат қилиб: “Нима деб ўйлайсиз, Бадал гапташувчилик қилиши мумкинми? Сабаби нимада, нега шундай деб ўйлайсиз? Гулнор опаси йиглаб, ялиниб тургани учунми ёки унинг табиатида бундай хусусиятнинг ўзи йўқми? Фикрингизни нималар билан асослайсиз? Ҳикоячининг сўзларига таяниб, унинг табиатидаги фазилатни аниқлашга уриниб кўринг”, каби савол-топшириқларни ўргата ташлайди. Уларга жавоб беришда ўқувчиларнинг ҳикоя матнига юзланиб Бадал табиати акс этган ўринларни қидиришлари яхши самара беради. Бадиий матндан фикрининг исботини топган ўқувчини рагбатлантириш, агар ҳеч ким тополмаса, буни уйда асарни қайта-қайта ўқиши асносида топиш мумкинлигини айтиб, масалани очиқ қолдириш керак бўлади. Бундай тадбирлар ўқувчилар табиатида бошлаган ишини охирига етказиш, фикрни асослаш сингари фазилатларни шакллантиради.

Бадалнинг: “Йўқ, энди ҳеч “билиб олдим”, демайман, ҳеч кимга айтмайман, ҳеч кимга, йигламанг, Гулнор она, йигламанг, дедим. Товушимда ялиниш, ўтиниш бор эди”, тарзидаги икрори ҳам ўқувчиларнинг назарига тушиши керак. Бадалнинг товушидаги ялиниш, ўтиниш оҳангни нимадан далолат беради? Унинг табиатидаги қандай сифатларни намойиш этади?

Ўқувчилар боланинг: “Нега мунча ялинади, нега Хайри хола ўлдиради”, дея ўйлаганлиги сабабини тушунишга уриниб кўришлари керак. Улар нима деб ўйлашади? Мълумки, Гулнорнинг ялиниб йиглашлари замирида ўзбекона андиша, ота шаъни, эл-юрт орасидаги обрўси сингари буюк ҳислар ётибди. Қиз боланинг айби ҳақидаги гап кўчага чиқса, бу унинг ота, амаки, aka-ука ва тоғаларининг боши эгилишига сабаб бўлади. Бадал ҳали бундай нозик тушунчаларни фарқламасди. Шунинг учун ҳам Гулнор опасининг ялинишлари сабабини тушунолмайди. Ўқувчилар ҳам ҳали

буни тушунишмайды, лекин кўнглиниң бир чеккаси билан тушиб туришади.

Ҳикоя “Гулнор опанинг баҳти, эрки каби бўш ва сирли кўринганди”, тасвири билан якунланади. Ўқувчилар бу жумланиң мағизини чақишилари керак. Бадалда нега бундай тасаввур пайдо бўлди? Гулнорниң эрки ўз кўлида эмас ва бу Ойбекниң болалик даври учун табиий ҳолат. Баҳтининг бўшлиги нимада? “Бўш” озод, эркин дегани эмасмикин? Сирлилиги Бадалниң ҳали одамлар орасидаги бундай муносабатларни тушунмаслиги билан боғлиқмикин? Ёки икки ёш муносабатининг учовигагина маълумлигимикин? Шу йўсиндан иш олиб борилса, болалар маънавий ўсишини олға силжитиш мумкин бўлади.

Ҳикояниң тўлиқ ва жумлама-жумла таҳлили мобайнида Бадалниң тоза кўнгилли беозор болалиги маълум бўлади. Гулнор опасининг изтироблари, кўзёшларини кўриб қийналиб кетгани, кўрганини ҳеч кимга айтмасликка сўз берганлиги унинг бировга озор бермайдиган, ёмонлик қилмайдиган бола эканини кўрсатади. Ҳикояниң моҳияти ҳам айни шунда эди. Яъни шунчаки эрмакка шўхликлар қилувчи шумтака бировни тушунадиган, ўзгани аяшнинг уддасидан чиқадиган шахсга айланди. Демакки, болада эзгу маънавий сифат пайдо бўлди.

2009.

“HELLADOS” ҲИКОЯСИНИ ЎРГАНИШ

Умумий ўрта таълим мактабларининг “Адабиёт” дастурида таниқли грузин адиби Нодар Думбадзенинг “Hellados” ҳикоясини бешинчи синфда тўрт соат мобайнида ўрганиш тавсия этилган¹. Ўқитувчи ушбу ҳикояни ўрганиш дарсига тайёргарлик кўраётганда ҳикоядаги болалар ҳаёти ва улар орасидаги мураккаб муносабатларга, ватанга муҳаббат туйғусининг ўзига хос тасвирига, Янгули ва Жамол тимсолларидағи айрича хусусиятлар ҳамда табиатларидағи умумий ва фарқли жиҳатларга, Янгули характеристига хос бўлган жангарилик, олижаноблик ва ватанпарварлик

¹ Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-9-синфи учун адабиётдан ўкув дастури. “Маърифат” газетаси, 2007 йил, 4, 7, 9 октябрь.

туйғулари тасвирига эътибор қаратиб, шулар акс этган ўринларни белгилаб олади. Ҳикояда ватанга бўлган муҳаббат ҳисси инсондаги қатор туйғуларнинг энг улуғи экани тасвирланган. Асар қаҳрамонлари ҳам синфдаги ўқувчилар қатори болалар. Улар каби урушқоқ, шу болалар сингари тўполончи. Ҳикояда қаламга олинган ҳар бир болаларнинг руҳияти, кўнгли, ички олами турфа.

Ўқитувчи “Hellados”ни ўрганишга ажратилган тўрт соатни иккитадан икки кунга бирлаштиришга эришолса, дарснинг ютуғига илк шароит яратган бўлади. Чунки ҳикоянинг ҳажми каттагина. Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, амалдаги 5-синф “Адабиёт” дарслигига, гарчи у икки қисмдан иборат бўлса-да, ҳикоянинг матни тўлиқ берилмаган. Муаллифлар дарсликда асардан парчалар бериб, (афсуски, бу парчалар ҳам узук-юлук, ўқувчи уни ўқиб барака тополмайди) унинг тўлиқ матнини ўқувчилар ўзлари топиб ўқийдилар деган фикрни назарда тутишгандир. Лекин барча ўқувчилар бу ҳикоянинг тўлиқ матнини қаердан топади? Истаса-истамаса ҳикоя билан чала танишилади.

Бу ҳикоя мазмун-моҳияти билан ушбу ёшдаги болаларга жуда яқин бўлгани, уларнинг табиатида асар қаҳрамонлари билан муштарак жиҳатлар кўплиги ва унинг айни шу ёшдаги тарбияланувчиларга маънавий таъсири кучли бўлиши назарда тутилиб дастурга киритилган. Шунинг учун ўқитувчи ҳикоянинг тўлиқ матнини топиб, ўқиб бергани маъқул. Ҳикояни тўлиқ ўқиш учун 40-41 дақиқа керак бўлади. Айтиш керакки, ўқувчилар дарсда шунчаки тингловчи бўлиб ўтирсалар, шунча вақт ичиде фикрлари чалғиши мумкин. Демак, ўқитувчи болаларни жимгина тинглашдан асарнинг қайсиdir ўринларини қайд этиш, ниманидир белгилаб қўйиш йўли билан ишлаб тинглашга ўргатиши керак.

Ҳикоя ўқиб чиқилгач, Жамол билан Янгули орасидаги дастлабки тўқнашувлар ва кейинги муносабатлар тасвири ҳамда ҳикоянинг фожеали якунига ўқувчилар диққати қаратилади. Аввал бошда Янгулини хушламаган ўқувчилар кейинроқ уни яхши кўриб қолишилари, ғурурли Жамолга эса ҳавас билан қарашлари тайин. Ўқувчи кўнглидаги мана шу

ҳавас ва муҳаббат туйғуси жўш уриб турганда, туйғулари совимасдан туриб, асарнинг таҳлилига киришилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шунинг учун ҳам икки соатни бирлаштириш керак деган фикр ўртага ташланган.

Ўкув йили давомида анчагина тажриба ортирган ўқувчилар кейинги дарслар асар таҳлилига ажратилишини яхши биладилар ва руҳан шунга тайёрланадилар. Шу боис ўқувчилар асар ўқилганидан сўнг унинг мазмуни ва тимсолларга муносабатларини аниқлаштириб, фикрларини тиниқлаштириб олишга тайёрлана бошлайдилар. Бу – ўқувчиларда йил давомида шакллантирилган кўникма. Уларнинг асар таҳлилини нечоғлик усталик билан амалга оширишлари эса эгаллаган малакалари даражасини кўрсатади. Улар ҳар бир ўқиган, эшигтан, билган нарсаларини шунчаки эшишиб, шунчаки билиб қўя қолмайдилар. Ҳар ҳолда, энди бундай қила олмайдилар. Улар ҳаммасини таҳлил қилиб кўрадилар, муносабат билдирадилар, хulosा чиқарадилар. Ўқув йили охирида ўқувчилар билан “Hellados”нинг гўзал таҳлилини амалга ошириш мумкин¹.

Ҳикоя таҳлилига киришилар экан, дастлаб Янгулининг портрети тасвирига ўқувчиларнинг эътибори қаратилади. Ўқитувчи ҳикоянинг шу ўринларини қайта ўқиб беради. Шундан сўнг ўқувчилардан Янгулининг ташки кўриниши билан ички дунёси ўргасида боғлиқлик бор-йўклиги, ўсмирнинг безориликлари тагида қандай мақсад ётганлиги тўғрисида сўралади. Шундокbezори бола қалбида самимилик, инсонга меҳр, ватанга шунчалар катта муҳаббат борлигини тасаввур қилиш қийин. Инсоннинг кўриниши, табиати, қилмишлари ҳамиша ҳам унинг ички “мен”ини тўлиқ кўрсатавермаслигини, одамнинг нечогли мураккаб яратиқ эканини ўқувчилар Янгули тимсолида кўрадилар.

Ҳикояда Жамолнинг Янгулига берган баҳосига таяниб, унинг руҳияти, шахсига хос жиҳатларни ўқувчилар тасаввурида қайта тиклашга уриниш керак. Жамолнинг табиатидаги барча сифатлар – мард, ўзига ишонган, мағрур

1 С. Аҳмедов ва бошқ. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфи учун дарслик. Т.: Шарқ, 2011.

ўсмирларга хос. Табиатан мағрур йигитларнинг барчасининг қиласидиган иши ҳам, гапирадиган гапи ҳам ўхшаш бўлади. Бундайлар феълидаги мағрурликни илғаб олган киши уларнинг ҳамиша шундай йўл тутишини билади. Ҳаётдаги янгулилар мураккаб. Уларнинг қачон нима қилишларини, қачон ўзларини қандай тутишларини билмайсан, киши. Ўқувчилар ҳам Жамолни бошдан яхши кўриб қолишади. Унинг яхши сифатларини санашлари ҳам табиий.

Суҳбатни давом эттириб ўқитувчи: “Аммо ҳар гал мен яқинлашганимда Янгули болалардан бирортасига ташланиб қолар – гоҳ телпагини қўзига бостириб қўйса, гоҳ ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, юмшоқ жойига тенар эди. Шунда негадир нигоҳини мен томондан узмасди” тасвирига эътибор беринг. Янгулининг нега шундай қилганлигини тушунтиринг”, дея ўқувчиларини мулоҳаза юритишига ундейди. Бунинг учун тарбияланувчилар ўзларини Янгулининг ўрнига чинакамига қўйиб қўришлари керак бўлади. Ўз олдиларига: “Янгули нега шундай қиляпти? Мен шундай қилармидим? Нима учун шундай қилган бўлар эдим? Жамолнинг эътиборини тортиш учунми? Унга ўзимнинг зўрлигимни кўрсатиб қўйиш учунми?” каби саволларни қўйса, Янгули ўзи истаган нарсага эришганини, Жамолга ўзини кўрсата олганини англайдилар. Жамол унинг бу қиликларига эътибор қилгани аниқ. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Чунки улар бир-бирларини ўрганаётган эдилар.

Устози томонидан кўйилган: “Жамолнинг: “Аслида эса ҳозироқ болаларга қўшилиб кетгим келиб турар – уларга ўзимнинг нималарга қодирлигимни кўрсатиб қўйишни истардим”, деган иқорорини сиз қандай тушундингиз?” саволи асносида ўқувчилар Жамолнинг Сухумида янгилигини, болалар билан унинг орасида Янгули турганини, табиатидаги мағрурлик туфайли бола бўлиб яйрай олмаётганини ўзлари англаган даражада ифодалайдилар. Лекин Жамолнинг: “Аммо ўртамиздаги бетараф майдон тобора қисқараётганини, вишиллаб ёнаётган пилик пистонга яқинлашиб қолганини, бир кунмас-бир кун портлаши юз беришини кўнглим сезиб турарди”, дегани унинг зийраклигидан, вазиятни тўғри баҳолай

билишдан эканини ўқувчилар сезадилар. Бундай чиройли ифода вазият ҳақида хабар берибгина қўймай, ўқувчида муайян кайфият ҳам уйготишига кўра диққатга моликдир.

Мусиқа муаллимининг балиқчалари ўлиб қолиб: “...*фақат балиқшуносларгина тасаввур қила оладиган ҳодиса*” юз берганда Жамолнинг ҳолатини, туйғуларини изохлашга ўқувчиларни ундаш ўринли бўлади. Аёлнинг ҳолатини, унинг бошига фақат балиқ боқиш билан шуғулланадиган кишиларгина тўлиқ тасаввур қила оладиган даражадаги баҳтсизлик тушганини ўқувчилар ҳам ҳис этишга уриниб кўришсин. Улар гуноҳсиз-у аммо айбдор Жамолнинг изтиробларига ҳам диққат қилишлари зарур. Ўқувчилар мусиқа муаллимини ҳам, Жамолни ҳам тушинишга, уларга ўз муносабатларини тайин этишга уриниб кўрсинглар.

“Жамолнинг Янгули билан тўқнашуви балиқлар ҳалокати туфайли унда юз берган руҳий ҳолатми ёки бошқа бирор сабаб борми? Нима деб ўйлайсиз, Жамол балиқчаларни ўлдириб қўйиб, ўқитувчисидан шапалоқ емаганида шу муштлашув бўлмаслиги мумкинми?” саволлари ўқувчилардан вазиятни ўзича таҳлил қилиб, муносабат билдиришни талаб қиласди. Ҳар кимнинг назари ҳар хил ва муносабати ҳам шунга яраша бўлади. Ўқитувчи турфа фикрларни эшлишдан, ўқувчилар эса бир-бирининг фикрини тинглаб, тўғри-нотўғрилигидан қатъи назар хурматлашдан зерикмасликлари керак. Ўқитувчи таҳлил мобайнида мана шуларни ҳам назорат қилиб бориши керак бўлади.

Скрипка синдирилганида Жамолнинг атрофдагилар ҳақидаги: “*Болалар хоҳолаб, ерга думалашид*”, тарзидаги эътирофи бор. Ўқувчилари эътиборини шу лавҳага қаратган устознинг: “Сиз ўша болалар ҳақида қандай фикрдасиз? Уларнинг ёнига ўзингизни қўйиб кўринг. Сиз нима қилган бўлардингиз?” каби саволлари тарбияланувчиларни жиддий ўйлантиради. Уларни ўзига, ўз хатти-ҳаракатларига ташқаридан қарашга, тафтиш қилишга ундейди. Ўқувчилар томонидан чиқарилган хулосалар ижобий бўлиб “Мен бундай қилмасдим...” дегувчилар кўп бўлади, албатта. Жавобларнинг орасида самимийси, рости ҳам бўлса, ажабмас. Лекин муҳими бу эмас. Муҳими, ўқувчиларда

танлаш ва яхшини ёмондан фарқлаш масъулияти пайдо бўлади. Бундай нарсалар ҳақида ўйлай бошлаган ўқувчи вазиятга кул бўлмайди. Унда ҳар бир ҳодисага нисбатан ўз ёндашуви қарор топади. Дунёда факат томошабин бўлиб, яккаш зўрларга чапак чалиб яшаб бўлмаслиги ҳақида ўйлаб кўришга одатланади.

Ўқувчилар диққати Жамолнинг скрипкаси Янгули томонидан синдирилгандағи: “*Юрагим гўё тўхтаб қолгандай бўлди, миямга қон урилди, қулоқларим битиб қолди. Мен ҳеч нарсани эшишмас, сезмас эдим*”, деган иқорига тортилади. Уни шу ҳолатга тушишига сабаб бўлган нарсага муносабатлари сўралади, вазият таҳлилга тортилади. Жамолда Янгулининг кимлигини билгани ҳолда унга қўл кўтаришга куч қаердан пайдо бўлди? Жамол мусиқа ўқитувчиси томонидан юзига тортилган шапалоқнинг зарби, аламидан шундай ҳолатга тушдими ёки Янгулининг қилиғиданми? Ёки “уша куни мусиқа оламидаги саргузаштларига нукта қўйил” ганиданми? Ахир унинг мусиқага муҳаббати ҳам унча баланд эмас эдику! Ёхуд адолатсизликнинг миқёсиданми? Шулар ҳақида ўйлаб кўриш, ўз ҳақиқатларини топиб олишга уриниш, ўз холосаларини асослашга интилиш ўқувчиларнинг маънавий камолотига таъсир кўрсатмай қолмайди.

Тарбияланувчиларнинг эътибори ўзидан кичикларнинг чўнтагини қоқлашдан тоймайдиган, қимор ўйнайдиган, айни вақтда, муштлашувда факат ҳалол йўл тутадиган Янгули табиатига қаратилади. Улар Янгулига хос бўлган сифатларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб муносабат билдирисинлар. Қайтмаслик, ҳалоллик, айни вақтда зўравонлик сингари қарама-карши жиҳатларнинг бир кишида мужассамлашгани ҳақида ўйлаб кўриш маънавий лунёси шакланаётган ўқувчига сабоқ бўлади.

Жамол билан муштлашишдан олдин Янгулининг “амирона ишора билан...” айтганларига асосланиб ўқувчилар асли грек бўлган бу боладаги Грузияда ўзини юрт эгаси деб хис қилиш туйғуси ва ўша ерлик болалар ҳам уши ўз сардори деб тан олишлари ҳақида ўйлаб кўришсин. Ўқитувчи томонидан тақдим этилган: “Янгули асли қаерлик бола? Унда Грузияга нисбатан бундай эгалик ҳисси қаердан

деб ўйлайсиз, ҳикоя болалар ҳақидами ёки уларнинг ичидаги ватанга муҳаббат туйғуси тўғрисидами?” деган савол ўқувчиларнинг фикрлаш жараёнини маълум манзилга йўналтириб юборади.

Жамолнинг: “...унга мўлтираб туришига бардошим етмади. Кемага терс ўгирилдим-да, йиглаганча уйга жўнадим”, деган сўзларида унинг ҳолати қандай акс этганилигига ўқувчиларнинг диққати тортилади. Унинг шу ҳолатидан шахсиятига ўтилади. Асар бошида бир-бирлари билан келишолмай юрган болаларнинг хайрлашув олдидағи сұхбати ва ҳолати таҳлил қилиниб, улар бир-бирларига ғоят ўхшаш ўсмирлар экани кашф этилади.

“Янгулининг ҳалокати Сизда қандай туйғулар уйғотди?” деган савол ҳам ўқувчиларни ўз фикрини айтишга ундейди. Уларнинг кўнгилларида ўсмирга ачиниш, унинг ватанга садоқатига ҳавас ҳисси пайдо бўлиши табиий. Асарни ўрганишдан келиб чиқадиган маъно ҳам шунда.

2009.

ҲАДИСЛАР – МАЪНАВИЙ КОМИЛЛИК ОМИЛИ

5-синф “Адабиёт” дарслигидаги¹ Пайғамбаримиз Мұхаммад (с.а.в.) ҳадисларидан намуналар тақдим этилган бўлиб, дастурда уларни ўрганиш икки соатга режалаштирилган. Ҳадисларга ёндашувнинг дастурий талқини қўйидагича: “Ином Бухорий ва унинг “Ал-эжомеъ ас-саҳиҳ” (“Ишонарли тўплам”) ҳамда “Ал-адаб ал-муфрад” (“Адаб дурдоналари”) номли ҳадис тўпламлари ҳақида маълумот. Пайғамбаримиз Мұхаммад алаиҳиссалом ҳадисларининг инсон маънавияти юксалишида тутган ўрни. Ахлоқ-одобга доир ҳадисларнинг ўзига хос хусусиятлари. Уларда эзгу инсоний фазилатларнинг ихчам воқеий ҳикоялар асосида ифодаланиши. Ҳадисларнинг миллатимиз ахлоқий қадрияtlарини шакллантиришдаги ўрни.

Комил инсоннинг маънавиятини шакллантиришида ҳадисларнинг ўрни. Ҳадисларда билдирилган фикрлар ва ўқувчи табиатидаги сифатлар орасидаги алоқадорлик.

¹ С. Аҳмедов ва бошқ. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфи учун дарслик. Т.: Шарқ, 2007 (2011). 27-бет.

Меҳрибонлик, бағрикенглик, маърифатга чанқоқлик, одиллик сингари фазилатларнинг аҳамияти хусусида. Ҳадислар билан ўзбек халқ мақоллари ва буюк алломалар ҳикматли сўзларининг муштарак жиҳатлари”¹

Ўрганиш учун дастурда икки соат ажратилган ушбу мавзу бўйича дарсликда ўн етгита ҳадис тавсия этилган бўлиб, уларнинг таҳлили бўйича саккизтасавол-топшириқ берилган. Адабий матннинг кўплиги ўринли, лекин матн юзасидан тақдим этилган савол ва топшириқларнинг бештаси Бухорий ва унинг “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” (“Ишонарли тўплам”) ҳамда “Ал-адаб ал-муфрад” (“Адаб дурданалари”) номли ҳадислар тўплами ҳақида дарсликда берилган маълумотларни сўзмасуз тақрорлашга қаратилган бўлиб, фақат олтинчи, етгинчи, саккизинчи савол-топшириқлардагина ўқувчиларнинг дикқати иккитагина ҳадис матнига қаратилган. Бу ҳол дарсликдаги дидактик материаллар дастурий талқинни бажаришга қаратилмаганини кўрсатади.

Дастурда ҳадисларнинг талқини ва уларни ўрганишга қўйилган талаблар тўғри белгиланганни ҳолда, дарсликдаги дидактик топшириқлар уларга мувофиқ эмас. Қолаверса, ўқувчиларнинг дастурда илгари сурилган маънавий комиллик сари юз буришлари учун Бухорий ва унинг китоблари ҳақидаги маълумотларни билишдан кўра ўрганилаётган ҳадисларнинг моҳиятига киришлари, уларда илгари сурилган маънавий-ахлоқий фазилатларни руҳиятларига жойлаб олишлари муҳимроқдир. Яъни катта эътибор Бухорий ва унинг китоблари ҳақидаги далиллардан кўра, ҳадисларнинг ўзига қаратилса, адабий таълимнинг мақсадига мувофиқ бўларди.

Мазкур икки соатдан унумли фойдаланишни истаган ўқитувчи ўтган дарснинг сўнгидаги, яъни “Топишмоқлар” мавзуси ўрганиб бўлингач, уй вазифаси сифатида ватандошимиз, буюк муҳаддис Имом Муҳаммад Ибн Исмоил Ал-Бухорий шахси ва ҳаёт йўли ҳақида дарсликдаги маълумотни ўқиб келишни топширади. Ҳадисларни ўрганишга бағишланган дарс бошида уч-тўртта савол билан уй вазифаси тақрорланиб, ўқитувчи бевосита ҳадислардан

¹ Умумий ўрта таълим мактабларининг 5–9-синфлари учун адабиётдан ўқув дастури. “Митрифат” газетаси, 2007 йил 2,7,11 октябрь.

намуналарни ўқишига киришиши мумкин. Ўқитувчи ҳадисларни Куръони карим билан боғлаб, таҳлил қилгани маъкул.

Бешинчи синф ёшидаги ўқувчиларда, одатда эртак ва ривоятлар эшитишга мойиллик кучли бўлади. Ўқувчиларга хос бўлган мана шу табиий хусусиятдан фойдаланиб, дарсни қуидаги ривоят билан бошлаш ҳам мумкин: “Ривоят қилишларича, ўн саккиз минг оламни Одам учун яратган Аллоҳ унинг ўзини ясаш устида турганда унинг олдига Тоғ келиб: “Ё Раббим, мени шундай қудратли қилиб яратдингки, мени ким кўрса ваҳм босади, хавфи келади. Мен бой ва саодатлиман. Сенинг суюмли яратифинг Одам мендан ясалиши керак, токи у мендай маҳобатли, мағрур бўлсин”, дебди. Аллоҳга Тоғнинг ўзига бино қўйгани ёқмай, таклифини қабул қилмабди. Ундан сўнг Сув келиб: “Аллоҳим, сен мени шундай бино қилдингки, ёруғ оламда менга тенг келадиган куч йўқ. Бир оғиз ҳукм қилсанг, бутун ер юзини йўқ қилишга қодирман. Бунинг учун сенга беадад шукурлар бўлсин. Сен Одамингни мендан ярат. У ҳам мендай қудратли бўлсин,” дебди. Кибрга ўралган бу фикр ҳам Яратганга хуш келмабди. Ул кетгач, олдин Олов, ундан сўнг Олтин келибди. Улар ҳам Аллоҳ инъом этган сифатларини кўз-кўз қилиб, фазилатлари билан мақтанибди. Уларга барча юксак сифатларни берган Аллоҳга бу кибр маъкул келмабди. Энг сўнгида Яратганинг ҳузурига қимтинибгина Ер келибди. “Аллоҳим, сен мени шундай яратгансанки, камина барча яратиқларингнинг оёғи остида хорман. Шунга қарамай, уларнинг ризқ-насибасини ҳам менга бергансан. Бунинг учун сенга ҳадсиз шукрлар айтаман. Лекин Одамни мендан яратма. Энг олий яратифинг мендай хор, ҳаммага оёқости бўлишини истамайман. Ахир Одам Сенинг тажаллинг. У олий нарсадан яратилмоғи даркор”, дебди. Ернинг самимилиги, синклиги, ростгўйлиги Яратганга хуш ёқиб: “Мен Одамни сендан ясайман. Токи менинг тажаллим сендай самимий, оққўнгил, камтар ва рост бўлсин”, дея Азроилга ер юзидан бир ҳовуч тупроқ келтиришни буорибди.

Тупроққа ўттиз тўққиз йил қайғу, бир йил шодлик ёмғирини ёғдириб, лой қорибди ва шу лойдан Одам алайҳис-

саломнинг жисмини ясабди. Жисм тайёр бўлгач, уни бошқа яратиқларидан қандай фарқлаш йўллари ҳақида ўйлай бошлабди. Маълумки, Аллоҳнинг айрим маҳлукларида фақат жисм бор (тоғ, ер, ой, юлдузлар ва хк.). Иккинчи бир мавжудотларида жисм ҳам бор, жон ҳам бор (ўсимликлар, ҳайвонлар). Жами оламнинг яратилишига сабаб бўлган Одам ҳаммадан ажралиб туриши учун Аллоҳ ўйлаб-ўйлаб унга бошқа яратиқларида бўлмаган нарсани – ўз нафасини пулфлаб киритибди. Одамнинг ичига кирган Аллоҳнинг нафаси руҳ деб, кўнгил деб, номланиб, у инсондаги Аллоҳнинг мулки ҳисобланаркан. Инсон бу мулкни қанча тоза сакласа, унда яхшиликларни кўпайтиrsa, шунча Аллоҳга хуш ёқаркан. Бундай кўнгил соҳибини ҳамиша рағбатлантиаркан”.

Ўқитувчи ўкувчиларига ҳар бир инсон мана шу руҳий оламни Яратганга хуш ёқадиган, инсоният томонидан минг йиллардан бери қадрланиб келаётган яхши фазилатлар билан қанчалик кўп тўйинтиrsa, шунчалик маънавий камолотга яқинлашиб боришини таъкидлаб қўйса, бу гаплар ўкувчиларнинг кўнглига чукур ўрнашиб қолиши табиий.

Маълумки, ҳар бир одамнинг ўз имкониятлари даражасида яхшиликлар билан тўйинган бу руҳий оламида эзгу фазилатлар қанча кўп бўлса, эгасини баркамоллик сари етаклайверади. Тўқисликка интилган руҳ эса ўз аслиятига, яъни Яратувчисига яқинлашаверади.

Кўнгил тарбиясига йўналтирилган бир қатор адабиётларда илгари сурилган қараашларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, шаклланиб келаётган шахснинг маънавиятини тўйинтириш лозим бўлган фазилатлар қуидаги йўналишларга эга: 1. Маданият, ахлоқ-одоб. 2. Дунёвий илмлар. 3. Диний илмлар. 4. Миллий ўзликни англаш.

Маданият, ахлоқ-одоб. Инсон маънавий камолотининг белгиларидан бири унинг маданияти, ахлоқ-одоби ҳисобланади. Бунга унинг ўзгалар билан муомала маданияти, давраларда, сухбатда, ҳар хил жамоа орасида ўзини тутиш маданияти ҳамда ота-боболар томонидан минг йиллардан бери тарбиямизга сингдириб келинаётган яхши сифатлар, ахлоқий фазилатлар киради.

Дунёвий илмлар. Маънавий комиллик сари юз тутган ҳар бир инсон дунёвий илмлар, яъни бандалар томонидан яратилган билимларнинг бир ёки бир қанчасини билиши лозимлиги назарда тутилади.

Диний илмлар. Юзини маънавий-руҳий камолот сари бурган одам, албаттa, диний илмлардан ҳам хабардор бўлиши керак. Фақат бу илм ҳар хил оқимларнинг нохолис талқинларидан тоза, Куръони қарим ва Ҳадиси шарифларга таянган бўлиши лозим.

Миллий ўзлиқ. Қайси миллат, ирқ ёки динга мансуб бўлишидан қатъи назар шаклланиб келаётган шахсга ўзлигини англатиш, унинг кўнглига ватанга муҳаббат туйғуси, ота-боболарга эҳтиром ҳиссини жойлаш, миллий қадриятларни билдириб, шахсда уларни ҳурмат қилиш, асраб-авайлаш ва кейинги авлодларга узатиш туйғусини тарбиялаш унинг баркамоллигини таъминлаш йўлидир.

Мусулмон Шарқида, Ислом оламида, миллий тарбияшунослик тарихида ҳамиша одамдаги Аллоҳнинг мулки бўлмиш кўнгилни мана шу фазилатлар билан тўйинтириш, уларни комиллик сари етаклаш бош мақсад бўлган. Миллий қадриятларга қайтилаётган бугунги кунда ўкувчиларга маънавий камолотнинг бош манбасини англатиб қўйиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳадислардан намуналарни ўрганишда ҳам мана шу асосларга таянилади.

Дарсликда “Мунофиқликнинг аломатлари” сарлавҳаси остида қуйидаги икки ҳадис берилган: “Жаноб Расулуллоҳ (с.а.в.) “Мунофиқликнинг учта аломати бор: сўзласа ёлгон сўзлар; ваъда қилса, бажармас; омонатга хиёнат қилур”, деганлар.

Расулуллоҳ (с.а.в.) айтганлар: “Куйидаги тўртта хислат кимда бўлса, аниқ мунофиқ бўлгайдир, кимдаки улардан биттаси бўлса, уни тарк этмагунча мунофиқликдан бир хислати бор экан, дейиладир: омонатга хиёнат қилгайдир; сўзласа, ёлгон сўзлагайдир; шартнома тузса, шартида турмагайдир; уришиб қолса, кек сақлагайдир ва ноҳақлик қилгайдир”.¹

Ўқитувчи бу икки ҳадисни ўқиб бергач, уларда илгари

1 С. Аҳмедов ва бошк. Адабиёт. Умумий ўрга таълим мактабларининг 5-синфи учун дарслик. Т.: Шарқ, 2007. 27-бет.

сурилган фикрларга ўқувчиларнинг диққатини қаратувчи савол-төпшириқларни беради. Дарсликда “мунофиқ” сўзининг изоҳи “иккиюзламачилак” деб берилган. Ҳадисда эса мунофиқликнинг белгилари аниқ таъкидлаб қўйилган. Шунинг учун аввал “Мунофиқликнинг белгилари нималардан иборат экан?” деган саволни ўртага ташлаш ўринли бўлади. Ўқувчилар инсоннинг мунофиқлиги: ёлғон сўзда, ваъдасини бажармаслигига, омонатга хиёнат қилишида, кек сақлаши ва ноҳақлик қилишида кўринишини, мана шундай иллатларнинг йифиндиси мунофиқлик эканлигини ҳадис матнига таянган ҳолда таъкидлайдилар. Ўқувчилар “ёлғон сўзлаш” ва “ваъдага вафо қилмаслик” нима эканлигини тушунадилар, аммо “омонатга хиёнат қилиш”, “кек сақлаш” ва “ноҳақлик қилиш” иборалари остида қандай тушунча ва хатти-ҳаракатлар ётишини аниқ биладилар деб бўлмайди. Уларни бу тушунчалар ҳақида мулоҳаза юритишга ундаш лозим бўлади.

Ўқитувчига кўмак сифатида шуни айтиш мумкинки, омонат биргина оғиз сўз ҳам, бирор буюм ёки каттагина мулк ҳам бўлиши мумкин. Агар сўз омонатга, яъни сир сақлаш, ҳеч кимга айтмаслик шарти билан айтилган бўлса, ўша сўз эшитувчига омонат ҳисобланади ва уни ҳақиқатан ҳам ҳеч кимга айтмаслик, сир сифатида сақлаш лозим бўлади. Агар сир бирорга ошкор қилинса, омонатга хиёнат қилинган бўлади. Бирор буюм ёки мулк бирорга ишониб, сақлаш учун бериб қўйилган бўлса, шу нарса ўша одам учун омонат ҳисобланади ва уни ўзлаштириб олса, омонатга хиёнат қилган бўлади. “Кек сақлаш” ва “ноҳақлик қилиш” эса одамларнинг бирор масалада бир-бирлари билан тортишиб, урушиб ёки келишмай қолганларида хусуматлашиб, бирининг иккинчисини жазолаш учун ҳар хил йўллар билан, ёмонликнинг орқасидан кувиб иш тутиши, бу ниятига эришиш учун турли адолатсизликлар қилиши тушунилади. Табиатида мана шундай иллатлар бор одам мунофиқ ҳисобланар экан.

Шундан сўнг ўқувчиларнинг эътибори ҳадисдаги: “...кимдаки улардан биттаси бўлса, уни тарк этмагунча мунофиқликдан бир ҳислати бор экан, дейиладир”, деган жумлагага қаратилади. Ўқувчилар бу жумлани қандай

тушунганиларини айтсинглар. Шу тариқа улар ҳадиснинг моҳиятига кирадилар, мунофиқликнинг ёмонлигини тушунадилар. Ўқувчилар мунофиқликнинг иллат эканини анлагандан кейингина мунофиқ бўлмасликка ҳаракат қиласадилар. Чунки инсоннинг руҳиятида ҳамиша ёмонликдан қочиш, яхшилик сари юз буриш туйғуси бор. Қолаверса, агар инсон ўз табиатидаги ёмон ҳислатнинг ёмон эканини билмас ва унга қарши курашмаса, ташқаридан кўрсатилган таъсир бесамар кетаверади. Шунинг учун ўқитувчи ўқувчиларининг назарини ўз руҳиятларига қаратиши, зийрак нигоҳ билан кўнгилларини тафтиш қилдириши мақсадга мувофиқдир.

Ўрганиш учун тавсия этилган ҳадислардан яна бири “Барча ишда хушмуомалалик даркорлиги ҳақида” деб номланади: “*Набий (с.а.в.)*нинг жуфтни ҳалоллари – *Ойша (р.а.)* Урва ибн аз-Зубайрга бундай деб айтиб берган эканлар: “*Бир тўда яхудийлар Расулуллоҳ (с.а.в.)*нинг ҳузурларига кириб: “*Ассому алайкум!*” (“Сизга ўлим!”) деди. Мен уларнинг гапини англаб: “*Ва алайкуму-с-сому ва-л-лаъна!*” (“Сизга ҳам ўлим ва лаънат!”) дедим. Жаноб *Расулуллоҳ*: “*Ё Ойша, шошимай тургил!* Оллоҳ таоло барча ишда хушмуомалаликни ёқтиргайдир”, дедилар. Мен: “*Ё Расулуллоҳ, улринг нима деганини эшиштмай (англамай) қолдингиз!*” дедим. Жаноб *Расулуллоҳ*: “*Ва алайкум!*” (“Сизларга ҳам”), дедим-ку, ахир!”, дедилар”.

Маълумки, ўқувчилар “Салом”ни турли хатоликлар билан айтадилар. Улар орасида фақат ўзлари таниган билган катталарга салом бериш одати бор. Лекин танимаган катталар ва ўз тенгдошларига деярли салом бермайдилар. Ўқувчилар саломни шунчаки этикетнинг белгиси дебгина билишади. Чунки барча катталар ҳам саломнинг замирида пайғамбаримизнинг ҳадислари ётганлигини билавермайди. Шунинг учун ўқувчиларни ёшлиқ чоғидан бу каломнинг моҳиятига киришга кўмаклашиш адабиёт дарсларининг зиммасига юклатилган. Бунинг учун ўқувчиларнинг диққатини дарсликда тақдим этилган салом ҳақидаги ҳадис асосида аввал “*Ассалому алайкум!*”нинг асли арабча калом эканлигини айтиб, уни “*Ассому алайкум!*” билан ҳарфма-ҳарф таққослаш топшириғини бериш мумкин. Ўқувчилар

бу топширикни бажариш асносида ҳар икки иборанинг моҳиятига кирадилар, яъни “Ассалому алайкум!” – “Сизга тинчлик бўлсин!”, “Ассому алайкум!” эса “Сизга ўлим бўлсин!” дегани эканлигини англаб етадилар.

Сўнгра ўқувчилар олдига саломлашиш одоби ҳақида: “Ким аввал салом бериши керак?” деган саволни қўйиш ўринли бўлади. Ўқувчилар бу саволга билганларича жавоб беришади. Ўқитувчи болаларнинг фикрларини: “Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ўзининг “Ҳадис ва Ҳаёт” китобида: “Исломдаги саломлашиш энг гўзал ва энг маъноли саломлашишdir. Исломда таниган ва танимаганга салом бериш суннатdir. Саломга алик олиш эса, вожибdir”,¹ деган қабилидаги маълумот билан тўлдириб қўйса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, Иброҳим алайҳиссалом билан гўзал йигитлар суратида келган фаришталар учрашуви ҳақидаги: “...кўришганда салом бермоқ ва алик олмоқ фаришталар ва пайғамбарларнинг одатидир. Бу одатга мўмин-мусулмонлар ҳам амал қиласилар” (39-б.), деган қиссага ҳам ишора қилиниши маъқул.

Шундан сўнг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: “Отлиқ пиёдага, пиёда ўтирганга ва оз кўпга салом беради”(46-б.) ва Саййор (р.а.)дан ривоят қилинган: “Собит ал-Бананий билан юриб борар эдим. У ёш болалар олдидан ўтаётib уларга салом берди. Сўнгра: “Анас (р.а.) билан юриб бораётган эдим. У ёш болалар олдидан ўтаётib уларга салом берди ва Набий (с.а.в.) билан юриб бораётганида у зот ёш болалар олдидан ўтаётib уларга салом берганлари ҳақидаги ҳадисни айтди”, деди” (48-б.), ҳадисларини ўқиб бериб, шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг: “Катталарнинг ёш болаларга салом беришида кибрдан сақланиш, тавозуълик ва болаларга таълим бор. Кичиклар ҳамма нарсаларни катталардан ўрганишлари барчага маълум” (48-б.), деган таъкидини уқтириб қўйиш ўринли бўлади. Шу тариқа таниган-танимаганга, каттакичикка бирдек салом бериш комиллик белгиси экани ўқувчиларга сингдирилади.

¹ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва Ҳаёт. 37-жуз. Адаб. Т: Шарқ, 2008. 37-бет. (Кейинги мисоллар ҳам шу асардан олинган бўлиб, сахифаси кавс ичida кўрсатилган).

“Аввал салом, кейин калом” деган гапни ўқувчилар ҳам кўп эшитган бўлишлари керак. Бу ибора аслида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларидир. Бу иборани шарҳлаб олим Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф: “Чунки салом омонлик ва тинчликдир. Аввал омонлик ва тинчликни эълон қилиб, сўнг гап бошлиш лозим”, дейди ва “Салом бермагунча бировни таомга даъват қилманг” ҳадисини келтириб, “Чунки салом мартабада емакдан устун туради”, дея ҳадисни шарҳлайди. Бу билан салом ва саломлашиш шунчаки одоб бўлмай, юкорида айтилганидек, мусулмонлар учун суннат эканлиги ҳам ўқувчиларнинг кўнглига жойлаб қўйилади.

Дарсликда ўқувчиларни маънавий комиллик сари етаклаш учун тақдим этилган ҳадисларнинг бир қисми илм ҳақидаги: “Илм фазилатлари тўғрисида”, “Аллоҳнинг илм тўғрисида нозил қилган каломи” ва “Илм ўрганмоқ ва илм ўргатмоқнинг фазилати” номли ҳадислардир.

Маълумки, инсоннинг баркамолликка эришуvida дунёвий ва диний илмларнинг ўрни бекиёс. Чунки одам оламни шу икки илм орқали ўзлаштиради. Уларнинг бирини ўзлаштириб иккинчисини рад этиш мумкин эмас. Улар, ҳар иккиси бир-бирини тўлдиради, бири иккинчисини мукаммаллаштиради. Шунинг учун аввал ўқувчиларга илм ва илмли кишилар ҳақида тушунча бериш фойдали бўлади. Илм – ўқиши-ўрганиш, тадқиқот, таҳлил қилиш орқали ўрганиб, ўзлаштириладиган табиат ва жамият ҳақидаги билимлар тизими.¹ “Шаръий истилоҳларда эса маънавий ишларда нарсаларни тескариси йўқ даражада аниқ билиш сифатига “илм” дейилади”.² Ўқиган, билими бор кишиларни илмли одам, диний ва дунёвий илмларнинг кўпидан хабардор, лекин уларнинг бирор соҳаси билан маҳсус шуғулланган кишиларни эса олим дейдилар.

Илмли кишининг бандалар орасида ҳам, Яратганинг олдида ҳам мартабаси улуғ бўлади. Буни қуйидаги ҳадисдан ҳам англаш мумкин: “Абу Дардо (р.а.)дан ривоят қилинади:

¹ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилдли. Иккинчи жилд. Т: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. 195-6.

² Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва Ҳаёт. З-жуз. Ният, ихлос, илм. Т: Шарқ, 2008. 79-бет. (Кейинги мисоллар ҳам шу асардан олинган бўлиб, сахифаси кавс ичida кўрсатилган).

“Пайғамбар (с.а.в.)нинг: “Ким илм талаб қилиши йўлига юрса, Аллоҳунга жаннат йўлини осон қилиб қўяди. Албатта, фаришталар толиби илмни рози қилиши учун қанотларини қўяди. Албатта, олимга осмондаги зотлар, ердаги зотлар, ҳатто сувдаги балиқлар ҳам истигфор айтади. Олимнинг обиддан фазли худди ойнинг бошқа юлдузлардан фазлига ўхшайди. Албатта, олимлар пайғамбарларнинг меросхўрлари дир. Албатта, пайғамбарлар динорни ҳам, дирҳамни ҳам мерос қолдирмаганлар. Албатта, улар илмни мерос қолдирганлар. Ким ўшани олса, улуг насибани олибди”, – деганларини эшийтдим” (110-б.). Мазкур ҳадисни компьютер, кодоскоп ёки оддий қоғозга кўчириб ёзиб, ўқувчиларга намойиш этиб, саволлар билан болаларга ҳадисдаги ҳар битта жумланинг моҳиятини англатиш лозим. Бунда ўқитувчи ўқувчиларга: “Олим киму обид (ибодат қилувчи) ким? “Осмондаги, ердаги зотлар” деганда нимани тушундингиз? Истиғфор айтиш деганда-чи? Олимни Аллоҳ нима учун яхши кўрап экан? “Пайғамбарлардан қолган мерос” нима?” сингари саволлар бериб, жавоб топишга кўмаклашиши зарур.

Бу саволларга барча ўқувчилар жавоб берга олишмас. Ўқитувчи жавоб берганларни рағбатлантириши, айрим жавобларни тўлдириши мумкин. Агар саволларнинг кўпчилигига жавоб бўлмаса, ҳадисни уйга бериб, катталарап билан биргаликда шарҳлаб келишни топширса ҳам бўлади. Лекин асло ҳадисни ўзи шарҳлаб бериши мумкин эмас. Ўқувчилар ўз билганларича, ақллари етганича ўzlари таҳлил қилишга уриниб кўрсинлар. Ҳадисда илгари сурилган ҳақиқатларни ўzlари кащф этсинлар.

Шундан сўнг ўқувчиларга илм ҳақидаги ҳадисларни ўқиб бериб, шарҳлатиш мумкин бўлади. Ўқувчилар ҳадисларда илгари сурилган ғояларнинг моҳиятига чукурроқ кириш учун уларга: “Баъзи ер соф, унумдор бўлиб, ёмғирни ўзига сингдирадирда, ҳар хил ўсимликлар ва кўкатларни ўстирадир...” – деган жумлани одамларга қиёсланг ва қандай одам ҳақида гап кетаётгани ҳақида фикр юритинг! “...ва баъзан ер курғоқ, қаттиқ бўлиб, сувни эммасдан ўзида тўплайдир, ундан Аллоҳ таоло бандаларини фойдалантиргайдир. Одамлар сувдан ичгайдирлар,

ҳайвонларини ва экинларини сугоргайдирлар”, – деганда қандай кишилар назарда тутилаётir деб ўйлайсиз? “Баъзи ер эса текис бўлиб, сувни ўзида тутиб қолмайдир, кўкатни ҳам кўкартиrmайдир”, – деган фикр, сизнингча, қандай одамларга тегишли?” сингари саволлар билан мурожаат қилиш мумкин. Шунда тарбияланувчилар ҳадис матнига қайта-қайта мурожаат қиласидар, илм, билимдонлик билан боғлиқ ҳақиқатларни англаб борадилар. Илмнинг ўз ҳаётларидаги ўрнини ҳис қиласидар.

2010.

“МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ” АСАРИНИ ЎРГАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Навоий ижодини ўрганиш умумий ўрта таълимнинг ҳамма босқичларида кўзда тутилган бўлиб, бунда соддадан мураккабга томон бориш дидактик тамойилига амал қилинган. Жумладан, 6-синф “Адабиёт” дарслик-мажмуасида “Сўзда ҳикмат бор” рукни остида Алишер Навоийнинг “Махбуб ул-қулуб” асаридан олинган парчаларни ўрганишга дастурда уч соат ажратилган. Мазкур асардан берилган намуналардан бири – “Тавозе ва одоб тўғрисида”ги ривоятда яхши ва ёмон сифатлар инсонни қандай оқибатларга олиб бориши акс эттирилган.

Биринчи соатда асар матни ўқиб берилади. Болаларни ушбу мавзуга қизиқтириш учун ўқитувчи улардан Алишер Навоий ҳақида ким нима билишини сўрагани маъқул. Шунда ўқувчилар 2-синфда ўрганган “Алишер Навоий ва булбул”, “Шоир билан шоҳ”, “Ҳикоят” (“Садди Искандарий”дан), “Ёлғончи”; 3-синфда ўқиган “Доноларнинг доноси”, “Азиз устоз бобом”, “Навоий ҳикматлари”; 4-синфда ўқиб ўрганган “Алишернинг ёшлиги”, 5-синфда ўзлаштирганлари “Ўнинчи мақолот” ва “Шер билан дуррож” каби асарларни эслашади. Бунда ўқитувчи бу асарларнинг қай бири Навоийнинг ўзи ёзганлари-ю, қай бири Навоий ҳақида бошқалар ёзганлари эканлигини ажратиб, бевосита улуғ бобокалонга тегишли асарларга алоҳида эътибор қаратади ва уларга қисман тўхталади. Ана шундан сўнг шоир ҳақида дарсликда берилган маълумот юзасидан кичик суҳбат ташкил қиласиди ва бунда Алишер Навоийнинг бизга қолдирган

маънавий меросидаги йирик насрий асарларидан бири “Махбуб ул-қулуб” эканлиги ҳақида алоҳида сўз юритади. Ўрганиладиган парчалар Навоийнинг шу асаридан олинган бўлиб, у шоир умрининг сўнгги йилларида, яъни 1500 йилда ёзилганини маълум қиласди.

Навоий “Махбуб ул-қулуб”да шундай ёзади: “...камина болаликдан то қарилекка қадар кўхна даврон воқеаларидан, ...замоннинг ранг сингари гуно-гунлигидан кўп вақт ва узоқ муддат ҳар хил хаёл ва тараддувлар била... юрдим. ...турли йўлларга кирдим, яхши-ёмоннинг хизматини қилдим; катта-кичикнинг суҳбатида бўлдим; гоҳ хорлик ва қийинчиликлар вайронасида нола қилдим; гоҳо иззат ва маъмурлик бўстонида мајслис қилдим. ...баъзан илм-фан мадрасаларида қуши сафлардан жой олдим ва олимлар мајслисида илм нуридан кўнглимни ёритдим; гоҳ пасткаш ва баҳил кишилар қўлида ҳўрландим ва разил-нокаслар олдида эътиборсиз бўлдим. ...гоҳо ахийлар хизматидан ва улар суҳбатидан баҳраманд бўлдим ҳамда ўз сўзимни уларга ёқимли топдим. ...ҳар йўлда юрдим; оламда бўлмиш ҳар нав одам билан кўришдим; яхши-ёмоннинг хислатларини тажрибадан ўтказдим; яхшилик ва ёмонликларнинг шарбатини ичib, заҳрини тотиб кўрдим. Баҳил ва пасткашларнинг заҳмини, саҳоватли кишиларнинг малҳамини кўнглим дарҳол сезадиган бўлиб қолди... Шу жиҳатдан ҳамсуҳбатларни ва дўст-ёронларни бу ҳоллардан оғоҳ ва хабардор қилмоқ вожиб кўриндики, токи улар ҳам ҳар тоифанинг хислати ҳақида билимлари ва ҳар табақанинг аҳволи ҳақида тушенчалари бўлгай. Улар ҳам муносиб кишиларнинг хизматига бел боғлаб, номуносиб одамлар суҳбатидан, азобукубатларидан ўзини тортиши лозимигини билгайлар ва маҳфий сирларини ҳар кимга сўзламагайлар, шайтонсифат одамларнинг ҳийла-найрангларига алданиб қолмагайлар...

Умид шулки, бу асарга ўқувчилар диққат-эътибор билан назар солиб, ҳар қайсилари ўз фаҳми-идрокларига яраша дилларини обод ва ёзувчи руҳини ҳам дуо била шод этгайлар”¹. Буюк шоирнинг бу эътирофи, ўз ҳаётидан чиқарган сабоқлари экани болаларга тушунтирилса, улар Навоий тимсолида бундан беш аср аввал яшаб ўтган тарихий

1 (Алишер Навоий. Махбуб ул-қулуб. -Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. 13-14-6.)

шахснининг ўз ота-боболари сингари бир инсон бўлганини хис қиласидилар.

Асар уч қисмдан иборат экани, биринчи қисм ҳар хил одамларнинг феъл-автори ва аҳволи ҳақида, иккинчиси яхши феъл хосияти ва ёмон хислат касофати ҳақида, учинчиси турли фойдали кузатишлар ҳамда мисоллар ҳақида экани маълум қилинади. “Тавозе ва одоб тўғрисида”ги парча “Маҳбуб ул-кулуб”нинг “Кишиларнинг аҳволи, феъл-автори ва гап-сўзларининг аҳамияти ҳақида”ги иккинчи қисмидан эканлиги айтилиб, матн ўқишига киришилади.

Ўқитувчи матнни ўқиётганда ўқувчилар уни дарсликдан кузатиб боришиларини талаб қилиши лозим. Шунда улар ўқитувчи билан биргаликда матнни ўқиб боради, тез ва ифодали ўқишига ўрганади, матннинг қироатига мослашади. Ўқитувчи матннинг қай ўрнини қандай оҳангда ўқиши кераклигини аввал ўзи учун аниқлаб олиши керак, чунки ўқитувчининг ўқиши оҳангги, услуби, ифодаси қандай бўлса, болалар матнни шундай қабул қиласидилар ва ўзлари ҳам шундай ўқийдилар. Асар матни катта ёшли кишиларга хос салмоқли, оғир-босиқ овоз билан ўқилади.

Матнни ифодали ўкиши учун 6–7 дақиқа етарли. Кейин асарнинг таҳдилига киришилади. Таҳдил қилинадиган ҳар бир сўз ёки сўз биримасининг маъноси ҳақида аввал болалардан сўралади, уларнинг фикрлари тингланади, шундан сўнггина ўқитувчи хулоса қилиб тушунтириш беради. Масалан, “хоксорлик”, “камтарлик”, “хурмат”, “иззат”, “эҳтиром”, “итоаттўйлик”, “бўйсуниш” каби маъноларни ўз ичига олган биргина “тавозе” сўзига шоир нега алоҳида эътибор берганига диққат қаратилади. Инсонга хос бўлган етти фазилатни ўзида мужассамлаштирган бу биргина сифат – тавозенинг одам учун қанчалар зарурлиги ва бундай фазилатга эга бўлган киши атрофдагилар учун нечогли қадрли экани таъкидланади. Навоийнинг бу сифатга алоҳида тўхтатлани бежиз эмаслигини ўқувчилар хис қилишлари лозим.

Шундан сўнг уларнинг диққати адабининг: “Тавозе – дўстлик гулшанида тоза гуллар очади ва гулшандан оинолик ва улфатчилик базмига хилма-хил гуллар сочади” жумласидаги “дўстлик гулшани”, “тоза гуллар”, “базм”,

“туллар сочади” каби сўз ва ибораларга, уларда ифодаланган образлиликни очишга ундалади. Яъни тавозели кишилар даврасини Навоий бир гулшангага ўхшатади. У янги янги дўстлар ортиришни тоза гулларнинг очилишигига, ошнолик ва улфатчилик сухбатларини гулистоннинг янада кўркамлашувига қиёслайди. Таҳлил шундай олиб борилиши керакки, ўқувчилар хulosани ўзлари чиқарсиналар. Бунинг учун ўқитувчи ўқувчиларни бадиий сўзни ҳис қилишга, ундан завқ олишга ўргатиши керак, тарбияланувчи бу борада ўзича нималарнидир кашф қилишга интилиб, излансин.

Шундан сўнг тавозели киши қандай неъматларга сазовор бўлиши болалардан сўралади. Болалар саволга жавоб топиш мақсадида матнга юзланиб, бундай кишилар эришиши мумкин бўлган жиҳатларни ифодаловчи сўзларни топиб ўқийдилар. Бу сифатга эга бўлган кишилар, Навоийнинг таъбирича, атрофидагиларнинг муҳаббатини қозонади; одамлар у билан дўстлашади – дўстлари кўпаяди, у такаббурга мулойимлик ва камтарлик йўлини кўрсатади; гердайган душман кўнглида инсонийликни уйғотади; такаббурни уят чегараси томон йўллади; инсофизларни ёмонликдан қайтаради. Ўқувчиларнинг топилдиқларидан кейин тавозе эгаси эришиши мумкин бўлган ютуқлар биргаликда таҳлил қилинади.

Одобли сўзи устида ҳам худди шу тарзда иш олиб борилади. Бунда ўқитувчи ишни “Сиз одобли деганда қандай одамни тушунасиз?” деган саволни ташлашдан бошлагани маъқул. Ўқувчилар бу саволга билганларича жавоб берадилар, албатта. Шундан сўнг Навоийнинг одобли кишилар ҳақидаги фикрларига эътибор қаратилади. Ўқувчилар ўқитувчининг таклифи билан матндан: “*Одобли инсон барча одамларнинг яхисидир ва барча ҳалқлар учун ёқимлидир. У мансабдор кишилардан гўзалроқ ва бадавлат одамлардан ҳурматлироқдир. Одобли одам ўз тенгдошлари орасида ҳам таҳсинга лойиқ, ҳеч қандай эҳсон бермай, каттадан-кичик – ҳаммани шод қиласди; ҳеч қанақа ҳадя қилмай, кишиларнинг гамини тарқатади.*

Одоб кичик ёшлиларни катталар дуосига сазовор этади; ёшилар у дуо баракасидан умрбод баҳраманд бўладилар. *Одоб* – улуғлар кўнглида ёшиларга меҳр уйготади ва у одобли

ёшга бўлган муҳаббат кўнгилда абадий қолади. Ёшларни кўзга улуғ қилиб кўрсатадиган феъл-автор одобдир, одоблиларнинг юриши-туришида халқ улуғеворлик кўради.

Одоб кишилар тарафидан қилинини мумкин бўлган ҳурматсизлик эшигини бекитади ва одамни ҳазилмазаҳдан, камситилишидан сақлайди. Одоб одам табиатига инсонийлик баҳси этади ва киши мизожига одамийлик манзилида ором беради” қисмини ўқиёди. Ажратиб кўрсатилган сўз ва иборалар алоҳида таҳлил қилинади.

Ҳар бир боланинг тавозели ва одобли киши бўлиши нималарга олиб келиши мумкинлиги ҳақида асар муаллифи биттганларини топиб ўқишини ёки уларни адабиёт дафтарига кўчириб олиш топшириғини берган маъқулдир. Чунки эшиттгандан кўрган, кўргандан ўқиган, ўқигандан ёзган яхшироқ ўзлашади. Китобдан кўчириб ёзаётганда ҳам бу сўз ва иборалар, тушунчалар болаларнинг кўнглидан ўтиши, рухиятида маълум из қолдириши табиий. Ўқитувчи болаларда шакллантиришни истаган сифатларни ўкувчилар Навоий боболарининг айтганлари асносида ўзлари уқиб, рухиятларига ўзлари сингдириб боришади.

Сўнг барча фуқаролари одоб ва тавозе эгаси бўлган юрт, миллат қандай бўлиши мумкинлиги ҳақида савол берилиб, болаларнинг жавоблари эшитилади. Улар ўз даражасида фикр юритадилар. Бундай вақтларда ўкувчиларнинг айтганларини ҳадеб тузатавериш, дарҳол уларни тўлдиришга уриниб, уларнинг фикрига дахл қилиш нотўғри. Бола томонидан айтилганлар ўқитувчи истагандай тўғри, равон, силлиқ бўлмаслиги табиий. Аммо у ўқитувчининг ёки адабиётчининг дарсликдаги фикри эмас, болаларнинг ўз фикри, мустақил мулоҳазаси бўлганлиги билан ҳам адабий таълим олдида қадрлироқдир. Юқоридаги каби таҳлиллар болаларни фикрловчи кишига айлантиради. Жанни Родари айтмоқчи: “Сўз эркинлиги – барчага!” шиори ҳамманинг санъаткор ёки адабиётчи бўлиши учун эмас, балки ҳеч ким кул бўлмаслиги учун зарур”.

Дарсда асар таҳлили давом эттирилиб, Навоийнинг ўз фикрлари исботи сифатида келтирган ҳикояти қаҳрамонлари ғоғил Мудбир ва огоҳ Муқбилининг фазилату иллатлари ҳақида фикр юритилади, уларга муносабат билдирилади.

Ҳар бирининг ўз феълидан топғанлари ўқувчилар томонидан баҳоланади.

Вақт етмаса, ривоятни қайта ўқиб, унинг қаҳрамонлари феъл-атвори ва характери туфайли эришгандарига ўз муносабатини ёзма равишда билдиришни уй вазифаси қилиб топширган маъқул. Ўқувчиларни оқ қофоз билан юзма-юз қолишга ўргатиш, у билан дардлаша олиш, унга фикрларини тўкишга одатлантириш ҳам ўқитувчининг бурчларидан бири. Мактабнинг дастлабки давриданоқ ўқувчилар ўз фикрини қофозга туширишга ўргатиб борилса, у юқори синфларда иншо ёзишга қийналмайди. Тарбияланувчи қофоз билан, сўз билан, ички “мен”и билан ёлғиз қолишдан чўчимайди, аксинча, бундан лаззат олади.

Навоий ижодини ўрганишга ажратилган вактнинг иккинчи соатида “Саховат ва ҳиммат тўғрисида” ва “Саховат қандай қилинади?” сарлавҳали матнлар устида ишланади. Бу матнларни ҳам аввал ўқитувчи ўзи ўқиб беради. Лекин асарни ўқишишдан олдин ушбу икки танbih (асарда ҳар хил фойдали ҳикматлар ва пандлар танbih номи остида берилган) “Маҳбуб ул-кулуб”нинг “Турли фойдали маслаҳатлар ва мақоллар” деб аталган учинчи қисмига мансуб экани, унда ҳам одам ва одамийлик, чинакам инсоний сифатлар тўғрисида сўз кетиши маълум қилинади. Навоийнинг мана шу панд-насиҳатларига тўлиқ риоя қилиб яшаш баркамол бўлиб етишиш гарови экани, шоирнинг ҳаёти бунга яққол далиллиги таъкидланади.

Мазкур танbihларнинг ўқитувчи томонидан ўқилиши учун 5-6 дақиқа керак бўлади. Дарсликда саховат ва ҳиммат тўғрисида берилган матнда нашриёт айби билан матндан ахий ҳақидаги жумла тушиб қолгани ҳолда, ахий нимани англатиши ҳақида савол берилган. Асл матнда: “Битта кулчани икки бўлиб, ярмини оч одамга берганни – сахий деб, ўзи емай, ҳаммасини муҳтож одамга берганни – ахий дўст деб бил” деган ўрни бор. Ўқитувчи асар матни билан ўқувчиларини таништирганда буни айтиши ва қўшиб ўқиб бериши, сўнгра “ахий” сўзининг лугавий маъносини тушунтириб ўтиши керак бўлади. Ахий – биродар(им) маъносини англатади.

Матн ўқилгач, аввало, “саховат”, “ҳиммат” сўзларининг

луғавий маънолари ҳақида ўкувчиларнинг билганлари сўралади. Зарурат бўлса, уларнинг айтганларига ўқитувчи ҳам ўз фикрларини қўшиши мумкин. “Саховат” сўзининг луғавий маъноси – баландхиммат, сахийлик. Кишидан ҳеч нарсасини аямайдиган, ҳимматли кишиларни саховатли, ҳиммати баланд дейдилар. Ҳиммат – бирорга қилинадиган яхшилик, марҳамат, ёрдам, саховат.

Инсонга хос бу сифатларга Навоий ушбу асаридан алоҳида ўрин ажратгани; саховатли, ҳимматли кишиларни мадҳ этгани; саховат кўрсатишнинг фазилатлари, саховат билан исроф, мақтанчоқлик ўртасидаги фарқ кўрсатилиб, уларнинг ўрни ҳақида мулоҳаза юритганига ўкувчилар диққати қаратилади. Ҳиммат аҳли аталмиш покиза кишиларнинг қилмишлари, улардан кишиларга етадиган фойда, ҳиммат кишиларининг ҳаётдаги ўрни, уларга атрофдагиларнинг муносабати каби жиҳатларга алоҳида тўхталиниади. Бу ҳақда болаларнинг фикрлари эшитилади. Саховат кўрсатиш йўлларини болалар матнга таянган ҳолда, ўз ҳаётида кўрган-билганлари асосида ифодалаб беришса, нур устига нур бўлади. Шунда ушбу сифатлар асл ҳолида уларнинг ҳам шууридан ўтади. Таҳлил давомида ўкувчиларга ўрни билан куйидаги савол-тотширикларни бериш мумкин:

1. Мутафаккирнинг одобли одам ҳақида: “...ҳеч қандай эҳсон бермай, каттадан-кичик, ҳаммани шод қиласди; ҳеч қанақа ҳадя қилмай, кишиларнинг гамини тарқатади”, деганини қандай тушундингиз?

2. Алишер Навоийнинг: “Одоб кичик ёшиларни катталаар дуосига сазовор этади; ёшлар у дуо баракасидан умрбод баҳраманд бўладилар. Одоб – улуглар кўнглида ёшларга меҳр уйготади... Ёшларни кўзга улуг қилиб кўрсатадиган феъл-автор одобдир”, тарзидағи фикрларига муносабат билдиринг.

3. “Муқбил эса одоб ва тавозе шарофатидан мақсад гавҳарини топди”. Ҳазрати Навоийнинг бу гапни қандай тушундингиз?

5. Адибнинг: “Саховатсиз одам ёгинсиз баҳор булутига ва ҳиди йўқ мушк-анбарга ўхшайди”, тарзидағи хulosасини шарҳланг.

6. Асл одам қандай бўлиши кераклиги борасидаги қарашларингизни айтинг. “Мевасиз дараҳт ҳам биру ўтин ҳам бир; ёғинсиз булут ҳам биру тутун ҳам бир. Саховатсиз одамдан ичида гавҳари бўлмаган садафнинг фарқи йўқ; дурсиз садаф билан қуриб қолган тошибақча чаногининг фарқи йўқ” сингари бир-бирига унчалар алоқаси бўлмаган тушунчаларни қиёслаш орқали ифодаланаётган фикрларга тўхталинг.

7. Буюк бобомизнинг: “Ҳимматсиз киши эр сонида эмас; жонсиз баданни ҳеч ким тирик демас”, шаклидаги фикрига муносабат билдиринг. Ҳимматсизликнинг жонсизликка қандай алоқаси бор деб ўйлайсиз? Даҳо шоирнинг: “Ҳиммат эгаси қашишоқ бўлса ҳам тубанлик қилмас, ҳимматсиз одам хазина топса ҳам буюкларга тенг бўлмас” деган холосасига ўз муносабатингизни билдиринг.

8. Навоий ҳазратларининг: “Тилагандан сўнг бершилик ҳам саҳоватдан ўироқдир, қисташ натижасида бергандан бермаган яхшироқдир”, деган фикрига ўз муносабатингизни билдиринг.

9. Навоий бобомизнинг юмшоқ табиатли кишиларга эҳтироми сабабини тушунтиринг. У кишининг: “Ел, агар кўкка етса ҳам, бари бир, енгил ва қадрсиз; тоз агар тупроққа ботса ҳам, салобатлидир”, деган холосаси маъносини изоҳланг.

10. Шоирнинг: “Тил ширин ва ёқимили бўлса яхши; тил билан дил бир бўлса, яна яхши. Тил билан дил инсондаги энг яхши аъзолардир”, тарзидаги холосаси ҳақида фикр билдиринг.

11. Ҳазрати Навоийнинг доно ва керакли гапларни гўзал бадиий либосга ўраб айтишига эътибор қилинг: “Чучук тил аччиққа айланса, кўпчиликка зарари тегади; қанддан май тайёрланса, ҳаром бўлади”. Қанд ва майнинг чучук тилга қандай алоқаси бор деб ўйлайсиз?

Юқоридаги топшириқларни бажариш, саволларга жавоб топиш учун ўқувчи асар матнига таяниб, фикрлашга уринади. Ўқитувчи болаларни ишлага билиши, уларни фикр айтиш, муносабат билдиришга ундаши, ўз қарашларини асослаш ва исботлашга ўргатиши керак. Бугунги адабиёт ўқитувчисининг асосий вазифаси ана шудир. Қолаверса, бу

савол-топшириқлардан барча синфларда бирдай фойдаланиб бўлмайди. Синфдаги ўқувчиларнинг интеллектуал имкониятларига ҳам қаралади.

“Маҳбуб ул-кулуб”нинг З-қисми – “Ҳилм тўғрисида”, “Тил тўғрисида”ги ва бошқа бир қатор танbihлари ҳам шу дарснинг ўзида ўрганилади. Мазкур танbihларни ўқиб бериш учун 5-6 дақиқа кетади. Дарснинг қолган қисми уларнинг тахлилига қаратилади.

Ҳилм – юмшоқ табиатлилик, юмшоқ кўнгиллилик – инсонга хос гўзал сифатлардан биридир. Аллоҳ томонидан тақдим этилган бундай сифат соҳиблари ҳаётда қандай ўрин тутишлари, уларга халойиқнинг муносабати, ундан ёғилажак илтифот ва марҳаматлар ҳақидаги асар муаллифининг қарашлари ўрганилади. Ҳилм табиатли кишилар тоғ билан, енгил табиат кимсалар бетайин шамол билан қиёсланиши савол-топшириқлар кўмагида ўқувчилар томонидан англашилади.

Тил тўғрисидаги танbihда Навоий эзма кишиларни туни билан тинмай хурадиган итга ўхшатади, гапи бемаъни, овози ёқимсиз одамни қурбақага менгзайди. Тили, сўзи ширин инсоннинг атрофдагиларга қанчалар хуш ёқиши, ширин сўз кишининг юзи ҳам, ўзи ҳам ёқимли экани сўзда, нафасда жон борлиги билан асосланади. Навоийнинг: “Тилини тиёлган одам – дошишманд, оқил; сўзга эрк берган одам – беандиша ва пасткаш” ёки “Тил билан дил бир бўлса яна яхши. Тил билан дил – инсондаги энг яхши аъзолардир”, деган фикрлари ҳикмат даражасига кўтарилган.

Навоий асарини ўрганишга ажратилган учинчи соатда иншо ёздириш мақсадга мувофиқ. Иншо мавзуси сифатида “Тавозели ва одобли бола ҳақида эртак”, “Саховатли ёки ҳурматли киши ҳақида ҳикоя”, “Ширин тилнинг фазилатлари” мавзулар тақдим этилиб, улар исталган бири ҳақида эртак ёки ҳикоя ёзиб, бу сифатларнинг фазилатлари ҳақида мулоҳаза юритсалар, фойдали бўлади. Ўқитувчи бу борада болалар билан маслаҳатлашса, улар танлаган йўлдан борса, дарс янада самарали бўлади. Шунда болаларда ўзларига ишонч шаклланади. Қолаверса, ўз ихтиёрлари билан олган топшириқни бажармаслик ноқулай бўлади.

2002.

“НИДО”ДОСТОНИНИ ЎРГАНИШ

Умумий ўрта таълим мактабларининг олтинчи синфида Эркин Воҳидовнинг “Нидо” достонини ўрганишга киришишдан олдин муаллифнинг таржимаи ҳолига қисман тўхталиш керак бўлади. Чунки асар қаҳрамони кечмишлари билан муаллиф тақдирида умумийлик бор. Дарсликдан ўрин олган шоир умр йўлини ўргатишга алоҳида вақт сарфлаш шарт эмас. Адид таржимаи ҳоли билан танишиш ўтган дарсда уй вазифаси сифатида топширилади. Янги дарс шоирнинг қуидаги хотираларини ўқиб бериш билан бошлангани маъкул: “*Отам фронтда эканида онам қишилоқ Советида секретар вазифасида ишлар, қийинчилик билан кун кечирар эдик. Жўхори поясини шимиб тилимни қонатганим, болаларга қўшилиб кунжара еганим учун онам юзимга шапалоқ ургани ва ўзи кечгача йиглаганини унутмайман. Ўйлаб қарасам, болалик хотираларимнинг кўпчилиги шеърларга, достонларга кўчган экан...*

Илк шеърларимни мактабда ўқиб юрганимда ёзгандим. Тахтапулдаги 22-мактабда ўқиганман. Мактабимизнинг деворий газетасида ёш ҳаваскор шоирларининг шеърлари чиқарди. Шеърий муҳит мактабимизда жуда кучли эди. Пўлат Мўмин,Faфур Fулом, Уйғунларнинг мактабимизга келганини эслайман. Ўша пайтлар пионерлар саройи бўларди. 6-7-синфда мен ҳам ўша ердаги шеърият тўғарагига қатнашиб, шоир Fайратийдан сабоқ олганман. Буларнинг барчаси менинг шеър ёзишимга туртки бўлган. Дастребаки шеърларим Fайратий домлага маъкул келиб, у киши ижодимдан намуналарни “Муштум”да ва бир неча газеталарда чоп эттирган...” Бундай хотиралар ўқувчи билан адид орасидаги масофани қисқартиб, уларни бир-бирларига яқинлаштиради.

Ўқитувчи дарсликда адиднинг ҳаёти, ижоди юзасидан тақдим этилган савол-топшириқларни ўртага ташлаб ўқувчиларнинг фикрини эшитиши, ўқувчиларнинг мантиқли жавобларига алоҳида эътибор қаратиб, буни ўқувчиларига ҳам сездириши дарс самарадорлигини таъминлаш билан бирга болаларнинг кайфиятини ҳам кўтаради. Қолаверса, бу билан бошқа ўқувчилар ҳам мантиқли мушоҳада юритиб, ўз фикрларини чукурроқ асослашга, маъноли, чиройли, лўнда

ифодалашга интиладилар.

Дастурда асарни ўрганиш учун уч соат вақт ажратилған. Достонни ўрганишнинг дастурий талқини қуйидаги: “Нидо” достонида инсоният бошига тушган энг улут фалокат – Иккинчи жаҳон уруши көлтирган балоларнинг мурғак ўсмири тақдиррида қолдирған изнинг акс эттирилиши. Достонда бола табиатининг нозик жиҳатлари ҳаққоний тасвирланғанлиги. Достон номининг рамзийлиги”¹.

Достонни ўрганишга режалаштирилған уч соатнинг иккитаси жуфтлаштирилса, маъқул бўлади. Шунда муаллиф шахси ҳақидаги қисқа савол-жавоблар ва матнни тўлиқ ўқиш билан биринчи ва иккинчи соатнинг бир қисми ўтади. Маълумки, ҳар қандай бадиий асарни, айниқса, шеърий битикларни тингловчининг ҳиссиётлари совумасдан идрок этиш ва таҳлил қилиш кутилган педагогик самарани беради.

Агар икки соатни жуфтлаштиришнинг имкони бўлмаса, достон матнини таҳминий икки қисмга бўлиб олиб, алоҳида алоҳида ўқиб чиқиши ва уларнинг таҳлилини ҳам алоҳида ташкил этиш мумкин. Достон матни билан танишишни уч дарсга чўзиб юрмаган маъқул. Бундай қилинса, асарни ўқиш жараёнида ўқувчиларда уйғонган туйғулар мавжи босилиб, ҳиссиёти совуб, матндан бир қадар узоқлашиб қолишиади. Лекин достон устидаги ишни қай йўсинда олиб бориши синфдаги ўқувчиларнинг билим даражаси, бадиий таҳлил кўникмаларини қай даражада эгалланғанлари ва нимага мойилликларига қараб белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳар бир асарни ўрганишга ажратилған соатлар тўлалигича фақат ўша асар устида ишлашга сарфланади. Шу боис ўқитувчи достоннинг тўлиқ матнини топгани ва дарс вақтидан унумли фойдалангани адабий таълимнинг мақсадига кўпроқ мувофиқ келади. Достоннинг тўлиқ матнини ўқиб чиқиши учун 40-45 дақиқа лозим бўлади. Ўқитувчи дарсга тайёрланиш жараёнида достонни олдиндан ўқиб чиқиши, алоҳида урғу берилиши лозим бўлган ўринларини ўзи учун белгилаб олиши, унинг қайси ўрнини қандай оҳангда ўқиши кераклигини аниқлаб кўйиши лозим бўлади.

1 Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-9-синфи учун адабиётдан ўкув дастури. “Маърифат” газетаси, 2010 йил 4,7,11- октябрь.

Достон инсон туйгулари, мурғак гўдакнинг дардлари, изтироблари, уруш аталмиш балонинг даҳшатлари ифодаси сифатида юзага келган. Ўқитувчи асарни ўқиш давомида мана шу дарду даҳшатларни ўқувчиларига туйдира олиши керак. У, биринчи навбатда, ўқувчилари кўнглидан кечиши, шуурларидан ўтиши лозим бўлган туйгуларни ўзида уйғота билиши керак. Шундагина устоз ўз “дард”ини ўқувчиларига “юқтира” олади. Адабиёт ўқитувчисининг қай даражада таъсирчанлиги, ҳиссиёт оламининг қанчалик бокиралиги, маънавиятининг не чоғли гўзаллиги шундай ўринларда яққол сезилади. У қанчалар самимий бўлса, ўз туйгуларини чиройли ифодалай билса, ўқувчилари ҳам ўзларини шунча эркин сезиб, фикрларини тортинмай ифодалайдилар. Шу тариқа уларнинг қараашлари шакланади, туйгулари нозиклашади, ҳиссиётлари тиниқлашади.

“Нидо” достони даҳшатли ва шафқатсиз қирғин туфайли отасиз қолган миллионлаб маъсум гўдаклар чеккан фифонларни акс эттирган. Бегуноҳ болакай тилидан баён этилган достонда миллионлаб етимлар, қора ер қаърига бевақт кетган уруш қурбонлари, бева қолган бахтсиз келинчаклар, фарзанд доғида куйган ота-оналар, туғилмай қолган гўдакларнинг нидоси бирлашиб, оламдаги энг улкан бахтсизлик – уруш туфайли пайдо бўлган йигирманчи аср нидосига айланади. Бу нидо ўқувчининг асл инсоний туйгулар моҳиятини янада теран англаб олишига, бошқа одамларга тегишли ғамни чуқурроқ ҳис этишига ёрдам беради.

Таҳлилни самарали амалга ошириш учун ўқитувчи достоннинг имкон қадар кўп қисмини ёддан билиши лозим. Чунки ўқувчи эътибори тортилиши лозим бўлган ўринлар ёддан келтирилса, асарнинг таъсир кучи ортади, сўзнинг жозибаси ўқувчи кўнглига чуқурроқ кириб боради. Ўқув таҳлили достоннинг дастлабки мисралари бўлмиш:

*Ҳайқираман. Тоғлар ортидан
Гўмбурлаган садо келади.
Она Ернинг оташ қаъридан
“Ўғлим!” деган нидо келади*

сатрларининг ўқитувчи томонидан ёддан айтилиши билан бошланади. Ўқувчилардан йигит ёшидаги лирик қаҳрамон

нимадеб ҳайқириши мумкинлиги, уни бу ҳайқирикça нима ундағани, гумбурлаган садо не боис тоғлар ортидан келаётгани ҳақида савол ташланади. Саволга жавоб бериш жараённада достон матнига қатъий сүянилади. Маълумки, инсонга хос бўлган энг кучли туйгулардан бири – соғинч. Бу туйгуни ҳар бир ўқувчи ҳам қандайдир шаклларда туйган. Одам соғинган, қўмсаган нарсасига эришиш имкониятига эга бўлса, тузук. Лекин имкон бўлмаса-чи? Ўқувчилар асар қаҳрамонининг ҳолатини тасаввур қилишга уринишлари керак. У отасини жуда-жуда соғинган. Ахир кўрмаганига йигирма йил бўлган. Уни кўришнинг эса, асло иложи йўқ. Чунки ота урушда ҳалок бўлган. Қаҳрамон тийиқсиз соғинчдан овуниш йўлларини қидиради. Нажотни эса табиат бағридан топади. Шунинг учун ҳам достон қаҳрамони тоғлар қўйнига интилади. Чунки шу ердагина у ўз хаёллари билан ёлғиз қолиш имконига эга. Хаёлида эса шаҳид отаси. Унинг руҳиятидаги чексиз соғинч, бўғзидан отилиб чиқишга тайёр ички фарёд бутун вужудини қамраб олган. Шу сабаб унинг ингрофи ҳам тоғлар бағрида ҳайқириқдай жаранглаши ва тоғлардан акс-садо келиши табиий.

Ер бағридан “Ўғлим” деган нидонинг келиши рўёми ёки хаёлми? Ўқувчилар бу нидонинг нега ер қаъридан келишига ўз муносабатларини билдиришлари лозим. Ота урушда ҳалок бўлган, яъни ер қаъридан жой олган. Лекин унинг руҳи тирик. Ўғли уни доим ўйлади, излади. Шу боис ўғилнинг ҳайқириғига ер остидан жавоб келгандай туюлиши мантиқли ва самимий.

Ўғилнинг отага мурожаатини ўқитувчининг ўзи қайта ўқиб бергани маъқул. Бу мисралар ўқилганда ҳаяжоннинг зўридан томокқатиқилган йиғиватитраган овозни бекитишига уринмаслик керак. Ўзлари эътиқод қўйган ўқитувчисининг ҳаяжони, изтироблари, “дард”и ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди. Улар йигирма йил отасини кўрмаган ўғилнинг ҳолатини ўқитувчи ҳиссиётидаги жумбуш орқали аниқ ҳис қиласидилар, кўнгилларида ҳамдардлик, ачиниш пайдо бўлади. Бу достоннинг шоир қалб ўртаниши, сўнгсиз армон ва юрак қони билан битилганига имон келтирадилар. Ўқитувчининг овозини титратган, ўқувчилар кўнглида ҳамдардлик, ачиниш ҳисларини уйғотган сўнгсиз армон, юрак қони эканини

түядилар. Қаҳрамоннинг соғинчу изтироблари, пинҳоний ўртанишлари, чек-чегарасиз армонлари, кўнгил дардлари ўзгаларга шу тариқа “юқтир”илади.

Достоннинг иккинчи қисми олти ёшли болакайнинг тилидан баён этилади. Ўқувчиларнинг дикқати бу қисмда тасвириланган қишлоқ кўчасидан югираётган “ занжидай қаро” болалик билан тупроқни титратадиган оғир қадамлар ўртасида қандай муносабат борлигига тортилиши керак. Онанинг сўзлари эса алоҳида ўқиб берилгани маъқул. Ҳар бир онанинг кўнглидаги энг эрка, энг азиз сўзлари боласини юпатиш учун бўлади. Боласининг ороми, хотиржамлиги оналарнинг олий тилаги. Она ўғлига Отани жангга ундан сабаблар: ҳаёт, эрк, келажак, “Бутун Ер – унданги Бор авлод” эканини уқтиради. Бу ўринда боланинг отасига хос асл инсоний сифатларини билиб олишига, Отанинг жони эвазига Эришилган неъматлар қадрининг қанчалар қиммат эканини тушунишга она кўмак бераётганига дикқат қаратилади. Ўқувчилар онанинг боласига қилган:

Сизларга қолади

Муқаддас замин.

Сизлар уни авайлаб кафтда тутасиз.

Шараф йўлларидан

Олиб ўтасиз

тарзидағи ўгитлари яна кимларга қаратилгани ҳақида ўйлаб кўришлари керак.

Боланинг онаси қўйини тўлдирган саволларини ўқитувчи қайта ўқиб беради. Улар болаларга хос эркалик, самимийлик билан ўқилиши керак, токи ўқувчилар мурғак инсоннинг ҳолатини тўлиқ ҳис қўлсинлар. Ахир улар ҳам болалар, лекин уларнинг кўпчилиги айрилик дардини тия олмайдилар. Чунки улар ота-оналарининг бағрида, меҳр-муҳаббат куршовида катта бўляптилар. Шу меҳрни, муҳаббатни қадрлай билиш учун ҳам асар қаҳрамонининг кечмишларини ҳис қилиши керак.

Ҳар бир ўғил бола “уруш-уруш” ўйнаган. Чунки у табиатан ҳимоячи, жангчи. Уруш даври болалари ҳам “уруш-уруш” ўйнашган. Лекин улар ўша даврда бу даҳшатнинг асл моҳияти ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаганлар. Улар урушни қизиқ бир томоша, қаҳрамонлик кўрсатишга имкон берадиган ўйин

тарзида тушунганлар. Мазкур достонда бола назаридаги “уруш” билан уруш аталмиш чинакам даҳшатнинг болалар ва катталар тақдиридаги, руҳиятидаги акс-садоси, излари айрича дард, изтироб билан тасвирангган. Таҳлил жараёнида ўқувчилар урушнинг қишлоқ кўчаларидағи акс-садоси битилган сатрларни матндан топиб, муносабат билдирулар, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқитувчи достон қаҳрамонининг “ўйинлардан эрта тўйган”лиги тўғрисида гап борган олтинчи қисмдаги тасвиirlар борасида ҳам ўқувчиларидан фикр олиши керак. Ўйин нимани билдиради? Ундан тўйиш-чи? Бугуннинг болалари қандай ўйнайди? Нега достон қаҳрамони ўйинлардан эрта тўйган? Унинг эрта улгайишига нималар сабаб? Фақат насиҳатгўйлик қилиб эмас, албатта.

Достон еттинчи қисмининг охирги тўрт мисрасини ўқитувчи ўзи қайта ўқиб, ўқувчиларининг “Дадам хатин ўқиб савод чиқарганман”, дея фаҳрланиб гапираётган бола табиати ҳақидаги мулоҳазаларини эшлиши керак.

Боланинг отасига ёзган мактубида: “Сизни жуда согиндим. Согиндим иккала кўзим билан тенг”, деган сатрлар бор. Ўқувчилар шу сатрларга алоҳида эътибор қилганлари маъкул. Ҳар бир ўқувчи ўз болалигининг шу босқичини хотирласа, достон қаҳрамони хатидаги тасвирини яхшироқ англайди ва кучлироқ таъсиранади. Болаликда катталар уларга ҳам кимларнидир “соғиндингми?” деб савол беришган. Табиийки, тасдиқ жавобини олишган. Ўшанда: “Қайси кўзинг билан соғиндинг?” деб сўрашган. Талабалар шу ўринда ҳамма болаларга хос умумийликни аниқ ҳис қиласидилар. Натижада, асар қаҳрамони билан ўқувчилар бир-бирларига яқинлашадилар. Шунда ўқувчиларнинг достон қаҳрамонини ҳис этишлари, тушунишлари осонлашади.

Хатда Рустамнинг акаси урушдан бир оёқсиз, қўлтиқтаёқда қайтгани, қўлсиз қайтган Хол ака ўғлини кучолмай, тик турган жойида йиглайвергани, Талъатнинг дадасидан қора хат келганда ҳаммалари, ҳатто муаллим ҳам йиғлагани ҳақидаги таъкидларда уруш деган балонинг нақадар даҳшатли экани, унинг инсонга етказган изтиробу аламлари, озорлари самимий, таъсиранчан ва ишонарли тарзда тасвирангган. Олти яшар болакай номидан ёзилган

мисралар замиридаги оғир руҳий-хиссий маъно олтинчи синф ўқувчилари эътиборидан четда қолмаслиги керак. Шу ўринларни қайта-қайта ёддан ўқиб бериш мумкин. Шундагина бугунги болаларнинг кўнглида оғриқ, алам пайдо бўлади. Бироннинг дардини ўзиники сингари түядилар. Уруш деган даҳшатнинг оқибатларини тўлароқ тасаввур қиласидилар ва имкон қадар бунинг олдини олиш кераклигини ҳис қиласидилар. Бу туйғу уларнинг руҳиятида абадий қолади...

Боланинг хатидаги “*Бувим айтган агар мен тилак тиласам, Тилагим бўлармиш доим ижобат*”, деган сатрларни ўқувчиларга шарҳлатиш ўринли. Ўзбекча тафаккур тарзининг белгиларидан бўлмиш бу хилдаги ишонч бу достондан ташқари яна кимнинг қайси асарида қандай муносабат билан ифодаланганини ўқувчилар эслашга уриниб кўришлари мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқувчилар “Бемор”ни эслашлари тайин.

Достоннинг ўнинчи қисмida: “*Ҳижрон кечалари гоятда узун, Айрилиқ йўллари олис ниҳоят*”, деган сатрлар бор. Ўқувчилар бу жумлаларни чуқурроқ таҳлил қилганлари маъкул. “Ҳижрон кечаси”, “айрилиқ йўли” каби образли ибораларнинг асл моҳиятини очишга, матнда ташиётган вазифасини аниқлашга уриниб кўрсалар, дидлари нозиклашиб, бадиий нигоҳлари ўткирлашади. Икки ёқда ёзилган икки хатнинг бир-бирига томон бир вақтда йўлга чиққани ҳақидаги сатрлар ўқувчилар томонидан алоҳида идрок этилиши лозим. Ўқувчиларнинг ушбу ҳолатни кўз олдиларига келтириб, кўнгилларидан кечаетган туйғуларни кузатишлари адабий таълимнинг тўғри йўлга қўйилганлигидан далолатдир. Бу ҳол улар бироннинг тақдирида рўй берган фожиани туйганларидан, ўзганинг руҳиятидаги оғриқни ҳис қилганларидан далолатки, ўқитувчи учун бундан юксак натижанинг бўлиши мумкин эмас.

Ўнинчи қисмда отанинг фарзандига қаратада: “*Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл*”, тарзидаги ўтити ифодасини ўқувчилар матндан топиб, унга муносабат билдиришлари лозим. Шу муносабат билан асар қаҳрамони туйган ифтихор, турур туйғусининг сабаблари шарҳланса, унинг моҳияти

оидинлаштирилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Достондаги

Менинг мардлик мактабим

Ўзимнинг отам эди.

Мен отам фарзандиман,

У эса одам эди

мисраларида достон қаҳрамонининг отасига чексиз ишончи ва ундан фаҳрланиши қандай акс этганига эътибор қаратилиши керак. Ўқувчилардан “одам эди” бирикмасини шарҳлашни сўраш ҳам жуда ўринли бўлади. Одамликнинг мезонлари қандай? Чинакам Одам шунчаки одамдан нимаси билан фарқланади? Шу каби саволлар ўқувчиларни ўйлашга мажбур қиласди. Ўқувчилар қаҳрамоннинг мақсадига алоҳида аҳамият берсалар, қаҳрамон – бола билан отаси ўртасида ўхшашлиқ ва уйғунлик мавжуд бўлган жиҳатларни пайқай оладилар. Бундай ўринлар матндан топиб, ўқиб берилса, янада яхши.

Достоннинг ўн биринчи қисмида жанг тафсилоти гўзал бадиий йўсинда баён этилади. Ўқитувчи бу бандни асар устида ишлаш асносида яна бир марта алоҳида ўқиб бергани маъкул бўлади. Ўқиш жараёнида ифодалилик билан бир қаторда ўқитувчининг овози воқеалар баёнига мослашиб бориши лозим. Шунда ўқувчилар ҳам воқеаларнинг ривожини тасаввур қила борадилар. Ўқувчилар ўқитувчи билан изма-из шу мисраларни ичдан ўқиб боришлирига эришиш лозим. Асар гоҳ узокроқ тин олиниб, гоҳ майнин, гоҳ йўғон, магрут овоз билан, гоҳида шиддат-ла ўқилиши керак. Шунда воқеалар тингловчиларнинг кўз олдидан худди кино лентаси тасвиридай ўта бошлайди. Кўкрагида кўрғошин билан ерни кучганча тошларга бошини қўйиб тинч ухлаётган тўрт ўғлоннинг ҳолати, йўқотишнинг аччиқлиги, табиатдаги ҳолатга ўқувчиларнинг эътиборини тортиш жоиз. Инсон фожиасига табиатнинг муносабатини кўрсатишга ҳаракат қилиш ҳам фойдали.

Ўқувчилар асарнинг ўн иккинчи қисми моҳияти ва жозибасини очиш учун: “*Ерни тепма, Аста бос қадам*” тарзидаги мурожаатнинг сабабини айтинг ва муносабат билдиринг” топшириғини бажаришлари керак бўлади. Ернинг чеккан озори аслида унинг совук бағрида ётганларнинг озоридир. Чунки ер юзида одам суюгисиз

бирор қарич жой йўқ.

*Ерни тепма, Аста бос қадам,
Етар унинг чеккан озори.
Биз турган ер, Биз кезган олам
Улкан фидойилар мозори.*

Бу мисралар инсоният истиқболи, озодлиги йўлида жон фидо қилган уруш қатнашчилари инг табаррук хотирасини қадрлашга ундаиди. Ўқитувчи Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида эллик миллиондан ортиқ киши ҳалок бўлгани, уларнинг орасида синфдаги ҳар бир боланинг бобоси ёки бирор аждоди борлигини ҳам айтиб қўйса, дарснинг таъсир даражаси янада ошади. Ўқувчилар лирик қаҳрамоннинг: “*Тенгдошим. Асрдоши бирордар!*” деган мурожаати кимга қаратилгани борасида бош қотириб қўришса, эҳтимол, мурожаат қилинётганлар қаторида ўзлари ҳам борлигини пайқаб олишар. Муаллифнинг асрдошларига мурожаати шиордай, қасамёддай қатъий овоз билан ўқилиши керак.

Ўқувчилар достоннинг бошида тилга олинган лирик қаҳрамон – бола нидоси билан асар сўнгги даги аср нидоси ўртасида яқинлик, алоқадорлик нималарда кўриниши хақида асар матнига таянган ҳолда фикр юритишлари мақсадга мувофиқдир. Улар достоннинг номи хақида ҳам ўз фикрларини айтсалар, маъқул бўлади.

Ғоят таъсирчан ва шираги тил билан битилган достондан парча ёд олиниши лозим. Қайси бўлакни ёд олишини ҳар бир ўқувчининг ўзи ҳал қилгани маъқул.

2009.

“УРУШНИНГ СЎНГГИ ҚУРБОНИ” ҲИКОЯСИНИ ЎРГАНИШ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов шахси ва “Дунёнинг ишлари” асаридан олинган парчалар билан ўқувчилар 5-синфда танишишган. Қиссанинг шираги тили, жозибали ифодаси ва она тимсолининг самимий тасвири тарбияланувчилар руҳиятида из қолдирмаслиги мумкин эмас. Дарснинг бошида ўқитувчи ўқувчиларга буни бир эслатса, адаб ва унинг асари ҳақда билганларини гапириб беришни сўраса, ўқувчилар ўз фикрларини ўртага

ташлашлари, руҳан бугунги ҳикоядан ҳам ўшандай лаззатни түйишга ташниаликни ҳис қилишлари табиий. Ўқитувчи ўз “ҳамкор”ларини шу ҳолатга тушириши педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлади.

Муаллимга олтинчи синфда Ў. Ҳошимов қаламига мансуб “Урушнинг сўнгги курбони” номли ҳикоя устида иш бошлашдан олдин уни бир ўқиб олиши лозимлигини эслатиб ўтишнинг ҳожати бўлмаса керак. Ҳикояда муаллиф қийинчилик, қашшоқлик инсон маънавиятини синовдан ўтказувчи бир восита эканини оддий ўзбек оиласи мисолида, ўта самимий тарзда намойиш эта билган. Асарни ўрганишга киришишдан олдин ўқитувчи унинг дастурдаги талқини билан танишиши, асарга қандай ёндашиши лозимлигини қатъйлаштириб олиши зарур. Бу талқин: “Асарда қийинчилик инсон маънавиятини синовдан ўтказши воситаси эканининг кўрсатилганлиги. Ҳикояда уруши ишларининг ҳаққоний тасвирланганлиги. Йўқчилик онани боладан, оғани инидан совутганлигининг таъсирчан ифодаланганлиги. Асл одам ҳар қандай шароитда ҳам маънавий поклигича қолишининг тасвирланганлиги. Ҳикоядаги Шоикром, Шонеъмат, Ҳадича ва Умри хола образларига хос хусусиятларнинг ёрқин акс этганлиги” тарзида ифодаланган¹.

Ҳикоянинг дарсликдаги тўлиқ матнини ўқиб чиқиши учун 25–26 дақиқа керак бўлади². Мазкур ҳикояни ўрганиш учун дастурда белгиланган икки соатнинг биринчиси ҳикоя матни билан ўқувчиларни таништиришга бағишиланади. Ўткир Ҳошимов шахси ҳақида дарсликда берилган биографик материал 5-синфдаги ҳасби ҳолнинг бир оз ўзгартирилган варианти. Бу каби такрорлардан қочиб, ўқитувчи муаллифнинг ўз хотираларидан фойдаланса, дарс самараси ортиши аниқ: “Мен 1941 йил 5 августда Тошкент биқинидаги Дўмбиробод қишлоғида тугилган эканман. Қишлоқда, тагин, пойтакт биқинидаги қишлоқда тугилганим тақдирнинг ҳадяси бўлса ажаб эмас. Негаки, ижодкорда қишлоқнинг қалби, шаҳарнинг ақли бўлиши

1 Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-9-синфи учун адабиётдан ўкув дастури. Материал, 4,7,11 октябрь.

2 С. Ахмедов ва бошқалар. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик-мажмуя. Т.: Маънавият, 2005. 158-б.

керак.

Оиламизда бир қиз, тўрт ўғил бор эдик. Мен учинчи ўғил эдим...

Отамдан қаттиқ ҳайиқар эдик. Отам бирон марта ҳам биронтамизни бир тарсаки урган эмаслар. Отани қаттиқ иззат қилишини онам ўргатганлар: “Хозир аданг келадила, уйни супуриб қўй”, “Адангни жаҳулари ёмон, тинч ўтиринглар”, “Адангни кетмонига тегма”, “Адангни соатига қўл тегизмаз...” Билмадим, балки ҳозирги – замонавий оиласарга бизнинг ҳолат “феодаллик” бўлиб туюлар. Аммо бизнинг оиламизда ота шахсига сигиниши фарзандларга зиён келтирганини эслай олмайман...

Етти ёшга тўлар-тўлмас, акаларимга эргашиб, Дўмбирободдаги мактабга бордим. Бу – етти йиллик мактаб эди. Уни битириб, анча наридаги “катта” мактабда ўқишини давом эттирудим. “Икки эшик ораси” романида Музafferнинг “катта мактаб”га бориши, “Алвости кўпприк”, Бўрижар манзаралари ўша палладаги кузатувлар ҳосили бўлса ажабмас. Урушдан кейинги оғир йиллар эди. Ўқитувчиларда ҳам, ўқувчиларда ҳам алақандай фидойилик бор эди... Ўқитувчиларимиз биз учун намуна эди. Кийиниши ҳам, юриши-туриши ҳам... Айни пайтда домлаларимиз дарс ўта туриб, темир печкага ўтин ташлаб қўйишдан ҳам эринмасди. “Алифбе”ни ўргатган Маъсуда опани, фақат директор эмас, ҳақиқий ташкилотчи бўлган Одил акани, Зухриддин aka, Абдуусмон aka, Кўчкор aka, Марям опа, Абдували aka деган ўқитувчиларимни унута олмайман.

Биринчи “шеърим”ни 5-синфда ўқиётганимда ёзганман. Эрта баҳор эди. Мактабдан келаётсам деворнинг кунгай этагида қоқигул очилиб ётибди. Ҳаяжонлануб кетиб “Олтин тугмача” деган “шеър” ёздим. Чамамда, бу ўлгудек бемаъни шеър бўлса керак. Эсимда қолмаган. Фақат қоқигулни олтин тугмачага ўхшатганимни унутолмайман.

Урушдан кейинги авлоднинг болалиги қанақа ўтган бўлса, менини ҳам шундай ўтган. Мен ҳалол меҳнати билан кун кўрадиган оиласа вояга етганман. Ота-онам ҳаромдан ва ёлғондан ҳазар қилишини ўргатишган. Ҳалиям шу шиор билан яшайман. Фарзандларимга ҳам шуни уқтираман.

Болалигимдаги бир воқеани айтиб берай. Уйимиз ёнида жийдазор бўларди. У ерда мен тенгдош ўртоқларим билан сигир боқардим. Ўша пайтда сигирни ёғоч қозиқ билан арқонлаб қўярдик. Ёғоч қозиқнинг ёмон томони шундаки, қоқаверсангиз, синиб кетади. Бир куни жийдазордан темир қозиқ топиб олдим, озгина арқони билан. Қозиқни сигиришимизнинг арқонига боғлаб, уйга келдим. Ярим кечаси адам уйготди. Кўлида темир қозиқ. “Қозиқни қаердан олдинг?” деди. “Топиб олдим”, деб жавоб қайтардим. “Қаердан?” “Қийшиқ жийданинг тагидан!” “Жийданинг тўгриси бўлмайди. Ҳаммаси қийшиқ бўлади”, деди адам жаҳр билан ва “Қаердан олган бўлсанг, худди ўша жойга олиб бориб ташла, ҳозироқ!” деди. Ёш боламан, ярим тун бўлса, чакалакзор. Яна Дархон анҳорининг лопшилаб турган кўпригидан ўтиши керак... Албатта қўрқдим! Энди чиқиб кетаётгандим, менга раҳми келиб, акам эргашмоқчи бўлди. “Ўзи ташлаб келади!” деди адам қатъият билан. Амаллаб кўприкдан ўтиб, чакалакзор томонга қозиқни улоқтириб, қайтиб келдим. Лабимга учук тошганини ҳисобга олмаганда ҳеч нарса бўлмади. Лекин уч-тўрт кундан кейин адам яна ёнига чақириб олдида, бундай деди: “Сен топиб олган қозиққа бирор молини бойлагани аниқ. Агар ўша молни кимдир ўғираган ёки мол адашиб кетиб қолган бўлса-ю, қозиқ бизнинг уйдан чиқиб, ўша одам сени ўғри гумон қилса нима бўлади? Биз нима деган одам бўламиз?” Мана шу воқеа менга бир умрлик сабоқ бўлган.

Болалигимда осмонга, юлдузларга тикилишини яхши кўрадим. Назаримда, ҳар битта юлдуз мени ўзига чақираётгандек бўларди....

Менинг боболарим ўз даврининг машҳур кишилари бўлишган экан. Жумладан, бобокалоним – отамнинг боболари Абулқосимхон эшон Туркистон тарихида чуқур из қолдирган улуг шахслардан бўлган эканлар.

Тошкентда, Халқлар дўстлиги саройи билан Олий Мажлиснинг муҳташам биноси ўртасида қадимий обида – мадраса бор. Мана шу обидани 1832 иили Абулқосимхон эшон бунёд этган эканлар. Бу зукко инсон ўзбек тилидан ташқари араб, форс, рус ва бошқа тилларни мукаммал билган, Туркистоннинг Чор Россияси томонидан босиб

олинишига қарши курашнинг гоявий раҳнамоларидан бири бўлган эканлар. 1899 йили Санкт-Петербургда нашр этилган “Мусулмонликка оид материаллар тўплами” китобида бундай деб ёзилган: “1892 йили вафот этган Абулқосимхон эшоннинг Тошкент ва бошқа шаҳарларда ўн минглаб муридлари бўлиб, улардан келган маблаглар ва вақф ерларидан тушган даромадлар ҳисобидан эшон 30 минг олтин сўмга мадраса қурдирган. Бу мадрасада 100-150 талаба таҳсил олган... Унинг аҳоли орасидаги нуфузи наҳоятда баланд бўлган...” Мадрасада фақат диний эмас, дунёвий илмлар ҳам ўргатилган.

...1892 йили Тошкентда вабо касали тарқалади. Устига-устак келгиндилар зулмидан тинкаси қуриган халқ қўзғолон кўтаради. Тарихга “Вабо қўзғолони” номи билан кирган миллий-озодлик ҳаракати бошланади. Чор ҳукумати аскарлари эски шаҳарга бостириб кирган қирғин чогида Абулқосимхон эшон муқаррар ӯлимни бўйнига олиб, ўша пайтдаги Туркистон генерал-губернатори Вревский номига рус тилида ариза ёзиб, унинг олдига боради. Босқинчи аскарлар Тошкентнинг маҳаллий аҳоли яшайдиган қисмидан (эски шаҳардан) олиб чиқилмаса, оқибати иккала томон учун ҳам фоҳсиали бўлишини тушунтиради. Губернатор буйруғи билан “саллотлар” шаҳардан олиб чиқилади.

Кейин эса ундан ҳам гаройиб ҳодиса рўй беради... 1892 йил 30 июнь куни Абулқосимхон эшон Хўжса Аҳрор жоме масжидида минг-минг одамлар орасида вавз айтиб, Тошкент аҳли бир балодан қутилгани – босқинчи аскарлар шаҳардан олиб чиқилгани билан халойиқни қутлайди ва тагин бир оғатни – вабони ўзи билан олиб кетиш ниятида эканини айтиб, Аллоҳга илтижо қиласди. “Туркистон вилоятининг газети” муҳаррири Н.Остроумов “Фон Кауфман – Туркистон ўлкасининг ташкилотчиси” номли мақоласида бу ҳайротомуз ҳодиса ҳақида шундай деб ёзади: “Шундан сўнг мункиллаган ёшида сўнгги кунлардаги воқеалардан (“вабо қўзғолони”дан, демокчи) қаттиқ ларзага тушган муҳтарам Абулқосимхон тезда – 4 июлда вафот этди. Қизиқарлиси шундаки, вабо барҳам топди, тошкентлик сарталар буни унинг вафотига нисбат бердилар...”

Ажсодоларим тұғрисида бу қадар батағсыл тұхтамалганимнің сабаби шундаки, әллік ёшға чиққинумча боболаримнің ким бұлғанини билмаганман. 1991 йил таниқли олим ва журналист Сироғисиддин Ахмедов шажсарамиз тұғрисидаги маълумотни құлымга топширди. Кекса ёшдаги қариндошларимдан бу дағылларни нега менга айтишмаганини сұраганимда жуда асосли жавоб әзіздім. Гап шундаки, агар бу гапларни билганимда қаердадір айтишим ёки ёзишім мүқаррар әди. Шуро сиёсати эса “халқ дүйнендер”га алоқадор бұлған одамни күкартирмаслиги аниқ әди...”.

Үқитувчи бу асарни ўрганишга ажратылған иккі соатни яхлитлаши, яъни иқкала академик соатдан бир кунда қаторасига фойдаланиши мақсадда мувоғиқ бўлади. Шунда ўқувчиларнинг матн ўқиши давомида олган таассуротлари, кўнгилларида пайдо бўлған изтироб, ачиниш сингари ҳиссиётлар асар устида ишлаш жараёніда “иссиғида” тилга чиқа бошлайди. Улар таҳлил мобайнида туғилған фикрларига руҳиятида пайдо бўлған туйғуларни ҳам қўшиб ифодалайдилар. Бу эса, ўз навбатида, ўз-ўзини тафтиш қилиш демакдир. Бу ёшдаги ўқувчиларнинг руҳий кечинмаларини бир-бирларидан яширмай, тортинмай, уялмай ифодалаши уларда шахслик сифатларининг шаклланишига ижобий таъсир этади.

Муаллим ҳикоя матнини ўзи ўқиб бериши шарт ва ўқиши жараёніда Шоикромнинг ҳолати ифодаланган ўринларни, унинг фикрларини толиқсан овоз билан, онанинг сўзларини юмшоқ, Хадичанинг овозини қалбакироқ оҳангда, муаллифнинг сўзларини қатъйроқ, Шонеъматнинг овозини дардли, синиқ тарзда ифодалай олишга эришиши асарнинг таъсир кучини ошириши тайин. Шоикромнинг пушталар орасида мукка тушиб ётган онасини кўргандаги ҳолати ва қичқириғини ўқиши жараёніда табиий ифодалай олиш учун ўқитувчи шу ҳолатни тўлиқ хис қилиши, ўзини шунга тайёрлаши лозим.

Овоз чиқарыб ўзгалар учун ўқилаётган асарнинг таъсир кучини бошқалар ҳам тўлалигича туйиши учун муаллифнинг, ўқиётган кишининг туйғулари овозида ифодаланиши керак. Бу ҳолатни сунъий равища ясад бўлмайди. Ясалган нарса

кўнгилники эмас ва у ўзгаларга ҳам исталганидек таъсир кўрсата олмайди. Кўнгилда нотабийй, носамимий туйғуга жой йўқ.

Ҳикоя ўқиб бўлингач, ўқитувчи бир оз тин олиши, тингловчиларини кузатиши лозим. Улар қандай ҳолатдалигини, ҳикоя қаҳрамонлари руҳияти, кечмиши, дард-изтироблари ўқувчиларга қандай таъсир этганлигини аниқлаб олгани маъқул. Шундан сўнг асар ўқиши жараёнида ўқувчилар кўнглида пайдо бўлгаң турли ҳисларни уларнинг тилига олиб чиқиш учун бир қатор саволларни ўртага ташлаш мумкин бўлади. Бу хил саволлар дарсликда бор. Ўқитувчи ўзи яна кўшиши ҳам мумкин.

“Асарнинг асосий мазмунини сўзлаб бериш”¹ ўқувчи учун зарур иш эмас. Бунинг ўрнига ўқувчилар диққати Шоикромлар рўзғорининг файзсизлигини ифодаловчи лавҳага тортилгани маъқул. Ўқувчиларни кўпдан бери дам олмаган, боши ташвишлардан чиқмайдиган, етишмовчиликлар исканжасида қолган киши кўзига аслида ғарип ва файзсиз бўлган тирикчилиги ниҳоятда хунук кўриниши табиий эканлигини англашга ундаш керак: “Рўзғор жиҳозларининг Шоикром кўзига бу қадар совуқ кўриниши сабаблари нимада деб ўйлайсиз? Ҳамма рўзғорда бўладиган уй анжомлари нима учун Шоикромнинг кўзига бундай кўриняпти? Гап рўзғор буюмларидами ёки Шоикромнинг кайфиятидами?” Ҳикоя матнида бунинг сабаблари тасвиirlанмаган. Лекин матн замиридан, асаддаги ҳар бир детал тасвирида файзсизлик сабаблари кўриниб турибди. Ўқувчилар рўзғорнинг бундай тароватсизлигига Шоикромнинг хотини ёки унинг ўзини айбдор деб қарашлари ёки бошқа бир сабаб билан изоҳлашлари мумкин. Муҳими, улар ҳикоя персонажларига бефарқ бўлмасалар, ўзгалар ташвишини чекишига, бирорларнинг хатти-ҳаракатларига баҳо беришга уринсалар бас.

Таҳлил иштирокчилари ҳикоя қаҳрамонининг безовта ўйларга ботганлиги, унинг руҳий дунёсидағи нотинчлик билан табиатдаги ҳолатнинг: “Яrim кеча бўлиб қолган, атроф жим-жит. Фақат олисларда им улийди. Айвон

1 С. Ахмедов ва бошқалар. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик-мажмуа. Т.: Маънавият, 2005. 166-б.

түсинидаги узун михга илиғлиқ лампочка хира нур таратади. Чироқ атрофида ўралашган чивиллар бир зум тинмайды... Қаёқдандир шамол келди. Ҳовли этагидаги ёнгоқ шоҳлари бир гувиллаб қўйди”, сингари ички безовталикнинг сабабларини топишга уринишлари зарур. Шоикромнинг руҳий дунёсидаги нотинчлик билан итнинг улиши, шамолнинг келиши ва ёнгоқ шоҳларининг гувиллаши орасида қандай алоқадорлик бўлиши мумкин? Бу тўрт безовталик тонгда юз бериши мумкин бўлган фалокатнинг хабарчисимикин? “Танқидчи”лар қийналиб қолишганда шу каби қўшимча саволлар ўқувчиларнинг фикрлаш жараёнини маълум ўзангга солиб юбориши мумкин.

Қаҳрамонлар ҳақида ўйлади. мулохаза юритиш; уларнинг кундалик ҳаёти, кечинмалари, хатти-ҳаракатларини тафтиш қилиш, баҳолаш жараённида ўқувчилар ҳам ақлан, ҳам руҳан фаоллашиб, улғая борадилар. Ўқувчилар таҳлил ўрнига асар воқеаларини қайта ҳикоялашга киришиб кетмаслиги керак. Устоз асарнинг таҳлили матндан эстетик таъсиrlаниш, таҳлил асносида инсонни, унинг руҳий оламини теран ҳис қилиш – ўзликни ўрганишга олиб борувчи илмий-педагогик жараён эканини унутмаслиги ва буни ўқувчиларига ҳам билдириб қўйиши фойдадан ҳоли бўлмайди.

Эътибор қилинса, ҳикоя бошдан-оёқ маҳзун оҳангда битилган. Чунки асарда тасвирланган тақдирлар, шу тақдирлар намоён бўлган воқеалар, ушбу воқеалар рўй берган давр қайғуга уйқаш, уруш даврининг оҳангни эса ўқ ва йифи овозига эш эди. Маълумки, ўқ овози ҳам, йифи товуши ҳам шодликни эслатмайди, қайғуни, ғамни ёдга солади, шуларни келтириб чиқаради. Ана шу ҳаётий оҳанг ҳикояга кўчган. Айни шу сифат унинг таъсири даражасини янада оширган. Ҳикоянинг жиддий таҳлили ўқувчиларни ҳаётнинг нечоғлик мураккаб эканлигига, одам ва унинг амаллари ҳар қандай ҳолатда ҳам тўғри бўлавермаслиги, у ҳакда фикр айтиш, муносабат билдириш ҳамиша ҳам осон кечавермаслигига имон келтиришга мажбур қиласди.

Асардаги Хадича образининг табиатини баҳолаш учун ўқувчилар унинг бешикда ётган боласига, эрига, қайнонасига муносабати, рўзгор тутуми ҳақида фикр билдиришлари лозим бўлади. Ўшанда ҳам жizzаки, айни вақтда, эри ва

фарзандларига мөхрибон, тиниб-тинчимас, аммо баҳти қаро бу аёлнинг яхши ёки ёмонлиги тўғрисида ҳам қатъий хулоса айтиш мушқул. Оғир турмуш, йўқчилик ҳар бир одам учун синов, баъзилар учун эса, тўқчилик ва фаровонлик ҳам ўзига хос бир синов. Ҳамма ҳам бу синовлардан бирдай ўта олмайди. Одамга хос асл фазилатлар ана шундай мушқул вазиятларда ўзини кўрсатади. Ҳадичанинг шахсини очувчи жиҳатларнинг ҳар бири савол-топшириқقا айлантирилса, унинг феъл-атвори ўқувчилар томонидан очилиб, ҳатти-харакатлари, муомаласидаги яхшилик ва ёмонлик сабаблари англашилади.

Шоикром тимсолини Ҳадичаданда мураккаб дейиш мумкин. У табиатан фикр кишиси, мулоҳазали одам. Адиб буни ҳикоянинг бирор ўрнида айтмаган бўлса-да, тасвир мароми у ҳакда шу тахлит хулоса чиқариш имконини беради. Ўқувчилар олдига рўзғорнинг файзсизлиги, кунлар исиб кетган бўлса-да, олиб қўйилмаган сандал нима учун айнан бугун унинг ғашини келтираётгани ҳам мулоҳаза қилиб кўрилиши керак. Унинг ўн кундан бери укасининг ҳолидан хабар ололмай, унинг оғзига бир коса сут тутолмаганидан эзилиши, ўзидан нафратланишига эътибор қилиниши керак. Ҳикояда ўқувчилар дикқат қаратишлари лозим бўлган яна бир муҳим жиҳат бор: Шоикром овқат борлигини била туриб нега аёlinи онасига овқат беришга мажбур қilmади? Бунинг ўрнига, онасидан овқатни қизғанган хотинини тушунишга ҳаракат қилди. Она уйдаги аҳволни билади, ўша овқатни емаслиги ҳам мумкин эди. Онасига овқат обкелтириш Шоикромнинг фарзандлик бурчи эмасмиди? Агар шундай қилолганда, унинг кўнглидаги изтироблар ҳам камроқ бўлармиди? Шу жиҳатларнинг ҳар бирiga алоҳида муносабат билдириш таҳлилни чукурлаштирган бўларди.

Шоикром – қаҳри қаттиқ ҳам, меҳрсиз ҳам, ёвуз ҳам эмас. Ҳўш, бунинг учун урушни, қашшоқликни айлаш қеракми? Ёки у табиатан иродасизу вазият қийинлашганда синовлардан ўтолмаяптими? Балки у вазиятнинг қулидир? Вазиятдан қандай чиқишини билмагани учун хаёлига ўғридан қасос олиш фикри келганида вужуди титраб кетсада, аҳдидан қайтмагандир? Разолатга қарши қабоҳат йўли билан курашмаслик кераклигига ақли етмагандир? Шунинг

учун ҳам ўзи билмаган, истамаган, хаёлига ҳам келтирмаган ҳолда қотилга айлангандир. Яна ўз онасининг қотилига... Ўкувчилар бу қадар мураккаблик қаршисида қанчалар кўп ўйга толсалар, шунча яхши. Чунки уларда шу тариқа ҳаётий қараш, нуқтаи назар шаклланади.

Асардаги она тимсоли таҳлил қилинаётганда ўкувчилар Умри хола катта ўғлининг олдига чиқиши ва: “*Пайшанба куни Комил тайибнинг уйига борувдим. Ҳар куни наҳорга бир косадан қўй сути ичса дард кўрмагандай бўлиб кетади, деди*”, дея ўзига гапиргандай секин қўшиб қўйиши сабабини ўйлаб кўришлари лозим. Улар кампир нега қулупнайни ўғлидан сўраб қўя қолмаганинг боисини аниқлашга уриниб кўришлари керак. Бор овқатни ўз онасига бердира олмаган катта ўғилдан она кичик ўғли учун қулупнай сўраши мумкинмиди ёки йўқми? Ўкувчилар онанинг хатти-ҳаракатларини шу жиҳатдан баҳолашга уриниб кўришлари зарур. Бу масаланинг бир томони.

Айни вақтда, халқимизда ҳар қандай шароитда ҳам ўғирлик ёмон деган ахлоқий қараш мавжуд. Умри хола эса ўғирлик қилди. Бемор ўғли учун бўлса ҳам. Бегонаникига эмас, ўз ўғлиникига бўлса ҳам ўғриликка кирди. Ўкувчилар, гарчи бундай ҳуқуқ ҳеч кимга берилмаган бўлса-да, онанинг хатти-ҳаракатларига маънавий қозилик қилишга уриниб кўришсин. Умри хола бошқачароқ иш тутиши мумкинмиди? Асарнинг дастурий талқинида айтилган “Асл одам ҳар қандай шароитда ҳам маънавий поклигича қолиши” ҳақидаги фикрга ўкувчилар нима дейишаркин?

Маълумки, Аллоҳнинг бандалари олдига қўйган маълум талаблари бор. У бандаларини қайсиdir фазилатлари учун рағбатлантиради, қандайдир сифатлари учун жазолайди. Ўғрилик – иллат. Яратувчи қудрат буни иллат деб белгилаб қўйган ва минг йиллар давомида исломий фалсафа асносида бу қараш бизнинг маънавиятимизга жуда чукур сингиб кетган. Шу маънода, чинакам инсон ҳар қандай вазиятда ҳам Аллоҳнинг ҳақиқатларига хиёнат қилмайди. Ўкувчилар мана шу ҳақиқатларни англаб етсалар, одамнинг фаолиятини баҳолаш нечоғлик қийин эканини теранроқ тушунишлари мумкин бўлади. Эҳтимол, ўкувчилар асардаги фожиа ва баҳтсизликлар сабабчиси сифатида урушни кўрсатишар?!

Балки кимлардир Шоикромни хасислигу, қасоскорликда айблар, баъзилар бетгачопар Хадичани ҳам фожиа сабабчиси санар. Гап қотилни аниқлашда, айборни топишда эмас. Асосий мақсад ҳикояда тасвирланган инсоний тақдирларга ўқувчиларнинг бепарво бўлмасликлари ва уларга астойдил муносабат билдиришларидан иборат.

Муаллиф онанинг қурбон бўлишига уруш айбор деган фикрни ўтказишга мойил. Асарнинг номланиши ҳам шунга ишора. Аммо бугунги кун ахлоқи, бадиий матнга янгича ёндашиш, таҳлилда ижтимоий йўналишга эмас, балки эстетик асосларга таяниш туфайли асарнинг кейинги умри бошланиши, ундан адид ўйламаган маъноларни кашф этиш имконини беради. Ўқувчилар айни шу жараённинг фаол иштирокчиларига айланишлари лозим.

Дарс охирида ҳикоянинг давомини яратишни ихтиёрий уй вазифаси сифатида топшириш мумкин. Хоҳловчи ўқувчилар ҳикоя қаҳрамонларининг кейинги ҳаётини қандай тасаввур қилишларини қофозга тушириб келсинлар. Бу топшириқ қобилиятили ўқувчиларнинг тасаввуруни бойитиш ва кенгайтириш, ижодий фикрлаш кўникмасини ўстириш, ҳаётга, инсонга муносабатини тиниклаштиришга замин тайёрлади.

2009.

ТОҒАЙ МУРОД АСАРЛАРИНИ ЎРФАТИШ ЙЎЛЛАРИ

Тоғай Мурод адабиётга ўз тили, ўзигагина хос бўлган услуби билан кириб келди. Унинг миллий ғурур, эркаклик шаън улуғланган, инсон “мен”ини жамики ингичка туйғулари билан очиб бера билган асарлари, гарчи насрда бўлса ҳам, Сайд Аҳмад айтмоқчи “қўшиқлар”дир.¹ Битикларининг ўзига хос ўқилиш оҳангига худди халқ достонлари сингари қуишлиб келаверади. Одатда ҳар қандай такрор китобхоннинг ғашига тегади. Лекин Тоғай Муроднинг такрорлари кўнгилга хуш ёқади. Адабнинг асарларини ўқиган ҳар бир ўзбек қалбida ғурур, фахр ҳисси пайдо бўлади. Қиссалар ўқилган сари Сурхон воҳаси йигитлари

¹ Тоғай Мурод. От кишинаган оқшом. Сўзбоши. -Т.: “Шарқ”, 1994. -464 б.

қонида мавжуд бўлган эркакча фурурнинг илдизларини англагандай бўлади киши. Тоғай Муроднинг ҳар бир сўзи кўнгил қаъридан дард бўлиб ситилиб, изтироб бўлиб сизиб чиққан. Ўзи сўймаган, ўзи куймаган, ўзи ёнмаган қалб ўзга қалбларни сўйдириб, куйдириб, ёндиролмагани сингари муаллиф куйиклари билан ўқувчисини куйдиради, унга ўз оғриқларини “юқтиради”. Ёзувчи қисса ва романларининг китобхонлар қалбida чуқур ўрнашиб қолиши сабаби ҳам шунда.

Тоғай Муроднинг “Юлдузлар мангу ёнади” қиссасини ўрта мактабнинг олтинчи синфида ўрганиш учун дастурда уч соат ажратилган.

Одатда, ёзувчи ва шоир ҳақидаги биографик маълумот дарсликларда берилса-да, дарсда уларни ўрганишга алоҳида вақт сарфлаб ўтирилмайди. Лекин Тоғай Муроднинг услугини тушуниш, ёзганларини ҳис қилиш учун унинг таржимаи ҳолига алоҳида тўхталиш керак бўлади. Ўқувчилар муаллифни шахс сифатида қанча яхши билсалар, унинг услугини, асарлари тилини шунча осон қабул қиласидилар. Ўзини яхши кўриб қолсалар, ёзганларини ҳам севиб ўқийдилар. Тоғай Мурод таржимаи ҳолини ўрганишга ажратилган дарсда ўқитувчи дарслиқдаги маълумотномага қўшимча равишда “Отамдан қолган далалар” китоби охирида берилган “Мен” автобиографик мақоласи ва “Мен қайтиб келаман” номли адаб ҳақидаги хотиралар китобидан фойдаланиши мумкин.

“Мен ўрта мактабни битириб, шундай ният этдим: ўттиз-ўттиз беш ёшларгача уйланмайман, оила қурмайман, бирор идорада фақат тирикчилик учун ишлайман.

Мен фақат бир мақсадни кўзладим: ўттиз-ўттиз беш ёшларгача жсаҳон адабиётини ўқиши. Фақат ўқиши, ўқиши, қўл қотиб қолмасин учун майдо-майдо ҳикоялар машқ этиб туриши.

Мен шу ният йўлида иморат солмадим, машина олмадим, мансаб эгалламадим, шон-шуҳрат қозонмадим.

Мен дунё талашмадим!

Фақат изландим, фақат ўқидим...

Бир чақасиз кунларим бўлди. Ижара ҳақини тўлай олмай ижарарадан ҳайдалмии кунларим бўлди. Боштанасиз

кунларим бўлди. Мен қишилогимга қайтдим.

Онам сандиқ ковлади. Латталар остидан бир тугунча олди. Тугунчадан беш-олти сўм пул чиқди... Бу пул... онамни... ўлимлик пули бўлди.

Мен деворни ушлаб қолдим.

– Олмайман... – дедим.

– Ол, сен шоир бўлсанг бўлди, ол, – деди онам.

– Йўқ... - дея бош чайқадим.

– Ол, сен шоир бўлмагунингча мен ўлмайман, – деди онам. – Мен сенинг шоирлигинги кўрмагунимча ўлмайман.

Мен тагин Тошкентга қайтиб келдим. Мен энди онамнинг ўлимлик пули билан тирикчилик кечира бошладим...

Мен гўдаклигимдан давраларда курашиб катта бўлдим. Полвонлик ажододимда бор, полвонлик қонимда бор...

Ниҳоятда... ниҳоятда саноқли кунларда “Юлдузлар мангу ёнади” номли биринчи қиссамни яратдим...

Қисса элга манзур бўлди. Ўзбекистон Ёзувчилари Уюшмаси ҳисобот йигилишида йилнинг энг яхши қиссаси, дея баҳоланди.

Кеч кузда юртимга йўл олдим. Узун қии кўпкарихона – иши жойим бўлди, чавандозлар – ҳамхонам бўлди, отлар – биродарим бўлди.

Ниҳоят кўкламда “От кишинаган оқиом” номли иккинчи қиссамни журналга кўтариб келдим...

Қисса адабиёт осмонида бир момақалдироқ бўлди. Ўзбекистон Ёзувчилари Уюшмаси ҳисобот йигилишида йилнинг энг яхши қиссаси, дея баҳоланди.

Мен бир қишини юртим чорбогида қишиладим. Сўфи Оллаёр бобо билан қабатма-қабат ётиб, “Ойдинда юрган одамлар” номли қисса битиб келдим.

Ўзбекистон Ёзувчилари Уюшмаси қиссаларимга Ойбек мукофотини бердилар...

Мен бу мукофот пулини зиндонлардан ахборот олиш учун сарфладим... Дала шийтонини макон этдим. Дехқонлар ўтирса – ўтирдим, дехқонлар турса – турдим. Мен дехқон бўлиб чигит экдим!

Мен дехқон билан пахта тердим... Сурхон далаларида олти ой кездим...

– Мен ўзбек халқига ҳайкал қўяман!

Ниҳоят, орзуларим оқибати – ушибу (“Отамдан қолган далалар”) роман бўлди...”¹

Мана шу лавҳа Тоғай Муроднинг кимлигини, қандай инсонлигини, қай йўсин элга манзур ёзувчи бўлганини ўз сўзлари орқали кўрсатиб беради. Хотиралар китобидан олинган тубандаги парчалар ҳам ўқувчиларнинг адаб ва унинг асари ҳақидаги тасаввурларини тиниклаштириши табиий:

“Бир суҳбатимизда Тогай: “Мен ҳеч кимдан қўрқмайман. Ҳар қандай зўравон билан тикка олиша оламан. Аммо китобхондан қўрқаман. Ўлай агар, жуда қўрқаман”, деганди...

“Юлдузлар мангу ёнади” деган биринчи қиссасини... Тогай танасидан чиқиб кетиб, ўзини ҳам, атрофидаги жами нарсаларни, одамларни, баҳору кузларни, қишу саратонларни, осмонни тўлдирган турналарни унугтиб, бир дарвеши қиёфасига кириб, далли девона бўлиб ёзди (Сайд Аҳмад).

“У бир қараашда ҳаддан зиёд гурури голиб йигитга ўхшарди. Бир қараашда қўпол, манман, ҳеч кимни назарига илмайдиган одамдай туюларди. Кейинроқ маълум бўлдики, Тогай Мурод манман эмас, аксинча кўнгли нозик, камчиликлари ҳам, фазилатлари ҳам ўзига хос, гаплашиши усуллари ҳам алоҳида бир дунё экан” (О. Ёкубов).

“Агар ёзувчининг ўзи шахс бўлмаса, у яратган асарлар ҳам бирор қийматга эга бўлмайди. Тогай Мурод асарлари унинг шахсини кўрсатиб туради...

“Юлдузлар мангу ёнади” қиссаси... фақатгина кураши ҳақида эмас, инсоннинг ори ҳақидаги китоб. Инсоннинг гурури, унинг нималарга қодирлиги ҳақида ёзилган мардона китобдир” (Маҳмуд Саъдий).

“Тогай Мурод дегани – тогдай мурод дегани,
Кетганилигин хабари – фиғон, фарёд дегани,
Келганида одамдай қувонган, кетганида –
Одамдан баланд уввос кўтарган от дегани.

...Одамлар-ов, кетар чогида юракларни ларзага солиб, бор дунёни йиғлатиб кетиши ҳам ҳамманинг қўлидан келадиган иши эмас. Демак, Тогайдаги бизнинг кўпчилигимизда

¹ Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. –Т.: “Шарқ” НМАК, 1994.

йўқ нимадир бор, бор эдида...” (Х. Худойбердиева).

“Тоғай Мурод адіб бўламан, деб Тошкентга келган эди, арбоб, раҳбар, сиёсатчи, вазир, сарой мирзоси бўлиб кўтарилимади. Нафсга сотилмади, амалга қул бўлмади, замонга, тузумга ялтоқланмади. Мен бундай метин иродали, қатъий сўзли, қатъий амалли адіб, фақат ёзувчилигини қилган, қилганда ҳам ёниб-куйиб, бошқа ҳеч нарсани ўйламай, энди дурдона бўлиб қолган асарларни яратган ўзбек ёзувчисини кейинги чорак асрда бошқа кўрмадим...

“Юлдузлар мангу ёнади” қисссасининг боши ҳикмати – ким дўстга хиёнат қилса, инсонларни алдаса, унинг алдови охир-оқибат ўзининг қисматига қўчади, ҳақиқатга айланади, адіб асари орқали сен нимани сўзда ўзингга раво кўрсанг, Ҳақ сенга шуни қисмат қилиб беради, деб ҳайқиради” (В. Файзуллоҳ)¹.

Ўқитувчи биринчи дарсни мана шу материаллар устида ишлаш билан якунлайди. Уй вазифаси сифатида “Тоғай Мурод шахсига муносабатим” мавзусида ихтиёрий уй иншоси ёзишни топшириш мумкин. Бундай иншони кўнглида адабиётга, бадиий сўзга мойиллиги бор ўқувчилар ёзадилар. Иншолар дикқат билан ўқилиши, улар ҳақида ўқитувчи томонидан мантиқли фикрлар айтилиши ижодкор ўқувчини руҳлантиради. Аллоҳ бадиий сўз битиш қобилиятини бериб қўйган ўқувчиларнинг иқтидорини шу тариқа ривожлантириб бориш ўқитувчи олдидаги энг катта вазифадир.

Тоғай Мурод ижодини ўрганишга ажратилган иккинчи ва учинчи соатлар она тили дарси ҳисобидан бир кунга бирлаштирилиб, ўқувчиларнинг асардан олган ҳайрат ва ҳаяжонлари тарқамай, туйғулари совумай туриб матн таҳлилига киришилса, уларнинг безовта руҳий ҳолатларидан маънавий камолот йўлида унумли фойдаланилган бўлади. “Юлдузлар мангу ёнади” қисссасининг “Адабиёт” дарслигида² берилган бобларини ифодали ўқиш учун таҳминан 45 дақиқа керак бўлади. Синфдаги барча ўқувчиларнинг асардан тўлиқ баҳраманд бўлишини

1 Мен қайтиб келаман. Тоғай Мурод замондошлиари хотирасида. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2007.

2 Ахмедов С. ва бошқ. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик-мажмуа. – Т.: “Маънавият”, 2005.

таъминлаш учун уни бошидан охир ўқитувчининг ўзи ўқиб бериши керак бўлади

Дарсликдаги матн ўз оҳангига ўқилиши, тўғрироғи, куйланиши керак. Ўқитувчи асарни ўқиш жараёнида болаларни сеҳрлай билиши, муаллифни ўқувчиларига севдириши шарт. Бунга ўқитувчи зўриқишиларсиз, ортиқча куч сарфламай, табиийлик билан эришади. Чунки кисса ўз қироат оҳангига билан туғилган. Фақат ўқитувчи адид туйғусини овозига кўчира билса бас. Бунинг учун муаллим уйда пухта тайёргарлик кўриши, ажратилган вақт ичидаги асар матнининг қаерини қай алфозда ўқишини аниқлаб олиши керак бўлади.

Йиллар давомида ўқувчилар ўқиб таҳлил қилган бадиий асарларнинг услуби бир-бирига анча яқин. Ўқувчилар шу услугуга ўрганиб қолишган. Лекин Тоғай Муроднинг услуби тамомила янгича бўлгани учун унинг ўзига хос тили болаларга эриш туюлиши, улар ўрганмаган такрорлар салғашларини келтириши мумкин. Шунинг учун ўқитувчи эҳтиёт бўлиши, ўқиш жараёнида такрорлар талаб қилаётган оҳангни топа олиши зарур. Асарни ўқий бошлишдан олдин, ёзувчи ижодининг ўзига хос жиҳатларига қисқача изоҳ бериши мақсадга мувофиқ бўлади.

Дарсликда асардан берилган боблар ўқиб бўлингач, ўқитувчи “Бўри полвон яхши одам, зўр курашчи, лекин ёмон ота!” шаклида ёхуд шунга ўхшаш йўсинда ўқувчиларни руҳий мувозанатдан чиқариб, фикрлашга йўналтирадиган, болаларнинг эътиrozларини қўзғаб, полвон бобо ҳимоясига отилиб чиқишига мажбур қиласиган муаммоли масалани ўртага ташлаши мумкин.

Бўри полвоннинг кўнгил дардлари, мағрур инсоннинг мағлубият аламлари қуршовида чеккан изтироби ўз туйғуларига айланган, ҳар бир курашчининг орини ўз ори билиб ёндашаётган баковул бобонинг ҳалоллигини, орчиллигини туйиб турган, даврага тушаётган полвонларнинг ҳар бирига хос кечинмалар юракларини тебратган ўқувчилар Бўри полвоннинг ёмон ота эмаслигини исботлашга уриниши табиий. Бўри полвон – кимнингдир ҳимоясига муҳтоҷ қаҳрамон эмас. Лекин ўқувчилар ўзлари шундай одамларнинг фазилатларини кўра билишга,

уларни қадрлашга, ҳимоя қилишга, зарурат туғилгандың үз фикрлари учун курашишга, таъбир жоиз бўлса, уларга ўхшашга эҳтиёжманд шахслар бўлиб шаклланишлари учун уни туйишлари зарур бўлади. Бу уларнинг маънавий камолотлари белгиси, адабиёт дарсларининг вазифасидир.

Шу муаммо атрофида мулоҳаза юритиб ҳам асарнинг таҳлилини тўлиқ амалга ошириш мумкин. Лекин муҳокама “боши берк кўча”га кириб қолса ёки масаланинг моҳияти очилмай фикрлар тугаб қолса, таҳлил якунига етиши учун ўқитувчи вазиятдан келиб чиқиб ҳар хил қўшимча саволларни ўртага ташлаб, баҳсни давом эттириши керак бўлади. Токи, ўқувчи Бўри полвондек баланд инсонлар ҳар қандай вазиятда, ҳатто, ўз жигаргўшаси, жонидан азиз фарзанди тақдири билан боғлиқ бўлганда ҳам ҳалолликдан юз ўғиролмаслигини, манфаатни оридан юқори қўя олмаслигини англаб етсин. Ўқитувчи савол-топшириқлар ёрдамида ўқувчиларини полвон бобони англаб етишга йўналтириши керак. Болаларнинг ўзлари ҳукм-хуносаса чиқариб, маълум тўхтамга келгани уларда шахслик сифатларининг шакллана бошлаганидан далолатdir.

Ўқувчилар асарнинг моҳиятига тўлиқ киришлари учун ўқитувчи дарсликдагига қўшимча савол-топшириқлар тайёрлаши, уларни кетма-кет ўртага ташлаб, ўқувчилар билан ҳамкорликда жавоб излаб, уларни муносабат билдиришга йўналтириши лозим. Бундан ташқари, ушбу жараёнда тарбияланувчиларнинг фикри қай даражада асосланганига, нимага таяниб щундай дейишаётганига дикқат қилиб туриш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Асар таҳлилига киришиб, Садир полвон спорт устаси Максим полвон билан даврага чиқмаганда шўрчиликларнинг “илкис пичинги” Бўри полвонга нима учун бунча қаттиқ теккани, Амир полвоннинг жавобидан “меҳмонлар олдида изза бўлгани”нинг сабаблари ҳақида ўқувчиларнинг фикри сўралади. Бу Бўри полвон табиатидаги қандай хислатдан далолат беради? Ўқувчилар бу саволга жавобни матндан излаб топишлари, муносабат билдиришлари керак бўлади.

Кекса Нормурод полвонни даврага етаклаб чиқсан туйғу ҳақида фикр айтиш учун шу лавҳани қайта ўқиб чиқишга тўғри келади. Бу бир даражада вақтни олсада, асарни

тўлиқ ҳазм қилишнинг энг самарали йўли. “Нормурод полвонни даврага тушишга ундаган куч нима? Ҳар иккала полвон бобо ўртасида қандай тафовут борлиги ҳақида ўйлаб кўринг. Полвонларнинг қай бири орчилроқ?” савол-топшириқлари ўқувчиларни иккала полвонни қиёслаб ўрганишга йўналтиради. Боболарнинг табиатини англашга туртки бўлади.

XIX бобда Бўри полвоннинг: “Халқ нимаси билан халқ? Ўзининг урф-одатлари билан халқ! Ота-бобосидан қолган миллий анъаналари билан халқ!... ...Авлодлар алмашган сайин... юрак ўқолиб боряпти. Жасад бор! Ақл бор! Юрак ўйқ! Тўрт муча бор! Куч-қувват бор! Юрак ўйқ! Фарзандлар ҳаётга бепарво қарайди. Мусибат билан хурсандчиликнинг фарқига бормайди...”¹ деган фикри бор. Ўқувчилар полвон бобонинг бу қарашлари устида мулоҳаза юритишлари керак: “Ҳозирда ўқолиб бораётган урф-одатларимиз қайсилар? Бунинг сабабчилари кимлар? “Юрак” деганда Бўри полвон нимани назарда тутаётган бўлиши мумкин? У ҳақми ёки ноҳақми? Бугунги авлод, яъни синфдаги ўқувчилар мусибат билан хурсандчиликнинг фарқига боролмаслиги ростми? Агар шундай бўлса бунинг сабаби нимада?” сингари савол-топшириқлар кўмагида ўқувчилар бу қарашларнинг моҳиятини англашга уринадилар. Бўри полвон тилидан айтилган бу ҳикматона сўзларга ким қўшилади, кимдир қўшилмайди, лекин ҳар бир ўқувчи нега шундай хулосага келганини асослаб беришга уринади.

Бўри полвон ҳам ҳом сут эмган банда сифатида хатоларга йўл қўйган. Унинг бу камчилиги ёш Исмоил полвонга муносабати тасвиirlанган қалтис ва таҳликали лавҳалар таҳлили асносида кўзга ташланади. Шу ўринда ўқувчилар дикқатини Тоғай Муроднинг ёзувчилик маҳоратига қаратиш мақсадга мувофиқ. Одатда, бадиий асарларда ижобий образлар гўзал, ҳеч қандай камчиликларсиз тасвиirlанади. Аслида идеал даражада яхши одам бўлмагани сингари том маънода ёмон одам ҳам ўйқ. Ҳар бир инсоннинг ўзига яраша фазилат ва иллатлари мавжуд. Мукаммаллик фақат Аллоҳга хос. Бўри полвоннинг Исмоил полвонни менсимай

1 Ахмедов С. ва бошк. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик-мажмуа. – Т.: “Маънавият”, 2005. 291-бет.

қилган хатти-харакатларига асосланган ҳолда одамнинг бир зумлик манманлиги бир умрлик даҳшатли оқибатларга олиб келиши мумкин экани тадқиқ этилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқитувчи томонидан: “Хўш, нима деб ўйлайсиз, Исмоил полвон ҳақиқатдан ҳам зўр полвонмиди ёки бу мағлубиятнинг бошқа сабаблари борми?” тарзида даврага ташланган саволга жавоб излаш жараёнида ўқувчилар Бўри полвондай мағрур, орчил эр йигитнинг “хўнг-хўнг йиғлашига”, “сел-себор йиғлашига” диққат қиласидилар. Уни ҳис қилганлари, тушуна борганлари сари унинг учун диллари оғриб, у билан бирга Исмоил полвонни таъқиб қилишади. Бадий асарнинг, адабиёт дарсларининг қудрати ҳам ана шунда. Бўри полвоннинг Исмоил полвонни тинимсиз таъқиб қилиши, унинг эса рақиби келган давралардан қочиб юриши сабаблари ҳақида мулоҳаза юритиш ҳам ўқувчиларга полвонларнинг қай бири ким эканлигини аниқлаб олишга ёрдам беради. Бўри полвоннинг Исмоилни даврада тутган пайтидаги полвонлик ва зафар ҳақидаги мулоҳазаларига ўқувчиларнинг диққатини қаратиш ўринлидир. Бу гаплар фақат полвонликка эмас, балки инсоннинг барча ишларига, жамики турмушига қай даражада тааллуқли эканлигини ўйлаб кўриш ҳам маънавий камолот учун фойдали бўлади.

Тоғай Муроднинг: “*Полвон хоҳиши-ирода билан олишиса, ўзининг намаларга қодирлигини намойиши этса, санъатини намойиши этса, зафар ўз-ўзидан келади!.. Полвон ўз курашидан ўзи завқланса, зафар ўз-ўзидан ёр бўлади!*” тарзидаги ҳикматнамо хулосаларини шарҳлашга уриниб кўриш, уларни Бўри полвон шахси билан боғлаш ўқувчиларнинг тафаккурини теранлаштиради. Бўри полвоннинг сўнгти кураши жараёнидаги эътирофлари ҳам ўқувчилар назаридан четда қолиб кетишига асло йўл қўйиб бўлмайди: “*Боиси зўрга ҳамма ҳавас билан қарайди. Зўрнинг санъатини, ўнгу чапини миридан сиригача синчиклаб ўрганади. Зўрга тақлид қилиб, ўшандай зўр бўлгилари келади. Зўр-чи? Зўр ўзгаларни билмайди. Айниқса, ўзидан кучсизларни билмайди! Билгисида келмайди! Боиси, кўзга шимайди. Зўрнинг тагин бир фоҳсиаси – зўр мағлубият аламини кам тотади. Зўр – зафар оғушида яшайди. Йўқ, ўр мағлубиятлар аламинида тотиб туриши лозим!*” Зўр учун

мағлубият зафар қатори баб-баравар зарур! Айниңса, үзига ишонган зұрга! Мағрур зұрга!” Қаҳрамоннинг зүр ҳақидағы қараашлари мұхокама объекті бўлиши керак.

Ўқувчилар диққати Исломнинг даврадаги хатти-харакатлари, Бўри полвоннинг отаси руҳидан ўтинчига, унинг инсон ҳамиша хүшёр яшаши лозим деган холосасига тортилади. Бўри полвоннинг туйгулари – у ёки бу дараражада ҳар бир инсонга, шу жумладан, ҳар бир ўқувчига ҳам хос. Ўқитувчи шу ҳолатни савол-топшириклар қўмагида ўқувчиларга илгатиб қўйиши фойдадан ҳоли бўлмайди.

“Ислом полвон юлдуз санади!.. Ҳай-ҳай-ҳай! Ёшлик – ёшлигини, кўпни кўрганлик – кўпни кўрганлигини қилди! Тажриба! Тажрибазафар қозонди!” деган фикр ҳам диққатга сазовор. “Бўри полвоннинг ғалабасида тажрибалилиги курашнинг қайси лавҳасида назарга ташланади? Нима деб ўйлайсиз, полвоннинг ғалабасида тажрибадан бошқа яна нима бор?” Ўқувчилар шу ҳақда ҳам ўйлаб кўрсалар, зарар қилмайди.

Бўри полвоннинг уйланиш борасидаги мезонлари ҳам бўлакча. У Сулувнинг қайси фазилатларига таяниб уни үзига аёлликка танлагани ҳақида ўйлаб кўриш ҳам ичдан баланд одамларнинг шахсиятини очишга кўмаклашади: “*Бўри полвон ана шу қизни кўз остига олди. Сулув Бўри полвон кўнглига ўтириб қолди. Кўнглига ўтиргани – Сулув эркак зоти кўзига тик қарамади*”. Бугунги олтинчи синф ўқувчилари Бўри полвоннинг бу қараашларини тушунишлари бир қадар қийиндир. Лекин бу тасвир моҳиятида нима ётганини англашиб қўйиши уларнинг камолоти учун жуда зарур.

Бўри полвон ёлғиз ўғли – Тиловбердини қандай тарбия қилганига диққат қилиниши, айни вақтда, асарнинг кейинги бобларидаги ота-ўғил полвонларнинг мураккаб ва үзига хос муносабатлари тасвири мұхокама қилиниши лозим. Буларни ўқитувчи дарсга тайёрланиш жараённан белгилаб қўйиши керак. Савол-топшириқ асносидағи таҳлил мобайнида Тиловбердининг шахсияти ва хатти-харакатларига ҳам диққат қилиниб, унинг тутумларидаги отасиникига ўхшаш ва фарқли жиҳатлар ҳақида мuloҳаза юритилиши даркор. Тиловбердининг ғалабасидан “тотли-тотли” кулимсираган

полвон отанинг керилиб-керилиб теваракка қарashi, фахрланиши ва кўнглидан ўтган ўйлари ҳам ўқувчиларнинг назаридан қолиб кетмаслиги ва таҳдилга тортилиши жоиз.

Абрај полвоннинг кимлигини билган полвон бобо туйган ҳислар назардан яширин қолмай таҳдилга тортилиши ўқувчиларнинг Бўри полвон шахсияти ҳақидаги қарашларини янада тўлдиради. Бўри полвонда ўғлини Абрај полвон билан олиштириш истаги туғилганлигининг сабаби борасида ҳам ўйлаб кўриш лозим: “Нима деб ўйлайсиз, нега полвон бобода шундай истак пайдо бўлди?” Бошқа ҳамма учун шунчаки кураш бўлиб туюлган бу олишув полвон бобо учун ҳаёт-мамот масаласи эканини ўқувчилар англаб етишига эришиш ўқитувчи учун жуда муҳим. Гарчи полвон ўғлонлар хаёлларига ҳам келтирмаган бўлсаларда, оталар учун бу олишув яхшилик ва ёмонлик, ҳалоллик ва фирромлик ўртасидаги омонсиз жанг эди. Ўқитувчи шу мавзу атрофида баҳслашаётган болаларини кузатаркан, “Тиловбердининг мағлубияти эзгуликнинг енгилиши бўлиб кўринмаяптимикин?” деган масалага диққат қилиши керак бўлади. Ҳақ йўли шу қадар поёнсиз ва тошлики, унда манзилга осонлик билан етишиб бўлмайди. Азблар билан, машаққатлар торта-торта борилгани учун ҳам эзуликнинг манзили муқаддас, ғалаба нашидаси тотлидир.

Бўри полвон йигитлик армони Момоқизнинг хушсувлар ўғлига меҳр билан муносабатда бўлади ва айни вақтда, Абрај полвоннинг Тиловбердидан ҳайикқандай туриши полвон бобони шодлантиради. Ўқувчилар Бўри полвоннинг зийраклигига ҳам диққат қаратишлари жоиз: “Абрај полвоннинг Тиловберди полвондан ҳайикаётганини ота нималарда кўрди?” Ўқувчилар инсон табиатидаги шундай чигал жихатларни пайқашга, бунинг сабаблари ҳақида ўйлаб кўришга, муносабат билдиришга савол-топшириклар кўмагида йўналтирилиши керак. Ўқувчилар Тиловбердининг бутун давра тан олган ғалабасини отаси Бўри полвон бекор қилишининг сабаблари ҳақида ўйлаб кўришлари, бунинг ҳаётий-маънавий асосларини излашлари зарур. Мазкур кураш тасвирланган: “*Тиловберди полвон Абрај полвоннинг кўзларига тикилди: Абрај полвон кўзлари ҳайиқди! Ана энди ҳамлага ўтса бўлади!*” ифодаларига

таяниб, Бўри полвоннинг ўғлида ота тарбияси изларини илғаш ўқувчиларга ғоят зарур.

Таҳлил жараёнида Абрайнинг йиқилиши лавҳаси қайта ўқилади: “*Тиловберди полвон ўнг қўли билан Абрайнинг ёқасидан ушлади. Ичидан чил берди. Шиддат билан кетига сурди. Абрай полвон кетига силтанглаб-силтанглаб борди. Кимнингдир фонусига қоқилиб кетди. Одамлар устига чалқанча тушди*”. Мана шу тасвирга ўқувчиларнинг муносабати аниқланади. Суҳбатдошлардан кимдир халқ томони, кимдир Бўри полвон тарафида бўлиши табиий. Ўқувчилардан эса ўз хулосаларини асослаш талаб қилинади. Бўри полвон нима учун бошқалар сингари Тиловбердининг ғалабасини тан олиб қўя қолмагани ҳақида ўйлаб кўриш зарур. Ахир Тиловберди унинг жонидан ҳам азиз фарзанди, унинг ғалабаси Бўри полвон учун ҳаёт-мамот масаласи экани маълум. Тиловберди Абрай полвонни йиқитди, ўзи ҳам ғалабасига ишонди, халойиқ тан олиб “Ҳал-о-о-ол!” деб қичқиряпти. Полвоннинг ҳақи берилишини талаб қилаётган шароитда Бўри полвонга: “...Тиловберди полвон Абрай полвонни йиқитолмади! ...Тиловберди полвоннинг йиқитгани бекор!” дейиш осон бўлдимикин? У нега фарзандининг ғалабасини тан ололмади?” Болалар шу саволлар устида мулоҳаза юритсалар, Полвон бобонинг эътиқоди шубҳали ғалабани, чала ҳақиқатни қабул қила олмаслигини тушунадилар. У шубҳа қолдирмайдиган тарзда қозонилган ғалабанигина тан олиши ўқувчилар томонидан ҳис этилади.

Бўри полвоннинг: “*Полвон полвонни осмоннинг кўкига отсаям бекор! Полвонмисан – ернинг устига йиқит!*” деган талаби унинг қанчалар ҳалол, ҳақиқатпеша эканидан далолат беради. Сал шубҳа туғилгани сабабли, бу ғалаба унинг ўзи учун ҳаммага қараганда зарурроқ бўлса-да, виждонига хиёнат қилмаслиги, бундай ғалабадан завқланолмаслиги сингари жиҳатлар ҳақида мулоҳаза юритиш ўзгалар хатти-ҳаракатини таҳлил қилиш орқали ўз руҳий комиллиги сари интилиш имконини беради. Шундай шахслар руҳиятини таъсирчан ва юкумли акс эттирган адибнинг маҳоратига тан бериш лозим. Бундай юксак маънавий сифатларни ўзгаларга таъсир қиласиган, уларнида мувозанатдан чиқара оладиган

тарзда тасвирлаш, юқтириш улкан талант эгасининггина кўлидан келади.

Бўри полвоннинг ҳалол ҳакамлиги аввалги лавҳаларда ҳам кўринганига, ўқувчилар Тиловбердининг “*Тавба, тағин ота эмиси бу одам!*” дея отасидан норози бўлиши ўринли эмаслигига, унга ўқрайиб, қобоғини уйиб қараши ноўрин эканига асардан асос топишлари уларнинг тафаккури мантиқли ва теран бўлишини таъминлайди. Ўқувчилар Тиловбердининг ўрнига ўзларини кўйиб кўришсин. Унида тушунишга ҳаракат қилишсин.

Бўри полвоннинг ўглига йўл-йўриқ кўрсатишга уриниб: “*Нимага иддао қиласан? Нима, ҳаромни ҳалол деб имонимдан кечайинми? Полвон бўлсанг, ҳалол йиқит! Кўп терсайма! Сездингми, Абрај кўкракларини бериб олишяйти! Ёқасидан жуфт қилиб ушлаб, тиккасига ягринга ол-чи. Магарам ошиб кетса! Олаётганингда ё, отамнинг пири, де! Тайин айт, бор...*” каби берган маслаҳати ўғилни ҳийла тетиклантириди. Лекин: “*Отаси ўнги ягрини бўлди, боласи ўнги учкоси бўлди. Қийин, оталар санъатини ишлатиш қийин!*” Бу тасвирлар Тоғай Муроднинг кураш ҳадисини канчалар яхши билишини кўрсатиб турибди.

Даврадаги таҳликали олишув жараёни, бутун хўжасоатликларнинг Тиловберди хатосини пайқаб туриши, полвон отанинг ўғил хатосини кўриб туриб унга кўмак беролмай, тасбеҳини “шиқ, шик” этиб ташлаши, шу жараёнда кўнглидан кечирган изтироблари ўқувчиларнинг шууридан бирма-бир ўтиши учун шу лавҳани ўқитувчи қайта ўқиб бериши керак бўлади. “Тиловбердининг хатоси нимадан иборат бўлди? У қаерда хатога йўл кўйди?” саволи сухбат иштирокчилари диққатини яна асар матнига йўналтиради. Ўттиз етгинчи бобда ушбу саволнинг жавоби берилган. Асар моҳиятига доир савол-топшириқлар ечимини топиш болаларни матн ичига олиб кириб, фикрлашга ўргатади, хулосалар чиқаришга йўналтиради.

Ўқувчилар томонидан Тиловберди полвоннинг маглубиятига отасидан аразлаганими ёки Абрај полвоннинг чинакам зўрлиги сабаб бўлгани ҳақида ўйлаб кўрилиши уларнинг маънавий камолоти учун катта аҳамият касб этади. Тиловбердининг мағлубияти Бўри полвонга қандай таъсир

қилгани тасвирланган ўринлар ўқитувчи томонидан қайта ўқиб берилгани маъкул. Ўғилнинг отаси ҳақида: “*Отамиз ниятига етди! Отамиз бор экан, бизга ганимнинг кераги йўқ!*” сингари хulosасига ўқувчилар муносабати сўралади: “Отанинг нияти шумиди? Ўғилнинг бундай ўйларига сабаб нимада деб ўйлайсиз?”

Ўқувчиларнинг эътибори Бўри полвондай мағрур, мард бобонинг “ёноқларидан маржон-маржон ёшлилар” оқиши уларнинг рухиятида қандай туйфулар қўзғаганини аниқлашга қаратилади. Қиссада Бўри полвонинг бутун умри тасвирланган. У ҳаёти давомида икки марта йиглади: бири ўзи И smoил полвон устидан ғалаба қозонган кунда, иккинчиси ўғлининг мағлубияти кунида. Бири – ғалаба, иккинчиси – мағлубият кўз ёшлари. Ҳар иккиси ҳам Бўри полвондай руҳан курдатли одамга ярашиқли йиги. Шу каби ҳақиқатлар ўқувчиларнинг ҳам кўнглидан ўтса, адабиёт дарслари ўз самарасини бераётган бўлади.

Суҳбат иштирокчиларининг диққати Бўри полвон шундай оғир вазиятда нима учун болалик дўсти Насимни ёдга олганига қаратилиши инсон шахси табиатининг чуқурроқ англанишига кўмаклашади. Демак, инсон энг оғир дамларда кўнгилдош дўст, дарддош, “болалик ошна”га эҳтиёж сезади.

Одамзод ҳаёт экан, юлдузлар мангу ёнгани сингари эзгуликнинг ёвузлик, инсофсизлик, хиёнатга қарши кураши ҳам мангу давом этади. Полвон бобо кўнглидан кечган покиза, баланд, ёруг ўйлар ўқувчиларда эзгу маънавий сифатлар шакллантиришга катта ҳисса қўшиши шубҳасиз.

2008.

“МУЗҚАЙМОҚ” ҲИКОЯСИНИ ЎРГАНИШ

Олтинчи синф “Адабиёт” дарслигида улуғ ёзувчи Одил Ёқубовнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ихчам маълумот берилган. Ўрганилиши лозим бўлган “Музқаймоқ” ҳикояси ҳам худди Эркин Воҳидовнинг “Нидо” достони сингари қайсиdir даражада автобиографик характерга эга. Шунинг учун ҳам бу мақолани ўқиб келиш аввалги дарснинг охирида

уй вазифаси сифатида топширилади. Биринчи дарсда адаб шахсини очишга, унинг оғир болалик йиллари ҳақида тасаввур пайдо қилишга озгина вақт ажратиласди. Ўқувчилар эътибори “Музқаймоқ”да акс этган тарихий шароит, адабнинг болалигидаги қатагон йилларида юз берган адолатсизлик ва ёвузыклар унинг шахси шаклланишига, ёзувчилик тақдиррида қандай из қолдирганига қаратилиши мақбул бўлади.

“Музқаймоқ” ҳикоясини ўрганишга икки соат ажратилган. Ҳикоя дарсликда анча қисқартириб берилган. Бу ҳол ўқитувчини дарсликдаги “Музқаймоқ” ҳикояси ҳақида” номли назарий-филологик йўналишдаги мақолага кўпроқ урғу бериб, ўқувчиларни дарслик муаллифларининг асар ҳақидаги фикрларига эргаштиришга, улар чиқарган тайёр хуносаларни қабул қилишга йўналтиришга мажбур қиласди. Қолаверса, дарсликдаги қисқартирилган ҳикоя матни устида батафсилроқ ишлашнинг имкони ҳам йўқ. Чунки О. Ёқубов биографияси, ҳикоя ва у ҳақдаги мақола юзасидан бор-йўғи ўн битта савол-топшириқ (улардан фақат бештаси бевосита ҳикоя матнига дахлдор) тақдим этилган. Шу нарса ҳам борки, “Ҳибсга олган отанинг ҳолатини сўзлаб бериш” ёки “Ҳикоя қаҳрамони нима учун мақтov эшишти?” сингари олтинчи синф ёшидаги боладан асар матнини қайта ҳикоялашни талаб қилувчи саволлар ўқувчининг ёши ва интеллектуал имкониятларидан орқада. Бундай саволлар ахборот оқими ривожланган даврнинг 12-13 ёшли ўқувчисига акс таъсир кўрсатиб, унинг фикрий ва руҳий фаолиятини тормозлаши мумкин. Бугун бундай саволлар бошланғич синфлар дастлабки босқичи – 1-2-синфларнинг “Ўқишиш китоби” дарсликларига мос келади. Таълим жараёни ўқувчиларнинг умумий ақлий-руҳий ҳолатини ҳисобга ола билиши керак.

Шу мъянода, ташаббускор, ўқувчиларининг эртаси учун безовта бўлган ўқитувчилар ҳикоянинг асл матнини топишлари ва дарсда шу асосда иш олиб боришлари адабий таълимнинг мақсадига мувофиқ бўлади.

Ҳикоя ҳажми каттароқ бўлиб, уни бир соатда ўқиб чиқиши мушкул. Шунинг учун биринчи дарс адабнинг ўқувчилар томонидан мустақил равишда ўқиб келинган

таржимаи ҳоли ёрдамида унинг шахсини кашиф қилиш билан бошланиб, ҳикоянинг “...тенгдошларим ёнидан катта құчага отилдим...” жумласигача бўлган қисмини ўқиши билан якунланади. Унинг шу қисми билан танишишга 25–28 дақиқа керак бўлади. Қолган қисми, агар болаларга ишонилса, уйда ўқиб келиш учун топширилади. Ёки ўқитувчи бошқа мавзулар ҳисобидан ортиб қолган соатлардан шу ўринда фойдаланиши мумкин. Кейинги дарс тўлиқ асар матни устида ишлашга бағишиланади. Асар матнига доир бир қатор савол-топшириқларга таяниб, асар бадиий таҳлилга тортилади.

Ўқувчиларга ёзувчи таржимаи ҳолига доир дарсликда берилган маълумотларни қайтаришга вақт сарфлаб ўтирумай, қуидаги хотираларни келтириш болаларнинг адаб ҳақидағи тасаввурларини бойитади, асарни чуқурроқ англаш имконини беради: “...Кишилоққа келгач, мен олтинчи синфга қатнай бошладим. Бу сафар ҳам омад ёр бўлиб, ҳаёт мени ўз қасбларини ниҳоятда севган, ниҳоятда зиёли адабиёт муаллимларига рўпара қилди. Улар – Маматамин Маҳмудов ва Сулаймон Амирор – ўта билагон, ўта зиёли, шоиртабиат кишилар эди.

Биринчи адабиёт дарси ҳеч эсимдан чиқмайди. Синфга жуда сипо кийинган, қотмадан келган хушиқад, хуисурат одам кириб келди. У доска олдида тўхтаб, бирдан сукутга чўмган синфга бир зум тикилиб турдида, қисқа қилиб: “Пушкин. “Кавказ асири”, деди. Сўнг достонни ёддан ўқий кетди. Кейинчалик мен шеърни ёддан ўқийдиган кўп шоирлар ва артистларни кўрдим, уларнинг шеър ўқиии услубларидан завқландим, аммо, назаримда, бутун бир достонни бошдан-оёқ ёд ўқиган ўқитувчини учратмадим, шеърни бунчалик тиник, санъаткорона ўқийдиган муаллимни кўрмадим. Иккинчи адабиёт ўқитувчим Сулаймон ака эса, ўзи ҳам шеър ёзадиган, Чўлпон, Ҳамид Олимжон, Миртемирлар билан кўп йиллар мулоқотда бўлган, мумтоз адабиётни ёддан ўқийдиган, ниҳоятда соддадил, пок, ҳалол инсон эди. Улар менга она тилимизнинг бутун нафосати ва назокатини, ўзига хос бетакрор латофатини, инсон қалбининг энг нозик тебранишларини ифода эта олии қудратини, матал ва мақолларга бойлигини, қўйинги, барча гўзал хислатларини

очиб бердилар, она тилига меҳр – бу инсонга, она Ватанга меҳр эканини ўргатдилар, уни ёш қалбимга тоабад муҳрладилар.

...1945 йилнинг январь ойида қишиловимиздан бир йўла қўирқ йигит фронтга кетадиган бўлди. Булар уруши йиллари бирга ўроқ ўрган, бирга машоқ терган, “эшак карвонлар”да бирга галла ташиган бўз болалар эди.

Мен асли 1927 йилда туғилганман. Лекин уруши йиллари этик билан сув кечиб, ҳамма қийинчиликларни ўртоқлашган ёр-биродарларимдан айрилиб, қишилоқда бош кўтариб юришига ор қилдиму, туман ҳарбий комиссариатига бориб: “Қишилоқ совети китобида ёшим нотўғри ёзилган, аслида йигирма олтинчи йилда туғилганман”, деб арз қилдим. Ҳарбий комиссаримиз урушдан бир оёгини йўқотиб келган, қўлтиқтаёқ билан аранг юрадиган шиддатли бир одам эди. Унга менинг арзим шу қадар ёқдики, армияга чақирилган йигитларни сафга тизиб (улар орасида ёшини яшириб, аллақачон уйланган, ҳатто бола-чақали бўлиб олган “ўстрирнлар” ҳам оз эмас эди), мени ҳаммага ибрат қилиб кўрсатди. Ҳуллас, шу тарзда шўрлик ойим ва опамларни зор йиглатиб, урушига кетдим. Ўрол дарёси соҳилларидағи ўрмонзорларда тиззадан қор кечиб ҳарбий мактабни ўтадик. Бир кечада эшелонларга ўтқазиб, Узоқ Шарқ томон олиб кетишди. Мўгулистаннинг Гоби саҳроси ва Хинган тошлиридан яёв ўтиб, қарийб бир ой дегандা, машҳур Квантун армиясининг орқасига чиқиб олдик. Япон империалистларига қарши уруши эълон қилинганда, биз аллақачон Квантун армиясининг орқасида шай турардик. Оқибатда, уруши кўпга чўзилмади, бир ойга бормасданоқ Квантун армияси тор-мор қилиниб, таслимга маҳкум этилди.

...У чоғларда ҳарбий хизмат ҳозиргиdek, икки йил эмас, аллақандай муддатсиз эди. ...Ниҳоят, 1950 йилнинг кеч кузида хизматдан бўшаб, қишилоққа қайтиб келдим ва ўрта мактабнинг ўнинчи синфига ўқишига кирдим...

Асар таҳлил жараёнида, зарурат бўлганда (гарчи ўқувчилар унинг матни билан тўлиқ таниш бўлсаларда), ўқитувчи ҳикоянинг эътибор қаратилиши лозим бўлган ўринларини қайта ўқиб бериши мақсадга мувофик бўлади.

Ўқувчиларнинг эътибори ҳикоянинг иккинчи хатбошисида қопга солиб бекитиб ташлаган китобларга тортилади. Болалар ҳикояни ўқиганларида ўша даврдаги тарихий шароит ҳақида қисман тасаввурга эга бўлдилар. Уларни ўша билганлари асосида ушбу ҳолатга муносабат билдиришга ундаш лозим. Ҳикоя қаҳрамонининг дадаси китобларни нима учун яшириб қўйғанлиги ҳақида ўқувчилар ўйлаб қўришсин. Китоблардаги суратларнинг аянчли ҳолати саволга айлантирилса ва ўқувчилар матнга таянган ҳолда бунинг сабабларини очиб беришга уринсалар, мақсадга мувофиқ бўлади. Шу тариқа, беихтиёр ҳикоя мазмунига кириб борадилар.

Ўқувчилар асар қаҳрамони бўлган боланинг меҳмон келишидан олдинги кўнгил нотинчлигига диққат қилишса, ҳикоя тасвиридаги табиийлик намоён бўлади. Инсон кўнгли баъзан содир бўладиган хурсандчилик ёки нохушликни олдиндан сезиб, безовталанади. Бундай ҳолат билан болалар ҳам ўзларининг қисқагина ҳаётий тажрибаларида, агар ўзларини кузатган бўлсалар, тўқнашган бўлишлари мумкин. Фақат бунга ҳамиша ҳам эътибор берилавермайди.

Ҳикояда уйларига меҳмон келганининг хабарини етказишга борган боласига отанинг: “*Юр, болам! Сенга битта музқаймоқ олиб берай!*”, деган гапи келтирилган. Ўқувчилар отанинг чехраси ёришиб, боласи бошини силаб шундай деётгани сабабини очишга уриниб кўрганлари мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун: “Ота уйларига меҳмон келганидан хурсанд бўлиб ўғлига музқаймоқ олиб бермоқчи бўлдими ёки табиатан шунаقا меҳрибон, юмшоқ одаммиди?” саволини муҳокамага қўйиш кифоя. “Ҳикоянинг “Музқаймоқ” деб номланишига сабаб отанинг мана шу таклифими ёки бошқа бирор асос борми?” тарзидаги саволнинг қўйилиши ҳам ўқувчиларни асар устида жиддий мулоҳаза юритишга ундейди.

Ўқувчилар ҳикоянинг бошқача номланиши мақсадга мувофиқ эмаслигини муаллимларига асослаб беришга уринишлари, шундай асосни матндан қидириб топишлари, асарнинг бундан бошқача номланиши кутилган маънавий-рухий таъсирни бермаслигини исботлашга харакат қилишлари жуда муҳим. Дарсда бу саволларга ҳаммани

қониқтирадиган жавоб дарҳол топилмаслиги аниқ, лекин жавобсизлик болаларни шу ҳақда кейин ҳам ўйлаб юришига ундашида бор гап. Бу билан бола мантиқий мушоҳада юритишига йўналтирилади. Ўқитувчининг ўз қатъий, ҳал қилувчи фикрини айтиши адабий таълимнинг бугунги мақсадига асло мувофиқ келмайди. Асарни ўқувчи ўзи учун ўзи кашф қилмоғи лозим.

“Дийдаси қаттиқ” дадага муносабатни мушоҳада қилишга ундовчи: “Боланинг дадасини ўта баджахл одам деб тасаввур қилиши тўғрими?” деган савол ўргага ташланиб, имкон қадар кўпроқ болаларнинг фикрлари эшитилиши керак. Бу саволга жавобни мавхум мулоҳазалар орқали эмас, балки ҳикоя матнига асосланиб тоиишга уриниш лозим. Шунда улар бу ҳолат аслида отанинг тинимсиз давом этаётган: “...ур қалтак, сур қалтак тагидан чиқолмай, ишдан ҳайдала-ҳайдала, охир пировардида, қишилоққа қайтиб, уйда кўкрагини захга бериб ётган пайлар” даги кайфиятидан эканини илгайдилар. Ўқувчилар инсон кайфияти ҳамиша бир хил бўлавермаслиги, ҳаёт ҳодисалари инсон кайфиятига кучли таъсир кўрсатишини англайдилар. Болаларнинг ўз фикрини лўнда, аниқ ифодалашларига, такрорларга йўл қўймасликларига эришиш мухим аҳамият касб этади. Ўқитувчи буни ҳамиша назорат қилиши керак.

Ҳикоя таҳлили асносида ўқувчиларнинг олдига қўйилган: “Графинни синдириб қўйган ўғлига берган жазоси отанинг асл қиёфасини билдирадими?” тарзидаги саволга уларнинг жавоб топишлари мухим. Бунинг учун болалар матндан отанинг асл қиёфасини намойиш этувчи ўринларни, унинг асабий ҳолати сабабларини очиб берувчи тасвиirlарни қидириб топишлари керак бўлади. Саволга жавоб қидириш асносида ўқувчилар ўзлари сезмаган ҳолда ўз фикрларининг асосини ҳам аниқлаб борадилар. Болалар отанинг бу жараёндаги фаолиятини тафтиш қиласидилар, унинг хатти-харакатларини ўз нуқтаи назарлари билан баҳолайдилар. Отанинг ўғлига қилган ортиқча қаттиққўллигидан пушаймони, унинг баджахллигига онанинг муносабати, қаҳрамоннинг ўз хulosалари ҳам болаларнинг назаридан ўтади.

Ўқувчилар оила учун шундай таҳликали шароитда уйда

тинтув ўтказаётган ҳарбийлардан бирига “*малла сочларининг учлари қошларига нафис эгилиб тушиган хушсурат ўрис капитан...*”, деб баҳо берган ҳикоя қаҳрамони шахсига хос руҳий хусусиятларга муносабат бидирғанлари маъкул. Уйларига бостириб кириб, яқинларини қақшатиб, додлатиб, тинтув ўтказаётган ўрис капитаннинг хушеуратлигини пайқаганлиги боланинг гўзалликка, эзгуликка ташналиги туфайлими ёки бўлажак ёзувчига хос синчковликнинг ибтидоий куртакларими эканлиги борасида ўқувчилар жиддий мулҳаза юритганлари фойдали. Болалар дарҳол жўяли фикр айтотмасалар, саволларни очиқ қолдириш, уларга кейин бўлса ҳам жавоб топиш айтилиши лозим.

Олтинчи синф ўқувчилари ҳикоя матни асосидаги: “Уйларини тинтиётган ҳарбийларга ёрдам берган ва улардан бирининг мақтovидан яйраб кетган боланинг табиати ҳақида ўйлаб кўринг ва буни баҳоланг”, тарзидағи топшириқни ўринлатиш жараёнида асар қаҳрамони табиатига теранроқ назар ташлайдилар. Болакай руҳиятига хос алоҳида жиҳатлар хусусида ўз фикрларини шакллантириш имкониятига эга бўладилар. Тошириқ берилгандан кейин ўқувчиларни йўналтириб юбориш учун ҳикоянинг шу ўринини қайта ўқиб бериш мумкин. Таххил жараёнида ўқитувчининг кўмагига муҳтожлик сезилганда фикр айтишга жуда эҳтиёт бўлиш зарур. Ўқитувчининг фикри синфда ҳоким бўлиб, ҳамма учун умумий хуросага айланмаслиги керак. Ўқитувчи ўқувчиларга фақат йўналиш бериши ёки ўз фикрини бир мулҳаза сифатида ўргага ташлаши мақсадга мувофиқ. Маълумки, инсон, у каттами, кичикми, табиатан ширин сўз гадоси. Мақтов – ширин сўзнинг бир кўриниши. Ҳикоя қаҳрамони – ҳали дўст билан душманни фарқлаб улгурмаган, уйдаги вазиятнинг моҳиятини англаб етмаган болакай. Фақат инсон табиатига хос бўлган бояги жиҳат унда устуворлик қилган, холос.

Ўқувчиларда Павлик Морозов кимлиги, унинг “хизмати” нималардан иборатлиги ҳақида савол пайдо бўлиши мумкин. Ўқитувчи буни саволга айлантириши, уни ўқувчиларнинг ўзларига қайтариши ҳам мумкин. П. Морозовнинг тарихини ўқитувчи гапириб бериб, болани отага қарши қўйган тузум ҳақида тасаввур қарши максадга мувофиқ бўлади.

“Кейинчалик, катта бўлганимда, мен уйдаги дод-фарёдга қарамасдан отамни қамашга келган жаллодлар мақтovидан бир зумгина бўлса-да, яйраб кетганимни ҳар эслаганимда ўзимдан ижирганиб юрдим. Аммо ўша дақиқада, афсус-надоматлар бўлсинким, унинг сўзларидан гууруланиб кетганим ҳам ҳақиқат, мудҳии ҳақиқат!” деган икрор бор. Ўқувчилар диққати боланинг кейинчалик ўзидан ижирғанишига сабаб бўлган ҳолатнинг таҳлилига жалб этилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Болалар томонидан қандай фикр айтилса ҳам, улар қай даражада мантиқли ёки мантиқсиз, асосли ёки асоссиз бўлишига қарамай, ўқувчилар фикр айтганликлари учун дашном эшитмасликлари шарт. Фақат мантиқли фикр билдирганларга рағбат ишораси қилинса, кифоя. Болалар бундан ўзлари учун тегишли хulosани чиқариб оладилар, бир-бирларининг фикрлари ҳақида дарсдан кейин ҳам ўйлаб кўрадилар, ўзиники билан таққослайдиларки, бу – адабиёт ўқитиш учун катта натижা.

Таҳлил жараёнида, навбатдаги саволлар устида ишлаётганда ўқитувчи “шахсга сифиниш”, “Сталин шахси”, “қатағон қилинганлар” сингари тушунчалар ҳақида муайян маълумотлар ҳам бериши керак бўлади.

Асар қаҳрамони табиатини англашда, унинг ўзига хос алоҳида яратиқ эканлигини ҳис этишда унинг: “...гумбур-гумбур садолару оташин қўшиқлар қулогимга чалинини билан худди ногорага ўрганган ҳарбий отдай оёқларим ўз-ўзидан рақсга тушиб, юрагим хаприқиб кетаверарди”, деган икрорини тафтиш қилиш яхши самара бериши мумкин. Ўқувчилар ўзларини ўша боланинг ўрнига кўйиб кўрсалар, ҳам қаҳрамонни англаш, ҳам ўзларини билиш нуқтаи назаридан бир поғона юксалишга эришишлари мумкин. Бу ҳолатни тафтиш этишга уриниш болаларни ўйга толдириши табиий. Улар болакайнинг характеристи намоён бўладиган хатти-ҳаракатлари тасвирланган бир қанча ўринларни қайта ўқиб, уларни бир-бирига таққослаб, матнда қаҳрамон рухияти чизгилари акс этган ўринларни қайтадан кўриб чиқишиади. Ўқитувчи уларга кўмаклашиш мақсадида боланинг ҳар қандай шароитда ҳам, аввало, бола эканлигини, уни тушунмоқ учун болаларга хос мезонлар билан ёндашиш лозимлигини уқтириши керак.

Ҳикоянинг энг сўнгги жумласини ўқиши, боланинг ўшандаги ҳатти-ҳаракати билан ҳарбийнинг мақтоворидан яйраб кетгандаги ҳолатини ўзаро қиёслаш қаҳрамоннинг табиатини тўлиқроқ очиш имконини беради. Айни бир боланинг айни бир одамларга икки хил вазиятдаги тамомила қарама-қарши муносабати ўқувчиларда одам деган яратиқнинг жуда мураккаб ва англаш мушкул мавжудот экани ҳақида қаноат уйғотади. Асар ниҳоясида боланинг аламли чинқириғи тасвирланиши сабабини аниқлашга уриниш ҳикоя таҳлилини чуқурлаштириш имконини беради. Асар қаҳрамони кўнглидан аламли чинқириқ чиқишига турткি бўлган, “*НҚВД ходимларининг мақтовори ҳам, аксиликлобчилар кирдикорларини фоши этган хушёрги пионер эканлигим ҳам – бари ёдимдан чиқиб “Дадажон”, деганча отамнинг тиззасини қучоқлаб олдим*” тарзидаги ҳолатни юзага келтирган ҳаётий-руҳий сабаб нималиги ҳақида ўқувчилар жиддий ўйлаб кўрганлари маъқул. Болалар бунга “дийдаси қаттиқ” отанинг кўз ёши ёки унинг афсус-надоматлари ёхуд отанинг болага, боланинг отага бўлган меҳри сабаб бўлганлигини топиш учун изланишлари, матнни шу мақсадда қайта идрок этишга уринишлари фоят муҳимдир.

“Комсомол қўмитасининг котиби табиатига хос сифатларни асар матнига таянган ҳолда изоҳлаб беринг. У қандай одам?” савол-топшириғи қўйилганда ўқитувчи аввал “комсомол” тушунчасига изоҳ бериб ўтади. Комсомол шўролар давридаги ёшлар қўмитаси бўлиб, бугунги “Камолот”га ўхшашроқ ташкилотдир. Ўқувчилар комсомол қўмитасининг котиби табиатига муносабат билдираётганларида уларнинг фикрларига диққат қилиш, қарашларини асослашга ундаш ўринли бўлади. Болалар ўз айтганларини асар матнига асосланиб исботлаганларида, фикрлари қатъийлашади, эҳтимол, инсонларга хос иллатларга руҳиятларида ўзига хос муносабат шаклланади. Тарбияланувчилар диққати ҳикоя қаҳрамонининг шу ўриндаги ҳолатини тасаввур қилишга йўналтирилиши керак.

“Музқаймоқ” ҳикоясининг ўзига хос жиҳати шундаки, у қаҳрамонлар табиатини очиб берадиган турли лавҳалар

тасвиридан ташкил топган. У аксарият ҳикоялар сингари бир воқеа натижасида туғилган ҳолатлар тасвирига бағишиланган эмас. Шу боис ўқитувчи асарнинг ҳар бир алоҳида лавҳасининг чукур таҳлил этилишига аҳамият бериши жоиз. Пушкиннинг дафтарга чизилган суратидан гўё мамлакатдаги тузумга қарши яширин ёзилган чақириқни топишга доир тасвири таҳлил қилиш учун ўқитувчи матннинг шу қисмини қайта ўқиб бериш зарур. Шу тариқа ҳикоячи боланинг ҳолатига ўқувчиларнинг диққати қаратилади. Отаси қамалгани туфайли ўксик боланинг тийиқсиз ҳаяжони, ўзини ўртоқлари сингари бехижолат, хотиржам кўриш истаги, шу ватаннинг фарзанди бўлиш шарафига эришиш хоҳиши пок қалбли ўсмирнинг чексиз хаёлотини ўзи истаган йўналишларда парвоз этишга унdagанини ўқувчилар англасалар, қаҳрамонни тушунадилар.

Боланинг биринчи бўлиш истаги сабабларини ўқувчилар тушунишга уринишлари керак. Асар қаҳрамони йўқ нарсани биринчи бўлиб топишни жуда қаттиқ истаганлигини матнга таянган ва қаҳрамоннинг ҳаракатларини баҳолаган ҳолда изоҳлаш ўқувчилар учун маънавий ўсишнинг воситаси бўлади. Боланинг ҳовлиқиши билан онанинг ёзфириши сабабларини ўқувчилар билишлари керак. Сурати ҳурмат тахтасига осилмаганини кўрган ҳикоячи келган ҳолосага болалар муносабат билдиришлари лозим. Ўқувчилар “Музкаймоқ” қаҳрамонининг шу ўриндаги истаги билан “Нидо” достонидаги боланинг истаги ўртасидаги умумийлик ҳақида ўйлаб кўришлари керак. Шунда ҳодисаларни солиштириш асносида улардаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни аниқлаш малакаси шаклланади.

Асарни таҳлил этишда: “Одамларнинг ўзаро ишончини йўқотишга интилган, уларни бир-бирига ёв қилишни мўлжаллаган тартиб ҳақида қандай фикрдасиз? Одамлар бир-бирларига ишонгандлари яхшими ёки шубҳалангандлари?” қабилидаги саволларга жавоб топиш муҳим аҳамият касб этади. Бу саволларга ўқитувчининг кўнглидагидай жавоб қайтарадиган ўқувчи синфда кўп бўлмаслиги мумкин. Лекин исталганидай бўлмаган жавобнинг ҳам жавоб ва у ҳам фикрий изланиш маҳсули эканига кўнизиш лозим.

Ҳикоядаги бошқа бир тасвирга: отанинг Сталин номини бирон марта тилга олмаганига, унинг аёли ва фарзандларидан, айниңса, музқаймоқ олиб беролмагани боис ўғлидан кечирим сўраши манзарасига ўқувчиларнинг дикқати тортилади. Отанинг кўнглида Сталинга, жамиятга бўлган эътиқоду ишончнинг сўниб қолгани сабабларини тушунтиришга болалар уриниб кўришлари лозим. Бир сўзли, дийдаси қаттиқ отанинг видолашув чогида аёлидан пулни қийналиб олишига дикқат қаратиш, учинчи синф ўқувчиси зиммасига “оиланинг энг катта эркаги” деган масъулиятнинг юкланиши, чинакам айрилиқни руҳан ҳис қилган боланинг ҳолатини англашга уриниш ўқувчилар маънавияти шаклланишида муҳим ўрин тутади.

2000.

ҲАҚИҚАТДАН ТУҒИЛГАН АФСОНА

Шоир, носир ва драматург сифатида танилган Шухрат (Фулом Алимов)нинг “Мардлик афсонаси” балладаси умумтаълим мактабининг 7-синфида ўрганиш кўзда тутилган. Шуни айтиш лозимки, балладанинг 7-синфда ўрганилиши педагогик-психологик жиҳатидан бир оз нотўғри бўлган. Бугунги еттинчи синф ўқувчилари учун балладанинг бадиий-эстетик юки енгиллик қиласи. Шунинг учун ўқитувчи дастурга 15 фойзгача ўзгартириш киритиш хукуки борлигидан фойдаланиб, синфнинг савияси ва имкониятидан келиб чиқкан ҳолда балладани ўрганишга ажратилган икки соатни унинг “Шинелли йиллар”, “Олтин зангламас” ёки “Жаннат қидиргандар” романларидан боблар билан танишишга қаратиши мумкин. “Мардлик афсонаси” балладаси мазмун-моҳияти билан 5-синф ўқувчиларининг интеллектуал, руҳий имкониятларига жуда мос келади

Мазкур мавзуни ўрганишнинг дастурий талқини куйидагича: “Шухрат ҳаёти ва ижоди тўғрисида маълумот. “Мардлик афсонаси” балладасида ўзбек халқининг энг қадимги замонларда мустақиллик учун олиб борган кураши тасвири. Тўмарис образи. Тўмарис бошчилигидаги халқ жасоратининг баллада жанрига хос поэтик воситалар орқали тасвирланиши. М. Осимнинг “Тўмарис” ҳикояси

билин “Мардлик афсонаси” балладаси ўртасидаги ўхшаш ва фарқли томонлар. Балладанинг тарбиявий аҳамияти”¹. Ўқитувчи дарсга тайёрланиш жараёнида ҳам, дарсни ташкил этишда ҳам мана шу талқинга асосланиши талаб этилади.

Агар адабиёт ўқитувчиси дастурдан чиқишни истамай, 7-синфнинг ўзида шу балладани ўрганишга қарор қилган бўлса, “Мардлик афсонаси” асарини ўрганишга ажратилган икки соатнинг биринчисида ўқувчилар Шухрат шахси, ҳаёти ва ижоди билан бир қадар таништирилади. Дарсликда тақдим этилган биографик маълумотлар билан танишишга, гарчи у асосан билим беришга йўналтирилган бўлса-да, маълум вақт ажратилиши керак. Чунки ўқувчилар адабиёт дарсларида Шухрат билан биринчи марта танишадилар. Шунинг учун ўқитувчи адабнинг расми, китоблари, замондошларининг хотиралари ҳамда адабиётшунослар: И Ёкубовнинг “Тил ва адабиёт таълими” журналининг 2008 йил 3-сонида чоп этилган “Бадиий-эстетик сўз қудрати”, Ш. Норматованинг ушбу журналнинг шу сонида босилган “Оташқалб адаб” мақолаларига таяниши мумкин.

Ўқувчиларда Шухрат шахси ҳақида маълум тасаввур пайдо қилган ўқитувчи баллада матнини ифодали қилиб ўқиб беради. Мутолаа жараёнида ўқитувчининг муаллиф нутқига жиддийлик, Тўмарис нутқига қатъийлик, Кайхусрав нутқига қаҳр оҳангини беришга ҳаракат қилиш матнининг таъсир кучини оширади. Балладани ўқишига дарснинг 10–12 дақиқаси сарфланади. Шу билан ушбу мавзуга ажратилган биринчи дарс тугайди.

Ўқитувчи ўқувчиларга уй вазифаси сифатида мактаб кутубхонасидаги “Ўзбек Миллий энциклопедияси”нинг 5-том 501-бетидан массагетлар ҳақида, 9-том, 8-бетида ва “Болалар энциклопедияси”нинг 543-саҳифасидан ўрин олган Тўмарис тўғрисидаги билимларни ўзлаштириб олишни, М.Осим қаламига мансуб “Тўмарис” ҳикоясини ҳамда “Мардлик афсонаси” балладасини қайта ўқиб келишни топширади.

Иккинчи дарс уй вазифасини ким, қайси адабиётдан фойдаланиб бажарганини аниқлаб олишдан бошланади.

¹ Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-9-синфи учун адабиётдан ўқув дастури. “Маърифат” газетаси, 2007 йил 4 сентябрь.

Вазиятга қараб, ўкувчилар рағбатлантирилади ва баллада матни қайта ўқиб берилади. Ўкувчилар ўз дарсликлариға қараб, ўқитувчиларини кузатиб борадилар. Сўнгра сұхбат методидан фойдаланган ҳолда биргаликда матн устида иш бошланади.

Ўрни келганда шуни айтиш лозимки, сұхбат методи, күпчилик ўйлаганидек, жуда ҳам жүн усул эмас. Замонавий адабий таълим мақсадига хизмат қиласынан сұхбат методида ўкувчилар томонидан мантиқлы мұлоҳаза, мустақил фикр, бадиий, илмий, ва ҳаёттегі холосалар чиқарилиши талаб қилинади. Токи, ўкувчи берилған саволларға жавоб бераркан, матн мазмунини қайта ҳикояламаслиги, ўқитувчининг фикрини тақрорламаслиги керак.

Тафаккур мустақиллігини таъминлашга қаратылған бундай сұхбатнинг асосий талабларидан бири саволларнинг шакл томонидан ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам пухта ўйланған бўлишидир. Ўкувчини ўйлашга, мустақил равишда мұлоҳаза юритишга ундейдиган саволларни тайёрлаётганда ўқитувчи синфдаги барча ўкувчининг ривожланғанлик, ижодкорлик даражасини назарда тутиши лозим бўлади. Таълим-тарбия жараёсніда ўкувчилар ҳамиша ҳам мантиқий асосланған жавобларни беролмасликлари мумкин. Саволга ўкувчиларнинг жавоблари тўлақонли бўлишида ёрдамчи саволлар қўл келади. Бундай вазиятларда битта фикрга аниқлик кири туви бир неча ёки ўша фикрни ривожлантирувчи туркум саволлар берилади.

Сұхбатни муваффақиятли ташкил этишининг шартларидан бири жавобларга эътибор, ҳурмат ва чуқур мұлоҳаза билан ёндашишдир. Жавоб берәётган ўкувчининг фикрлари чалкашиб кетиши ёки ноаник бўлиши ҳам мумкин. Ўкувчи ўз фикрини қийналиб бўлса-да, ўзи ифодалаши керак. Ўкувчининг фикр айтишига ўринсиз кўмаклашиш уни ўйламаслик ва чўчишга ўргатиб кўяди.

Яна шуни ҳам унутмаслик керакки, сұхбат сўнгидаги ўкувчи билимини баҳолашда жавобларнинг силлиқлиги биринчи ўринга чиқарилмагани маъқул. Унинг жавобларини тўхтовсиз тузатиб, тўлдириб туриш ҳам нотўғри. Албатта, ўкувчининг фикри ўқитувчининг қарашларидек тўкис бўлмайди. Адабиёт дарслари учун ўкувчининг ўз мустақил

нүктаи назари қанчалар тұмтоқ, жұн, жайдари, тарқоқ бўлсада, ўқитувчиникидан қимматли саналади. Чунки адабиёт дарсларининг вазифаси ўқувчи тафаккурида мустақиллик, мантиқ, изчилликни тарбиялашдан иборатдир.

Шу маънода Шухратнинг “Мардлик афсонаси” балладаси матни устида ишлаганды, матн мазмуни юзасидан тақдим этилган савол-топшириқлар қўл келади. Савол-топшириқларнинг биринчиси бевосита ўқитувчининг ўзига ҳам тегишли бўлгани учун унга алоҳида тўхталиш шарт эмас. Бу топшириқ балладани ўқиши давомида ўз-ӯзидан бажарилади. Унга ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам уйда тайёрланади.

Массагетлар ҳақида сўралганда ўқувчилар ўзлари тайёрлаб келган уй вазифалари асносида билғанларини гапириб беришлари мумкин. Массагетлар Каспий денгизининг шарқий қирғоги, Орол денгизи атрофлари, Амударё ва Сирдарёнинг қуи оқимида милоддан аввалги 8-4 асрларда яшаган кўчманчи қабилалардир. Геродотнинг (юонон тарихчиси) ёзишича, улар кўчманчи халиқ бўлиб, пиёда ва отда жанг қилғанлар, отларининг кўқракларига совут кийдирғанлар. Камон, найза ва сагарий (ойболта) сингари қуроллар билан жанг қилғанлар. Уларнинг барча жиҳоз ва қурол-аслаҳалари мис ва олтиндан ишланган. Рўзгор буюмларини бўёқ билан бўяб ишлатганлар. Массагетларнинг маликаси Тўмарис номли аёл бўлган. Массагетлар Хоразм давлатининг асосий ҳарбий қучини ташкил этган бўлиб, Ўрта Осиёга Искандар (Александр Македонский) бостириб келганида ҳам катта куч сифатида урушда қатнашғанлар. Массагетларнинг яшаган жойи балладада ҳам қуидагича кўрсатилган:

*Амудан сув ичганмиз, чўлда мол боқиб,
Боботогда юрганмиз лолалар тақиб...*

Сұхбат қатнашчилари дарс жараёнида мана шулар ҳақида билғанларини ўртоқлашғанларидан сўнг ўқувчилар эътибори “Ахир қанча чуқурдан қайнаса булоқ, Суви шунча пок бўлар, шунча томлироқ!” мисраларига қаратилади. Булоқ чуқурлигининг афсонага қандай дахли бўлиши мумкин? Халқнинг тарихи қанча узоққа бориб тақалса, авлодлар учун шунча ёқимли, шунча фахрли туюлади.

Қадим халқнинг авлоди бўлиш кишига ғуур хиссини беради. Ўқувчилар кимларнинг авлоди экани, олис боболари қандай яшагани, эрк ва мустақиллигини сақлаб қолиш учун қандай курашганликлари ҳақида қанча қўп билса, шунча ғуурорли бўлиб шаклланадилар. Дарсликларга бундай тарихий қаҳрамонлар тасвиirlанган асарларнинг киритилиши ҳам ўқувчиларнинг миллий ифтихор хиссини туйишлари зарурлигидандир. Шоир ҳам:

*Тарихимиз кўп улкан, кекса, бекиёс,
Ҳар йили юз достонга бўлар бир асос!*

дэя фахрланади. Балладада булоқ қанча чуқур бўлса, сувининг шунча пок ва тотли бўлиши тасвири миллатнинг тарихи қанча узоққа бориб тақалса, шунча кудратли, фахрли туюлиши билан боғлиқлигини ўқувчилар ўз сўзлари билан, ўзлари англаганларича баён этганлари маъкул.

“Ҳақиқатдан тузилар баъзан афсона! Улуши қўшича не ажаб эртакчи она” мисраларининг моҳиятига кирган ҳар қандай китобхон афсоналар ҳақида ўйлаб кетади. Маълумки, массагетлар ҳам, Тўмарис ҳам тарихда яшаган. Бу ҳақда тарихий маълумотлар ҳам етарли. Лекин ўша тарихий ҳақиқатларни кейинги авлодларга етказиб беришда бадиий адабиёт, хусусан, ҳалқ оғзаки ижоди муҳим роль ўйнаган. Ёзув бўлмаган даврларда оғзаки ижод намуналари яратилган ва авлоддан авлодга ўтиб, сайқалланиб, силлиқланган. Бу ўтишларда момоларнинг “улуш”лари каттагина. Чунки эртакларни, одатда, бувилар айтиб берадилар-ку! “Бахши унга боғласа қанот ва қуйруқ, Қалби бергач, қўксидан шундай бир буйруқ!” мисраларида ҳам шу фикр давом эттирилади. Маълумки, ўзбек халқида достонлар айтuvчи бахшилар бор. Қадимда Аллоҳ берган истеъдод соҳиблари миллат қаҳрамонларининг улкан ишларидан ғуурланиб улар ҳақида афсоналар, достон ва эртаклар яратганлар, яратиқларини мусиқа асбоблари қўмагида куйга солиб ижро этганлар. Шу тариқа миллат қаҳрамонларининг номи ва ишларини авлодларга етказганлар.

Суҳбатдошлар фикр алмаша бориб, Кайхусрав бостириб келаётгани аниқ бўлганда массагетлар орасида қандай ҳолат юз берганига эътибор қаратадилар. Ўқитувчи шу мисраларни яна қайта ўқиб бергани тузук:

Тинч бир ўлка оромин йўқотди шунда,
Хатто гўдак кўксига ўқ отди шунда!..
Элу юртни қоплади мотам либоси,
Қон йиглади ҳаттоки, кўлида гози.
Қон йиглади эл, элат, уруг ва аймоқ,
Қон йиглади дала-туз, саҳро, қир ва боғ.
Қон йиглади бешикда тилсиз нораста,
Қон йиглади чол-кампир, диллари хаста.
Қон йиглади боғда – гул, қирда – чечаклар,
Қон йиглади номус деб, қиз, келинчаклар.
Қон йиглади кўзи-кўй тақир ўтлоқда,
Қон йиглади: – Сув! Сув! – деб деҳқон қирғоқда.

Ушбу мисраларни ифодали ўқиб бериш ўкувчилардан талаб қилинса, янада тўғрироқ бўлади. Тинчлиги, эркига дахл қилинган халқнинг безовта бўлиши табиий. Туркий халқлар – чўлларда шамолдай эркин юрган эллар учун ўз мустақиллигини йўқотиш ўлимдан баттар. Шунинг учун бу тупроқдаги эл-юрт уруш хабарини эшитгач “мотам либоси”ни кийди, нафақат халқи, ҳатто кўлдаги фози, кўй-кўзи-ю ўт-ўланлари, гул-чечаклари-ю қир-боғлари ҳам “қон йиглади”.

Агар юртини Кайхусрав босиб олса, мамлакат қандай ахволга тушиб қолишини, массагетлар қандай халқ эканини, улар кимгадир бош эгиб яшолмасликларини малика Тўмарис шундай тушуниради:

Бизни саҳро бургути, лочини дерлар,
Бизга азиз, муқаддас бу она ерлар.
Душман оти нагалин изи тушмасин!
Богимиздан бирор қуш бевақт учмасин!
Уят бизга – душманга бош эгиб яшаши!

Шу ўринда сұхбатдошлар Тўмариснинг шахсиятини, мардлигини кўрсатувчи мисраларга эътибор қаратишлари лозим. Ёвқур юртбошининг шахсиятига баҳо беришда унинг ўз элини душманга қарши курашга ундовчи чақириқлари тасвири кўл келади. Маликанинг ҳар бир сўзи таҳлилга тортилади. “Ўлим ёвга! Букмаймиз ҳеч тиз!” дея халқини эрк учун курашга унданаган Тўмарис билан боғлиқ тарихий маълумотлар ҳақида ўкувчиларнинг билганлари сўралади.

Тўмарис милоддан аввалги олтинчи асрда яшаган

массагетлар подшосининг хотини бўлиб, у эри вафотидан сўнг давлатни бошқарган. Эрон қўшини бостириб келганда массагетлар Амударё бўйлари ва Қизилқумда яшашган. Эрон қўшини билан массагетлар ўртасида шиддатли жанг бўлган. Тўмариснинг ўғли Спаргалис (Спартангис) асир олинган. Номусига чидай олмаган Спаргалис ўзини ўлдирган. Сўнгра Тўмарис жангга кирган. Узоқ жангдан сўнг у ғолиб чиккан. Тўмарис хақида кўп асарлар яратилган. Мазкур баллада ҳам шулардан битгасидир. Миркарим Осим томонидан яратилган “Тўмарис” ҳикояси ҳам мана шу ҳалқ қаҳрамонига багишлиланган асар. Ҳикоя насрый асар бўлса, баллада назмда битилган. Ҳар иккала асар ҳам бир қаҳрамоннинг тарихий ишига багишлиланган. Ҳикояда ҳам, балладада ҳам Тўмарис Кайхусравнинг бошини қонга тўйдиради. Фақат ифода бошқачароқ: бирида Кайхусравнинг боши қон тўла мешга, иккинчисида қонли кўлмакка ташланади.

Кайхусрав мағлубияти ва массагетларнинг ғалабаси ҳақида гапириб шундай хulosага келиш мумкинки, босқинчи ҳеч қачон мутлақ ғолиб бўлолмайди. Ғалаба ҳамиша ҳақлар томонида бўлади. Ўқувчилар асар таҳлили жараёнида мана шу ҳақиқатларни англаб етсалар, адабий таълим ўз мақсадига эришган бўлади. Ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларини илмий, бадиий ва ҳаётий ҳақиқатларни ўзлари англаб етишларига йўналтиришдан иборатдир.

2008.

“ЁВВОЙИ ЙЎРҒА” ҲИКОЯСИНИ ЎРГАНИШ

Тоғай Мурод айтмоқчи, Сетон-Томпсон ҳайвонларни рассом, олим, адаб назари билан сўйди, туйди, тасвиirlади. Шунинг учун ҳам у дунё адабиётида алоҳида ўринга эга бўлди. Ёзувчининг ўзбек ўқувчиларига ҳам яхши таниш бўлган “Ёввойи йўрга” ҳикоясини умумтаълим мактабларининг 7-синф “Адабиёт” дарсида уч соат мобайнида ўрганиш кўзда тутилган¹. “Ёввойи йўрга” ҳикоясини: “Ёзувчининг ҳайвонот дунёсига муносабати.

1. К. Йўлдошев ва бошқ. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 7-синфи учун дарслик-мажмуя. Т.: Шарқ, 2013. 345-6.

Эрнест Сетон-Томпсон ва Тоғай Мурод. Томпсоннинг ҳайвонлар ҳаётидан олиб ёзилган асарлари. “Ёввойи йўрга” хикоясидаги от тимсоли. Унинг айрича хусусиятлари. Ҳикоядаги Жо ва Курка Из тимсоллари. Айғир ва овчилар тимсолини қиёслаш. Муаллифнинг отлар ва одамлар табиатини тасвиirlаш маҳорати” тарзида дастурий талқин қилиш мумкин.

Дарсликда Эрнест Сетон-Томпсонни яхши билган, унинг асарларини ўзбек тилига усталик билан таржима қилган таниқли ўзбек ёзувчиси Тоғай Муроднинг у ҳақдаги маълумотлари бор. Бу билимлар ўқувчини Сетон-Томпсон шахси билан таништириш учун етарли. Маълумки, бирор бадиий матнни ўрганишда ўқувчи муаллифнинг табиати, қизиқишилари, ҳаёти ҳақида қанча кўп маълумотга эга бўлса, унинг асарини ўрганиш шунча мукаммал бўлади. Айниқса, асар муаллифи билан ўқувчи шахсиятида, характеристида ўхшашлик жиҳатлар кашф этилса, тарбияланувчи шахсида ёзувчи шахсига муҳаббат пайдо бўлади. Бу муҳаббат китобхонни ушбу ёзувчининг асарларини қизиқиб, қидириб топиб ўқишга мажбур қиласди. Шу маънода, ёзувчи ҳақида дарсликда тақдим этилган биографик материални дарслик муаллифларининг билгичлиги маҳсули, дейиш мумкин.

Ушбу мавзуни ўрганишга режалаштирилган биринчи соатни ўқитувчи ўқувчиларнинг Эрнест Сетон-Томпсон ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ билимларини текширувчи савол-топшириклар билан бошлиши мумкин (аввалги дарсда ушбу мавзуни ўқиб келиш уй вазифаси сифатида топширилган бўлади). Дарслидаги 1-2-саволлар ёзувчи шахсини очишга йўналтирилган. Бундан ташқари, Тоғай Муроднинг адаб ҳақидаги: “Сетон-Томпсон:

Жониворларга тоза кўнгил, тоза кўз билан қаради.

Жониворлардан ўзининг қингир, фалсафий фикрларини айтиши учун фойдаланмади.

Жониворларнинг ички дунёсини ҳалол, холисона очиб берди.

Ҳаётга жониворлар кўзи билан боқди.

Жониворларга тушкун муносабатда бўлмади...

Ўз бошидан кечирган ҳаётни, ўз кўзи билан кўрган

табиатни, ўз қўли билан ушлаган жониворларни қандай бўлса шундайлигича бадиий асар қилди”, деган фикрларига асосланиб, ёзувчи табиатини очишга уриниб кўринг. “Жониворлардан ўзининг қингир, фалсафий фикрларини айтиши учун фойдаланмади” жумласини қандай тушундингиз? Эрнест билан сухбатдан сўнг Берроус нима учун изтиробга тушди? Кўзларида ёш қалқишининг сабаби нимада деб ўйлайсиз? Сетон-Томпсоннинг Берроусни лол қолдирган шахсий музейи ҳақидаги тасвирларни қайта ўқиб, ёзувчининг ҳайвонот оламига бўлган муҳаббатига баҳо беринг. Сетон-Томпсоннинг васиятига эътибор қилинг. Ундан адид шахсига хос қандай фазилатни кўриш мумкин? Сетон-Томпсонга берган баҳосига асосланиб, Тоғай Мурод шахсини баҳолашга уриниб кўринг. Тоғай Мурод Сетон-Томпсоннинг асарлари таржимасига нима сабабдан қўл урган деб ўйлайсиз?” каби савол-топшириқлар ўқувчининг Сетон-Томпсон ҳақидаги тасаввурларини тиниқлаштиради.

Шу тариқа муаллиф шахси билан танишиб олингач, хикояни ўқишига киришилади. Асарни ўқиши ўқитувчи томонидан амалга оширилгани мақбул. Бунда муаллимнинг асар матни билан уйда алоҳида танишиб чиққанлиги катта аҳамият касб этади. Ҳикоя билан танишиш асносида ўқитувчи матнданаги эътибор қаратиш лозим бўлган ўринлар белгилаб кетилишини айтса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шунда муносабат билдириш талаб қилинганда, ўқувчиларнинг вақти қидирудаги сарфланмайди, вақтдан унумли фойдаланилади. Ҳикоя матнини ўқиши учун 40-42 дақиқа керак бўлади. Агар бу машғулот учун биринчи соат камлик қилса, матннинг қолган қисмини уйда ўқишига беришга тўғри келади. Ёки ўқитувчи ҳикоя матнини аввалдан икки қисмга тақсимлаб, бир қисмини биринчи дарсда ўқиб таҳлил қилиши, қолган қисмини кейинги дарсда ўқиб муҳокама қилишга режалаштириши ҳам мумкин. Ҳар иккала ҳолатда ҳам асар матни устида ишлашда дарсликда тақдим этилган савол-топшириқларга таяниш мумкин. Асар таҳлилига киришишдан олдин ўқитувчи ўқувчиларига отлар ҳақидаги “йўрға”, “байтал”, “тўриқ байтал”, “айғир” ва “бўз от” сингари тушунчалар ҳақида маълумот бериши мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқувчилар матн моҳиятига чуқур кира

олишлари учун улар ҳақида билимга эга бўлишлари керак. Йўрға – майда қадам ташлаб, тез ва текис юрадиган йилқи¹. Байтал – урғочи йилқи². Тўриқ – қора қизил (қизғиши малла) рангли йилқи. Тўриқ байтал – қора қизил рангли урғочи йилқи³. Айғир – эркак от⁴. Бўз от – бўз рангли эркак йилқи.

Ўкувчиларга йилқиларнинг ҳикояда қўлланилган турлари ҳақида маълумот берилгач, уларнинг эътибори Жонинг сўзларига таяниб, ёввойи отларнинг хусусиятларини очишга қаратилади. Уларнинг ўзига хос жиҳатларини ўқувчилар ҳикоя матнидан келиб чиқиб айтадилар, албатта. Ўқитувчи: “Ҳамон ёввойи отлардан ҳеч қандай фойда йўқ экан, Жо нима учун бу отни тутишга ишқибоз бўлиб қолди?” деган саволни ўртага ташлаши мумкин. Бу саволга жавоб беришда ўқувчилар Жонинг оддийгина камбағал галачи экани, осонгина бойиб кетиши ҳақидаги хом хаёллари борлиги ва Қора йўрға унга баҳт келтиришига ишонишини маълум қиласидилар.

“Ёввойи йўрганинг фермерларнинг қўлга ўргатилган байталларини эргаштириб кетишининг сабаби нимада деб ўйлайсиз?” саволи ўқувчиларни анчагина ўйлантириши мумкин. Чунки ҳикояда унга тайёр жавоб айтилмаган. Ҳикоядаги: “Той байталларни гир айланиб, уларга ҳомийлик қиласар, айни вақтда ҳеч қаёққа кетгани кўймасди”, “Шунда, бирдан қора тойчоқнинг қаҳри келди” жумлаларидан ҳам кўриниб турибдики, ёввойи йўргада ҳокимлик туйғуси бор. Бу туйғу эгаси ҳамиша атрофига ўзига бўйсунадиганларни тўплашни ёқтиради. Бундайлар ёлғизликни хушламайди. Қолаверса, хонакилаштирилган байталлар ювош, етовга юрадиган жониворлар бўлгани учун ҳам йўрганинг иродасига осонгина бўйсунган бўлсалар керак. Ёввойи йилқилар гала бўлиб яшашган ва битта кучли айғир ўзига бўйсунадиган бир қанча байталларни бир уюрга бирлаштириб, уларни бошқарган ва бошқа айғирларни яқинлатмаган.

Ўкувчиларнинг диққати ҳикоя матнидаги: “Кўзимга йўрга отларнинг оти, даштларда чопиб юрган жамики

1 Ўзбек тилининг изоҳли лутати. 5 жилдлик. 2-ж. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. 282-б.

2 Ўша асар, 1-ж. 144-б.

3 Ўша асар, 4-ж. 245-б.

4 Ўша асар, 1-ж. 60-б.

отларнинг сараси бўлиб кўринди, шундай ноёб жониворни нобуд қилиб, бир тўда масалликқа айлантиришга кўнглим бормади”, “...мен унинг гапларидан завқ олдим, зўр қувонч билан қора йўрганинг чироий ва қудрати ҳақида хаёл суреб қолдим. Йўқ, қандайдир бир байтални деб шундай йўрганинг ялтироқ терисига доз туширгим келмади!” тарзидаги тасвирларга қаратилади. Ушбу фикрлар эгасининг бошқаларга ўхшамайдиган одамлиги кўриниб турибди. Бу йигит, гарчи ов ишқибози бўлса-да, моддий манфаатдан кўра маънавий завқни, йўрганинг хатти-харакатларидан, унинг ўзини тутиши, байталларни билгичлик билан бошқаришидан олинадиган руҳий лаззатни устун кўяди. Ўқувчилар ҳикоя матни устида ишлаш мобайнида овчи йигитга хос бўлган мана шу фазилатларни илғай билсалар, ўқитувчи шунга эриша олса, адабий таълим мақсадига яқинлашилган, яъни ўқувчилар инсонни англашга ўрганиб бораётган бўладилар.

Айғирни овлаш жараёни тасвирларига асосланган ҳолда Жо билан йўргани таққослаш топшириғи ҳам ўқувчиларнинг бу борадаги фикрлашини давом эттиришга қаратилган. Ўқувчилар аввал айғирга хос сифатларни матндан топадилар. Улар ҳикоядан, тахминан, “Қон-қора ёлли, кўк кўз улкан қора от бутун ўлка бўйлаб зўравонларча кун кечирди, турли-туман жойлардан байтал ҳайдаб келиб, ...галасини кам деганда йигирма бошга етказди... Ёввойи йўрга галани шундай иштиёқ ҳамда рашик билан қўриқлади... Йургалағанда оёги умуман адашмайди... Унинг эпчиллиги, йўргаси, чайир табиати...

Йўрга ...нима гаплигини билди, яна толмас, равон, йўрга қадамлар отиб олга талпинди, галани йўлчи юлдуз мисол олга чорлади... Қора йўрга ҳамон темирдай мустаҳкам эди. Унинг равон йўргаси айнимаган.... У ҳамишагидек галасини матонат билан бошқарар, кишинар, чопишда на-муна кўрсатиб, уларни олга чорларди. Айғир тер билан чангдан ола-була бўлиб кетди, аммо йўргасидан адашмади... ...гаройиб ёввойи йўрга эса ҳамон ўз эркида юрибди... Даргазаб йўрга сўнгги дармони қолгунича типирчилади, ўпкаси тўлиб келди, ўксик зарбидан аъзойи бадани зир-зир қалтиради, юзларидан маржон-маржон ёшлар оқди... ...

аммо қайсар, баджахл айгир, оппоқ тер күпикларга ботган айгир бүйин эгмади. Айгир ёввойиларча кишинади, қаҳр билан пишқирди, озодлик йўлида телбаларча тўлғанди... Ёввойи йўрганинг ярқироқ сагирлари қон аралаши тердан қорайиб кетди.

Беҳисоб йиқилиб-туришлар, бесамар олишиувлар йўрганинг шундай тинка-мадорини қуритдики, у узун кун давом этган қувгинда ҳам бунчалик ҳориб толмаган эди... Айгир гоҳуёнига, гоҳ буёнига тинимсиз талпинди, шиддатли сапчишлари борган сайин заифлашиб борди, бурнидан отилаётган кўпиклар қонга беланди... Ёввойи йўрга қолган бор кучини йигиб озодлик йўлида жон-жашди билан ёнбагир бўйлаб юқорига талпинди. Яна, яна юқорилади, баданига ботаётган арқонга ҳам, уни тўхтатиб, изига қайтарии учун узилган ўқ овозига ҳам парво қилмади, у озодликка талпинди... Ёввойи йўрга яна, яна юқорилади, ана, тик қояга қўтирилди. Қоядан настга – ҳавога сакради... ” сингари тасвирларни белгилаб, уларни шарҳлашга уринадилар. Бу жараёнда ёввойи йўрганинг характеристини аниқлаб оладилар. Шу аснода унинг бекиёслиги сабабларини кашф этадилар. Ўрни келганда ўқитувчи ўқувчилардан ёввойи йўрғага ўз сўзлари билан баҳо беришни сўраши ҳам мумкин.

Шундан сўнг ўқувчилар матндан Жо шахсига хос бўлган сифатларни топишга йўналтирилади. Улар матндан Жонинг табиатига хос фазилатлар акс этган ўринларни ўқиб бериб, ҳикоянинг иккала қаҳрамонини таққослайдилар. Уларга хос ўхшаш ва фарқли жиҳатларни ажратадилар. Жо қайсар, чайир, толмас, ишбилармон ва ақли бўлишига қарамай, йўргани қўлга киритолмади. Нега? Ўқувчилар бу ҳақда ҳам фикрлаб кўрганлари маъқул.

Бундан ташқари, айғирни ҳафталаб қувиб юрган Жо “унинг бирон мартаим йўргасидан адашиб, оддий қадамлар босиб юрганини кўрмади. Барча яхши чавандозлар каби бу гўзал отга боқиб, ундан завқ-шавқ олди. Завқи янада зўрайиб, шундай ноёб ҳайвонни отгандан кўра, ўзимнинг манави отимни отган маъқул деган холосага келди.” Унинг кўнглидан: “Айгирга қўйилган мукофотни олиши керакмикан? ... Кўйилган пул чакана эмас. Лекин айгирнинг турган

турмуши хазина, у асл зотли зурриёт яратиши мумкин”, деган фикр ҳам ўтди. Ёввойи Жо шуниси билан бошқаларга ўхшамаслигини, гарчи у бошида моддий манфаат учун йўргани овлашга киришган бўлса-да, бошқа фермерларга ўхшамайдиган шахс эканини кўриш мумкин.

Ҳикояда айтилишича, отларни “от устидан ўқ бўшатиш”, “галани қўрага ҳайдаб ушлаш”, “галани қувиб стиш”, “галани ҳолдан тойгунча қувиб бориш” ва “галма-гал овлаш” каби йўллар билан овлаш мумкин экан. “Кўп қочиши-қувишлар, юзма-юз келишлар” натижасида, гарчи Жо ўзининг яхшигина отидан айрилган бўлса-да, нималаргадир эришди – байталларни йўргадан ажратиб олишга муваффак бўлди ҳам. “Жо йўргага бераҳм бўлди, ўзи билан отига эса ундан бешбаттар бешафқат бўлди. Кун аёвсиз куйдирди, қизиган ёйилма узра офтоб тафти жисимиради. Жонинг кўзлари ёнди, лаблари шўр, бетамиз чангдан чирсиллади”. Шунча азобларни бошдан кечирган Жо “..лагерга пиёда келди. Унинг саргузашиби лўнда бўлди: саккиз от нобуд бўлди, беш одам бутунлай ҳолдан тойди...” ва у отни овлашдан воз кечди. Ўқувчиларга: “Нима деб ўйлайсиз, нега Жо ўз ниятига етолмади? Сизнингча, отнинг Жо қўйган тузоқларга тушмагани сабаби нимада?” каби саволларни бериш уларни вазият тасвирини мухокама қилиб, хуроса чиқаришга йўналтиради. Албатта, фикрлар, хуросалар бирбиридан кўп фарқ қилмаслиги мумкин, лекин уларнинг мустақиллиги катта аҳамиятга молик.

Курка Изнинг йўргани кўлга киритишида ақлли ва тадбиркорлигидан ҳам кўра тўриқ байталининг йўқлаб кишинаши қўл келгани тасвирига ўқувчилар эътибори тортилгани маъқул. “Байталнинг айғир йўқлаб кишинаши йўрганинг кўнглида акс-садо берди”. Жонинг хужумларидан кейин барча байталлардан айрилиб, бутун қишини ёлғиз қишлигаран йўрга мувозанатдан чиқиб, унга жавоб бериши “Байталнинг жавобан кишинаши йўрганинг кўнглидаги бор ҳадикларни йўқ қилиб юборди. Йўрганинг юраги ёниб кетди” тарзида тасвирланади. Курка Из мана шу вазиятдан усталик билан фойдаланди. Шу ўринда ўқувчиларга: “Нима деб ўйлайсиз, Курка Из йўргани жиловлаб уйига олиб келиши

мумкинмиди? Шу ҳолатни тасаввур қила оласизми?" деган саволларни бериш ўринли бўлади. Ўқувчилар Курка Из билан йўрганинг тўқнашуви манзарасини тасаввур қилиб, ўз имкониятлари даражасида саволларга жавоб берадилар. Эрки, озодлиги ва ҳур турмуш тарзини ҳаётидан афзал билган ёввойи йўрға тимсолига муносабат билдирадилар.

2010.

ТЎРА СУЛАЙМОН ШЕЪРЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Маълумки, мактаб даврининг ҳар бир босқичи сифат жиҳатидан ўзига хос тизимга эга ва уларнинг биридан иккинчисига ўтиш натижасида янги бир сифат ўзгариши юз беради. Лекин таълим ва тарбия жараёнини ўқувчилар табиий тараққиёти хусусиятлари ҳамда уларда юз берадиган шундай сифат ўзгаришларига ҳамоҳанг мувофиқлаштириш кўнгилдагидек кечмаяпти. Масалан, 8-9-синф ўқувчиларида ушбу ёшдагиларга хос бўлган келажакка интилиш, одамлар билан қизикиш, атроф-мухитга танқидий назар билан қараш, насиҳатларни хушламаслик, катталарнинг меҳрибонлигидан ғашланиш, уларнинг эҳтиёткорлигидан малолланиш сингари сифатлар устуворлик қиласи. Мактаб таълим жараёнида бундай ўзгачаликларни тўлиқ ҳисобга олишнинг имкони йўқлиги, табиий тараққиёт билан таълимий-тарбиявий жараён орасида ҳамоҳангликнинг етишмаслиги бола шахси тараққиётида сустликка сабаб бўлмоқда.

Ўн тўрт-ўн беш ёшли ўсмирда эмоционал таъсирчанлик кучли бўлади. У ўзида эътибору эътирофга, ҳаётдан завқланишга мойиллик сезади. Бу ёшдагиларга атрофдагиларни таҳлил қилиб, уларнинг ютуқ ва камчиликларига баҳо бериш ёқади. Шу билан у ўз шахсини англашга юз тутади. Ушбу ёшда ҳар томонлама ақлий ўсиш учун катта имконият мавжуд бўлади. Инсон тараққиётидаги ҳар бир босқичнинг ўз тарбия йўналиши мавжуд. Мактаб амалиёти ёш авлодни маънавий камолот сари етаклашда шу имкониятни қўлдан бериб қўйяптики, бундай имконият бола умрида бошқа тақрорланмайди.

Мустақиллик даври мактаб адабий таълимида бола шахсининг ҳар босқичдаги руҳий-жисмоний ва

интеллектуал хусусиятлари инобатга олинган ҳолда уни мустақил фикрлашга йўналтириш, таълим-тарбия кечимида унинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш, бола маънавиятини шакллантиришга устувор эътибор қаратиш, шаклланиш жараённада боланинг ўзи иштирок қилишига эришиш, унга бадиий лаззат, эстетик кашф этиш лаззатини туйдириш, таълим-тарбия кечимида педагогик ҳамкорлик бўлишини таъминлаш сингари тамойилларга амал қилиш талаб этилмоқда. Бу ҳол адабиёт ўқитишда асар қаҳрамонларига ижобий ёки салбий образ деб эмас, тирик инсон деб қараш, адаб шахсига хос жиҳатларнинг у ёзган асарларда акс этишини ҳисобга олиш, адабий тимсолларнинг кечинма ва хатти-ҳаракатлари таҳлили орқали уларнинг шахсини баҳолашга ўргатиш, яъни ўқувчиларда шахсга аксиологик ёндашувни шакллантириш вазифалари бажарилиши тақозо этиляпти.

Ўқитувчига адабиёт дарсларидаги тарбиячилик фаолиятида самарадорликка эришишга методик кўмак бериш мақсадида 8-синфда¹ Тўра Сулаймон ижоди намуналарини ўрганиш йўллари тадқиқ этилади. Дарсликка шоирнинг тўртта шеъри киритилган бўлиб, уларни ўрганиш учун икки соат ажратилган. Шеърларни икки соатга иккитадан тақсимлаш мумкин.

Шоирнинг биринчи дарсга режалаштирилган “Илтижо” шеъри таниқли қўшиқчи Шерали Жўраев томонидан жуда таъсирли қилиб куйга солиб, ижро этилган. Агар ўқитувчи шеърни дарсга қўшиқ шаклида олиб киролса, мақсадга эришиш йўли янада равонлашади. Агар бунинг иложи топилмаса, шеърни ўқитувчининг ўзи таъсирли қилиб ўқиб бериши лозим. Ўқитувчи Т. Сулаймоннинг тўрттала шеърини ҳам ёд билиши шарт. Дарсда имкон қадар уларни ёддан, таъсирли, ифодали ўқишга ҳаракат қилиш керак.

Маълумки, ҳар бир асарнинг эмоционал таъсир қурдати бадиий таҳлилга тортилганда юзага чиқади. Шеър ўқилганидан сўнг, таҳлилга киришишдан олдин асар сарлавҳасига болалар диққати қаратилиши лозим. “Илтижо” сўзининг lugavimy maynosini bila-sizimi? Шумъяношеърнинг

1 А. Каттабсков ва бошқалар. Адабиёт. 8-синф учун дарслик-мажмуа. Топкент: “Ўқитувчи”, 1998.

қайси мисраларида яққол акс этган? Шоир илтижосининг таъсир кучи нимада?” сингари саволлар ўқувчиларнинг диққатини шеър матнига қаратади. Ўқувчилар бу саволларга осонгина жавоб топадилар. Уларнинг жавобларида туйғулари сезилмас ҳам, Сўнг дарсликдаги шеър матни юзасидан тақдим этилган савол-топшириклар кўмагида унинг бандма-банд таҳлилига ўтилади. Шеърнинг биринчи банди юзасидан тақдим этилган “Шеърдаги “Қирларда лола сайли, қишловларда йилбоши” сатрининг мазмунини изоҳланг. “Йилбоши” нима?” саволига қишлоқда истиқомат қиласидиган ўқувчилар бемалол жавоб бера олишлари, бунга мисоллар ҳам келтиришлари табиий. Шаҳарда туғилиб-ўсганлар бироз қийналишлари мумкин. Бундай вазиятда, одатда, жавобни ўқитувчининг ўзи айтиб қўяқолади. Лекин бундай ёндашув ўқувчининг шеър моҳиятини англашига ёрдам бермайди. Негаки, изланиш натижаси бўлмаган билим тез унугилади.

Агар ўқитувчи жавобни айтиб қўяқолмай, жавоб топиб келишни вазифа қилиб топширса, лозим бўлса катталар билан маслаҳатлашиш кераклигини айтса, ўқувчиларни безовта қилган, изланишга унданбўлади. Шунингдек, қизиқиб, излаб топилган жавоб ўқувчининг ёдида қолади. “Йилбоши” – “Наврӯз” сўзининг туркийда айтилиши. “Йилбоши” атамаси ва унинг “қишловлар”га боғлиқ жиҳатларини китоб титиб, қомус вараклаб, катталардан сўраб билиб олган ўқувчи шахси ўсиш босқичига кирган бўлади.

Сўнг ўқитувчи кўклам келганда табиатда содир бўладиган ўзгаришларнинг шеърдаги ифодасига ўқувчилар диққатини тортади. Улар баҳор ҳақида кўп шеърлар эшлишишган, ўқишган. Кўклам ҳақидаги ҳар бир шеърнинг, табиийки, ўз ифода услуби, ўзига хос оҳангига бор. “Т. Сулаймоннинг услубидагитаъсиркудрати нимада? Шеър биринчи бандининг ўзиёқ одам рухиятида қандайдир қўзғолиш, тебраниш пайдо қиласиди. Бу нимадан? Нега шундай бўляпти?” Ўқитувчи ўқувчиларга шеърнинг иккинчи бандини қайта ўқиб бериб, юқоридаги саволларни ўргатга ташлаб, болалардан фикр олиши лозим.

“Ўлмасликка ишора – ўланга ошиқлигим” тарзидаги хуносани тушунтириб беринг. “Ўланга ошиқлик билан

ўлмаслик ўртасида қандайдир боғлиқлик бор деб ўйлайсизми?” саволига ўқувчилар жавоб беришганда, ўқитувчи мисрадаги “ошиқлик” ва “ишора” сўзларининг моҳиятини англаш ва улар орасидаги мантиқий боғланишга ўқувчилар диққатини тортиши лозим. Саволлар ёрдамида ўқитувчи ўқувчиларни мустақил фикр юритишга, мулоҳаза қилишга ундейди. Ўқувчилар ўз қарашларини, албатта, шеърдан мисралар келтириб ифодалашади. Шеърдаги: “Букун қай бир ерда қиши, қайда хазонрезгилек, Қайларда ёз, қайда куз, қайда жондан безгилек” мисралари фақат табиат ҳолатларига дахлдорми?” саволи ўқувчиларнинг фикрини ҳаётга, унинг шодликларию ташвишларини бирлаҳза хаёлидан ўтказишга ундейди. Дунёнинг “жондан безгилек” оғриқли нуқталари борасидаги билгандарини ёдга туширади.

Шу банддаги “Кўкламнинг ҳар нафаси умрга арзигулек” ифодасини тушунтиришга уриниб кўринг. Нега шундай?” саволи болаларни жиддий ўйга толдиради. Саволга берилган жавобларда ўқувчиларнинг билим даражаси, мулоҳазаларининг мантиқ кучи намоён бўлади. Ўқувчилар, айниқса, ўзини кузатиб юрадиган болалар, кўклам кезларида, табиат гўзаллиги туфайли одам руҳиятида кечган туйғулар гўзал бўлиши шоир истеъоди эса, унинг ифодасини янада сўлимроқ шаклда беришини англатадилар. Шу тариқа, табиий гўзалликдан олинган баҳралар, туйилган лаззатлар инсон учун қанчалар аҳамиятли экани ҳақида мулоҳаза юритадилар.

Ўқувчилар шеърнинг ҳар банди охирида такрорланиб келаётган нақоратнинг бу бандда ўзгаргани сабаби ҳақида мулоҳаза юритишлари мақсадга мувофиқ бўлади. “Бу тасодифми ёки шоирнинг ихтиросими? Ёки бошқа бир сабаб борми?” Бу ҳақда ўйлаган ўқувчилар ўз ўрнида ишлатилган сўзнинг таъсир кучини тудиilar. Ижодкорларнинг “Сўз устаси” деб аталиши сабабини ҳис қиласидилар. Навоий бобонинг сўз хусусида айтганларини кўнгилларидан ўтказиб, бу ҳақиқатларга имон келтирадилар. Синфдаги ҳамма болалар шундай ҳолатга тушади, деб бўлмас, албатта. Лекин шундай ўқувчиларнинг борлиги адабий таълим самарадорлиги белгиси ва уларнинг сонини кўпайтириш ўқитувчининг профессионал бурчидир.

Бир банднинг ўзига бағишланган кейинги учта савол: “Шеърнинг тўртинчи бандини қайта ўқинг. Ундаги андух ва шикасталик сабабларини изоҳланг”, “Майсадаги шудринглар кимларнинг кўз ёшли?” ифодасига муносабат билдиринг. Шудринг билан кўз ёши ўргасида қандай алоқа бор деб ўйлайсиз?”, “Бу ерда ётар отам ҳам узангидошлари, Ҳар баҳор эслар уни қавми-қариндошлари” мисраларининг ҳаётий мазмунини тушунтиринг. Шоирнинг отаси ва дўстлари қаерда ётибди деб ўйлайсиз? “Узангидош” сўзини қандай тушундингиз?” каби ўқувчилар руҳиятида бир оз тушкунлик кайфиятини пайдо қиласиган саволлар ўқувчилар тафаккур даражаларини юксалтириб, туйғулар кўламини кенгайтиришга хизмат қиласи. Чунки уларда шодлик ва қайғу, топиш ва йўқотиш туйғулари ёнма-ён экани акс этган. Шу ўринда тўрт мисрага шунча катта фикрларни, ҳаётий ҳақиқатларни жойлай билган шоир маҳоратига ўқувчиларнинг диққати қаратилиши керак.

Шеър таҳлили юзасидан берилган “Ёз бўйи қорга зорман, қишида баҳорга зорман” мисраси сизга нимани англатади? Одамзот табиатининг ўзгарувчан ва бекарорлиги ҳақида ўйлаб кўринг” топшириги ўқувчиларни одамнинг табиати ҳақида мустақил мулоҳаза юритишга ундейди, ўзлигини тафтиш қилишга йўналтиради. Ўзгалар орқали Ўзни англаш, ўзни англаш билан Аллоҳни таниш бошланади. Шу тариқа камолот сари юз тутилади.

Биринчи дарсда ўрганилиши керак бўлган “Армон” шеърида шоир кўнглида армонлар пайдо қилаётган ҳаётий ҳақиқатлар ифодаланган. Шеърдаги бирорта ҳам детал ўқувчилар назаридан четда қолмаслиги керак. Ўқитувчининг вазифаси шундай тасвирлар юзасидан тузилган савол-топширикларни навбати билан ўртага ташлаб, ўқувчиларни уларга жавоб беришга йўналтиришдан иборат. Савол-топширикларга жавоб бериш жараёнида ўқувчи шеърнинг моҳиятига кириб боради. Шеърда ифода этилган фикр, ҳиссиёт ва туйғуни туюди. Ўқитувчи болалар ҳис қилиши керак бўлган туйғулар, таҳлил жараёнида ўзлаштиришлари керак бўлган билимларни тайёр ҳолда бермай, унинг ўзини ишлатиши мақсадга мувофиқдир. Ўқувчи сингдирилиши зарур билимни таҳлил асносида меҳнат қилиб, мустақил

равищда изланиб, кашф қилади.

Савол-топшириқлар күмагида асар таҳлилга тортилар экан, құшимча саволлар билан үқувчилар шеърда ифодаланаётган ҳәётій ҳақиқат, уларнинг шоир кўнглида армон, ўқинч ҳиссини пайдо қилиши сабаблари ҳақида мулоҳаза юритадилар. Бу үқувчиларга ўз кўнгиллари ва руҳиятига назар ташлаш имконини беради. Шоир кўнглида армон ҳиссини уйғотган ҳәётій ҳақиқатларга нисбатан уларнинг кўнглида нима бор экан? Уларнинг қай бири үқувчилар кўнглида ҳам армон уйғотдийкин? Қай бирига унинг қалби безовта бўлмади экан? Нега? Шундай саволларга жавоб излаш үқувчиларнинг ўзларини кузатиб, ўзлигини англашларига кўмаклашади.

Тўра Сулаймон ижодидан берилган намуналарни ўрганишга режалаштирилган иккинчи дарсда олдин шоирнинг “Тавалло” шеъри ўрганилади. Ўқитувчи бу шеърни ўқишига тайёргарлик жараёнида унинг руҳини аниқлаб олиши керак. Шеърий сўз үқувчи унинг руҳига кира олгандагина ўз таъсирини кўрсатади. Яна шуни ҳам айтиш керакки, шеърнинг ҳар бир банди охиридаги икки мисра ўзига хос ўта нозик, сезилар-сезилмас инжа оҳангда ўқилишни талаб қиласди. Балки шеър таъсири кучининг тўқсон фоизи шу мисраларга беркитилгандир!? Бу мисраларнинг таъсири кучи ҳам уларнинг нечоғли ҳақлиги билан боғлиқдир!? “Тавалло” руҳига кира олган ўқитувчининг қироати жараёнида баъзи ўринларда овозига титроқ кириши, айрим жойларида томоғига йиғи тиқилиб қолиши табиий. Мана шу табиий ва чин ҳолатни ўқитувчи бекитиб, сунъийлаштирумаслиги лозим. Мана шу чинлик үқувчилар кўнглини ром қиласди.

Маълумки, адабиёт дарслари – кўнгил дарслари. Адабиёт сабоқлари – рост туйғу ва кечинмалар дарси. Шеърнинг ўқилиш оҳангига мазмунидаги таъсири кучидан үқувчилар маълум муддат сукутга чўмадилар. Ҳеч ким қудратли сўз таъсиридан бирданига чиқиб кетолмайди. Ўқитувчи бундай вазиятда үқувчиларга тегмай, қандайдир сониялар давомида ўз-ўзи билан қолишларига имкон бергани маъқул. Үқувчилар шеър таъсиридан кутулиб, синфда безовталик пайдо бўлгандагина таҳлилга ўтилгани маъқул.

Үқувчилар “Шеърнинг биринчи бандида лирик

қаҳрамон ҳолати қандай тасвир этилган деб ўйлайсиз? “Ҳам эглиб, бу эгилмас бош” мисраси орқали қандай ҳолат берилаётганлигини аниқланг” топшириғига жавоб беришда билиб-бilmай шоирнинг ёрқин шахсиятига ҳам дахл қилгандар тузук. Негаки, миллатнинг улуғ вакиллари ўсиб келаётган авлоднинг маънавий камолотига нафақат ижоди, балки ўша ижод намуналарида акс этган шахсиятига хос эзгу сифатлари билан хисса қўшадилар.

“Шеърнинг иккинчи бандидаги: “Қайтар бўлсан қуруқ қўл овдан” мисраси орқали шоир нимани назарда тутаётганини тушунтилинг”, “Ортда турсам қалби куроқдин, Қадрим ҳароб бўлса тупроқдин” мисраларида ифодаланган ҳолат аввалги бандлардаги тушкун вазиятлардан оғирроқми ёки енгилроқ? “Қалби куроқ” ташбеҳининг маъносини тушунтилинг”, “Оға-инилар ўртасидаги келишмовчиликлардан она туйғулари чеккан озор шеърда қандай тасвирланган? Сиз шоир ифодалаган ҳолатларга нима қўша оласиз?” каби савол-топшириқлар устида ишлаш жараёнида ўқувчилар асар матнига таянадилар. Ака-укалари, опа-сингиллари билан муносабатини, бунинг онасига таъсирини кўнгилларидан ўтказадилар. Оналарига бўлган муҳаббатлари ҳақи нималарданdir изтироб чекиб, неларданdir қувонадилар. Кўнгилларида аяш, ачиниш ҳиссини тудилар. Бу туйғулар маънавий камолот сари интилаётган инсон кўнгли шаклланишида катта аҳамиятга эга.

“Синалмоқнинг гали келганда” мисрасида қаҳрамон ҳолати ва онаизор муҳаббати орасидаги боғлиқ жиҳатни топинг”, топшириғи ўртага ташланганда ўқувчилар “синалмоқ” деганда нималар назарда тутилиши ҳақида фикр билдиришларига эришиш керак. Улар кишининг ҳаётида синовлар кўплиги, булардан инсоннинг қандай ўтиши унинг шахси, маънавиятига боғлиқ эканини эсга олишлари лозим.

“Номим қолмас бўлса жсаҳонда” мисраси замирида қандай мазмун борлиги ҳақида бош қотиринг”, “Ёгоч отга ёнма-ён бўлсан” мисрасини қандай тушундингиз? Гап нима ҳақда кетаётганини айтинг”, “Шеърда онанинг чексиз муҳаббати ва фарзандларни онага озор бермасликка чақириш тўғри бадиий ифодасини топган деб ўйлайсизми?”, “Онанинг фарзандга

муҳаббати “Қолғанлари ёлғон йиғлайдир” мисралари билан бошқаларнинг садоқатига қарши қўйилмоқдами ёки таққосланмоқда? Фикрингизни шеърдан олинган мисоллар асосида исботланг” каби савол-топшириқларга ўқувчилар матнга таянган ҳолда жавоб берадилар. Агар ўқувчилар айrim саволларга жавоб беришга қийналсалар, ўқитувчи саволларни бир оз соддалаштириши ёки бир савонни бир неча қисмга бўлиб, енгиллатиши мумкин.

“Шеърнинг сўнгги бандида шоир нима учун илоҳга мурожаат қилди деб ўйлайсиз? Сиз бутилакка қўшиласизми?” саволи ўқувчиларни жиддий ўйлантиради. Ҳар бир инсон ҳаётида ўзининг хоҳиши-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар кўп учрайди. Одам баъзи ишларга виждан амри билан қўл урса, баъзи ишларни истамаган ҳолда кимнингдир олдидаги бурч ёхуд эҳтиёж туфайли қиласиди. Улар ҳамиша ҳам маънавий ўлчамларга мос келавермайди. Бу ишларнинг натижаси ижобий бўлса ҳамма кувонади, шодлигига шерик бўлади. Салбий бўлса – жигарлар, қондош-қариндошлар, дилдош дўстлар ҳам куюнади, ачинади, изтироб чекади. Лекин ҳеч бири Оначалик куёлмайди. Фақат Онагина, ҳар қандай вазиятда ҳам, боласига хиёнат қиласиди. Фақат Онагина жонларидан кечиб бўзлади. Фақат Онагина бутун вужуди билан эзилиб йиғлайди. “Қолғанлари ёлғон йиғлайдир.” Шу ҳақиқатни чин дилдан ҳис қилган одамгина: “Йиғлатмагин муҳифиқ Онамни, Волидаи муҳтарамамни”, дея тавалло қиласиди. “Йиғлатмагин” сўзи зиммасига шоир қандай юк ортган? Ўқувчилар бу савол устида ўйларкан, шу биргина ўтинч мазмунида шеърда тасвирланган барча ҳодисаларнинг юз бермаслигини ва шундай ҳолатлар бўлмаса она ҳеч қачон йиғламаслиги мумкинлигини англайдилар.

Ҳар бир банд сўнгидаги “Қолғанлари ёлғон йиғлайдир” мисрасида кўлланган “ёлғон” сўзини ўқувчилар тўғри маънода тушуниб қолишларидан ҳазир бўлиш керак. Ўқувчи оналиқ туйғуси факат оналардагина бўлишини, бунга жигарлик-туғишганлик туйғуси ҳам, ёрлик ҳисси ҳам, дўстлик муҳаббати ҳам тенглаша олмаслигини англаши керак. Оналардай бўла олмаслик, онадай йиғлай олмаслик жигар, ёр, дўстларнинг айби эмас, ҳолатидир.

2003.



ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИ ИККИНЧИ АДАБИЁТ СИФАТИДА ЎҚИТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

НОЎЗБЕК ТИЛИДА ИШ ЮРИТИЛАДИГАН МАКТАБЛАРДА ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИ ЎҚИТИШ ЗАРУРИЯТИ

Мамлакатнинг мустақилликка эришуви туб сиёсий-мағкуравий, ижтимоий-иктисодий, маданий-маърифий ислоҳотларни тақозо этади. Бу ислоҳотлар миллати, тили, дини ва ирқидан қатъи назар ўша юртда яшаётган фуқаролар дунёқараси ҳамда фикрлаш тарзида жиддий бурилишлар ясади. Мустақил Ўзбекистонда инсон омилининг ортиши, ёшларда эзгу маънавий сифатларни шакллантиришга умумдавлат миқёсида эътибор қаратилаётгани таълим тизимида бевосита инсон камолотига хизмат қиласидиган предметларга алоҳида мавқе бахш этди.

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши мамлакатдаги ўзга миллат вакилларига ўзбек тилини эгаллаш зарурлигини тақозо қилди. Таълим-тарбия ишлари давлат тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тили ўкув фани билан бир қаторда Ўзбекистон тарихи, географияси ўқитилади. Ўзбек тили бўйича ўкув дастур ва дарсларни янгиланаб, йилдан йилга такомиллаштирилмоқда. Давлат тилини эгаллашга кўйиладиган талаблар кучайтирилиб, зарур шароит яратилди.

Тил ўрганиш фақат алоқа-аралашув воситасигина эмас, балки муайян бир ҳалқни чукурроқ англаш омили ҳамдир. Бошқа тилда таълим-тарбия оладиган ўқувчиларнинг ўзбек тили, тарихи ҳамда географиясини билишининг ўзи педагогика учун пировард мақсад эмас. Балки ушбу тупроқда яшовчи кишиларнинг ўзбекларни чукурроқ англашлари, ўзлари ватан тутган макон эгаларини теранроқ англаш воситасидир. Аммо таълим ноўзбек тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилини, миллат ва мамлакат тарихи ҳамда географиясини ўқитиш жараёнига жамият қўйган талаблар билан амалиёт ўртасидаги номувофиқлик ҳали бартараф этилганича йўқ. Чунки ўқитилаётган бу предметларда миллат руҳи етарли эмас. Улар миллатимизни билиш воситаси бўлгани ҳолда ўзбекнинг **руҳини ҳис қилиш** омили бўла олмаётир.

Ўзбек тили дарслари ўқувчиларга грамматик воситалар

ҳақида билим бериши, уларнинг ўзбек тилидаги саводхонлигини оширишга хизмат қилиши, Ўзбекистон тарихи, географияси каби ўкув предметлари миллат тарихи, табиати, мамлакатнинг ҳудудий хусусиятлари, ер ости ва усти бойликлари ҳақида илмий асосланган маълумотлар беради. Лекин бу предметлар ўзбек халқининг миллий-маънавий қадриятлари моҳиятини тўла очиб беролмайди. Шу боис таълим-тарбия ишлари ноўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда таълимни янгича педагогик тафаккур талабларига мувофиқ йўлга қўйиш, ўкувчиларга миллат руҳияти ва сезимларини теранроқ англатиш учун уларда ўзбек адабиётини ўқитишини ташкил этишнинг илмий-методик жиҳатларини тадқиқ қилиш, ўқитишининг асосий йўналишларини тўғри белгилаш зарурати мавжуд.

Таълим-тарбия ишлари ноўзбек тилида олиб бориладиган муассасаларда ўзбек адабиётини ўқитишишини педагогика фанида, адабиёт ўқитиши методикаси илмида содир бўлган ўзгариш ва янгиланишларнинг моҳиятини англамай, уларга хос етакчи хусусиятларни ҳисобга олмай туриб амалга ошириш мумкин эмас. Миллий педагогикамизга хос бўлган етакчи йўналишларни аниқлаш, миллий негизларга таянган ҳолда ноўзбек тилидаги мактабларда ўзбек адабиётини ўқитишининг ўрни ва уни йўлга қўйишнинг илмий-методик асосларини ишлаб чиқиш долзарб масала экани аниқ. Лекин бундай мактабларда ўзбек адабиётини ўқитишининг илмий-назарий асослари ва концептуал йўналишларини белгилаб олмай туриб, унинг хусусий-методик муаммоларини ҳал қилиш мумкин эмас.

Таълим гуманизация жараёнини кечираётган бир пайтда ноўзбек мактабларда ўзбек адабиётини ўқитиш олдида турган вазифаларни белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун аввало, ноўзбек тиллардаги мактаблар ўзбек адабиёти таълимига соф маънавий-эстетик ва ахлоқий-педагогик нуқтаи назардан муносабатда бўлиш тамойилларини белгилаб олиш лозим. Ўзбекистон ҳудудидаги ноўзбек тилларда иш юритадиган мактабларда ўзбек адабиёти таълимини ташкил этишда, умуман, мактабда адабиёт ўқитиши методикаси, хусусан, жаҳон таълим тизимида миллий адабиётни иккинчи адабиёт сифатида ўқитишининг

умумназарий жиҳатларини комплекс тарзда ўрганмай туриб амалиётга тавсиялар бериш мумкин эмас. Ушбу тадқиқотиши ўзбек адабиётини мамлакатимиз ҳудудидаги таълим-тарбия ишлари давлат тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўқитишнинг мақсади, вазифалари, мазмунини белгилаш ҳамда методикасини ишлаб чиқиши йўлидаги изланишларнинг дастлабки самараси тарзида юзага келди.

Педагогика фанида, адабиёт ўқитиш методикаси илмида туб ўзгаришларнинг юз бериши ноўзбек тиллардаги мактаблар таълим-тарбия тизимида ҳам муайян эврилишлар содир бўлишига олиб келди. Мактабда адабиёт ўқитишни янгича ташкил этиш, уни ўқувчилар маънавиятини шакллантириш воситасига айлантириш, адабий таълимда бадиий матн устида ишлашга устувор аҳамият бериш, адабиёт ўқитишни давр талаблари даражасига кўтариш юзасидан қатор олимлар илмий тадқиқот ишларини олиб бордилар.

Мамлакат ҳудудидаги таълим-тарбия ишлари ўзбек тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилини ўқитишнинг илмий-методик муаммолари борасида К.Асадов, Р.Йўлдошев, Қ.Ҳолиқбердиев, М.Усмонова, Ҳ.Жамолхонов, А.Рафиев, М.Тўхтамирзаев, Н.Ражабов, М.Болтаев, Р.Толипова, Ҳ.Муҳитдинова каби олимлар изланишлар олиб борганлар. Аммо ушбу тадқиқотларда ўзбек адабиётини ўқитишга маънавият шакллантириш воситаси сифатида эмас, балки грамматик билимларни мустаҳкамлаш манбаи шаклида ёндашилган. Ўзбек адабиётини иккинчи адабиёт сифатида ўқитиш муаммосини Р.Ниёзметова, Е.Абдувалитов, Д.Исломова, Г.Эшжоновалар алоҳида муаммо сифатида ўргангандар. Уларнинг ишларига қўшимча равишда ушбу тадқиқотда ноўзбек тилидаги мактабларда ўзбек адабиётини ўқитишнинг мақсади, вазифалари, мазмуни тушунчаларини изоҳлашга, бу жараёнда ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари характеристини белгилашга, ноўзбек тилидаги мактабларда ўзбек адабиётини ўқитиш жараёнда ўқувчиларнинг этник-психологик, миллий ва ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иш кўришга, ўзбек адабиёти ноўзбек ўқувчилар маънавиятини шакллантириш воситаси эканини асослашга

алоҳида эътибор қаратилган.

Ушбу тадқиқотда таълим бошқа тилларда олиб бориладиган умумтаълим мактабларида ўзбек адабиётини ўқитишнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш, ўзбек адабиётидан нимани, қачон, қандай ўқитиш тамойилларини белгилаш, ўзбек адабий таълимини амалга ошириш жараённида таянилиши зарур бўлган илмий-назарий, педагогик-психологик, бадиий-эстетик ва методик асосларни муайян илмий тизим ҳолида ишлаб чиқиш ҳамда улардан педагогик амалиётда фойдаланиш йўлларини тадқиқ этиш назарда тутилган.

НОЎЗБЕК ТИЛЛИ МАКТАБЛАРДА ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИ ЎҚИТИШНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистонда яшаётган кўпсонли миллат вакиллари ўз она тилларида билим олиш хукуқига эга ва бунинг учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратишни давлат ўз зиммасига олган: “Ўзбекистон ҳудудида республика давлат тилида, шунингдек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман, тоғжик, рус тилларида умумий ўрта маълумот олишини таъминлайди”¹.

Ўзбекистондаги таълим-тарбия ишлари давлат тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўқувчининг ўз она тилида ўқитилаётган ўқув фанлари қаторида “Ўзбек тили” предмети ҳам мавжуд бўлиб, ўқувчиларга давлат тилини ўргатишни давр талабига мослаштиришга ҳаракат қилинмоқда ва бу Конунда: “... дарслар ўзбек тилида ўтилмайдиган бўлим ва гурухларда ўзбек тилини ўқув режасининг асосий фанларидан бири сифатида ўрганилишини таъминлайди, бу фандан битирув имтиҳонлари топширилади”, дея белгилаб кўйилган².

Ўзбекистон ҳудудидаги таълим-тарбия ишлари ўзбек тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар шу кунга қадар ҳар хил ном билан аталиб келинмоқда. Аввало,

¹ Ўзбекистон Республикаси “Давлат тили тўғрисида”ги Конуни //Тил ва адабиёт таълими-1996. N1. 4-6.

² Ўша манба, ўша бет.

шу масалага аниқлик киритиб олиш лозим. Республикамиз худудида жойлашган ҳамма мактаблар мантиқан ўзбек мактаблари дидир. Чунки уларда Ўзбекистон фуқароларининг фарзандлари таълим олади. Бу мактаблар Ўзбекистон аталмиш мамлакатнинг миллий, мафкуравий, ижтимоий ислоҳотлари маҳсулси саналади, уларнинг моддий ва ижтимоий таъминоти ҳам шу мамлакатнинг гарданида. Уларда фақат таълим-тарбия ишлари бошқа тилларда олиб борилади холос. Ўзбекистон умумтаълим мактаблари зиммасига юклатилган барча масъулият уларга ҳам тегишли. Мамлакатнинг сиёсий, миллий, маданий-маърифий ва ижтимоий талаблари уларга ҳам татбиқ этилади. Шунинг учун “рус мактаблари”, “қозоқ мактаблари” ва б. деб эмас, балки, “таълим-тарбия ишлари давлат тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар” ёки қисқароқ қилиб ифодалайдиган бўлсак, “таълим ноўзбек тилида юритиладиган мактаблар”, дея аташ мақсадга мувофиқдир.

Жумхуриятимиздаги ўқишилар бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тили билан бирга ўзбек адабиётини ўқитишнинг мақсад ва вазифаларини белгилаб олиш лозим. Ўзбекистонда яшаётган ўзга миллат вакилларига ўзбек адабиётини ўқитиш нима учун керак? Бундан мақсад нима? Улар ўзбек адабиётини ўргансалар нимага эришадилар-у, билмасалар нима йўқотадилар?

Ўқишилар давлат тилида олиб борилмайдиган мактабларда ўзбек адабиётини ўқитиш мақсадини белгилашда ўзбек мактабларида миллий адабиёт ўқитиш мақсадини тўғридан-тўғри кўчириш, тўлалигича татбиқ этиш мумкин эмас. Мамлакатимизнинг ўқитиш давлат тилида олиб бориладиган мактабларида ўзбек адабиётини янгича тафаккур тамойилларига таянган ҳолда ўқитишнинг мақсад, вазифа ва мазмуни белгиланиб, “Узлуксиз адабий таълим концепцияси”, “Узлуксиз адабий таълим давлат стандарти” яратилди. Уларга таянган ҳолда дастур, дарсликлар яратилмоқда, методик кўлланмалар тайёрланмоқда.

Бу хужжатларга кўра, ўсиб келаётган авлоднинг маънавиятини шакллантириш, ёшлар тимсолида баркамол авлодни тарбиялаш адабий таълимнинг бош мақсади ҳисобланади. Таълим-тарбия ишлари давлат тилида

юритиладиган мактаблар учун тайёрланган “Адабиёт” дастурида тарбия тизимиға кирувчи ўқув предмети сифатида адабиёт тұлалигича инсон маънавиятини, унинг туйғуларини, қалбини шакллантиришга йўналтирилганлиги ҳакида сўз юритилиб: “Соғлом эътиқодли, умуминсоний қадриятларни англайдиган, ўз хатти-ҳаракатларига маънавий масъул”, “яхшини ёмондан, ҳалолни ҳаромдан, ҳақниноҳақдан, гўзалнихунукдан фарқлайдиган, маънавияти баркамол, етук шахсларни шакллантириш”² ўзбек мактаби адабий таълим мининг мақсади қилиб белгиланган.

Ўзбекистондаги дарслар ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, туркман, тоғик тилларида олиб бориладиган мактабларда буғунга қадар иккинчи адабиёт сифатида рус адабиёти (“Рус тили” дарсликлари замира) ўрганиб келинмоқда. Рус адабиётини собиқ иттифоқ давридаги миллий мактабларда ўқитишдан мақсад – барча ҳалқлар учун умумий бўлган “вatan” адабиётини ўқитиш, ўкувчиларда ғоявий-сиёсий дунёқарашни шакллантириш, уларга социалистик тузумга садоқат ҳиссини сингдириш, тарбияланувчиларни коммунистик мағкура талабларига мос, рус маънавиятини англайдиган қилиб шакллантириш эди.

Ўқишилар рус тилида олиб бориладиган мактабларда “Родная литература”ни ўрганишдан мақсад эса: “...инсон маънавий оламини маркиб топтириши, шахс шаклланиши жараёнининг узлуксизлиги ва ижодий имкониятларини амалга оширишида ички эҳтиёжни шакллантириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш”³ дир³. Дастурда белгиланган бу мақсадга эришиш учун инсоннинг ҳамиша бадиий адабиёт билан ошно бўлишини таъминлаш лозимлиги қайд этилган.

Дарслар қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз тилларида олиб бориладиган мактабларда ҳам миллий адабиётни ўқитишнинг шу сингари ўзига хос мақсадлари белгиланган. Масалан, қозоқ мактабларидан адабиёт ўқитиш дастурида қозоқ адабиётини ўқитишнинг ўқув фани сифатидаги

1 Умумтълим мактаблари дастури. Ўзбек адабиёти. V-XI синф. –Т.: “Ўқитувчи”, 1993. –3-б.

2 Узлуксиз адабий таълим концепцияси. Лойиха. –Т.: ЎзПФТИ, 1995. –3-б.

3 Программа восьмилетней школы. Русский язык и литература в узбекской школе. /1-8 кл./ –Т.: “Ўқитувчи”, 1980. С.3.

мақсади: “ўқувчиларни халқимизнинг асрлар бўйи яшаган маънавий маданияти билан, бадиий адабиётнинг юксак намуналари билан танишишира бориб, уларнинг инсоний эстетик жиҳатлари, бадиийлиги билан болаларда дунёқараши шакллантириши, адабиётга қизиқини уйғотиш ва ўз маънавиятини бойитиш”, деб белгиланган¹.

Ўзбекистондаги таълим-тарбия ишлари давлат тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек адабиётини ўқитиши мақсадини белгилашда ўзга миллат боласида шаклланайтган миллий рухга дахл этмаслик, миллий қадриятларини хурмат қилиш катта аҳамият касб этади. Шундай қилингандагина уларда ўзбек тили ва адабиётини ўрганишга меҳр уйғотиш мумкин бўлади. Ноўзбек мактаблари ўқувчиларида ўзбек тили ҳамда адабиётини билиш зарурлигига ишонч ҳосил эттирилиб, ҳаётий эҳтиёжга айлантирилмаса, бу борада муваффақиятга эришиш мумкин эмас.

Шулардан келиб чиққан ҳолда таълим-тарбия ишлари давлат тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек адабиётини ўқитишининг **мақсади** маънавий дунёси бой, ўзбек халқининг эзгу маънавий қадриятларини биладиган, шу боис ўзбекларни чуқурроқ англайдиган қалби уйғоқ ўзбекистонлик баркамол авлодни шакллантиришдан иборат, деб белгилаш мумкин.

Мамлакатимиз худудида яшаётган ҳар бир ўзга миллат вакили ватани бўлмиш Ўзбекистоннинг тарихи, маънавий қадриятлари, моддий бойликлари, адабиёти, маданияти, шу моддий-маънавий бойликларни яратган халқнинг урф-одатларини, ўзигагина хос бўлган миллий характеристини, жамият ва табиат ходисаларига, борлиққа муносабатларидаги ўзига хосликларни англаб олиши, қадрлаши ва хурмат қилиши, риоя этиши керак бўлади.

Ўзбекистонда яшаётган ўзга миллат болаларининг маънавий дунёси, дунёқараши, борлиқни англаши ва ифодалаши ўзбекона қараашлар билан уйғунлашиб боради. Чунки инсон ўзи яшаётган атроф-муҳит таъсирисиз яшай олмайди. Уларнинг ўзбек адабиётини ўрганишлари

1 Жалпы білім беретін орта мектеп бағдарламалары. Қазақ адебиеті. – Алматы: “Рауан”, 1974. –3-б.

ўзбек халқининг маънавий дунёсига кириб боришига йўл очиб, шу уйғунликни табиий равишда тизимга солиб, шакллантиришга хизмат қиласди.

Тадқиқотимиз бошида агар бошқа миллатга мансуб ўкувчилар ўзбек адабиётини ўрганмасалар нима йўқотадилар деган савол қўйилган эди. Ўзбекистонда яшаб туриб ўзбек адабиётини ўрганмаса, дунёга машхур бўлган ўзбек адилари асарларидағи қаҳрамонлар табиатига хос бўлган эзгу фазилатларни англаб етмаса, асарлардаги инсон маънавиятини камолот сари етакловчи қудратли ғояларни илгай олмаса, оламдаги ҳамма яратилган неъматлар инсон учун экани тараннум этилган адабиётни билмаса, атрофидаги ўзбекларнинг миллий характерини тушуна олмайди. Атрофидагиларни яхши билмаслик шахснинг ижтимоийлашувини қийинлаштириб, кишини маънавий қашшоқ қилиб қўяди.

“Узлуксиз адабий таълим концепцияси”да таъкидланганидек, маънавий камолотга эришишга интиладиган ҳар бир инсон, энг аввало, ўзи туғилиб ўсган Ватанини севиши керак. Бу севги инсон маънавиятининг теранлигига қараб са-мимий ва қудратли бўлади. Ўзбекистон мактабларида таълим олаётган ўзга миллат болалари ҳам ўзбеклар тақдирни билан узвий боғлиқ бўлган ўз эртасини ҳам яққол кўра олиш ва контурларини тўғри белгилай олиши учун ўзбеклар руҳиятини яхши билишлари керак бўлади.

Бирор мамлакатда яшовчи ҳар бир фуқаро шу мамлакатга муносиб фарзанд, маънавияти юксак, ўз сўзи ва овозига эга бўлган, жамият тараққиётига ҳисса қўша оладиган, иродали шахс бўлиши лозим. “*Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қиласди. Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак...*” деб талаб қўйилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси йиғилишида¹.

Маънавий етук кишиларни тарбиялаш умуман, мактабнинг, ундаги ҳар бир ўкув фанининг, хусусан, адабиёт ўқитишининг, таълим-тарбия ишлари давлат тилидан бошқа

1 Каримов И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995. –21-б.

тилларда олиб бориладиган мактабларда эса ҳам миллий, ҳам ўзбек адабиёти дарсларининг зиммасига юкланди. Ўзбекистонда яшаётган ўзга миллат вакиллари шу Ватан тарихини, уни гуллатиб яшнатаётган кишиларнинг рухияти, ахлоқи, ўтмиши ва бугуни, маданиятини қанчалар чукур билса, маънавияти шунча бой бўлади. Халқ яратган бадиий адабиёт намуналаригина шу халққа хос бўлган миллий хусусиятларни тўлиқ очиб бера олади. “*Адабиёт – инсон маънавияти асосларини ташкил этувчи руҳий қадриятларни шакллантиришига хизмат қиладиган санъат тури. Шу боисдан ҳам инсоннинг хулқий, руҳий сифатларини қарор топтиришига ҳеч қандай воситаларсиз тўғридан-тўғри иштирок этадиган, ёшларнинг ахлоқий қиёфаларини шакллантиришида бевосита иши кўрадиган таълим тури*” эканлиги қайд этилади¹.

Таълим-тарбия ишлари давлат тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек адабиётини ўқитишининг мақсади бу жараён олдига маълум вазифаларни ҳам қўяди. Чунончи, бу вазифалар рус адабиётини иккинчи адабиёт сифатида ўқитишда қуйидагича белгиланган: “*Миллий мактабларда рус адабиётини ўқитишининг вазифаси ўқувчиларнинг рус тилида яхши гапириши ва яхши тушунишдан ташқари рус маънавияти хазинасига жалб қилиши*”дир².

Ўқишилар давлат тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек адабиётини ўқитишининг вазифаси – “... ўқувчиларда бадиий адабиётга меҳр уйғотиши, уларни бадиий асарларни ўқийдиган, тушунадиган ва таҳлил қила биладиган, ўз фикрини оғзаки ҳамда ёзма тарзда тўғри ва эркин ифодалай оладиган қилиб тарбиялаш”дан иборатдир³. “*Адабий таълим оддий одамдан дидли китобхон яратиш, уни бадиий асар билан дўстлаштириши, адабий асар ўқишини эҳтиёжга айлантириши, уни равон ва фасоҳатли фикрлайдиган, сўзлайдиган даражага етказишнинг уддасидан чиқса, ўз вазифасини бажарган бўлади*”, дейилган “Узлуксиз адабий

1 Узлуксиз адабий таълим концепцияси. Лойиха. – Т.: Ўзбекистон ПФТИ, 1995. –2-б.

2 Шейман А. Л. Основы методики преподавания русской литературы в кыргызской школе. Часть 1. (Подходы. Цели. Принципы. Методы.). – Фрунзе: Мектеп, 1981. – 4-5-б.

3 Умумталим мактаблари дастури. Ўзбек адабиёти. V–XI синф. – Т.: “Ўқитувчи”, 1993. –3-б.

таълим концепцияси”да¹. Бизнингча, қандай мактабда ўқитилишидан қатъи назар адабиёт ўқитишнинг умумий вазифаси шундай белгиланиши лозим. Лекин адабиётни иккинчи тилда ўқитишнинг айрим ўзига хос хусусий вазифалари ҳам мавжуд.

Таълим-тарбия ишлари давлат тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек адабиётини ўқитишнинг вазифалари шу заминда ўсаётган ўзга миллат вакилининг болаларини фикрини ўзбек тилида ёзма ва оғзаки тарзда равон, саводли баён қила оладиган, ўзбек адабиёти намуналарини ўқыйдиган, уни тушуниб, баҳолай оладиган қилиб тарбиялашдан иборатdir, деб белгилаш мумкин.

Ўзга миллат вакилларининг болалари қалбида ватан туйғуси, уни севиш ва ардоқлаш ҳисси, атрофидаги кишиларни хурматлаш каби фазилатлар унинг илк ёшида, оиласда шакллантирилиши лозим. Дунёқараши тўғри шаклланган, маънавияти теран, соғлом фикрли ота-онагина фарзандини тўғри тарбиялай олади. Оиласда тўғри тарбияланган бола таълим муассасаларига келгач, ўзига ўхшаган ҳар хил миллат болалари билан ётсирамай, миллий урф-одатлару қадриятларни қарама-қарши қўймай, самимий мулоқотда бўлади. Бу мулоқот жараёнида ўз-ўзидан табиий равишда тил ўрганиш бошланади. Бу инсон ҳаёти давомида узлуксиз тарзда давом этиб, босқичма-босқич ривожланиб боради.

НОЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ИШ ЮРИТИЛАДИГАН МАКТАБЛАРДА ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИ ЎҚИТИШНИНГ ҲОЗИРГИ АҲВОЛИ

Мамлакатда туб сиёсий, иқтисодий ва маърифий ўзгаришлар бўлгунга қадар Советлар Иттифоқи таркибидағи ҳамма республикалар мактабларида, дарслар қайси тилда олиб борилишидан қатъи назар, иккинчи адабиёт сифатида фақат рус адабиёти ўрганилар эди. Қардош республикалардаги дарслар рус тилида олиб бориладиган мактабларда эса ўша республиканинг тили ўрганилар, унга ҳам жуда кам соат ажратилиб, бу предмет бўйича имтиҳон бўлмас эди.

¹ Узлуксиз адабий таълим концепцияси. Лойиха. – Т.: Ўзбекистон ПФИТИ, 1995. –3-4-6.

Ўзбекистон ҳудудидаги дарслар рус тилида олиб бориладиган мактаблардагина ўзбек тили ўрганилар, таълим-тарбия ишлари қозоқ, қирғиз, туркман, тоҷик, қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган мактабларда эса ўзбек тили, умуман, ўқитилмасди. Ўзбекистонда ўзбек тили давлат тили сифатида қонун билан мустаҳкамланганидан сўнггина жумхуриятдаги таълим-тарбия ишлари ноўзбек тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тили предметига алоҳида эътибор қаратилди, соатлар оширилди, машғулотлар кам сонли ўқувчилар билан ўтиладиган бўлди. Ўзбек тили ўқитувчиларига бир қатор имтиёзлар берилди. Дастур ва дарсларни янгилаш устида иш бошлаб юборилди. Ҳар синф якунида имтиҳон топшириш қатъий белгиланди.

Орадан ўтган вақт мобайнида дарслар ўзбек тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тили предмети билангина давлат тилини тўлик ўрганиш мумкин эмаслиги кундай равshan бўлиб қолди. Шундан келиб чиқиб, 1990 йилда лойиҳа сифатида эълон қилинган ва 1991 йилда вазирлик томонидан тасдиқланган дастурда таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тили грамматикаси билан бирга ўзбек адабиётидан намуналар ҳам ўрганишга киришилди.

Рус тилида таълим бериладиган мактабларда кузатилган бир канча дарслар, мактаблар билан доимий алоқалар шуни кўрсатдики, мактабларда ўзбек тили ва адабиёти дарсларини олиб бораётган жуда кўп ўқитувчилар соҳа мутахассислари эмас. Улар ўзбекча сўзлашув тилини билгани, ўзбек тили грамматикасидан қисман хабардор бўлганларини ноўзбек тилларда ўқитиладиган мактабларда ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш учун етарли деб ҳисоблайдиган кишилар. Синфлар икки гурухга бўлиб ўқитила бошлагандан кейин ўқитувчилар танқислиги сезилиб қолди ва жуда кўп бошқа предмет ўқитувчилари ўзбек тили ўқитувчисига “айлантирилди”. Ҳозирги кунда ноўзбек тилидаги мактабларда нафақат ўзбек адабиёти, ҳатто, ўзбек тилини ўқитиш ҳам жуда ночор аҳволда. Рус тилида иш юритиладиган мактабларда ўзбек тилидан дарс бераётган ўқитувчиларнинг кўпчилиги рус тилида таълим олишган,

рус тилида фикрлайдиган мутахассислар. Фикрини ўзбек тилига таржима қилиб, айрим ҳолларда, тўғридан-тўғри рус тилида баён қилади. Таълим рус тилида уюштириладиган кўпчилик мактабларда ўзбек тили дарслари рус тилида олиб борилмоқда. Чунки бу ҳолат “чала ўзбек” ўқитувчига ҳам, ўкувчиларга ҳам қулай. Колаверса, “Ўзбек тили” дарсликлари ҳам қайта ишланиб, нашр этилган бўлса-да, бугунги талабларга жавоб бера олмаяпти.

Ўз касбининг чинакам фидойиси бўлган мутахассис ўқитувчилар дарсликлар давр талабидан орқада қолиб кетганлигидан, дарслик материалларининг кўпчилиги зерикарли, мазмунан ғарип эканлигидан қайғурадилар. Дарсда на дастур ва на дарсликлардан фойдаланишларини, ўзлари мустақил равишда тайёрлаган материаллари ёрдамида дарс ўтишларини айтишади. Афсуски, бундай ўқитувчилар камчиликни ташкил этади.

Ўз фуқароларига муайян талаблар кўйған жамият бу талабларнинг бажарилиши учун зарур бўлган шартшароитларни ҳам яратиб беришга масъул. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ўзга миллат вакилларига ўзбек тилини ўрганишлари учун маълум муддат белгиланди ва корхона-ташкилотларда давлат тилини ўрганиш учун жуда катта микдорда маблағ сарфланди. Ходимларга ҳафтасига 4–6 соатдан ўзбек тили дарслари ташкил қилиб берилди. Лекин олинган натижа бу маблағни оқладими? Йўқ. Оқламайди ҳам. Чунки ташкилотлардаги ўртача ёши қирқдан ошган ходимларнинг тиллари қотиб, руҳан ўрганишдан кўра ўргатишга мойил бўлиб қолган. Улар давлат тилини билишлари зарур эканини ҳис қилган ҳолда қанчалар ҳаракат қилмасинлар, ўз имкониятлари доирасидан чиқиб кета олмадилар. Ўзбек тилини ўрганиш учун белгиланган муддат тугаганда, ўзбек тили улар учун ҳаётий заруратга айланганда, ўз ишлари доирасида билиб олишади. Шунинг учун ҳам вақтни бекор ўтказмай бутун маблағ, ғайрат ва билим давлат тилини болалар боғчалари ҳамда мактабларда ўргатишга сарфланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Шундан келиб чиқиб, таълим-тарбия ишлари ноўзбек тилларда олиб бориладиган мактаблар учун “Ўзбек тили”

дарсликларини давр талаби асосида, яъни грамматик қоидаларга урғу бермай, ўқувчиларнинг коммуникатив эҳтиёжлари қондирилишини асос қилган ҳолда қайта ишлаб чиқиш лозим.

Ноўзбек тилларда иш юритиладиган мактабларда ўзбек адабиётини ўқитиш ўзига яраша маълум тарихга эга. Шу давр мобайнида ўзбек адабиёти қандай ўқитилган? Унда етакчи ўринда нима турган? Ўзбек тили дарслари таркибида ўзбек адабиёти намуналарини ўқитишда нималарга урғу берилган? Мана шу саволларга жавоб топиш мақсадида ушбу муаммонинг тарихига назар ташланди.

1958–1968 йилларда қўлланилган “Ўзбек тили” дарсликларида ўзбек адабиётидан намуналар тақдим этилиб, бир қатор шеърлар, мақолларни ёд олиш талаб қилинган. Тавсия этилган адабий материаллар матни юзасидан баёнлар, иншолар ёзиш, айрим адиблар ҳаёти ва ижоди юзасидан маърузалар тайёрлаш топшириқлари берилган. 70-йилларга келиб эса, таълим-тарбия ишлари рус тилида олиб бориладиган мактаблар ўқувчиларидан асосан матнларни ифодали ўқиш ва ўзбек адиблари ҳамда уларнинг асарлари ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиш талаб этилган. Ёд олиш учун тавсия этилган материаллар ҳам қисқариб кетган. Кейинги йилларда тузилган дарсликларда матн юзасидан берилган савол ва топшириқлар ҳам матн мазмунини қайта ҳикоялашга, матндан сўзма-сўз жавоб топишга мўлжалланган. Айрим матнлар мазмуни юзасидан режалар тузиш, улар асосида матн мазмунини сўзлаб бериш талаб этилган. Хуроса қилиб айтганда, 70-йилларга келиб дарсликлар такомиллаштирилиш ўrniga жўнлаштирилган.

1958 йилда рус мактабларининг VI–X синфлари учун алоҳида “Ўқиш китоби” дарслик шаклида нашр этилган¹. Унда, асосан, адабий материаллар жамланган. Ушбу дарслик икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлими ўзбек тилида гапира олмайдиган ўқувчиларга мўлжалланган. Унда енгил матнлар тақдим этилган бўлиб, бу матнлар устида ишлаш учун жўнроқ талаблар қўйилган. Ўқувчининг ўзбек тилида гапира олмаслиги диққат марказида бўлган. Луғат устида

¹ Ўқиш китоби. Рус мактаблари учун. VI–X синфлар. /Енилсева М., Алексеев А., Рассоқов М. ва бошқ. –Т.: Ўқувпеддавнапр, 1958. -158 б.

ишлишга катта эътибор берилган.

Шуниси эътиборга лойикки, китобда грамматик ҳодисаларни ўрганиш иккинчи планга туширилган. Дарс жараёнида ўкувчи луғат устида ишлаб бўлгандан сўнг матн мазмуни асосида берилган грамматик қоидаларни ўрганишга киришиши таъкидланган. Бадий матндан грамматикага борилган. Грамматикага доир қоидалар эса дарслек охирида ихчам, содда ва аниқ қилиб рус тилида берилган. Мисол учун, Уйғуннинг “Октябрь қўшиғи” шеъридан парча такдим этилган. Янги сўзлар матннинг таркибида ажратилган ҳолда ёзилган. Матнга доир алоҳида луғат тузилмаган. Шеърни ёд олиш топширилган. Матн таркибидаги янги сўзга таянган ҳолда: “Грамматика: ҳилпирап - ҳилпираиди - развеется (57-бет)” шаклида грамматик маълумот берилган. Дарслек охиридаги жами 15 бетлик (102–116) грамматик материалнинг 57-параграфида: “В стихотворениях часто употребляется в смысле настоящего времени форма глагола с суффиксом -(а)р. Например: ишлар (в место ишлайди) – работает, ўқир (в место ўқийди) – учится, келар (в место келади) – приходит, олар (в место олади) – получает и т. д.” (111-бет) шаклида тушунтириш берилган.

Бу дарсликда ўкувчининг оғзаки нутқини ўстириш биринчи ўринда турган. Матн мазмуни асосида саволлар тузиш, уларга оғзаки, ёзма тарзда жавоб бериш, грамматикага доир қатор топшириқларни бажариш назарда тутилган.

Дарсликнинг иккинчи – ўзбек тилида гапирап оладиган рус ўкувчилари учун мўлжалланган қисмида эса матн асосида баён ёзиш, адиллар таржимаи ҳолини гапириб бериш, асар мазмунини қайта ҳикоя қилиш, бирор мавзуда мақола ёзиш каби топшириқлар кўйилган.

“Ўқиш китоби”нинг иккинчи қисмидан ўзбек мумтоз адабиёти намуналари ҳамда замонавий асарлари жой олган. Алишер Навоий таржимаи ҳоли, унинг ҳикматлари, “Луқмони Ҳаким” сарлавҳаси остида матн, “Ёлғончи” шеъри, Муқимий ҳаёти ва фаолияти, унинг “Саёҳатнома”сидан парча, Фурқат ҳақида маълумот ҳамда унинг “Илм хосияти” шеъри каби қатор матнлар такдим этилган. Китобда ҳавола қилинган бадий матнлар мазмунидаги мумтоз сўзларнинг ҳозирги замон ўзбек тилидаги синонимини ифодаловчи сўзлар

берилган. Замонавий адабиёт вакилларининг асарларидан ҳам намуналар тавсия этилган. Дарсликнинг иккинчи қисмига грамматик материаллар умуман киритилмаган. Матнларга доир лугат эса китобнинг охирида, алфавит асосида беришган.

Бундан кўринадики, 60-йилларда рус миллати вакилларига мансуб ўқувчиларга юқори синфларда ўзбек тилини ўргатишда асосан адабий материалларга таянилган. Грамматик билимлар иккинчи планда бўлган. Ўқувчининг сўз бойлиги ҳам, унинг нутқини ўстириш ҳам адабий материаллар асосида амалга оширилган.

“Ўқиши”да “Ўқитувчи учун қисқача методик қўлланма” ҳам тақдим этилган. Унда дарсликнинг ҳар икки бўлимидаги материалларни қандай ўргатиш, нималарга эътиборни қаратиш, грамматика ва лугат устида қандай ишлашга доир кўрсатмалар беришган. Ўқитувчининг фаолияти билан боғлиқ бундай ишлар ўқувчилар учун яратилган дарсликка киритилиши методик жиҳатдан унчалик тўғри эмас, албатта. Чунки бу дарслик ўқувчи учун тузилган ва у билан ўқувчилар ишлаши кўзда тутилган. Ўқитувчи учун алоҳида методик тавсиялар яратилса, мақсадга мувофиқ бўларди, албатта.

Афсуски, кейинги даврларда бу хилдаги дидактик воситарап мутлақо яратилмади. Таълим-тарбия ишлари рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек адабиёти намуналари ўзбек тили дарслари таркибида ўқитилган. Лекин, нафақат адабиёт, ҳатто, тил дарслари ҳам талаб дараҷасида бўлишига эътибор беришмаган. Ўрни келганда шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, Россия Федерацияси ҳудудидаги кўпчилик автоном республикалар ва миллий округлардаги миллий-маҳаллий мактабларда ўқишилар (барча ўкув фанларини ўқитиш) биринчи синфдан бошлаб рус тилида олиб борилган. Россия Федерацияси ҳудудидаги рус бўлмаган мактабларда рус адабиётини ўрганишга алоҳида предмет сифатида 4-синфдан бошлаб салмоқли вақт ажратилган. Юқори синфларга ўтганда, тилга ажратилган соатлар камайтирилиб, адабиёт дарсларининг соатлари кўпайтирилган. Фикримизни асослаш учун Россия Федерацияси ҳудудидаги маҳаллий мактабларда рус адабиётининг ўқитилишини

қүйидаги жадвалда күриш мумкин:

Синф	Тил учун соат	Адабиёт учун соат	Жами соат	У қувчининг рус тилидан сўз бойлиги микдори
4	210	70	280	758-850
5	204	68	272	750-850
6	170	68	238	650-750
7	102	68	170	600-700
8	68	102	170	600-700
9	68	136	204	500-600
10	68	102	170	500-600

Таъкидлаш жоизки, бу дастурлар Россия Федерацияси худудидаги барча миллий мактаблар учун (дарслар қандай тилда олиб борилишидан қатъи назар) битта ва юқорида келтирилган жадвал ҳам барча минтақалардаги бир хил ҳолатни намоён этган¹.

Бу дастурлар талаби бўйича адабий материаллар 4-синфдан бошлаб таҳлил қилиб ўрганилади. Ўқувчилардан кўпроқ асардаги воқеалар ривожи, тимсоллар, уларнинг хатти-ҳаракатларига муносабат билдириш талаб қилинади. VI–VII синфларда кенгроқ тарзда асарнинг ғоявий мазмуни, поэтик хусусиятлари қамраб олинса, VIII–X синфларда асарларнинг мазмуни бадиий шакли билан уйгунилкда ўрганилиши, таҳлил қилиниши лозимлиги таъкидланади.

Ҳар бир синфда тил дарслари билан бирга адабиёт дарсларида ҳам янги сўзлар ўрганилишига алоҳида эътибор қаратилган ва бу фаолият кириш дарсларда бошланиб, асар таҳлили жараёнида ҳам давом этиши кўзда тутилган.

Бу дастурларда ҳам 8-синфдан бошлаб рус адабиётини тизимли курс сифатида ўрганиш режалаштирилган. Унда монографик мавзуларни шарҳли ваъзлар билан алмаштириб ўрганиш назарда тутилган. Ҳар бир адабий даврда шарҳли ваъз, даврнинг таниқли адиллари фаолияти ҳақида монографик мавзу ва чет эл адабиёти намояндалари ҳаёти, уларнинг асарларидан намуналар берилган. Адабий

¹ Программа национальных школ РСФСР. Русский язык и литература. IV–X классах. – Л.: Просвещение, 1981. – 128 с. Программа национальных школ РСФСР. Русский язык для подготовительного третьего классов школ народов абхазо-адыгской группы. – Л.: Просвещение, 1982. – 125 с.

материаллар 8-синфдан бошлаб қатый хронологик изчилликда тақдим этилган.

Собиқ Иттифоқ жумхуриятларидағи маҳаллий мактабларда рус адабиёти дастурлари, дарсликлари ҳам ўрганиб чиқилганды маълум бўлдики, иттифоқдош республикалар маҳаллий мактаблари учун рус адабиётини ўқитиш бўйича юқоридаги дастурга таянилган ҳолда ҳар бир жумхуриятнинг ўз хусусиятлари маълум даражада эътиборга олинган дастурлар ишлаб чиқилган. Жумхуриятлардаги маҳаллий мактабларда 4- ёки 5-синфдан бошлаб алоҳида “Книга для чтения” дарслиги бўлиб, рус адабиёти материаллари оригиналда – рус тилида ўрганилган. Ўрта мактабларнинг 7-синфидан бошлаб, рус адабиёти “Русская литература”, “Литературное чтение” номи билан тизимли курс сифатида ўрганилган. Қирғиз мактабларида дастурга асосан IX–X синфлар учун алоҳида “Учебник-спутник” бўлиб, дарсликка кўшимча равишда тузилган бу йўлдош дарслик “По страницам советской литературы” деб номланган. Унда ҳам худди адабиёт дарслигидагидек бўлим ва боблар, ҳар мавзудан кейин ўқувчи билимини текширувчи савол ва топшириклар киритилган.

Жумхуриятлардаги рус тилида таълим берадиган мактабларда қозок, қирғиз, туркман, озарбайжон тилларини ўргатиш учун тайёрланган дастур ва дарсликларни ҳам ўрганиб чиқилганды шу нарса ойдинлашдики, уларда адабий материалларга тил дарслиги таркибида ўрганилган грамматик қоидаларни мустаҳкамлаш воситаси сифатида қаралган. Фақат рус мактабларида озарбайжон тилини ўрганиш дастурида IX–X синфларда ўтиладиган дарс “Озарбайжон тили” деб номланса-да, аслида адабий материаллар, биографик маълумотлар алоҳида ўрганиш учун тавсия этилган. Озарбайжон худудидаги рус мактабларининг юқори синфларида озар тили адабий материаллар асосида ўрганилган. Адабий даврлар, адиблар ва уларнинг асарлари жуда ихчам, сиқиқ ҳолда ўргатилган. Бу материалларни ўзлаштириш жараёнида кўпроқ ўқувчиларнинг ўзларини ишлатишга катта эътибор қаратилган ва афсуски, бу дарсликларда ҳам рус миллатига мансуб ўқувчиларни озар адабиётидан шунчаки хабардор қилиб қўйиш назарда

тутилган, холос¹.

Ўзбекистонда рус тилидаги мактаблар учун яратилган “Ўзбек тили ва адабиёти” дастурида 4-синфдан бошлаб 11-синфгacha ўзбек адибларининг асарларидан намуналар ўрганиш тавсия этилган². 9-синфдан бошлаб ўзбек мумтоз адабиёти намояндалари асарларидан парчалар ҳавола этилиб, уларга “ўқиб, элементар маълумотларни ўзлаштириш” талаби қўйилган. Шеърларни ифодали ўқиши, айрим кичик ёшдаги ўкувчиларга мўлжалланган шеърларни (8-синфда Уйғуннинг “Менинг акам”, Пўлат Мўминнинг “Обод ўлкам” каби) ёд олиш топширилган. Дастурда адабий матнлар танлашда муайян илмий тамойилларга таяниланмагани яққол кўзга ташланади. Тавсия этилган адабий материалларга адабиёт ўқитиш нуқтаи назаридан ёндашилмаган. Дастур “Дарсликда берилган шеърларни ифодали ўқиши ва ёддан айтиш” деб талаб қўйилгану, ўқувчи ифодали ўқий олиши ёки ёддан билиши лозим бўлган шеърларнинг номи, муаллифи кўрсатилмаган. Адабий материалларни ўрганиш фақат нутқ ўстириш ва ўрганилган грамматик воситаларни мустаҳкамлаш манбаи бўлиб хизмат килган.

1994 йилда яратилган “Таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган синфларда ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш концепцияси”да ноўзбек тилидаги мактабларда ўзбек тили ва адабиётини ўқитишдан кўзда тутилган асосий мақсад “...бу тилларда (рус, қозоқ, қирғиз, тоҷик, туркман, қорақалпоқ – К.Х.) сўзлашувларнинг ўзбек тилини Давлат тили сифатида кундалик меҳнат ва ижтимоий фаoliyat учун етарли даражада амалий эгаллашга йўналтириши, ўзбек халқининг маънавияти, маданий мероси, миллий анъаналари билан яқиндан таништиришидир”, шаклида белгиланганди³.

Концепциянинг “Ўзбек адабиёти намуналаридан фойдаланиш” бўлимида адабий материаллар “ўқувчиларни бадиий-маърифий ва эстетик тарбиялашига хизмат қиласи”

1 Орта мактап программалари. Азарбайжан дили. Рус мактабларинин II–Хжу синфлари учун. –Бакви “Маариф”, 1977. –36 с.

2 Мактаб программаси. Ўзбек тили ва адабиёти. Рус мактабларининг IV–XI синфлари учун. –Т.: “Ўқитувчи”, 1990. –48 б.

3 Таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган синф(гурух)ларда ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш концепцияси. //Тил ва адабиёт таълими. –1994. N4-6. –41–42-б.

дейилган ва “ўзбек адабиёти асарлари орқали ўқувчилар ўзбек ёзувчилари ва шоирларининг ҳаёти ва ижоди билан танишадилар” дея таъкидланган¹. Концепцияда ўзбек адабиёти намуналарини бошлангич синфлардан бошлаб ўрганиш назарда тутилган. Ўрта мактабда ўзбек адабиёти “изоҳли ўқиш тарзида ўқитилиши” қайд этилиб, ўқувчиларга “ижобий ахлоқий принципларни сингдиришига, умумисоний ва миллий қадриятлар билан ошно этишига хизмат қилиши лозим” экани таъкидланган².

Концепцияда ўзбек адабиёти V–VI синфларда адабий ўқиш тарзида ўрганилиши қайд этилган. Ўқувчиларни ўзбек адабиёти намуналаридан, ўзбек адиблари ҳаёти ва ижодидан умумий тарзда хабардор қилиш назарда тутилган ва адабий материаллар ўқувчиларнинг ўзбек тилини эгаллашлари учун хизмат қилиши лозимлиги белгиланган. Бизнингча, мамлакат ижтимоий ҳаётидаги туб ўзгаришлар, жамиятнинг ёш авлод маънавиятини шакллантириш борасидаги талаблари концепцияда етарлича акс этмаган.

1994 йилда ушбу концепция белгилаб берган йўналиш асосида “Ўзбек тили ва адабиёти” (Рус мактабларининг II–XI синфлари учун) дастури яратилди. Унда таълим-тарбия ишлари рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек адабиётини ўқитишдан бош мақсад “ўқувчиларда нутқий кўнилмаларни ҳосил қилиши” деб белгиланган³. Кўринадики, дастурда концепция талабларига амал қилинмаган.

Дастурда ўзбек халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт намуналарини ўзбек тилига оид билимларни ўқитиш мазмунини ташкил қилувчи материал сифатида ўрганиш назарда тутилган. Дастур шундай йўналишни белгилаб олган бўлса-да, унда 8-синфгача бирорта адабий материал ўрганиш учун тавсия этилмаган. Чўлпоннинг “Гўзал” шеъри “Предметни қиёслаш ёки ўхшатиш орқали тавсифлаш” мавзусини мустаҳкамлаш учун, Абдулла Кодирийнинг “Обид кетмон” асари “Аниқ шахс ёки предметни тавсифлаш” бўлимида ўрганилган грамматик мавзуларни

1 Таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган синф(гурух)ларда ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш концепцияси. //Тил ва адабиёт таълими. –1994. N4-6. – 43-б.

2 Таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган синф(гурух)ларда ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш концепцияси. //Тил ва адабиёт таълими. -1994. –N4-6. 43–44-б.

3 Умумтаълим мактаблари дастури. Ўзбек тили ва адабиёти.(Рус мактабларининг II–XI синфлари учун). Лойиха. -Т.: РЎММ, 1994. 4–5-б.

чуқурлаштириш манбай сифатида, Эркин Воҳидовнинг “Олтин девор” драмаси, “Предметнинг материали ва ишлатилиши бўйича тавсифлаш” бўлимининг материали сифатида тақдим этилган ва бў.

9-синфда Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим” шеъри “Бирор ҳаракатга ундаш, даъват этиш шакллари” бўлимида жамланган қатор грамматик топшириқларни мустаҳкамлаш учун тавсия қилинган бўлса, “Ўзбек шоиралари” (муаллифлар, асарлари кўрсатилмаган) мавзуси остида берилган материал “Воқеа, ҳодиса, ҳаракат-холатнинг изчил давом этишини ифодалаш” бўлимининг мустаҳкамловчи материали сифатида, “Қодирий асарлари юзасидан сухбат, “Ўтган кунлар” таҳлили” мавзусидаги адабий материаллар ҳам нутқ ўстириш бўлиmlари учун хизмат қиласидаган материал сифатида тақдим этилган. X–XI синфларда эса адабий материаллар, айрим асарлардан олинган парчалар номи шунчаки санаб ўтилган. Уларнинг талқини, ўрганиш жараённада нималарга ургу бериш лозимлиги акс этмаган. Дастурнинг мазмуни унинг “Ўзбек тили ва адабиёти” тарзида номланишига мос келмаган.

Ўқув режасида рус тилида таълим бериладиган мактабларнинг ҳар бир синфида ўзбек тили учун 105 соат ажратилган. Дастурда X–XI синфлар учун тавсия этилган матн мазмунини, нутқ услублари ва расмий хатлар тайёрлаш каби мавзуларни ўқувчи она тили дарсларида атрофлича ўрганганд бўлади. Уларни ўзбек тилида такрор ўрганиш унча кўп вақтни талаб қиласиди. Қолаверса, расмий хужжатларнинг шакли ва мазмуни, улар қайси тилда бўлишидан қатъи назар деярли фарқ қиласиди. X–XI синфларда йил давомида “Ўзбек тили ва адабиёти” дарсларида нима ўрганилади? Ўқувчи ва ўқитувчи дарсда нима билан шуғулланади? Мана шу саволларнинг жавоби муаллифлар назаридан четда қолган.

Юқоридаги дастурга муқобил тарзда 1994 йил ЎзПФИТИда ҳозирланган “Рус мактабларининг II–IX синфлари учун ўзбек тили ва адабиёти дастури” ҳам ўз ичига адабий материалларни қамраб олган. Дастурда рус тилида иш юритадиган мактабларда ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш мақсади “ўқувчиларни ўз фикрларини ўзбек тилида

ифода эта олишига ўргатиш, ўзбек адабиёти, маданияти, санъатига оид маълумотлар билан таништириши, ўзбек адабиёти намуналаридан баҳраманд қилиш, газета-журнал, бадиий асарлар ўқишига ҳавас уйготиш, шу орқали ўзбек халқининг тарихи, қадриялари, орзу-ўйлари, урф-одатларидан хабардор этиши”, деб белгиланган. Ушбу дастур “Лексика”, “Грамматика”, “Оғзаки нутқ ва талаффуз”, “Ўқиши, ўзбек адабиёти”, “Ёзув ва ёзма нутқ”, “Нуткни эшитиб тушуниш” каби бўлимларни қамраб олган.

Дастурнинг “Ўқиши, ўзбек адабиёти” бўлимида бевосита адабий материалларни ўрганиш ҳақида сўз юритилади. Унда адабий-бадиий асарлар 3-синфдан бошлаб ўрганилиши, 3–7-синфларда “Ўқиши” шаклида, VIII–IX синфларда “Ўзбек адабиёти” дарслиги шаклида алоҳида ўрганилиши лозимлиги таъкидланган. Адабиёт дарслари бошланғич синфларда изоҳли ўқиши, умумий ўрта таълим мактабининг 5–7-синфларида адабий ўқиши, 8–9-синфларида эса адабиёт тарихи тарзида ташкил қилиниши таъкидланади.

Дастурда адабиёт ўқитишининг қуи ва таянч босқичида бадиий матнларни ўрганишдан мақсад болалар нутқини ривожлантириш тарзида белгиланган бўлса, 8–9-синфларда асарларнинг бадиий қиймати билан таништириш ва ўкувчилар дунёқарашини кенгайтириш мақсад қилиб кўрсатилади.

Аслида адабий таълим қайси босқичда ўқитишидан қатъи назар бир мақсад учун хизмат қилиши лозим. Дарслар бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўкувчиларнинг ўзбекча нутқини ўстириш том маънода ўзбек тили дарсларининг зиммасига юклатилиши, адабиёт дарсларида бу масалалар ҳамиша иккинчи планда бўлиши методик жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. Ўрта мактабларда ўзбек тили соатлари ҳам адабиётга берилиганда эса ўкувчиларнинг коммуникатив саводхонлигини ошириш ҳам, нутқини ўстириш ҳам тўлалигича адабиёт дарслари зиммасига юкланади.

Дастурда 2-синфдан 9-синфгacha ўқувчининг билиши лозим бўлган ўзбекча сўзлар микдори белгиланган. Ўрта мактабни битирган ноўзбек ўқувчи 2100 атрофида ўзбекча луғат бойлигига эга бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Дастурнинг 2-синфидан ўрганишга тавсия этилган адабий материаллар ўқувчилар сўз бойликлари доирасидан кўп четланмаган ҳолда уларнинг ёши, билим савияси, интеллектуал имкониятларини эътибордан қочирмаган ҳолда тавсия этилган. Ўқиб муҳокама қилиш, ифодали ўқиши, ёд олиш учун бир қатор адабий материаллар кўрсатилган. 6-синфда қисқа шарҳли ваъзлар киритилиб, ўзбек адабиёти даврлари ҳақида қисқача маълумотлар берилган. 8-синфдан бешшаб адабий материаллар хронологик изчилликда берилган, фақат ўзбек адабиётигагина хос бўлган адабий жанрлар ҳақидағи назарий маълумотларни махсус ўрганиш мақсадга мувофиқ деб топилган. Айрим адиблар ҳақида шарҳли ваъзлар таркибида маълумот берилган бўлса, айримларини монографик тарзда ўрганиш тавсия этилган. Грамматик материаллар яхлит ҳолатда 9-синфда якунланган. X–XI синфларда ўзбек тилини ўрганиш тўлалигича “Ўзбек адабиёти” курси зиммасига юклатилиши қайд этилган.

“Тил ва адабиёт таълими” журналининг 1995 йил 3-4-сонида эълон қилинган “Ўзбек тили ва адабиёти” дастури 1994 йилда лойиҳа сифатида республика ўқув-методик маркази (РЎММ)да чоп этилган дастурнинг қайта ишлаб, тўлдирилган вариантидир. Аввалги лойиҳа вариантидан фарқли ўлароқ бу дастурда адабий материаллар, аниқроғи ўзбек халқ эртаклари 5-синфдан бошлаб киритилган. “Зумрад ва Қиммат” ҳамда “Уч оға-ини ботирлар” эртаклари, топишмоқлар, Қ.Муҳаммадий, П.Мўмин шеърларидан парчалар ўрганиш тавсия этилган. 6-синфда тақдим этилган адабий материаллар ватан, ахлоқ, одоб, дўстлик ҳақида шеърлар, болалар ва байрам кўшиқларидан намуналар қамраб олинган. Лекин на шеърларнинг, на ривоят ёки эртакларнинг номлари кўрсатилмаган. Ўрганишга тавсия этилган қатор адабий жанрлар ҳақида назарий маълумот бериш кўзда тутилмаган. 7-синфда ҳам А.Ориповнинг “Ўзбекистон” шеъригина номи билан берилган. Ойбекнинг “Болалик” повестиidan, Х.Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб” асаридан парча аниқ номи билан берилган. Қолган адибларнинг номлари кўрсатилиб (Э.Воҳидов, Қ.Ҳикмат, П.Мўмин, Қ.Муҳаммадий, Ш.Саъдулла, Ф.Гулом, Зулфия, Ўйғун) асарларидан намуналар берилиши қайд этилган

холос.

F.Ғуломнинг “Шум бола” асаридан, “Алпомиш” достонидан, ҳалқ қўшиқларидан, адабий эртаклардан ўрганиш таклиф этилган, уларнинг номлари кўрсатилган. Янги киритилган адабий жанрлар ҳақида назарий маълумотлар бериш кўзда тутилмаган. 8-синфда 1994 йилги лойиҳага анча ўзгаришлар киритилган. Лойиҳадаги Чўлпоннинг “Гўзал” шеъри, Э. Воҳидовнинг “Олтин девор” драмаси, А.Қодирийнинг “Обид кетмон” асари дастурнинг 8-синфидан чиқариб юборилган. П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романидан парча, А.Ориповнинг “Мен нечун севаман Ўзбекистонни”, Зулфиянинг “Ўғлим, сира бўлмайди уруш” шеъри, Навоий афоризмлари, Ойбекнинг “Кутлуг қон” романидан парча, Ў.Умарбековнинг “Қиёмат қарз” асаридан парча, Ў.Хошимовнинг “Дунёнинг ишлари” қиссасидан парча ўрганиш кераклиги кўрсатилган. Қаҳхор ҳикояси, Шукрулло достони, Ҳ.Шайхов фантастикаси, М.Осим асарлари ўрганишга тавсия этилгану, номлари кўрсатилмаган. Асарларни ўрганишда уларнинг қайси жиҳатларига урғу бериш, шеърларнинг қай бирини ёдлаш, асарларга қандай талқин бериш ҳақида ҳеч қандай йўл-йўриқ кўрсатилмаган. Шоир ёки ёзувчиларнинг таржимаи ҳоллари, уларнинг шахсиятларини очиб берувчи материаллар дастурда ўз аксини топмаган. IX–X–XI синфларда ҳам деярли шу адиларнинг асарлари тақорорланади.

Ўрганиш учун тавсия этилган адабий материалларнинг бирортасига чинакам адабий-эстетик ҳодиса сифатида ёндашилмаган. Дастирни тузишда адилар танлаш ва асарларидан намуналар тавсия этиш борасида адабий таълим тамойилларига амал қилинмаган. Масалан, А.Орипов шеърлари 8-синфнинг ўзида уч бўлимда берилган. Ёки F.Ғулом шеърлари 9-синфда икки бўлимда ўрганишга тавсия этилган. F.Ғулом шеърларидан намуна ва “Шум бола” повестидан парча ўрганиш 7-синфда ҳам тавсия этилган. Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романи 11-синфнинг икки бўлимидаги ўрганишга тавсия этилган. Ўзбек адабиётининг даҳоси Алишер Навоий ижоди бўйича бир ўринда афоризмларни ўзлаштириш қайд этилган бўлса, иккинчи ўринда “Хотамтой ҳикояти” ўрганиш учун тавсия

этилган, холос. Ўзбек адабиёти тарихида салмоқли ўринга эга бўлган Захирiddин Муҳаммад Бобур ижодига фақат бир синфда ўрин ажратилган. Дастурда Шукрулло, Асқад Мухтор, Ў.Умарбеков, Уйғун, Ҳ.Олимжон, Қ.Муҳаммадий, П.Мўмин, Э.Воҳидов асарларига икки мартадан, Ҳ.Назир, Ў.Хошимов ижоди намуналарига уч мартадан мурожаат қилинган. Адибларнинг асарларини ўрганишда кераксиз тақрорга йўл қўйилган, жанр хилма-хиллигига риоя қилинмаган, уларнинг тил сатҳларига мувофиқлиги эътиборга олинган холос.

Бизнингча, ўзбек адабиёти қайси босқичда, қандай тартибда ўрганилмасин, ҳеч шак-шубҳасиз ўкувчи нутқий кўнилмаларининг шаклланишига фақат ижобий таъсир кўрсатади. Адабиёт ўқитишида бадиий матнларни қўйи ва ўрта синфларда рукнлар талабидан келиб чиқсан ҳолда, юқори синфларда эса унинг анъанавий хронологик тартибини сақлаган ҳолда тақдим этиш лозим. Юқори синфларда мумтоз ва замонавий адабиёт намуналарини жойлаштиришда хронологик тартибини сақлаш, уларни мавзувий ёки жанр тамоиллари асосида тизимга солиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқорида таъкидланганидек, миллий мактабларда рус адабиётини ўқитиши методикаси хulosаларини тўғридан-тўғри Ўзбекистон худудидаги таълим-тарбия ишлари рус ва бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек адабиётини ўқитиши жараёнига қўллаш асло мумкин эмас.

Рус адабиётини миллий мактабларда ўқитиши бора-сида Л.Шейман, К.Мальцева, Р.Майман, М.Зальдинер, Л.Теодоров, И.Майорова, И.Каплин, Д.Молдавская, И.Стыркас, А.Пурисман, Н.Каменецкая, Л.Исаева, Е.Гамулов, У.Маткурбанов, Т.Мусамбетов, Д.Ибрагимова, Н.Кунгиров, А.Никольский ва бошқа қатор методист олимлар илмий изланишлар олиб борганлар.

Айтилганидек, рус адабиёти собиқ СССРдаги барча жумҳуриятларда иккинчи адабиёт сифатида ўқитилиб келинди. Номлари қайд этилган олимлар шу жараённи ташкил этишнинг мақсад ва вазифалари, ўкувчиларда билим, кўнишка ва малака шаклланишининг ўзига хос томонлари, бадиий асар таҳлили, лирик, эпик асарларни

Ўрганишнинг самарали йўллари, мумтоз ва замонавий ёзувчилар таржимаи ҳолларини ўрганишнинг нозик жиҳатлари, адабиётни иккинчи адабиёт сифатида ўқитишда луғат ишларининг аҳамияти, рус ва маҳаллий мактабларда адабий-назарий тушунчаларни ўрганишнинг ўхшаш ҳамда фарқли томонлари каби қатор муаммоларни педагогик-психологик жиҳатдан илмий тадқиқ этганлар.

Рус адабиётини маҳаллий мактабларда иккинчи адабиёт сифатида ўқитишнинг илмий-методик асослари ўтган асрнинг 80-йилларида Л.А.Шейман томонидан яхлит ҳолда ишлаб чиқилган. Унинг “Рус адабиётини маҳаллий (қирғиз) мактабларда ўқитишнинг методик асослари” номли икки қисмдан иборат асарида маҳаллий мактабларда рус адабиётини ўқитишнинг мақсад ва вазифалари, тамойиллари, методлари, курс мазмуни, тил базаси, этномаданий жиҳатлари илк бор илмий асослаб берилди.

Професор К.В.Мальцева ва И.Б.Каплинлар таҳрири остида яратилган “Маҳаллий мактабларнинг юқори синфларида рус адабиётини ўқитиш методикаси” номли асарда рус шеърияти намуналарининг маҳаллий мактаблар ўқувчилари маънавий ва образли тафаккури шаклланишидаги роли ҳамда тарбияланувчиларда уларни ифодалаш кўнікмаларини шакллантириш борасида илмий асосланган мулоҳазалар баён этилган.

Професор М.А.Зальдинер “Рус адабиётини ўзбек мактабларида ўқитиш бўйича очерклар” номли ишида бадий асарни ёд олишнинг дидактик аҳамияти, изоҳли ўқишининг ҳажми ва тузилиши, маҳаллий мактабларда ўқитувчиларни адабиёт дарсларини ўтишга тайёрлаш, бадий асарлар таҳлили борасида муҳим методик тавсиялар берган ва бир қатор дарс намуналарини ишлаб чиқсан.

С.А.Мильдизина “Маҳаллий мактабларда изоҳли ўқиш жараёнида рус лирикасини ўрганишни такомиллаштириш” номли тадқиқотида маҳаллий мактабларда рус адабиётини ўқитишнинг дастлабки босқичида самарадорликни ошириш хақида сўз юритган.

Н.Г.Каменецкая “Қирғиз мактабларида рус адабиётини ўқитишнинг тизимли курси дастлабки босқичида тасвирий изоҳ” дея аталган тадқиқотида маҳаллий мактаблар рус

адабиёти курсида тасвирий изоҳ ва унинг аҳамияти, қирғиз ўқувчиларга рус адабиётини ўқитиш самарадорлигини оширишдаги роли ҳақида изланишлар олиб борган.

Тадқиқотчи Л.Х.Исаева “Рус адабиётининг изоҳли ўқиши босқичида луғат ишлари ўқув жараёнининг асоси сифатида” номли тадқиқотида маҳаллий (тожик) мактаблар рус адабиёти курсида ўқувчилар маънавиятини шакллантиришда, нутқининг ўсишида луғат ишларининг роли ва аҳамияти ҳақида ўз фикрларини илмий асослашга ҳаракат қилган.

Г.У.Соранқуловнинг Л.А.Шейман раҳбарлигида олиб борган тадқиқотлари “Қирғиз мактаблари ўқувчиларида рус адабиёти намуналарини синфдан ташқари ўқиши фаоллигини ва китобхонлик даражасини ошириш” номли диссертациясида ўз аксини топиб, унда маҳаллий мактаблар ўқувчиларининг рус тилида бадиий асарлар ўқишига қизиқишини оширишнинг оптимал вариантлари тақдим этилган.

Н.Н.Полянских “Қирғиз мактаблари юқори синфларида рус адабиётини ўрганиш жараёнинда эпик жанрлар ҳақида тасаввур шакллантириш” номли тадқиқотида маҳаллий мактабларнинг юқори синфларида эпик жанрлар устида ишлаш ва улар ҳақида тушунчалар шакллантиришнинг ўзига хос йўлларини тавсия этган.

Ўзбекистон ҳудудидаги ноўзбек тилларда таълим берадиган мактабларда ўзбек адабиётини ўқитишнинг илмий-методик асосларини белгилашда ўзбек мактабларида адабиёт ўқитиши методикаси тажрибасига ҳам таянилди. Уларда адабиётни иккинчи адабиёт сифатида ўқитишида тўпланган илмий-амалий тажрибалар, муайян маънода, манба вазифасини ўтади. Бундан ташқари, ўзбек мактабларида ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси соҳасида фаолият кўрсатаётган Қ.Йўлдошев, М.Мирқосимова, С.Матжонов каби қатор методистларнинг илмий изланишларига ҳам таянилди.

Професор А.Зуннуновнинг адабиёт ўқитиш методикасига доир илмий тадқиқотларида мактабда ўзбек адабиётини ўқитишнинг тамойиллари, мазмуни, адабиётни бошқа гуманитар фанлар билан боғлаб ўрганиш, адабий

тахлил ҳақида олиб борган изланишлари ижодий ўрганиб чиқилди.

М.Мирқосимова ўз тадқиқотларида адабий таълимнинг бошланғич босқичида асар таҳлили жараёнида бадиий матндан таъсирланиш, образли тафаккур ҳосил қилиш, одоб-ахлоқ масалаларига урғу берилса, 5-7-синфлар адабий таҳлилида эътибор асар жанрига доир назарий билимларни ўзлаштириш, ифодали ўқиш малакаси, оғзаки ва ёзма нутқни ўстиришга, китобхонликка қаратилиши лозимлиги қайд этилган.

VIII-IX синфлар адабий таҳлилида эса асарлардан ҳаётий хулосалар чиқариш, мазмунни шарҳлай билиш, ёзувчи маҳоратини баҳолай олиш лозимлиги таъкидланган. X-XI синфлар адабий таълимида асосий эътиборни ўқувчининг ижодий қобилиятини ўстиришга, маънавий тарбиясига қаратиш лозимлиги ҳақида фикр юритилади. Бизнингча, бадиий таҳлил, у қайси босқичда амалга оширилишидан қатъи назар, ўқувчи маънавиятига, унда шахслик сифатларининг шаклланишнга қаратилиши бош мақсад бўлиши лозим.

Қ.Йўлдошев, О.Мадаев, А.Абдураззоқовлар томонидан тайёрланган “Адабиёт ўқитиши методикаси” номли дастурий қўлланма ўзбек адабиётини мактабларда бугунги кун талаби даражасида ўқитиши назарда тутади. Унда мактабда адабиёт ўқитишдан бош мақсад ўқувчининг қалбини шакллантириш экани, адабиёт дарсларида ўқувчилар бадиий асарларни, адибларнинг таржима ҳолларини, назарий билимларни шунчаки билиб қўйишлари кифоя эмаслиги, ёш авлод гўзал сўзни ҳис қилиш ва ундан таъсирланишга одатланиши лозимлиги таъкидланади. Бу дастурий қўлланма ўқувчиларга адабиёт ўқитиши методлари, шакллари, усуллари, типлари ҳақида, адабий асарни ўрганишнинг ўзига хос янги йўллари ва матн устида ишлаш ҳақида атрофлича маълумотлар беради. Адабий асар таҳлили ҳақидаги бўлимда асарнинг таҳлилига бутунлай янгича ёндашилиб: “...таъсирчан қалб эгаси, ўзгага ҳамдард бўла оладиган, бирорни тушунишга ҳозир ва қодир, эзгуликни қабоҳатдан фарқлай оладиган шахсни тарбиялаш адабиёт ўқитишининг бош мақсади экан, бу

мақсадга эришишмоқ учун, тарбияланувчи бадиий асардан, ундағи инжес руҳий ҳолатлардан таъсирлана билмоги, сатрлар орасынан яшириңган гүзалликларни пайқай олмоги” ва бунинг учун асардаги бадиий жозибадан баҳраманд бўладиган даражада таҳлил қила олиши лозимлиги алоҳида қайд этилган.

Бундан ташқари, қўлланмада адабиёт дарсларида ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларига бутунлай янгича ёндашилиб: “...адабиёт дарслари ўқувчиларнинг кўнгли билан, туйгулари билан иш кўрадиган ва эзгу туйгуларни шакллантиришига қаратилган экан, ўқитувчи ҳам билими, ҳам иқтидори, ҳам шахсияти билан ўқувчиларни ром қила олсагина адабий таълимдан кўзда тутилган мақсад амалга ошуви мумкин”лиги таъкидланади. Адабий таълимда шахс кўнглини уйғотиш, бадиий асар таҳлили воситасида болада янги фазилатларни шакллантириш йўли билан уни комиллик сари йўналтириш адабиёт ўқитувчисига боғлиқ экани қайд этилади.

Республикамиздаги маърифий ислоҳотларнинг маҳсули ўлароқ яратилган “Узлуксиз адабий таълим концепцияси”¹ таълим тизимида адабиёт ўқитишнинг бош йўналишини белгилаб берувчи расмий ҳужжат сифатида Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланди. “Узлуксиз адабий таълим концепцияси”да адабиёт инсон ҳаётининг фақат мактаб даврида эмас, балки “инсон маънавий қиёфасини шакллантиришида одам тугилгандан бошлаб то умрининг охиригача ажралмас ҳамроҳ” эканлиги таъкидланиб, бу жараён илмий-назарий, эстетик-педагогик жиҳатдан асослаб берилади.

Концепцияда ўкув режаси, дастур, дарслклар ҳақида, уларнинг мазмуни ва вазифалари ҳақида сўз юритилади. Адабий таълим босқичлари, тамойиллари ҳақида, таълимда тарбиячи ва тарбияланувчи муносабатлари, адабий асар таҳлили, адабий таълимда ўқувчилар билимини баҳолаш, адабиёт ўқитувчисига қўйиладиган қатор талаблар хусусида атрофлича сўз юритилади. Уларнинг ҳар бирига бутунлай янгича назар билан ёндашилган.

Адабий таълим концепцияси адабиёт ўқитишнинг бош

¹ Узлуксиз адабий таълим концепцияси. Лойиха. -Т.: Ўзбекистон ПФТИ, 1995. -21 б.

йўналишини белгилаб берар экан, у адабиёт қайси тилда ўқитилишидан қатъи назар барчаси учун ягона етакчи хужжат бўлиши лозим. Қолаверса, “Таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган синф (гурух)ларда ўзбек адабиётини иккинчи адабиёт сифатида ўқитиш борасидаги, педагогик йўналишлар етарли даражада асосланмаганлигини назарда тутиб, ушбу концепция талабларини таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек адабиётини ўқитиш муаммосига асос қилиб олиш мумкин.

Илмий изланишлар жараённида адабиётни иккинчи адабиёт сифатида ўқитиш методикасига ҳамда ўзбек адабиётини Ватан адабиёти сифатида ўқитиш методикасига доир қатор олимларнинг хулосаларига таянган ҳолда Ўзбекистон ҳудудидаги таълим-тарбия ишлари қозок, киргиз, қорақалпоқ, туркман, тожик, рус тилларида олиб бориладиган мактабларда ўзбек адабиётини ўқитишнинг ўзига хос жиҳатларини очишга ҳаракат қилинди.

Бундан ташқари, мамлакат ҳудудидаги ноўзбек тилида таълим берадиган мактабларда ўзбек адабиётини ўқитиш борасида илк қадамлар натижаси ўлароқ “Тил ва адабиёт таълими” журналида қатор мақолалар юзага кела бошлади.

Д.Қосимхўжаеванинг “Бобур ижодида ватан ишқи” мақоласида Тошкент шахридаги дарслар рус тилида олиб бориладиган 88-мактабнинг 10-синфида Г.Акрамованинг шу мавзуда ўтказган адабиёт дарси ҳақида сўз юритилади¹. Мақола муаллифининг баён этишича, дарсда ўқувчилар Бобур таржимаи ҳоли, машаққатли ҳаёти ҳақида тасаввурга эга бўлганлар. Унинг рубоийлари ёддан ўқилган, асарлари қўшиқ ҳолида ўқувчиларга эшилтирилган. Сўнг дарсда Бобур шеърларини кимлар қўшиқ қилиб ижро этгани ҳақида савол-жавоблар, яна қайси шоирларнинг шеърларига куй басталангани ҳақида сўз юритилганлиги айтилган. Дарс сўнгидаги “Бобур васияти” матни бўйича эшитиш машки ўтказилган.

Мақолада баён этилган адабиёт дарси ўқитувчининг ўз изланишлари, ўз касбига меҳри туфайли юзага келган. Лекин

¹ Қосимхўжаева Д. Бобур ижодида ватан ишқи. (Рус мактаблари ўзбек адабиёти дарслари тажрибасидан) // Тил ва адабиёт таълими. -1995. -N5-6. -B.48-52.

мақола баёнидан кўриниб турибдики, дарснинг мақсади ўкувчиларни Бобур деган бир ўзбек шоири, хинд подшоси ўтгани, у бутун умр ватанини кўмсаб яшагани ҳақида ахборот бериш, ўкувчиларни шундан хабардор қилиш бўлган. Дарсда ижро этилган шеърлар ҳам, Бобурнинг мешакқатли ҳаёти, она юрт согинчини ифодалайди. Аммо ноўзбек тилидаги мактабларда ўзбек адабиётини ўқитишдан мақсад нима? Ўқитувчининг шунча меҳнат, машакқат билан тайёрлаган адабиёт дарси ўкувчига нима берди?

Бу дарсда ўкувчилар шоир Бобур, подшоҳ Бобур ҳақида ахборот олдилар. Бобур рубоийларининг рус ўкувчилар томонидан ёддан айтилишининг ўзи бир муваффақият. Аслида, адабиёт дарснинг моҳияти Бобур асарларида инсон Бобур руҳияти қатламлари, бу асарларнинг асрлар оша яшаётганлиги сабаби нимада эканини очиб бериш, сатрларга тўкилган дардини таҳлил қилиб, шеърнинг торгина бағрига жо бўлган кўнгилларни ларзага соладиган тоғдек дил оғригини кашф этиш бўлиши керак. Шоирнинг ўз дарди, Ватан ишқи, дунё чигаллиги ҳақидаги туйғуларини шеърларга қанчалар моҳирона жойлаганини кўрсатиш, уларни ўкувчилар кўнгли, руҳиятига сингдириб юбориш адабиёт машғулотларининг вазифалари сирасига кириши керак. Ноўзбек тилидаги мактабларда ўзбек адабиётини ўқитиш борасида ўқитувчиларнинг кўлида ҳеч қандай методик материал йўқ. Уларнинг кўпчилиги ноўзбек тилидаги мактабда ўзбек адабиётини ўқитиш ҳақида тузукроқ тушунчага эга эмас.

Р.Ниёзматова томонидан тайёрланган “Рус мактабларида XX аср ўзбек адабиётини ўқитишга доир ўкув материаллари” (Тошкент, РТИММ, 1995) ёш тадқиқотчининг илк изланишлари натижаси. Унда XX аср ўзбек адабиёти намояндалари Ҳ.Ҳ.Ниёзий, А.Қодирий, Ҷўлпон, У.Носир, Ойбек, Ф.Фулом, Уйгун, Ҳ.Олимжон, А.Қаҳҳор, Миртемир, Саид Аҳмад, П.Қодиров, Э.Воҳидов, А.Орипов, Ӯ.Ҳошимовларнинг асарларидан намуналар таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг 8-синифда ўрганиш учун тавсия этилган. Ҳар бир материал юзасидан савол ва топшириқлар ҳамда матнга доир лугат тайёрланган.

Бу “материаллар”дан фақат 8-синфда эмас, синф ўкувчи-ларининг билим даражасига қараб 9-10-11-синфларда ҳам фойдаланиш мумкин. Кузатган дарслар ва педагогик тажрибалардан келиб чиқиб бундай материаллар методик маслаҳатлари билан бирга ўқитувчиларга жуда зарур эканлигини эътироф этиш жоиз. Яхлит “Ўзбек адабиёти” дарсликлари юзага келгунга қадар бундай материаллар ўқитувчиларга маълум даражада кўмак беради.

М.Тўхтамирзаевнинг “Тил ва адабиёт таълими” журналининг 1995 йил 1-сонида “Синфдан ташқари ишларда эртаклардан фойдаланиш” номли мақоласи берилган¹. Унда рус тилида таълим бериладиган мактаблар ўзбек тили дарсларида тил ўрганишнинг самарадорлигини ошириш учун синфдан ташқари ишларнинг ташкил қилиниши ва унинг фаолияти ҳақида сўз юритилади. Унда “Эртаклар, яхшиликка етаклар” тўғараги ҳақида фикр юритилиб, “Тўғаракда эртаклар матни устида ишлари дарсдаги иш усулларидан фарқ қилиши лозим. Болалар эртакни баҳо олии учун ўқимаётганини ҳис қилиши керак. Шунинг учун эртак матни юзасидан коммуникатив топшириклар бериш мақсадга мувофиқдир”, дейилган. Умуман, ўкувчиларга коммуникатив топшириклар бериш, эртак матни юзасидан сұхбатлар, ўрганилган асарни қайта ҳикоялаш, асар қаҳрамонлари хатти-ҳаракатларига баҳо бериш ва ўз фикрини матн мазмунидан келиб чиқиб асослаш ишлари ўзбек тили дарсларида адабий материаллар устида ишлаганда амалга ошириладиган вазифалар санади. Бизнингча, тўғаракларда болаларга “рухий хусусиятлари ҳисобга олиб тақсимланган” ролларни ўз қаҳрамонларининг ички дунёсини тўлиқ ҳис қилган ҳолда иккинчи тилда маромига етказиб ижро эта олиши, уни томошабин кўз олдида муаллиф ифодалагандай очиб бериши лозимлигини сингдириш ва саҳнада шунга эришиш лозим. Ана шунда ўзга миллат болаларига адабий материаллар ёрдамида ўзбек тилини ўрганиш кутилган самарани беради.

“Преподавание языка и литературы” журналида Қ.Йўлдошевнинг “Ўзбек адабиёти асарларини таълим

¹ Тўхтамирзаев М. Синфдан ташқари ишларда эртаклардан фойдаланиш (поўзбек мактаблар мисолида) //Тил ва адабиёт таълими. -1995. -N1. -Б.29-31.

ноўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда ўрганиш” номли мақоласи эълон қилинди¹. Унда ўзбек адабиёти материаллари таълим-тарбия ишлари ноўзбек тилларда олиб бориладиган мактаблар ўзбек тили дарсларида ўрганилган грамматик воситаларни мустаҳкамлаш манбаи бўлиб хизмат қилаётгани ҳақида гапирилади. Бирор миллатнинг тилини мукаммал билиш учун албатта унинг адабиётини эстетик ҳодиса сифатида таҳлил қилиб ўрганиш катта самара бериши айтилади. Ўзбек ҳалқига хос бўлган миллий-маънавий қадриятларни фақат унинг адабиёти очиб бериши мумкинлиги, ўзбек адабиётини ўқитишнинг вазифалари ҳақида муаллиф ўз мулоҳазаларини билдиради.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” сингари ҳужжатларида ўзбек тилини давлат тили сифатида ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган. Шу асосда “Ўзбек тили (таълим бошқа тилларга олиб борадиган мактаблар учун) давлат таълим стандарти”га таянилган ҳолда дастур ва дарсликлар қайтадан ёзилди. Ушбу соҳада мавжуд бўлган муаммолар юзасидан қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиб, ўнлаб диссертациялар яратилди. Таниқли методист олим Рустам Йўлдошевнинг “Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки нутқини уларни кўп гапиртириш орқали ўстириш методикаси” номли монографияси ҳам ана шундай илмий изланишларнинг маҳсулидир².

Шуни алоҳида таъкидлаб айтиш мумкинки, Р.А. Йўлдошевнинг “Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки нутқини уларни кўп гапиртириш орқали ўстириш методикаси” номли монографияси, гарчи у рус тилида сўзлашувчи ўқувчилар билан ишлаш асосига курилган бўлса-да, таълим-тарбия ишлари бошқа тилларда олиб бориладиган барча мактабларда ўзбек тилини давлат тили сифатида ўқитиш илми ва амалиётига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади. Ушбу монографияда муаллиф рус тилида сўзлашувчи ўқувчиларга ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўқитишда уларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга

1 Йўлдошев Қ. Изучение произведений узбекской литературы в школах с неузбекским языком обучения, //Преподавание языка и литературы. -1996. -N4. С.4-6.

2 Йўлдошев Р. Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки нутқини уларни кўп гапиртириш орқали ўстириш методикаси. -Т.: “Фан ва технология”, 2012.

олиш кераклигига алоҳида эътибор қаратган. Маълум бўлишича, нутқий фаолиятнинг ҳар бир тури -- сўзлаш, тинглаш, ўқиш ва ёзиш инсон миясининг айрим-айрим марказ ва зоналарида жойлашган. Шунинг учун ёзувни билмаган одам ўз-ўзидан ёзиб кетавермаганидек, гапирмаган одам ҳам бирданига нутқий фаолиятнинг бу турини эгаллай олмайди. Иккинчи тилни ўрганиш психологиясига алоҳида эътибор қаратган олим: "...тилга олинган марказ ва зоналар бир-бирига таъсир ўtkазилиши мумкин, лекин улар сира ҳам бир-бирининг шаклланишига воситачилик қилмайди, бири иккинчисининг ўрнини босолмайди. Буни шундан ҳам билиш мумкинки, сўзларни ўқий олган киши уларни ёзма шаклда ифодалаши малакасини эгаллаган бўлмайди. Сўзларни ўқий олган, шу сўзлар иштирокидаги гапларнинг мазмунини тушунган киши уларни ёддан айтиши мумкин, лекин мустақил равишда фикр ифодалаши учун улардан фойдаланишига уқуви етмайди", деган холосага келади (9-10-бет).

Муаллиф ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўрганишда хотира турларига ҳам эътибор қаратади. "Қисқа муддатли хотира" ва "узоқ муддатли хотира" сингари тушунчаларнинг хусусиятларига алоҳида тўхталади. Муаллиф инсон гапирганда сўзлар, иборалар ва грамматик воситалар узоқ муддатли хотирадан қисқа муддатли хотирага чиқишини таъкидлайди. Бунинг учун хотирага тушириш тарзида кечадиган нутқий фаолият зарурлигини айтади, киши гапиргандагина шу қўникмалар шаклланиши ва узлуксиз машқлар асосида улар малакага айланишини маълум қиласди. Тадқиқот ишида инсонга хос бўлган эмоционал хотира, образли хотира, сўзли-мантикий хотира, аффектив хотира хусусиятлари очилади ва уларнинг иккинчи тилни ўрганишдаги роли ва ўрни мисоллар асосида қўрсатиладики, булар бевосита ўзбек адабиётини иккинчи адабиёт сифатида ўқитиши ташкил этишда асосланиш зарур бўлган психологик жиҳатлардир.

Монографиянинг "Матнни ўқишидан нутқ ўстиришга қараб борищ усулиниң самарасиз жиҳатлари хусусида" деб номланган бўлимида муаллиф "Ўзбек тили" дарсликларини мавзу доирасидан келиб чиқиб таҳлил қиласган. Олим ўзбек

тили дарсларида ўқиши учун тавсия этилаётган матнларнинг аксарият қисми илмий мақола ёки хабар типидаги материаллар эканлигини айтиб, улар билан ишлаш иккинчи тилни ўрганишда кутилган самарани бермаслигини таъкидлайди.

Ўзга тилларда сўзлашувчи ўкувчиларга ўзбек тилини ўргатишда таржимали ўқишининг ҳам ахамияти катта. Муаллиф ўзбек тилини ўрганишдаги муваффакиятсизликларда ўқитувчиларнинг бу борада назарий билимларга эга эмасликларини сабаб қилиб кўрсатиб: “*Умуман, ўқитувчилар таржимали ўқиши билан таржимасиз ўқишининг қўлланиши чегарасини аниқ ажратма олмайдилар, чунки улар матнлардаги қайси сўзлар ўкувчилар учун тушунарли, қайси сўзлар тушунарсиз эканлиги ҳақида маълумотларни кўпинча ҳисобга олиб, тўплаб бормайдилар. Айримлари таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида матн устида ишилаш таржимали ўқишидан иборат деб биладилар. Шу боис дарслик материаллари қандай бўлишидан қатъи назар сидиргасига рус тилига таржима қилдириб борадилар. Бу эса дарс вақтининг тежсамкор бўлишига нутур етказади, дарсда таржимали ўқишининг таълимий жиҳатини йўқقا чиқаради,*”-деган хуносага келади.

Р.Йўлдошев ушбу монографиясида рус тилида сўзлашувчи ўкувчиларнинг ўзбекча оғзаки нутқини матнлар асосида ўстиришни ҳам муҳим муаммо сифатида ўрганади ва унинг ечимларини топишга уринади. Мамлакатимиздаги таълим-тарбия ишлари бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг барчасида ўкувчилар ўзбек тилини 2-синфдан бошлаб ўрганадилар. Уларда ўзбек тилини ўрганишлари учун зарур бўлган тил муҳити мавжуд. Яъни улар ҳар қадамда ўзбекча сўзлашувчиларга дуч келадилар. Дарс жараёнида эса адабий матнлар ёрдамчи манба бўлиб хизмат қиласди. Матнлар устида ишлаш – ўкувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш, ўзбек тили таълимининг дастлабки босқичларида матн мазмунини қайта ҳикоя қилиш машқлари асосида амалга оширилади. Шундан келиб чиқиб Р. Йўлдошев қайта ҳикоялашнинг уч турини: а) ҳажмига кўра (тўлиқ, қисқартириб, танлаб) қайта ҳикоялаш;

б) мазмунига кўра (батафсил, асосий мазмунини, сайлаб) қайта ҳикоялаш; в) гапирувчининг иштирокига кўра (матни ўзгартирмай сўзлаш, матн мазмунини ўз сўзлари билан) қайта ҳикоялаш турларини кўрсатиб, уларнинг илмий-назарий ва амалий хусусиятларини очиб беради.

Ҳар қандай тилни ўрганишда савол-жавоб асосига қурилган суҳбат методи салмоқли ўринни эгаллади. Йўлдошев ҳам ўз монографиясида бу методга алоҳида эътибор қаратган. У таълим-тарбия ишлари бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг ўқувчиларига ўзбек тилини савол-жавоб асосида ўргатишни 2-синфнинг ilk дарсларидан бошлаш лозимлигини алоҳида таъкидлаган ва бу ишларни қандай ташкил этиш йўлларини кўрсатган.

Ўқувчининг нутқини ўстиришга эришиш ва бунинг учун зарур бўладиган сўзлар тизимини белгилашда унинг ёш хусусиятлари, ителлектуал имкониятларини билиш тақозо этилади. Шуни чуқур англаған муаллиф аввал рус тилини ўқувчиларнинг синфлар кесимидағи луғат-минимумини белгилаб, уларни қўллаш йўллари борасида тадқиқот ишлари олиб борган.

Муаллиф рус тилида сўзловчи ўқувчиларга ўзбек тилида мuloқot қила олишлари учун 2100 та таянч шаклдаги туб сўзлардан иборат луғат минимуми зарур деб ҳисоблади ва уни уч қисмга ажратади: 1) таянч шаклдаги фаол, сўзлашув нутқига хос туб сўзлар; 2) ясама сўзлардан иборат қўшимча (потенциал) луғат; 3) пассив сўзлардан иборат қўшимча луғат.

Рус тилида сўзловчи ўқувчининг фаол сўзларни ўзбек тилида гапирадиган даражага келтиришда куйидаги принциплар тилга олинади: а) сўз нутқда кўп қўлланадиган, юқори частотали бўлиши керак; б) сўз амалий жиҳатдан зарур бўлиши лозим; в) сўз шу синфда ўрганилган грамматик воситалар билан қўлланадиган бўлиши даркор; г) сўз мумкин қадар бошқа сўзлар билан кенг алоқага кира олиши даркор, деб ҳисобланади. (133-бет). Шулардан келиб чиқсан ҳолда айтиш лозимки, адабий материалларни таълим-тарбия ишлари қайси тилда олиб борилишига ва ўқувчиларнинг ўзбек тилидаги луғат бойлиги микдори қандайлигига қараб тақдим этиш мақсаддага мувофиқдир. Ўқувчиларнинг ёши ва

интеллектуал имкониятлари ҳам назардан четда қолмагани маъкул.

ТАЪЛИМ БОШҚА ТИЛЛАРДА ЮРИТИЛАДИГАН МАКТАБЛАРДА ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИ ЎҚИТИШ- НИНГ ПСИХОЛОГИК ВА ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзга миллат болаларига ўзбек адабиётини қачондан бошлаб, қандай миқдорда, қайси тартибда, қай тарзда ўқитишининг педагогик-психологик асосларини белгилаб олиш керак. Мамлакатимиз худудида яшаётган ўзга миллат вакиллари болаларига ўзбек адабиётини ўргатиш – ўзбек боласига рус адабиётини ўргатишга нисбатан осон амалга ошадиган жараён. Бошқа тилда таълим олаётган ўқувчига ўзбек адабиётини осон ўзлаштиришнинг бош омили ижтимоий муҳит ва ҳаётий шароит мавжудлигиdir. Ноўзбек ўқувчи ўзбекча нутққа ҳар қадамда дуч келади. Радио, телевидение, матбуот улар хизматида. Ўзбекча урф-одатлар, маданият, умуман, ўзбекнинг руҳи ҳамиша улар билан бирга. Ўзбек адабиёти дарсларида ана шу омиллардан фойдаланилса, уни ўзлаштириш ҳам осон кечади, ўқувчи маънавий камолоти ҳам тезлашади.

Айни вактда, ўзбек адабиёти иккинчи адабиёт сифатида ўрганилганда, ўқувчи, аввало, унинг иккинчи тилдалиги, илмий-эстетик тизимининг янгилиги, сўзларни тўғри талаффуз қилишдаги мураккабликлар, ёзилишига қараб ўқиши каби қийинчиликларга дуч келади. Мамлакатимиз худудида яшайдиган қозок, қорақалпок, қирғиз ва туркман ўқувчиларнинг тили, урф-одатлари, кундалик ҳаёти, миллий қадриятларида ўзбек ҳалқи билан кўп жиҳатдан уйғун, бир хил, ўхшаш томонлар мавжуд. Уларнинг дини ҳам бир. Таълим-тарбияси ҳам умумий. Демак, ўзбек адабиётини ўрганишда учрайдиган тўсиқларни бартараф этиш улар учун унчалик мураккаб эмас.

Рус ўқувчиларининг европача турмуш тарзи, ҳаётга муносабати, борлиққа қараши ва уни ифодалashi ўзбекларнидан тубдан фарқ қиласди. Рус ўқувчисидан ўзбек адабиётини ўқиб-ўрганиш кўпроқ масъулият, меҳнат ва интилишни талаб этади.

Ўқитувчи таълим ноўзбек тилларда олиб бориладиган

мактабларда ўзбек адабиётини ўқитишида махсус методикани – иккинчи адабиётни ўқитишининг ўзига хос хусусиятларини мукаммал ўрганмай туриб муваффакиятга эришиши мумкин эмас. Тўғри, иккинчи адабиётни ўқитишига доир рус методистларининг қўлланмалари талайгина. Рус адабиётига мансуб ҳар бир адаб ёки асарни ўрганишга доир бир нечалаб методик қўлланмалар мавжуд. Маҳаллий мактабларда рус адабиётини ўқитишига доир тузилган дарслклар учун методик қўлланмаларнинг бир нечта варианtlари ишлаб чиқилган. Лекин уларни Ўзбекистондаги дарслар ноўзбек тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек адабиётини ўқитиши жараёнида тўғридан-тўғри қўллаш мумкин эмас.

Ўзбек адабиётини ўқитишига доир ҳам бир қатор методик қўлланмалар, тавсиялар, ишланмалар мавжуд. Аммо ноўзбек тиллардаги мактабларда ўзбек адабиётини ўқитишида улардан ҳам тўғридан-тўғри фойдаланиш асло мумкин эмас. Мактаб даври бола ҳаётида билим тўплаш ва уни ўзлаштириш босқичи. Бу ёшда болада шу пайтгача унга номаълум бўлган янгиликларни ўзлаштириш, мустаҳкамлаш, ўқиганларини руҳиятига сингдиришининг аҳамияти катта. Етти ёшли ўқувчидаги хассосликнинг юқорилиги, тарбиячи обрўсининг шаксизлиги, ўқувчининг унга бўлган чексиз хурмат ва ишончи, ҳамма нарсага ўйинлар орқали муносабатда бўлиш сингари омиллар билим тўплаш ва уни ўзлаштириш жараёни учун ғоят муҳим саналади. Болалар хатти-ҳаракатларининг ва фикр ифодалашининг тақлидийлиги бошланғич мактаб таълимида муваффақият омилидир. Мактабнинг дастлабки босқичида тақлидчилик асосан ташқи жиҳатларда ўз аксини топади. Боланинг бу ёшида ҳар бир сўз, ибора, ҳодиса ўз янгилиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Кичик мактаб боласи учун ҳар бир майдага тафсилот ҳам муҳим саналади. Улар муҳимни номуҳимдан ажратади олмайдилар. Кичик мактаб ўқувчиларида синтезлаш малакаси етарлича шаклланмаган бўлади. 6-10 ёшли болаларнинг Фикрий қобилияти ўқитувчининг айтганларини ўзлаштириш ва уни тақрорлашга қаратилган бўлади. Бу ёшдаги ўқувчилар хотирасининг фавқулодда кучлилиги ўқув жараёнининг ютугини таъминлайдиган асосий омилларданadir. Иккинчи тилни ўрганиш жараёнида

матнни ўзгаришсиз эслаб қолиш ва уни ифодалаб бериш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам бу даврда болаларга кўп матнларни ёд олдириш иккинчи тил ўргатиш борасида салмоқли аҳамиятга эга.

Иккинчилни ўқитишда бола хотира сиимкониятларидан тўғри фойдаланиш лозим. Инсоният ўзининг асрлар давомидаги маданий ҳаётида хотирасини кучайтириш ва унинг имкониятларини кенгайтиришнинг олий механизмини ишлаб чиқсан. Бу механизм бадиий адабиётдир. Болалар психологияси билан шуғулланувчи мутахассислар улар ҳар хил материалларни гайриоддий тарзда тез ва енгил хотира да сақлаб қолишиларни белгилаб берганлар. Жажжилар фавқулодда мустаҳкам хотира эгасидирлар. Лекин улар ҳамма нарсани бараварига эсда олиб қолавермайдилар. Бола нимаси биландир қизиқарли бўлган, ўзида ҳиссиёт қўзғатган, ром этган, ҳайратга соладиган ва ўйлантирадиган нарсаларнигина хотира сига маҳкам жойлаб олади. 6-10 ёшли болалар бирор предметни ифодаловчи сўзни, ибора ёки ҳодисани кўргазмали материаллар асосида хотира сига мустаҳкам ўрнаштириши мумкин. Иккинчи тилдаги нотаниш, лекин қизиқарли туюлган адабий-бадиий матнлар бу ёшдаги болаларни ўзига жалб этади.

Ўқувчиларнинг оғзаки хотираси, яъни эшитганини ўзлаштириб олиш ва хотирасида ушлаб қолиш бошланғич мактабларда иккинчи тилда ўрганилган бадиий матнлар асосида ривожланиб боради. 6-10 ёшли болаларда онгли мақсади белгиланмаган гайриихтиёрий хотира мавжуд. Мактаб даврида болалар тафаккурида янги билим шаклланади. Улар хотирада тушишни, эсга олишни осонлаштирадиган имкониятларга эга бўладилар. Шу тариқа болаларда ихтиёрий хотира кучая боради.

Психологларнинг таъкидлашича, бола беш ёшидан кейин эслаб қолиши керак бўлган нарсаларга дикқат билан қарай бошлайди, ўрганган сўзларини қандайдир тизимга солишига тиришади, уларни хотирасида сақлаб қолиш, зарур бўлганда қайта ишлаш учун ҳар хил усулларни қўллайди. Лекин барибир бошланғич мактаб даврида гайриихтиёрий хотира ихтиёрий хотирадан кучлилик қиласи. Таълим-тарбия жараёнида бу икки хотирадан биргаликда фойдаланиш

муҳим аҳамият касб этади. Иккинчи тилни ўрганишда сўзларни ёдда тутиш туфайли вужудга келган миқдор ўзгаришлари сифат ўзгаришларини келтириб чиқаради. Бошланғич мактаб тил дарсларида адабий материалларни ўзлаштириш воситасида хотирага жамланган сўзлар йиғиндиси эртами, кечми ўқувчининг фаол сўз бойлигига айланади.

Иккинчи тилда ўрганилган бадий матнни узоқ муддат хотирада онгли равишда сақлаб қолишининг, бола маънавиятида из қолдиришининг бош омилларидан бири такрорлашдир. Ўрганилган материални такрорлашнинг фойдали экани психологлар томонидан қўп таъкидланган. Бундан ташқари, инсон онгу шууридан бир марта жой олган нарса сўзсиз ўзидан маълум из қолдиради. Шу фаолият такрорлаш жараёнида енгил ва кам куч сарфланиб бола маънавиятида мустаҳкамланиб боради.

Психологлар: “Боланинг хотираси унинг қизиқишидир”, дейдилар. Бошланғич мактабда ўрганилиши керак бўлган ўзбек адабиётига доир материаллар болалар учун қизиқарли бўлса, уларда ўзлаштириш хоҳишини уйғотади. Ўсмирларга қизиқарли туюлган нарсалар уларнинг хотирасида узоқ сақланади.

Хўш, 6-10 ёшли бола учун энг қизиқарли нарса нима? Психология фанининг хулосасича – ўйин. Ўйин жараёни бола ҳаётига ҳар хиллик, ранг-баранглик бағишлайди.

Ўзига ишонмаслик ва қўрқув иккинчи тилни ўрганиш жараёнидаги энг мураккаб тўсиқлардандир. Шу тўсиқ бартараф этилса, ўқувчилар билан эмоционал алоқа йўлга қўйилади ва болалар ўзлари шуғулланадиган фаолиятга қизиқиб қолади. Шунда ўқувчининг эмоционал, интеллектуал кучини иккинчи тилни ўрганишга тўлиқ жалб қилиш мумкин бўлади, унинг ихтиёрий ва ғайриихтиёрий хотираси бирваракайига ишга тушади. Бошланғич мактабда иккинчи тилни ўрганишда методик жиҳатдан тўғри ташкил қилинган ўқиш дарсларида адабий материалларни ўзлаштириш ноўзбек ўқувчилар маънавиятининг шаклланишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Бошланғич мактабда бадий матнни ўзлаштириш ўрганилажак асарнинг мазмуни, унинг тарбиявий таъсир

кучи, боланинг ёши, билими, маънавий сифатлари ва интеллектуал даражасига ҳам боғлиқ.

Бошлангич мактаб ўзбек адабий таълимида ўкувчи унга ишонишаётгани, у билан ҳисоблапишаётгани, маслаҳатлашишаётганини, унинг фикри билан қизиқишаётганини ҳис қилиб туриши лозим. Таълим-тарбия кечимида ўкувчига ўз фикрини баён этиш ва ўрганилаётган матндаги тасвирларга муносабат билдириш имконини бериши лозим. Ўкувчига уйда ёд олинадиган шеърни танлаш ихтиёри берилса, уй вазифасини ўзи танласа, адабий қаҳрамонлар ўрнига ўзларини қўйиб кўриб, уларнинг хатти-харакатларига лексик имкониятлари доирасида мустақил муносабат билдириш эрки берилса, болаларнинг тил ўрганиши сезиларли тезлашади.

Ўзбек адабиётига доир адабий материаллар устида ишлаётганда ўқитувчи ҳар бир ўкувчининг имкониятини аниқ ҳисобга олиши керак. Иккинчи тилдаги адабий асарларни ўзлаштиришида ўзига ишонч, муносабатлар самимийлиги, бир-бирини тушуниш ва аяшга интилиш таълим самарадорлигига катта ижобий таъсир кўрсатади. Бошлангич синф болаларининг ютуқларини рағбатлантириш кичик ўкувчиларни бир-бирларининг ютуқларидан шодланадиган, хато ва камчиликларига лоқайд бўлмайдиган уйғоқ қалбли шахслар бўлиб етишишига хизмат қиласи.

Ўкувчиларда ўзбек тилида асарлар ўқишига қизиқиш уйғотиш сири ўқитувчининг улар билан ҳамкорлик қила билишидадир. Бу шундай фаолиятки, унда ўкувчи ўзини ўқитишининг объекти дебэмас, балки мустақил, эркин фаолият кўрсатувчи шахс сифатида ҳис қиласи. Ўкув жараёнини ташкил қилишда бола билан самимий маслаҳатлашиш унинг ўз ихтиёри билан бу жараёнга киришиб кетишига имконият яратади. Ўқитувчининг ўкувчига хурматли муносабати иккинчи томоннинг хурматини уйғотиб, болаларнинг ихтиёрий фаолиятини вужудга келтиради. Шу билан бирга, ўкувчидаги ўзбекча ахлоқ-одоб нормалари шаклланишига хизмат қиласи. Ўкувчидаги ўзини таниш ҳамда ўзгалар олдидағи масъулиятни ҳис килиш туйғуларини шакллантиришга фақат уни шахс сифатида хурмат қилиш билангина эришиш мумкин.

Тарбиячининг инсоний позицияси шундаки, у ўқувчини табиатан қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиши керак. У бола яшаётган мухитга, боланинг ҳаётига кириб бориши, хатти-харакатларининг сабабини тушуниши, қарашлари ўқувчи қарашлари билан уйғунлашиб кетиши керак. Бу уйғунлик ўқувчи учун муҳим бўлган инсоний қадриятларни, ҳаётга соғлом муносабатни шакллантирувчи ўзбек адабиёти дарсларида катта самара беради.

Мактабда дарслар нафақат таълимни ташкил қилишнинг асосий шакли, балки ҳар бир ўқувчининг ҳаётини йўналтирувчи, ташкил этувчи асосий жараён ҳамdir. Дарсда ўрганилаётган адабий материалларнинг ўқувчи кундалик ҳаётига алоқадор бўлиши ўқитиш самарадорлигини таъминлайди. Асар матни устида ишлашни ўқитувчи билан ўқувчининг ўзаро фикр алмашуви тарзида ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккинчи тилдаги бадиий матнни ўзлаштириш – ўз ҳолича мураккаб жараён. Бу жараёнда фикрлашнинг ҳиссиёт билан уйғунлиги жуда муҳим. Шунинг учун ўрганилган бадиий асар мазмuni, ундаги персонажларнинг хатти-харакати, сюжет ривожи, асарнинг бадиий жиҳатлари юзасидан ўқувчиларнинг ўз тушунчалари доирасида фикр айтиб, мунозара га кириша олишига шароит яратиш даркор.

Бошланғич мактабда ўзбек тилида берилган матннинг мазмунини англаш учун ўқувчилар дастурда белгиланган талаблар асосида тўғри ва тез ўқий олишга эришишлари лозим. Ноўзбек тилидаги мактабларнинг бошланғич синфлари ўзбек тили дарсларида эгалланган ўқиш кўнимаси кейинги синфларда адабий материалларни чуқурроқ ўрганишга замин бўлади. Ўқувчининг оила ва мактабдаги ҳаётида ўзбек тилида асарлар ўқишининг аҳамияти йилдан-йилга орта боради. Ўзбек тилида ўқилган бадиий асарлар ўқувчининг маънавий қиёфаси шаклланишида жуда катта аҳамият касб этади.

Адабий асарлар овоз чиқариб ўқиши, ичда ўқиш сингари икки хил шаклда ўқилади. Ноўзбек тилидаги мактаблар бошланғич синфлари ўзбек тили дарсларида ўқувчилар матнни овоз чиқариб ўқишлиари давомида бир вақтнинг ўзида сўзларни тўғри талаффуз қилишга ва ифодали

ўқишига ўрганадилар. Бошланғич синфларнинг ўзбек тили дарсларида адабий материалларни ўқишининг асосий вазифаси тушуниб, ифодали ва тез ўқишига эришишдан иборатdir. Ўзбек тили дарсларида адабий материалларни ифодали ўқиш болаларни гўзаллик билан ошно қилиш демакдир. Ноўзбек тилидаги мактабларнинг ўзбек тили дарсларида адабий материалларни ўқиш – ўқувчиларни ўқилган матнни қайта хикоялаш, унинг мазмунини ёзма баён қила олиш, матн мазмунига муносабат билдириш, матн асосида тузилган саволларга жавоб бера олишни, матнда акс этган яхшини ёмондан, тўғрини нотўридан ажратা олишга ўргатиши назарда тутади. Бадий асарларнинг эстетик таъсирини кучайтириш учун дарсларда бадий ва дидактик воситалардан, грамёзувлардан, мусиқа асарлари намуналаридан фойдаланиш катта самара беради. Ўқиш давомида тил дарсларида ўрганилган грамматик билимларга таянилади. Бошланғич синфларда ўрганишга тавсия этиладиган адабий материаллар ҳам шу грамматик билимлар ҳамда болаларнинг лугат минимуми имкониятларини назарда тутган ҳолда танланиши лозим.

Ноўзбек тилидаги мактаблар бошланғич синфлари таълим-тарбия фаолиятида синфдан ташқари ўқишининг ўрни салмоқлидир. Даастурда синфдан ташқари ўқиш кўзда тутилган материалларни ўқувчиларнинг ўқишилари уларнинг фикрлаш қобилиятини, тушунча ҳамда тасаввур доираларини бойитади. Синфдан ташқари ўқишининг асосий вазифаси ўқувчиларни ўзбек маданияти билан имкон қадар кенгрок қамровда ошно қилишdir. Бу иш тури ўзбек ҳалқ оғзаки ижоди, мумтоз ва замонавий адабиёти, ўзбек болалар адабиёти билан имкон қадар тўлиқ танишиши кўзда тутади. Ўқувчиларда синфдан ташқари ўқиш жараёнида матнни ўзлаштириш ва ўзбек тилида фикр баён қилиш кўникмаси пайдо бўла боради. Ўқиш техникасининг шаклланиши ва ривожланиши, дарсларда ўрганилган лексиканинг, грамматик конструкцияларнинг такрори ва мустаҳкамланиши, ўқувчи фаол сўз бойлигининг тўлдириб борилишини таъминлайди.

Ноўзбек тиллардаги мактаблар бошланғич синфларида ўзбек тилида синфдан ташқари ўқишининг ўзига хос

хусусиятлари мавжуд. Иккинчи синфнинг биринчи ярмида ўқувчилар кўпроқ ўқитувчининг ўқиганларини ўзлаштирадилар. Иккинчи ярим йилликдан бошлаб III-IV синфларда ҳам ўқувчиларнинг синфдан ташқари ўқишлари ташкил этилади. Ўқувчиларнинг синфдан ташқари ўқишларига бағишиланиб ҳар чорак мобайнида икки марта алоҳида дарс ажратилиб, болаларнинг ўқишлари назорат қилиб борилади. Синфдан ташқари ўқиш учун асар танлаш, уларни ўқишдаги қийинчиликларни бартараф қилиш ўқитувчи ёрдамида амалга оширилади. Синфдан ташқари ўқилган асарлар юзасидан уюштирилган дарслар фикрловчи китобхон тарбиялашга қаратилади.

Ўқувчиларнинг синфдан ташқари ўқишини ташкил қилинда болаларнинг ўз адабиёти намуналарини ўзбек тилида ўқишига ҳам эътиборни қаратиш муҳим. Бундан ташқари, ўқиладиган асарларнинг жанр хилма-хиллиги ҳам назардан қочирилмаслиги керак. Учинчи синфдан бошлаб ўқувчиларга ўзбекча газета, журналларни, ватанимизнинг ўтмиши, бугуни билан боғлиқ бўлган, болалар ҳаёти тасвирланган асарларни ўқишга тавсия этиш мақсадга мувофиқдир. Синфдан ташқари ўқиш учун тавсия этиладиган адабий материаллар юқоридагиларга қўшимча равишда ўлкашуносликни, ватан табиати, ҳайвонот оламига алоқадор бўлиши катта аҳамият касб этади. Дарсдан ташқари ҳолатда ўқиш учун тавсия этилган материаллар ўқувчиларда эзгу ахлоқий ва маънавий сифатларни тарбиялашга қаратилмоғи керак.

Синфдан ташқари ўқилган материаллар юзасидан маҳсус машғулотлар ўtkазилиши лозим. Ўқувчининг синф ва мактабдан ташқари фаолияти назардан четда қолмаслиги ва ўқувчи буни ҳис қилиб туриши катта аҳамият касб этади. Шундагина ўқувчи дарсдан ташқари ўқиган материаллари юзасидан мустақил фикр айтишга уринади. Асардан олган таассуротларини тизимга солади. Ўз фикрини асослаб беришга ўрганади. Ўзининг мактабдан ташқари фаолияти ҳам назорат қилинаётганлигини билган ўқувчи уни тўғри ташкил қилишга ҳаракат қиласи. Ноўзбек тилидаги бошлангич синфларда ўзбек адабиётини ўқитиш борасида шакллантирилган кўникмалар таянч мактабда ўзига хос

тарзда давом эттирилади.

Ноўзбек тилидаги ўрта мактабларнинг 5-7-синфларида адабий ўқиш муҳим аҳамият касб этади. Адабий ўқиш ҳар қандай жанрдаги бадиий асарни ўрганиш мобайнида қўлланилади. Матнлар устида ишлаш, коммуникатив характердаги топшириқларни бажариш ноўзбек ўқувчини ўзбек тилида ўқилган бадиий матнни ўзлаштиришга, англашга тайёрлаши лозим. Бу биринчи навбатда лексикани қабул қилишга, ўзлаштиришга тегишли. Ўқувчи бадиий матндаги бирор сўзга дуч келишидан олдин унинг маъноси ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак. Лекин матндаги сўзлар маъносини билиш ҳали онгли ўқиш дегани эмас. Ўқилган матннинг сўзма-сўз anglaniши уни мантиқий тушунишни таъминлайди, аммо бу бадиий матнни тўлиқ ўзлаштириш имконини бермайди.

Адабий ўқиш матн мазмунини мантиқий тушунишнигина эмас, балки асарларнинг бадиий хусусиятларини чукур англашни ҳам талаб этади. Адабий ўқишининг вазифасига ўқувчиларда ўзбек адабиёти дастурида кўрсатилган адабий-назарий материаллар ҳақида тушунчаларни шакллантириш ҳам киради.

Ўрта мактабнинг 5-7-синфларида асарларнинг ўкув тахлили нутқ малакаларини эгаллашнинг ҳам омили саналади. Ўзбек адабиёти дарсларида ўрганилайдиган асарларни тўлиқ ўзлаштиришга эришишда ўқувчининг ўз адабиётини ўрганиш жараёнида шаклланган билим ва кўнижмаларига таянилади.

Ноўзбек тиллардаги мактабларда ўзбек адабиёти иккинчи адабиёт сифатида ўрганилганда ҳар бир миллат қарашларининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд эканлиги назарда тутилади. Инсон бутун умри давомида ўз она тили орқали қалбига сингиб кетган адабиёт таъсирида яшайди. Бу адабиёт унга туғилиши билан она алласи орқали таъсир этади. У иккинчи бир миллатнинг адабиётини ҳам ўз адабиётининг психологик, ахлоқий, эстетик нуқтаи назари билан ўзлаштиради. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: ҳар бир ноўзбек тилидаги мактабда ўзбек адабиётини ўқитиши ўқувчиларнинг миллий-бадиий диди ва эстетик анъаналарининг шаклланиш факторларини назарда

тутган ҳолда амалга оширилиши керак.

Ноўзбек тилидаги мактаб ўқувчисининг ўз адабиёти ва ўзбек адабиётининг ўхшаш томонларини таққослаш, ўзбек адабиётининг мураккаб жиҳатларини ўқувчининг ўз адабиётидан яхши маълум бўлган ҳодисаларга қиёслаб тушунтириш, айрим материалларни она тилига таржима қилиш каби ишларнинг амалга оширилиши ўқувчиларнинг ўзбек адабиётини ўрганишга бўлган қизиқишларини срттиради. Бу йўл билан уларнинг бадиий завъкини қўзгата олиш ва кучайтиришга эришиш мумкин бўлади.

Ноўзбек тилидаги мактабларда ўзбек адабиётидан дарс берадиган ўқитувчилар таржимонлик ҳам қила билишлари керак бўлади. Ноўзбек ўқувчига ўрганилажак асарни ўқувчининг ўз она тилидаги асардек тушунарли ва севимли қилиб бера олиш, ўрганилажак асарнинг бадиий жозибасини оча билиш шуни тақозо қиласди. Бунга эришилса, ўзга миллат ўқувчисида ўзбек адабиётига қизиқиш уйғотилиши мумкин. Қизиқишина ўзга миллат ўқувчини ўзбек адабиёти намуналарини мустақил ўқишга жалб қила олади.

Ноўзбек тиллардаги мактаб ўқувчиларида ўзбек адабиётини ўқитишига бегона адабиётни ўрганиш машғулотлари деб эмас, балки ўзи ўсаётган ватан адабиётини ўзлаштириш жараёни сифатида қарашни шакллантириш лозим.

Ҳар бир миллатнинг ўзига хос хусусияти конкрет тарихий-иқтисодий, этник, психологик омиллар билан белгиланади. Ўзбек адабиётини ўрганишда бу миллатга хос бўлган омилларни англай ва фарқлай олиш, икки ҳалққа хос бўлган хусусиятларни таққослай олиш ва уларга жиддий эътибор бериш талаб этилади. Ўзбек адабиёти дарсларида ҳар бир адабий материалга сингдирилган миллий руҳни ўқувчига англатиш ва уларни баҳолай олишга ўргатиш керак бўлади. Миллатларнинг борликни образли ўзлаштириши ва эстетик қарашлари ҳам ўзига хосдир. Айни шулар кўпинча бирор миллий адабиётнинг эстетик ўзига хослигини белгилайди.

Ўзга миллат ўқувчисининг ўзбек адабиётини англаши мураккаб жараён. Бегона тилда фикрлаш ва бошқа нутқий фаолиятлар билан боғлиқ бўлган тилда яратилган бадиий матнни ўзлаштиришда миллий урф-одатлар, эстетик

кўникмалар билан бўлган қийинчиликлар туғилади. Шуни ҳам эътибордан қочирмаслик даркорки, миллий адабиётларнинг ўзига хос хусусиятлари уларни ўзаро яқинлаштирувчи умумийлик мавжудлигини ҳам инкор этмайди. Адабиётлардаги ўхшаш томонларни топа билиш, уларни таққослаб, ажратиб кўрсатиш ўқитувчи зиммасида бўлади. Шунинг учун ноўзбек тилидаги мактабларда ўзбек адабиётидан дарс берадиган ўқитувчи иккала тилни, икки адабиётни, икки халқнинг миллий характер хусусиятларини яхши билиши талаб этилади.

Ноўзбек мактаблар ўзбек адабиёти дарсларида луғат ишларининг хилма-хиллиги ўқувчи нутқидаги қийинчиликларни бартараф қилиш шартларидан биридир. Ўқувчиларга таниш бўлмаган бадиий матнни ўзлаштириш улардан анчагина меҳнат ва билим талаб қиласди. Адабий таълимдаги мешаллар луғатлар билан тинимсиз ишланганда, синфда ва синфдан ташқари ишларда бартараф этилади. Ўқувчи луғат ёрдамида матннаги сўзнинг мағзини чақишига одатланади. Матннинг мазмунини англашга доир савол-топшириклар асарни тушунишни енгиллаштиради.

Бадиий сўз, тимсол, мавзу, адибнинг ички яширин туйғулари қаҳрамон характерини очиб берувчи тасвирий восита тизими билан биргаликда ўзлаштирилади. Булар ҳаммаси ўзбек адабиётининг нафақат маънавият тарбиясида, балки ўқувчининг ўзбек тилини ўрганишида ҳам жуда катта аҳамият касб этади. Ўтра мактабларда адабий ўқишининг мазмуни китобхоннинг ёш хусусиятларига, нутқининг шаклланиши даражасига таянади. Инсоннинг бадиий асарларда ифодаланган ижтимой-рухий тажрибасини ўрганиш орқали ўқувчи ўзлигини англай боради, адабий қаҳрамонларга тақлид қилиш уни шахс сифатида шакллантиради.

Ноўзбек тиллардаги ўрта мактабларнинг 8-9-синфларида ҳам ўзбек адабиёти ўтган босқичлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўзлаштирилади. Шу билан бирга, бу давр ўқувчиларнинг адабий таълим жараённида ўзига хос янги босқич ҳисобланади. Унинг вазифаси ўқувчилар адабий-тарихий жараённинг айрим ўзига хос хусусиятлари ҳақида тасаввурга эга бўлишларини, ёзувчи ижоди, адабий асар

таҳлили ва адабиёт назариясидан муайян билимларни ўзлаштиришларига эришишдир.

Ўзбек адабиётини ўрганишнинг якунловчи босқичида ўкувчининг китобхонлик даражаси, ўқилган асарни тушунишнинг чуқурлиги аниқланади. Ўзбекча нутқнинг ривожланиш даражаси белгиланади. Ўзбек адабиёти дарсларида адабий асарларни ўрганишдан мақсад ўзбекнинг руҳиятини англишиш орқали ўкувчининг маънавий дунёсини бойитишдан иборатдир. Бунинг учун ўкувчи ўзга адабиётнинг назарий асослари билан маълум даражада таниш бўлиши талаб этилади. Қолаверса, назарий тушунчаларни билган ўкувчи бадиий ҳодисани таҳлил қилгандা, асар ҳақида гапиргандা фикрини асосли ифодалай олади. Айни вақтда бадиий асар ўрганиш адабий-назарий тушунчаларни ўзлаштириш учун эмас, балки адабий-назарий тушунчаларни ўрганиш бадиий асарларни тўлароқ англаш учун кераклиги ҳамиша диққат марказида бўлиши лозим. Улар ўрганилган асарнинг бадиий гўзаллигини очиши учун керак. Бу ўринда биринчи планда адабий-назарий билимларни ўзлаштириш эмас, балки адабий асарларни ўзлаштириш жараёнида ўкувчининг маънавиятини бойитиш туради.

Ўзбек адабиёти дарсларида муайян асарни ўрганишда уни яратган адид ҳаётидан шу асарнинг яратилишига доир фактлардан фойдаланиш катта самара беради. Ёзувчи шахсиятига хос хусусиятлар, унинг ҳаётида кечган воқеа-ҳодисалар бадиий асар мазмунига ўз таъсирини кўрсатади, сингиб кетади. Маълумки, ҳар бир кишининг кўнглида иккинчи бир кишининг ҳаётига, айниқса, машхур киши бўлса, жуда катта қизиқиш ётади. Дарсларда ёзувчининг шахсига қанча жиддий ва чуқур кириб борилса, ўкувчи уни шахс сифатида қанча кўп ва хўб билса, унинг асарлари ҳам шунчалик чуқур ўзлаштирилади.

Бугунги педагогика-психология фани шуни исботлаб бердики, тарбия самарали бўлиши учун болада шакллантирилиши лозим бўлган ҳар бир маънавий сифатга унда ижобий муносабат уйғотилиши керак. “Узлуксиз адабий таълим концепцияси”да ҳам шундай таъкидланади: “Айни вақтда ўсмирга эзгу маънавий фазилатлар, гўзал

инсоний амаллар бевосита кўрсатилса ва тарбияланувчига мажбуран тиқиширилмай, руҳиятига табиий равишда, зўрликсиз сингдирилса, бола маънавиятининг ажралмас сифатига айланади.

Ўзаро муомала, муносабат деб аталмиш қийин бир механизмнинг амалга оширилиши ўша муносабатларнинг ижобий ёки салбийлигига боғлиқ”¹.

Янгиланган педагогика учун маънавияти бой, қарашлари тийрак, фикрлари соғлом кишиларни тарбиялаш биринчи йўринда туради. Соғлом фикрли шахслар жамиятнинг тараққиётини тўғри белгилайдилар. Маънавияти тўғри шаклланган инсонгина илмга интилади. Инсон руҳиятининг, ички дунёсининг қанчалар бойлиги унинг турмуш тарзини белгилайди. Ҳар бир конкрет инсоннинг савияси бирлашиб, миллатнинг умумий савиясини белгилайди, жамият тараққиётини таъминлайди.

Мана шу фазилатларнинг барчасини тўғри ташкил этилган адабиёт дарслари шакллантиради. Ноўзбек тилида ўқитиладиган мактабларда ўзбек адабиёти таълими ҳам шу йўналишда ташкил этилиши керак. Ўзбек адабиёти дарслари адабий-бадиий, илмий-ижодий бир спектаклга айланиши керак, токи унда “ҳар бир ўқувчининг ўз роли, ўрни, вазифаси бўлсин”².

Адабиёт дарсларида ҳар бир ўқувчининг шахси, ҳаёти, кайфияти ўқитувчининг диққат марказида туриши лозим. Адабиёт дарслари инсон маънавияти билан шуғулланар экан, адабиёт ўқитувчиси касбининг асоси – амалий инсоншунослик бўлади. Ўқитувчи ҳар бир ўқувчидаги шахсни, инсонни кўриши ва уни чукур билиши шарт. Адабиёт дарсларида, айниқса, ўзбек адабиёти дарсларида ҳеч бир ҳаракат, ҳеч бир иш шунчаки қилинмаслиги зарур. Ҳаммаси яхшилаб ўйланган, пухта режалаштирилган бўлиши лозим. Адабиёт ўқитувчиси дарсларда кўпинча бўлиб турадиган кутилмаган, тасодифий муаммоларни ҳам олдиндан кўра билиши ва уларга тайёр туриши керак.

Ўзбек адабиёти дарсларида адабий асарларни тўғри бадиий таҳлил қилиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

1 Узлуксиз адабий таълим концепцияси. Лойиха. -Т.: Ўзбекистон ПФИТИ, 1995. 10-б.

2 Ильин Е. Н. Герой нашего урока. -М.: Педагогика, 1991.-213-б.

Ноўзбек тилидаги мактаблар адабиёт дарсларини кузатиш натижасида Е. Ильин айтмоқчи: “*Китоб билан сеҳрлаш, бадиий қаҳрамон билан руҳлантириши, ёзувчи билан мафтун қилиши*”¹ адабиёт дарсларининг асосидир. Машғулотлар ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактаблардаги ўзбек адабиёти дарсларида миллий адабиёт намуналарининг бадиий қимматини оча билиш, чинакам санъатнинг эстетик манбани белгилаб бериш керак.

Адабиёт ўқитувчиси ўрганилаётган асарни худди ўзи ёзгандай, қаҳрамонларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, шодлик ва изтиробларини бошидан кечиргандай таҳлил қила олиши шарт. Адабиётни бадииятни чуқур ҳис қиласидиган, у билан яшайдиган ўқитувчи ўқитиши керак. Ўзбек адабиёти ўқитувчиси зиммасига жамият учун энг муҳим бўлган ўсиб келаётган авлодга эстетик маданиятнинг буюк қадрияларини ўзлаштириш, инсониятга мерос қилиб қолдирилган бадиий дунёни ўқувчилар маънавиятига сингдириш вазифаси юклатилган.

В.Кан-Калик, Ш.Амонашвили, Қ.Йўлдошев каби олимлар адабиёт дарсларида ўқитувчи ва ўқувчининг биргаликда фаолиятини “ҳамкорлик”, “ижодий ҳамкорлик”, “ҳамкорлик педагогикаси” дея атаб, адабиёт дарсларининг қизиқарли ва самарали бўлишининг асоси санайдилар. Бундай ҳамкорлик дарслари замирада ўқувчининг ижодкорлиги, ўз фикрини ижобий ёки салбий бўлишидан қатъи назар эркин баён қила олиши, ҳодисаларга ўз муносабатларини билдира олишига имкон бериш ётадики, у ўқувчида ўзига ишонч шакллантиради.

Ўзбек адабиёти дарсларида бадиий асарнинг яратилиши учун асос бўлган конкрет тарихий ҳолатларга таяниб ўқувчининг маънавияти учун долзарб бўлган ижтимоий-психологик моҳиятни очиш керак. Адабий асарнинг ижтимоий-тарихий мазмунини эстетик мазмунидан ажратиш мумкин эмас. Адабий асарни тарихий фактларнинг безаги деб қараш мутлақо мумкин эмас. Асарни у яратилган ижтимоий-тарихий мухитдан ажralган ҳолда ўрганиш ҳам нотўғри. Адабий асар ҳамма унсурлари ўзаро чамбарчас боғланган бадиий мураккаб бир бутунликдир. Шу

¹ Ильин Е. Н. Путь к ученику. -М.: Просвещение, 1988.-61-6.

бутунликни сақлаган ҳолда ёндашибгина унинг эстетик жозибасини очиш мумкин. Ўзбек адабиёти намуналарини ўрганиш жараёнида асарнинг ҳамма жиҳатларига эътибор қаратиш, таҳлил давомида шу жиҳатлар ҳар бирининг гўзаллигини очиш эзгу маънавият шакллантиришнинг манбаидир.

Адабиёт инсон маънавиятини бойитишга қаратилар, болани руҳан тўғриликка ва покликка, нозик қалб эгаси бўлишга чорлар экан, асарлардаги бадиий жозиба ва руҳий ҳолатларни кашф этиш, сатрлар орасида яширган бадиий гўзалликни пайқай олиш ҳамда ундан баҳраманд бўлиш даражасида таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ноўзбек тиллардаги мактабларда ўзбек адабиётини ўқитиш олдида бир қанча тамойилларга амал қилиш зарурияти мавжуд. Ноўзбек тилидаги мактабларда ўзбек адабиётини ўқитишда тарихийлик тамойилига таянилади. Санъат асарининг илдизи тарихий ҳодисалар билан узвий боғлиқ. Шунинг учун ёзувчининг ижодини ҳам, асарларини ҳам у яшаган даврдан ажратиб бўлмайди.

Адабиёт ўқитишда таяниладиган муҳим тамойиллардан бири яхлитликдир. Бу тамойил ўзбек адабиёти намуналарини ноўзбек тилидаги мактабларда ўргатишда бадиий асарга эстетик бутунлик тарзида ёндашишни талаб этади. Ўзбек адабиётини ўқитишда бадиий асарларнинг ички бутунлигини сақлаб қолиш, уни сунъий бўлакларга ажратмаслик, уни бутунлигича ўзлаштиришга эришиш лозим.

Жанр тамойили ҳам катта аҳамият касб этади. Тур, жанр асарнинг шаклигагина эмас, мазмунига ҳам тегишли белгилардир. Бу принцип асар мазмунида ифодаланган фикрларни бир-бирига таққослаш имконини беради.

Хронологик тамойил асарни яратилган даврига қараб танлаш, ўқувчиларда тарихий ва тарихий-адабий тасаввур ҳосил қилишни назарда тутади.

“Узлуксиз адабий таълим концепцияси” да мана шу муҳим тамойиллар билан бир қаторда таълимнинг индивидуаллиги ва эстетик асосларнинг устуворлиги тамойилларининг ҳам адабиёт ўқитишда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланади¹.

¹ Узлуксиз адабий таълим концепцияси. Лойиха. -Т.: Ўзбекистон ПФТИ, 1995. –15-6.

Адабий таълимнинг индивидуаллиги тамойили ҳар бир ўкувчининг маънавий дунёсига кириб боришни, ёзувчининг шахси ёки адабий асар қаҳрамонларидан олинган яхши фазилатларни ҳар бир ўкувчининг табиатига сингдириб боришни ва бунга эришиш учун ўкувчи шахси билан алоҳида ишлашни талаб этади.

Эстетик асосларнинг устуворлиги тамойили ҳам адабиёт ўқитища мухим аҳамият касб этади. Бадий асарда эстетик назарнинг устуворлиги, бадий асарга эстетик ҳодиса сифатида муносабатда бўлиш ўкувчилар маънавиятининг шаклланишида алоҳида ўринни эгаллайди.

Таълим-тарбия ишлари давлат тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек адабиётини ўқитища бу умумий тамойилларга қўшимча яна ўкувчининг миллий адабиётига таяниш тамойили, аслият билан таржимани таққослаш тамойили, ўзбек тили дарслари билан боғлиқлик тамойилларига ҳам таянилади.

Ноўзбек тилидаги мактабларда ўзбек адабиётини ўқитища ўкувчининг миллий адабиётига таяниш тамойили ўкувчиларда турли миллатлар ҳаётининг умумий жиҳатларини англаш ҳиссини тарбиялайди. Иккала адабиётдаги умумийлик тез ўзлаштирилади, тез тушунилади. Миллий адабиётта мурожаат қилиш ўкувчининг ўзбек адабиётига эътиборини чуқурлаштиради. Ўкувчи таққосланаётган асарларнинг бадий жозибасини, ундаги сўзнинг гўзаллиги ва қудратини, умумий жиҳатлари ва фарқли томонларини англаб боради.

Ўзбек адабиётини иккинчи адабиёт сифатида ўқитища уни ўзбек тили билан боғлаб ўрганиш тамойили ҳам мухим аҳамият касб этади. Уларни бир-бири билан боғлаб ўрганиш бадий асар матни устида ишлашнинг қудратли омили саналади. Умуман адабиёт ўқитища етакчи ўринни бадий таҳлил эгаллар экан, унинг педагогик мақсадга йўналтирилганлик, эмоционаллик каби тамойиллари ҳам мавжудлигини таъкидлаш жоиз. Адабиёт ўқитишига янгича ёндашиш бадий асардан ғоя қидиришни биринчи ўринга қўймасликни талаб этади. Бадий асарларга ёндашилганда унда фақат ҳаёт манзарасининг реал кўрсатилганлигини мезон билиб иш кўриш ҳам мақсадга мувофиқ эмас.

Адабиёт руҳни қўзғатиш, туйгуларни ҳаракатга келтириш воситаси экан, ўрта мактаб ўқувчилари грамматик машқлар, қоидалар, иш қоғозларини юритишдан қўра, уларнинг бугуни ва эртаси учун муҳим аҳамият касб этувчи руҳий гўзаллик, маънавий бойлиқ, фикрий кенглилкка эришиш муҳимроқ.

Адабий таълимни яхшилаш борасида олиб борилаётган тадқиқотлар шуни кўрсатяптики, машғулотлар цикл шаклида уюштирилса, мақсадга мувоғиқ бўлади. Яъни бирор асар таҳлилига уч соат ажратилган бўлса, ўша уч соатнинг ҳаммаси бир кунда ўтилгани, ўрганилажак асарнинг бир зарб билан, яхлит ўзлаштирилиб олингани маъқул. Бир дарсда ўқувчисининг қалбини уйғота олган, туйгуларини жумбушга келтира олган ўқитувчи уч кундан кейин шу ҳолатга қайта эришиши қийин. Чунки адабиёт дарсининг муваффақияти, кўп жиҳатдан, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг айни вақтдаги кайфиятига ҳам боғлиқ.

Ўзбек адабиёти дарсида ўқувчини иккинчи тилдаги бадиий матнни ўзлаштиришга психологик жиҳатдан тайёрлаб олиш ғоят қийинчилик билан амалга ошадиган жараён. Руҳан шу фаолиятга тайёр бўлган ўқувчининг асар моҳиятига чукурроқ кириши, унинг таҳлилида фаолроқ қатнашиши илмда ўз исботини топган.

Мамлакат ҳудудида таълим-тарбия ишлари давлат тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар ўзбек тили дарслари таркибида ўзбек адабиётини ўқитишининг аҳамияти жуда катта ва бу бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

НОЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ МАКТАБЛАРДА ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИ ЎҚИТИШ МАЗМУНИНИ БЕЛГИЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Дидактик асослар. Ўзбекистондаги дарслар ноўзбек тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек адабиёти таълими мазмунини белгилаш унинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқади. Ўзбек адабиётини ўқитиши олдига қўйилган вазифаларни бажариш учун унинг

мазмунини тўғри ва илмий асосланган ҳолда белгилаб олиш зарур. Акс ҳолда ноўзбек тилларда иш юритадиган мактабларда ўзбек адабиётини ўқитишдан кўзланган мақсадга эришиш мумкин эмас. Таълим мазмуни тушунчаси ўқув режаси, дастур, дарслик, методик қўлланмалар ва бошқа дидактик воситаларни ўз ичига олади.

“Маърифат” газетасининг 1995 йил 24 май сонида эълон қилинган “Барча умумтаълим мактабларининг I–XI синфлари учун 1995–1996 ўқув йили, ва 2000 йилгача мўлжалланган ўрта ўқув режаси”да ноўзбек тилидаги мактабда ўзбек тилини ўрганиш учун дарслар рус тилида олиб бориладиган мактабларда ҳафтасига 3 соат, дарслар қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган мактабларда эса 2 соат деб белгиланган. Ўқув режасида бу соатлар тил ва адабиёт учун алоҳида ажратиб кўрсатилмаган.

Ўқув режаси давлат аҳамиятига эга бўлган расмий хужжат ҳисобланади. Таълим-тарбия тизими билан боғлиқ бўлган бошқа ҳамма хужжатлар унга асосланиб тузилади. Бас шундай экан, ўқув режасида нуқсонларга йўл қўйиш асло мумкин эмас. Юқоридаги ўқув режасида айрим нуқсонлар кўзга ташланадики, уларга эътиборсизлик билан қараш таълим амалиётида катта муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Ўқув режасида иккинчи тил 2-синфдан бошлаб ўрганилиши қайд этилган. Давлат тилини ўрганиш тизимида узилишларга йўл қўйиш мумкин эмас. Ноўзбек ўқувчи боғчада маълум дастурлар асосида ўзбек тилини ўрганади. Мактабда эса бир йиллик танаффусга дуч келади. Бу узилиш муайян йўқотишларга олиб келади. Ўқиши ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда рус, инглиз тилларини ўрганишни 2-синфдан бошлаш мумкиндири. Лекин ўзбек тилини ўқитиш ноўзбек тилидаги мактабларда биринчи синфдан бошланиши керак ва буни ўқув режасида аниқ кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқув режасида ноўзбек тилидаги мактабларда давлат тилини ўрганишга ажратилган соатлар ҳам етарли эмас. Гуманитаризациялашаётган таълим тизимида тил ва адабиёт предметига ажратилган соатлар микдори сезиларли кўпайтирилмоғи лозим. Гап шундаки, республикамизнинг

“Давлат тили” ҳақидағи Қонунида ўзбек тилини ўрганиш учун белгилаб берилған мұхлат тугагач, корхона-ташкілтіларда давлат тилида иш юритишга ўтилади. Ноўзбек тилидеги мактабларни битирған ўзга миллат ўқувчиси ҳам давлат тилида бемалол иш юрита олиши талаб этилади.

Натижада, ўзбек тилини билиш мамлакатимизда яшаётган ҳар бир киши учун ҳәёттій заруратта айланди. Шу сабаб ўқув режасида давлат тилини ўрганиш учун ажратылған соатлар миқдорини ошириш, тил ва адабиёт ўрганишга ажратылған соатларни аниқ белгилаш мақсадға мувофиқдир. Ўрта мактабларнинг V синфидан бошлаб, адабиёт учун соатларни алоҳида белгилаш, синфлар юқорилаб борган сари адабиёт ўқитишга ажратылған соатларни қўпайтира бориш, ўрта мактабнинг юқори босқичида ўқувчиларнинг ўзбек тили бўйича саводхонлигини ошириш ҳам кўпроқ ўзбек адабиёти предмети зиммасига юкланиши ва белгиланган соатларнинг катта қисмини адабиёт ўқитишга ажратиш мақсадға мувофиқдир.

Ўқитиш мазмунини белгиловчи асосий ҳужжатлардан бири дастурдир. Ноўзбек тиллардаги мактабларга янги ўқув предмети сифатида киритилған ўзбек адабиёти курсининг дастури мақсадға мувофиқ бўлиши учун нима қилиш керак? Бунинг учун, аввало, ноўзбек тиллардаги мактабларда ўзбек адабиётини ўқитиш дастурини тузувчи муаллифлар ўзининг концепциясини таклиф этиши керак. Бу ҳужжат “Узлуксиз адабий таълим концепцияси”га асосланган ҳолда ноўзбек тилидеги мактаб ўқувчиларининг ўзига хос хусусиятларини, ўзбек адабиётини иккинчи адабиёт сифатида ўрганишдаги ўзгачаликлар назарда тутилған ҳолда тузилиши керак. Тузилажак дастурда ноўзбек тилидеги мактабларда ўзбек адабиётини ўқитишнинг мақсади ва вазифалари аниқ белгиланиши лозим. Ўзбек адабиёти дастури ўқувчиларнинг ёши, қизиқишлиари, психологияяси, сўз бойлиги ва ўзбек тили дарсларида ўрганилган грамматик қоидаларнинг характеристерини назарда тутган ҳолда тузилиши лозим. Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар ўзбек адабиёти дастурини тузишда ўрганилиши кўзда тутилған асарлар сўз санъатининг асл дурданалари бўлиши, улар

ўзга миллат вакилларининг маънавий камолотига хизмат қилишига эътибор бериш зарур. Бундан ташқари, дастурга киритиладиган ҳар бир асарда ўзбек халқининг миллий руҳи, табиатини очиб берувчи жиҳатлар қанчалик акс этганлиги муаллифнинг диққат марказидан четда қолмаслиги лозим.

Давлат тилидан бошқа тилларда таълим берадиган мактаблар ўзбек адабиёти курси мазмунини белгиловчи дастурларда бадиий асарлар – “Синфда ўқиш ва ўрганиш учун”, “Мустақил ўқиш ва синфда муҳокама қилиш учун”, “Синфдан ташқари ўқиш учун” каби бўлимларда тақдим этилиши ноўзбек тиллардаги мактабларда ўзбек адабиётини ўқитишида кўпроқ самара беради.

Таълим ноўзбек тилларда юритиладиган ўрта мактаблар дастурининг “Синфда ўқиш ва ўрганиш учун” бўлимида халқ оғзаки ижоди намуналари, мумтоз ва замонавий асарлардан намуналар муайян мавзулар доирасида ўрганилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳар бир адабий даврдаги адаб ва асарлардан бир нечаси танлаб олинади. Дастурда қайси адаб ва асарларнинг қандай жиҳатларини ўрганиш лозимлиги кўрсатилиши керак.

Дастурнинг “Мустақил ўқиш ва синфда муҳокама қилиш учун” бўлимида адиларнинг шахсиятини очиб берувчи, болалар ёшига мос автобиографик йўналишдаги асарларни ўрганишга тавсия этиш мақсадга мувофиқдир. Фақат бу асарлар ҳажман кичикроқ бўлгани маъқул. Чунки уларни дарсда ўқувчилар ўзлари мустақил равишда ўқиб, ўқитувчи ва синфдошлари билан биргаликда муҳокама қилишлари керак.

Дастурнинг “Синфдан ташқари ўқиш учун” бўлимида ўқувчиларга бир қанча асарлар тавсия этилиб, булардан бошқа асарларни ўқиш эрки ҳам берилади. Синфдан ташқари ўқиладиган асарлар устида ишлаш учун ҳар чоракда алоҳида соатлар ажратилади.

Дастурнинг юқоридаги бўлимларга қўшимча “Адабий-назарий тушунчаларни ўрганиш” қисмида ўқувчилар сўз санъати намуналарини чукурроқ англашлари учун зарур бўлган назарий тушунчалар тавсия этилади. Ноўзбек тиллардаги мактаблар ўзбек адабиёти дастурининг “Адабий-назарий тушунчаларни ўрганиш” бўлимини

тайёрлашда ўқувчининг ўз адабиёти дастурини ҳисобга олиш керак. Дарс жараёнида ўқувчи ўз адабиётидан қайси жанрдаги асарларни ўрганиб, қайси назарий маълумотларни ўзлаштиргани кўзда тутилса, икки адабиётнинг назарий жиҳатларини таққослаб ўзлаштириб олиш осонроқ кечади. Фақат ўзбек адабиётигагина дахлдор бўлган, хусусан, мумтоз адабиётга хос жанрлар ва адабий тушунчаларга батафсил тўхталиниади.

Таълим ўзга тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек адабиётини ўқитиш мазмунини белгилаб берувчи муҳим дидактик ашёлардан яна бири дарслердир. Дарслерлар ўқувчилар учун ёзилгани учун ҳам уларда болалар интеллектуал имкониятлари ҳисобга олиниши зарур. Дарслерлар ўқувчининг ёш хусусиятлари кўзда тутилган ҳолда ёзилиши лозим. Ноўзбек тилидаги мактаблар “Ўзбек адабиёти” дарслерлари “*тили равон, ифодаси жонли, ўқувчиларнинг ҳар бирини сұхбатга чорлайдиган, уларни ўйлашга, фикр юритишга, муҳокама қилишга, таққослашга ундаидиган, ўз хulosасини айтишга жалб қиласидиган дидактик топшириқларга бой бўлиши лозим. Адабий таълим мазмуни қанчалар бой ва ранг-баранг бўлса, ёш авлоднинг баркамол шахс сифатида шаклланниши имконияти шунчалар ошиб боради*”¹.

Ноўзбек тилларда таълим берадиган мактабларнинг “Ўзбек адабиёти” дарслерлари жамиятнинг мактаб олдига кўйган тарбиявий-таълимий вазифаларини амалга ошириш воситаларидан бири бўлибгина қолмай, билим асосларини эгаллаш самарадорлигини ошириш омили ҳамдир. Ноўзбек тилларда таълим бериладиган мактабларда ўзбек адабиётини ўқитиш дастурида ўқувчи ўзбек адабиёти дарсларида ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар мазмуни, ҳажми, ўрганилиш тартибини белгилаб берилади. “Ўзбек адабиёти” дарслерлари ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, ўзлаштириши даражаси, психологияси ва қизиқишлиари ҳисобга олинган ҳолда тузилиши лозим. Бундан ташқари, дарслерлар ўқувчига дунёни англашга ёрдам берадиган, шакллантирилган маънавий қадрият ва

1 Йўлдошев К. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. -Т.: “Ўқитувчи”, 1996. -22-б.

ўзлаштирилган билимларни амалиётга татбиқ қилишга имкон берадиган бўлиши лозим. “Ўзбек адабиёти” дарсликлари муқаддас миллий қадриятлар, урф-одатларни хурматлаш, ўзбекча ахлоқ қоидаларини англаш ва улар билан ҳисоблашиш, Ватанга ва ҳалққа чексиз муҳаббат ҳиссини тарбиялашга хизмат қилмоғи лозим.

“Ўзбек адабиёти” дарслигига киритилган асарлар ўз мазмун-моҳияти, бадий жиҳатига кўра ўқувчиларга ўзбек ҳалқи маънавий қадриятлари ва маданияти ҳақида маълумот бериш билан бирга уларнинг бадий эстетик диидини ўстириб, уларда шахслик сифатларини шакллантиришга, дунёқарашининг бойиши ва кенгайишига хизмат қилиши керак.

“Ўзбек адабиёти” дарсликларида адабиётни ўзбек тили, тарих, мусиқа, тасвирий санъат ва жуғрофия ўкув фанлари билан боғлаб ўрганиш, ўкув фанлариаро алоқа масаласини амалга оширишни таъминловчи топшириқ ва саволлар ўз ифодасини топиши керак.

Професор А.Зуннунов дарсликларнинг ташкилий таркибини иккига бўлади: матнлар ва матндан ташқари таркиблар¹.

“Ўзбек адабиёти” дарсликларида ёзувчи таржимаи ҳоли, бадий асарлар ёки улардан берилган парчалар, матн таҳлили, адабий назарий тушунчалар ва синфдан ташқари ўқиладиган асарлар **матнлар** саналади. Матнларни ўзлаштириш ва таҳлил қилишга қаратилган савол ва топшириқлар, ёзувчиларнинг фотосуратлари, бадий асар қаҳрамонлари ва асар сюжети асосида тайёрланган расмлар, иккинчи тилдаги бадий матнни ўзлаштириш учун тайёрланган луғатлар матндан ташқари таркиблар ҳисобланади.

Ноўзбек тилларидаги мактаблар “Ўзбек адабиёти” дарслигига киритилган матнлар маълум бир яхлитликда, тугалланган шаклда бўлиши, мазмунан бир-бирини тўлдирадиган, ҳажман дастурда режаланганд соатлар миқдорига мувофиқ келадиган бўлиши лозим.

Дарсликка киритилган матнлар жамиятнинг комил шахслар етиштиришдек талаби ва эҳтиёжларини қондиришга

1 Зуннунов А. Ўзбек тили ва адабиёти дарсликлари мезони.-Т.: ЎзПФТИ, 1994. -11-6.

хизмат қилиши керак. “Ўзбек адабиёти” дарсликларида кўлланиладиган атамалар, тушунчалар, амалда қабул қилинган нормаларга мос бўлиши лозим. Ноўзбек тилидаги мактабларда ўзбек адабиётини ўқитиш жараёнининг эмоционаллигини ошириш учун дарсликда ўқувчининг тўлқинланишига, қизиқишига хизмат қиладиган, уларда ёрқин кечинмалар уйғотувчи материаллар берилиши керак.

Ўзбек адабиёти предмети тизимини англаш учун ўзга миллиат ўқувчиси маълум билимлар мажмуига ҳам эга бўлиши керак. Шу мақсадда дарслик мазмунига матн сифатида адабий-назарий тушунчалар ҳам киритилади. Умуман, дарсликнинг мазмунини белигилашда “жасият эҳтиёжларини, фаннинг ички мантигини, ўқувчиларнинг ҳаётий тажрибасини, шахсий имкониятлари ва қизиқишиларини, ўқитишининг методлари ва ташкилий шакллари”ни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир¹.

Дарслиқдаги материалларнинг ўзлаштирилишини таъминловчи матндан ташқари материаллардан бири шу матн юзасидан тузилган савол ва топшириқлардир. Профессор А.Зуннунов дарсликлардан ўрин олган савол ва топшириқларни уч гурухга бўлади:

- билимларни мустаҳкамлаш вазифасини бажарувчи;
- мантиқий фикрлаш усусларини эгаллашга имконият берувчи;
- ўзлаштирилган билимларни амалда қўллаш имконини берувчи².

Ноўзбек тилидаги мактаблар “Ўзбек адабиёти” дарсликларига юқоридагиларга кўшимча равища ўрганилажак асарнинг бадиий жозибаси, қиммати, таъсирчанлик жиҳатларини очиб берувчи ва асарда акс этган миллий рухни кўрсатувчи савол ва топшириқларни киритиш ҳам муҳимдир. Шунда ноўзбек тиллардаги мактабларда ўзбек адабиётини иккинчи адабиёт сифатида ўрганишдан кўзда тутилган мақсадга эришиш мумкин бўлади.

Дарсликлар мукаммаллигини таъминлаш учун хизмат қиладиган матндан ташқари материаллардан бўлмиш расмлар ҳам шунчаки тасвир бўлмай, адабий асар

1 Шодиев Д. Ш. Дарслик яратиш методологияси. -Т.:ЎзПФИТИ, 1994. -7-б.

2 Зуннунов А. Ўзбек тили ва адабиёти дарсликлари мезони.-Т.: ЎзПФИТИ, 1994. -13-б.

қаҳрамонлари характерини, ички дунёсини очиб бериш ва матн мазмунидаги миллий рухни, бадиий асар гўзалигини намойиш қилишга қаратилиши мақсадга мувофиқдир. Ёзувчиларнинг суратлари уларнинг шахсияти ва ички дунёсини очиб берадиган бўлиши ҳам катта аҳамият касб этади. Токи, бадиий асар таҳлили жараёнида, адаб таржимаи ҳолини ўрганишда ўқитувчи-ўқувчига қўл келадиган, болаларда маълум тасавурлар пайдо қиласидиган, шу билан бирга, дарсликнинг безаги вазифасини ўтай оладиган материаллар бўлсин.

Ноўзбек тилидаги мактабларда ўзбек адабиёти ўқитиш самарадорлигини таъминлайдиган асосий куч ўқитувчи шахсидир. Таълим ўзга тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек адабиётини ўқитиша ўқув режаси қанчалар мукаммал ва тугал тузилмасин, дастур ва дарсликлар кўп қиррали, ўрганишга тавсия этилган асарлар таъсирчан, бадиий жозибаси кучли бўлмасин, ўқувчига тўғри ва тўлиқ етказилмаса, тарбияланувчи маънавиятига ижобий таъсир кўрсата олмай, бесамар қолиб кетаверади. Яратилган дидактик воситалар ўқитувчининг шахси, унинг дунёқарashi ва меҳнати орқалигина ўқувчига етиб боради. Хўш, ноўзбек тилидаги мактабларда ўзбек адабиётидан дарс берадиган ўқитувчи қандай бўлиши керак? Ноўзбек тилидаги мактаб ўзбек адабиёти ўқитувчисига қўйилган талаблар нималардан иборат?

“Узлуксиз адабий таълим концепцияси”да адабиёт ўқитувчисига қўйиладиган конкрет талаблар белгилаб берилган: “*Адабиёт ўқитувчи билимдон ва моҳир педагог бўлиши шарт. Ўзга предметларнинг ўқитувчилари учун билимдонлик ва маҳоратли педагог бўлиши етарли ҳисобланади. Адабиёт ўқитувчи учун булар камлик қиласиди. Адабиёт предмети шахс шакллантиришига йўналтирилганлиги учун ҳам адабиётчи, аввало, шахс бўлиши лозим. Шундагина у ўз тарбияланувчиларида муайян шахслик сифатларини шакллантириб бориши мумкин. Шахс бўлмаган ўқитувчининг шахс тарбиялаши мумкин эмас*”¹. Концепцияда адабиёт ўқитувчи педагогик амалиётчи, илмий тадқиқотчи, бадиий воситачи, бадиий

¹ Узлуксиз адабий таълим концепцияси. Лойиха. -Т.: Ўзбекистон ПФИТИ, 1995. -20-б.

ижрочи ва бадий ижодкорлик сифатларига эга бўлиши лозимлигини ҳам қайд этилади.

Умуман, ўқитувчига, хусусан, адабиёт ўқитувчисига қўйилган талабларга қўшимча равишда ноўзбек тилидаги мактабларда ўзбек адабиётидан дарс берадиган ўқитувчиларга ўзига хос муайян талаблар қўйилади. Ноўзбек тилидаги мактабларда ўзбек адабиётидан дарс берадиган ўқитувчи, аввало, синфдаги болаларнинг милллий психологиясини, тарихи, маданияти, урф-одатлари, тили, адабиётини билиши жоиз. Ўзбек адабиёти ҳар бир миллат учун муқаддас бўлган қадриятларга таянган ҳолда ўқитилса, кутилган самарани беради. Адабиёт ўқитувчиси моҳир ижрочи бўлиши лозим. Демак, ноўзбек тилидаги мактабларда ўзбек адабиёти дурдоналарини ўргатиш устида иш олиб борадиган ўқитувчи бадий асарни ижро этиб, тарбияланувчиси қалбини безовта қила олиши, унга таъсир кўрсата билиши керак. Бу ҳар қандай ўқитувчининг ҳам қўлидан келаверадиган иш эмас. Бунинг учун ўқитувчи ўта маҳоратли бўлиши керак. Бу нарса ноўзбек тилидаги мактабларда ўзбек адабиётини ўқитишда жуда катта аҳамият касб этади. “Ўқитувчининг бадий матнни ўқиши жараёни уни ўқитишининг усувларини белгилаб беради”, дейди В.А.Кан-Калик ва В.И.Хазан¹.

Ўқитувчи ўз ижрочилик маҳорати билан асар устида ишлашга ўқувчиларни руҳан тайёрлайди. “Адабиёт ўқитиши методикаси” қўлланмасида: “Адабиёт ўқитувчиси ўқувчилари томонидан севилиши шарт. Чунки адабиётчи қалбни шакллантирмоқчи экан, қалбга фақат муҳаббат орқали кириб бориши мумкинлиги ҳисобга олинниши керак бўлади. Юракнинг тугёнларини юракка етказмоқ учун юракларни забт этмоқ даркор”, дея таъкидланади². Ўқитувчи ўз инсоний жиҳатлари билан ўқувчисини ром қилиб, муҳаббатини қозонса, бола унинг ҳар бир сўзини жон-дили билан қабул қиласди. Ўқитувчи томонидан айтилганларни қидириб топишга, уни ўзлаштириб олишга, ўзига сингдиришга ҳаракат қиласди. Мана шу интилиш

1 Кан-Калик В. А., Хазан В.И. Психологово-педагогические основы преподавания литературы в школе.- М.: Просвещение, 1988. –148-б.

2 Йулдошев Қ. Адабиёт ўқитишининг илмий-методик асослари. -Т: “Ўқитувчи”, 1996. –9-б.

ўқувчини комилликка олиб боради.

Ноўзбек тиллардаги мактабларда ўзбек адабиётини ўқитиш мазмунини белгиловчи омиллардан яна бири кўлланмалардир. “Методик қўлланмалар ўқув фани ёки унинг бир қисмини ўқитиш ёки тарбиялаш методикасига оид материаллардан иборат ўқув китоби”дир¹.

Рус тилидаги мактабларда рус адабиётини, миллий мактабларда рус адабиётини ўқитиш, ўзбек мактабларида ўзбек адабиёти ўқитиш бўйича жуда кўп методик қўлланмалар мавжуд. Бундан ташқари, дарсликка киритилган бирор ёзувчи ёки шоир шахсини, ижодини ўрганиш учун қўшимча материаллар, уларнинг қайси жиҳатларини қандай ўрганиш, қайси хусусиятларини очиб бериш, асарни қай тарзда ўрганса, таъсир кучи, самарааси юқори бўлиши белгиланган қатор қўлланмалар бор.

Ўзбек адабиётини мактабда ўқитиш методикаси бўйича ҳам бир қанча номзодлик, докторлик диссертациялари химоя қилинган. Айрим адиблар, уларнинг асарларини ўрганиш борасида методик тавсияномалар чоп этилган. Лекин ноўзбек тилидаги мактабларда ўзбек адабиётини ўқитишга доир дарсликлар яратилмагани сингари, ҳозирча методик қўлланмалар ҳам тайёрланган эмас.

Ноўзбек тиллардаги мактабларда ўзбек адабиёти курси бўйича тайёрланган дарсликларга таянган ҳолда методик қўлланмалар яратиш мақсадга мувофиқдир. Методик қўлланмалар ўқитувчиларда педагогик маҳорат шакллантирилиши ва улардан педагогик мақсад йўлида тўғри фойланишда қўл келади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мамлакатимиз ҳудудидаги таълим-тарбия ишлари давлат тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек адабиётини ўқитиш ва бу соҳада муваффақият қозонишда таълим мазмунининг ўқув режаси, дастур, дарслик, методик қўлланма каби унсурлари билан бирга адабиёт ўқитувчиларининг савияси муҳим аҳамият касб этади.

Эстетик-педагогик асослар. Ўзбекистон ҳудудидаги барча мактабларда ўзбек тили дарслари ўқитилиши

¹ Йўлдошев К. (Казакбай Кашири). Изучение произведений узбекской литературы в школах с неузбекским языком обучения, //Преподавание языка и литературы. -1996. -N4. С.4-6.

белгиланган экан, тил машғулотлари таркибида ўзбек адабиётини ўқитиши масаласи ҳам тезда ҳал этилиши керак. Шу боис ноўзбек тилидаги мактаблар учун ўзбек адабиёти мазмунини илмий асосда белгилаб олиш ва уларга қўйиладиган эстетик-педагогик талаблар тизимини ишлаб чиқиши энг долзарб масалалардан ҳисобланади.

Таълим-тарбия ишлари давлат тилидан бошқа тилларда юритиладиган мактаблар ўзбек адабиёти курсининг ilk босқичларини, асосан, ҳалқ оғзаки ижоди намуналари ташкил этгани маъқул. Ноўзбек тиллардаги мактабларнинг 5-7-синфларида ҳалқ оғзаки ижоди намуналаридан эртаклар, ривоятлар, афсоналар, достонлар, матал-мақол, топишмоқлар, тез айтишлар ўрганиш учун ҳавола этилади. Ҳалқ яратган эртак ва афсоналарнинг тили содда, равон ва бу ёшдаги ўқувчига мос бўлади. Ўсмир ўқувчининг психологияси саргузаштларга бой асарларни ўрганишга мойил. Бошланғич таълимнинг тўртинчи ва ўрта мактабларнинг 5-6-синфларида “Зумрад ва Қиммат”, “Муқбил тошотар”, “Уч оға-ини ботирлар”, “Сусамбил” ва бошқа қатор ҳалқ эртакларини ўрганиш мақсаддага мувофиқдир. Ҳалқ оғзаки ижоди намуналаридан топишмоқ ва тез айтишларни қўйи синфларда ўрганиш, улар устида ишлаш ўқувчи тилини бойитиб, нутқининг равонлашувига имкон яратади. Ҳалқ мақоллари ҳам болаларнинг ахлоқий жиҳатдан тўғри шаклланишига ҳисса қўшади, ҳам ўқувчиларнинг нутқини ўстиришга хизмат қилади.

Ҳалқ оғзаки ижоди намуналари мазмунан болалар ёшига ва руҳиятига яқин бўлгани боис уларни ўқиши, ўзлаштириш, ёд олиш ўқувчи учун қийинчилик туғдирмайди. Шуниси маълумки, ҳалқ оғзаки ижоди намуналарини ноўзбек тилидаги мактаб ўқувчиларига ўргатишида бу асарларда ифодаланган миллий рухни, миллий қадриятларни очиб бериш мухим. Ҳалқ оғзаки ижоди – ҳар бир миллат маданиятини, ҳалқнинг руҳини, ўзигагина хос бўлган нозик хусусиятларини жамлаган бир манба. Уларни ўрганиш жараёнида икки миллат эртак, мақол, топишмоқларидағи умумий жиҳатларини топиш, икки ҳалқ руҳининг яқин томонларини кўрсатиш ўқувчиларда ўзбек адабиётини ўрганишга қизиқиши уйғотади.

“Гўрўғли”, “Алпомиш” туркум достонларида ўз аксини топган мардлик, ишбилармонлик, халқ фантазиясининг бойлиги ва кенглиги, шарқ қаҳрамонларига хос бўлган ботирлик, енгилмаслик каби фазилатларни акс эттирган достонларни ҳам ўрта мактабларда ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Достонлардан олинган парчалар имкон қадар ноўзбек ўкувчи учун осон ўзлаштириладиган тарзда бўлиши, ўкувчининг лексик бойлигини инобатга олган ҳолда танланиши лозим.

Айниқса, таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда халқ эртаклари, афсоналарни дастлабки даврда ўкувчиларнинг луғат бойлигини назарда тутган ҳолда соддалаштириш лозим. Бу жараёнда уларнинг бадиий жозибасига дахл қилмаслик керак бўлади. Фақат айрим сўз ва ибораларни луғат минимумида белгиланган синонимлари билан алмаштириш мумкин.

Катта ҳажмдаги ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарини бўлакларга бўлганда ёки уларни монтаж қилганда ҳам асарнинг бадиий яхлитлигини, жозибасини сақлаб қолиш жуда катта аҳамият касб этади. Асарларни сунъий равишда истаганча бўлакларга бўлиш мумкин эмас. Эртак ва афсоналарни қисмларга бўлганда, ҳар бир бўлак ўзига хос яхлитликка эга бўлиши ва шу билан бирга умумий яхлитликни ҳам сақлаб туриши лозим.

Ноўзбек тилидаги мактаблар ўзбек адабиёти курси мазмунини белгилашда ўзбек мумтоз адабиёти салмоқли ўрин тутади. Ноўзбек тилидаги мактабларда ажратилган соатлар миқдори ўкувчиларга ўзбек адабиёти тарихини ўзбек мактабларининг ўкувчилари сингари чукур билиш имконини бермайди. Яратилган давридан кейин асрлар оша яшаётган мумтоз асарларни замонамиз ўкувчиларига, айниқса, ўзга миллат болаларига ҳозирги давр кишилари маънавий дунёсининг жонли бир бўлаги сифатида тақдим этиш лозим. Дарсларда ўтмиш адабиётнинг руҳи ва чукур маъноси тўлиқ очилгандагина, ўз самарасини беради. Умуман, мумтоз адабиётнинг ҳозирги замон билан алоқаси табиий, хаётий бўлиши лозим.

XV аср туркий адабиётининг буюк намояндаси Алишер Навоий фаолияти монографик тарзда ўрганилиши шарт.

Умуман, Алишер Навоий асарлари соддалаштирилган ҳолатда ёки насрий баёнда бошланғич синфлардан тортиб, ўрта мактабларни ҳам тұлиқ қамраб олиши лозим.

Навоийнинг ижодини ўрганишда синфларда такрорларга йўл қўйилмаслиги керак. Навоий шахсини, унинг инсоний сифатларини ўрганишда IV–V синфларда у ҳақда айтилган ривоятлар, шоирнинг болалик даври ҳақидаги бадиий асарлардан парчалар ўрганиш шаклида амалга оширилса, VI–VII синфларда унинг болалар ёши ва савиясига мос келадиган кичик ҳажмдаги тарбиявий аҳамиятга эга бўлган асарлари ўрганилса, VIII ва ундан кейинги синфларда Алишер Навоийнинг машхур асарлари билан танишиш давом эттирилади.

Бадиий асарларнинг жозибасини англаш, умуман, асарни тўлиқ ўзлаштириш учун уларни яратувчиларнинг шахсини билиш жуда катта аҳамият касб этади. Адиб ўз шахсий фазилатлари, дунёқараши, жамият ва табиатга муносабати билан ўкувчиларга қанчалик яқин, севимли бўлса, унинг асарлари ҳам шунчалик ўзлаштирилувчан бўлади.

Бадиий асарлардаги барча тасвир воситаларининг ўзаро чукур боғлиқлигини пайқаб олиш ва уларни баҳолаш учун бу воситаларини кўриб, уларни кузатиш етарли эмас. Бунинг учун бадиий матн ортидан муаллифнинг ўзигагина хос бўлган, такрорланмас ижодий хусусиятларни ҳис қилиш лозим.

Методик адабиётларда ёзувчи таржимаи ҳолини қўйидаги тарзда ўргатиш тавсия этилади:

1. Ёзувчи таржимаи ҳолини у ҳақидаги жонли ҳикоя шаклида ташкил қилиш. Бу қўйидагиларни қамраб олади:

- файриоддий, ўзига тортувчан бошлама (эпиграф)лар (ўкувчини мавзуга кўп жиҳатдан тайёрлайди);

- ёзувчи болалик ёки ўсмирлик таассуротларининг аниқ тасвири, яъни бир мақсад сари йўналтирилган, кейинчалик у ёзувчи ёки шоир бўлиб шаклланганда асарларида ўз тимсолига бўлган воқеа ҳодисалар;

- унинг ўсмирлик йилларидағи эсда қоларли воқеаларни айтиш;

- адиб таржимаи ҳоли билан танишириш асносида ўрганилажак бадиий асарлардан тегишли лавҳалар

келтириш.

2. Ёзувчи ҳақидаги хотиралар, мемуарлар, ёзишмалар, ёзувчининг кундаликларидан намуналар, таржимаи ҳол жанридаги асарлари.

3. Кўргазмалиликнинг ҳар хил шаклларига мурожаат қилиш:

- тасвирий санъат;
- жадваллар;
- аудио ва визуал техник воситалар.

4. Ёзувчининг ижодий портретини намойиш қилиш.
Бунда қўйидагилар асосий усуслардан бўлиши мумкин:

- бадиий асарлардан олинган парчаларни ифодали ўқиши;
- ёзувчининг ҳикматларидан, танқидий қарашларидан фойдаланиш;
- ёзувчи шахсига бағишлиланган шеърлар.

Ноўзбек тиллардаги мактаблар ўзбек адабиёти дарсларида ёзувчи ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш ижодкорга тааллукли турли маълумотларни эслаб қолишига эмас, балки сўз устасининг характеристи, унинг шахслик қиёфасини аниқлашга қаратилиши лозим. Айрим асосий сўзларни, айниқса, ёзувчининг маънавий қиёфасини очиб беришда аҳамиятли бўлган сўзларни ажратиб олиш, ўкувчининг луғат дафтарига ёздириш, сўнгра уларни таҳлил қилиш, шу сўзлар асосида иборалар ва жумлалар туздириш лозим. Шундан сўнгина ёзувчи таржимаи ҳолини ўрганишга киришиш мақсадга мувофиқdir.

Бугунги мактабнинг бош мақсади комил инсонни тарбиялаш экан, адабиёт дарсларида ёзувчи шахсига мурожаат қилиш жуда катта аҳамиятга эга бўлади. Ўз шахси билан бугунги авлодни тарбиялашга хизмат қиладиган мумтоз ва замонавий адиларнинг таржимаи ҳоллари мемуарлар, хатлар, кундаликлар, замондошларининг хотираларида акс этади. Бу манбалар ўкувчининг ёзувчи шахси ҳақидаги тасаввурини бойитади, унинг яшаган даври, замондошлари билан, адилнинг ижтимоий, этик-эстетик қарашлари билан таништиради. Ёзувчи билан ўкувчини бир-бирига яқинлаштиради. Ёзувчи шахсининг ҳаётга, жамият ривожига муносабати, қарашлари асарларида ўз аксини топади. Ёзувчи таржимаи ҳолини ўрганиш ёзувчининг

ички дунёсини, ёзувчи шахсининг шаклланиши, унинг жамиятдаги ўрнини кўрсатиш, инсонга муносабатини билдириш, уни бошқарган етакчи туйғулар нималар эканини англатиш демакдир.

Ўзбек адабиёти тизимли курсининг мазмуни қатор олимлар томонидан мукаммал ишлаб чиқилган. Лекин уни шу ҳолича ноўзбек тилидаги мактабларгататбиқ этиш маъқул эмас. Аввало, бунга ажратилган соатлар камлиги ўзбек адабиётини ноўзбек ўқувчига батафсил ўргатишга имкон бермайди. Ноўзбек ўқувчида адабиётимиз ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш учун ўзбек мумтоз адабиётининг бир нечта буюк намояндаларини монографик тарзда ўтиш ва XX аср ўзбек адилариning айримлари ҳаёти ва ижодидан намуналар ўрганиш кифоя.

Ноўзбек тиллардаги мактабларда мумтоз адилар: Аҳмад Яссавий, Хоразмий, Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Нодира ижодини монографик ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

7-синфда Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони, 8-синфда шоирнинг рубоийлари ўрганилади. 9-синфда “Садди Искандарий”, “Лайли ва Мажнун” достонлари ўрганилади. Бошқа мумтоз шоирларнинг таржимаи ҳоллари ва асаларидан намуналар ўрганиш хронологик тамойилда амалга оширилади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз ижодининг серқирралиги билан алоҳида ажралиб туради. Бобур ижодини ҳам 8-9 -синфларда ўргатиш мақсадга мувофиқдир. 8-синфда унинг рубоийлари таҳлил қилинса, 9-синфда “Бобурнома” устида ишланади ва ғазаллари шарҳлаб ўрганилади.

Ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини ўқиб таҳлил қилиш нафақат ноўзбек, балки ўзбек ўқувчилари учун ҳам қийинчилик туғдиради. Қолаверса, мумтоз адабиёт намуналарини ўзлаштиришда ноўзбек ўқувчининг иккинчи тилдаги сўз бойлиги катта аҳамият касб этади. Ноўзбек тилидаги мактаблар ўзбек адабиёти курсини ўқитишдаги энг муҳим жиҳатлардан бири ўқувчининг лексик бойлигини ҳисобга олишдир. Шунинг учун мумтоз адабиётнинг мураккаб жанрларидан бири – ғазалларни ўрганишни маҳсус йўналишдаги лицей ва коллежлардаги ноўзбек

гурӯхларга режалаштириш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу даврда ўқувчининг луғат бойлиги ғазалларни таҳлиллай олиш даражасига яқинлашган бўлади.

Таълим-тарбия ишлари бошқа туркий тилларда олиб бориладиган мактабларда фақат юқори синф ўқувчиларигина ғазаллардаги бадий жозибани, улардаги инсоний ва илоҳий муҳаббатни англаб олишга қодир бўладилар. Ноўзбек тилидаги мактабларда ўзбек адабиёти дарслари “Ўзбек мумтоз адабиёти” ва “Хозирги ўзбек адабиёти” каби бўлимларга бўлиб ўрганилгани мақсадга мувофиқдир.

Ўзбек замонавий адабиёти ҳам бой ва қўп қирралидир. Ноўзбек тиллардаги мактабларнинг ўзбек адабиёти тизимли курсида уларни тўлиқ қамраб олишнинг иложи йўқ. Лекин адаблар ижодида ноўзбек ўқувчи маънавиятини бойитиш учун жуда катта манба бўлиб хизмат қиласиган жиҳатлар беҳисоб. Шунинг учун замонавий адабиёт имкон қадар кенгроқ қамраб олинниши лозим.

Ноўзбек тиллардаги мактабларда ўзбек замонавий адабиёти намояндаларидан Ҳ.Ҳ.Ниёзий, А.Қодирий, Чўлпон, Ғ.Фулом, Ойбек, А.Қаххор, Ҳ.Олимжон, У.Носир, Зулфия, С.Аҳмад, О.Ёқубов, П.Қодиров, Э.Воҳидов, А.Орипов, Ў.Ҳошимов, Р.Парфи, Т.Мурод, ижодини ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Ноўзбек тиллардаги мактаблар ўзбек адабиёти тизимли курсида XX аср ўзбек адабиётини ўрганиш учун номлари кўрсатилган адабларнинг асарлари тақдим этилади. Дастурнинг “Мустақил ўқиши ва синфда муҳокама қилиши учун” бўлимида шу адабларнинг бошқа асарлари тавсия этилади. Шундай қилинганда, улар ижодини имкон қадар кенгроқ ва яхшироқ ўзлаштириш мумкин бўлади.

Ноўзбек тиллардаги мактаблар ўзбек адабиёти курсида ўрганиш учун тавсия этиладиган адабий-бадий матнлар нутқий қийинлик даражасига қараб тақсимланиши ва бу изчиллик билан давом эттирилиши мақсадга мувофиқдир. Ўзбек адабиёти сабоқлари ўқувчилар маънавиятининг шаклланиши, бадий-эстетик дидининг ўсиб боришга бўйсундирилиши лозим. Бадий асарлар билан ишлаш жараёни ҳам шундай ташкил этилади.

Ўзбек адабиёти курси мазмунини белгилаш, яъни

дарсларда ўрганиладиган асарларни танлашда куйидаги меъёрларга амал қилинади:

1. Асарнинг бадиий юксаклиги.
2. Услуб ва жанр жиҳатдан хилма-хиллиги.
3. Муаллиф ижоди учун характерли бўлиши.
4. Ўқувчининг ёшига мос бўлиши.

Ўзбек замонавий адабиётидан ноўзбек тиллардаги мактаблар “Ўзбек адабиёти” дарсликлари учун материал танлашда асарларда миллатнинг руҳи қанчалик чукур акс этганлигига жиддий зътибор бериш лозим. Халқнинг миллий руҳи бадиий асарларда ўз аксини топар экан, буни ўзга миллат ўқувчисига етказиш, ноўзбек тиллардаги мактаблар ўзбек адабиёти дарсининг вазифаси эканлигини унутмаслик зарур.

Ўқитишининг ҳар бир босқичида турли мураккабликдаги матнларнинг тавсия этилиши ўқувчиларнинг маънавий ривожини таъминлайди. Унутмаслик керакки, таълим ўқувчининг ривожланишидан олдинроқда бўлишига эришиш лозим. Таълим муаммоларини ўқувчи астасекинлик билан, маълум қийинчиликлар орқали ечиши зарур. Ўқитиши мазмуни ўқувчининг имкониятидан пастроқ бўлса, унда ривожланиш бўлмайди.

Иккинчи тилда ўрганиш учун тавсия этилаётган адабий-бадиий материалларнинг ўқувчи ўзва руҳий хусусиятларини назарда тутган ҳолда аста-секинлик билан қийинлашиб бориши иккинчи тилни ўрганишга бўлган қизиқишининг сақланиб қолишига имкон беради. Ўқувчининг ўзбек тилида асарлар ўқиши кўникмасини кенгайтиради, ички дунёсида янги қирралар вужудга келтиради, маънавий баркамолликни шакллантириш жараённига сезиларли таъсир кўрсатади.

Ноўзбек тиллардаги мактабларда ўзбек адабиётини ўрганиш жараёнида адабий-назарий тушунчаларни ўзлаштиришни методик жиҳатдан тұғри ташкил қилиш учун бир неча шартлар бажарилиши лозим бўлади:

1. Ўқувчига ўзбек адабиёти дарсларида дуч келадиган адабий-назарий тушунчалар уларнинг ўз тилидаги адабиёт дарсларида ўрганилган бўлиши мақсадга мувофиқ.
2. Ўзбек адабиёти ўқитувчиси буни аниқ ҳисобга олиб, ўзбек адабиётига доир назарий тушунчалар шакллантиришда

болалардаги мавжуд билимларга таяниши керак.

3. Ўқувчиларда ўзбек адабиётига доир адабий-назарий тушунчаларни шакллантиришда терминларнинг қиёсий таърифидан фойдаланилиши зарур.

Икки миллатнинг оғзаки ижоди ва замонавий адабиётида яқин, ўхшаш, умумий жиҳатларнинг бўлиши табиий. Масалан, роман, поэма, сатира, шеър, назм, наср, жанр каби қатор адабий-назарий тушунчалар иккала адабиётда ҳам умумий. Ҳикоя, эртак, топишмоқ, мақол каби адабий-назарий тушунчалар моҳиятини ўқувчи ўз адабиёти мисолида англаб, ўзбек адабиётига татбиқ этиши керак бўлади. Лекин ноўзбек тилидаги мактабларда ўзбек мумтоз адабиётига хос бўлган кўплаб адабий-назарий тушунчалар ўқувчининг ўз адабиётида муқобилига эга эмаслиги эътиборда тутилиши лозим.

Ўзбек мумтоз адабиётига хос бўлган адабий-назарий тушунчалар ҳақида дарсликларда шу жанрдаги асардан олдин тўлиқ маълумот бериш, бу жанрларнинг ўзбек адабиётигагина хос эканини кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Ўқувчи жанр ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилгандан сўнг асар таҳлили устида ишлаш ва бу борада муваффақият қозониш мумкин бўлади. Ноўзбек тиллардаги мактабларда ўзбек адабиётига хос бўлган адабий-назарий тушунчаларнинг ўрганилишидан мақсад ҳам дарс жараёнида ўқувчидан бадий асарни таҳлил килганда маҳсус адабий тушунчаларни кўллаш кўникмасини шакллантиришdir. Бусиз адабиёт дарслари матн мазмунини қуруқ қайта ҳикоялашдан иборат бўлиб қолади.

Ноўзбек ўқувчиларнинг ўзбек адабиёти намуналарини ўзбек тилида таҳлил қила олишлари учун маълум лексик замин зарур. Шу сабаб ўқувчининг ўз адабиётидан ўзлаштирган адабий-назарий тушунчалари ўзбек адабиёти дарсларида мустаҳкамланиб, ўзбек адабиёти материаллари мисолида қатъйлашиши лозим.

Ноўзбек тиллардаги мактабларда ўзбек адабиётига доир назарий маълумотларнинг самарали ўзлаштирилиши кўп жиҳатдан ўқувчининг нутқий ҳамда грамматик тайёргарлигига боғлиқ. Шу туфайли 8-9-синфларда адабий-назарий маълумотларни ўзлаштириш луғат ишлари билан

биргаликда амалга оширилади.

Таълим бошқа тилларда юритиладиган мактаб ўқувчилариға ўзбек адабиётини ўрганиш жараёнида факат ўзбек адабиётігагина хос бўлган, бир қатор адабий тушунчалар ҳақида имкон қадар кенгроқ маълумот берилиши керак бўлади.

Давлат тилидан бошқа тиллардаги мактабларда ўзбек адабиётини ўрганишда лугатлар устида ишлаш ҳам муҳим омил саналади. Чунки бадиий сўзнинг мантикий мазмуни тўлалигича ўқувчига етиб боргандагина асар устида ишлаш самарадорлиги таъминланади.

Бадиий асарларнинг ўқув тахлили жараёнида муаллифнинг асар қаҳрамонлари шахсиятини очишга қаратилган лексикасига алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади. Чунки бу лексика ўқувчиларда бадиий асарда акс этган ахлоқий-эстетик жиҳатларга сигнал вазифасини ўтайди. Шундай лексикани лугат ишлари жараёнида чукур ўзлаштириш, қаҳрамонлар харатерига хос бўлган инсоний жиҳатларни терананглаб олиш уларнинг маънавиятида ўчмас из қолдиради. Бундан ташқари, лугат ишлари жараёнида ўқувчида: сўзларни дастлаб ўз маъносида ўзлаштириш, сўзнинг лексик маъносини ҳар хил йўллар билан англаш, унинг грамматик вазифасини ўрганиб, эслаб қолиш, ундан сўз бирикмаси, гап ва боғланишли матн тузиб, ўз нутқида фойдаланиш каби кўникмаларнинг шаклланишига имкон беради.

Ноўзбек тиллардаги мактабларда лугат ишларининг асосий вазифаси куйидагicha:

1. Ўқувчиларнинг коммуникатив саводхонлиги ва ўқув жараёни самарадорлиги учун сўз захирасининг тўхтовсиз бойитилишини таъминлаш.

2. Иккинчи адабиётнинг юксак бадиияти ва чукур мазмунини ўқувчилар дунёқарashi ва маънавияти шаклланишига йўналтириш.

3. Ўқувчиларни бадиий асарларни аслиятда мустақил ўкишга тайёрлаш.

Лугат иккинчи тилдаги матн мазмунини ўзлаштириш учун хизмат қиладиган ёрдамчи восита. Адабиётларда лугатлар ўрганилажак адабий материаллардан олдин ёки

кейин, ҳар бетнинг охирида ҳамда дарсликнинг охирида алфавит асосида берилади.

Адабий материалларга тегишли бўлган луғатнинг материалдан олдин ёки кейин берилишининг қулайлиги шундаки, матннинг луғати ўқувчининг кўз олдида, асарга яқин. Луғатнинг ҳар саҳифага доир берилиши эса ўқувчи учун янада қулай. Луғатнинг дарслик охирида умумий қилиб берилиши эса алфавитга асосланганлиги билан ўқувчига қулайлик туғдиради. Умуман, дарсликларда луғат ишларини ташкил қилишда ўқувчи учун қулай бўлган вариантлар устун кўйилиши адабий таълим самарадорлигини таъминлайди.

Ноўзбек тиллардаги мактабларда ўзбек адабиёти материалларини, айниқса, ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини ўрганишга доир луғатлар ўзига хос тузилишга эга бўлади. Ўқувчи, айниқса, туркий тиллардаги мактаб ўқувчиси луғат минимум асосида жуда кўп сўзларни адабий тил нормасида яхши билади. Лекин ўша сўзга мумтоз адабиёт намунасининг матни мазмунида дуч келганда анча қийналиши мумкин. Шунинг учун мумтоз адабиёт намуналари матнiga доир луғатлар ўзига хос тарзда, яъни мумтоз сўз, лозим ўринларда унинг ҳозирги ўзбек адабий тилидаги синоними, ўқувчининг ўз она тилидаги таржимаси тарзida тузилса, мақсаддга мувофиқ бўлади.

Давлат тилидан бошқа тиллардаги мактабларда ўзбек адабиёти намуналарини ўзлаштиришнинг жуда муҳим омилларидан яна бири матн юзасидан тайёрланадиган савол ва топшириқлардир.

Ноўзбек тиллардаги мактаблар “Ўзбек адабиёти” дарсликлирида обзор мавзулар, таржимai ҳоллар, асарларнинг таҳлили учун алоҳида савол ва топшириқлар бўлиши кўзда тутилади. Улар орасига назарий маълумотларга доир тушунчаларни қамраб оладиган саволлар ҳам киритилади. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек ва бошқа тилларни ўрганишга доир амалдаги дарсликлар билан танишиб чиқиши жараёнида шунга амин бўлиндики, адабий матнлар юзасидан тузилган савол ва топшириқлар фақат матн мазмунини қайта ҳикоялашгага қаратилиб, ўқувчининг оғзаки нутқини ўстиришга йўналтирилган. Жуда кўп саволлар шундай тузилганки, ўқувчи савол устида ўйлаб

ҳам, уни тўлиқ тушунишга ҳаракат қилиб ҳам ўтирмаиди. Саволнинг айнан сўзма-сўз жавобини матндан топиб ёзиб кўяди ёки ўқитувчига жавоб қиласди. Бундай фаолият билан ўқувчининг нафақат маънавияти, ҳатто, оғзаки нутқининг шаклланиши ҳам даргумон.

Ноўзбек тиллардаги мактаблар “Ўзбек адабиёти” дарслиги материаллари – шарҳли ваъзлар, ёзувчи ёки шоирнинг таржимаи ҳоли, асарлар ва уларнинг жанрларини ўрганишга доир савол ва топшириклар шундай тузилиши керакки, уларга жавоб беришда ўқувчи матндан жумлалар ўқиб бериш билан чекланмасин. У саволга жавобни ўз сўзи билан ифодалашга мажбур бўлсин. Матн мазмунини қайта ҳикоя қилиш билан чекланмай, матндағи ҳодисаларга ўз муносабатини билдирысин. Саволларга жавоб беришдан олдин ўқувчи матнга қайта-қайта мурожаат қилиб, мулоҳаза юритиб, фикрласин. Тузилган саволлар бадиий матндағи жозибани очишда ўқувчига ёрдам берсин. Савол ва топшириклар ўқувчини текшириш ва баҳолашгагина эмас, балки уни бадиий матнни кашф қилиш, асар устида ишлаш, матндан олган бадиий завқни ўз сўзи билан ифодалаш, асар юзасидан фикр билдиришга ўргатишга йўналтирилган бўлиши эътибордан четда қолмаслиги лозим.

“Узлуксиз адабий таълим стандарти” таркибида ноўзбек тилидаги мактабларда ўзбек адабиётини ўқитишга доир таълим давлат стандарти мавжуд. Тузилажак дастурлар ҳам, дарсликлар ҳам, дарсликка киритиладиган асосий ва ёрдамчи матнлар ҳам ана шу давлат стандарти талабларига жавоб бериши лозим. Стандартда ўқувчилар билимининг минимал чегаралари белгиланган, улар матнлар юзасидан тайёрланган савол ва топширикларда ҳам ўз аксини топмоғи даркор.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу тадқиқот ишида ноўзбек тилидаги мактаблар ўзбек адабиёти таълимининг илмий-методик асосларини белгилаш, ўзбек адабиётини иккинчи адабиёт сифатида ўқитишни йўлга қўйишга доир тавсиялар бериш, хусусий ёндашувлар тизимини тақдим этиш мўлжалланган эди. Бажарилган назарий изланишлар ҳамда амалий ишлар асосида айтиш мумкинки:

- жамият ҳаётида содир бўлган ислоҳотлар мамлакат

тараққиетида маънавий сифатларнинг устуворлигини, бунинг учун умумтаълим тизимини, шу жумладан, ноўзбек тилидиги мактабларда ўзбек адабий таълим мини ташкил этишини тақозо этади. Машғулотлар ноўзбек тилларда юритиладиган мактабларда ўзбек адабиётини ўқитиш ижтимоий ва илмий-педагогик заруриятдир;

- давлат тилидан бошқа тилларда ўқитиладиган мактабларда ўзбек адабиётини ўқитишга ўқувчи маънавиятини шакллантириш воситаси сифатида ёндашиш унинг соғлом йўналишда уюштиришини таъминлаб, ўқув жараёнининг қизиқарли ва жонли бўлишига олиб келади;

- ўзбек тилида ўқитилмайдиган мактаблар адабий таълимида тарбиячи ва тарбияланувчи муносабатлари тенглик ва педагогик ҳамкорлик асосига қурилиб, ўқувчиларга фикр эркинлиги, муносабат билдириш ва ўз қарашларини асослаш имконияти берилса, унинг ўзбекча нутқи ҳам, маънавияти ҳам юксала боради;

- бошқа тилларда ўқитиладиган мактаблар ўзбек адабиёти дарсларини ташкил этишда ўқувчиларнинг миллий, этник-психологик, ёш хусусиятлари, сўз бойлиги чегараси, ўзлаштириш имкониятлари ҳисобга олинса, ўзбек адабиётини иккинчи адабиёт сифатида ўқитишдаги барча муаммолар ҳал этилади;

- ноўзбек тилида иш юритиладиган мактаблар учун ўзбек адабиёти предмети мазмунини белгилашда “Узлуксиз адабий таълим концепцияси” ва “Узлуксиз адабий таълим давлат стандарти”га таяниш шарт;

- ўзга миллатга мансуб ўқувчининг ўзбек тилида асарлар ўқиши, ёд билиши, таҳлил қилиши, ўзбекча нутқининг ўсиши, ўз фикрини ўзбек тилида саводли ва равон ифодалай олиши мақсад эмас, балки уни баркамол шахс сифатида шакллантириш мақсадига эришиш йўлидаги воситадир;

- бадиий матн таҳлили машғулотлар ноўзбек тилларда юритиладиган мактабларда ўзбек адабиётини ўқитишнинг асосий тадбиридир. Таҳлил ўқувчини бадиий адабиёт оламига олиб киради, асарда акс эттирилган ўзбекча маънавий-эстетик қадриятлар билан яқинлаштиради, уларда маънавий сифатларнинг такомилини таъминлайди;

- давлат тилида ўқитилмайдиган мактаблар ўзбек адабиёти

таълими тизимида ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини, ҳар бир ўқувчининг индивидуал жиҳатларини ҳисобга олиш, улар билан таълим жараёнининг субъекти, яъни ижрочиси сифатида, тенг ҳукуқли кишилар тарзида муносабатда бўлиш катта самара беради;

- таълим ноўзбек тилларида олиб бориладиган мактабларда ўзбек адабиётини ўқитишда белгиланган тамойилларга таяниб иш тутиш ўзга миллат ўқувчиси онгига, рухиятига бадий асарларда акс этган маънавий қадриятларни англатиш ва сингдириш имконини беради;

- ўзбек адабиётига доир назарий тушунчаларни ўрганиш жараёнида ноўзбек ўқувчиларнинг ўз миллий адабиётидан олган билимларига таяниш зарур;

- бошқа тилларда иш юритиладиган таълим муассасаларида ўзбек адабиётидан дарс берадиган ўқитувчининг юқорида кўрсатилган талабларга жавоб бера олиши бу жараён самарадорлиги гаровидир.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалар шуни кўрсатадики, ноўзбек тилларидаги мактабларда ўзбек адабиётини ўқитиш борасида илк қадамлар кўйилмоқда. Бу жараёнда маълум нуқсонлар бўлиши табиий. Уларни бартараф этиш педагогика илми ва амалиёти олдидаги долзарб вазифалардандир.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БОШҚА ТИЛЛАРДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН МАКТАБЛАРДА ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ДАРСЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Машғулотлар ноўзбек тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек адабиёти намуналарини ўргатишдаги асосий тадбир бадий таҳлилдир. Бадий таҳлил – илмий (филологик) ҳамда ўқув (дидактик) тарзида икки турга бўлинади.

Дидактик таҳлилнинг вазифаси ўрганилаётган бадий асарларнинг жозибаси, сехри, ўзига хослиги ва эстетик таъсир қила олиш сабабларини аниқлаш орқали тарбияланувчиларда таъсирчан қалб, нозик туйғулар, соғлом эстетик дид, равон ва ифодали нутқ шакллантиришдан иборатдир.

Ўқув таҳлили, аввало, педагогик мақсадга йўналтирилган бўлади. Ўрганилаётган бадий асарнинг ҳаётий ва бадий мантиғигина эмас, балки ахлоқий-тарбиявий аҳамиятини ҳам аниқлаш ўқувчилар билан бевосита мулоқот тарзида амалга оширилади. Методистлар фақат бадий таҳлил йўли билан бадий асар мазмунини чукур ўзлаштириш мумкин, шу орқалигина қаҳрамон ички дунёсига кириб бориш ва ўқувчиларда шахслик сифатлари шаклланишига таъсир кўсатиш мумкин, деб ҳисоблайдилар.

Бадий асарни ўзлаштириш – инсоннинг ҳиссиёти ва фикрлаш фаолиятини ўстирадиган, ҳаётий тажрибасини бойитадиган жараён. Бадий асарлардан олинадиган эстетик завқ тўлиқ англангандагина киши маънавиятида ўз аксини топади. Ўқувчилар асарни ўқиб уқишлиари, матндаги бадий жиҳатларнинг аҳамиятини тушунишлари, ёзувчи ифодалаган ҳаёт тасвирини тасаввур қилишлари лозим. Шу билан бирга асар муаллифининг руҳини сеза олишлари, услугидаги ўзига хосликни англаб олишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Асар таҳлили ўқувчига персонажларнинг ички дунёсини тушуниш, уларга яқинлашиш имконини беради. Ўқувчининг одоб-ахлоқи, дунёкараши, унда шахслик сифатларининг шаклланишига ёрдам беради. Демак, маънавий етук шахснинг шаклланишида ўзбек адабиёти дарсларининг, унда бадий асар таҳлилининг аҳамияти салмоқлидир.

Куйида ноўзбек тиллардаги мактабларнинг турли босқичларида “Ўзбек адабиёти” дарслкларидан ўрин олиши лозим бўлган айрим асарларни ўзбек адабиёти дарсларида ўрганиш юзасидан дарс намуналари тақдим этилади. Ушбу дарс ишланмалари илмий-методик жиҳатдан гарчи барча ноўзбек тиллардаги мактабларга тааллуқли бўлса-да, тавсияларнинг аниқлигини таъминлаш мақсадида таълим-тарбия ишлари рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек адабиётини ўқитиш режа ва дастурига асосан бир намуна сифатида тайёрланди. Таълим-тарбия ишлари қозок, қорақалпок, қирғиз, туркман ва тожик тилларида олиб бориладиган мактабларда дарслар мана шу намуналарга таянган ҳолда ташкил этилади.

“Буюк ҳаёт тонги” асарини ўрганиш

Хотиржам, телба, қўйин, мурожсаат қилмоқ, улугворлик, улгура қолмоқ, саҳифа, тақсир, мисра, оят, сўзи оғзида қолди, зеҳни бағоят ўткир, муҳтарам зот, бурро тил билан каби матн мазнуни билан боғлиқ бўлган сўз ва иборалар дарстахтага ёки каттароқ ватман қофозига ёзилади ва дарс бошида уларнинг луғавий ва бадиий маънолариға тўхталади, зарурат бўлган ўринларда ўқувчиларнинг она тилига таржима қилинади.

Луғат устида ишлагандан асосий эътиборни сўзларни ёдлатишга эмас, балки матнни идрок этиш жараёнида улардан эркин фойдалана билишга қаратиш лозим. Бу луғат ўқувчининг лексик бойлигига айланиши учун эмас, балки у матнни ўқиб тушуниши учун тавсия этилган. Бола Алишернинг характерини очища ўқувчилар шу сўзларга таяниши лозимлиги ўқитувчининг диққат марказида туриши зарур. Луғат устида ишлаб бўлингач, матн мазмуни билан таништирилади ва ўқувчилар билан биргаликда унинг мазмуни устида иш бошланади. Матн мазмуни устида ишлагандан айрим тушунарсиз бўлган сўз ва ибораларни, жумлаларни шу бўлакни тушунган ўқувчилар ёки ўқитувчининг ўзи уларнинг она тилига таржима қилиши мумкин. Муҳими, матн мазмуни ўқувчилар томонидан тўлиқ ўзлаштирилиши лозим. Акс ҳолда унинг таҳлили кутилган натижани бермаслиги мумкин. Матн билан ишлаш жараёнида асосий эътиборни бўлажак шоирнинг шахсини билишга қаратиш лозим. Таҳлил жараёнида имкон қадар кўпроқ ўқувчини фикр юритишга, муносабат билдиришга жалб қилиш лозим.

Асаддан олинган парча аввал ўқитувчи томонидан ифодали қилиб ўқиб берилади:

“Бир неча бола ташқарига чиқиб дарвешлар яшайдиган эшик олдига келди. Улар секин ичкарига кирдилар. Иккинчи хонадан оёқ товуши эшиштилгач, орқага қочдилар. Шарафиоддин (Шарафиоддин Али Язди – машҳур Шарқ тарихчи олими)эшик ёнига келганда болаларнинг бири хотиржам тўхтади.

– Исминг нима, ўғлим?

– Алишер, Fuёсиддин Кичкинанинг ўғлиман.

– Бундай доно йигит билимда ҳам пешқадам бўлур.
Мактабга борасанми?

– Ҳа, бораман.

– Ўғлим, қўйинингга яширган китобингни ол-чи, бир кўрай.

Бола гўё бирор тортуб оладигандай қўйнидан бир чекаси кўриниб турган китобни маҳкам багрига босди.

– Бу мен ўқиган китобларнинг энг дурусти.

– Етти ёшингда нималарни ўқишига улгура қолдинг? – Шарафиддин кулди.

– Тақсир, ёшим саккизда, – улугворлик билан жавоб қилди бола.

– “Гулистан” (Саъдий қаламига мансуб панднома. 1258 йилда ёзилган)ни ёд биламан. Бу китоб жуда қизиқлиги билан мени ўзига ошно қилди.

Бола ишониб китобни олимга узатди.

– О, “Мантиқ ут-таир”ми? (“Қушлар мантиги”. Эрон шоюри Фариидиддин Аттор (1119-1230) қаламига мансуб) Ўғлим, сен бу китобдан бирор нима тушунасанми?

– Тушунтириб бера олмайман, аммо ҳаммасини ёд биламан. Айтиб берайми?

Олим ўнг келган бир саҳифани очдида, болага биринчи мисрани ўқиди. Бола бир оз қизариб, давомини бурро тил билан ёддан ўқий бошлиди. Аввал паст овоз билан ўқиди, бора-бора овози баландлашибди.

– Бу нимаси? Яна эс-хушиңгдан айрилдингми? Олим амакингга Куръон оятларини айтиб берииш ўрнига қушлар ҳақида сўзлаяпсан.

Отасини кўриши билан Алишернинг сўзи оғзида қолди. Олим бошини кўтариб, китобни болага берди ва отасига мурожсаат қилди:

– Мухтарам зот, ўғлингизнинг зеҳни бағоят ўткир экан.

– Тақсир, бу зеҳни уни телба қилиб қўймаса деб қўрқаман!

Фикру ёдини мана шу китоб чулгаб олган. Қани китобни менга бер! Алишернинг ранги ўчди...”

Ўқувчилар дарсда асосий фаолият кўрсатувчи куч эканликларини ўзлари ҳам ҳис қилиб турсинлар. Бунинг учун уларга куйидаги саволлар билан мурожаат қилиш ўринлидир:

1. Нега Алишер ҳам бошқа болаларга ўхшаб қочиб

кетмади? Бунинг сабаби нимада, сизнингча?

2. Алишернинг китобни бағрига босишига сиз қандай муносабат билдирасиз?

3. Алишер саккиз ёшида бутун бошли китобни ёд билган экан, сиз нималарни ёддан биласиз?

4. Алишернинг ёд билган китобидан бирор нарсани тушунтириб бера олмаслиги сабаби нимада деб ўйлайсиз?

5. Алишернинг сахифани ёддан ўқишда “бир оз қизариб” кетишига сабаб нима?

6. Алишернинг отаси нима учун хафа бўлди? Сиз унинг фикрига қўшиласизми?

7. Алишер Навоийнинг дунёга машҳур шоир бўлиб етишиши сабаблари, сизнингча, нимада?

8. Матнда бош қаҳрамон ким? Бош қаҳрамон деганда сиз нимани тушунасиз?

9. Ёш Алишерга хос бўлган қайси фазилатларни сиз ўзингизда мужассамлаштиришни истар эдингиз?

10. Сиз билан кичик Алишер ўртасида қандай ўхшаш ва фарқли томонлар бор? Санаб беринг.

11. Алишер ҳам сизга ўхшаган бола. Кейинчалик унинг дунёга машҳур инсон бўлиши сабаблари нимада деб ўйлайсиз?

12. Сизнинг миллатингиз улуғларига багишланган мана шундай асарлар борми? Санаб беринг-чи?

Ўқувчиларнинг мана шу саволларга имкон қадар тўлиқ жавоб бера олишларига эришилса, уларга фикр эркинлиги берилса, ўрганилган материал тарбияланувчилар маънавиятида маълум из қолдириши табиий. Ўқувчилар саволлардаги айrim сўз ва ибораларни, баъзан саволни тўлифича тушунмай қолиши ҳам мумкин. Шунда ўқитувчи саволнинг мазмунини бошқа ўқувчилардан сўраши, иккинчи адабиётни ўрганиш методикасида хато ҳисобланмайди. Мухими, ўқувчилар асарнинг моҳиятига киришлари, буюк ўзбек алломасининг болалиги ҳақида маълум тасаввурга эга бўлиб қолишларидир.“Сиз билан бола Алишер ўртасида қандай ўхшашликлар бор?” саволи уларни ўзини буюк аллома билан таққослаб кўришга ундейди. Агар ўхшаш жиҳатлар топилса, бу таълим амалиётида катта самара бериши тайин.

Уй вазифа сифатида матнни уйда яна бир марта ўқишини топшириб, кейинги дарсда уни ўзбек тилида гапириб берган ўқувчилар рағбатлантирилиши айтилади. Соғ рус ўқувчилар учун бу қийинлик қилиши мумкин, албатта, лекин рус мактабида таълим олаётган ўзбек болалар учун бу унча оғир бўлмайди.

“Мен нечун севаман Ўзбекистонни” шеърини ўрганиш

“Нечун, тақсим айламоқ, танҳо, чун, тўтиё, жсаннат, одил, ардоқларкан, мангу музлик, кўз-кўз этмоқ” каби матнда ўқувчи дуч келиши мумкин бўлган сўз ва ибораларнинг маъноси ҳақида тушунча берилади. Сўнгра шеър ўқитувчи томонидан ифодали қилиб ўқиб берилади:

Мен нечун севаман Ўзбекистонни,
Тупрогин кўзимга айлаб тўтиё.
Нечун Ватан дея еру осмонни
Муқаддас атайман, атайман танҳо.
Аслида, дунёда танҳо нима бор,
Пахта ўсмайдими ўзга элда ё?
Ёки қуёшими севгимга сабаб?
Ахир қуёшлику бутун Осиё.
Мен нечун севаман Ўзбекистонни,
Боғларин жсаннат деб кўз-кўз этаман,
Нечун ардоқларкан тупрогини мен
Ўпаман: “Тупрогинг бебаҳо Ватан!”
Аслида тупроқни одил табиат
Тақсим айлаган-ку ер юзига тенг.
Нечун бу тупроқ деб йиғлади Фурқат,
О, Қашқар тупроги, қашшоқмидинг сен?
Хўши, нечун севаман Ўзбекистонни,
Сабабини айтгил десалар менга,
Шоирона, гўзал сўзлардан олдин
Мен таъзим қиласман она халқимга.
Халқим, тарих ҳукми сени агарда
Мангу музликларга элтган бўлсайди,
Қорликларни макон этган бўлсайдинг,
Мехрим бермасмидим ўша музларга?
Ватанлар, Ватанлар,
Майли гулласин,

*Боғ унсин мангулик музда ҳам, аммо
Юртим, сени фақат бойликларинг-чун
Севган фарзанд бўлса, кечирма асло!*

Шеър ўқитувчи томонидан маҳорат билан ўқилса, ўқувчилар унинг ифода оҳангидан сеҳрланишади, руҳан шеър дунёсига киришади. Кейинги иш ўқувчиларни иккинчи тилда ўқиган бу шеърнинг мазмунини ичига олиб кириш. Ўқувчи шеърнинг мазмунини тўлиқ англаб етмаса, ундаги Ватанга меҳр туйғусини ҳис қила олмайди. Шоирни тушунмайди. Шунинг учун у жуда батафсил таҳлил қилиниши керак бўлади.

Таҳлилда ўқувчиларнинг эътибори, энг аввало, шеърнинг сарлавҳасига жалб қилинади. “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” жумласидаги “нечун” сўзининг нутқда эркин ҳолатдаги кўриниши ҳақида сўз юритилади. Бу масала ҳал этилгач, муаллиф нега “нима учун”ни “нечун” шаклида бергани ҳақида ўқувчиларнинг фикрларини сўрайди. Зарур ўринларда ўқувчининг она тилидан фойдаланиш ҳам мумкин. Фикрини ўзбек тилида тўлиқ ифода эта олмайдиган ўқувчиларга маълум имтиёзлар берилиши, яъни баъзан тушунган нарсасини ўз она тилида ифодалashi ҳам зарар қилмайди. Чунки бизнинг мақсадимиз ўқувчидан маънавият шакллантириш, бойитиш ва унга ўзбекона руҳни англатиш. Муаллиф кўтарган муаммо ўқувчилар руҳиятида қай даражада ўз аксини топаётгани, болаларнинг баҳслари, фикрларининг йўналиши ўқитувчи томонидан кузатиб, бошқариб борилади.

Шеър сўроқ шаклидаги сарлавҳаси билан инсон руҳиятига таъсир кўрсатади. Савол, аввало, ўқувчини безовта қиласди. Ватанга муҳаббат ҳақида чиройли сўзларни кўп эшишган ўқувчи бу муҳаббатнинг асл моҳиятини англашни истайди. Сарлавҳа устидаги мунозара жараёнида ўзбек шоири ўз юртини нима учун севганини англашга ўқувчидан пайдо бўлган қизиқиши уни, ҳеч шубҳасиз, матн мазмунини ўрганишга жалб қиласди. Бола саволнинг жавобини қидира бошлайди. Ўқувчи матнни тушуна бошлаган сари муаллиф томонидан кетма-кет қўйилаётган саволлар унинг қизиқишини яна ҳам оширади, ҳайратлантиради.

Шоир ватани тупроғини нима учун кўзига малҳам

сифатида қадрлаяпти? Барча учун умумий бўлган Ер, Осмонни ватан деб, муқаддас деб биляпти? Ахир еру осмон барчаники-ку! Пахтаси учунми? Күёшими? Лекин у асосий сабаб эмаслигини ҳис қилиб туриш қизиқишни яна ҳам ортиради. Кўйилаётган саволларга муаллифнинг ўзи берган жавоблар қатига жойланган она юрт Ўзбекистоннинг неъматларига ҳам болалар эътиборини қаратиш зарур. “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” саволининг такрор қўйилиши шоир меҳрини қозонган, унинг қалбини, руҳиятини жунбушга келтирган мұхабbat, Ватаннинг жаннатмакон боғлари, оқ олтин етишириладиган тупроғи, беҳисоб бойликлари эмас экани ўқувчилар назаридан қочирилмаслиги аҳамиятлидир.

Шоир қўйилган бу саволга ўқувчилар матндан жавоб қидиришлари керак. Шунда у савол ўқувчининг ҳам саволига айланади. У ҳам ўз қалбини безовта қилаётган Ватанга мұхабbat туйғусини ҳис қиласди ва бу туйғунинг сабабини ўйлади.

Ватан тупроғи мавзусига шоир нима учун қайта мурожаат қиляпти? Асар қаҳрамони нега ватанды қадрли бўлган бошқа нарсаларни эмас, айнан тупроқни ўпяпти? Ахир ўзи айтапти-ку: “*Аслида тупроқни одил табиат Тақсим айлаган-ку ер юзига тенг*” деб. Шеърдаги: “Нечун бу тупроқ деб йиглади Фурқат, О, Қашқар тупроги, қашшоқмидинг сен?!?” мисралари алоҳида таҳлилга тортилади. Унда Фурқат шахсига, унинг “бу тупроқ деб” йиглаганига, Қашқар аталмиш юрт ва унинг тупориға ўқитувчи алоҳида шарҳ бериб ўтиши керак бўлади. Шоир Фурқат нега шу тупроқ деб йиглади экан? Шу масалаларга ўқувчиларнинг эътиборини жалб қилиш, фикрини билиш ва уни матн мазмунига таянган ҳолда асослашга эришиш катта аҳамиятга эга.

Сўнг савол яна такрорланади. Ўқувчининг бутун диққат эътибори яна асл мавзуга қайтади. Ватан меҳрининг, унга бўлган буюк мұхабbatнинг сабабини қидира бошлайди. Ўқитувчи ўқувчининг диққат-эътиборини:

*Шоирона, гўзал сўзлардан олдин
Мен таъзим қиласман она халқимга.
Халқим, тарих ҳукми сени агарда
Мангу музликларга элтган бўлсайди,*

*Корликларни макон этган бўлсайдинг,
Меҳрим бермасмидим ўша музларга.*

мисраларига қаратади. Мисралар алоҳида-алоҳида шарҳланади. Қўйилган қатор саволларга берилган жавобдан Ватан дея аталмиш маконнинг муқаддаслиги, ягоналиги халқ билан боғлиқ экани маълум бўлади. Муаллиф қўйган саволга қониқарли жавоб топилди. Ўкувчи кўнглидаги безовталик босилди, лекин шеър ҳали тугагани йўқ. Бу ёғига яна шоир нима демокчи? Шунда шеърнинг сўнгги мисраларига эътибор қаратиласди:

*Юртим, сени фақат бойликларинг-чун
Севган фарзанд бўлса, кечирма асло!*

Ўзбекистон худудида яшаётган, туғилиб ўсаётган ўзга миллат боласи ҳам шу юртнинг фарзанди. Унинг бағрида вояга етди. Уни камолот сари етаклаётган шу юрг, у билан бир тану жон бўлган халқ. Демак, шу Ватан олдидаги, халқ олдидаги муқаддас фарзандлик бурчи, туйғуси шоир айтган масъулиятни ҳамиша ҳис қилиб туришни талаб этади. Бу масъулликни ўқитувчи ўқувчиларнинг қалбига шундай жойлаштириши керакки, бу туйғу ўқувчини эртаю кеч безовта қилиб турсин. Ҳар бир хатти-ҳаракатини, ҳар бир қилган ишини назорат қилиб турсин. Ана унда ноўзбек тиллардаги мактабларда ўзбек адабиёти ўқитиш ўз вазифасини тўлалигича уddaлаган бўлади.

Асар матни устида ишлаш жараённида ўқитувчи ўқувчиларининг имкониятларидан келиб чиқиб қуидаги саволларни ҳам ўртага ташлаши мумкин:

1. “Мен нечун севаман Ўзбекистонни?” саволини муаллиф нега матн ичida ҳам қайта-қайта такрорляяпти деб ўйлайсиз?

2. Қўйилган саволга берилган турлича жавоблар шоирни нега қаноатлантирмаяпти деб ўйлайсиз?

3. Фурқатнинг шу тупроқни деб йиғлашига муносабатингизни билдиринг.

4. Бутун умр ватан тупроғига интилиб яшаган яна бошқа кишиларнинг номларини айта оласизми?

5. Адидни қаноатлантирувчи жавобни матндан топиб ўқинг.

6. Берилган жавоб сизни ҳам қониқтирдими?

Фикрингизни ўз сўзларингиз билан асослашга уриниб кўринг.

7. Адибнинг шеър сўнгидаги хитобига муносабат билдиринг.

Фарҳод ва Хисрав мунозарасини ўргатиши

(Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”

достонидан парча)

“Мажсун, гумраҳ, огоҳ бўлмоқ, пеша, фасона, нишона, маҳрум, пайваст, жсоҳ, нўши лаб, лаъли ёди, чок, бебок, зиён, наф, жуз, истигфор, балошур, илтифот, сифот, туттмон, орзуманд, ишқ тарки, шева, кинакаш, ширкат андеши, кишивар, мултамас, мақсад, ишқ аҳли” сингари сўзларга луғат берилади. Луғат устида ишлагандა адабий қаҳрамонларнинг шахслик сифатларини очиб берувчи, уларнинг рухиятини ифодаловчи, қалбидағи муҳаббат туйғусини кашф этиб турувчи сўзларга кўпроқ эътибор қаратилади. Ўтган дарсларда Навоий шахси, “Хамса” ва ундаги “Фарҳод ва Ширин” достонининг мазмуни, достондаги тимсоллар ҳақида ўқувчилар маълумот олганлар. Шунинг учун достон ҳақида кўп гапирилмай, Фарҳод ва Хисравнинг мунозараси ўқиб эшигтириллади. Ўқиш жараёнида икки тимсолнинг саволлари ва жавоблари оҳангি орқали ҳам уларнинг шахсини оча бориш лозимлиги ўқитувчининг дикқат марказида туриши керак.

Деди: қайдин сен, эй мажнуни гумраҳ?

Деди: мажнун ватандин қайда огаҳ?

Деди: недур санга оламда пеша?

Деди: ишқ ичра мажнунлиқ ҳамеша.

Деди: бу ишдин ўлмас касб рўзи.

Деди: касб ўлса басдур ишқ сўзи.

Деди: ишқ ўтидин де фасона!

Деди: куймай киши топмас нишона!

Дедиким: куймакингни айла маълум!

Деди: андин эрур жоҳ аҳли маҳрум!

Деди: қай ҷоғдин ўлдинг ишқ аро маст?
Деди: рух эрмас эрди танға пайваст.

Деди: бу ишдин инкор қилғил!
Деди: бу сўздин истиғфор қилғил!

Деди: ошиққа не иш кўп қилур зўр?
Деди: фурқат куни ишқи балошур.

Деди: ишқ аҳлининг недур ҳаёти?
Деди: васл ичра жонон илтифоти.

Деди: дилбарингнинг де сифотин!
Деди: тил ғайратидин тутмон отин.

Деди: ишқиға кўнглунг ўрунтур?
Деди: кўнглумда жондек ёшурунтур.

Деди: васлига борсен орзуманд?
Деди: бормен хаёли бирла хурсанд.

Деди: нўши лабидин топқай эл баҳр?
Деди: ул нўшдин эл қисмидур заҳр.

Деди: жонингни олса лаъли ёди?
Деди: ушбудир жоним муроди.

Деди: кўксунгни гар чок этса бебок?
Деди: кўнглим тутай ҳам айла деб чок.

Деди: ишқдин йўқ жуз зиён буд.
Деди: бу келди савдо аҳлига суд.

Деди: бу ишқ тарки яхшироқдур,
Деди: бу шева ошиқдин йироқдур.

Деди: ол ганжу қўй меҳрин ниҳоний!

Деди: туфроққа бермон кимёни.

Деди: жонингға ҳижрон кинакашдур.

Деди: чун бор васл уммиди хушдур.

Деди: шахға бўлма ширкат андеш!

Деди: ишқ ичра тенгдур шоҳу дарвеш!

Деди: жонингга бу ишдин алам бор.

Деди: ишқ ичра жондин кимға ғам бор?

Деди: кишвар берай, кеч бу ҳавасдин!

Деди: бечора, кеч бу мултамасдин!

Деди: ишқ ичра қатлинг ҳукм эткум.

Деди: ишқида мақсудумға еткум.

Деди: бу ишқда йўқ сендин йироқ қатл.

Деди: бу сўзларингдин яхшироқ қатл.

Фарҳод билан Хисрав мунозарасини ҳозирги ўзбек тилига тахминан қуидагича тадбил этиш мумкин:

Деди: эй, йўлдан адашган жинни, қаердансан?

Деди: жинни ватани қаердалигини қайдан билсин?

Деди: касбинг нима, нима билан тириксан?

Деди: касбим – ҳамиша муҳаббат ўтида ёнмоқ.

Деди: бу касб билан одамнинг куни ўтмайди,

Деди: ишқнинг ўзи касб. Менга шу сўз етади.

Деди: ишқ ўти ҳақида менга гапириб бер,

Деди: ўзи ишқ ўтида ёнмаган киши уни тушунмайди.

Деди: бу ўтда қандай куйганингни айтиб бер,

Деди: ундан фойда аҳли маҳрумдир.

Деди: ишқ аро мастилиқ сенда қачондан бошланди?

Деди: ҳали рухим танамга кирмай унга йўлиқдим.

Деди: бу ишни инкор қил, йўлингдан қайт.

Деди: сен бу гапни тавба деб айт.

Деди: ошиқ учун энг оғир жазо нимадур?

Деди: ишқда бало келтирувчи энг оғир жазо айрилиқдир.

Деди: ошиқнинг ҳаёти қандай кечади?

Деди: жонон висолини кутиш билан.

Деди: дилбаринг гўзал сифатларини сўйла,

Деди: тил отини чоптирганим маъқул.

Деди: ёр ишқи кўнглингдан жой олганми?

Деди: кўнглимда жондек яширинган.

Деди: уни кўришни орзу қиласанми?

Деди: унинг хаёли билан хурсандман.

Деди: ёрнинг лабларидан эл баҳра олса не дейсан?

Деди: ундан баҳраланувчининг насибаси заҳардир.

Деди: лабларининг ёди жонингни олса-чи?

Деди: жонимнинг мақсади ҳам худди шу.

Деди: кўксингни аёвсиз пораласа-чи?

Деди: кўнглимни ҳам парчала деб тутаман.

Деди: ишқдин заардан бошқа нарса йўқ,

Деди: фақат фойдани савдо ахли ўйлади.

Деди: ишқдан воз кечган яхшироқдир,

Деди: бу сўз ошиқлардан йироқдир.

Деди: бойлик олда ишқингдан кеч.

Деди: олтинни тупроққа алишарми ҳеч?

Деди: хижрон жонингга жафо қиласди,
Деди: висол умиди энг ёқимли туйғудир.

Деди: шоҳ билан тенглашишни ўйлама,
Деди: ишқ аро шоҳ билан дарвеш тенгдир.

Деди: бу ишқдан жонингга алам етади,
Деди: ошиқ жоннинг ғамини емайди.

Деди: мамлакат берай, кеч бу ҳавасдан,
Деди: эй шўрлик, ўзинг кеч бу илтимосдан.

Деди: ишқ сабаб ўлимга ҳукм этаман,
Деди: ишқимда мақсадимга етаман.

Деди: бу ишқда ўлим сендан узоқ эмас,
Деди: сенинг сўзларингдан қатл яхшироқ.

Матн ўқилгандан сўнг луғат ва мунозаранинг табдили ёрдамида ўқувчилар билан унинг мазмуни устида ишланади. Ҳар бир маснавий ўқитувчи томонидан ўқилиб, ўқувчилар билан бирга шарҳланади. Матннинг мураккаб жойлари ўқувчиларнинг она тилига таржима қилиниши мумкин. Иш жараёнида асосий эътибор Фарҳод шахсиятига хос инсоний сифатларнинг англаб етилишига қаратилади. Унинг характеристига хос бўлган мардлик, фидойилик, вафодорлик, ўзгани англаш, меҳрибонлик каби хислатлар баён қилинган мисраларга алоҳида тўхталинади. Ошиқ Фарҳоднинг табиатини очиб берадиган мисралар қайта ўқилиб, унда қаҳрамон табиатидаги эзгу хислатлар қай тарзда намоён бўлишини тушуниб олишга ҳаракат қилинади. Навоий назаридаги чин ошиқ ва комил шахс табиатига хос жиҳатлар ўқувчилар томонидан имкон қадар англаб етилишига интилинади.

Матндан Навоийнинг муҳаббатдек олий туйгуга муносабати ҳам болаларнинг эътиборида туриши мақсадга мувофиқ бўлади. Муҳаббат эрмак эмас, у инсон қалбининг энг нозик ва муқаддас мулки эканлигини, чин севги буюк қалб эгаларигагина насиб этиши, ундайлар эса комиллик

сари интилувчи одамлар эканлиги ҳар бир ўқувчи томонидан англаб етилиши мақсадга мувофиқдир.

Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш учун ўқувчиларга қуийдаги савол ва топшириқларни бериш мумкин:

1. Фарҳодга хос бўлган қандай фазилатлар замонамиз йигитларида мужассам бўлишини истар эдингиз?

2. Мунозарадан Хисрав характерини очиб берувчи сатрларни топиб ўқинг. Хисрав тимсолига муносабат билдиринг.

3. Мунозарадан мухаббатни улуғловчи мисраларни ажратиб ўқиб беринг ва ўз тушунчангизни билдиринг.

4. Матндан ошиқ Фарҳод табиатини очиб берувчи мисраларни топиб ўқинг. Фарҳод тимсолига муносабат билдиринг.

5. “Дедиким: ишқ ўтидин де фасона! Деди: куймай киши топмас нишона” мисраларини ўз сўзларинингиз билан шарҳлаб беринг.

6. “Дедиким: ишқига кўнглунг ўрундор? Деди: кўнглумда жондек ёшурундор” мисраларини сиз қандай шарҳлайсиз?

Бобур рубоийларини ўрганиш

“Қарор, ихтиёр, зулф, паришон, асру, тарк этмоқ, ҳижрон, маҳжур, битдим” каби архаикроқ сўзларга луғат берилади. Ўқувчилар ўзлари учун янги бўлган, ўрганиладиган матнда дуч келадиган сўзлар устида ишлашади. Матнда юзлашишдан олдин сўзнинг маъносини билиш мақсадга мувофиқдир.

Кўпдин бериким ёру диёrim йўқтур,
Бир лаҳзаву бир нафас қарорим йўқтур.
Келдим бу сари ўз ихтиёрим бирла,
Лек борурумда ихтиёрим йўқтур.

Рубоий аввал ўқитувчи томонидан ифодали ўқиб берилади. Сўнг асар мазмунини шарҳлаб ўрганиш амалга оширилади. Асарни шарҳлаш жараённада ўқувчилар фаол қатнашишлари керак бўлади. Луғат ёрдамида асарни шарҳлаётган ўқувчиларга лозим ўринларда ўқитувчи кўмакка келади, йўналиш бериб туради.

Бобур бу рубоийсини она юрти Туркистондан чиқиб кетганидан кейин ёзган. Унда ватан меҳри, соғинчи шоирнинг ҳаловати, оромини олгани, подшоҳ бўлишига

қарамай, бу соғинчни қондириш, ташналиктин босиши унинг ихтиёрида эмаслиги, ўз ихтиёри билан келган бегона ерлардан ватанга қайтишни қанчалар истамасин, бунинг иложи йўқлигини дард билан ёзган. Тахлил давомида “Келдим бу сори ўз ихтиёрим бирла” мисрасини қандай тушундингиз? Нега Бобурнинг ихтиёри ўзида эмас? Нега юртига қайтиб кетолмайди?” каби саволлар ёрдамида ўқувчиликнинг руноий муаллифи шахсини англашига кўмаклашилади.

Сўнгра ўқитувчи руноий мазмунига, унда сўзларнинг мусиқий оҳангига ўқувчилар эътиборини қаратади.

Бобурнинг бошқа бир руноийси ишқий йўналишда. Аввал руноий ифодали ўқиб берилади, кейин луғат ёрдамида асар мазмуни шарҳланади.

*Бир зулфдин, эй кўнгул, паришон бўлма,
Бир юзга ҳам асрุ зору ҳайрон бўлма.
Мен сенга демонки, тарки ишқ эт, лекин,
Андоқ қилким, сўнгра пушаймон бўлма.*

Руноийда шоир ўзига, ўз кўнглига мурожаат қилиш билан бирга ўзгаларга, яъни ўқувчиларига ҳам ишқ йўлида адашмасликни эслатади. Ёрнинг гўзал жамолини кўриб, унга маҳлиё бўлиб эс-хушингни йўқотма. Ёр зулфига, унинг назокатига асир бўлиб, ўзингни унутма. Мен сенга тарки ишқ эт, севма демайман. Сев, лекин шундоқ севки, ўз қилмишингдан кейинчалик пушаймон бўлиб, азобланиб юрма. Руноийни луғат ёрдамида шарҳлаш ўқувчилар томонидан амалга оширилгани маъқул. Ўқитувчи уларни бошқариб, лозим ўринларда тўлдириб борса, тузук. Ўқувчилар эътибори сўзнинг руноийдаги оҳангдорлиги ва ундаги насиҳат руҳига жалб қилинади.

Кейинги руноий жавобли севги илинжида суйгулисига хат ёзаётган шахс кайфияти ифодаси сифатида яратилган:

*Ҳижрон аро ёд этиб мени шод айла,
Маҳжур кўнгулни ғамдин озод айла.
Бу хатни анинг учун битидим мунда,
Кўрган сари хатимни, мени ёд айла.*

Шоир маъшуқадан айрилиқ кунларида ҳамиша ўзини ёд айлаб, шод этишни ўтинаиди. Айрилиқ дардида азобланаётган кўнгилни ғамдан кутқаришни ўтинаиди. Мен

сенга бу битик (хат)ни шунинг учун ёзяпманки, хатимни кўрганинг сари мени ёд эт. Ўқувчилар маъшуқасининг хайриҳоҳлигига умид қилган ошиқ ҳолати рубоийда қандай акс этганига эътибор қилсалар, мақсадга мувофиқ бўлади.

Дарсни мустаҳкамлаш қуидаги саволлар ёрдамида амалга оширилса, самарали бўлади:

1. Бобур рубоийларининг қайси жиҳатлари сизга маъқул бўлди?

2. Рубоийларнинг таъсир кучи нимада деб ўйлайсиз?

3. Шоирнинг қайси рубоийсида унинг ички дарди ифодаланган?

4. Рубоийлардан олган таассуротларингизни гапириб беринг.

5. Бобурнинг ишқ борасидаги маслаҳатларига сиз қандай қарайсиз?

Нодиранинг “Эй сабо...”ғазалини ўрганиш

“Сабо, рози дил, дардлиг кўнгил, дилдор, ҳажср, можаро, рухсор, савдои Зулайҳо, лутф этмоқ, талхком этди, заҳри фироқ, ёшурин, лаъли шакар бор, ошуфтани зор, ҳумоюн, толиъу фархунда атвор” сингари сўз ва сўз бирикмаларининг луғати берилиб, ғазал матни билан танишишдан олдин уларнинг маъноси тушунтирилади. Луғат устида ишлаш фақат сўзлар маъносини англаш ва эслаб қолишдан иборат бўлмаслиги учун унда лирик қаҳрамоннинг шахси, руҳияти акс этган ўринларга алоҳида эътибор қаратилиади. Афсонавий Зулайҳо тимсолининг моҳияти тушунтирилади. Муҳаббат дарди, унинг лаззатию азоблари акс этган сўзлар устида маҳсус ишланади.

Луғат ёрдамида ўқувчилар билан асар шарҳи устида иш бошлишдан олдин ғазал асосида қуйланиб, магнитофон тасмасига ёзилган қўшиқ эшииттирилади. Сўнг байтмабайт шарҳланади. Бунга ўқувчилар ҳам жалб этилади. Байт мазмунини ўқувчилар айрим ўринларда ўз она тилида айтсалар ҳам зарари йўқ. Уларнинг жавобини ўқитувчи тўлдириб, тузатиб боради. Ғазални ўқиши маҳсус тайёргарликни талаб қилгани учун ҳам, ноўзбек тиллардаги мактаблар учун тузилган “Ўзбек адабиёти” дарсликларида ғазалларнинг парадигмаси ҳам берилгани маъқул. Шунда

Ғазал оҳангини топиш, унинг йўналишини белгилаш ва куйга солиб ўқиш енгилроқ кечади.

Ғазал парадигмаси ва матни

I руҳи	II руҳи	III руҳи	IV руҳи
фо-и-ло-тун	фо-и-ло-тун	фо-и-ло-тун	фо-и-лун

Эй-са-бо-ро зи-ди-лим-ни бе-ха-бар-ё рим-ға-айт,
Дар-д-лиғ-кўнг лим-ни-аҳ-во ли-ни-дил-до рим-ға-айт

Ҳаж-р-дар-ди дин-ю-рак-да қол-ди-доғ-ус ти-да-доғ,
Шар-хэ-тиб-бу мо-жа-ро-ни ло-ла-рух-со рим-ға-айт.

Фур-қат-ич-ра туш-ти-сав-до йи-Зу-лай-ҳо бо-ши-ма,
Хим-ма-ти-Ю суф-ба-ҳо-топ ти-ха-ри-до рим-ға-айт.

Лут-фэ-тиб-сўр са-ме-ни-ҳо лим-дин-ул-но мөх-ри-бон,
Үл-ди-хиж-ро нинг-да-деб-ё ри-ва-фо-до рим-ға-айт.

Сен-дин-ай-ру тал-х-ком-эт ди-де-бон-зах ри-фи-роқ,
Ёшу-рун-дар дим-ни-ул-лаъ ли-ша-кар-бо рим-ға-айт.

Юз-са-лом-ай дим-на-бўл-ғай бир-йў-ли-ул ҳам-де-са,
Бул-са-ло-мим ни-ў-шал-о шуф-та-и-зо рим-ға-айт

Но-ди-ра-сен сиз-ти-рик-лик дин-на-ро-ҳат кўр-ди-деб
Ул-хумо-юн то-лиъ-у-фар хунда-ат-во рим-ға-айт

Ғазалнинг байтма-байт маъносини ўқувчилар билан бирга қўйидагича шарҳлаш мумкин: “Эй сабо, кўнглигининг сирларини улардан бехабар ёрга айт. Дардли кўнгил ҳолатини дилга ором бергувчи ёрга айтиб бер.

Айрилиқ дардида юрагимда доз-устига доз қолди, бу ҳолатни лола юзли ёримга шарҳлаб бер.

Айрилиқда Зулайҳонинг савдолари менинг ҳам бошимга тушибди. Мен бу қийинчиликларга бардош бердим, Юсуфнинг

ҳиммати, марҳамати ўз баҳосини топганини харидорим, яъни ёримга айт. (Шу ўринда Юсуф ва Зулайҳо афсонаси ҳақида тушунча берилади).

У номеҳрибон ёр илтифот кўрсатиб, менинг аҳволимни сўраса, айрилиқ дардидан ўлар ҳолатга келганимни вафодор ёримга айт.

Лаби шакар ёёдирувчи санамга айрилиқ заҳри ҳаётимни аччиқ қилганини, яширин дард ич-этимни кемираётганини айт.

Мен юзлаб саломлар йўлладим, не қиларди ул ҳам илтифот этиб бир бор мени йўқласа, бу саломимни мени унутаёзган ўшал паришионхотир ёрга айт.

Нодира тирикликда нима роҳат кўрди деб, толеи баланд, иқболи порлоқ, саодатли кишига айт”.

Мумтоз шоирлар ўз асарларида инсон қалбидаги муҳаббат туйғусини чуқурлаштириб, илоҳий муҳаббат билан боғлаганликлари ҳақида тушунча берилади. Айрим асарларда маъшуқа тимсолида Аллоҳни тасаввур этгандар, унга муҳаббат ва садоқат изҳор этгандар. Уни улуғлаганлар, жамолига интилгандар. Нодира ғазалларидаги ишқ ва садоқат изҳори ҳам муаллифнинг Яратувчига чексиз севгиси ифодаси бўлиши мумкинлиги ўқувчиларга тушунтирилади.

Янги мавзуни мустаҳкамлашга доир қуидаги саволлар берилса, мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Ғазал қаҳрамонининг садоқати акс этган сўз ва ибораларни ажратиб ўқиб беринг.

2. Ошиқ ўз маъшуқасини қандай сўзлар билан улуғлаганини матндан топинг.

3. Шоира нима учун кўнгил дардини маъшуқага ўзи айта қолмай, уни сабодан сўрайти?

4. Лирик қаҳрамон ўз муҳаббатини, садоқатини юқори баҳолаган байтни топиб ўқинг ва таҳлил қилинг.

5. Маъшуқа тимсолида адаб яна кимни таърифлаган бўлиши мумкин?

Уйга вазифа берганда қуидагиларни назарда тутиш мақсадга мувофиқ бўларди:

- луғат ёрдамида ғазални мустақил шарҳлашга тайёрланиш;

- ғазални шарҳлашда ёр тимсолини Аллоҳ, Яратувчи

тимсоли билан алмаштириб күриш ва шундай шарҳлашга тайёрланиш;

- фикр-мулоҳазаларни қофозга тушуриш.

Чўлпоннинг “Гўзал” шеърини ўрганиш

Таълим-тарбия ишлари қозок, қорақалпок, қирғиз, туркман ва рус тилларида олиб бориладиган мактабларда Чўлпон ижодидан намуналар ўрганишга ажратилган дарснинг *тарбиявий мақсадини*: шоирнинг “Гўзал” шеъри мисолида гўзаллик қошида ҳайратда қолган ошиқ руҳияти таҳлили асносида инсонни англаш ҳиссини тарбиялаш; *таълимий мақсадини* эса: шеър мазмуни билан таништириш, адабнинг гўзални таърифлашдаги маҳоратини тушуниш, инсон руҳий кечинмалари, ошиқ изтироблари билан табиат ҳодисалари муносабати тасвирини англаб етиш тарзида белгилаш мумкин. Шоир портрети ва асарлари тўплами дарснинг кўргазмали материали сифатида тавсия этилади.

Таълим-тарбия ишлари бошқатилларда олиб бориладиган мактабларнинг 8-синфида XX аср ўзбек шеъриятининг энг забардаст вакилларидан бири Чўлпоннинг шоҳасари “Гўзал” шеърини ўрганиш учун дастурда бир соат ажратилган.

Ўқитувчи 8-синфда Чўлпон шеърларини ўрганишга ажратилган дарсда ўқувчиларга шоирнинг ҳаёт йўли ҳақида дарсликда бўлмаган маълумотлар берса, болаларнинг шоир ҳақидаги тасаввурлари тиниқлашиб, муаллиф билан шеърхон орасидаги масофа қисқаради. Чўлпон ҳаётининг босқичлари, унинг шахсияти драмасининг ўзи ҳам худди гўзал асарлари сингари ўқувчиларда юксак ахлоқий сифатларни шакллантиришга хизмат қиласди. Ўқитувчи Чўлпоннинг ҳаётига доир далилларни О.Шарафиддиновнинг “Чўлпонни англаш” номли рисоласи, Н.Каримовнинг “Чўлпон” номли маърифий романи, Б.Рўзимуҳаммаднинг “Чўлпон – тонг юлдузи демак” сингари тадқиқотларидан олиши мумкин. Масалан, шоирнинг болалик йиллари ҳақида ўқувчилар тасаввурларини тиниқлаштириш мақсадида қўйидаги хотираларни келтириш мумкин: “*Абдулҳамид олти-етти ёшидаёқ савод чиқариб, саккиз-тўққиз ёшида андижонлик Миркомил бойнинг зиқналигини танқид қилиб, газетага мақола ёзган, мақола газетада босилгач, кимдир Миркомил бойга мақолани Сулаймон бazzознинг*

ўғли Абдулҳамид ёзганини айтган экан. Бой даргазаб бўлиб Сулаймон бazzозни чақирибди. У ёлгиз ўғли борлигини, тўйқиз ёшда эканини, аммо ҳали мактаб кўрмаганини айтибди. Ишонмаса, эртага дўкондан қайтишида кирса, ўғлини кўрсатишини айтиб, бойнинг олдидан аранг қутулиб чиқибди. Эртаси куни Миркомил бой маҳалладан ўтаётганда бошиланг, оёқяланг бўлиб, кўчада варрак учирив юрган болакайнни кўриб газабидан тушган экан”.

Ўқитувчи ўқувчиларни шоир шахсиятига доир шу каби маълумотлар билан таништиргач, “Гўзал” шеърини ёддан айтиб бериши керак. Сўнгра қуйидаги луғатга таяниб, шеър матнидаги нотаниш сўзлар устида иш олиб борилади. Лозим топилган сўзлар ўқувчиларнинг она тилига ҳам таржима қилиниб берилиши мумкин:

сўймоқ – севмоқ –

йўқсил – бечора, камбағал –

улда – у ҳам –

сўрмоқ – сўрамоқ –

оққа кўмилган – оқ либосга ўралган –

йўлдан озмоқ – йўлдан адашмоқ –

Луғат устида ишлангандан сўнг иккинчи марта ифодали ўқилган “Гўзал” шеъри ўқувчиларнинг туйғуларига бевосита тегиб кетиши табиий. Очик айтиш керак, шеъриятнинг чинакам намуналарини ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўрганувчилар билан таҳлил қилиш осон эмас. Чунки лирикада одамзот тил билан ифодалай олмайдиган туйғулар, рухий ҳолатлар акс этади. Бундай ҳолатни оддий сўз билан ифодалаш, яъни уни жўнлаштириш шеър жозибасини йўққа чиқариши мумкин. Шеърнинг насрый баёни берилганда гўзаллик ғойиб бўлади, унинг таъсир кучи йўқолади. Қайси тилда бўлишидан қатъи назар, хозиргина тингловчини ларзага солиб турган сехрли мисралар қуруқ сўзлар тизимига айланиб қолади.

Агар ўқитувчи ўз ўкиши билан шеърнинг жозибасини ўқувчилар қалбига етказа олган бўлса, уни таҳлил этишга дастлабки қадам тўғри қўйилган бўлади. Асар устида ишлашга киришишдан олдин ўқитувчи унинг мазмуни билан боғлиқ қуйидаги савол-топшириклар устида ўзи ўйлаб кўриши мақсаддага мувофиқ бўлади:

1. Юлдуз билан ойнинг гўзални ўнгларида эмас, тушларида кўришига сабаб нима деб ўйлайсиз?

2. Шамол гўзални қай ҳолатда учратганини матндан қайта ўқинг. У гўзални қаерда, қандай ҳолатда кўриши мумкин деб ўйлайсиз?

3. Сизнингча, нега юлдуз билан ой гўзални тушида кўришган-у, шамол ўнгидан кўрган? Бунга бирор асос борми?

4. “Мен суйиб, мен суйиб кимни суйибмен?” мисрасидаги такрорнинг таъсир кучи ҳақида ўйлаб кўриб, фикр айтинг.

5. Шеърдаги гўзал образини ким деб ўйлайсиз? Одам тимсолими, озодлик рамзими, баҳтми, ватанми?

Шу савол-топшириқлар асосида ўзи асарни таҳлил қилиб олган ўқитувчи улардан дарсда ўқувчиларининг имкониятларига қараб фойдаланиши мумкин.

Чўлпон асарларини таҳлил этишда қиссадан ҳисса чиқаришга шошилмаслик керак. Бу хилдаги асарларда руҳий манзара чизилади, инсон ҳиссиётининг лаҳзалик тўлғонишилари кўрсатилади. Шу боисдан ҳам лирик асарларни “шоир мана бундай демоқчи”, “ана ундай хулоса чиқаряпти” тарзида таҳлил қилиш уни йўққа чиқариш билан тенгдир. Бу хил асарларнинг жозиба манбасини топиш, туйғуларини безовта қилган, уларни мувозанатдан чиқарган нуқталарни ажратса билиш ўқувчилар олдидағи асосий вазифадир. Бадиий асарлар қатига беркитилган бундай ҳақиқатларни ўқувчиларнинг ўзлари топишлари мактаб адабий таълимининг бош мақсадига мувофиқ келади.

“Гўзал”да Чўлпон табиатнинг ҳам дилбар шеърий манзарасини яратган. Шоир инсон руҳиятидаги ўзгача ҳолатларни табиат билан мутаносиблиқда тасвирилашга ҳаракат қилган. Асар қаҳрамони ошиқнинг ҳиссиётлари табиатга ҳам жон бағишилайди. Ошиқ табиатни дард билан, инсоний ишқ билан муనаввар қиласиди. Ошиқ ўзи излаётгани гўзални дастлаб “қоронгу кечада кўкка кўз тикиб, Энг ёруғ юлдуздан...” сўрайди. Ўқитувчи таҳлилнинг бошиданоқ ўқувчиларни ошиқ туйғулари оламига яқинлаштириши даркор. Нега ошиқ гўзални тунда излай бошлади? Нима учун маъшуқасини “энг ёруғ юлдуздан” сўради? Бу юлдуз гўзални “тушда кўр”ишининг боиси нима? Ўқувчилар шу саволларга жавоб топиш учун шеър матнига таяниб бош

қотирсалар, асар жозибаси чуқурроқ очилади.

Ўқитувчи берган саволларга синфдаги ўқувчиларнинг ҳаммаси жавоб бериши шарт эмас. Ҳаммадан бирдай жавоб талаб қилиш методик жиҳатидан тўғри эмас. Мабодо, синфда саволларга умуман жавоб бўлмаса ҳам бундан фожиа ясамаслик керак. Ўқувчиларга берган саволига ўқитувчининг ўзи жавоб бериши ҳам нотўғри. Агар саволга жавоб бўлмаса, уни очиқ колдириш, бу ҳақда ўйлаб кўришни тавсия қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

8-синф ўқувчисига маълумки, чинакам ошиққа уйку – ҳаром. Қалбига ишқ ошён қурмаганлар, ҳақиқатни билишини истамаганлар учун уйку – мақсад. Ишққа гирифтор бўлганларга, ҳақиқатни, ҳақни танимоқчи бўлганларга эса уйку – ҳаром. Шу боис “Гўзал”нинг қаҳрамони ошиқ – бедор. Бедор одам, қалбига ишқ ошён қурган дардманд ошиқ ўзига дардкаш излаши табиий. Лекин бу хилдаги ўта интим туйғуларни бошқа бирор билан ўртоқлашиб бўлмайди. Шу сабаб лирик қаҳрамоннинг уйқусиз тунда осмон жисмларига, энг ёруғ, энг яқин юлдузга мурожаат этиши, ундан ёрини сўраши ишонарли. Энди ўқувчилар юлдуз не учун гўзални ўнгидамас, тушида кўргани ҳақида ўйлаб кўришлари керак. Ўқитувчи буни ўқувчиларга қўшимча савол тарзида ўртага ташлайди. Маълумки, иболи, ҳаёли маъшуқа бемаҳал кўча кезмайди. Юлдузлар ва Ой кечаси “сайр”га чиқади. Шу боис улар ошиқнинг маъшуқасини кўролмайдилар ва таърифини эшитадилар, эшитганлари асносида гўзални тушларида кўришлари мумкин, холос. Ўқувчилар бу ҳақиқатларни ўзлари кашф этишлари керак.

Юлдуз, ой, шамол, кун ёрдамида ошиқ қалбидаги ишқ ўти алангасининг нечоғли баландлиги, хижрон азобининг қанчалар оғирлиги очилди. Шеърнинг сўнгги банди тўлиғича ошиқ руҳий ҳолати, кайфияти ифодасидан иборат. Ҳажр йўлида ўртанаётган ошиқ маъшуқасидан оғринмайди, уни ёмон кўрмайди. Ошиқ ишқнинг ўзидан масрур, дард чекиш баҳтидан кувончда. Шу боис “бошини зўр ишга бериб” қўйганидан пушаймон эмас. Дарс сўнгига ўқувчиларга “Гўзал” шеърини ёдлаб келиш топширилади.

Абдулла Ориповнинг “Оиажон” шеърини ўрганиш

Маълумки, бугунги кунда таълим-тарбия ишлари рус тилида олиб бориладиган мактаблар ўқувчиларининг камидаги саксон фоизи ўзбек миллагига мансуб ўқувчилардир. Бу, албатта, фуқароларнинг шахсий қараашларидан келиб чиққан вазият ва бунга эътиroz билдириш ҳам тўғри эмас. Шу маънода, рус мактабларида таълим-тарбия олаётган ўзбек миллатига мансуб ўқувчилар “Родной язык”, “Rodnaya rech’” ва “Литература” дарсларида рус тили ва адабиётини, гарчи уларнинг она тили ўзбек тили бўлса-да, мукаммал ўрганадилар. Ўз она тиллари бўлган ўзбек тилини эса иккинчи тил сифатида ўзлаштирадилар. Бу таълим-тарбия ишлари рус тилида олиб бориладиган мактаб бўлгани учун табиий ҳол, албатта. Лекин шу нарса ҳақиқатки, улар ўз адабиётини, миллатнинг руҳини англатадиган бадиий сўзни ўрганишдан маҳрум бўлиб шаклланяптилар ва улар табиатида ўзга миллатга мансуб рух устунлик қилиб қояпти.

Тўғри, тил билиш ҳар бир инсон маънавий камолотининг бир жиҳати, лекин ўз она тилида иккинчи тилда гапиргандек муомала қилишни маънавий қашшоқликнинг белгиси, дейиш мумкин. Бунга нафақат ўқувчи, балки “Ўзбек тили” дарсликларида адабий материалларнинг дастурда тайин этилганидек берилмагани, ўзбек тили ўқитувчиларининг мутахассис эмаслигини ҳам сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Дарслик материаллари билан боғлиқ камчиликларни бартараф этишмумкиндири, муаллифлар дарсликларни дастур асосида қайта ёзсалар, кифоя. Лекин адабий материални ҳам бадиий адабиёт сифатида ўтишни билмасликлари ёки боридан ҳам грамматик мавзуни мустаҳкамлаш йўлида фойдаланишлари миллатнинг шаклланиб келаётган маълум бир бўлаги учун каттагина йўқотишидир.

Ўқитувчилардан мана шу ҳақиқатни англаш, ёш авлоднинг келажаги ёрқин бўлишига ҳисса қўшиш учун ўз устида ишлаш талаб қилинади. Чунки дастурда: “Ноўзбек мактабларнинг 8-синф ўқувчиларига ўзбек халқ руҳиятини, туйгуларини теранроқ англатишни мақсадида дастурда тақдим этилган ҳафталик соатнинг биттаси

ўзбек адабиётига ажратилади ва йиллик 68 соатнинг 34 соати адаблар ва уларнинг асарлари мазмунини ўрганишига режсалаштирилади” дейилган¹.

Таълим-тарбия ишлари қозок, қирғиз, туркман, қорақалпоқ, тожик ва рус тилларида олиб бориладиган мактабларда ўзбек адабиёти 8-синфдан бошлаб, гарчи ўзбек тили дарслиги замирида бўлса-да, алоҳида дарс шаклида 34 соат мобайнида ўқитилиши ўқитувчидан катта меҳнат ва масъулият талаб қиласди. Шу маънода 8-синф дастурида ўрганиш учун тавсия этилган, лекин дарслерларда тақдим этилмаган Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг “Онажон” шеърини ўрганиш хусусида куйидагилар ҳавола этилади.

Дарслерларда асар матни ҳам, шоир ҳақида биографик маълумот ҳам берилмагани учун шеър матни ва ундаги кийин сўзлар луғати тавсия этилади.

I

*Неча кунки йўқ оромим,
Келолмайман ҳушимга.
Онажоним кечалари
Кириб чиқар тушимга.
Қўлларида оқ елтигич
Ой нурида ялтирас.
Онажоним имлаб мени
Қошлирига чақирав.
Келтираплар гоҳо бешик
Кўзларида ҳаяжон.
Ётар пайтинг бўлди-ку дер,
Кела қол, дер болажон.
Қайларгадир югураман,
Фигонимдан чиқар дуд.
Йиглама, деб қўлларимга
Тутқазарлар сўнг тобут.
Тонгда руҳсиз кўз очаман,
Қовурилар танда жон.
Онажоним, бундай қилма,*

¹ Толипова Р. ва бошқалар. Таълим босқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун ўзбек (давлат) тили ўқув фанидан такомиллаштирилган дастур (4-, 8-синфлар). “Тил ва адабиёт таълими” журнали, 2008 йил, 8-сон.72-73-бетлар.

Бундай қилма, онажон.
Ахир ўзинг дер эдинг-ку,
Силаб ўксик бошимни:
—Энди сенга берсин умр,
Сенга берсин ёшиимни.
Афсус, ўзинг эрта кетдинг,
Эрта кетдинг оламдан.
Укаларим бағрим эзар,
Ажрадик деб онамдан.
Бевақт хазон бўлмай ҳар ким
Яшаб ўтсин дунёда.
Онајсоним, ҳар ким ошин
Ошаб ўтсин дунёда.
Гарчи фано ҳар кимсага
Азалий бир қисматдир.
Лекин она, тириклик ҳам
Билсанг, ярим ҳикматдир.
Тушларимда майли бошим
Силаб тургин, онајсон.
Қолганларга энди умр
Тилаб тургин, онајсон.

II

У кун четда оҳ чекардим
Ғуссаларнинг дастидан.
Сен отамга пул берибсан
Ёстигингнинг остидан.
Айтибсанки, онасизлик
Келмасин ҳеч ўйига.
Сарф қилингиз, менга эмас,
Абдулланинг тўйига.
О, ўглингга сен шафқатни
Билардинг-ку, онајсон.
Бундан кўра бағрим ўйсанг
Бўларди-ку, онајсон.
Заррагина раҳм этгали
Сабринг менга йўқмиди?
Онајсоним, бундан ўзга
Жабринг менга йўқмиди?

*Йүкмиди ҳеч ўзга гапинг, –
Нола қилиб сүйласанг.
Наҳот ахир сүнгги дам ҳам
Фарзандингни ўйласанг.
Ахир орзу қочиб кетмас,
Битказар-ку тириклар.
Онаажоним, бир кунини
Ўтказар-ку тириклар.
Унумилар гуссалар ҳам,
Орзулар ҳам чўзар бўй.
Онаажоним, балки бир кун
Айтганингдай бўлар тўй.
Балки сенинг қабринг узра
Кўкарганда гул, чечак,
Остонамга қадам қўяр,
Сен истаган келинчак.
Кимдир унинг йўлларига
Балки гул ҳам сочади.
Балки муnis опажоним
Кел, деб, қучоқ очади.
Балки дўстлар даврасида
Камим бўлмас ҳеч қачон.
Лекин сени ўша дамда
Қайдан топай, онаажон?*

III

*Эсимдадир, титрап эдим –
Гамгин, болии пастида.
Китобимни кўрдим ногоҳ
Бошгинангнинг остида.
Тошдай қотдим ўшал они
Бор тоқатдан айрилиб.
– Шоир ўглим, – дединг менга
Секингина қайрилиб.
Онаажоним, сўнг бор менга
Нафас қилдинг у замон.
Шоир бўлгин, дея балки
Ҳавас қилдинг у замон.
Онаажоним, балки мен ҳам*

Бир кун шавққа тұларман.
Балки мен ҳам айтганингдай
Бир кун шоир бұларман.
Күйлай десам ҳурматингни
Ушбу кунда тилем лол.
Балки факат шу сабабли
Шоир бұлсам эхтимол.
Балки сарсон-аросатда
Қолиб кетмас бу таним,
Камолимни құрар балким,
Юртим, она Ватаним.
Пайти келиб тұлар бир кун
Паймона ҳам беомон.
Кузатарлар мени ҳам сұнг
Сенга томон, сен томон.
Балки у кун бошим узра
Дүстлар бош ҳам әгадир.
Үша дамғи иқболим ҳам,
Она жоним, сенгадир.
Дилда неки журъатим бор,
Дилда неки ҳаяжон –
Бари, бари сенга бұлсин,
Сенга бұлсин, она жон.
Сенга бұлсин бор ҳаётим,
Номим, шоним бир йұла,
Хотирангга ушбу шеърни
Ёзді ўғлинг Абдулла.¹

Лұғат

Шеър устида ишлаш “ором, фано, елтигич, ўксик, қошларига, шавқ, гүссалар, журъат, фигон, тоқат, шон, беомон, аросат, хотира, иқбол, паймонаси тұлмоқ” каби ноўзбек ўқувчилар гратушунилиши оғирроқ бўлгансўзларнинг таржимасини амалға ошириш билан бошлангани маъкул. Ушбу лұғат дарстахта ёки ватманга ёзиб, осиб қўйилади. Уни ўқувчилар ёзиб олишлари ҳам, ёдлашлари ҳам шарт эмас. Бу лугат ўқувчига матн мазмунини англашга ёрдам

1 А. Орипов. Танланган асарлар. Тұрт жылдлик. Биринчи жылд. Т.: Ф. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. 106-бет.

беради, холос. У ўкувчининг лексик бойлиги захирасидан ўрин олиши ҳам шарт эмас. Сўзларнинг айримлари баъзи ўкувчиларнинг хотирасига ўрнашиб қолар, балки. Бу фақат ўкувчининг ютуғи. Буни ҳаммага бирдай ёйиш шарт эмас.

Асарни ўрганиш мақсадини: “Онажон” шеърида она ва ўғил тимсоллари мисолида ўкувчиларга фарзандлик муҳаббати ва бурчи туйгусини англатиш, уларга онани соғиниш ва қўмсашиб ҳиссини туйдириш” тарзида белгилаш мумкин.

Дастурда ушбу асарни ўрганиш учун уч соат ажратилган. Шеър матни ҳам уч банддан иборат. Шеърнинг ҳар бандини ўрганишни бир соатга режалаштирилса, дарс маълум яхлитлиқда ташкил этилиши тайин.

А.Орипов ижодини ўрганишга ажратилган уч соатнинг биринчиси “Онажон” шеърининг биринчи бандини ўрганишга бағишлиланади. Шеърни ўрганишнинг дастурдаги талқини: “Онажон” шеърида она ва ўғил тимсоли. Шеърда фарзандлик муҳаббати ва бурчининг моҳирона тасвири. Соғинч туйғуси ифодаси” шаклида ифода этилган. Ўқитувчидан асар матнига мана шу нуқтаи назардан ёндашиш талаб қилинади.

Аввал шеър ўқитувчининг ўзи томонидан ифодали қилиб (иложи бўлса, ёддан) ўқиб берилади. Сўнгра нотаниш сўзлар луғатидан фойдаланган ҳолда қайта ўқилади. Ўкувчилар шеърнинг умумий мазмунини англаш олишлари керак. Лекин зинҳор-базинҳор матн сўзма-сўз таржима қилинмайди. Қайси ўринларини ўкувчилар англамай қолсалар, тушунган ўкувчилар кўмагида, мазмун англашилади. Шундан кейин савол-топшириклар ёрдамида шеърнинг биринчи банди таҳлилига киришилади.

Асарнинг умумий матни юзасидан “Шеърнинг уч бўлакка бўлинини сабабларини аниқлашга уриниб кўринг. Ҳар бўлакнинг мазмунидан келиб чиқиб, унга сарлавҳа топинг” топшириғи берилганда, ўкувчилар мустақил фикр юритишга, матнга чукурроқ қарашга мажбур бўлишади. Шеърнинг ҳар қисми ўз йўналишига эга. Ҳар учала қисм алоҳида бошланиб, ўзига хос тарзда якунланади. Ўтинч оҳангি ҳукмронлик қилган биринчи қисмни “Туш” деб номлаш мумкин. Унинг иккинчи қисмida фарзандлик

бурчи, онасидан эрта айрилган ўғил изтироблари ва армони тасвиrlанади. Унга “Орзу ва армон” тарзида сарлавҳа қўйиш мумкин. Шеърнинг учинчи қисмида қачонлардир “Балки фақат шу сабабли Шоир бўлсан эҳтимол” дей ўйлаган, кейинчалик онасининг орзуларини ушалтирган, улуғ шоир, милий қаҳрамонга айланган, лекин онасини қўмсаб бўзлаётган фарзанд туйғулари тасвири етакчилик қиласди. Шу маънода шеърнинг бу қисмини “Софинч” деб номлаш мумкин.

Ўқувчиларга “Шоирни бу шеърни ёзишга унданаган туйғулар ҳақида матнга таяниб фикр юритинг” топширифи берилиб, мулоҳаза қилишга йўналиш бериш учун уларнинг эътибори:

*Неча кунки йўқ оромим,
Келолмайман ҳушимга.
Онажоним кечалари
Кириб чиқар тушимга.
Қўлларида оқ елтигич
Ой нурида ялтирас.
Онажоним имлаб мени
Қошлирига чақирап.
Келтираплар гоҳо бешик
Кўзларида ҳаяжон.
Ётар пайтинг бўлди-ку дер,
Кела қол, дер болажон.
Қайларгадир югураман,
Фигонимдан чиқар дуд.
Йиглама, деб қўлларимга
Тутқазарлар сўнг тобут*

мисраларига қаратилади. Бу мисраларни ўқувчилар ўзлари аникласалар, янайм мақсадга мувофиқ бўлади. Юқоридаги сатрларда лирик қаҳрамоннинг туши тасвиrlанган. Шундай буюк асарнинг яратилишига туртки бўлган бу туш ўқувчиларга қандай таъсир қилганига диққат қаратилиб, уларнинг фикри сўралади. “*Онажоним имлаб мени Қошлирига чақирап*” мисраси замирида қандай ҳавф яширинган деб ўйлайсиз?” саволи ҳам ўқувчиларни ўйлашга мажбур қиласди. Бу ҳолат билан боғлиқ халқ орасидаги гапларга тўхталинади.

Ўқувчиларга жавоб тополмаган саволлари юзасидан уйдаги катталар билан маслаҳатлашиб, ўйлаб кўриш топширилади. Бундай вазиятларда ўқитувчининг ёрдами – ўз фикрини айтиб бериши ўқувчиларни танбалларга айлантириб қўяди. Уларни бунга ўргатмаслик керак. Хар бир саволга ўқувчи изланиб, керакли сўзларни қидириб топиб, ўзи жавоб берсин. Мана шу, сиртдан қараганда жўн кўринган дидактик ишлар ўқувчини интилувчан шахсга айлантиради.

“Шеърдаги: “Гарчи фано ҳар кимсага Азалий бир қисматдир. Лекин, она, тириклик ҳам Билсанг, ярим ҳикматдир” мисралари мазмунини тушунтиринг ва бу сўзларнинг шоир онасига дахлдор жаҳатлари ҳақида фикр юритинг” топшириғи ўзга тилда фикрлайдиган ўқувчи учун бир оз қийинлик қилиши мумкин. Ўқитувчи ўқувчиларга саволни таржима қилиб бериши эмас, балки топшириқдаги айнан қайси сўзни тушунмаганликларини сўраб, ўша сўз таржимасини бериши мумкин. Лекин жавобни ўқувчиларнинг ўzlари беришлари керак. Балки улар кутилгандек тўкис бўлмас, равон ва фасоҳатли ҳам чиқмас. Лекин шу тариқа ишлайверилса, бу борада қўникма ҳосил бўлиб, аста-секин малакага айланиши мукаррар.

Шундай ишлар билан асарнинг биринчи бобини ўрганишга бағишланган биринчи дарс якунланади. Биринчи банд юзасидан уй вазифаси қилиб шеърнинг иккинчи қисмини ифодали ўқиб келишни топшириш мумкин.

А.Ориповнинг “Онажон” шеърини ўрганишга бағишланган иккинчи дарс уй вазифаси – шеърнинг биринчи бандини ифодали ўқишини ўрганиб келган ўқувчиларни эшлиши билан бошланади. Қолганларга эътиroz билдирилмайди. Чунки бу – кўнгил иши. Унга зўрликнинг кераги йўқ.

Сўнгра ўқитувчи шеърнинг иккинчи банди устида ишлашларини эълон қиласи ва матнни ўзи ифодали ўқиб беради. Агар ўқувчилар орасида уни ифодали ўқиб бера оладигани чиқиб қолса, нур устига нур. Кейин таҳлилга ўтилади. Ўқитувчининг ўқиши жараёнида ўқувчилар ўzlари тушунмай қолган сўзларни белгилаб борсалар, матн иккинчи марта ўқилганда маъноси тушунилмаган сўзлар

изохланади. Шу тариқа асар мазмуни түлиқ англашилади. Акс ҳолда, мазмун түлиқ тушунилмай қолганда, унинг таҳлили ҳам бесамар кетиши, дарсдан кутилган натижага ҳам эришилмаслиги мумкин. Ушбу ишлар амалга оширилгач, ҳамкорлар биргаликда матн таҳлилига киришадилар.

Ўқитувчининг: “Шеърдан оналарга хос бўлган фидойиликни кўрсатувчи тасвиirlарни ажратиб ўқинг”, тарзидаги биринчи топширигини бажариш синфдаги ҳамма ўкувчиларнинг қўлидан келмаслиги табиий. Эплаганлар жавоб беради, қолганлар ўртоқларининг фикрини эшигади. Лекин топшириқ барча ўкувчиларга берилиши шарт. Сўнгги дамда ўлимликка йиғиб юрган пулинни фарзандининг тўйига сарфлашни сўраш фақат оналарнинг қўлидан келади. Ўкувчилар “Сарф қилингиз, менинг эмас, Абдулланинг тўйига” мисраси ҳақида мулоҳаза юритсинлар. Гап қандай “тўй” устида боряпти? Ўкувчилар ўлим билан олишиб ётган онанинг “тўй”и ҳақида ўйлаб кўрсинглар.

“Шоирнинг: “Заррагина раҳм этгали Сабринг менга йўқмиди? Онаjsonим, бундан ўзга Жабринг менга йўқмиди?” тарзидаги хитобларига сабаб бўлган ҳолат тасвирини қайта ўқинг ва изохланг. Муаллифни изтиробга соглан нарса нима деб ўйлайсиз? У нимадан бунча қийналяпти? Фикрингизни матндан мисоллар келтириб асосланг”. Бу топшириқ ўкувчиларни анчагина зўриқтириши табиий. Лекин астойдил исталса, унга жавоб топиш мумкин. Зўриқиб, меҳнат қилиб топилган жавобнинг лаззати ҳам бор. Ўқитувчи тўғри жавоб эгасини рағбатлантириши шарт. Мақтov, рағбат бошқа ўкувчиларни ҳам руҳлантириши мумкин. “Шеърдаги: “Балки мунис опажоним Кел, деб қучоқ очади” мисраларини шарҳланг” топшириғига жавоб бериш учун ўкувчилар унга миллий хусусиятлардан келиб чиқиб ёндашишлари керак. Шу ўринда ўкувчилар бобга қўйган сарлавҳаларига ҳам тўхталсалар, мақсадга мувофиқ бўлади.

Учинчи дарсда асарнинг учинчи банди устида ишланади. Ўқитувчи томонидан ифодали ўқиб берилган шеър матни таҳлилга тортилади. Ҳар бир она фарзандининг фазилатлари, эришган ютуқ ва галабалари билан фахрланади. Шеърнинг бош қаҳрамони она ўз боласининг қайси жиҳати билан ғуурланади ва буни ўкувчи нималарда кўриши мумкин?

Учинчи бандда ўқувчиларнинг диққати қаратилиши мумкин бўлган биринчи нарса мана шу. “*Куйлай десам ҳурматингни Ушбу кунда тилим лол. Балки фақат шу сабабли Шоир бўлсан, эҳтимол*” мисралари ўқувчиларда қандай туйғуларни қўзғаган бўлиши мумкин? Уларни шу ҳақда ҳам ўйлаб кўришга йўналтириш уларнинг маънавий камолоти йўлида фойдадан ҳоли бўлмайди. Муаллифнинг катта шоир бўлишига асос бўлган туйгуни ўқувчилар асар матнидан келиб чиқкан ҳолда аниқласинлар.

“Шеърнинг: “*Кузатарлар мени ҳам сўнг Сенга томон, сен томон*” қаторларида ифодаланган яширин мазмунни англатинг. Бу таъкидлар замираida қандай маъно яширинган деб ўйлайсиз?” савол-топшириғи ўқувчини бир оз ўйга толдириши мумкин. Лекин ҳаёт ҳақиқатидан кўз юмиб бўлмайди. Инсон синовга берилган бу умрни эртага оркага қараганда афсус-надоматлар чекмайдиган йўсинда яшаб ўтиш керак.

Шеърнинг ўзларига ёқкан бўлагини ёд олишни уларга уй вазифаси сифатида топшириш мумкин.

НАВОИЙ АСАРЛАРИ – ЎЗБЕКНИИ АНГЛАШ ВОСИТАСИ

Юртимизда яшаётган ўзга миллатга мансуб ўқувчиларнинг ўзбек тили, Ўзбекистон тарихи, географиясини ўрганиши педагогика учун пировард мақсад эмас, балки ўзбекларни чуқурроқ англаш, шу йўл билан уларга яқинлашиш, уларнинг орасида ўз ўрнига эга бўлишдай мақсадга эришиш воситасидир. Таълим ўзга тилларда олиб борилаётган мактабларда ўқитилаётган бу хилдаги предметлар бугунги кунда миллатни билиш, у ҳақда муайян мърифий-илмий маълумотларни эгаллаш воситаси бўлаётir, лекин улар ўзбекнинг рухини ҳис қилиш омили бўла олмайди. Уларнинг ҳеч бири ҳалқимиз миллий-маънавий қадриятларини тўлиқ ифодалашга қодир эмас. Маҳаллий ҳалқ билан ёнма-ён яшай олиш, улар орасида ўз ўрнига эга бўлиш учун унинг рухиятини, миллий менталитетини яхши билиш лозим. Ўша миллатнинг адабиётигина бунга тўла имкон бериши мумкин. Миллатга хос миллий хусусиятлар ада-

бий тимсолларнинг туйғу ва кечинма, қувонч ва қайғулари ифодаси жараённида түлиқ англашилади.

Таълим-тарбия ишлари давлат тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган умумтаълим мактаблари учун яратилган барча “Ўзбек тили” дарслкларида тақдим этилган адабий материаллардан бугунгача ҳам грамматик билимларни мустаҳкамлаш ёки нутқ ўстириш воситаси сифатида фойдаланилмоқда. Ачинарлиси шундаки, дарслкларда грамматик материалларни мустаҳкамлаш, ўқувчининг ўзбекча нутқини ўстириш учун дидактик материаллар керагидан зиёда. Шунга қарамай, ўзбек тили дарсларида дарслклардаги бадиий матнлар грамматикага “курбон” қилинмоқда. Дарслклардаги бадиий матнлар дарсларда ўқувчиларга ўқитиб, таржима қилдирилади ёки тушунганини қайта гапириб бериш сўралади. Аслида таълимни бундай ташкил этиш бошланғич синфларда иш беради.

5-9-синфларда эса адабий материалларга бадиий матн сифатида ёндашиш, уларни ўзбек адабиётини иккинчи адабиёт сифатида ўқитиши мақсади, вазифалари ва методик талаблари асосида уюштириш лозим. 8-синфдан бошлаб “Ўзбек тили” дарслклари замирида бадиий матнлар грамматик мавзулардан ажратилган ҳолда “адабий ўқиш” рукни остида тақдим этилиб, ҳафталик икки соатнинг биттаси адабий материални ўрганишга ажратилиши зарур.

Таълим-тарбия ишлари давлат тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек адабиётини адабий ўқиш тарзида ташкил эта билиш учун, аввало, унинг мақсад ва вазифаларини тўғри белгилаб олиш лозим. Таълим-тарбия ишлари давлат тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек адабиётидан дарс берадиган ўқитувчи унинг мақсад ва вазифаларидан, ўзбек адабиётини иккинчи адабиёт сифатида ўқитиши методикасидан хабардор бўлиши шарт. Шунда ўзбек адабиёти дарслари тўғри ташкил этилади. Ўзбек адабиётини ўқув фани сифатида ўқитишнинг мақсади маънавий дунёси бой, ўзбек халқининг ахлоқий қадриятларини биладиган, шу боис уни чуқурроқ англайдиган қалби уйғоқ шахсни шакллантиришдан иборат.

Эришилиши кўзда тутилган мақсад ўзига хос вазифаларнинг бажарилишини тақозо этади. Шунинг учун педагогик

амалиётда вазифаларни тўғри белгилаб олиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бошқа тилларда таълим-тарбия берадиган мактабларда ўзбек адабиётини ўқитишнинг вазифалари шу заминда ўсаётган ўзга миллат болаларини ўз фикрини давлат тилида ёзма ва оғзаки тарзда равон ҳамда саводли баён қила оладиган, ўзбек адабиёти намуналарини ўқиб, тушуниб, уларни баҳолай оладиган қилиб тарбиялашдан иборатдир.

“Шоҳ Фозий ҳикояти”ни ўрганиш

Ўзга миллатга мансуб ўқувчиларга ўзбек адабиётини ўқитишда ўзбек бадиияти намуналари ўқув фанининг мазмунни этиб белгиланган. Жумладан, 8-синфда Алишер Навоийнинг “Шоҳ Фозий ҳикояти” (“Ҳайрат ул-абор”дан), рубоий, қитъа ва туюқларидан намуналар ўрганиш учун тавсия этилиб, тўрт соат ажратилган.

“Шоҳ Фозий ҳикояти”ни ўрганишга қаратилган дарсларнинг тарбиявий мақсадини: ўқувчиларга адолат, инсофа ҳақиқат тушунчалари моҳиятини англатиш тарзида белгилаш мумкин. Дарснинг таълимий мақсади: ўқувчиларга ўзбек мумтоз адабиётининг юксак бадиий намунаси “Ҳамса” ҳақида маълумот бериш ва “Шоҳ Фозий ҳикояти”ни таҳлил қилиш малакасини шакллантириш шаклида қўйилади.

Мавзунинг дастурий талқини: “Шоҳ Фозий ҳикояти”да адолат ва ҳақиқат талқини. Ҳусайн Бойқаро ва кекса аёл тимсоли. Ҳикоятда адолат кучини кўрсатиш учун Навоий кўллаган ташбиҳнинг қудрати.

Дарсда фойдаланиладиган кўрсатмали қуроллар: “Ҳамса” асари. Навоий асарларига ишланган миниатюралар.

Ҳазрати Алишер Навоийнинг асарлари, таълим-тарбия ишлари қайси тилда олиб борилишидан қатъи назар, ҳамма синflарда ўрганилади. Даҳо адебнинг ижоди ва ҳаёти саҳифаларига куйи синflарда тўхталингандиги учун ўқувчилар буюк шоир ҳақидаги биографик маълумотлардан бир даражада хабардорлар. 8-синф дарслигида ҳам Навоий таржимаи ҳоли берилган бўлишига қарамай, ўқитувчи унга вақт ажратиши шарт эмас.

8-синф дастурида Навоий асарларидан намуналарни ўрганишга ажратилган тўрт соатнинг биринчиси мобайнида ўқитувчи ўқувчиларни матн билан таништиришдан олдин

“Хамса” ва унинг ўзига хос белгилари, унга кўйиладиган талаблар тўғрисида икки-уч дақиқалик маълумот бергани маъқул: “Биринчи бўлиб “Хамса” ёзган адиб XII асрда яшаган озар шоири Низомийдир. Ўта мураккаб ижодий ишда у катта муваффақиятга эришган. Низомийдан кейин “Хамса” ёзиб, зўр эътибор қозонган шоир XIV асрда яшаган Амир Хисрав Дехлавийдир. Низомийдан уч аср ва Дехлавийдан бир аср кейин, бу ишга буюк Алишер Навоий қўл урган.

Навоий “Хамса”ни ёзишга киришар экан, ўз қархисида Низомий ва Дехлавий сингари алломалар турганини ҳисобга олиб, бу борада ўзига ҳисоб берар, улар қўтарилиган марта-бага эришиш ва уларга teng асар яратиш осон эмаслигини англаған ҳолда:

*Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,
Низомий панжасига панжса урмоқ*

деганди. Навоий Низомийни бир арслон сифатида тушунади ва арслонга баробар келмоқ учун арслон бўлиш, ҳеч бўлмаганда, йўлбарс бўлиш кераклигини айтади: “*Керак шер оллида ҳам шер жсангги, Агар шер ўлмаса бори паланги*”.

Гап шунда эдики, Низомий ҳам, Дехлавий ҳам туркий халиқ вакиллари бўлгани ҳолда одатга кўра буюк асарларини форс тилида ёзган эдилар. Навоий уларнинг тақлидчиси ёки давомчиси бўлибгина қолмай, халқи учун ўз она тилида “Хамса”дай кўламдор бадиий асар яратишни мақсад қилганди.

Адабиёт оламида эътироф этилган учинчи шоҳ асар Алишер Навоийнинг “Хамса”си бўлиб, у 1483-1485 йиллар давомида яратилди. “Хамса”нинг туркий тилда юзага келиши оламшумул аҳамиятга молик эди. Асар “Хайрат ул-аброр” (“Яхшилар ҳайрати”), “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъайи сайёр” (“Етти сайёра”), “Садди Искандарий” (“Искандар девори”) каби беш достонни қамраб олади. Икки йилдан сал ошикроқ вакт ичидан ёзилган беш достондан иборат бу асар 52 минг мисрадан иборат.

Ўқитувчи бу каби умумий маълумотлардан ўқувчиларни хабардор этгач, “Хамса”нинг “Хайрат ул-аброр” достонидан дарсликда берилган парчани ўқишишдан олдин ўзга миллатга мансуб болаларни асарнинг оригинали билан таништириб қўйгани маъқул. Чунки уларнинг дарслигига

асарнинг насрый баёни берилган. Бутун бошли достон назмда битилганини, уни ўзга миллатта мансуб ўқувчи англаши осон эмаслигини, шунинг учун матннинг насрый баёни ўрганилаётганини ўқувчилар билиб қўйганлари яхши бўлади.

Навоий бутун умри давомидаadolатли, шариатпеша ҳукмдорни орзу қилиб яшаган ва буни асарлари мазмунига ҳам сингдирган. Буюк адаб ўз орзусига бир қадар мувофиқ келадиган шоҳни замондош дўсти ва мактабдоши Ҳусайн Бойқаро тимсолида кўрган. Шоир ушбу ҳикоятида дўстинингadolatлилиги даражасини акс эттирас экан, ҳаётий лавҳага мурожаат қиласди. Ўқитувчи дарсликдаги шу эпизодни луғат ёрдамида ўқиб беради. Ўқувчиларни матн мазмуни билан таништиради.

Биринчи машғулотда шу ишлар билан кифояланилади. Ўқувчиларга уй вазифаси сифатида асаддаги тушунилиши оғир сўзларни саҳифа сўнгидаги луғат ёрдамида яна бир бор ўқишни, айни замонда кейинги дарсда “Шоҳнинг бу даражадаadolатли бўлишига қандай қарайсиз?” тарзидағи муаммоли савол устида муҳокама юритилишини айтиб, шу масала юзасидан фикрлашишга тайёрланиб келиш топширилади.

Шу ўринда муаммоли таълимнинг хусусиятларига тўхталиш керак бўлади. Чунки ўқитувчиларнинг кўпчилиги ўз фаолиятларида бу методнинг асосий индивидуал жиҳатларини тўлик англамаган ҳолда қўллайдилар.

Муаммоли таълим методидан фойдаланилганда, ўқитувчи болада интеллектуал фикрий зўриқишига ихтиёрий эҳтиёж ва муаммонинг ечимиға қизиқиш уйғотиши керак. Бу ўринда ўқувчи дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликларни ҳам аниқлаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Бола учун унинг олдига қўйилган ҳамма муаммоли масала ҳам қизиқ бўлавермайди. Ўқувчидан фикрий зўриқиши, билим, зехн ва онгли изланишни талаб қиласидиган масалаларгина уни қизиқтиради. Қизиқарли бўлса, фойдали бўлади. Ўқитувчи масаланинг мураккаблиги даражасини белгилаганда синфдаги ўқувчиларнинг умумий ва индивидуал имкониятларини ҳисобга олиши керак. Айрим ўқувчилар учун масала қанча қийин бўлса шунча қизиқарли бўлади,

бошқаларнинг дарров “тарвузи кўлтиғидан тушади”. Шунинг учун муаммонинг объектив қийинлигидан ташқари счишнинг субъектив имкониятлари ҳам инобатга олиниши керак. Яъни муаммони синфнинг умумий имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда соддалаштириш ёки мураккаблаштириш керак бўлади.

“Ҳайрат ул-аброр”дан олинган парчани ўрганишга ажратилган иккинчи соатда ўқитувчи “Шоҳнинг бу қадар адолатли бўлишига қандай қарайсиз?” деган муаммоли саволни дарстахтага ёзиб, ўқувчиларнинг бу борадаги фикрларини сўрайди. Бу муаммо ўқувчиларни фикр айтишга, ўз қарашларини қийнала-қийнала бўлса-да, ўзбек тилида ифодалашга, ушбу муаммо атрофида муроҳаза юритишга ундайди. Ўқитувчи бу муаммони ҳал этиш учун дарснинг 20-25 дақиқасини ажратиши, қолган вақтни дарсликдаги савол-топшириқлар устида ишлашга сарфлаши ҳам мумкин.

Агар синфдаги ўқувчиларнинг бу муаммо атрофида муроҳаза юритишга кучи етмаса, ўқитувчи ишни матн бўйича дарсликда берилган саволларга жавоб топиш ва топшириқларни бажартириш асосида ҳам ташкил этиши мумкин. Ўқитувчи берилган саволларга барча ўқувчиларнинг бирдай тўғри жавоб беришини кутмаслиги, лекин ҳар бир ўқувчининг ҳикоят тимсолларига ўзига хос тарзда, жонли одамларга муносабатда бўлгандай ёндашишига интилишини талаб қилиши мақсадга мувофиқдир. Асар таҳдили шоҳ Ғозийнинг ёшлиқ йилларида салтанат таҳтини эгаллаш учун қазоқ (қочоқ)лик қилиб юрган пайтидаги шиддатли жанглар баёни ва тақдирнинг иродаси билан салтанатга эга бўлиб, адолат-ла давлатни бошқараётгани тасвири билан бошланади. Айни шу ўринда шаҳзоданинг ўз мақсади йўлида юз-икки юз кишига бош бўлиб, кўп сонли душманлари қалбига ваҳима солиб юргани қайд этилади. Шаҳзоданинг шундай шиддатли жангларда ўзи билиб-билимай кимнингдир қони тўкилишига сабабчи бўлиши мумкинлигига ўқувчилар руҳан тайёрланади.

Таҳт қўлга киритилгач, асл табиатида эзгулик, амалларида яратганинг мезонларига бўйсуниш бор бўлган шоҳ Ғозий шариат ва адолат талабларига мувофиқ иш юритиб, салтанатда зулмни бартараф қилиб, одилликнинг

баркарорлигига эришгани баён этилади. Ўқитувчи ўқувчилар диққатини ўз қарамоғидаги барча ҳукмдорларга ўз сүзини ўтказа оладиган құдратли подшохнинг фАОлиятига, унинг айни сайрга чиққан вақтида телбанамо бир кампир томонидан тұхтатилиб, шариат идорасига даьеват этилишига қаратиши зарур. Шунда шохнинг одиллик даражаси қанчалар юқори эканлиги намоён бўлади. Ҳукмдор шунчаки қундалик иш ҳолатида эмас, балки сайрга отланган ҳолда кампир томонидан тұхтатилади. Тұхтатилганда ҳам шунчаки илтимос билан эмас, балки шахсан шохнинг ўзига шахсий даъво билан тұхтатилади. Ўқувчилар айни ҳолатни қанча чуқур ҳис этсалар, асар мазмунини шунча теран англаб борадилар. Мазмун чуқурроқ англағани сари асарни кашф этиш кучайиб бораверади.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг диққатини күпроқ кампирнинг даьевосига қаратиши керак. Кампир шоҳни шунчаки айбләётгани ёки ўлдирилган ўғли учун тұлов сүраётгани йўқ. У шоҳ чиндан ҳам адолатли бўлса, ўзини бошқалардан ортиқ санамайди ва шариат ҳукмига ҳамма қатори бўйсуниши керак деб ҳисоблайди. Одил подшоҳ, гарчи у мамлакат султони бўлса-да, ўзини шариат талабларидан юқори деб билмайди ва қозихонага оддий фуқаро қатори боради. Бормаганды, унинг одиллиги шунчаки гапдан иборат бўлиб қоларди. Саройга эмас, қозихонага борилгач, шоҳлик қолмайди, подшоҳ ҳам ҳамма бандалар сингари шариат талаблари олдида teng бўлади. Шоҳ Фозийнинг кампир даьевосига жавоби унинг қандай жўмард инсонлигини кўрсатади.

Ўқувчилар шариатга мувофиқ бўлса, ҳатто қонига даьевогар бўлса-да, қабул этишга тайёр шоҳ табиатидаги тантиликни пайқаганларидан сўнг кампирнинг истаги нимадан иборатлиги билан қизиқишлари табиий. Кампирнинг даьевоси шоҳ учун ҳам, қози учун ҳам, ўқувчи учун ҳам кутилмаган, айни вақтда, унинг барча ҳаракатларини изоҳлайдиган даражада. Ўқувчилар ёлғиз ўғлидан айрилган бечора кампирнинг телбалиги сабабини, шоҳдан тап тортмайдиган даражада жасурлиги боисини англашади. Англашгач, унга ачинишади. Кампирга ачинишади-ю, лекин мамлакат подшосини айблашдаги журъатига қойил

қолишлари ҳам табиий. Айни замонда шохни қоралашга ҳам тиллари бормайди. Чунки уруш вақтида бундай ишларнинг бўлиши оддий ҳол. Урушда кимдир ўлади, кимдир ўлдиради. Урушнинг қоидаси шунаقا. Ўкувчи, эҳтимол, умрида биринчи марта шу қадар мураккаб вазиятга тушади. У foят мушқул маънавий муаммони мустақил ҳал этиши керак. Ўйчил ўкувчи иккиланмай, қатъий хulosага дабдурустдан кела олмайди ва илк бор ҳаётнинг ниҳоятда мураккаб, истисноларга тўла чигал жараён эканига ишонч ҳосил қиласди. Бирор қарорга келишда шошқалоқлик қилиш ноўрин эканини шу асаддаги образлар мисолида теран англайди. Ўғлининг ҳалокати туфайли ҳаётга бепарво қарайдиган, телбанамо, ўлимдан қўрқмагани боис жасур, айни пайтда foят доно кампирнинг гўзал сийрати мисралар қаърига ўта усталик билан яширилганига ўкувчилар эътибори тортилади. Бу ҳол кампирнинг шоҳ қотиллигига унинг одиллиги билан инсофини гувоҳ қилиб келтиришида кўринади. Албатта,adolatli шоҳ, agar у чинданadolatli бўлса, бундай гувоҳдан тона олмайди.

Ўкувчилар ҳикоятни ўрганишда қози ҳақида ўйлаб кўришга ва маълум хulosагa келишга ҳам ундалади. Бундай қозининг ҳукми адолатли бўлишига шубҳа бўлмаслиги керак. Гарчи ҳикоятда қозининг табиатига хос хусусиятлар тўғрисида гапирилмаган бўлса-да, шоҳ Фозийдай ҳукмдори бўлган юртда, кампирга ўхшаган дадил фуқаролар яшайдиган мамлакатда адолатсиз қозининг ҳам бўлиши мумкин эмас ва agar қозиликдай кутлуғ мансабга адолатсиз одам эришган бўлса, шохнинг адолатли экани ҳам бекор. Тахлилда тўғри йўлга тушиб олган ўкувчи янгидан-янги кашфиётлар қиласди, нозик кузатишлар ва чукур умумлашма хulosаларга келади.

Одил қозининг адолатли ҳукм чиқариб шоҳни ё жон билан хун тўлаш, ёхуд бойлик билан товон тўлашга буюрганидан туйгулари кўзғалган ўкувчилар қозининг ҳукмига рози бўлиб, ҳам ўз бўйини рўмол билан боғлаб кампир қўлига тутган, ҳам тилла-кумушга тўла юз ҳамённинг бўйини ечиб момо олдига қўйган шохнинг хатти-ҳаракатларидан адолат тушунчасининг нечоглик юксаклигини ҳис этадилар. Ўкувчи ҳикоятда улкан бир мамлакатнинг қудратли шоҳи

икки бор ихтиёrsиз эканини айтганига гувоҳ бўлади. Шоҳ шу қадар ихтиёrsиз бўлса, қолганларнинг тақдир олдидағи эрки йўқлигини ўйлаб кўрадилар. Шоҳ кампирнинг ўғлини беихтиёр ўлдирган. Шариатда бировнинг ўлимига сабаб бўлган кимса унга тўлов бериши шарт. Бунда танлаш даъвогар кўлида, бинобарин, ихтиёр яна шоҳда эмас.

Адолат ва инсофнинг кудратини бунча катта далиллар билан очиб бера олган адабнинг дунёқараши ўзбек маънавиятининг, исломий тарбиянинг маҳсули. Шундай асарлар ўзбек халқининг миллий “мен”ини, менталитетини ўзга миллатга мансуб ўқувчиларга намойиш этади. Улар орасидаги масофани қисқартиради.

Ўқувчиларга уй вазифаси сифатида “Шоҳ Фозийнинг инсоний сифатлари” мавзусида ижодий иш ёзишни топшириш мумкин. Улар адолат ва инсофни ҳар қандай амал, бойлик ва мартабадан юқори қўйган инсонни англашга уринишлари керак.

Навоий қитъалари ва туюқларини ўрганиш

Таълим-тарбия ишлари ноузбек тилларида олиб бориладиган мактабларда ўзбек мумтоз адабиётни ўқитишининг ўзига хос қийинчиликлари мавжуд. Алишер Навоий асарларини ўзбек мактаблари адабиёт дарсларида ўрганиш ҳам ўқувчиларни ақлан, руҳан анчагина зўрикишга мажбур қиласи. Улуғ адаб асарларини иккинчи тилда ўрганиш эса ўқувчидан бунга икки баравар меҳнат ва кучни тақозо этиши, шубҳасиз. Юргимиздаги таълим-тарбия ишлари бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 8-синфи ўзбек тили дарсларида Алишер Навоий қаламига мансуб қитъя ва туюқларни ўрганиш тавсия этилган.

Қитъя ва туюқларга: “Нокасу ножинс авлодин...”, “Дебон берган киши...” қитъаларининг ҳаётийлиги. Уларда оқиллик, қаноат ва шукроналикнинг улуғланиши. Инсоннинг шаклланишида тарбиянинг роли. Навоий қитъаларининг бадиий хусусияти.

Навоийнинг туюқларида сўз ўйинидан, унинг сермаънолигидан моҳирона фойдаланганлиги. Туюқ ўзбек тили ва миллий тафаккурига хос ҳодиса сифатида¹ тарзида дастурий талқин берилган. Навоийнинг шу жанрдаги

1 Тил ва адабиёт таълими. 2008 йил. 8-сон. 74-бет.

асарларини ўрганишда ушбу талқинга таянилади.

Аввал Навоий китъаларини ўқитувчи ифодали ўқиб бериши, сўнгра луғат устида ишланиб, савол-топшириклар кўмагида уларнинг таҳлилига киришилиши мақсадга мувофиқ. Ёки ҳар бир қитъани алоҳида-алоҳида ифодали ёд ўқиб, таҳлилини алоҳида ташкил этиш ҳам мумкин. Бу – ўқитувчининг иш услуби ва ўкувчиларнинг тушуниш даражалари боғлиқ масала. Уни ҳар бир ўқитувчи ўзи ҳал қиласди. Лекин матнни, албатта, ўқитувчининг ўзи, ифодали ўқиб бериши шарт. Чунки нотаниш мумтоз бадиий матнни ўкувчи ифодали ўқий олмайди. Ифодали ўқилмаган шеърнинг эстетик таъсир кучи эса жуда заиф бўлади.

Навоийнинг “Нокасу ножинс авлодин...” деб бошланадиган қитъаси таҳлили ўкувчиларда у қадар қийинчилик туғдирмайди. Чунки бу асар мазмуни сатрлар қатига у қадар чуқур яширилмаган. Мазмуни гоят залворли ушбу асар ўкувчилар томонидан нечоғлик синчиклаб ўрганилса, уларнинг шахс сифатидаги тараққиётидаги таъсир кучи шунчалик самарали бўлиши аниқ. Қитъада инсон, унга Яратган томонидан берилган феъл, одамнинг тарбияга бўй беришдаги ўзига хослик жуда гўзал тасвиrlанган. Ўкувчиларнинг бу қитъани севиб таҳлил қилишлари, ёд олишлари ва ўзларига зарур хulosани чиқара билишлари уларнинг матн моҳиятига қанчалик чуқур киришларига боғлиқ.

Нокасу ножинс авлодин киши бўлсун дебон,

Чекма меҳнатким, латиф ўлмас ҳеч касофат олами.

*Ким, кучук бирла хўтукка неча қилсанг тарбият,
Ит бўлур, доги эшак, бўлмаслар асло одами.*

Қитъа ўқитувчи томонидан ифодали ўқиб берилгандан сўнг ундаги нотаниш сўзлар устида иш олиб борилади. Бу луғат ўкувчининг дафтарига ҳам ёздирилмайди, сўзларни ёд олиш ҳам талаб қилинмайди. Чунки бу луғат ўкувчилар матннинг моҳиятига киришлари учунгина керак бўлади. Ўқитувчи ҳар бир сўзнинг ўкувчилар она тилига таржимасини хаттахтага ёзиб қўяди. Лекин қитъанинг мазмуни сўзлаб берилмайди.

нокас (одамийликдан маҳрум)

ножинс (зоти паст)

бўлсун дебон (бўлсин деб)

мехнат чекмоқ (мехнат қилмоқ, машаққат чекмоқ)

латиф (ичдан гўзал, руҳан тўкис, баркамол)

касофат олами (ёмонликлар билан тўйинган кўнгил мулки)

хўтиқ (эшакнинг боласи)

доги (ҳам)

Шу сўзлар ёрдамида ўқувчилар билан биргаликда қитъанинг мазмунини англашга киришилиб, уларда асар ҳақида умумий тасаввур пайдо қилинади. Шундан сўнг қитъя яна бир марта ифодали қилиб ўқиб берилади ва ўқувчилар мустақил равишда матнинг моҳиятига етишлари учун қуидаги савол-топшириқлар билан мурожаат қилинади: Қитъанинг: *Нокас-у ножинс авлодин киши бўлсун дебон, Чекма меҳнат, латиф ўлмас ҳеч касофат олами*” тарзидағи биринчи икки қаторини қандай тушундингиз? Унда нима ҳақида гап кетаётир? Ушбу саволустидаги мулоҳаза юритаётган ўсмирлар луғатга таянган ҳолда мисраларда руҳан қашшоқ, инсоний фазилатлардан, одамийлик сифатларидан йироқ кишилар тарбияга бўй бермасликлари таъкидланаётгани ҳақида фикр билдиришлари мумкин. Шуни айтиш керакки, инсон ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз хатти-ҳаракатлари билан тақдирни сари боради. Аллоҳ томонидан белгилаб қўйилган тақдирдан ҳеч ким ҳеч қачон, ҳеч қаерга қочиб кетолмайди. “Тақдирни қўл билан яратиш” деган тушунча ҳам инсонга хос бўлган мана шу фаолиятнинг ўзгачароқ номланишидир. Яна шундай қараш ҳам мавжудки, инсон ўзи истаса катта куч сарфлаб феъл-авторида, характерида маълум ўзгаришлар қилиши мумкин. Лекин тақдирда натижа ижобий бўлиши ёзилган бўлсагина, бу ўз самарасини беради. Бунда ҳам инсоннинг ўзи томонидан жуда катта ирова, тинимсиз меҳнат, ҳадсиз машаққат талаб қилинади. Акс ҳолда, ҳар қандай саъй-ҳаракат, меҳнат натижа бермаслиги тайин. Бобокалонимиз бу икки мисрага мана шу ҳақиқатларни жойлаган.

“Кучук билан хўтиқнинг “нокас-у ножинс” кишиларга қандай алоқаси бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўринг”. Ўқувчилар, аввал ушбу топшириқнинг моҳиятига кириб уни

тушуниб олишлари, улардан нима талаб қилинаётганини англашлари керак. Акс ҳолда жавоб кутилганидай бўлмайди. Шу боис ўқувчиларга қайси сўз тушунарсиз бўлса, ўқитувчи шу сўзнинг таржимасини бериши керак бўлади. Бу масалада ўқувчиларнинг фикрига таяниш керак.

Кучук катта бўлиб ит, хўтиқ эса эшак бўлиши ҳаммага маълум ҳақиқат. Лекин уларнинг инсонга қандай боғлиқлик томони бўлиши мумкин? Бу ўқувчиларни ўйлашга мажбур қиласидиган савол. Маълумки, Аллоҳнинг бандаси олдига қўйган қатор талаблари бор. Унинг томонидан фазилат деб белгилаб қўйилган яхши сифатларга эга бўлишга интилган, эришган фазилатлари билан Яратганнинг рағбати-ю марҳаматларига сазовор бўлишини англаб етган ҳар бир инсон ўзининг маънавий камолоти, руҳий тўқислиги йўлида харакат қиласиди. Ҳайвонот олами эса, бундан мустасно. Ҳайвонлар – руҳият оламидан, маънавий дунёдан бебахра. Уларга қорнини тўйдириш ташвиши, яшаш ва ўз жонини сақлаб қолиш учун курашдан бошқаси буюрилмаган. Инсонлар орасида ҳам мана шу иккаласидан бошқа дарди бўлмай яшайтганлар мавжуд ва Навоий уларни наслу насли номаълум, “нокасу ножинс” деб атайди. Уларнинг маънавиятини эзгу сифатлар билан тўйинтиришга уриниш фойдасизлигини: “*Ким, кучук бирла хўтукка неча қилсанг тарбият, Ит бўлур, дөзи эшак, бўлмаслар асло одами*”, дея таъкидлайди. Ўқувчиларнинг фикр йўналиши шу тарзда кечса, демак улар асар таҳлилида тўғри йўлдан кетаётган бўлишади. Агар улар бир жойда “депсиниб” қолсалар, ўқитувчи йўналтирувчи қўшимча саволлар билан уларни бошқариб юбориши мумкин. Лекин саволга ҳеч қачон ўзи жавоб бермаслиги керак.

“Сиз тарбия деганда нимани тушунасиз? Қитъа мазмунига асосланиб Навоийнинг тарбияга муносабати ҳақида фикрингизни билдиринг”. Ўқувчилар бу саволга ўз имкониятлари, тушунчалари даражасида жавоб берадилар. Ўқитувчи уларнинг қарашларини тўлдириши ёки тўғрилаши шарт эмас. Агар дарсда унинг муносабат билдиришига эҳтиёж сезилса, ўқитувчи ўз фикрини айтиши керак бўлиб қолса, катъий хулоса тарзида эмас, муносабат сифатида билдириши мумкин.

Шундан сўнг ўқитувчи шоирнинг қуидаги қитъасини ёддан ўқиб беради:

*Дебон берган киши эрдур ва лекин
Демай берганга эрлик бил мусаллам.
Не деб, не берса билгил ани хотун,
Дебон бермасни хотундин дақи кам.*

Навоийнинг фикрича, бировга ёрдам ваъда қилиб, сўзининг устидан чиқиб, айтганини қилган киши эркак, лекин ҳеч нима демай вазиятга қараб яхшилик қилаверган одам эса қойил қолишга муносиб шахсдир. Бировга яхшилик қилиш ҳақида ўйламайдиган ва қилмайдиган киши аёлга тенгdir. Ваъда қилиб, бажармаган эркак аёлдан ҳам паст кимсадир. Бу ҳақиқатларни ўқувчилар ўқитувчи кўмагида ўзлари кашф этишлари лозим. Бунинг учун ўқитувчи шеър ўқилганидан сўнг ўқувчиларини матндаги нотаниш сўзлар мазмуни билан танишиди.

дебон (айтиб, деб)

мусаллам (қойил қилган)

не деб, не берса (айтмаган, қилмаган)

Сўнгра ўқитувчи қитъани яна бир бор ифодали қилиб ўқиб беради ва ўқувчилар асар моҳиятига чуқурроқ киришлари учун уларга қуидаги савол-топшириклар билан мурожаат қиласди: 1. Қитъадаги қиёслашга ўз муносабатингизни билдиринг. 2. Сиз Алишер Навоийнинг фикрига қўшиласизми? Фикрингизни асосланг. 3. Шоирнинг салкам олти аср илгари айтган бу гапларининг бугунги кун учун аҳамияти қандай? Улар таълим-тарбияянинг бугунги талабларига мос келадими? 4. “*Демай берганга эрлик бил мусаллам*” мисрасини қандай тушундингиз?

Бу савол-топшириклар, аввало, ўқувчиларни ўзгаларнинг фикрига қарамликдан асраса, иккинчидан, мустақил мулоҳаза юритиш, фикр айтиш ва холоса чиқаришга йўналтиради. Ўқувчининг фикри ёки холосаси ўқитувчиникидай асосли, тўқис бўлмаслиги мумкин. Лекин бу фикру холоса ўқувчининг маънавий камолотига ўзижобий таъсирини кўрсатиши тайин. Саволлар устида ишланар экан, уларнинг ҳар бирига ҳар бир ўқувчи ўз дунёқараши, савияси ва маънавиятининг бойлиги даражасидан келиб чиқиб, мустақил равишда жавоб беради. Ўқувчилар бир-

бирларининг фикрини тўлдиришлари, уларга қўшилиш ёки рад этишлари мумкин. Бу – уларнинг ҳукуқи. Лекин бир-бирларининг фикрларини такрорлашга ёки матн мазмунининг қайта айтиб берилишига йўл қўймаслик керак.

Шундан сўнг ўқувчиларга қитъа ҳақида маълумот берилади. Бу маълумотни тайёрлашда “Адабиётшунослик терминлари луғати”дан ҳамда адабиётшунос Иброҳим Ҳаққулнинг “Камол эт қасбким” монографиясидан фойдаланилса, ўқитувчининг билими, тушунчалари анча тўлиқ бўлади.

Шарқ шеъриятига хос бўлган қитъа жанри билан ўқувчилар ўз адабиёти орқали яхшигина таниш бўлишлари ҳам мумкин. Маълумки, қитъа ўзбек мумтоз шеъриятидаги бошқа жанрлардан фарқли ўлароқ муайян турғун шаклга эга эмас. Унинг номи (арабча қитъа - парча, юлиб олинган) ҳам шунга ишора бўлиб, кишида гўё ғазалнинг ўртасидан юлиб олингандай таассурот қолдиради. Қитъадаги мисралар микдори ҳам ғоят ўзгарувчан бўлади. Улар камида икки байт, кўпи билан ўн икки байтдан иборат бўлиши мумкин. Шунингдек, қитъаларнинг мавзу чегараси, мундарижавий йўналиши ҳам қатъий белгиланмаган. Ўқувчиларда бу ҳақда маълум тасаввур шакллантирилса, уларнинг ўзбек мумтоз шеъриятини тушунишлари осонроқ кечиши мумкин.

Уй вазифаси сифатида қитъалардан бирини ёд олиш топширилади.

Навбатдаги дарс Алишер Навоийнинг туюқларидан намуналар ўрганишга ажратилади. Туюқларни ўрганишда ҳам дарснинг юқорида белгиланган мақсади ва уларни ўрганишга қўйилган дастурий талқинга асосланилади. Ўқитувчи аввал қуйидаги туюқни ифодали, ёддан айтиб беради:

*Ё раб, ул шаҳду шакар ё лабдуур,
Ё магар шаҳду шакар ёлабдуур.
Жонима пайваста новак отқали
Гамза ўқин қошига ёлаб дурур.*

Туюқнинг сўзма-сўз табдили қуйидагича: Ё Раббим, бу асал-қандми ёки лабми, Ёки бу лаб асалу шакар ялабдими? Ёки жонимни тўхтовсиз, кетма-кет яралаш учун карашма ўқларини камон қошлирига жойлабдими?

Албатта, туюқнинг табдили ўкувчиларга шу ҳолиша айтиб берилмагани маъкул. Чунки болалар томонидан излаб топилган ҳақиқатларгина улар ёдида қолади. Туюқ ёд ўқилганидан сўнг илгаридан тайёрлаб қўйилган қуйидаги луғат устида иш олиб борилади:

шахд (асал)
ё лабдуур (ё лабмикин?)
ё магар (ёки)
ёлабдуур (ялабдими?)
пайваста (тўхтовсиз, кетма-кет)
новак (1. Камон ўқи. 2. Киприк)
ғамза ўқи (карашма ўқи)
ёлабдуур (жойлабдими?)

Луғат ишидан сўнг ўқитувчи туюқни яна бир марта ёддан ўқиб беради. Шундан сўнг ўкувчилари билан биргаликда унинг таҳлилига киришилади. Таҳлил жараёнида ўқитувчига қуйидаги савол-топшириқлар қўл келиши мумкин: 1. Биринчи мисрада ошиқ нимадан бунчалар ҳайратга тушган деб ўйлайсиз? 2. Туюқ замирида қандай маъно яширин бўлиши мумкин?

Туюқнинг биринчи мисраси ёр лабидан бўса олган ошиқ лаззатдан ҳайратга тушиб, бунинг лабми ёки асал эканлигини фарқлолмай қолгани акс этган. Иккинчи сатрда ҳайратга тушган ошиқ ёрнинг дудоклари ўзи шундай хузурбахши ёки у “асалу шакар” ялаганидан ширин бўлиб кетдими, дея фарқлолмай ҳалак. Ошиқ ҳайратининг маҳсули бўлган ушбу тасвирлар ўкувчиларни ҳам ҳайратга солиши уларнинг матн моҳиятига қанчалар чуқур кириб боришларига боғлик. Ўкувчиларнинг муаллифни ҳис қилишлари, унинг туйғуларига шерик бўлишлари маънавий камолот сари йўлдир.

Туюқнинг биринчи байтида муаллиф ўз ҳайратини ифода этган бўлса, иккинчи байтида: “Жонима пайваста новак отқали Ғамза ўқин қошига ёлаб дурур” ошиқнинг ёр ғамzasига курбон бўлишга тайёр экани эътироф этилади. Ўкувчилар ошиқ эътирофи ифодасига эътибор қаратишлари мақсадга мувоғиқ: маъшуқа ошигининг жонига кетма-кет қасд қилиб, камон қошларига ноз-карашма ўқларини жойлаб турибди. Ёрнинг карашмали қаратишлари, яъни

ўқлари билан “яраланган” ошиқнинг ҳоли не кечади? Бу ёғи ўқувчиларнинг фантазиясига боғлиқ, албатта. Ўзбек мумтоз шеъриятига хос бўлган бундай тимсолларнинг ҳар бири алоҳида таҳлилга тортилса, ўқувчилар уларнинг моҳиятига кира билсалар, мақсадга эришилган бўларди.

Таҳлилдан сўнг ўқувчиларга туюқ ҳақида маълумот берилади. Бунинг учун ўқитувчи “Адабиётшунослик терминлари луғати”дан фойдаланади¹. Туюқ ўзбек ва айрим бошқа туркий халқлар мумтоз адабиётидаги тажнисли қоғия асосида яратиладиган тўрт мисрадан иборат шеърий жанр. Туюқда қоғия шаклан бир хил, мазмунан ҳар хил бўлган сўзлар асосига қурилади.²

Шундан сўнг ўқувчиларга “Қитъа ва туюқларни таққослаб, фарқли томонларини аниқланг” топшириги берилади. Ўқувчилар қитъалар ҳақида ўтган дарсда ўрганган билимларини тақрорлайдилар, янги билимларини эса мустаҳкамлайдилар. Шу аснода ҳар иккала жанрдаги айрича хусусиятларни илғайдилар.

Дарс охирида туюқлардан исталганини ёд олиш уй вазифаси сифатида топширилади.

1 Н.Т.Хатамов, Б.И.Сарымсаков Русско-узбекский толковый словарь литературоведческих терминов. Т.: “Ўқитувчи”, 1979.

2 Ўша асар, 321-бет.



ХАЙРАТ ЧАҚИНЛАРИ

БҮЮК МУҲАББАТ ҚИССАСИ

Таникли ёзувчи, шоир ва олим Улуғбек Ҳамдам қаламига мансуб ҳар бир қисса ёки роман катта муҳаббат билан ўқилади. Унинг асарлари ўкувчини ўйлашга мажбур қиласидиган, кишининг кўнглидаги бош-оёғи топилмай юрган муаммолар ечимида ўзига хос ечим берадиган битиклардир. Улуғбекнинг яратиқларида жамият ва инсондаги оғрик нуқталар билгичлик билан қаламга олинади. “Ёлгизлик”нинг ўз жисми, онги ва руҳияти билан боғлиқ бор ростларни айтишга уринган, лекин бунинг уддасидан чиқолмаган А. исмли қаҳрамони ҳам, “Мувозанат”даги бутун ҳаёти давомида йўқотишлар билан яшасада ўз эътиқодига хиёнат қилолмаган Юсуф ҳам, “Исён ва итоат”даги бир умр ичидаги ғалаён, исён билан курашиб яшаган Акбар ҳам, “Сабо ва Самандар”даги ўзлари ёққан ишқ оловида куйиб кул бўлган Самандар ва Сабо ҳам қайсиdir жиҳатлари билан бир-бирларига ўхшаб кетади.

Бу тимсоллар маълум маънода бир-бирларини тўлдиради, дейиш мумкин. Уларнинг ҳар бири бугуннинг ўзига хос одамлари. Бизнинг орамизда юрган инсонлар. Улар – кўнгил кишилари. Ҳаётда бундай одамларни топиш, уларни тушуниш ва шу тарзда тасвирлай олиш учун ёзувчининг ўзи ҳам кўнгил кишиси бўлиши керак. Бундайларга ҳаётда ҳамиша қийин бўлади. Шунинг учун ҳам Улуғбекнинг қаҳрамонларини атрофидагиларнинг кўпчилиги тушунмайди, қабул қиломайди. Чунки улар: “манфаат ва ҳисоб-китоблар қули... Ўзгаларнинг фикри, дунёқараши, кайфияти, ўзиникидан бошқача бўлганда уларга душман кўзи билан қараваш”ни одат қилиб олган, “...бу дунёда ҳар кимнинг ўз карвони, ўз иўли ва манзил-муддаоси борлигини ҳамда буларнинг бари бизнигина ўхшаши шарт эмаслигини...” тушуниб етолмайди.

Ўқиб юрадиган одамлар Улуғбекнинг китобларини “ютоқиб” кутишади. Унинг ўз китобхонларига тақдим этган навбатдаги “Сабо ва Самандар” романини илохий ишқнинг дебочаси бўлган инсоний муҳаббатни куйлаган асар, дейиш мумкин. (“Ўзбекистон” НМИУ, 2011) Бу яратик ишқни туйган, тушунган ва қайсиdir даражада тушунтириб бера оладиган одамлар учун битилган буюк

муҳаббат қиссасидир. Романда ўкувчининг кўнглига хуш ёқадиган, уни мувозанатдан чиқарадиган ўринлар шу қадар кўпки, уларнинг қай бирига муносабат билдираш, таассуротлари, кўнглидаги гапларни батафсилроқ ифодалаш мумкинлигини, қайсисига тўхталса, асарнинг моҳиятини чуқурроқ очишини аниқлолмай қийналади, одам.

Айримлар асар қаҳрамонларининг ёши бир жойга борганда ошиқман деб, оҳ-воҳ қилиб юришларини бачканалик деб ҳисоблаши, асарни “бизнинг ахлоқий мезонларимизга тўғри келмайди” деб баҳолашлари ҳам мумкин. Лекин эътибор қилинса, Сабо ва Самандар муҳаббати тавсифини бошлашдан аввал муаллиф: “*Нимасини айтайин, қодир Эгам инсонни бир кўчадан олиб ўтишига қарор қилган бўлса, унинг қаршиисида сон-саноқсиз бошиқа кўчаларнинг дарвозалари ланг очиқ турган ҳамда у юз уриниб шуларнинг бирига кирмоқчи бўлса-да, ниятига етмас экан...*” деб ёзади. Мана шу ҳақиқатга асосланган муаллиф қаҳрамонини ўз тақдири сари бориши керак бўлган йўллардан олиб ўтади. Инсон, деярли ҳамиша, ўз хатти-ҳаракатлари билан тақдирида белгилаб қўйилган манзиллардан ўтишини яхши билган ёзувчи бошқача йўл тутолмасди ҳам. Ўқувчи ҳам асарга мана шу ҳақиқатдан келиб чиқиб ёндашса, унда ҳеч қандай эътиrozга ўрин қолмайди. Бу дунёда ҳеч нарса Яратганинг иродасидан ташқари бўлмас, ҳатто тикан ҳам Худодан беамр кирмас экан, Самандар ва Сабо тақдирларидан қочиб қаёққа бораради!?

Ҳаётда Сабо ва Самандарга ўхшаган одамлар учраши аниқ. Сиртдан қараганда улар ҳам ҳамма қатори кун кечиришяпти. Лекин ёзувчига ўхшаб уларнинг кўнгилларига кирсангиз, туйгуларига тегсангиз, дардлари “тўкилиб кетади”. Улар “ичлари”да нималар содир бўлаётганини ҳаммага достон қила олмайдилар! Қолаверса, ҳамманинг Улуғбекка ўхшаган дардкаши йўқ. Самандар ҳам ўшаларнинг биттаси. У бугунги турмуш ташвишларига кўмилиб ўзлигини унутаётган замондошига инсондаги Яратганинг мулки бўлган кўнгил дардларидан сабоқ беради. Унга чин муҳаббат туйғусини англатишга ҳаракат қиласи. Ўқувчини ҳамдардига айлантиради. Мижжаларига ёш келтиради.

Томоғига йиғи тиқилтиради. Бугунги ўқувчини йиғлатиши осон эмас. Асар билан танишган одам муаллифнинг бу борадаги маҳоратига таҳсин айтади.

Романнинг ютуқлари ҳақида гапириб шуни айтиш мумкинки, ўзбек адабиётида китоби орқали ўқувчиси билан бевосита мuloқотта киришиш, унга ўз дардини айтиб мурожаат қилиш Ш.Холмирзаев асарларида учрайди. Улуғбек ҳам Самандарни Мингтепанинг бағридан юлиб олиб адоқсиз ишқ дардига мубтало қилиш учун Тошкентга олиб келар экан бунинг уддасидан чиқиб: “Эй ўқувчи! – деб мурожаат қиласи китобхонга. – Менинг бу дунёдаги ягона йўлдошим! Кўлингни бер, биз буюк ишқ достонининг дарвозаси олдига ниҳоят етиб келдик! Кўлингни бер, мен ёлгиз эмаслигимни англай!..”. Муаллиф билан бирга буюк ишқ достони дунёсига кириш, қаҳрамонлар билан бирга қайғуриб, бирга йиғлаб, бирга кулиб, биргаликда дард чекишга ҳамма ўқувчи ҳам қодир эмас. Ёзувчи ўзига ўхшаган ўқувчини қидиради.

Муаллиф Сабо ва Самандарнинг бир-бирига дил изҳоридан маст бўлган, севищ ва севилиш туйғусидан баҳту иқболга чулғанган ҳолатидан ҳайратланган тарзда яна ўқувчисига мурожаат қиласи: “Ҳайҳот, дунёда, бизнинг дунёда бундан ортиқ баҳт бўлса, айтинг, токи, мен... ёзгучи, бу ерда умримни беҳудага сарф қилмай, шошиб ўша иқболнинг қошига борай, унга термилай, уни алқай, кўкларга кўтарай!.. Борми!? Нега жисмиз! Нега индамайсиз, ер чизасиз!?”.

Чунки... чунки айтадиган гапингиз йўқ! Чунки муҳаббатдан устун нарсанинг ўзи йўқ бу дунёда!..”. Бундай мuloқот ёзувчи билан ўқувчи орасидаги масофани қисқартиради. Уларни бир-бирларига яқинлаштиради. Улуғбек ҳам мана шундай мурожаатлари билан ўқувчисини ўзига қаратса олган, уни ўйлашга мажбур қила билган.

Шуни ҳам айтиш керакки, асарда Алишер Навоийнинг: “Сен бўлсангу мен бўлсам мавжуд, Бўлса яна коинот нобуд” ёки Ойбек қаламига мансуб: “Тушимда кўрдим сени, Бирга олиб кет мени” мисралари ўзгача маҳорат билан шарҳланган. Айниқса, иккинчи байт асарнинг мазмунига шу қадар мос тушганки, гўё у мана шу икки мисра асосига

курилгандай. Бу билан ёзувчи бадиий сўзни нақадар нозик тушунадиган адабиётшунос сифатида ҳам бўй кўрсатади. Икки мисра шеърдан бундай чуқур ва инжа тафсир чиқариш учун инсонга баланд дид, кучли савия, нозик кўнгил ва каттагина билим керак бўлади.

Ёзувчининг “Ёлгизлик” қиссасига эпиграф қилиб олинган

“Парча-парча бўлдим, қайдасан?

Юрагимда жарлик, қайдасан?

Кулаб тушмоқдаман, қайдасан?

Ёлгизлигим – зўрлик, қайдасан?

Парча-парча бўлдим, қайдасан?”

мисралари “Сабо ва Самандар”да (учинчи мисрадаги “Ёлгизлигим” сўзи “Сенсизлигим” тарзида ўзгартирилиб) қайта ишланган ва яхлит шеър ҳолига келтирилган. Бунда ҳам ўзига хос мутаносиблик бордай: “Ёлгизлик”да муаллиф асар қаҳрамонини мунтазам равишда Аллоҳнинг ўзига муножот қилиб, у билан диллашишда тасвирлаган бўлса, “Сабо ва Самандар” романида инсоний муҳаббатни Яратганга бўлган муҳаббатнинг ибтидоси шаклида тасвирлашга тиришади. Шу маънода иккала асарнинг қаҳрамонлари бир кишига ўхшайди. Бундан ташқари, ушбу шеър ҳам, асаддаги бошқа назмий мисралар ҳам муаллифнинг шоирлик маҳорати юксак эканлигини кўрсатади.

Асаддаги ажратиб кўрсатишлозим бўлган хусусиятлардан яна бири шуки, муаллифнинг ўзи ҳам унинг қаҳрамони билан бирга ўқиганларига, билганларига асосланган ҳолда ишқ деган тушунччанинг моҳиятини англашга интилади ва: “Ай!.. Муҳаббат нима ўзи? Нега у ошиқни яшашига ундалани каби ўлимга ҳам қистайди? У қандай сеҳрли кучки, бағрида бир-бирининг зидди бўлган қутбларнинг асов бошларини келишитира олади?..” – дея саволлар кўяди. Бу билан у китобхонни ҳам ишқ ҳақида ўйлашга мажбур қиласди. Муаллиф ва асар қаҳрамони мулоҳазалари таъсирига тушиб қолган кишининг кўнгли бехосдан ишқ аҳли қавмидан бўлишни, шундай севиш ва севилишни истаб қолади. Рухиятида: “Ошиқ-маъшуқларга висол ҳақида ўйлаш кўпроқ ҳузур бағишлайдими ёки висолнинг ўзими? Сабо билан Самандар нега ўз бахти учун курашмади? Ёки

бирга бўлишдан кўра бунга интилиш хузурбахшроқмикин? Ёки баҳт бирга бўлишда эмас бир-бирига интилишда, бир-бирига зор бўлиб яшашдамикин? Бир-бирига эришса, улар ҳам бошқаларга ўхшаб оддий одам, эл қатори эр-хотинлар бўлиб қолармиди?” деганга ўхшашиб дунё саволлар пайдо бўлади. Ўқувчини шундай ўйлашга мажбур қилиш, уни руҳий кўтарилиш сари ундаш ҳамма ёзувчининг ҳам кўлидан келавермайди.

Роман бош қаҳрамони Самандар – фикр кишиси. У тинимсиз, тизгинсиз ўйлар куршовида, фалсафий мулоҳаза, илоҳий фикрлар етовида яшайди. Шунинг учун ҳам ҳали ишқ дардига мубтало бўлмай, унинг нима эканини англамай туриб, синфдоши Азиза билан ишқ ҳақида гаплашар экан, ўқиганларига асосланган ҳолда: “...чинакамига севиб қолган одам девонаага ўхшаб қолса керак, деб биламан негадир. Лайли ва Мажнунни эсланг... Улар юракларини эмас, юраклари уларни бошқарар эди...” деган фикрни айтади. У болаликдан, ўзи англамаган ҳолда шундай девоналилка ичдан тайёрланиб юрган. Яъни ўйлари, мулоҳазалари, хатти-харакатлари билан юқорида белгилаб қўйилган ўз тақдирни сари борган. Мұҳаббат деган нодир туйғу ҳамманинг ҳам кўнглидан жой олавермайди. Аллоҳ бунга муносиб топган хос бандаларига ўзгаларницидан ўзгачароқ ҳаётни белгилаб қўйган бўлиши мумкин. Буни ўзи билади. Самандар ҳам Аллоҳнинг айрича яратиги сифатида бир умр ўзини-ўзи тафтиш қилди. У бутун ҳаёти давомида ўзлигини англашга интилди. Фироқда, изтиробда яшади. Ёзувчи ўқувчисини қаҳрамонининг ғайриоддий шахсияти билан таништиаркан: “*Во дариг... наҳотки бундай ишқнинг ўзи бўлса?! Ахир замонлар неча бор турланиб, рост туйғулар устига ёлғонлар қат-қат ётмадими?* Бани инсон сотқин ҳислар ила тил биректириб, чинларининг қачонлардир мавжусуд эканини, уларнинг бағрида ўзининг чексиз саодатли бўлганини унугиб юбормадими? *Во дариг! Агар Самандарнинг қалбida ўшандайин ишқ баралла яшаётган бўлса, Яратганинг олдидағи урвоққина иймоним билан қасамки, бу йигит кўчани тўлдириб юрган одамзоднинг қавмидан эмас! Йўқ!!!*” дейди.

Қалбан катта ишққа мойил Самандар Саболарнинг

гурӯҳига биринчи марта дарсга кирганда ҳали уни кўрмай туриб кўнгли беҳаловат бўлди. Унинг руҳиятида нимадир содир бўлётганди. Самандарнинг кўнгли ўзининг ҳокими шу ерда эканини сезиб турарди. У дарс ўтаркан негадир кунлар ҳали анча салқин бўлишига қарамай исиб кетаётган, гаплари не учундир пойинтар-сойинтар чиқаётган, ёддан билгани зарур маълумотлар эса хаёлига келмаётган эди. Уни нимадир босиб турарди. Самандар эса нега ўзини бошқаролмаётганини англай олмай ҳалак эди. Ниҳоят у жазм қилиб аудиторияга разм солади-ю кўзлари Сабонинг кўзлари билан тўқнашади. Шундан сўнг бори ҳам йўқолади. Ёзувчи Самандарнинг ҳолатини шунчалар билгичлик билан тасвирлайдики, ўқигани сари унинг ҳолати ўқувчи кўз олдидан кинолентадагидай ўтаверади.

Кўнглининг ҳабибини топган Самандар барча ошиқлар каби баҳтдан маст эди. Ёруғ оламда Сабодек қизнинг мавжудлигидан, уни кўриб туришнинг ўзидан чексиз баҳтиёр эди. Унинг болаликдан кўнглида асраб юрган муҳаббати ҳақиқатга айланган, “...ишу чоққача қум заррасидек қиммати бўлмаган оламда ўша зарра олам қадар маъно” касб этганди. Сабо ҳам дугоналаридан ажralиб, у раҳбарлик қилаётган бўлимни танлади. Улар кўнгилларидаги туйғулари етовида бир-бирларига яқинлашишарди.

Самандарнинг ўзи раҳбарлик қилаётган маҳсус курсда ташкил қилган давра сухбати ҳам аслида талабаларнинг муҳаббат ҳақидаги тортишувлари билан эмас, балки унинг маъшуқаси кўнглидаги туйғуларни илғагани, “кўзини узмай жислмайганича боқиб” турган нигоҳлари орқали уни севишини сездиргани билан аҳамиятлидир. Буни сезган, айни вақтда ўртоғининг таклифидан нокулай вазиятга тушиб қолган Сабо энтикиб ўқитувчисига қараган, шу қараши билан кўнглидаги туйғуларини ўзи истамаган ҳолда фош этиб қўйган бўлса-да, уят ва изтиробдан ёниб, ўртоқларига кулги бўлишдан кўркиб кетиб андишаси етовида бир иш қилди: Самандарнинг кафедрасига яқин бормасликка, унинг дарсларига кирмаслик ва ўзини кўрмасликка қарор қилди. Бу қарорида қатъий туришга кучи етмаслигини ҳали билмасда, ўзбекча яхши тарбия кўрган ҳаёли бир қиз сифатида сўзида туришга ҳаракат қилди. Гарчи бу асада бўрттириб

кўрсатилмаган бўлса-да, шу оддийгина қарор уларнинг ҳаётини мувозанатдан чиқариб юборди – Самандарнинг ҳаётидан ҳаловат, дарсларидан маъни, кўнглидан хотиржамлик кетди. Сабонинг ҳам тинчи йўқолди. Тўғри, бундан кейин ҳам улар устоз-шогирд, ошиқ-маъшуқ бўлиб учрашишди. Лекин мана шу вактинчалик айрилиқ бир умрлик ҳижрон йўлида босилган илк қадам эди. Самандар бу севгисининг охири йўқлигини кўнглининг бир чеккаси билан ҳис қилиб турсада, шунга қарамай маъшуқасига дил изҳори қилишга журъат этди, Сабо ҳам бунга муҳаббат билан жавоб қайтарди.

Самандар табиатан принципиал одам бўлса-да гап кўнглидаги туйғуларига бориб тақалганда қўлидан ҳеч нарса келмай қолди. Қарийб ўттиз йиллик ҳижрон йўлларида муҳаббатига эришиш учун курашмади. Чунки курашишга душман керак эди! Арзирли душман эса йўқ эди. Уларнинг шароитида висол айрилиқдан ҳам қимматга тушиб кетган бўларди.

Сабонинг ёруғ оламда борлиги ва ҳар замонда уни кўриб туришнинг ўзи унинг учун кифоя эди. Муҳаббати оловида қовурилиб яшаркан, Самандар тинимсиз унинг нималигини тушуниб олишга уринарди: “*Севги нима, биродар? – деб ўзига-ўзи савол берарди. – Усиз яшаса бўладими? У биланчи? Севги ҳаётдан мақсад, тирикликтан ягона ниишон деб ким айтди ўзи? Ким у менинг шусиз ҳам шўр пешанамга муҳаббат дардини нақши этган? Нега у менинг бирдан-бир ишишга айланиб қолди? Нега фикру ёдим фақат унда, турсам ҳам, юрсам ҳам, ўнгим ҳам тиушишмда уни дейман?, уни кўраман? Нега бу дардан қутулишининг иложи йўқ? Нега уни бир эски кийимдай ечиб-итқитиб, бошқасини харид қилиши мумкин эмас?.. Ёки у менинг табитимми? Жон билан кирган ва фақат у билангина чиқиб кетадиган айрилмас кучми?.. Балки жоннинг ўзи, менинг жонимнинг ўзи удир, ишқдир...”*. Рухиятида содир бўлаётган ишларни тўлиқ фарқлаб, нега бошқаларга ўхшаб туйғуларини “бир эски кийимдек” ечиб ташлаб кетолмаётганининг ўзи унинг бошқача яратиқ эканини кўрсатади.

Ўзининг туйғуларини баъзан фарқлаб, баъзан фарқлолмай, тафтиш қилар экан Самандар: “*Севги нима*

ўзи? Юрагим огриқقا тўлиб кетди. Фақат сенга... сенгагина айтсан огриқ мени тарк этгандек. Наҳотки, севги шу бўлса? Севги бу – огриқ ва унинг умри! Севги бу – ўзни унумтоқ ва ўзганинг хаёлига туттилмоқдир. Севги бу – ўзга ҳақида қайгуриш!” дейди. Бу фикрларидан қониқмаган ошиқ шу саволи билан Яратганга мурожаат қиласди:

– Севги нима, ё Тангрим?

– Азал билан абаддир.

Юрагингдан Мен сари

Улоққан йўл – каманддир.

Шу йўлдан юрсанг бир кун

Қошимга келадурсан.

Икки олам сирини

Бир зумда биладирсан...

Ошиқнинг саволига Аллоҳнинг жавоби ҳам унинг кўнглидаги туйғулари Яратган томон олиб борувчи ўзига хос йўл эканидан далолат беради.

Сабонинг отаси билан сухбатдан сўнг ўзлигини бутунлай йўқотган Самандар: “...Художон! Мени кўр қил, оёғимни шол эт, розиман, фақат Сабони менинг ҳаётимдан ишроқ этма! Уни кўриш баҳтидан, у билан сухбатлашиши саодатидан мени маҳрум қилма!.. Унинг ити бўлиб остонасини ялашга, қули бўлиб хизматини қилиб кун кўришига тайёр мендек одамдан марҳаматингни дариг тутма, эй, яратган Эгам!” дея ёлворади . Бу муножоти билан Самандар ўқувчига Шайх Санъон, Шайх Рӯзбеххон Фикрий муҳаббатларини эслатади. Диққат қилинса, ошиқ маъшуқаси билан бирга бўлишни, у билан оила қуриб, фарзандлар кўриб, бошқаларга ўхшаб тўқис-тугал яшашни сўраётгани йўқ. Чунки у бошқаларга ўхшамайди. Бу билан Самандар ҳам муҳаббати йўлида ўзлигидан кечиб чин ишққа мойиллигини намойиш этади. Кўринадики, Самандарга Сабонинг жисми эмас, унинг висоли, дийдорлашиш муҳим.

Сайдкамолакабилан бўлган учрашув ва Сабонинг хатидан кейин йигит чинакам мажнунга айланди. Самандарнинг кўнглидаги аламни босиш учун қўллаган чораси ҳам диққатга сазовор. Бакир билан бирга Самандарни изма-из кузатиб бораётган китобхон ҳам унинг нима қилиши, танг вазиятдан қандай чиқиши мумкинлигини тасаввур ҳам

қилолмайди. Ўкувчининг кўнглига ҳам Бакирнинг хаёлидан ўтган гап келади. Лекин Самандар ўлимни ўзига эп кўрадиган даражада жўн одам эмасди. У тоғ чўққисига чиқиб ақлдан озган кишига ўхшаб бор овози билан телбаларча қайта-қайта қичқирап экан, бу билан ўзининг вазиятига, кўнглига, туйғуларига, қолаверса, тақдирига исён қилди. Руҳиятидаги фавқулодда ҳолатдан қутулиш учун бундан бошқа чора тополмаган эди. Бакир ҳам Самандарнинг изтиробларини, кўз ёшларини кўриб ўзини тутолмай йиғлаб юборади ва: “*Вой Худойим-ей, наҳот одам боласини шунаقا севии мумкин бўлса!?*” деб ҳайратдан қотади. Самандарнинг аҳволини кўриб кишининг кўнглидан: “Балким бандаси ўзига ўхшаган инсонни бунчалар қаттиқ севгани учун Худонинг қаҳри келдимикин? Шунинг учун севишганларнинг бирлашишига йўл кўймадимикин?” деган фикр ўтади.

Самандар ўзи ва Сабо билан боғлиқ вазиятини соғлом ақл-ла баҳолар экан, аламдан: “*Аммо юрагим ёниб кетяпти, Бакир!.. Усиз қандай яшайман? Яшаши у ёқда турсин, усиз нафас олиши мумкинми ўзи? Билмайман!...*” дейди. Мана шу тўсиклар туфайли Самандарнинг ишқи илоҳийликка юз бурган бўлса, эҳтимол.

Самандар кўнглидаги изтироблар, ишхонадаги ташвишлар, ҳаётидаги чигалликлардан қутулиш учун бегона юртларда сарсон кезди, ўзини унтар даражада қаттиқ ишлади. Орада онасининг орзусини рӯёбга чиқарди – ўйланди, ўғиллик бўлди. Аёли иккинчи фарзандига ҳомиладор. У ёқда Сабо иккита фарзандлик бўлди. Лекин Самандар буларнинг барчасига ҳаёт тақозоси, тириклик талаби деб қаради. У барча мард йигитлар каби аламини ишдан оларди. Ўзидаги жамики руҳий, жисмоний қудратни тўлалигича меҳнаттга сарфлади. Токи ишдан кейин, ўзи билан ўзи ёлғиз қолганда бирор нарса ҳақида ўйлашга, муҳокама қилишга, сиқилишга кучи қолмасин. Лекин шунга қарамай, қалбида узлуксиз равища ўзининг асл ҳаётини Сабога бўлган муҳаббатдан иборат деб билар, бунга хатто ҳаёлан ҳам шубҳа қилолмасди. Ҳар сонияда бир мўъжиза юз беришини кутар, Яратган уни шундай ташлаб қўймаслигини ичдан сезарди: “*Йўқса, нега мен севдим, нега Сабо севди? Нега бизлар учрашдик? Бизларнинг кўришишишимиз*

ва севишишимиз асло тасодиф бўлмаган! Унда катта маъно бор эди ва у изсиз, мевасиз йўқолиб кетиши мумкин эмас!” деб ишонарди. Шунинг учун ҳам Сабони тинимсиз тушларида кўрар, икки ўт орасида яшарди. Унинг ўзини бешинчи қаватдан ташлаши – худ-бехуд юришларининг оқибати. У ҳам барча оддий одамлар сингари ҳам руҳан, ҳам жисман чарчаган. Лекин бандасининг Яратган томонидан белгилаб қўйилган ризқи ва умри бор. Одам бу ёруғ оламда ризқи тугамагунича ва умри поёнига етмагунича яшашга маҳкум. Самандар ҳам ўз тақдиридан қочиб кетолмасди – бу оламда ҳали унинг кўргиликлари кўп эди.

Самандар мағрур йигит. У кўнглига яқин олган кишилари Бақирга ҳам, бегона юртларда ҳамдарди бўлган Фарҳодга ҳам кўнглини ёриб, ичидагини айтольмайди. Айтса, балки енгил тортармиди. Самандар шу мағрурлиги билан ўзини ичдан емириб борарди. У ҳам ишқ деган “ўсимта”ни юрагидан қувиб чиқариб одамларга ўхшаб яшагиси, ҳаётини оиласи, фарзандларига бағишлагиси келарди. Лекин бунинг уддасидан чиқолмасди. Чунки кўнгилга ақлнинг кучи етмайди. Кўнгил ақлнинг етовига юрмайди. Баъзида, қандайдир манфаатлар устун келиши мумкин, лекин бу вактинчалик, ёлғондакам бўйсуниш бўлади. Ичкари – Кўнгил деган қудрат ўз билганини қиласверади. Самандар ҳам унга эргашишга мажбур. У ўз қилмишидан баъзида ҳижолат бўлади, баъзида ҳайрон. Шунга қарамай, ақлини йигиб бегона юртдаги сарсон-саргардонликка чек қўйиб, бола-чақасининг олдига қайтди. Уларни олиб, Тошкентга келиб ўғил-қизи ва лобар хотини учун яшашга қарор қилди. Аммо тақдиридан қочиб кетолмади. Энди бошқалардай кун кечиришга қарор қилиб турганда “Сабо” гипермаркетининг олдидан чиқиб қолиши – тақдир ўйини эди гўё.

Самандар тинимсиз “Сабо” гипермаркети атрофида айланиши, киракашлик учун бошқа жой қуриб қолгандек, шу ердан йўловчи олиб кетиши яхши эмаслигини ўзи ҳам тушуниб турарди. Лекин бошқа йўл тутолмаслиги ҳам аён эди. Олган йўловчилари Саболарнинг кўчасида туриши ҳам ўқувчини унча ҳайратга солмайди. Ошиқнинг маъшуқаси ярим ой-бир ойда меҳмонга келиб кетадиган ота уйи дарвозасининг тутқичини ўзидан баҳтлироқ деб ҳисоблаши

ҳам оддий хол бўлса керак. Акс ҳолда, бу тасвир асарга киритилмаган бўларди. Шу дарвоза олдида хаёл суриб ўтирган Самандарнинг Сабонинг онасига рўбарў келиши ҳам тақдир уни Сабо томон етаклаётганини кўрсатади. Ошиқ йигитнинг маъшуқаси онаси билан тўқнашиб қолиши, суйган кишиси ҳақида бир зумда кутганидан ҳам қўпроқ маълумотга эга бўлиб қолиши ўкувчини ажаблантирумайди. Чунки ҳаётда тасодифлар бўлмайди. Ҳаммаси тақдирнинг етовида содир бўлади.

Ёши қирқдан ошган одамнинг маъшуқаси эшиги олдида пойлоқчилик қилиб ўтириши ташқаридан қараганда жуда эриш кўриниши мумкин. Қилмишидан ўзи ҳам уялиб кетган Самандарнинг кетишига тақдири имкон бермайди – Саболарникидан “Жип” чиқади. “Киракаш”нинг Сабо ўтирган машина кетидан радио биноси томон боришдан бошқа иложи қолмайди. Чунки ошиқ тақдиридан нари кетолмасди. Орадан йиллир ўтиб радио орқали Сабонинг овозини эшитиб қолган Самандарнинг йиғиси, гарчи эркак кишининг йиғисига одам ўрганмаган бўлса-да, ўкувчининг гашига тегмайди, аксинча, ачиниш ҳиссини уйғотади. Кўнглининг бир чеккасида Самандар учун шукrona айтади.

Самандарнинг аёли Солиҳанинг самимий муносабатидан виждони қийналиши ҳам, оиласи олдида ўзини гуноҳкор ҳисоблаши ҳам табиий. У – виждонли, ҳалол, мард йигит. Шунинг учун ҳам бир умр изтиробда яшайди. Мастилик – ростлик деганларидек, аёлининг оёқларини ўпиши ҳам шундан. Айни вақтда, у кўнглидаги девонавор ишқидан ҳам, Мажнун ҳақидаги қараашларидан ҳам юз ўгира олмайди. Оиласидаң, бошқа бурчларидан воз кечиб, Мажнундек фақат ишқи кўйида яшамаётгани учун ўзидан ёзғиради.

Самандар ҳар жумани телбаларча кутар, радиодан Сабонинг жон олғучи овозини эшитар экан бошига илк марта муҳаббат савдоси тушган бир ўспириндек севинарди. Ёш йигит кўнглидаги туйғуларини фарқлай олмаслиги, ичида нималар кечәётганини англамаслиги мумкин. Лекин Самандар ёши бир жойга борган, оиласи эркак сифатида Худога ёлворишдан бошқа иложи йўқлигини тушуниб туради. Ўзининг қўлидан ҳеч нарса келмагани учун ҳам: “Нега ишқ олови юрагимни куйдириб азоб беради-ю унинг

тафтини босгулик бир сабаб юбормайсан тақдиримга? Майли, Сабони менга берма, майли, мени ундан узоқроқقا олиб кет, майли, уни ҳеч қачон күрмай кетай! Барига розиман! Аммо күнглимдаги ишқ оловига муздай сув сеп ёки уни бошқа бирор үзанга буриб юбор!... Тұхтат мени, оллохым, бу йүлдан!..." дея Яратганга илтижо қиласы.

Шундай изтироблар ичидеги умрнинг ярми үтиб бўлганда у шундай хulosага келди: "...ишқ инсоннинг ақл мантиги билан унчалик ҳисоблашмас экан. Аксинча, унинг ўз мантиги бўларкан: бу мантиқ эса ҳеч қандай қолилга-ю қоидага тушишмас экан. Демак, ишқ мантиги бу мантиқсизликдир". "...руҳсизлигининг сабаби – Сабо! Сабо унинг ҳаёти, умрининг бош маъноси экан! Энди уни ҳис қилмай, унинг овозини, гапларини, нафасини эшиштмай яшаши ўлимга тенг!". Самандар эрлик виждони ва инсоний кўнгли орасида сарсон-саргардонликда яшади. Бир умр "Сени дея сенсиз яшадим!" деб ўтган қаҳрамоннинг муҳаббатга берган таърифи балки кўнгил кишисининг, фикр кишисининг орзуидир?! Самандарнинг "Эгасига юборилмаган мактублар" дафтариға ёзганларини ўқигани сари кишининг эти жимирлайди. Унинг ягона дарди Висол! Висол! Висол! У қачон бўлишининг ошиқ учун аҳамияти йўқ. Ошиқнинг тилаги – фақат у бор бўлсин! Қачондир Висол бўлишининг ўзи ошиқ учун баҳт. Унга бошқа нарсанинг кераги йўқ. Лекин висолнинг бунчалар жўн, оддийгина бўлишини ўқувчи тасаввур ҳам қилолмайди. Балки инсон билан инсоннинг висоли шундайдир? Янги ёқсан қор сабаб икки машинанинг тўқнашуви ва ошиқ-маъшуқларнинг учрашуви – иккаласи учун ҳам йиллар давомида куттилган учрашув! Ҳар иккиси ҳам бутун ҳаёти давомида кутгани висолни балки бошқача таърифлаб ҳам бўлмас? У мана шу соддалиги билан ҳамма нарсадан устундир, балки? Буни фақат ошиқлар билади. Ўқувчи эса ўз ўйлари, саволлари куршовида ҳайратда қолаверади.

Ошиқ-маъшуқларнинг ўzlари билмаган ҳолдаги сўнгги учрашуви китобхон кўнглида исмсиз туйгуларни қўзгайди. Наҳот шунчалар буюк муҳаббатнинг висоли хотиралардан, шу кичкинагина сухбатдан иборат бўлса? Наҳотки ошиқ-маъшуқлар бир умр кутганлари висолдан шундан ортиқ

нарсанни исташмаса? Балки кўнглидаги ишқи илоҳийликка даъво қиласидиган одамлар шунаقا бўлишар, деган фикрлар ўтади кишининг хаёлидан. Ёзувчи бу илоҳий ишқни бандалар кўнглидаги муҳаббат даражасига тушурмоқчи бўлади, шекилли, таксига ўтиришганда Самандар Сабонинг тиззасида титраб турган кўлларини тутади. Бу ҳаракати эътиrozга сабаб бўлгач, “кечир, атай қилмадим” дейди. Ҳа, у бу ишни атай қилмагани аниқ. Буни маъшуқаси ҳам тушунади. У туйғуларини бошқаролмади, ўзини идора қилолмади, бу табиий ҳам. Лекин барибир, инсон хом сут эмган банда, Сабони кўтариб кўлмакдан ўtkазиб қўйган Самандар маъшуқасини бағридан чиқаролмай қолганда иккаласи ҳам ўзлигини идора қилолмай қолади. Бу ҳам табиий. Ахир улар – инсон! Қалблари бир-бирларига ташна бўлиб кетган одамлар! Агар шу ерда индамай иккаласи икки томонга тарқалганда, бу ёлғон тасвир бўларди.

Сабо лом-мим демай эри билан Москвага кетиб қолганда ўн йиллик Сабосизликдан телбага айланган Самандар яна ҳижроннинг исканжасида қолади. “*Сабо... Сабогинам! Қаердасан? Кўрмайсанми, сенсиз нима ҳолга тушдим!.. Нега мени ташлаб кетдинг? Ахир мен сендан молу давлат сўрамадим, васлингни талаб қилмадим! Бор йўғи борлигинги, борлигинги сезиб, ҳис қилиб яшаши бас эди менга. Ўзингни кўрмасам ҳам ҳар ҳафта овозингни эшишиб ҳаётга талпинишнинг ўзи кифоя эди менга*”, дея ёлворади. Бу тасвirlар ўкувчи кўнглида ачиниш ҳиссини уйғотади. Бир йигитни шунчалар эзиш мумкинми? Лекин, шу билан бирга Сабони ҳам қоралашга ҳадди сиғмайди.

Ўз муҳаббатининг қулига айланган Самандар туш билан рўёни фарқлолмай қолаётгандай яна маъшуқасига телбаларча мурожаат қилиб: “*Сен бормидинг ўзи ё ҳаммаси хаёлимда эдими, билмай қолдим, Сабо! Сен билан бирор марта бўлсин, ҳаётимизда юзма-юз кўришганмизми ўзи ёки нимаики бўлган бўлса, бари тушиларимда кечдими – билмайман, Сабо!*” дейди. Тинимсиз мана шундай хаёллар куршовида яшаш кишини ақлдан оздириши ҳеч гап эмас. Самандар ниманинг киясига қолди? Нега Аллоҳ унинг кўнглига бундай изтиробли ишқни солди? Лайли ва Мажнуналарга ҳавас қилгани учунми? Уларни тушунишга

ҳаракат қилгани учунми? Ўйланиб қоласан, киши.

У бутун ҳаёти давомида ўз муҳаббати билан бирорга ҳалақит бермасликка тиришди. Бошқалар – онаси ва жигарлари, аёли ва фарзандлари уни деб азият чекишиларини истамади. Ҳар иккала севишганинг қалбидаги туйғулари, изтироблари ўзлариники. Бунинг жабрини ўзгалар тортиши мумкин эмас. Шу боис ҳам улар ўзларига дахлдор бўлган кишилар учун муҳаббатларини, ўзларини қурбон қилиб яшашди. Бир умр кўнглидаги туйғулари билан курашиб яшаган ошиқ-маъшуқлар бир кунда, бир хил дард – юрак хасталиги билан бу дунёни тарк этди. Бундай ишқ дардини бандасининг юраги бунчалар узоқ кўтариб юришининг ўзи ҳам ажабланарли.

Асардаги Сабо тимсоли ҳақида гапириб, шуни айтиш мумкинки, романни ўқиш жараёнида китобхоннинг хаёлидан Самандар маъшуқасини кўрмасдан олдин кўнглида мавжуд бўлган муҳаббатни Сабо орқали намоён этган, деган фикр ўтади. Самандар Сабони гўзалдан олиб гўзалга солмайди, муаллиф ҳам унинг ташки қиёфасини кўкларга кўтариб мақтамайди. Ёзувчи асосий эътиборни унинг ички гўзалигига қаратади.

Сабо Самандарнинг муҳаббати ифоридан маст бўлиб бунинг орқасидан нималар келиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмай, Яратганга илтижо қилиб: “*Вой Худойим, агар муҳаббат баҳт бўлса, мен поинингга тиз чўкиб, ишқдан ўзга баҳт сўрамайман! Менга шуни бер ва то тирик эканман, мени ундан маҳрум айлама! Мен ишқнинг уйида сўнгги нафасимгача қолишини истайман! Ишқ билан кўз очиб, ишқ билан кўз юмсан дейман! Мени шу ерда тўхтат, мени ҳаёт деб атальмии узун йўлнинг ишқbekatiда тушириб ва унумтиб қолдир, эй Парвардигор!*” дейди. Пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в). ҳам умматларини ҳар хил яхши-ёмон тилаклар билан яратганга мурожаат қиласвермасликка чақириб: “...*Аллоҳдан ижобат бўладиган соатга тўгри келиб дуюингиз қабул бўлиб қолмасин!*” дея огоҳлантирган эканлар¹. Сабонинг бу ўтинчини Аллоҳ даргоҳида қабул қилиб қолган бўлса керакки, ишқи туфайли бошига шунча кўргиликлар тушиди. Бир умр кўнглидан бу ишқни ситиб

¹ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. З-жуз. Т.: Шарқ, 2006. 13-6.

чиқаролмай, ҳаёти изтироб ичиди ўтди. Аллоҳ унга сўраган нарсасини кутганидан зиёда қилиб берди.

Унинг кейинги тутумлари ҳам мана шу табиатидан келиб чиқади. Сабо калта ўйлайдиган қиз эмас. У бир ўзбек қизи сифатида ота-онаси олдида ўзини бурчли ҳисобларди ва шунинг учун ҳам отаси айтган одамга турмушга чиқди. Бир аёл сифатида эрига хиёнат қилмай, ўзини унинг ихтиёрига топширди. Бир она сифатида фарзандларига ҳам хиёнат қилмади. Ўзини, муҳаббатини охирги ўринга тушириб яшади. Бурчларидан кечмади. Лекин инсон иродасининг ҳам чегараси бор. У тўйиб кетди. Ягона йўл – ўлимни танлади. Бир аёл қилиши мумкин бўлган охирги чора эди бу. Сабонинг ўлеми ҳам айрича, табиий. Бошқа кўпчилик аёлларга ўхшаб ўзини сувга отиши, осиб қўйиши ёки заҳар ичиши ҳам мумкин эди. Бундай ўлимлар унинг даражасидаги аёлга муносиб эмасди. У ўзига хос ўлимни танлади.

Сабони иродасизликда ҳам айблаб бўлмайди. У севгиси учун қўлидан келганича курашди. Лекин бир фарзанд сифатида, ўзбекнинг қизи сифатида ота юзига оёқ босолмасди. Олдида тиз чўкиб, ўз шаъни, обрўси, ҳаётини гаровга қўйиб турган отасининг қаршисида қайси қиз тек туролади? Камол раҳбар билан Сайдкамол ака ўртасидаги фарқ шунда эдики, Нилуфарнинг отаси қизига гапини ўтқизолмай “йўқол, кўзимга кўринма!” деб қизини оқ қилди-ю ташқарига чиқиб кетди. Сайдкамол ака эса оқиллик билан фарзандининг ваъдасини олмагунча тиз чўккан жойида ўтираверишини айтиб, қизини синдира олди. Бундан ким ютди-ю ким ютқазди? Буни отанинг ғалабасидан ҳам кўра ҳар икки томоннинг тақдир олдидаги мағлубияти эди, дейиш тўғрироқ бўлса керак.

Тақдирга тан бериб бошқа одамга турмушга чиқишига рози бўлган Сабонинг Бакир орқали Самандарга юборган хатида кишини безовта қиласидиган ҳеч гап йўқ. Ҳаммаси ақлли гаплар. У шу хати билан Самандарнинг ишқини илоҳийлаштиргандир, балки. Муҳаббатдан бундай чекиниш маъшуқа томонидан бўлиши ҳам табиий. Чунки айнан қиз бола ўзини отасининг олдида кўпроқ бурчли деб ҳисоблайди. Қиз бола ҳамиша ўзини яқинлари учун қурбон қилиб яшайди. Барча ўзбек қизлари қатори Сабо ҳам

бошқача бўлолмасди.

Гарчи, отаси учун муҳаббатини қурбон қилиб у истаган одамга турмушга чикқан бўлса ҳам, икки ўт орасида қолган, бир умр виждан азобида яшаётган Сабо ўртоқларига: “Бир эркакнинг хасми ҳалоли бўлиб, тузини ишиб, у билан бир ёстиққа бош қўйиб, яна тунлари тамомила бошқа эркакни туши кўриши изтиробларини ҳеч кимга, ҳамто, душманимга ҳам тиламаган бўлардим. Бунинг азоби қандайлигини биласизларми, озгина бўлса ҳам ҳис қиласизларми?” дейди. Бу гапларидан Сабо ўзини бир умр айбдор ҳисоблаб, виждан азобида яшаётганини англаш мумкин.

Шу эътирофдан кейин ўртоқлари Шаҳло ва Назира ҳам уни бир оз ҳис қилгандек бўлишади. Ўртоқларига раҳмлари келади, ачинишади, айни вақтда ажабланишади ҳам. Чунки улар – ҳаёт ташвишларию манфаатлар юки билан яшаётган оддий одамлар. Сабо ва Самандар эса кўнгил кишилари. Бакир ҳам худди шундай, дўстини кўнгли билан эмас, ақли билан тушунишга ҳаракат қиласди.

Ўзи ташкил қилган фироқда эзилиб кетган Сабо Самандар Зоҳиднинг янги китобини дугонаси Шаҳлонинг кўлидан юлиб оларкан: “*Наҳотки! Наҳотки!* – дерди унинг лаблари тинимсиз пичирлаб. Кўзларидан эса аччиқ ва қайнок ёшлар сўлиброқ қолган яноқларини ювиб тушарди. Сабо бир китобга қарар, бир уни ўтиб бағрига босар, кўзларига суртар, “шукур, шукур...” дерди тинимсиз”. Китобхон бу тасвирларни ўқиркан, Сабонинг шундай ҳолатга тусиб қолганига раҳми келиб томоғига йиғи тиқилиб қолади, беихтиёр: “Ё Раббим! Наҳотки ишқ деган савдо шунчалар кудратли бўлса? Наҳот инсонни шунақа телбанамо қилиб қўйса?” деган фикр ўтади кўнглидан.

Одамлар онгига аёл киши учун оиласи, фарзандлари ҳамма нарсадан устун деган тушунча ўрнашиб қолган. Бу ҳаётий ҳақиқат Сабонинг кўрган туши мисолида ҳам акс этган. Лекин кўнгилда чинакам ишқ бўлса, айниқса, унга аёллик, оналик бурчи кўндаланг турса, аёлнинг ҳаёти дўзахга айланаркан.

Бир қараганда, Сабо билан Самандарнинг учрашувлари уларга тақдирнинг иноятига ўхшайди. Машиналари тўқнашган ерда Самандарни кўриб қолганда қандай

аҳволга тушганини, кўнглидан нималар ўтганини Сабонинг ўзи билади. Бу икки севишганинг сұхбатидан Сабо ўзини айбдор ҳис қилиб юрганини ва буни Самандарга билдиришни истагани сезилади.

Сабонинг ўғли ҳам, қизи ҳам манфаат кўйида юрган миллиардлаб одамларнинг бири. Уларнинг, айникса, ўғлининг онасини тушунолмаслиги, унинг радиодаги чиқишиларидан ор қилиши, ойисининг иши туфайли “кўчада бош кўтариб юролмай қолиши” ҳам бугуннинг одами сифатида унинг учун табиий ҳол. Сабо ўғлини тушунади. Бир она сифатида: “Улар менинг юзимдан бирорвнинг олдида изза бўлишиларига йўл кўймаслигим керак. Нима бўлса ҳам, бошимга тошлилар ёғилса ҳам, аввало, уларни ўйлашим, улар ҳақида ғамхўрлик қилишим лозим!..” деб ҳисблайди. Шунинг учун ҳам яхши кўрган ишидан, Самандар билан боғлаб турадиган ягона илинждан воз кечади – эри билан Москвага кўчиб кетади. Лекин у бу билан ўзлигидан қочиб кетолмасди. Кўнглидаги дарди қаерга борса ҳам у билан бирга бўлишини, уни ҳамиша қийнашини сезиб турарди. Аммо бир аёл, она сифатида унинг бошқа чораси ҳам йўқ эди. Аёл – ота, оға-ини, эр ва фарзандар учун қурбонлик.

Москвада ҳаётидаги бир қатим нурдан ҳам маҳрум бўлган Сабонинг соғлиғи янада ёмонлашади. Эри унинг юрагини (худди машина мурватини алмаштиргандек) алмаштирса, ҳаммаси яхши бўлиб кетади, деб ишонади. Лекин Сабодайин ошиққа соғлом юрак керакмикин? Тошкентдан дугонасини юрак алмаштириш операциясига кўндириш максадида борган Шаҳлога унинг: “Нима дейсан, янги юрагимга у келармикин?” деган саволи, гарчи, ҳазиллашиб айтилган бўлса-да, аслида операциядан қочиб кетишига асос эди. Ошиққа ишқсиз юракнинг кераги йўқ. У шунчаки яшашни ўзига эп кўрмайди.

Сабо тимсоли ҳақидаги фикрлар якунида шуни айтиш мумкинки, ижобий қаҳрамоннинг шевада гапириши бир оз кишининг ғашини келтиради. Лекин шева сўзларини кўп қўллаш фазилат эмас.

Замонавий ишбилармон кишилар шахсини ифодаловчи Шердил тимсоли ҳақида гапириб, шуни айтиш мумкинки, инсон асли ўз характеристери билан туғилади. Тақдири табиатига,

табиати тақдирига эш бўлади. Шердил бугуннинг минглаган одамларидан бири. У болаликда, қишлоқда Самандар билан бирга қўй боқиб юрган кезларидаёқ бунинг дастлабки белгилари ўз нишонасини кўрсатган эди. Отаси олиб келган шиша ичидаги “شاҳарча”га тийиқсиз муҳаббати орқали муаллиф бунга ишора қилган. Орадан йиллар ўтиб бугунги техника замонининг эгаларидан бирига айланган Шердил телестудияда бўлган мулокотдан сўнг севги ҳақида ўзича шундай хуносага келади: *“Севги-муҳаббат эмиш, деди худди бирор билан баҳслашаётгандек, – мана у нима! Ҳаммасининг борар жойи – шу! Сен хаёлингдаги муҳаббатдан оғиз тўлдириб гапиришидан нарига ўтолмайсан, мен эса уни қучиб ўйнайман. Мен турмайман бир жойда, ҳаракат қиласман... сен эса фақат ўйлайсан. Мана фарқимиз қаерда, Самандар!..”*.

Ўзининг қарашларини Самандарга тушунтиromoқчи бўлиб уни меҳмонга таклиф қилган Шердил аввалига болалик дўсти билан жуда самимий ўтиради. Сўнгра дўстини шаҳардаги энг гўзал Сабо билан меҳмонхонада қовуштиради. Лекин у, Самандар айтмоқчи, ўз ҳақиқатини ўзи учун исбот қилди, холос. Самандарнинг фикри бу борада бўлакча: *“Ошиқ ва маъшуқнинг нафақат ҳиссий дараҷсалари, балки маънавий савиялари ҳам юксак бўлса, ҳеч қандай “тўшак” уларнинг муҳаббатларига рахна сололмайди”*.

Шердил ўзининг қанчалар ноҳақ эканини Самандарнинг қабри устида эътироф этди, лекин ўзи айтмоқчи кеч эди. Фақат унинг сўнгги иқори китобхонни лол қолдиради: *“Саман, мени кечиришинг керак. Чунки мен сен билмаган бир мудҳииш ишга қўл урганман. Ҳа-ҳа, мудҳииш бир хатога! Мен... мен Сабони сендан тортиб олганман. У менинг хотиним, болаларимнинг онаси эди...”* Бу ҳақиқат, бу эътироф ўкувчини ҳайратда қотириб қўяди. Чунки асада Сабо кимга турмушга чиққани ҳақида бир оғиз ҳам сўз айтилмайди. Ҳамма ўринларда учинчи одам Сабонинг Эри сифатида тасвирланади. Китобхон ҳам унинг кимлиги, исми нималиги билан ҳеч қизиқмайди. Чунки ўкувчи учун бу унча муҳим эмас эди. Бир миллионер – тамом! Шердилнинг яна бир гапи ўкувчини ҳайратга солади: *“Сабо ҳам... сен билан бир кунда... бир вақтда мени ташлаб кетди...”* Балки

бу ҳақиқат муаллиф тилидан айтиса, бунчалик таъсирли чиқмас эди. Ёзувчи буни Шердилнинг тилидан айттириб, илохий ҳақиқатни – Аллоҳ томонидан белгилаб қўйилган мезонларга хиёнат қилган кишилар ҳамиша шундай хорликка маҳкум эканликларини асосламоқчи бўлгандай.

Романга киритилган Нодир ва Нилюфар қиссани, менинг назаримда, анча жўн. Бу қиссани (*ёзувчининг асл дардини айтиши учун солинган киннани*) романга киритиш билан муаллиф ҳали мактаб ўқувчиси бўлган Самандарнинг муҳаббат деган туйғуга муносабатини кўрсатиш, шу орқали унинг шахсиятини китобхонга яққолроқ намойиш этишни назарда тутгани маълум, албатта. Бу қисса баъзи ўринларда ўз вазифасини ўринлатган ҳам. Лекин бу ҳикоя олиб ташланиб, Самандар билан Азизанинг Лайли ва Мажнун ҳакидаги суҳбати кенгайтирилса, бош қаҳрамоннинг “мен” и янада тугаллашармиди?! Ахир у “Лайли ва Мажнун”ни қайта-қайта ўқиган, деярли бутун достонни ёд билади. Самандар – Сабо тимсолида ўзи ўша ўсмирлик йилларидан бери орзу қилган, йиллар мобайнида хаёлида, кўнглида олиб юрган маъшуқасини, ўз Лайлисини ясаб олган Мажнун. Чунки у ҳали Сабони танимай, билмай туриб ҳам кўнглини ўзи билмаган ҳолда кимгадир, нимагадир топшириб бўлганди.

2009.

КЎНГИЛДАН СИЗГАН САТРЛАР

Ўзбекистон ҳалқ шоираси Ҳалима Худойбердиева қаламига мансуб “Мен сени топгандим...”¹ шеъри мазмун-моҳияти билан кўнгил битиги ҳисобланади. Унда баланд орзулар дунёсида кезган ёш бир қалбнинг изтироблари самимий тасвирланган.

Бу асарнинг қаҳрамонини барча шеърларга “эгалик” қилувчи қиёфасиз “лирик қаҳрамон” дейиши учун шеърларни ўзгараётган. У ҳеч кимга ўхшамаган, ўз қалби ва ўзгача туйғулар соҳиби. Шунинг учун шеър қаҳрамонини оддийгина қилиб Киз деб аташ мумкин. Унда, аввало, Қизнинг ёшлиқда билиб-билмай қилиб қўйган хатоларидан чеккан изтироби,

¹ Ҳ. Худойбердисева. Садоқат. Т.: Faafur Fulom nomidagi Adabiyet va san'at nashriyoti, 1983. 99-б.

бунинг устига шу хатолар туфайли иккинчи бир қалбнинг бесабабдан-бесабаб жабрланганини хис қила туриб кўнглидан кечётган руҳий қийноклари тасвирланган. Ушбу битикдаги ҳар бир мисра рост. Бор-йўғи уч банддан иборат бу шеърнинг ҳар бир сатридан кўнгил дардининг зардоби сизиб турибди.

Бу шеърга, менимча, адабиёттаганувдаги назарий ўлчовлардан кўра руҳият мезонлари билан ёндашиш маъқулроқ бўлади. Унда қаҳрамон туйғулари ифодаси кўнгил кишиси бўлган шеърхонни мувозанатдан чиқаради, қалбини жунбишга келтиради. Бундай безовта вазиятда шеърхон ҳам самимий бўлади.

Шуни айтиш жоизки, шу шеър асосида яратилиб, Ҳилола Ҳамирова томонидан ижро этилган қўшиқ сўзнинг таъсир кучини янада оширган. Шеър сўзи билан куйи бир-бирига монанд қўшикка айланиб, ҳар иккиси тингловчи ва ўқувчи кўнглидаги туйғуларга ҳамоҳанг бўлгандা, сўзнинг таъсир курдати янада ортади. Баъзи қўшиклар бор, мусиқаси ёқимсиз бўлганидан гўзал сўзнинг таъсир кучи ҳам йўқолиб кетади. Ҳ. Худойбердиеванинг ушбу шеърига куй ёзган бастакор сўзни шунчалар нозик хис қилган, унга монанд куйни кўнгли билан топганки, қўшиқ самимий ижроси билан тингловчига ҳузур бағишлайди.

Шеърнинг биринчи мисрасида ёқ қаҳрамоннинг романтик туйғулар эгаси эканлигини кўриш мумкин:

Мен сени топгандим, аммо яҳши қол,

Сен: “Яҳши қол!” – дегил, “Кўришгунча” мас.

Бул қуёш ҳали кўп ол бўладир, ол,

Бул ой ҳам умримга кўп қиласадир қасд.

Мисрадаги “топгандим” сўзи шундан далолат беради. Инсон “топдим” деган сўзни қидирган, истаган ёки орзу қилған нарсасига эришганда кўллади. Демак, Қиз йигит тимсолида орзусидаги муҳаббатни, ишқида телбavor Мажнунни топдим деб ўйлаган. Шу мисранинг ўзидаёқ “аммо” сўзининг келтирилиши унинг адашгани, муҳаббат борасида хатога йўл кўйганини кўрсатади. Тийиксиз туйғулар етовида юрган, хаёлан оқ отлик шаҳзодани кутган бўй қиз ўз наздида орзуларига эришган эди, лекин у висолдан кутилган натижани – баҳтдан мастлик лаззатини туёлмади.

Орзулари сароб бўлиб чиққанини тезда пайқади.

Албатта, шеърда кўнгилдаги муҳаббатнинг топилиши билан унинг сароб эканини англаш ва бу муҳаббатдан воз кечгунгача бўлган оралиқдаги ҳаёт машақатлари, “яхши қол” деган қарорга келгунгача рухиятда рўй берган кураш ҳамда бу жараёндаги қийноқлар ҳақида ҳеч сўз дейилмайди. Орадаги бутун бошли ҳаёт “топгандим” ва “аммо” сўзлари ҳамда улар орасидаги вергулга жойлаштирилгандек тасаввур пайдо бўлади кишида: “Мен сени топгандим, аммо яхши қол”. Буни руҳи безовта шеърхон ўзи англаб олади.

Қўринадики, Қиз жуда катта журъат эгаси. Одатда аёллар итоаткор, тақдир етовига бўйсунувчан яратик бўлади. Аёл табиатан орқасида суюнчиги бўлишига мойил. Шоиранинг қаҳрамони эса исёнкор. У тақдирга қарши чиқа олган, узулкесил қарорни қабул қилишга ўзида куч топа билган аёл. Бунга ҳамма аёл ҳам қодир эмас. Қиз эртага ҳаётида нималар бўлишини, келажакда уни қандай синовлар кутаётганини билмайди, лекин муҳаббатсиз яшашни, айбсиз бир одамни алдашни истамайди. Қолаверса, нега шундай қилаётганини асослаб ҳам ўтирумайди. Унинг асоси шеърхонга бутун матнни ўқиши давомида аён бўлади.

Банднинг иккинчи мисрасида қаҳрамон Жабрланувчига ҳеч қандай умид қолдирмайди, у билан абадий хайрлашишини маълум қиласди: “Сен: “Яхши қол!” – дегил, “Кўришгунча” мас.” (таъкид бизники – Қ.Х.). Қизнинг қарори ўтинч эмас, қатъий ҳукм. Лекин бу ҳукм шеърда ўта юмшоқлик билан баён этилган. Агар бу фикр “яхши қол” дегин” ёки “яхши қол” де” тарзида ифодаланганда эди, талаб, буйруқ оҳанги юзага келган бўларди. “Сен “яхши қол” дегил” – яъни “н” товуши ўрнига “л” товушининг кўлланилиши ифодани анча юмшатган. Чунки қиз дил оғрифининг ҳисоб-китоби борлигини жуда яхши билади. Шунинг учун имкон қадар оғриқни юмшатишга, иккинчи бир қалбни аяшга ҳаракат қилган.

Кейинги икки мисра шоира билгичлигининг исботидир: “Бул қуёш ҳали кўп ол бўладир, ол, Бул ой ҳам умримга кўп қиласди қасд”. Күёшнинг “ол бўл”ишида Қиз учун табиатнинг жазоси бор. Маълумки, Күёш ўз нурлари билан баъзи яратиқларни яйратиб-яшнатса, баъзиларини

қовжиратиб-куритиб юборади. Бу ўринда Қизнинг ўз хатти-ҳаракатини иккинчисига дахлдор санаши кўринади. Қолаверса, ой ҳам қуёшга шерик. У ҳам жафокор қизнинг умрига қасд қилади. Маълумки, дардкаш инсон кечалари бедор бўлади. Бедорлик эса кишини ўйлашга, хатти-ҳаракатларини тафтиш қилишга мажбур қилади. Бу тафтиш жараёнида Қиз хатолари учун ўзини ўзи “еб” боради ва бу пушаймон ва ҳижолатлик, ўз-ўзидан унинг умрини эговлади – жонига қасд қилади. Ўшбу мисраларни ўқиган кишида қиз ушбу вазиятда ақлининг эмас, кўнглининг етовида иш тутгани учун табиат ҳам уни жазолайди, жабрланган бир кўнгил учун ундан ўч олади, деганга ўхшаш тасаввур пайдо бўлади. Айни замонда шеърхон инсон ҳамиша ҳам ақлининг етовида юра олмаслиги, баъзан кўнгли ғолиб келиб, дил амри билан иш кўргани сабаб жазоланиши ҳақида ўйга толади. Ҳаётда шундай вазиятлар бўладики, баъзан кўнгил тилакларини босишга инсон ақлининг кучи етмай қолади. Одам ақлда ихтиёри бўлса-да, кўнгилда беихтиёр бўлади. Айни вақтда, кўнгил етовида юргани боис кўп туртки ейди, азоб тортади. Одам бу ҳолни тушунолмайди ва адолатсизлик санайди. Инсон ҳар қандай интилиш висол билан якун топишини истайди. Адабиётшунос Қозоқбой Йўлдошевнинг: “... ҳар қандай айрилиқ ҳам инсонни учрашув томон, висол сари етаклайди. Биз ҳаёт ва инсон туйғуларининг инжа акси бўлмиш шеъриятда ҳам тасвир нишаби, албатта, шу томонга (висолга – таъкид бизники Ҳ. К.) бурилишига кўникканмиз”, – деган фикри ҳам шундан далолат¹. Лекин қарангки, висол ҳамиша ҳам, ҳаммага ҳам кутилган натижани беравермас экан. Ҳар бир инсон ўзича бетакрор яратиқ бўлгани каби унинг тақдирни ҳам қайтарилмас экан. Ҳамма ҳам умумий мезонларга тушавермас экан. Аллоҳ инсонга ҳамиша, ҳар қандай муаммоли вазиятдан чиқиши йўлини унга танлаш имконияти билан тақдир қиларкан. Танлаш эса ўша одамнинг характеристи ва маънавий оламига боғлиқ бўларкан. Шеърнинг қаҳрамони ҳам ўз тақдир йўлини ўзи танлайди.

Банднинг бу сўнгги мисрасида “бу” кўрсатиш олмоши

¹ Қ. Йўлдошев. Парда ортидаги нафис туйғулар. “Хордик” газетаси, 2009 йил 11 июнь.

“бул” шаклида қўлланган. Биттагина “л” товуши қизнинг исёни даражасини бир қадар юмшатиб, иккинчи бир дилни оғритгани учун кечайдиган изтиробини кучайтирган. Мисралардаги “бўладир”, “қиладир” сўзларида ҳам охирги “р”нинг орттирилиши ифодани маълум даражада юмшатган. Жазо қўлами ning кенглигини яхши англаб турган исёнкорнинг хатти-ҳаракати ошиққа оғир ботмаслиги учун шундай қилингандай тасаввур пайдо бўлади, ўкувчида. Шеърнинг бу мисраларидаги ифода ‘Бу қоёш ҳали кўп ол бўлади, ол, Бу ой ҳам умримга кўп қиласди қасд’дан кўра анча юмшоқ эканлиги ҳам кўриниб турибди.

Шеърнинг иккинчи бандида ғамга ботган “айбдор” ўз ёғига ўзи қовурилаётгани тасвиранган:

*Сен шерик бўлмайсан энди ғамимга,
Дарвоқе, ҳеч қачон шерик қилмадим.
Хайр энди, маъзур тут ортиқ-камимга,
Мен сени Лайлидай сева олмадим.*

Киз дард-изтиробларини ҳеч ким билан бўлишолмайди, жабрдийда йигит билан-ку, инчунун. Чунки у билан авваллари ҳам ҳеч нарсани ўртоқлашмаган, на ғамига, на шодлигига уни шерик қилган. Боиси, улар аслида бошқа-бошқа дунёning одамлари. Киз йигитни камситмайди, лекин йигит уни ҳеч қачон тушунолмаслигини ҳам яхши билади. Йигитдан ёзғирмайди ҳам. Бу йигитнинг ҳам айби эмас. Балки мана шу ҳақиқат қизнинг дардини енгиллаштирас?! Виждони олдида ўзини оқлашга асос бўлар?! Буларнинг ҳаммасини англаб етган, фақат кечроқ тушунган қиз ошиғига бор вазиятни тушунтиришга ҳаракат қиларкан, ҳамма-ҳаммаси учун уни кечиришини сўрайди: “...маъзур тут ортиқ-камимга”.

Йигитнинг аслида кимлигига ақли етиб турган қиз қандай қилиб ошиғини Лайлидек сева олсин? Лайлидек севиш – ошиқ учун ўзликдан кечиш-ку! Шеърда ошиқ ва унинг табиати ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Лекин қизнинг назарида у Лайлидек севишга муносиб эмас, туйғулари жўш урган, орзулас қанотида учиб юрган қиз истаган одам эмас. Шундан келиб чиқиб, йигитнинг кимлигини тахмин қилиш мумкин. Агар у туйғулар кишиси бўлганида шоиранинг қаҳрамони: уни “Лайлидай сев”иб қолиши табиий ҳам эди

ва “Лайлидай сева олма”гани учун ҳижолат чекишига ўрин қолмасди. Қолаверса, севиш ёки севмаслик инсоннинг ихтиёрида эмас. Севиш – кўнгилнинг иши. Уни одам ақли билан бошқаролмайди. Агар муҳаббат ишига ақл аралашса, у муҳаббат эмас, ҳисоб-китобга айланади. Демакки, бу туйғу рост бўлмайди. Шеърнинг қаҳрамони – қиз эса ёлғонларга қодир эмас. Ўзини ҳам, ўзгани ҳам алдагиси йўқ. Шунинг учун мардана воз кечишига ўзида куч топа олган. У тақдирга тан бериб, борига шукур қилиб, кўнишиб яшайверадиганлардан эмас. У бошқача яшашга буюрилган одам. Шу боис ошиғидан чинакамига рози-ризолик тиламоқда, абадул-абад видолашмокда: “Хайр энди...”.

Шеърнинг учинчи бандида асар қаҳрамонининг йигитга ачинаётгани яққол сезилади:

*Ўртанима бул хато мушкулларидан,
Ё раббий, лаҳзада бор орзулар пуч.
Мен ҳам қайдан билай ишқ йўлларида –
Мажнун эмас, Сенга келаримни дуч...*

Ҳар иккови тушиб қолган ҳолат хатонинг оқибати. Бу хатода, балки ҳар икки тарафнинг ҳам айби бордир. Балки, иккаласи ҳам бир-бирини севмас. Фақат тақдирларида шу кўргилик борлиги учун йўлиқишигандир. Йўл қўйилган бир хато сабаб кишининг бошига олам-олам ташвишлар ёғилиши мумкин. Ошиқ ҳам фикр кишиси эканини қиз билади. Шунинг учун ундан қийналмасликни ўтинади. Ўртанимасликнинг албатта, иложи йўқ. Маънан соғлом одам тақдиридаги, ҳаётидаги муаммолардан, айниқса, бу каби номутаносибликтан, ўйламай босиб қўйилган қадамлардан қийналмаслиги мумкин эмас, албатта. “Ё раббий, лаҳзада бор орзулар пуч” мисраси ушбу вазиятдан қиз ларзага тушаётганини кўрсатади. Бу мисрадаги “лаҳза” сўзида “аммо яхши қол” деган видолашув иборасининг айтилгунигача бўлган оралиқ назарда тутилган. Бу сўзни айтиш қизнинг ўзини ҳам қўрқитиб юборган. Лекин айтилган гап, отилган ўқ – ҳаммаси тамом бўлди.

Банднинг сўнгги икки мисрасида шеър қаҳрамонининг армонлари ҳам ўз аксини топган. У “ишқ йўлларида” Мажнунни учратишни, ўз Мажнунига дуч келишни истаган, Лайлидек севилишни, севишни орзу килганди. Тақдирларида

бундай бурилиш бўлгани учун, албатта қиз айбдор эмас, лекин инсофли бир одам сифатида у ўзини гуноҳкор ҳис қиляпти. “Мен ҳам қайдан билай ишқ йўлларида – Мажнун эмас, Сенга келаримни дуч...”. Бу Қизга бир умрлик армон бўлиши ҳам мумкин. Ким билади, энди умрининг қолган кисмида у ўз Мажнунини балки топар, балки топмас. Балки шу баҳтдир-у, қаҳрамонимиз бунинг қадрига етмай, унинг баҳт эканлигини билмай киясига қолар?! Буни келажак кўрсатади. Инсон олдида нималар борлигини, ҳаётда уни нималар кутиб турганини билмайди.

Исломий қарашибўйича, тикон ҳам инсонга Аллоҳнинг амри билан қайсиdir қилмишлари учун жазо сифатида кирапкан. Демак, ҳаммаси Яратган томонидан назоратда. Фазилатлар учун рағбат, гуноҳлар учун жазо тайин. Шеър қаҳрамонларининг бошига тушган бу кўргуликлар ҳам уларнинг тақдирида бўлган. Улуғбек Ҳамдам: “Нимасини айтай, қодир Эгам инсонга бир кўчадан ўтишини тақдир қилган эса, қаршиисида сон-саноқсиз бошқа кўчаларнинг дарвозалари ланг очиқ ва у минг уриниб шулардан бирига кирмоқчи бўлса-да, ниятига етмас экан”, деганида ҳақ эди¹. Қиз ҳам, севилмаган йигит ҳам келажакда нималарга мустаҳиқ эканликларини бошларига тушганда кўрадилар. Билиб-бilmай тақдирлари сари борадилар.

Хуллас, шоира бу шеърида ўз фикри ва қарашига эга бўлган кўнгил кишисининг чин туйғуларини унинг ўзицек ҳис қилган ва самимий ифодалай билган.

2011.

МАЙСАЛАРДАН ТУЙҒУ ОЛГАН ШОИР

Адабиёт осмони жуда кенг. Унинг ёрқин ойлари, чараклаган қуёшлари, порлаган Чўлпонлари-ю заиф нур сочиб турган олис юлдузлари бор. Бу осмонда нозиккина нур таратиб, нуқтадеккина бўлса-да ўз жойни эгаллаб, унда абадий қолиш, шоирман деб юрган ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Бу осмонда ярқ этиб нур сочиб, сўнгра абадий ўчганлар қанча. Шоирликка даъво қилиб, тутаб-тутаб ёнолмай, бу фалакка кўтарилолмай қолганлар қанча.

¹ Улуғбек Ҳамдам. Сабо ва Самандар. Роман. Т.: Мухаррир, 2009. 73-6.

Бизнинг қаҳрамонимиз Носиржон Тошматов, ўйимизча, шоирликка даъво қилмай, шеърият оламида қисиниб-қимтинибгина юриб шоир бўлиб қолган ижодкорлардан.

Унинг истъедоди маҳсули бўлган мисралар орасида ўқувчисини мувозанатдан чиқарадиган, мийифига сўлим табассум чақирадиган, ўқигандан кейин анчагача ўйлатиб, завқлантирадиган сатрлар анчагина.

Таникли адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев ўзининг “Истиклол адабиёти” номли мақолосида: “Бугунги чинакам асарлар ўқувчига ақл ўргатишга, унинг учун “ҳаёт қўлланмаси” бўлишга уринмайди, буни даъво ҳам қилмайди. У кўпроқ сезги, туйгу ҳосил қилишга йўналтирилган. Бу хил битиклар ўқувчида муносабат уйготади. Шу боис бу адабиётни муносабатлар адабиёти дейиш мумкин”, деб ёзган эди. Носиржоннинг битиклари ҳам ўқувчида муносабат уйфотиб, ўзи ва ўзгаларни туйишга ундайди. Чунки унинг ўзи кўнгил кишиси: “Ҳар тонг, Ҳар саҳар эрталаб Деразасини очиб аста Кўнглини уйготади эркалаб...”. Уйғоқ руҳ билан гўзалликни илғайди, майсаю шабнамни, дараҳту япроқни, ҳагто тошни ҳам туяди, бундан бир дунё баҳра олади ва ўзининг кўтаринки кайфиятини ўзгаларга ҳам “юқтира” билади. Чунки унинг туйгулари рост ва самимий. Қолаверса, Шоир оддий инсонга у кўпда пайқайвермайдиган, лекин эътибор қаратса, завқи тошадиган кўркамликни мисраларга моҳирона жойлай билади.

Н.Тошматов – асли қишлоқ йигити. “Шеър дарди – юракнинг энг ширин дарди” уни шаҳарга етаклаб келган. У туғилиб ўсган тупроғини, ер ҳидини туйгани ва яхши билгани учун далаларнинг фазилатлари ҳақида кўп ва хўп куйлади. Табиий ва ҳаётий ҳодисаларни тасвирлашда ҳам жуда оригинал ва чиройли ўҳшатишлардан фойдалана билади.

Масалан, тонгда “Дераза очилди...” ва

Челакдан сочилган сувнинг

Келинчакнинг бармогин ўпид

Шўх-шодон кулиши

эшитилди. Оддийгина ҳаётий ҳодиса – ўзбек келинларининг тонгда туриб келинлик бурчини бажариши – ҳовлига сув сепиши саҳнасини бунчалар инжа тасвирлаш учун гўзал

шоирона кўз керак, кишига.

Шеърдаги тонг сукунатида: “*Поинанинг дўқидан*” кулоққа чалинган “*Зинанинг титроги...*” мисралари шеърхоннинг руҳиятига ҳам титроқ солади. Носиржон табиатни жонлантирмайди, балки уни тирик бир инсондай харакату фаолиятда тасвирлайди. Унинг қаламидан ёзу қищ, кўкламу куз худди одам каби орзуланади, алданади, ўй суради, қарор қилади, адашади, фикридан қайтади ва б.⁶

Йигитдек ошиқиб чотиб келган ёз

Чоллардек ўй суриб, кетмоқда маҳзун.

Заминга ҳарорат олиб келган ёз

Кетмоқда дийдираб, уст-боши юпун

мисралари оламни ўз кўзи билан кўриб, ўз кўнглидан ўтказадиган иқтидор эгаси ҳар қандай одатий ҳодисанинг ҳам ҳеч ким пайқамаган қирраларини топа олишидан далолат беради. Ёз ҳолати акс этган бу сатрлар ўқувчини оламга ўзгачароқ кўз билан қараб, атрофни кузатибгина қолмай, ундан маъно топишга ундейди. Эҳтимол, кимдир ёз тимсолида ўзини, кимдир умрини, кимдир адолатни, кимдир адолатсизликни кўтар. Буни башорат қилиш қийин. Лекин ҳеч кимнинг лоқайд қолмаслиги аниқ.

Шоир қаламига мансуб:

Дарём!

Күёшининг нурини чил-чил синдириб,

Тўлқинлар устига бир-бир миндириб,

Оёғим сийпалаб ювишларингни,

Онамдек эркалаб суюшларингни,

Согиндим...

мисраларида она Сирдарёнинг оқимидағи тот, мавжларидаги меҳр бус-бутун акс этган. Серқатлам тасвир сабаб лирик қаҳрамон дарёнинг суви эмас, балки чил-чил синган ва тўлқинларни миниб келган күёшнинг нурига чўмилади. Бу сатрлардаги ҳарорат ўқирмангода юқади, унида мувозанатдан чиқаради.

Йўқласам, йўлимга тушиб қувнаган,

Кета билсан, қумлар сочиб қувлаган,

Шаҳарга ҳам излаб бориб ортимдан

Деразамга юзин босиб йиғлаган,

Шамолингни согиндим.

Бу сатрларда санъатпардозлик йўқ. Улар самимият ипларидан тўкилган яхлит поэтик мато бўлгани учун ҳам қотиб қолган манзара эмас, ҳаракатдаги рухият ифодасидир. Шодлигу норозилик ҳамда деразага юзин босиб йиғлайдиган даражадаги соғинчнинг бу қадар чин тасвирида кўнгли нозик одамнинг қалқиб турган кайфияти, дақиқа сайн ўзгара борадиган сезимлари акс этган.

Н.Тошматовнинг муҳаббат ҳақидаги битиклари ҳам ғоят ўзига хос. У – ишқ аталмиш нодир туйғунинг моҳиятини чуқур англаған шоир. Севги туйғусини ақл билан англаш бошқа, кўнгил билан туйиш бўлак. Инсонда ҳар икки ҳолатнинг уйғунликда кечиши, ҳар иккисининг ўз ҳаловатини йўқотиб биргаликда оғриши – ошиқдик – ишқ. Инсон шундай вазиятга тушганда ҳар қандай туйғу, хусусан, муҳаббат бор бўйи билан хатти-ҳаракатда, гап-сўзда ўзлигини намоён қиласди. Яъни кўнгил қофозга тўкилади:

*Сен – зиёсан, оғрикли хаёл,
Жоним оғрир ёдимга тушсанг.
Сен – мен учун энг оғир савол,
Жавоби ҳам ўзингда... келсанг.*

*Сен – қувончим, изтироб, оҳим,
Мен бир умр излаган оҳанг.
Сен – паноҳим, кўнглимнинг шоҳи,
Мен бор-йўғи соянгман, соянг...¹*

Висолга эришиши гумон бўлган ошиқнинг дардлари акс этган бу мисралар, гарчи шаклан рисолага унча тушавермаган бўлса-да, бадиий сўздан таъсиранадиган киши кўнглида хайриҳоҳлик уйғотиб, мийифига дардчил табассум югуртиради. Шеърнинг “Жоним оғрир ёдимга тушсанг” сатри севишганларнинг бирга бўлолмаганидан далолат беради. Ошиқ учун эришилмаган баҳтни, армонга айланган маъшуқни эслаш, у билан ўтган дамларни хотирлаш – турган-битгани азоб. Бу азобдан кишининг жони ҳам, жисми ҳам оғрийди. “Сен – мен учун энг оғир савол, Жавоби ҳам ўзингда... келсанг” сатрлари ҳам айни фикрнинг исботи. Шеърхон, энг оғир саволнинг ўзи қандай бўлиши, ошиқ учун унинг жавоби нима эканлиги ҳақида

¹ Тошматов Н. Саркаш туйғулар. Т.: “Шарқ”, 2009. 9-бет.

ўйланиб қолади. Висолми? Висол – ҳодиса, вазият. Унга эришилганда саволнинг ўзи ҳам, унинг жавоби ҳам маълум бўлади. Лекин ҳозирча, ҳар иккаласи ўқувчини ўйлашга мажбур қиласди.

Ошиқлик – ҳамиша интилиш, ташналик. Шеърдаги ошиқ ўзини маъшуқанинг сояси деб билади. Соя бу – бор нарсанинг нуқси. Демак, ошиқ маъшуқсиз мавжуд эмас. Шоирнинг бу битикларини боболар минг йиллардан бери куйлаб келаётган ишиқ ва ошиқликнинг ўзига хос ифодаси, дейиш мумкин.

Кўнгил қайсар, ҳеч қандай мантиқни тан олмайди, ақлнинг етовига юрмайди. Шунинг учун чинакам ошиқлар мажнунвор бўладилар, “ишиқ саҳросида итдек адашади”лар. Шоир бир шеърида бу ҳолатни кўйидагича ифодалайди:

*Ақлимга ён боссам, ҳисларим тошиди,
Кўнглимга ён боссам, ақлим ҳўп шошиди.
Аларга қўл силтаб, сенга қўл бердим,
Ишиқинг саҳросида итдек адашдим.*

Назаримда, бу муаллифнинг муҳаббатга берган ўзига хос таърифи.

Шоир бир шеърида ошиқ ва маъшуқанинг гуноҳларини санаб беради. Унинг назарида ошиқнинг гуноҳлари: маъшуқасининг кўзларига тўймай боққани; унинг шаънига кўп шеърлар битгани; қўлларини кечикиб сиққани. Маъшуқанинг бор-йўқ гуноҳи: ошиқ юрагига ўтлар ёққани; шоир ошиғининг шеъри узра кўз ёш тўkkани-ю айтотмаган сўзин уққани. “Гуноҳ”ларнинг гўзаллигини қаранг. Уларнинг ҳаммаси шеърхон орзу қилган гуноҳлар. Бундай гуноҳларни қила олишга ҳамма ҳам мушарраф бўлавермайди.

Носиржон Тошматовнинг “Кўнгул” деган шеъри ҳам кишининг диққатини ўзига тортади. Ошиқ кўнгилнинг тилаклари ифодаланган бу мисралардан уларни туйиб баҳра олиш мумкин, шарҳлаш осонмас. Шеърнинг дастлабки икки мисраси: “Гоҳида шохидан айро япроқдек Шамолда учмоқни истайди кўнгул” шоирнинг айрича назар эгаси эканидан далолат беради. Кўпинча шеъриятда хазонрез япроқларни ўзининг кўйига солган куз шамоли хушланмайди. Носиржон эса куз шамоли ва унда чирпирак бўлаётган япроқ тимсолларига ўзича ёндашади. Шоирнинг

наздида ошиқ япроқ гўзал бир мақсад билан шоҳдан айро тушган, яъни “дарчадан ёрнинг хонасига кириш”ни ният қилган. Унинг наздида шамол ҳам япроқнинг ниятини англаб, кўмаклашяпти. Ҳар иккисининг мутаносиб хатти-харакатини англаган ва уларга ҳаваси келган ошиқ кўнгил ҳам япроқдек шамол етовида парвоз қилишни қўмсаб, япроққа ҳаваси келади. Чунки у ҳам ёрини соғинган: “Ёрнинг хонасига очик дарчадан Япроқдек тушмоқни истайди кўнгул”.

“Ёрининг зулфида сирғалиш” – айрича тилак. Бу япроқнинг ҳам, ошиқнинг ҳам истаги. Улар – ҳар икки ошиқ шу ниятда дарча ошяпти. Бу икки ошиқнинг ёр соchlарида сирғалишни орзу қилиши замирида яна бошқа, каттароқ ва кучлироқ бир тилак яширин: ёрнинг қаро зулфи ёстиқ бўйлаб эмас, унинг лаблари узра ёйилган. Ошиқларнинг кўнгил тилаги соchlар узра сирғалиб бориб: “Шивирлаб-шивирлаб ёрнинг лабидан Бўсалар узмоқ...”. Ошиқ кўнгил ёр лабларидан бўса оларкан, у нималар деб шивирлаши мумкин? Ўз муҳаббатини мадҳ этадими? Ёрининг гўзаллигини куйладими? Лабларнинг болини мақтайдими? Буни ошиқ-маъшуқлар ўзлари билишади.

Шеърнинг сўнгги мисрасидаги “бўсалар узмоқ” ибораси бир ўқишда ғализдек туюлади. Ахир бўса “узилмайди” “олинади”. Шеър тузилиши ва кўнгил ҳолатлари талабига риоя қилган шоир бўсага муносиб сўзни топа билган.

Носиржоннинг айрилиқ ва садоқат ҳақидаги шеъри ҳам ўқувчи кўнглида ҳар хил туйғулар кўзгайди. Ошиқ ҳеч қачон муҳаббатига ҳиёнат қилмайди. Чунки унинг кўнглидаги туйғу рост. Бу туйғу иккинчи бир тарафнинг муҳаббати таъсирида эмас, балки кўнглининг эгасини топганда, ўз гўзалини кашф этганда табиий равишда пайдо бўлган. Маъшуқнинг муҳаббатини эса, одатда ошиқ уйғотади. Ҳар икки қалbdаги туйғулар уйғунлашиб, бир-бирига монанд келса, улар чинакам ошиқ-маъшуқларга айланадилар. Айрилиқдан ўлимни афзал биладилар. Агар маъшуқанинг туйғулари ошиқнирга муносиб бўлмаса, албатта, у бошқа бир кўриниш олади. Ошиқ эса изтироблар исканжасида қолиб кетаверади. Ушбу шеърда ана шу аччиқ ҳақиқат акс этган:

*Сен қувондинг, мен андуҳ чекдим,
Сен оқ кийдинг, мен эса қора.
Севгимизни сен ўлдиридингу,
Нечун фақат менман дилпора?*

*Мен йўқотдим, сен эса топдинг,
Мен – ташландик, Сен-чи, лазизсан.
Гарчи, сен деб бошим эгилди,
Сен... барибир менга азизсан.*

Ошиқ учун ошиқликнинг ўзи кифоя. Гарчи муҳаббати туфайли эр боши эгилиб, нафсонияти оғриган бўлсада, маъшука ҳамиша азизлигича қолаверади. Ошиққа маъшуқаси учун чекаётган изтироб ҳам хузурбахш. Унинг учун “натижга эмас, жараён муҳим”.

Н.Тошматовнинг ушбу илохий туйғуга бағишлиланган, ўкувчисининг руҳиятини мувозанатдан чиқарадиган яна бир шеъри:

*Биламан, кутяпсан мени бу кеча,
Болишинг бошингга ботяпти тошдек.
Хаёлингда минг хил хавотир кечар,
Мен деб ташвишдасан,*

ташвишинг оздек

мисралари билан бошланади. Шоир ошиқни ҳам, маъшуқани ҳам чуқур туюди. Ҳар иккисининг қўнглидан кечган изтиробларни самимият билан сатрларга жойлади. У биринчи тарафнинг ҳолатини тасвиirlаркан, ошиқ тилидан: “Болишинг бошингга ботяпти тошдек”, “Мен деб ташвишдасан, ташвишинг оздек”, – дейди. Тўғри, кутиш – азоб. Бундай дақиқаларда инсон хаёлларига шайтон ҳукмронлик қиласи. Сониялар соатларга, соатлар эса чексизликка юзланади. Буни ошиқ жуда яхши билади, у маъшуқадан кўра ўн чандон ортиқ изтиробда қолган. Лекин бир ҳақиқатни, у қанча аччиқ бўлмасин, эътироф этишга мажбур: “...мен боролмайман, Оёгига тошлар осилган қушман. Дардларим ҳеч кимга ёра олмайман, Менинг муҳаббатим – ўзимга душман”. Шоир Муҳаммад Юсуфда шундай сатрлар бор эди: “Сен менинг ҳаммадан яширган сирим, Менинг эртагимсан, сўйламай бўлмас”¹. Ҳар иккала

¹ Муҳаммад Юсуф. Осмонимга олиб кетаман. Т.: Ёзувчи, 40-6.

шеърда бир вазият, бир хил ҳолат икки хил ифодалангандек: иккала асарнинг қаҳрамонлари дардини юрак ютиб, ҳеч кимга очиқ айта олмайди, бири изтиробларини ҳеч бўлмаганда эртак қилиб сўзлай олади, иккинчиси бунинг ҳам имконини тополмайди. Ўзини ўзи еб, азоблар қуршовида яшайверади.

Шеърниңг кейинги мисраларида маъшуқа қизғалдоққа, ошиқ эса шамолга ўхшатилади:

*Биламан, кутяпсан,
шамолни кутган
Адир қўйнидаги қизғалдоқ мисол...
Қамчиқ довонидан оша олмасдан,
Тошкент йўлларида изгилар шамол.*

Шоирниңг “шамолни кутган” иборасини алоҳида сатрга жойлашдан мақсади ўқувчининг эътиборини қизғалдоққа, унинг нияти ва ҳолатига қаратишдан иборат бўлган. Қизғалдоқнинг нафосати-ю назокати ва изғиган шамолнинг ҳолати ҳаммага маълум. Бундай нозик ҳилқатнинг шамолни кутиши – ҳалокат. Лекин ҳалокат висолга элтади. Шеърхон қизғалдоқ ва шамолнинг қай бири ошигу қайсииниси маъшуқа эканини фарқлолмай, шоир топилдиғининг гўзаллигидан ҳайратда қолади.

Носиржон Тошматов шеърий сўзга эҳтиромли муносабатда бўлади, сўз қадрини билади. Шоир Икром Отамурод унинг китобига ёзган сўзбошисида: “Сўзни чукур хис этадиган, унга ички муҳаббат билан, эътибор билан ёндашадиган шоир. У худа-бехудага сўзни сарф қилмайди, сўзни енгил-елпи нарсаларга дуч этиб уринтирмайди. Қачонки қалби тўлиб айтгиси келса, айтади, тўкилгиси келса, тўкилади” дейди. Икром Отамурод қараашларининг тўғрилигини Носиржоннинг қуидаги бир шеъри исботлайди:

*Туз уволи – бир увол,
Сўз уволи – юз увол.
Қаердаки, сўз увол
Қалам аҳли қўникдир.*

Шоир “увол” сўзининг маъносини чукур англайди. Исломий қарааш бўйича Худо бандалари учун инъом қилган неъматларни исроф қилишнинг катта уволи, яъни жазоси

бор. Сўзнинг уволи эса шоирни тутади. Сўзни увол қилган шоирни муаллиф кўпикка ўхшатади. Кўпикнинг умри эса ҳаммага маълум.

Куйидаги мисралар Носиржоннинг не сабабдан даврий матбуот саҳифаларида кўринавермаслигига ишора қилгандай бўлади:

*Кимга имкон, ким учун қалқон,
Мен учун сен торсан, шеърият.
Кимга армон, ким учун дармон,
Мен учун сен орсан, шеърият.*

У сўзни, шеър ва шеъриятни ўзининг йигитлик шаъни, ори каби қадрлайди, асраб-авайлайди.

Н.Тошматов “Кетяпман” номли шеърида бевосита ўқувчиси билан мулоқотга киришади, уни ҳам ўзини ўйлантирган муаммолар устида ўйлашга чорлайди. Кўнглидаги эзгу ўй-фикрлар ўзгаларнинг ҳам кўнглига қадалишини истайди, токи улар бошқа қалбларда эзгу ҳосиллар берсин:

*Кетмоқдаман, билмайсиз, қаёқларга кетяпман,
Ўйлайсизки, ўзимдан ипроқларга кетяпман.
Йўлимни ёритмади кечанинг юлдузлари,
Йўлимни ёритгучи чироқларга кетяпман.*

Ҳар бир инсон Аллоҳ белгилаб берган йўлдан ўзининг манзили томон бораверади. Ҳар кимнинг йўли ҳар хил. Кимницидир меҳнату машаққатларга эш, кимницидир айшишрату кайфу сафоларга. Шеър қаҳрамонининг тақдири кўпроқ биринчисига дахлдор. Чунки бу йўлларда унинг “товоонлари ёрилди, чақа бўлди, Тош диллардан юраги бир умр зада бўлди”. Лекин у тушкунликка тушмади, кудратли кўнгил эгаси сифатида гиёҳлардан “дил дорисини” қидирди, “майсаларнинг кафтидан қониб шабнам ич”ди, “юрагини чайгани булоқларга” борди, сабоқ олгани “кўнгил мамлакатига” йўл олди. Покланиш йўлидан бораётган шоир ўқувчинини ҳам шунга ундали. Кучли, иродали бўлишга, енгилмасликка чақирди.

Адабий таълимда “Адиблар ўз шахсияти билан ўсиб келаётган авлоднинг маънавий камолотига ижобий таъсир кўрсатади”, деган қарашибор. Н.Тошматов ҳам ўз ростлари, иродаси ва матонати билан ўқувчинини ортидан эргаштира

олади. Түғри, ҳаллоплик ва түғриликка асосланган ҳаёт йўллари ҳамиша машаққатли бўлади. Лекин мана шундай самимий эътирофлар орқали чин ҳақиқатни англаган, бу йўлнинг рағбатларини тушунган ўқувчи түғрилик ва ҳалоллик йўлини танлайди.

У “Дуо” деган шеърида Тангрига илтижо қиларкан:

*Ҳар битта сўзимга қанот багишила,
Ҳар саҳар руҳимни ўзинг олқишила.
Ҳар бурда ризқингни бер ҳалолидан,
Ўзинг асра, ҳар лаҳзанинг уволидан,*

деб ёзди. Бу мисралар ўқувчисига шоир “мен”ини, унинг табиатан қандай одам эканини кўрсатади.

Н.Тошматовнинг айрим тўртликлари маъно чукурлиги, ифода оригиналлиги ва тимсолларнинг жонлилиги билан кишини ром этади. Мағзи чақилиб, мазаси “шимилса”, хузур қиласи киши.

*Ёр лаби гул экан, тўр экан сочи,
Тўрни гул узра ул ётаркан ёзиб.
Гул атри маст этар ҳар бир булбулни
Гулдан тўрга қадар экан парвози.*

Бу тўртликда ифодаланган ҳолатни тасавурунгиздан ўткизсангиз, кўнглингиз кувонади. Гул (ёр лаби) билан у узра ёйилган тўр (ёрнинг паришон соchlари) оралиғи ошиқ учун ҳаёт. Булбулнинг гулдан баҳра олиб маст бўлганидан тўргача бўлган парвози, яъни ҳалокати бир-бири билан қоришиб кетган. Демак, баҳтдан мастилик – бу оний лаззат. Ошиқ учун висол ва ундан туюладиган мана шу лаззат ёрсиз яшалган бутун бошли умрдан тотли экани ғоят ўзига хос йўсинда тасвирланган.

Унинг бошқа бир тўртлиги аёл гўзаллигига бағишиланган. Шеър: “Эркак – шу сурат-чун яралган ҳайрат, Эркак шу суратнинг мангу асири” мисралари билан кутилмаган йўсинда тугалланади. Ҳаёт ҳақиқати акс этган бу эътироф ифодагўзаллиги билан ёдда қолади. Одатда шеъриятда аёллар муҳаббат ва гўзаллик тимсоли сифатида таърифланади. Эркаклар таърифи эса кам учрайди. Эркакларнинг аёллар асири эканлиги рост, албатта, лекин шеър муаллифининг эркакларга берган таърифидаги кутилмаганлик ўқувчини ҳам ҳайратга солади:

*Аёл – Тангри чизган энг нафис сурат,
Тирикликнинг мўъжаз, гўзал тасвири.
Эркак – шу сурат-чун яралган ҳайрат,
Эркак шу суратнинг мангу асири.*

Н.Тошматов ҳақиқатни таъсирли йўсинда қофозга тўқади. Чинни чиройли сатрларга жойлаб, ҳаётий ёки хаёлий ҳақиқатни таъсирли ифодалаш ижодкордан кучли илҳом ва ақлий зўриқиши талаб қиласди, албатта. Ҳар қандай ижодкор ҳам шу хил зўриқишиларга дош беролмайди. Носиржонда шундай бардош борлиги, кўнгли тилим-тилим бўлиб, дунёга сиғмай қолгандағина қўлига қалам олиши битганларидаги самимиятдан билиниб туради. Муаллиф гўзалликка ҳамма шайдо эканини, ундан ҳамманинг баҳра олгиси, руҳиятини ёшартиргиси, кўнглини қувонтиргиси келишини билади. Лекин:

*Гўзаллар бевафо, деймизу, аммо,
Гўзалларга термуламиз маҳлиё.
Гўзаллар — атиргул, хушибўй гулбарги
Тиконин яшириб турар доимо.*

Лекин бу гўзалликдан баҳра олиш истагидан кечиб бўлмайди, тиканлар заҳри ҳам қайтаролмайди. Гўзалларни яна бир гўзалга – атиргулга ўхшатиш, унинг табиий хусусиятлари билан инсонга хос бўлган иккинчи бир ҳақиқатни уйғунлаштириш, буни тўртгина мисрага жойлай олиш юқорида айтилган зўриқишининг далолатидир.

Химоясиз кўнгил ҳолатларини барча қудрату ожизликлари билан кўрсатишга уринган Н.Тошматовнинг ҳажвий йўналишда ҳам шеърлар битиши жуда ғалати. “Кўпrik”, “Лоқайдбекнинг каминага танбехи”, “Мантиқ”, “Бетарбия эшак...” сингари асарларида шоир инсонга хос бўлган порахўрлик, лаганбардорлик, очкўзлик, ношукурлик каби иллатларни танқид қиласди. У “Лоқайдбекнинг каминага танбехи” шеърида Лоқайдбек тилидан ёзади:

*Ҳақиқат – осмонда,
Калити – ҳамёнда.
Калитсиз – зормонда,
Калитли – хирмонда.
Сўзимнинг маъносин
Қачон уқасан-а?*

*Ўзингни қийнайсан,
Токай, ука, сан-а??!*

Лоқайдбек фикрини давом эттириб: “Жонингни “Муштум”га Берасан аямай. Борингни “Муштум”га Берасан аямай. Тўраларнинг асло Раъига қарамай. “Жўра”ларнинг нули, Чойига қарамай” дейди. “Ким раҳмат деяпти, Айт, шу ишингга? Битта душманнинг Урчияпти мингга. Бозордан сўлжайиб Қайтасан уйингга. Сандиқда ниманг бор, Қизингнинг тўйига?” Рўзгор мантифи билан қараганда Лоқайдбекнинг фикрлари кишини ўлашга мажбур қиласди. Чунки фарзандларни дунёга келтирган одам ўзини уларнинг олдида бурчли ҳисоблайди. Орзуумидларининг рўёби, қувончининг манбаи, ҳаёти мазмуни бўлган болаларнинг ота ҳақиқатлари учун қурбон бўлишига адолатпеша лирик қаҳрамон йўл кўя олмайди. Аммо нотўғри қадам босгиси ҳам келмайди. Шу боис эзгуликнинг топталишига лоқайд қарайдиган Лоқайдбеклар олдида ожиз.

Ўз “ҳақиқат”лари билан шоирни танқид қилган Лоқайдбек энди унга ақл ўргатишга ўтади:

*Ундан кўра пул қил,
Кучинг, ақлинг бор.
Одамлардан юл, шил!
Имкон – нақдинг бор.
Имкони борларнинг,
Қара, баҳти бор.
Бир оз шаҳдинг йўқда,
Лекин, ҳаққинг бор.*

Нарсаки бор бозорга чиққан бугун кунда Лоқайдбек ҳақ. Лекин тўғриодам ҳар қандай шароитда ҳамлоқайдбекларнинг йўриғига юролмайди, ҳақиқатга хиёнат қилолмайди. Виждони буюрганидай яшайверади. Фарзандларини ҳам шу ҳақиқатларга юзлантириб, миллатнинг камолот сари юз бурган авлодини шакллантира боради. Шоир бир нарсада ҳақлигига асло шубҳа қилмайди:

*Шеърлари ҳақда ҳар ким
Ақли етганича дер.
Шоирнинг энг зўр шеъри,
Онасига ёққан шеър!*

Мен ҳам бир ўқирман сифатида Носиржоннинг шеърларидан олган таассуротларим билан бўлишгим келди. Ишона-манки, шоирнинг “Онасиға ёқсан шеър”лари кўпаяверади.

2011.

ТЎФОНГА ЭВРИЛГАН ШИВИРЛАР¹

Миллат ахлининг интеллектуал-рухий савияси юксалгани сари унинг адабиёти инжалашиб, нозиклашиб боради. Шу боис энди адабиёт омманинг “тили учидаган” гапларни айтишдан кўпчиликнинг хаёлига ҳам келмайдиган ҳолатларни манзаралаштиришга тутинади. Кейинги даврда ўзбек шеъриятида кўпроқ кайфият манзаралари чизилаётир ва ўқирману синчилар ҳам бунга бир қадар кўнишиб, поэтик асарга чақириқ, даъват, ундов деб қараашдан истеъдодли бир одамнинг бетакрор руҳий ҳолати ва кайфиятининг инжа ифодаси экани оммавий равишда тан олиб борилмоқда.

Мутахассислар чоғдош ўзбек шеъриятида ижодкор назари кўпроқ ўз ичкарисига қаратилаётганини таъкидлайдилар. Миллий поэзиянинг тараққиёт тадрижи синчиклаб кузатилса, бу ҳолатнинг бирданига пайдо бўлиб қолмагани сезилади. Негаки, қачондир илк бор бўй кўрсатган ҳодисанинг муентазам такрорланадиган қонуниятга айланиши ҳамиша муайян замоний оралиқни талаб қиласди. Бугунда тўлиғича кўнгил жилваларини тасвирашга тутинган ўзбек шеърияти ўз-ўзидан, шунчаки вақти етгани боис ҳозирги белгиларига эга бўлган эмас. Э. Воҳидов, А. Орипов, Р. Парфи, О. Матжон, Ҳ. Худойбердиева сингари шоирлар ижодида уч кўрсатган, кейинги авлод ижодкорларининг ўткир ижтимоий муаммолар акс этган ўтлиғ битикларида ҳам бир қадар сезилиб турган ичкинлик ҳозирда миллий шеъриятнинг етакчи хусусиятига айланиб бораётир.

Шеърият соҳасида қарийб ярим асрдан бери қалам сураётган истеъдодли шоир Абдулла Шер ҳамиша ўз битикларини кўнгил ҳолатлари тасвири билан кучлантириб келган. У ташқаридаги атроф-оламга ичкариси орқали назар солган, ташки оламни ичкарининг қўзи билан

¹ Макола Қозокбой Йўлдош билан бирга ёзилган.

кўриш ва ичкаридан кўринганидай тасвирлашга тутинган ижодкордир. Унинг шеърий китобларига шоирона кайфият каби мўъжазлик, бетакрор руҳий ҳолат сингари юпқалик хослиги шундан эди. Шоирнинг “Гул йиллар, булбул йиллар” деб номланган илк салмоқли тўплами “Кичик сайланма” тагсарлавҳаси билан босилган. Шунга қараганда, бу китобда шоир поэтик мулкининг барча намуналари акс этган деб бўлмайди. Лекин ундан шоир ижодининг асл моҳиятини акс эттирадиган асарлар ўрин олганлиги, шубҳасиз.

Кичик сайланма шоир туйғуларининг янада инжалашиб, нозиклашиб, кайфият манзараларинигина эмас, балки манзаралар кайфиятини ҳам тасвирлай оладиган мақомга етганини кўрсатиши жиҳатидан дикқатга моликдир. Кўйидаги шеърнинг ёвойи оҳангига қулоқ солиб, унда акс этган манзаранинг ёрқин рангларини кузатган ўқирман фикримизга қўшилиши табиий.

*Ёмғир ёғар... Аста-аста
Йириклишаар томчилар,
Бурчакларда жон сақлаган
Қишини тинмай қамчилар.
Осмон тўла бир илиқ ел –
Булутларнинг Гироти.
Бўғотларнинг тушиларида
Қалдиргочлар қаноти.*

*Ўн беш яшар қизлар ўйи –
Экилажсак ўスマлар.
Ўсмирларнинг лабларида
Исён қилар бўсалар.*

*Тарновларнинг шиддатида
Чўмилади туйгулар.
Ел ўпмаган куртак бўлиб,
Юрак қайта тугилар.*

Бу шеърдаги ҳар бир образ жонлантирилган. Лекин уларга жонни шоир шунчаки тақдим этмаган, балки ҳар бири ўзига хос кайфиятга эга бу нимарсалар санъаткор маҳорати туфайли ўз жони билан туғилган. Чунончи, ёмғирнинг ёғиши, аста-аста йириклишаётган томчиларнинг

бурчакларда жон саклаган қишини қамчилаши, кўкламни соғинган бўғотларнинг қалдирғочлар қанотини кўмсаши, бўй қизларнинг экилажак ўсмаларни орзулаши, ўсмирлар лабида бўсаларнинг исён қилиши, шоир туйғуларининг тарновдан шиддатла тушаётган ёмғирда чўмилиб покланиши ва юракнинг ел ҳам ўпмаган покиза куртак бўлиб қайта туғилиши каби ҳолатларнинг ҳар бири ўз табиати, ҳаракат йўсинига эга қилиб тасвир этилган.

Чинакам шоирлик ўз кўнглидан кечган чин туйғуларни таъсири сўзлар билан мисраларга тизиш орқали ўқувчисини ҳам мувозанатдан чиқариб, ўз ҳолатига сола билишдир. Истеъодли шоир ўқувчи кўнглидаги яширин ҳисларни қўзғаб, мижжаларига ёш қалқитади ёки лабларига табассум югуртиради. Унинг битганлари гўзалликдан ҳисланган ҳайрат, муҳаббатдан туйилган лаззат, хижрондан чекилган машакқатларнинг чин ва таъсири ифодаси бўлгани учун бундай қудратга эга бўлади.

Абдулла Шер бир шеърида: “*Сулувларнинг сулувига
Мисра қилиб қалбни тутаман*”, дейди. Англашиладики, маъшуқа шунчаки сулев эмас, балки сулувларнинг сулуви. Унинг нечоғлик сулувлиги ошиқнинг бу сулувликка берган тўлови моҳиятини чуқурроқ англаган сайин ойдинлашади. Ошиқ сулувига инсонга Аллоҳ томонидан берилган энг азиз ва муқаддас неъмат бўлмиш кўнглини мисрага жойлаб тутяпти. Маълумки, кўнгил – ҳар бир инсондаги Аллоҳ жойлашуви мумкин бўлган ягона маскан. Шундай ноёб неъматни маъшуқага бу йўсин бағишлай олиш чин ошиқ ва оташин сўзчининг қўлидангина келади.

Абдулла Шернинг ишқий шеърларида бўса тимсоли алоҳида ўрин тутади. Шоир шеърларида бўсанинг жаннатий иси, унинг оламдаги майдалик ва бачканаликларни куйдирувчи оташин ҳарорати яққол намоён бўлади. Шоир бўсада шаҳвоний ҳирсни эмас, руҳиятнинг илоҳий парвозини,Faфур Fулом айтганидай, “қўша қаримоққа муҳр”ни кўради. Шу боис уни жон бағишловчи қудратга қиёслайди:

*Бўсада бир сас бор, бир ўтли ҳис бор,
Кўринмас олов бор дунё ёнадир.
Хеч ким искамаган жаннатий ис бор,*

*Искаган ҳар тандың жону уйғонадыр.
Бүсада мен борман, бүсада сиз бор,
Бу ўпич аслида бир баҳонадыр.
Илоҳий парвоздың ишқининг ҳаёти,
Икки лаб – инсоннинг икки қаноти.*

Шоирона нигоҳгина ишқининг илоҳий парвози учун икки лаб икки қанот бўлиб хизмат қилишини кўра ва бу қадар таъсири ифода эта олади.

Абдулла Шер бошқа бир шеърида ёшликтининг энг гўзал лаҳзалари ҳақида: “*Бир қизнинг чўг каби муччиларида Йигит ёшишимизни куйдириб олдик*”, деб ёзади. Суйгули қиз лабларининг чўги йигит қалбини куйдирадиган даражада баланд. Лекин бу куйиш оғриқ ва азоб эмас, муҳаббат ва лаззат баҳш этади. Шеърда ана шундай юксак туйғулардан масрур ошиқ ҳолати тасвирланган. Шоирнинг ошиқона шеърларидаги самимийлик ва мусиқийлик уларнинг таъсиричанлигини таъминлайди. Бир шеърида: “*Кўзларимга бир қара, жоним, Кўзларимда йиғлайди жоним*”, деб ёзади шоир. Кўз – кўнгилнинг ойнаси. У кўнгилдаги туйғуларни ошкор қиласди. Кўз кўнгилнинг кўзгуси бўлгани учун кўнгил ҳолатлари унда аксланади. Маълумки, муҳаббат ҳамиша изтиробу азобларга эш. Шу боис ошиқ кўзида озурда бўлган жоннинг йиғлаши ҳақиқатдан асло йироқ эмас. Лекин жонини йиғлатган зотни “жоним” дея олиш учун уни жонданда ортиқ севиш кераклиги ҳам бор гап.

Абдулла Шернинг ишқий шеърлари ўқирман рухиятини юксалтириб, кўнглини маиший кирлардан тозалайди. Одам ҳаётига ёғду берувчи, уни юксак ва нозик туйғуларга ошно этгувчи ҳолатлар, кайфиятлар манзараси тасвири ўқирман кўнглини яшнатиб, ҳаётга муҳаббатини оширади:

*Бахтиман, ҳар бўсам капалакнамо
Ё юзинг, ё кўзинг, лабингга кўнар,
Гоҳида иккала ҳандалак аро
Қирмизи лоладек дафъатан унар.
...Бўсанни тинглагил: унда то абад
Тамишаниб яшайди гўдак муҳаббат.*

Бўсанинг капалак каби юзу кўз ва лабларга қўниши тасвири ўқувчида хуш кайфият уйғотади. Кутимаган бу тасвирларда хирс йўқ. Негаки, унинг моҳиятида беғубор

гўдак мұхаббат яшайды. Покиза мұхаббат түйгүсінни гўдаккагина менгзаш мүмкін.

Чин шоир ёзилганидай ёзади. Унга инганини қофозға тұқади. У ижод маҳалида ўзлигидан чиқиб, совуққон тафаккур етовидан қутулади. Шу боис чин шеърда ақлға сиғмас, ғулу даражасига етган муболағалар, кутилмаган ёрқин тасвирлар, бетақрор ташbihлар бисёр бўлади. Абдулла Шер бир сонетида: “*Бу қучоқ қўймайди сени чиққани, Телбалик – Малжундан менга юққани – Бумоддий дунёни қиласди абас. Бўсалар чақнайди сўзларни қувлаб, Биз учун бор дунё шу иккита лаб, Умримиз – уларга беркинган нафас*”, деб ёзади. Бу сатрларда мұхаббат билан кечирилган умр ютилган нафас каби ҳаётбахш ва у сингари қисқа экани маҳорат билан тасвирланади. Зоро, мұхаббатга йўлиққан қалблар учун висолдан бўлак дунёнинг барча ташвишлари бекор.

Абдулла Шер – шеър олдидаги жавобгарлигини ғоят теран ҳис этиб, ёзганлари тұғрисида кўп ўйлайдиган, битганларининг тақдирі борасида тинимсиз мушоҳада қиласидиган ижодкор. У ҳам барча қаламкашлар каби битганларининг кимларгадир ёққан-ёқмаганини билгиси келиб жониқади. Аммо унинг бошқа шоирлардан фарқли бир жиҳати фақат ёзганлари ҳақида эмас, балки қандайдир сабаб билан ёзилмай қолган шеърлар ҳақида ҳам бот-бот ҳаёлга чўмади: “*Ёзилмаган шеърларимнинг титраган Оҳанглари тушларимга киради*”, дейди у бир шеърида. Шу тариқа, ёзилмаган шеърлар дарди дардчил шеърга айланади. Шоир шеърий истеъдодни омонатга берилган неъмат ҳисоблайди. Бинобарин, кўнгилда дард бўлиб туғилган-у, аммо қофозға тушмаган шеър учун ўзини жавобгар санайди.

Ҳар қандай чин истеъдод эгаси бир умр бола бўлиб яшайды. У кечаги кунидан айрила олмагани, болалигини ҳадсиз қўмсагани учун ҳам қалам сурса керак. Абдулла Шернинг: “*Болаликнинг осмонига қўл чўзиб, Армонларни иигиштириб оламан. Гоҳ уфқдан қўлни нари ўтқизиб, Неларни дир тимирыклиб қоламан*” тарзидаги икрори шу ҳолатдан далолат беради. Бу сатрларда ушалмаганидан армонга айланган, аммо ҳануз унугилмаган орзулар, болалик

хотирасининг уфқидан нарига ўтиб кетиб, унутилган недир бир муқаддас, недир бир покиза туйғулар ҳам борлиги андуҳ-ла акс этган. Шоир унутилган ана шу туйғулар олдида ҳам масъуллик сезади.

Шоирнинг бошқа бир шеърида бу жавобгарлик туйғуси янада очиқ ва ёрқин намоён бўлади:

*Инсон зоти бой бермас кечмиши деган туйғуни,
Фақат сояларгина ўтмишин ёдда тутмас;
Кипригимга қистириб гоҳ бир парча уйқуни,
Минг йиллик кечмишимни уйготаркан бир нафас.*

Бу мисралар орқали айтилаётган фикр ҳам, унинг ифода йўсини ҳам ўзига хос. Зотан, ўтмишини унугланган кас, чинданда, соядан ўзга нарса эмас. Минг йиллик кечмишини уйготган одамгина ўзгаларнинг туйғуларига ҳам таъсир кўрсата олади.

Асл шоирга йиллар таъсир этмайди. Зеро, одамнинг қариши жисмидан эмас, биринчи навбатда, кўнглидан бошланади. Абдулла Шернинг шеърларини ўқиган киши шоирни навқирон йигит деб тасаввур қиласи. Қуйидаги сатрлар ана шундай тасаввурга имкон беради:

*“Айб ўтади ахир, ҳаммадан...”
Недир дедим мен ҳам нотайин.
Оний илинж, енгил чамадон,
“Қол!” демадим сенга атайин.*

*Бўм-бўши эди, кенг эди жуда
Иккимизга тор келган жаҳон.
Шу бўм-бўшлиқ, кенглик ичida
Кулар эди шарақлаб ҳазон.*

Бу сатрлар – ўз ғурурини енголмаган ошиқ руҳий фожиасининг ҳаққоний ифодаси. Унда табиатнинг кўриниши шоир руҳий ҳолатига зид тасвиrlenган. Кенг жаҳоннинг бир-бирини тушунишни истамаётган мағрур севишганларга торлиги, ошиқ-маъшуқнинг йиғлашга лойиқ аҳволи-ю, оёқ остидаги ҳазоннинг улар устидан шарақлаб кулиши тасвирида ички қарама-қаршилик яширин. Бу мисраларда кўнгли кузнинг кунидай хувиллаб қолган, кўзига ҳамма нарса омонат кўринаётган киши ҳолати фожиаси акс этган.

Айрилиқ тўғрисидаги бошқа бир шеърида шоир

суюшганлар ҳолатини табиатнинг манзарасига ғоят уйғунлаштириб тасвирлайди. Бу шеърда ҳам табиатнинг кўриниши ёқимсиз ва ғарип, лекин бу ўринда у қаҳрамонлар руҳиятига мувозий. Ўткинчи ғурурни деб севгидан кечаетган кишиларнинг ғарип руҳияти уларни ўраб турган муҳитга жуда мос. Энди табиатнинг ғарип турқи севишганлар айрилиғидан келиб чиқадиган қоңсиз фожия қўламини ошириб, даражасини кучайтиришга хизмат қиласиди:

“Хайр!”, “Хайр!” – Чайр, қуруқ сўз –

Севги ёнбош тушган тараша.

Ёмгирми, ёш? – Фарқлай олмас кўз:

Туманлидир дилгир қараилар.

Руҳни эзар қўргошин осмон,

Питра бўлиб шатирлар ёмгир.

Нақ чаккадан қисар беомон

Куз куни деб аталган омбир.

Оғир-оғир лойга ботар из,

Изни ювар ёмгир бешафқат.

“Сен яшайсан, воажсаб, менсиз?!” –

Дод ўрнига ёлгиз шу ҳайрат...

“Хайр!”, “Хайр!” – қирс этиб синди

Кўтаролмай юрак юкин сўз...

Адо қилар бизларни энди

Бу айрилиқ, бу ёмгир, бу куз...

Шоир икки қалбда кечаетган изтироблар ҳакида бир оғиз ҳам гапирмаган ҳолда изтироб комидаги шахслар руҳиятини манзаралаштирган. Ҳеч нарсани англатмайдиган қуруқ сўзлар, севгининг ҳиссиз тараша каби ёнбошга ташлаб қўйилгани, ёр юзидан ёмғир ёки ёш тинмай оқаётганини билиб бўлмаслиги, осмоннинг кўрғошиндай оғирлиги, ёмғирнинг сочма ўқ каби қадалиши, куз кунининг чаккадан омбирдек қисиши, лойдагина қолаётган из, ёмғирнинг шу изни ҳам бешафқат ювиши, маъшуқанинг эндиликда усиз яшашидан ҳайрат, юрак юкини кўтаролмай синган сўз сингари манзаралар руҳият дунёсидаги тўфонларнинг сокин поэтик ифодаларидир. Шоир руҳият тасвирини чизмайди,

балки изтироб комида қолган одамнинг дил кўзгусида олам ҳодисалари нақадар ғариб ҳолатдалигини кўрсатиш орқали руҳиятда кечайтган талотумларни акс эттиради.

Абдулла Шер одам туйғуларини нозик ҳис этгани учун руҳий ҳолатларни жуда аниқ манзаралаштиради. Бу ҳол “Эгасиз уй ҳақида баллада” шеърида яққол кўзга ташланади. Шоир ушбу шеърида одамнинг кўнгил ҳолатини руҳиятга мутлақо алоқаси бўлмаган ташқаридаги нарсалар тасвири асносида кўрсатади. Аслида бу энг тўғри ва синалган усулдир. Негаки, ичкарисиз ташқари йўқ. Одам оламни боридай эмас, кўринганидай кўради. Кўриниш эса, кўпинча кўрувчининг кайфиятига боғлиқ бўлади:

*Кесилмаган анор шохидা
Сергак мудраг ҳуртайган майна.
Куз совқотар, унинг оҳидан
Ариқчага қопланар ойна.*

*Бўм-бўши ётар ҳайҳотдек ҳовли,
Шамол турар, шақолдек увлар.
Ўчиқбоша ёғ босган човли
Бўши қозонга тарақлаб қулар.*

*Кўйиб-кўйиб тақиллар эшик,
Лоқайдгина ҳурар қўшни им,
Пусиб келар ёввойи мушук,
Майна учар... Яна жсим. Жимжит...*

*Гичирлайди нихоят эшик:
Каловланиб аланглар аёл.
Кўзларига бор дунё шумшуқ
Кўринади... Ўлтирас беҳол...*

*Бирдан тўлиб, ўқраб юборар,
Узоқ ииғлар. Сўнг чўмар ўйга.
Аста турар... Яна бир қарар
Йўл четидан эгасиз уйга...*

*Эгасиз уй ҳувиллаб ётар,
Кунлар қувар бир-бир ҳафтани.*

*Үй совқотар, ҳовли совқотар,
Эгасининг қўмсаб тафтини...*

Ўзбекнинг уйидаги анорнинг кузда кесилмагани ва қўмилмагани – эгасизликнинг илк белгиси. Майнанинг хўжайиндай ҳурпайиб туриши унинг безовта қилинмаганидан далолат. Кузнинг ёлғизликдан совқотиб тортган оҳи ариқчанинг ойна билан қопланишига сабабдай... Чунки бу манзарадарни кўрувчининг руҳи шунга мойил. Ҳайҳотдай ҳовлининг бўм-бўшлиги шамол эсишини шақол увлашига ўхшатиб юборади. Ёғ босган човлининг қозонга кулиши, эшикнинг шамол сабаб “қўйиб-қўйиб” тарақлаши, қўшни итнинг (эгасиз уйда ит ҳам бўлмайди) эриниб хуриши, бехосият ёввойи мушукнинг ҳурпайган майна илинжида пусиб келиши, эшикнинг ғижирлаб очилиши ва нима килишини билмаган аёлнинг каловланиб туриши, унинг қўзига оламнинг шумшук ва тароватсиз қўриниши, буларга қараб туриб, унинг ўқраб юбориши ва узоқ йиғлаши, сўнг иложисизликдан эгасиз уйга “йўл четидан яна бир қараши”, эгасиз уй ва ҳовлининг эга тафтини қўмсаб совқотиши улуғ бир инсоний фожианинг руҳиятга кўчган ифодаларидир. Шоир одам ҳолати, кайфияти тўғрисида бирор оғиз гапирмагани ҳолда унинг руҳий оламидаги нозик жилваларни маҳорат билан чиза олган.

Абдулла Шер туйғуларини пуфлаб шишириб бозорбоп қилишга интилмайди, ўзига диққат қаратиш учун ҳайқирмайди. Бундан роса ўттиз йил олдин ёзилган бир шеърида: “*Ватан – юракларга берилган кенглик. Қичқириб, чираниб, кўкракка муштлаб, Ялангоч шовқинга қўммайлик номини*”, деганидай, энг юксак туйғулар ҳақида ҳам шивирлаб қўйлашга уринади. Лекин бу шивирнинг самимий ифодаси кўнгил мамлакатида тўфон содир киласди. Зоро, “*Ватан – юракларга берилган кенглик. Шивирлаб куйлайлик Ватан ҳақида Навбаҳор куни Пўстлогидан кечган куртакка ўхшаб*”. Ватанини ҳам, имону виждонини ҳам кўнглига жойлаган шоирнинг шивирига – шеърларига қулоқ тутайлик. Улар кўнглимиз мулкида ҳаётбахш тўфонлар ясади.

Абдулла Шер – серқирра ижодкор. Биз унинг достончилик борасидаги изланишларига тўхталмадик. У – шоирликдай

кисматдан ташқари файласуфлик, адабиётшунослик, таржимонлик ташвишларини ҳам зыммасига олиб, уларни қойилмақом қилиб бажарип келаётган шахс. Абдулла Шер ўз миллий фалсафасига эга бўлмагунча бирор этнос тўла маънода миллат даражасига кўтариолмайди деб ҳисоблади. Чунки оламга қараш, уни кўриш, тушуниш ва изоҳлашнинг ўз фалсафий-назарий йўсинига эга бўлган этник бирликкина миллат саналади. Шундай улусгина олам ва одамга хос ҳодисотларни ўзига хос йўсинда кўради, тушунади ва изоҳлади.

Абдулла Шер дунё адабиёти тарихи ва назариясини ҳам ғоят теран билади. Айниқса, сонет назариясига доир қарашларида у нафақат ўзбек, балки дунё сонетчилиги тараққиётидаги асосий тамойилларни асосли йўсинда кўрсатиб берган. Сонетга доир деярли барча илмий қарашлардан яхши хабардор А. Шернинг Петрапка яратган мумтоз сонет талабларига жавоб бериш, ҳатто, Шекспирдай даҳо ижодкор учун ҳам осон бўлмагани ва бунинг оқибатида инглизча эркин сонет юзага келгани бу ҳол олдин русларни, улар орқали бизни сонет жанри борасидаги чалкашликларга етаклагани борасидаги Ботиш адабий амалиётчилиги ва назариётчилигидан келтирилган ғиж-ғиж далилларга тўла кузатишлари сонетшунослик илми тараққиётida улкан қиммат касб этади.

Абдулла Шернинг немис олимлари ва шоирлари ижодидан килган ўтили таржималари ҳам тиник ва таъсирчанлиги билан мутахассислар эътиборини қозонган.

Индамай таржималар қилиб, сокинлик билан ўзбек фалсафаси ва эстетикаси тараққиёт тамойилларини тайин этишга доир илмий асарлар яратиб, шивирлаб шеърлар ёзиб, миллат рухига ўзлик тўфонлари олиб кираётган ижодкорга камолот ёр бўлишини тилаймиз!

2012

ЎЗИГА ХОС ИЛМИЙ АСАР¹

Мустақилликка эришилгач, юртимизда яшайдиган бошқа миллат вакилларининг ўзбек тилини ўрганишга

1 Мақола К. Йўлдошев ва Р. Ниёзмостовалар билан биргаликда ёзилган.

бўлган эҳтиёжи кучайди. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да ўзбек тилини давлат тили сифатида ўргатишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу асосда “Ўзбек тили (таълим бошқа тилларга олиб борадиган мактаблар учун) давлат таълим стандарти” яратилди. Унга таянилган ҳолда таълимнинг барча босқичларида фойдаланиладиган дастур ва дарслерлар қайтадан ёзилди. Ушбу соҳада мавжуд илмий-методик муаммолар юзасидан қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиб, диссертациялар ёқланди. Таникли методист олим Рустам Йўлдошевнинг “Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки нутқини уларни кўп гапиртириш орқали ўстириш методикаси” номли монографияси ана шундай илмий изланишларнинг эътиборга лойиқ намунасиdir¹.

Ўзбек методист олимлари орасида бошқа улус вакилларига давлат тилини ўргатиш борасида бир-бирига кескин қарама-қарши бўлган икки ёндашув мавжуд. Биринчи ёндашув тарафдорлари (улар жуда кўпчилик) ўзбек тили таълим-тарбия бошқа тилларда олиб бориладиган ўқитиши муассасаларида ҳам тўлиғича тилнинг грамматик қоидаларини ўргатишга асосланган ҳолда ташкил этилиши керак деб ҳисоблайдилар. Ниҳоятда озчиликни ташкил этадиган иккинчи қараш тарафдорлари эса, давлат тилини ўргатиш кечимида грамматикага таяниш мутлақо мумкин эмас деб биладилар. Улар ўзбек тилини ўрганиш асосида ўқувчиларни яратилган нутқий вазиятга мувофиқ сўзлашга одатлантириш туриши зарур деб санайдилар.

Салкам қирқ беш йилдан бўён мунтазам равишда ўзга миллат болаларига ўзбек тилини ўргатиш муаммолари билан жиддий равишида шуғулланиб келаётган таникли методист олим Рустам Йўлдошев илмий фаолияти давомида юқоридаги қарашларнинг рационал жиҳатларини ўзаро уйғунлаштиришга уриниб келаётган камсонли мутахассислардан биридир. Олимнинг тилга олинган монографиясида ўрта мактабда таҳсил олаётган ўзга миллат ўқувчиларига давлат тилини ўргатишнинг педагогик-

1 Йўлдошев Р. Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки нутқини уларни кўп гапиртириш орқали ўстириш методикаси. –Т.: “Фан ва технология”, 2012.

психологик асослари ҳамда амалий жиҳатлари атрофлича тадқиқ этилган.

Беш бобдан иборат китобнинг биринчи боби “Дарсларда ўқувчиларнинг оғзаки нутқини уларни ўзбек тилида кўп гапиртиришларини таъминлаш орқали ўстиришнинг назарий ва дидактик асослари” деб номланади. Унда муаллиф ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўқитишда ўзга миллатга мансуб ўқувчиларнинг психологик ва нутқий физиологик хусусиятларини ҳисобга олиш қераклигига эътибор қаратади. Иккинчи тилни ўргатиш психологиясини алоҳида ўрганиб чиқсан олим физиологларнинг қарашларига таяниб, одам миясида тил ўрганишга йўналтирилган маҳсус марказ ва зоналар мавжудлигини ҳамда уларнинг ҳар бири нутқий фаолиятнинг қайсиdir бир турини амалга оширишга қаратилганини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, иккинчи тилни ўргатишда: “...тилга олинган марказ ва зоналар бир-бирининг шаклланишига воситашилик қилмайди, бири иккинчисининг ўрнини босмайди. Буни шундан ҳам билиш мумкинки, сўзларни ўқий олган киши уларни ёзма шаклда ифодалаши малакасини эгаллаган бўлмайди. Сўзларни ўқий олган, шу сўзлар иштирокидаги гапларнинг мазмунини тушунган киши уларни ёддан айтиши мумкин, лекин мустақил равишда фикр ифодалаши учун улардан фойдаланишига уқуви етмайди”¹, деган холосага келади.

Монография муаллифи инсон нутқий фаолиятига қандайдир бир мавхум, умумий тушунча сифатида қарамайди. Балки, методика илмида илк бор унинг эшлиши, тинглаш, сўзлаш, ёзиш сингари турлари мавжудлиги ва бу нутқий кўникмаларнинг ҳар бирини эгаллаш учун ўша марказ ҳамда зоналарнинг ўзига тегишиларини фаоллаштириш зарурлигини асослаб беради. У руҳшуносларнинг фикрларига асосланиб, тез-тез ишга солиниб турмаган марказ ёки зона ўзига тегишли сўз бойлигига эга бўлмаслигини исботлаб беради. Демак, гарчи бир-бирларига боғлиқ жараёнлар бўлса-да, бегона тилдаги сўзларни эшлиши уни тушунишдан, тушуниш сўзлашдан, сўзлаш эса ёзиш кўникмасидан тамомила мустақил фаолият

1 Ўша монография 9-10-бетлар.

туридир. Ўқувчи бу нутқий фаолият турларининг ҳар бирига алоҳида ўргатилиши зарур. Шунинг учун, умуман, сўзни тушунгани билан ёзишни ўрганмаган одам ўз-ўзидан ёзб кетавермаганидек, гапирмаган одам бирданига нутқий фаолиятнинг бу турини эгаллай олмайди. Ўқувчи гапиришга ўрганиши учун кўп гапириши зарур бўлади.

Муаллиф ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўрганишда ўқувчилардаги хотира турлари ҳам катта аҳамият касб этишига эътибор қаратиб, “қисқа муддатли хотира” ва “узоқ муддатли хотира” сингари тушунчаларнинг хусусиятларига алоҳида тўхталади. Олим одам гапирганда сўзлар, сўз бирикмалари, грамматик воситалар узоқ муддатли хотирадан қисқа муддатли хотирага чиқишини таъкидлайди ва бунинг учун домий равишда хотирага тушириб турадиган нутқий фаолият зарурлигини айтади. Киши қанча кўп гапирса, керакли сўзларни узоқ муддатли хотирадан қисқа муддатлисига тушириш кўникмаси шунча тез шаклланиб, узлуксиз машқлар асосида улар малакага айланishi мумкинлигини билдиради. Олим инсон хотирасининг эмоционал, образли, сўзли-мантиқий, аффектив сингари турларига хос хусусиятлар ва уларнинг иккинчи тилни ўрганишдаги ўрнига ҳам мисоллар асосида тўхталади.

Китобда муаллиф турли муаллифлар томонидан турли йилларда яратилган “Ўзбек тили” дарсликларини атрофлича таҳлил қиласи, уларнинг ҳар бирига хос ютуқ ва камчиликларини кўрсатиб, ўз фикрини бугунги педагогика илмидаги етакчи қараашларга таяниб асослайди. Амалдаги “Ўзбек тили” дарсликларининг деярли барчасида ўрганилиши режалаштирилган материалларни белгиланган мавзу доирасидаги матн атрофида уюштириш анъанага айланган. Бунда матн гўё тил таълимини уюштирувчи марказ мақомига чиқарилган. Ўрганиладиган янги сўзлар ва грамматик воситалар ҳам матн муносабати билан танланиб, тақдим этилган. Матн устида ишлаш жараёни болани иккинчи тилдаги матнни ўқишига ўргатишдан ташқари, лексик ва грамматик материалларни ўзлаштириш ва мустаҳкамлашга доир тадбирларини ҳам ўз ичига олган. Кўринадики, матн устидаги ишлар кенг қамровли бўлиб, дарснинг асосий қисмини эгаллаши табиий. Бу ҳол луғат

иши, грамматик воситаларни тушунтириш ва мустаҳкамлаш, янги материалнинг ўзлаштирилишини назорат қилишга доир керакли амалларни ниҳоятда қисқартиришни тақозо этади.

“Ўзбек тили” дарслкларида ўқишга тавсия этиладиган матнларнинг катта қисми илмий мақола, хабар тарзидағи битиклардир. Бундай матнларни ўқиш, асосан, икки дидактик мақсаддагина хизмат қиласди: 1) ўқувчиларга ўқиш техникасини эгаллатиш; 2) уларни матн мазмунини тушуниш ва ундан ахборот олишга ўргатиш. Олим биринчи мақсад ўзга миллат болаларининг ўзбек тилини ўрганишларида унчалик катта фойда бермаслигини таъкидлайди. Матн мазмунини тушуниш ва ундан ахборот олабилиш эса, ўқувчидан олдин а) ҳарфни таний олиш ва овозлантира билиш; б) сўзни таний олиш, тўғри талаффуз қилиш ва ёза олиш; в) сўз шакли, сўз бирикмаси ва гапни тўғри ўқиш ҳамда тушуниш; г) матндан ўзбек тилидаги ахборотни ола билиш сингари бир қатор қўшимча таълимий малакаларга эга бўлиш талаб қилиниши туфайли унчалар самарали бўлолмаслиги мисоллар асосида кўрсатиб берилади.

Р.Йўлдошевнинг таъкидлашича, ўзбек тилини рус ўқувчиларига ўргатиша таржимали ўқиш ҳам катта аҳамият касб этади. Муаллиф ўқитувчиларнинг етарлича назарий билимга эга эмасликлари ҳам ўзга миллат болаларига ўзбек тилини ўргатищдаги муваффақиятсизликларга сабаб эканини таъкидлайди. Ўқитувчилар таржимали ўқиш билан таржимасиз ўқишнинг кўлланиш чегараси ва бунинг сабабини аниқ билмайдилар, чунки улар матнлардаги қайси сўзлар ўқувчилар учун тушунарли, қайслари тушунарсиз эканлиги ҳақида маълумотларни тўплаб ва ҳисоблаб бормайдилар. Айрим ўқитувчилар таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида матн устида ишлашни таржимали ўқишдангина иборат деб биладилар. Шу боис дарсликдаги барча материалларни сидирғасига рус тилига таржима қилдирадилар. Ортиқча вақт сарф этиладиган бу усул ўқитиш самарадорлигини пасайтиради. Олимнинг таржимали ўқитишнинг таълимий томони таржима технологиясини ўргатишидир, деган қараши илмий исботини топган.

Р.Йўлдошев монографиясида рус тилида сўзлашувчи ўқувчиларнинг ўзбекча оғзаки нутқини матнлар асосида ўстиришни муҳим дидактик муаммо сифатида ўрганиб, унинг амалиётга кўл келадиган ечимларини тавсия этишга эришади. Таълим ўзга тилларда олиб бориладиган мактабларда ўқувчилар 2-синфдан ўзбек тилини ўргана бошлайдилар. Уларнинг ўзбек тилини ўрганишлари учун кулай тил муҳити мавжуд. Яъни болалар ҳар қадамида ўзбекча нутққа дуч келадилар. Дарс жараёнида эса уларга матнлар ёрдамчи манба бўлиб хизмат қиласди. Матнлар устида ишлаш ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш ва ўзбек тили таълим мининг дастлабки босқичларида матн мазмунини қайта ҳикоя қилиш машқлари тарзида амалга оширилади. Китоб муаллифи қайта ҳикоялашнинг: а) ҳажмига кўра (тўлиқ, қисқартириб, танлаб); б) мазмунига кўра (батафсил, асосий мазмунини, сайлаш); в) гапирувчининг иштирокига кўра (матнни ўзгартирмай сўзлаш, матн мазмунини ўз сўзлари билан) каби уч турини ишлаб чиқади ва бу педагогик юмушнинг илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатларини кўрсатиб беради.

Монографиянинг иккинчи бобида грамматик материалларга асосланган ҳолда гап ва гапдан катта нутқ намуналари, яъни матнларни моддийлаштириш йўлларини ишлаб чиқишига алоҳида эътибор қаратилган. Гап конструкцияларини ажратиш, грамматик материалларни гап ва матн намуналари воситасида ўргатиш масалаларига Р. Йўлдошев атрофлича тўхталган. Муаллиф ўзининг бир неча ўн йиллар давомида олиб борган илмий тадқиқотларига таянган ҳолда ўқувчиларни сўзлашга ўргатиш учун тақдим этиладиган гап намуналарини муайян моделларга айлантиришни тавсия қиласди¹. Олим модел сифатида танланадиган гап 1) ундаги бир сўзни алмаштирган ҳолда чексиз миқдордаги ўхшаш гапларни вужудга келтириш мумкинлиги; 2) гап намуналари грамматик материалларни муайян изчилликда, тўла-тўқис қамраб олиши зарурлиги сингари талабларга жавоб бериши кераклигини кўрсатади². Р.Йўлдошев ўз илмий ғояларини таклиф этибгина қолмай,

1 Ўша асар. 48- бет.

2 Ўша асар. 49- бет.

уларни амалга оширишнинг амалий-методик йўлларини ҳам кўрсатади. Муаллиф гап намуналарини моделлаштириш катта кўламдаги методик масалаларни ҳал этиш орқали муваффақиятли амалга ошиши мумкинлигини далиллар воситасида исботлаб беради.

Ўкувчига берилган гап модели таркибидаги бир ёки бир неча сўзни алмаштириш орқали унинг нутқини ўстиришга эришиш ва бунинг учун зарур бўладиган сўзлар тизимини белгилашда ўқитувчи боланинг ёш хусусиятлари ва ителлектуал имкониятларини билиши тақозо этилади. Китоб муаллифи рус тилидаги мактаб ўқувчилари ҳар бир синфда эгаллашлари лозим бўлган луғат-минимумнинг аниқ микдорини илмий асосларда белгилаб, қуйидаги холосага келган: “Хуллас, намуна асосида савол-жавоб қилиш, гаплар тузиш учун дастлаб грамматик воситаларни ўзгартиришни талаб этмайдиган, сўнгра уларни онгли равишда танлашга ва кўллашга ундайдиган сўзлар рўйхатлари ёки луғатлар тавсия килингани маъқул. Бундай рўйхатлар ёки луғатлар оғзаки нутқий машқларни бажаришда осондан қийинга қараб бориш имконини беради”¹. Муаллиф модел учун танланган гапда алмаштирилиши лозим бўлган сўзлар микдори йигирматадан кам бўлмаслиги кераклигини таъкидлайди ва буни бир гап қурилишида намунага таяниб, йигирма марта ўзгариш ясай олган ўқувчи истаган пайтда шунга ўхшаш гапни мустақил равишда туза оладиган кўникмага эга бўлиши билан асослайди. Дейлик, ўқитувчи “Мен мактабга бордим” гапидаги “мактабга” сўзининг ўрнига қўллаш мумкин бўлган “ишга”, “уйга”, “тўйга”, “бозорга”, “кинога”, “дўконга” тарзидаги йигирма сўзни бериши ва ўқувчилардан шуларни қўллаб гапни ўзгартиришга ўргатиши болаларда ўқитувчи бермаган бошқа сўзларни ҳам тўғри қўллай олиш кўникмасини шакллантиради.

Ҳар кандай иккинчи тилни ўрганишда савол-жавоб асосига қурилган суҳбат усули салмоқли ўрин тутади. Монографияда бу методга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Муаллиф таълим-тарбия рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўқувчиларига ўзбек тилини савол-жавоб асосида ўргатишни 2-синфнинг дастлабки дарсларидан

¹ Ўша асар. 75- бет.

бошлаш лозимлигини таъкидлабгина колмай, бу ишларни қандай ташкил этиш йўлларини ҳам кўрсатиб беради. Р.Йўлдошев грамматик қоидаларни ўз ҳолича эмас, балки гап модели ёки савол-жавоб орқали ўқувчилар нутқига олиб кириш йўлларини кўрсатади. У бу жараённинг илмий-назарий асосларини белгилаб, бу кечим билан боғлиқ иш турларини 1) грамматик воситани англатиш, нутққа олиб кириш; 2) намуна асосида гап ёки савол-жавоблар тузиш; 3) грамматик воситалардан автоматлашган ҳолда фойдаланиш малакаларини шакллантириш; 4) нутқда грамматик воситани ўйлаб ўтирмай тез қўллаш даражасига етказиш сингари тўрт боскичга ажратган¹. Монографияда ҳар бир боскични ташкил этишнинг аниқ йўллари хусусида батафсил сўз юритилган.

Китобнинг учинчи боби нутқ ўстиришга бағишиланган машқларни лексик жиҳатдан таъминлаш методикасига бағишиланган бўлиб, унда рус тилида сўзлашувчи ўқувчининг оғзаки нутқини ўстиришда муҳим ўрин тутадиган луғат минимумларини тузиш принциплари ҳақида сўз юритилади. Ҳар бир синфда ўқувчи ўзлаштириб олиши лозим бўлган мажбурий сўзларнинг минимал миқдорини белгилаб олиш иккинчи тилни ўрганишда қатор қулайликларни келтириб чиқаради. Чунончи, луғат минимуми белгилаб олинмаса, ўқувчиларга ўргатилиши лозим бўлган сўзлар миқдори ё ҳаддан ташқари ортиб ёки аксинча, камайиб кетиши мумкин. Шунингдек, ўрганилиши керак бўлган сўзларнинг қайсилари фаол ва қайсилари нофаол эканини белгилаб олинмаса, болаларнинг давлат тилини ўрганиш йўлидаги меҳнатлари самарасиз бўлиш хавфи туғилади. Минимум сўзлар миқдори аниқ белгилаб олинмаса, қайси синфда қандай грамматик воситаларни ўргатиш кераклигини ҳам тўғри белгилаб бўлмайди². Шу йўналишда кирқ йилдан ортиқроқ вақт мобайнида кузатишлар олиб борган муаллиф рус тилида сўзловчи ўқувчилар ўзбек тилида мuloқотга кириша олишлари учун 2100 туб сўздан иборат луғат минимуми зарур деб ҳисоблайди. Олим илмий асосларга таяниб, ўзлаштирилиши лозим ясама ва нофаол сўзлар

1 Ўша асар. 76- бет.

2 Ўша асар. 130- бет.

микдори қанча бўлишини ҳам белгилаб беради.

Лугат минимумини яратишида муаллиф ясама сўзлардан фойдаланишга ҳам алоҳида этибор қаратади: “Ясама сўзларнинг ҳаммаси ҳам оғзаки нутқда фаол ишлатилавермайди. Ўзбек тили ўқитувчисининг бу йўналишдаги меҳнатини енгиллаштириш мақсадида лугат минимумига ясама сўзлардан иборат қўшимча лугат илова қилиниши даркор. Лугат минимумида туб сўзлардан кейин қавс ичидаги унга қўшилиши мумкин бўлган сўз ясовчи қўшимчаларни, қўшма сўзнинг иккинчи унсуруни кўрсатиб қўйиш мумкин. Масалан: *Танқид* (-чи, -ий, -қилмоқ); *ов* (-чи, -ла, қилмоқ); *пахта* (-кор, -зор, -ли, -сиз, -чилик) *тер* (-им, -ув, -имчи, -ма)”¹.

Монографиянинг тўртингчи боби таълим рус тилида юритиладиган мактаб ўқувчиларининг оғзаки нутқини ўстиришга қаратилган дарслар структураси ва уларни ташкил этиш йўлларига бағишлиланган. Муаллиф ўзбек тилидан уютириладиган дарс турларини а) янги сўзлар билан таништириш; б) гап моделлари асосида ишлаш; в) лексик-грамматик машқлар бажариш ва берилган мавзуда ҳикоя қилиш сингарилардан иборат уч турда бўлиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди².

Китобнинг ўзбек тили таълимини ташкил этишида таянилладиган ёндашув ва принциплар хусусида сўз юритиладиган сўнгти бешинчи боби бевосита шу соҳа бўйича илмий изланишлар олиб борадиган мутахассисларга мўлжалланган бўлиб, муаммонинг илмий-назарий асосларини тадқиқ этишга йўналтирилган.

Катта назарий тайёргарлик ва кўп йиллик тажрибага эга таникли методист олим Рустам Йўлдошевнинг “Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки нутқини уларни кўп гапиртириш орқали ўстириш методикаси” тарзида номланган монографияси таълим-тарбия бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилини ўқитиши илми ва амалиётига қўшилган салмоқли хисса бўлди. “Кўп гапиртириш орқали” деган бирикма бежизга асарнинг номида акс этмаган. Муаллиф бу йўналишдаги ўқитиши

1 Ўша асар. 135- бет.

2 Ўша асар. 182- бет.

кечимида асосий эътибор айнан “кўп гапиртириш”га қаратилиши зарурлигига урғу беради. Ўзга тилда сўзловчи ўқувчиларнинг сабоқларда “кўп гапиртирилиши” уларнинг давлат тилида, умуман, гапира олишлари ва тўғри гапира олишлари йўлидаги илк ҳамда асосий дидактик қадам экани китобда атрофлича асослаб берилган. Ўзига хос бу асар бўлажак методист олимларнинг илмий изланишлари ва ўқитувчиларнинг амалий фаолиятларида тез-тез асқотиши шубҳасизdir.

2012

ОТА МАКОН ВА ОНА ТИЛГА МУҲАББАТ МАҲСУЛИ

Маълумки, инсон руҳиятидаги киндик қони тўкилган тупроққа муҳаббат ҳисси ота-она, жигарлар, қондош-қариндошлар ва юртдошларга бўлган муҳаббат билан қоришиқ ҳолда, табиий равишда пайдо бўлади. Ватан қайсиидир фарзандисиз, унинг ўзига нисбатан муҳаббатисиз ҳам яшайвериши мумкин. Лекин фарзанд ватансиз, кўнглида унга бўлган муҳаббатисиз яшай олмаслиги аниқ. “*Ватан бўсағадан бошланади. Бўсағасини билмаган, уни севмаган одам Ватанини билмайди ва севмайди. Ватанини англамаган не боис яшаётганлигини билмай ўтади. Англамаслик бепарволикни, бепарволик лоқайдликни, лоқайдлик манқуртликни түгдиради*”, дейишади устоз-шогирд муаллифлар: Б. Тўйчибоев ва К. Қашқири ӯзларининг “Зоминнинг тилқомуси” номли (Т.:Akademnashr, 2012. -400 б.) китобида.

Вақти-соати келиб фарзандлар улғайганда тақдир ҳукми билан дунёнинг турли бурчакларига кетиши мумкин бўлсада, уларни ота маконга муҳаббат ҳисси тинимсиз равишда ватанга тортиб туради. Айниқса, ҳаёт муаммоларидан толиб, дунё кўзига тор кўринганда, руҳиятига қувват истаб она юртни қўмсайди. Юрт табиати, юртдошлар давраси, туғишганлар дийдори, қадрдонлар зиёратидан кўнглига бир олам куч-кудрат олиб, яна яшашда давом этади. Ижод аҳли кўнглидаги она тупроққа муҳаббат туйғусини бадиий сўзга айлантириб, қоғозга тўқади. Илм аҳли эса бу ҳисни

илемий асарга айлантириб, миллатдошининг маънавиятига жойлади.

Шу маънода, “Зоминнинг тил қомуси” китобини устозшогирд муаллифларнинг ота маконлари Зоминга, унинг табиати, тили ва ўзига хос удумларига бўлган муҳаббати тимсоли дейиш мумкин. Бу битик нафақат муҳаббат, балки жуда катта билим маҳсули ҳамдир. Буни киши китобнинг “Сўзбоши”сини ўқигандаёқ туюди. Муаллифлар: “Ҳар қандай маданий ёдгорлик тенгсиз бойликдир. У, биринчи навбатда, элнинг тарихи ва маънавий-маданий даражаси қандайлигидан дарак берини билан қимматлидир. Ёдгорликлар ўз яратувчиларининг яшаши тарзи, қарашлари, маданияти, маънавияти, ахлоқи, билимининг тарихи ҳисобланади. Лекин маданий-маънавий ёдгорлик ўз-ўзидан тилга киравермайди. Уларнинг кўнглини англайдиган меҳрли ва синчков тилмочгина уларни сўйлатиши мумкин”, деб ҳисоблайдилар ва ота макон тарихини битадилар.

Х асрда ўлкамизда бўлган араб сайёхи Абулқосим ибн Хавқал маълумотлари, Хитой подшоликларига дахлдор “Суй давлатининг тарихи”, “Тан давлатининг тарихи” китоблари, 629-630 йилларда Хитойдан Ўрта Осиёга сафар қилган Сюан Цзяннинг қадимги Уструшона ҳақидаги тадқиқотлари, А. Грицина раҳбарлигига Зоминда олиб борилган археологик изланиш натижалари таҳлилига таянган ҳолда илемий хуносалар чиқариб, Зоминнинг ёши камида икки минг йилдан ортиқ эканини асослайдилар.

“Дунёдаги ҳар бир ҳалқда шундай ёдгорлик борки, у орқали нафақат миллатнинг тарихи, балки руҳиятини ҳам билиши мумкин” деб ҳисоблаган муаллифлар бу ёдгорлик сўз эканини алоҳида таъкидлашади. Улар зоминликлар томонидан асрлар давомида қўлланиб келинган, аммо глобаллашув даврида унутилиб бораётган шундай бойликни тўплаб, “Зоминнинг тил қомуси”ни бунёд этишади. Қомусга бугун фаол истеъмолдан тушиб, фақат қариялар нутқидагина ишлатилаётган, тарихан эскирган, ҳозирда улар маъносини ифодалаётган нарса-ҳодисаларнинг ўзи ҳам йўқ бўлиб кетган, агар шу тариқа қофозга “михлаб” қўйилмаса, изсиз кетиши аниқ бўлган сўз, ибора, мақол, матал, топишмоқ, лапар, айтишув, ном, атама, олқиши, қарғиши ва маънавиятга

доир бошқа ёдгорликлар жамланган.

Қомусдаги “Китобдан фойдаланиш йўллари” мақоласида ушбу асардан фойдаланиш бўйича йўриқлар берилади. Бу мақола билан танишмай туриб, китобни ўқиб тушуниш қийин кечади. Мақолани лугатнинг калити дейиш мумкин. Унда ўзбек тилининг имло қоидаларидаги жиддий камчиликлар хусусида ҳам сўз юритилиб, уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилади.

Даврий матбуотда баъзан тилшуносларнинг ўзбек тилида сингармонизм ҳодисаси бор-йўқлиги ҳақидаги мунозаралари кўзга ташланади. Қомус муаллифлари ўзбек тилида сингармонизм хусусияти борлигини тан олмаслик ҳам ўзбек тилининг ҳолати, ҳам илмий мантиқа зид эканини Зомин тумани аҳолиси нутқи мисолида қатъий ва ишончли далиллар билан исботлашади: “*Туркий тилнинг барча шеваларида бўлганидек, зоминликлар нутқида ҳам товуши оҳанaldoшиги, яъни сингармонизмга тўла амал қилинади. Зомин шевасида туркий тилларга хос бўлган сингармонизмнинг ҳар уч қонунияти тўлиқ амал қиласади. Яъни: а) сўз ўзагининг табиатига қараб қўшимча ҳам қаттиқ ёки юмшоқ; б) ўзакнинг жарангли ёки жарангсиз ундош билан тугашига мос равишда қўшимча ҳам жарангли ёинки жарангсиз; в) ўзакнинг лабланган ёки лабланмаган унли билан келишига қараб қўшимча ҳам лабланган ва лабланмаган товуши билан келади.*

Бу ҳолат, табиий равишда, “-қа, -қә, -ға, -ғә”; “-та, -тә, -да, -дә”; “-ум, -ұм -ім, -ым”; “-иң, -ың, -ұң, -үң” каби қўшоқ қўшимчаларни юзага келтиради. Бу ҳолат мазкур шеванинг, бир томондан, эски ўзбек тилидан тамоман узоқлашиб кетмаганиligини кўрсатса, иккинчи томондан, унинг умумтуркий тилнинг бир бўлаги сифатидаги универсал ҳодиса эканини хотирага солиб туради”.

Муаллифлар ўзбек тилидаги унли товушларни олтита эмас тўққизта деб кўрсатиб, ўз даъволарини илмий жиҳатдан асосслайдилар. Муаллифлар ўзига хос талаффуз қилиниши; эшитилишда фаркланиши; сўз ичидаги маъно тафовутини юзага келтириши каби талабларга жавоб бера олишидан келиб чиқиб, Әә; Іі; Ӯӻ; Өө товушларининг мустақил фонемалар эканини исботлаб берадилар. Бу унлилар

нафақат Зомин шевасида, балки ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам мустақил товуш сифатида мавжудлиги, фақат тильтуносликка доир илмий адабиётларда бу ҳолат тан олинмаётганлиги аномал ҳолат эканини таъкидлайдилар.

Нутқ амалиётида алоҳида товуш сифатида мавжуд бўлгани ҳолда ёзувда икки белги билан ифодалангани учун тобора истеъмолдан чиқиб бораётган ва тилимизнинг фонетик ўзига хослиги йўқолишига сабаб бўлаётган Џу бурун товушининг бугунги кунда “нг” тарзида икки фонема сифатида талаффуз қилиниши ҳақидаги ҳақли фикрга ҳам эътиroz билдириб бўлмайди. Ҳозирда ёшлар нутқида “минг”, “ўнг” сўзлари “г” товуши тушириб қолдириб “мин”, “ўн” тарзида айтилишини муаллифлар: “*нотўғри имло қоидаси нотўғри талаффузни ...юзага келтиради*”, дея изоҳлайдилар. Имло қоидасидаги бундай ҳолат табиий равишда шева сўзларининг транскрипцияда берилишини талаб қиласиди, буни тўғри анлаган муаллифлар қомуснинг ўқишилигини таъминлашга эришишган.

“*Ўзининг гилдизини, ота-боболарининг кимлигини билшига интилиши чин одамга хос бўлган хусусиятдир. ... Ўтмишидан тамомила узилиб, фақат бугуни билан яшайдиган одам манқуртдир. Чунки унинг кўнглида, хаёлида тананинг эҳтиёжларидан юксакроқ қадриятларга ўрин бўлмайди*”. Китобнинг “Ўзликни англаш эҳтиёжи” рукнида ҳалқнинг: “Етти отасини билмаган – қул” нақли келтирилган. Ҳукм тарзида айтилган бу тўхтам ҳар қандай шахсни ўйлашга мажбур қиласиди. Чунки ўз этник томирларини билмаслиқ, асли қаердан эканига қизиқмаслик одам рухиятидаги “мен”ликни, ғурур ҳиссини сўндиради. Бундай кимса отабоболарининг номи ва шаънини асраш, уларга муносиб бўлиш, масъуллик туйғуларидан маҳрум бўлади.

Қомусда зоминликлар нутқига хос бўлган сўз, ибора, мақол, матал, топишмок, лапар, айтишув, ном, атама, олқиши, қарғиш каби тил материаллари, уларнинг урф-одатлари ўз мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб “Удумлар – ўлмас қадрият”, “Жой отлари – тарих”, “Мақоллар – эл оқиллиги меваси”, “Ибора – кўпнинг баҳоси”, “Жуммағимдың жуты бар...”, “Айтимларда элнинг руҳи бор”, “Отда қисмат бор ...”, “Қон ютганда қариндош”, “Тана – қўрғон”, “Озиқли от ҳоримас”,

“Кийим – нур”, “Элибой атамалари”, “Экинчиликка доир сўзлар”, “Ўйин ўйлатади”, “Олқиши ўздирап”, “Қарғиши тўздирап”, “Қасам урган кўкармас”, “Тирик сўзлар” каби руқнларга тақсимланган.

“Удумлар – ўлмас қадрият” рукни алоҳида дикқатга сазовордир. Унда Зомин аҳолисига хос урф-одат ва удумлар қаламга олинган. Маълум бўлишича, зоминликларда инсоннинг серқирра ҳаётидаги деярли барча ҳолатларга мос удумлар тизими мавжуд ва уларнинг кўпчилиги ҳанузгача амал қилиб келинади. Масалан, исм қўйишдаги зоминликларга хос хусусиятлар, боласининг келажагини тасаввур қилган ҳолда куйланган аллалар, “бешиккери” удуми, тўйлардаги айтимлар, кўпкари деярли барча ўзбекка таниш. Лекин “куёвлаш” удуми кўпчилик ўзбек уруғларига хос эмас. Ёки куёвнавкарнинг уч кишидан иборат бўлиши ва куёвнинг икки навкари орқасида келиб ҳар уч қадамда келин тарафга салом солиши ҳам кўпчилик учун ғайриодатий ҳодиса.

Аза маросимларида аёлларнинг айтиб йиглаши кўпчилик ўзбек уруғларига хос. Лекин бу маросимларда эркакларнинг йигламай қўйганига анча бўлган. Эркак – қудрат, таянч тимсоли. У жуда камдан-кам ҳолларда кўзига ёш олади. Ҳар ҳолда кўз ёшини атрофдагиларга кўрсатмайди. Лекин эркакнинг йўқлов йигиси борлиги бугунги ўзбекни ҳайрон қолдиради.

Комусдаги “Жой отлари – тарих” рукнида Зоминга хос бўлган қишлоқлар, у ердаги қадими қалъалардан бино бўлган тепаликлар номи уларнинг бино бўлиш тарихи, сабаблари ҳақида илмий манбалар ҳамда ривоятларга таянган ҳолда маълумотлар берилади. Масалан, “Бешкуби” қишлоғининг ёши 1500-1600 йилга teng эканлиги таъкидланиб, унинг номи қишлоқда истиқомат қиласидиган халқнинг тарихи ҳақидаги ривоят билан боғлиқ экани кўрсатилади.

Зомин номининг келиб чиқиши китобда: “Забын” ёки “Зомин” сўзининг келиб чиқиши айрим тилчиларнинг тадқиқотларига кўра, “йам” сўзига бориб тақалади. Уларнинг изоҳлашларича, сўзнинг бошидаги “й” ундошининг талаффузда баъзан “з” товушига, “м” товушининг “б”

ундошига айланиши қипчоқ лаҳжасига хос лингвистик ҳодиса экан. Шу ҳодиса амалга ошиши натижасида ерли халқтомонидан “йом” сўзи “зом” ёки “зоб” тарзида айтила бошланган. Ўзакка жой номини ясовчи “-ын” қўшимчasi қўшилиши билан “Зобин” ёхуд “Зомин” атамаси вужудга келган”, дея асосланади. Ушбу фикрнинг исботи учун муаллифлар Ибн ал-Фақих, Ибн Хардоз, Ёкуб Ҳамавий, Рашидиддин, Абулғози Баҳодирхон, Абу Райҳон Беруний, Ал-Максудий, К. Юдахин, Т. Нафасов каби олимларнинг қарашлари, “Темур тузуклари” ва “Бобурнома” асарларига мурожаат қиладилар.

Китобнинг “Қон ютганда қариндош” бўлимида қон-қардошлик даражаларининг тилда акс этиши ғоят нозик кузатилган. Шаҳарлашган улуслар тилида отанинг акаси ёки укаси “амаки” дейилади. Муаллифлар зоминликларда: “...қариндошларни имкон қадар яқинлаштириши, ҳар бир қондошнинг ўрни ва қондошлик даражасини аниқ белгилаб қўшишига мойиллик кучли” эканини таъкидлаб: “отанинг укаси ... “амаки” дейилмайди, балки “әқә” деб аталади. “Амаки” бўлиши учун камида яна бир қорин узоқлашилиши зарур бўлади. Шунингдек, отанинг акаси ҳам “амаки” эмас, балки ё “бава” ёки “кәттата” деб юритилади”, - дейишадики, бу гапда ҳақиқат бор. Одатда катта ёшли етти ёт бегона одам ҳам “амаки” саналади. Чиндан ҳам, бир кориндан тушган ака-укалар болаларининг “амаки” дейишлари жигарларни бир-биридан узоқлаштиришдан бошқа нарса эмас.

Қомуснинг “Озиқли от ҳоримас” рукнида зоминликлар томонидан тайёрланадиган жәнчміч, әйт, ақсавлақ, аймаш, быламық, дўмбілқувурмач, жуқмашорпа, кәртқуйруқ, құлчәтәй, кәләгәй, сұzmаймаши, талпық, тұмәч, увузаш, ұзмәнтәй, үйүрмә, қаганақ, қайырма, құртаба, гілмінді сингари бир қатор ўзига хос тарзда аталадиган емакларнинг номлари келтирилган. Уларнинг қандай тайёрланиши ҳақида ҳам ихчам изоҳ берилган. Бу емакларнинг кўпчилиги зоминликларнинг чорвадорлиги билан бөглиқ равишда юзага келган.

Китобнинг “Кийим – нур” бўлимида муаллифлар кийимлар, кийиниши одоби ва рўзгор буюмлари ҳақида

гапириб, фикрларини: “Зомин қишилоклари аҳолиси ўртасида “жэләкчә” сўзи мавжуд. Бу атамада “жэләкчә”ни кимлар қайси пайтдан бошлаб, қай ҳолатларда ёпинишигача бўлган жиҳатлар ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, зоминликларда “мінсәк”, “жийдә” деб аталувчи кийимлар ҳам бор бўлиб, уларнинг кийилиши маълум ёш, вақт ва мавсумга боғлиқдир”, тарзида изоҳлайдилар. Бу бўлимда ҳам элибой (чорвадор)ларга хос бўлган: басма, дэләгәй, жэләк, жийдә, жырмач, тамақча, туматай, чәчбәв каби, агар изоҳи бўлмаса, замондошларимиз тушунолмайдиган кийим-кечак номлари санаб ўтилган.

“Элибой атамалари” бўлимида тилга эътиборсизлик туфайли бугунги кунда нотўғри қўлланилаётган сўзлар кўпайиб бораётгани қуидаги мисол ёрдамида кўрсатиб берилади: “...ҳозирги ўзбек адабий тилида “от” сўзи шу туркумга кирадиган жонлиқларнинг умумлаштирувчи номини ифодалайди. Ҳолбуки, бу мантиқча тамомила зид бўлиб, тилимизда худди барча бошиқ туркий тилларда ҳам бўлгани каби миниладиган тўрт оёқли ўтхўр жонлиқ “йилқи” номи билан умумлаштирилган. “От” дейилганда, уч ёшдан ошиб, кучга тўлган эркак йилқи тушунилган. Шу маънода, қимизни отнинг сутидан тайёрланадиган ичимлик дейиш қулгили ва аянчлидир”. Бу ҳол чорвачи зоминликлар нутқининг бу борадаги аниқлик даражасини кўрсатади. Шунингдек, матбуотда, баъзан оғзаки нутқда ҳам “йирик шохли қорамол” бирикмасининг ишлатилиши ўринсизлиги: “...миллий тилга беписандлик ва мантиқдан хабарсизлик белгисидир. Ўзбек ҳалқи минглаб йиллардан буён бу тушунчани биргина “қорамол” сўзи билан ифодалаб келган. Ҳатто, баъзан элибой ўзбек уни “қора” шаклида ҳам қўллайди. Масалан, “Қалындық ұстігә экі қой, бір қара бэрді”, - дейилади. Таъкидлаш лозимки, “қорамол” қўшима сўзи маркибидаги “қора” сўзи бу ўринда рангни билдирамайди. Зоро, оқ, қизил, кўк, сариқрангдаги қорамоллар борлиги маълум. “Қора” ўзининг асл функциясига кўра, “йирик”, “улкан” маъноларини билдириб, бу атамада кўзда тутмилган жонлиқлар қўй-эчки каби ушиоқ (майдада) моллардан катта эканлигини англатади. Қўй-эчкининг “ушоқмол” деб аталиши ҳам бежиз эмас”, дея асосланади.

Зоминликларнинг чорвани яхши билишини эса: “Яхши чорвачи бир қарашидаёқ молнинг зотини, сифат-хусусиятларини билганидек, жонлиқнинг жисинси, ранги, ёши, белгисини алоҳида сўзлар билан атайдилар ҳам”, дея изоҳланади.

Қомуснинг “Ўйин ўйлатади” бўлимида саналган ўйинлар ва уларнинг хусусиятлари ҳақида гапириб шуни айтиш мумкинки, бугунги болалар, ҳатто қишлоқларда ҳам деярли ҳаракатли ўйинларни ўйнамай кўйдилар. Уларнинг асосий машғулоти ҳозир телевизор ва компьютер бўлиб қолди. Тўғри, булар туфайли ўқувчиларнинг дунёкараши кенгайиб, компютердан фойдаланишни ҳам ўрганиб бормоқдалар. Бироқ бунинг ўзига яраша салбий томони ҳам борлиги тўғрисида тиббиёт ходимлари, психолог ва педагог мутахассислар айтишмоқда. Қомусда келтирилган “мәк-мәк” чічәмәк каби ўйин намуналари кишига ўз болалигини эслатади. “Хуву-хуву” ўйинининг ўзига хос жозибаси одамни ҳайратга солади.

Китобда ўғил ва қиз болаларнинг ўйинлари маълум жисмоний ва ахлоқий мантиққа мувофиқ фарқланиши изоҳлаб берилади: “Ўғил болаларнинг ўйини қизлар ўйинидан вақт жиҳатидан ҳам, ҳарактерига кўра ҳам кескин фарқ қиласди. Зоминлик қизлар фақат кундузлари ўйнайдилар. Чунки ўрнатилган минтақавий тартиб-интизом ва берилган тарбияга кўра, қизларнинг бемаҳал кўчага чиқишилари маъқул ҳисобланмайди. Ўғил болалар эса, шароитга қараб, баъзи ўйинларни кундузи, айримларини кечаси ўйнайдилар. Ўйин турлари ишнинг фаслига қараб фарқланганидек, улар куну туннинг ҳам маълум бир пайтида ўйналган. Ҳатто, тундаги ўйинларнинг айримлари фақат ойдинда, баъзилари фақат қоронгидан ўйналган”.

“Олқиши ўздирап” рукнидан ўрин олган мақола – ўзига хос илмий тадқиқот. Ҳалқимизнинг ғоят узоқ тарихига бориб тақаладиган, ўзбек шеваларида “олқов”, “олқиши”, “дую”, “фотиҳа” шаклида қўлланиладиган айтимлар деярли барча туркий ҳалқларнинг қадриятлари ҳисобланади. Олқишиларнинг етакчи белгиси кишига тетиклик, бардамлик, омад, хушбахтлик тилаш ва ана шу тилакларнинг амалга оширилишини Тангридан сўраш экани билан фольклор

асарлари орасида алоҳида аҳамият касб этади.

Муаллифларнинг халқ орасида энг кўп яратилган, кенг тарқалган, доимий равишда кўлланиладиган ва турли варианtlарга эга бўлган дуо-олқишиларни тадқик қилиб: “...миллий фолклоримизнинг кенг тарқалган тури бўлишига қарамай, олқишилар нисбатан кам ўрганилган. Негаки, олқиши бевосита Аллоҳга дахлдор, инсоннинг диний қарашилари яққол намоён бўладиган ижод тури бўлганлиги учун ҳам илм мағкура етовида бўлган даврларда у миллий фолклориуносликда кенг ва пухта ўрганилмаган. Ҳукмрон мағкуравий қарашилар адабиётшуносликни ҳам тўлиқ қамраб олганлиги сабабли ...одамнинг Яратганга сигиниши, унга муножжотини акс эттирувчи оғзаки ижод намуналарини тадқиқ этиши таваккалчилликни талаб этарди”, тарзида чиқарган хуносалари эътиборга лойикдир. Китобда олқишилар ишлатилиш ўрнига кўра а) маросимлар таркибида олқишилар; б) кундалик майший олқишилар тарзида икки катта турга ажратилади.

Маросим олқишиларининг уйлантириш ва қиз чиқариш тўйлари олдидан ўтказиладиган унаштириш, фотиха тўйи, тўй пайти ва тўйдан кейин айтиладиган кўринишлари; ўғил тўйи ва унинг ичига қамраб олинган кураш, кўпкари, қулоқчўзма сингари кўнгилочар ўйинлар муносабати билан қилинадиган тилак ва дуолар, бешик тўйларидағи олқовларнинг турлари хусусида сўз юритилади.

Ўзбекларнинг тўй-маъракалари ҳақида ҳар хил қарашлар мавжуд. Баъзилар халқимизни “бир умр меҳнат қилиб топганини бир кунда елга совуриш”да айбламоқчи бўлади. “Бир кунлик” тўйга етиш – ўзбекнинг бир умрлик орзуси экани кўпда ҳисобга олинмайди. Ўзбек шу кунга етганликнинг шукронаси сифатида фарзандига элнинг дуосини олиб беришга интилади. Мантиқан олганда, ўзбек ҳам кўпчилик бошқа халқлар сингари топганини оиласи ва ўзининг заруратига, юртма-юрт кезиб дунё кўришга сарфлаши мумкин ва шундай қилгани маъқул эди. Лекин ўзбек бутун ҳаётини фарзандларига бағишилаган этнос ва ислом аҳкомларини бир қадар билган, Яратганинг қудратига астойдил ишонган ҳамда кўпчиликнинг дуоси унга тезроқ етиб боришига умид қилган улус сифатида

моддий манфаатидан кўра маънавий хотиржамликка кўпроқ интилади.

Муаллифлар кундалик олқишиларни а) учрашув олқишилари; б) дастурхон олқишилари; в) турмушнинг бошқа ҳодисаларига доир олқишилар тарзида уч гурухга ажратадилар. Бу гурухлардаги олқишиларнинг ҳар бири ўзига хос жиҳатлари, айтилиш мароми, ижрочиси, фойдаланиш этикети билан фарқланиб туриши кўрсатилиб, олқишилардан бетакрор намуналар берилади. Олқиши ўзбек учун мажбурият эмас, заруриятдир. Тақдирнинг эгаси бўлмиш Яратганга мурожаат қилиб, зарур бўлган барча нарсаларни фақат Ундан ўтиниш ўзбек учун одатий ҳол. Исломда ният амалдан юқори туради. Шу боис олқишиларга ҳам шунчаки бир айтим тарзида қаралмай, жиддий илоҳий маъною кланади.

“Зоминнинг тил қомуси”дан ўрин олган “Қарғиш тўздирап” рукнида муаллифлар халқимиздаги сўзнинг илоҳий қудратига ишонч туйғуси сабабини: “...дунё мавжудотлари орасида фақат инсонгагина насиб этган нутқ бағрига яширинган илоҳий қудратни чуқур туйғанликдан”, деб изоҳлайдилар. Зоминликлар нутқида учрайдиган қарғишилар а) оддий ва б) вулгар сингари турларга бўлиниб, ҳар бирига хос белгилар кўрсатиб берилади. Аёллар ва эркаклар қарғишиларининг ўзига хослиги, уларнинг 1) одамларга қаратилган қарғишилар; 2) хайвонларга қаратилган қарғишилар; 3) табиат ҳодисаларига қаратилган қарғишилар тарзида турларга бўлиниши асосланади. Муаллифларнинг: “...қарғишилар қаргалаётган кишига Яратган томонидан ёмонлик етказилишини тилаш ифодасидир. Қарғишилар... иложисизликдан юзага келади. Негаки, қарговчи: “Шундай бўлади”, деб ҳукм чиқаролмайди, тилаганидай бўлдиришини Тангридан сўрайди”, йўсинидаги хуласалари кишини ишонтиради.

Китобнинг “Тирик сўзлар” рукнидан зоминликлар нутқида ишлатиладиган, аммо адабий тилимиздан ўрин олмаган сўзлар жой олган. Бу сўзларда элибой элатнинг ҳаёт йўсими, тирикчилик тарзи, турмуш даражаси, руҳияти, кайфияти, туйғулари ва маънавий қиёфаси акс этган. Баҳосиз маданий-маърифий ва маънавий бойлик бўлмиш бу сўзлар

Ўринли-ўринсиз тарзда ўзбек адабий тилига киритилган форс ва араб сўзлари ўрнига истеъмолга киритилса, миллий тилнинг маъно имконияти ортиб, ифода йўсини янада силлиқлашган бўларди.

Босим Тўйчибоев ва Қозоқбой Қашқирли томонидан яратилган “Зоминнинг тил қомуси” асарини тилшунослик ва элшунослик илмларидаги ўзига хос тадқиқот, ота юртга, она тилига бўлган катта эҳтиром маҳсули, деб баҳолаш мумкин.

2013

БУЮК ҚУШНИНГ ПАРВОЗИ¹

Шоира Ҳалима Худойбердиеванинг, ўзи айтмоқчи, муҳлислар “кўнглини излаб” тартиб берган навбатдаги шеърдастаси “Буюк қушлар” деб номланади. Шоира поэтик ижодининг асосий қисмини ўз ичига олган етти юз йигирма олти бетлик ушбу тўплам замонавий ўзбек шеъриятидаги энг салмоқли китобдир. Унда шоиранинг бутун умри давомидаги кўнгил кечинмалари, ичкин сезимлари, пўртанали тўлғамлари, ижтимой исёнлари, дарду ҳасратлари яққол акс этган. “Буюк қушлар” шоиранинг илкинчи тўплами “Илк муҳаббат”дан тортиб, энг кейинги “Йўлдадирман” китобига кирган шеърларгача ўз бағрига олган. Булардан ташқари, кейинги йилларда ёзилган юздан ортиқ янги шеърлар, яъни қарийб эллик йиллик назм хирмони уйилган. Бир муқова ичида бунча кўп асарни тўплаб чоп этиш тажрибаси бизда йўқ эди ҳисоб. Умуман, бадиий асар, айниқса, шеър ўқилмаяпти деган қараш оламни тутган бир шароитда бундай улкан шеърий тўпламнинг чоп этилиши ўқиладиган шеърга талабгор ҳамиша бўлишидан далолатдир.

Шоиранинг ҳам поэтик иқтидори, ҳам бўйу бастига яраша салмоқли китобга кирган шеърлар ўқилгани сари мисраларга эврилган фикр ва туйғуларда муаллифнинг йиллар оша камолотга етиб бораётган шахси кўрингандай бўлади. Улкан адабиётшунос И.Фафуров китобга ёзган сўзбошисида: “*Шеър бу – характер. Шоир қандай бўлса шеъри ҳам шундай*”, деган гапни айтади. Шоир бошқа,

¹ Макола Қозоқбой Йўлдош билан биргаликда ёзилган.

шеърнинг лирик қаҳрамони бошқа деган назарий қарашга ҳамиша қўшилиб бўлмайди. Бир қанча персонажлари бор насрий асарларнинг қаҳрамонларидан бири ёки бир нечаси муаллифнинг қарашларини ўзида ифодалashi мумкиндири. Лирикада эса асарнинг қаҳрамони кўпроқ шоирнинг ўзи бўлади ва у қофозга ўз изтироблари, қувончу қайғулари, баҳтию баҳтсизликлари, ҳайрату надоматларини тўқади. Айнан ўзиники бўлгани учун ҳам бу туйғулар ўзгаларгода таъсир қиласи, уларгода юқади. Истеъдодли ижодкор битикларида ўзга шахсиятларга хос бир кўп қирралар намоён бўлади. Куюнчак ижодкорнинг оташли туйғулари ёлқинидан “қорайган” оқ қофоз эса, бу дардларни ошкор этиб, ундан ўчини олади. Ҳар бир ўқирман бу битиклардаги ҳис-туйғу ва дарду ҳасратларни ўз эътиқоди, дунёқараши ва руҳий-маънавий даражасига кўра қабул қиласи.

Истеъдод – ўзи, ўзгалар ва Яратганга муҳаббатдан иборат ходиса. Бу муҳаббатнинг миқёси истеъдоднинг миқёсини белгилайди. Катта муҳаббат катта истеъдодни юзага келтиради ёки аксинча. Чин шоирга бутун олам дахлдор. У оламнинг ичидаги бўлганидай, олам унинг кўнглида. Унинг учун бегона гам, алоқасиз дард, таъсир қилмайдиган гўзаллик, юксалтирумайдиган эзгулик йўқ. Мана шу дахлдорлик истеъдодли шахс кўзини ўткир қиласи. Бу сўзбошида: “...довқур ва кўзлари узоқ-узоқларни кўради. ...уфқ нималигини билади. Уфқларда қимирилаган ҳар жонзоротни илгайди”, тарзида тўғри кўрсатилади. Ҳ.Худойбердисева зийрак назари билан кўрганлари, нозик қалби билан туйғанларини пардозлаб, сохта одоб либосларига буркамайди. Барча истеъдодли шахслар сингари Ҳалимахоним ҳам максималист: севса, қон ютиб суяди, нафратланса, қон қақшатиб ёмон кўради. Изтиробини изтиробдай, афсусини афсусдай, баҳтни чараклаб, баҳтсизликни ўксиниб-ўксиниб, надоматларни йиғлаб-йиғлаб тўқади:

...Таъсир қилмас эди: “Хушёр бўл, фарқ қил
Одамларни”, деб сен қилган ўгитлар.

Шовқин, базмларга ошиқарди дил,
Тушимга киради шўхчан йигитлар.
Йиллар ўтди, кимдир қаддимни бужиб,

*Ҳасса таянтириб белим толдириди...
Күндүз қошларимни рашик билан түкиб,
Үрнида саноқлы туклар қолдириди.
Энди,
Энди сени ўйлайман беун,
Күмсаб ҳузурингга чопаёттирман.
Онам, сен кирибсан тушимга бу кун,
Тушимда оёгинг ўпаёттирман*

Китобдаги баъзи битикларда аччиқ қисматнинг одамни синовларга дуч этиши, иложсиз ва химоясиз кўнгил эгасини ўз ихтиёрига зид ишлар қилдириши, неча кўнгилларни вайрон, қанча умрларни кемтик, не бир тақдирларни заволли айлаши дард билан акс эттирилган: “*Тақдир улаганда умрлар занжисирин Ногоҳда рўпара бўлдик иккимиз. Тушунмай яширин қалбларнинг сирин, Ҳиссиз йўл бошидан бирга тушибик биз. Буни тилим билан олмасам ҳам тан – Биласан, юрагим бегона эди. ...Биласан, йўқ эди дилимга ҳоким, Уни ўзга бирор этмаганди жсалб. Мазгур, қушидай эркин эдим ва лекин, Шунингдек сенга ҳам беролмадим қалб*”. Бу ўйчил сатрлар киши рухиятини жунжуқтиради. Негаки, уларда ўзини олам сарвариман деб юрган одамнинг қанчалар ожизлиги, ўзга у ёқда турсин, ҳатто, ўз юрагигада хўжалик қилолмаслиги акс этади. Одатий тасаввурга кўра қўшофига кўнгилсизлик бирорга кўнгил берганлик туфайли деб тушунилади. Шеър қаҳрамонининг ҳолати бу стандарт тасаввурга сифмайди: юрагида бирор бўлгани учун ёнидагига кўнгилсиз эмас, балки қалбини ҳеч ким эгалламаган бўлсада, унга унда жой йўқ. Ҳаётнинг мураккаблиги, кўнгил деб аталмиш коинотдаги йўлларнинг чигаллиги шу жўнгина, аммо бетакрор тасвиirlарда аниқ акс этади. Бу сатрларда ҳолатнинг қонсиз фожиаси, кўнглига эмас, қисматга қарши боришга журъат қилиб, журъатидан ўзи кўркиб турган ўзбек қизининг мураккаб ҳолати тасвиirlанади: “*Дил қушимни эркин учирдим – Шундай истак бор эди менда... Уфқ қизариб ёнаётган дам – Мен тарк этдим иссиқ қучогинг, Ортиқ энди айблама сен ҳам! Тузинг ҳаққи. Мени кечиргил*”.

“Мен сен билан хайрлашган тун” шеърида айрилиқнинг бўёғи нафақат севишгану ажralишаётганлар, балки табиатга ҳам кўчган: “*Мен сен билан хайрлашган тун қаро*

эди, қаро эди, Тун бағри бут. Менинг бағрим яро эди, яро эди”. Гүёки, тун айрилиқнинг даҳшатидан қорайган. Аммо барибир, тунга анча енгил. Чунки унинг бағри бут – ҳеч нарса йўқотмаган. Суюклисидан айрилаётган шоиранинг бағри эса ярали. Табиат билан дардли кўнгил ҳолатини бу қадар мувозий кўрсата билиш ўқирманни муаллифга яқинлаштириб, туйғудош қиласи.

Очун қаршисида бир чанг каби ушок одамнинг кўнгил олами шу қадар бепоёнки, уни кезиб охирига етиб бўлмайди. Ана шу поёнсиз очуннинг қай бурчида севинч гулласа, қаеридаadir қайғу булоғи қайнайди. Шоира ҳаммани ёппасига сўймайди. Зеро, ҳаммани севиш ҳеч кимни севмасликнинг ўзгинасиdir. Асл муҳаббат алоҳидаликни тақозо қиласи. Шу боис шоира ҳар бир одамни алоҳида туймоқ ва тушумоқ истайди. Шу боис ўзини ҳар бир одам олдида бурчли сезади, нелардандир тазарру қиласи. Ана шу тазарру, афсус-надомат ижодкор кўнглини тозартиради. Бу туйғу шеърхонгода юқиб, уни катарсис – покланишга етаклайди. Зотан, кувонч кўнгилни худбинлаштиради, қайғу эса тозартиради. Шу боис чин ижодкорларда ҳамиша тазарру босим келади.

Шоиранинг айборлик ҳисси: “*Кўз ёшларинг хуни бўйнимда, Отма, тегар қарғишинг тоши. ...Турмуши боғи бўлмасдан гуллаб, Ёғди унга қайта-қайта қор. Барчасига кибор қалб сабаб Барчасига ўзим гуноҳкор. Умр балки шодумон ўтар, Балки... кўргум боида борини. Бироқ, Сен қарғама, қарғишинг тутар, Кўз ёшларинг сабабкорини*” сатрларида бутун самимияти, бор чинлиги билан намоён бўлади. Шеър муаллифи – ўз қалби ва тутумларининг тафтишчиси. Бирорни эмас, ўзини текширади, ўзгага эмас, ўзига айб қўяди.

Оlamни ё куч ёхуд илм забт этар, лекин кўнгилни фақат самимиy иқрор мусаххар қила билади. Чин ҳақида чин ёзгани учун ҳам шоиранинг сезимлари ўқирман кечинмаларига айланади. Айни шу жиҳат шеърхонни унга туйғудош қиласи. Шоира туйғуларини юқтиргани боис ўқирман шеърни жўн тушуниб ечим изламайди, балки ўзга кўнгил товланишларини туйгиси келадики, шеърни ёзишдан мақсад ҳам, уни ўқишдан мурод ҳам аслида – шу: “*Ўтди, аммо дилда қолди чамаси Азоби, ўзим рад этганим учун. Бу чигал*

хатони тузатолмайман, Тундай юрагимни очаман тунга”. Одатда юрак ёник, алангали тасаввур қилинади. Лекин одамзод программалашган машина эмас, унинг юраги ҳам доим бирдай бўлавермайди. Айниқса, қаршиси ёки ёнидаги зот унга чўғ ташлай олмаса.

Маълумки, юракка йўл фақат юрак орқали ўгади. Шоира самимий бўлгани, туйғуларини пардозламагани, бежаб сохталашибмагани учун ўқирман кўнглига кириб боради. У донолик қилиб бировга йўл кўрсатмайди, аксинча, ўзи йўл тополмай, қийналаётганини очиқ айтади. Балки, шеърнинг таъсирчанлигини таъминлаган омил мана ўзу очиқликдир. Кўнгил кўнгилни алдамагани боис кўнгилдан чиқсан чин туйғулар иккинчи бир кўнгилдан осон жой топади.

Шоира қисмда бутунни, бутунда бўлаклар шодасини кўра билади. Шу боис шеърларида тасвири имкон қадар ўзига яқинлаштиради. Чегара билмас шоирона хаёл унга, ҳатто, ўз мучаларидан ҳам бадиий тимсол сифатида фойдаланишда қўл келади. Шунинг учун бодомқовоқлигига дарди кўплигидан тунлари йиғлаб чиқишини сабаб қилиб кўрсатади. Бундай кутилмаган поэтик изоҳ шеърни очиб юборади ва уни ўқирманга, ўқирманни шоирага ёвуқлаштиради: “*Ногоҳ баҳт уйини осон топганим – Унда мени чорлар дарча бўлгани – Мен эса бепарво – Дарчани ўз қўлим билан ёпганим – Сўнг дардда қалб парча-парча бўлгани – Сезилмасмиш. Танҳо дамларимда ўзим билан банд –минг бир тирилганим – минг бор ўлганим. Йиғлаб чиқсанларим узун тун билан, Ва йигидан бодомқовоқ бўлганим – Сезилмасмиш...*”.

Ҳ.Худойбердиеванинг самимий изтироб ҳисси билан суғорилган “Бир дақиқа”, “Сени сўрашар”, “Хайр дейман...”, “Хотирам тумани тарқалаётир”, “Мен сени топгандим”, “Кечаги кун” сингари шеърлари ҳам ўзга дилларни ром этишга қодир битиклар.

Кўнгли кенг одамгина ёқтиргмагани, юз ўгиргани кимсадан хижолат бўлади, ўзини унинг олдида айбдор сезади. Чунки севилмаган одам ҳам одамлигини, унингда кўнгли борлигини унотолмайди. Ўзига маъқул бўлмаган одамки бор душман деб тушунилган замонларда ҳам ўшандай кўнгил мағфиратини самимий тасвиrlай олган шоиранинг кенгбағирлигига тан беради киши.

Шоиранинг туйғулари үйлаб топилмагани, чинлиги боис қадрли ва таъсири. Унинг баъзи шеърларида тақдирга кўниkmай, унга қарши исён қилганидан, бундан ҳам ёмони ўзга бир одамнинг ҳаётини синдирганидан айборлик ҳисси акс этади, айни вақтда бошқа йўл йўқлиги, чора тўғрилигига ишонч туйғулари ҳам жаранглайди:

Аминманки, авжим билан шу биринчи даврадаёқ,

Ўзимга тонг яратарман, тонгим менинг отар оппоқ.

Шу каби икрорлар тасвири ўқирманда ёруғ туйғулар ҳосил қилиб, қувончу баҳтидан хижолат тортаётган шоирани тушунишга ундейди. Ҳ.Худойбердиеванинг шеърлари одамнинг тақдери гоят чигал экани, борлиқ олам оқ ё қора эмас, саноқсиз ранглардан иборатлигини, эзгулик ортида ёвузлик, қабоҳат ёнида олижаноблик бўлиши мумкинлигини рангин туйғулар тасвири асносида кишига юқтиради.

Шоира шеърларида астойдил излаганга топилгани, чин дилдан сўраганга берилгани, тинмай интилган эришгани каби кимгадир сояси тушиб, заха етказиб қўйишдан чўчиб яшаган шахс рухиятида ҳам шодмон туйғулар бот-бот уйғонгани ифода этилади. Асл туйғу ўзи келади, уни ясад бўлмайди, бутун келади, бўлаклардан қураб бўлмайди. Бу ҳолат тасвири “*Ўсма қўйган қора қошларим, Ним қизил, шўх лабларим билан Жовдирашим, гоҳ довдирашим, Кўзда қалқсан ёшларим билан Севидим бирдан. ...Билмай қолдим... қай баҳтли кун Favго солдим унинг ўйига...*” мисраларида ифодасини топган. “*Беҳадик қувонсам қанийди*” сатрларида эса қимматга тушган баҳтини йўқотиб қўйишдан хавотирдаги киши ҳолати акс этади. Тўқислик, мукаммаллик Яратганга хослигини англаб, ўзининг яратиқ эканини унутмаган ҳамма одам каби шеърнинг қаҳрамони ҳам баҳти бутунлигидан кўрқиб яшайди.

Ҳар қандай одамнинг ҳаёти нур ва соялардан иборат бўлганидек, бир инсон ўлароқ, шоира ҳам оқ ва қора кунлар куршовида яшайди. Унинг кейинги йилларда ёзилган шеърларида дунёнинг аччик-чучугини хўп totган кайвонига хос кузатиш, икрору изтироблар: “*Қачонлардир менга зор бўлган баҳтга Бугун ўзим зормен, қўлларим чўзиқ...*” тарзида акс этади. Бу тасвирлар озурдажон кимсанинг ёзфириғи ифодаси эмас, улар очуннинг моҳиятини англаған ўй

кишисининг ҳасратли қарашлари. Бу икрорлар шуниси билан қимматли, айни шу хислати туфайли шахсий қобиқларни ёриб чиқиб, ўзга кўнгилларгода уруғ бўлиб экилишга муносиб.

Ўқирман, умуман, бадий асарлардан, айниқса, лирик битиклардан кўпроқ муаллиф шахсини, “мен”ини қидиради. Бу шахсиятнинг ибрат бўлгалик жиҳатларини ўзига юқтиришга уринади. Ушбу “мен” қанчалик ўзига хос, бетакрор бўлса, унинг бадииятга эврилган аксида ҳам жозиба шунчалик кучли бўлади. Шоиранинг “Машъала” шеъридаги: “*Бу машъала куйиб кетган, Кафтларимда илдиз отган, Ўт кўтариб кетаётган, Бўйсунмас қўлларим куиди*” мисраларида ёнаётган ўт кафтида илдиз отган аёл шахсиятининг фавқулоддалиги шеърхонни ром этади. Ўқирман туйғулар йириклиги, ифода қабариқлигидан хайратга тушади.

Ҳалима Худойбердиеванинг “Аёл ўтиб борар” шеъридаги:

Сен сўрама, мен ҳам айтмайман,

Курагимнинг синганини қарс.

Шовқин солма, мен уйготмайин,

Юрагимда ётар бир йўлбарс

сатрлари тасвиrlанаётган туйғуларнинг йириклиги билан ўқирманни ҳам сескантиради, ҳам ўйлантиради, сескантириб ўйлантириши орқали юксалтиради.

Ўзижодий миссияси ва рутбасини яхши билган шоирадунё ишларига дунёларча йириклик билан қарайди. Дунёда яшаб, унинг етовида юргандай кўрингани билан ўз салоҳиятини билгани боис ижоди ёлғончи дунё ёлғонларидан баланд туришини ҳис этади. Бу туйғу “Мен бир куни” шеъридаги: “*Гарчанд тишига босиб тишишни, Ўз елкамдан ўзим босиб тек, Гунгдай кетдим Сўнг бекатгача. Лекин ортимда қолган шеърларим* *Бу дунёнинг ёлғонларидан Қаҳ-қаҳ урад қиёматгача*” мисраларида ёлқинланади. Бу сатрларда дунё майдаликларидан баланд турган йирик шахс қаноатлари ўта жайдари сўзлар орқали эсдан чиқмас йўсинда ифода этилади. Шоиранинг жимгина яшаш тутуми ожизлигидан эмас, балки чексиз ички кудрати боис экани таъсирли ифода этилган.

Адабиёттанувчиларнинг “лирик қаҳрамон” ҳақидаги фикрларини қўллагимиз келмаса-да, шоир билан шеърда

түйғулари тасвирланган кимсани битта нарса деб қараң доим ҳам тұғри әмаслигини поэтик далилларнинг ўзи күрсатып турибди. Чунончи, “Үт билан...” шеърида шоира юқоридаги қаноатларини тамомила рад этгандай бўлади: “Яшаяпман, билмай қай рангда сукут – Бетоқат тоқатга тўлдир экомимни, Ўлсан ҳам... қачондир ўлдиради үт – Ҳаяжон олади жонимни...” Бу сатрлар шоира табиатидаги ёвқурлик, руҳий тўфон бор бўйи билан кўринган. Гўё бир одамда бир-бирига тамомила терс икки руҳият бордай...

Шоира битикларида ўйчил ва дардчил одам учун яшаш азоблигини, унинг шуларга чидашга маҳкумлигини сезган, яшаш деганда ўзгаларга ҳалал бермай кун кечиришни тушунган зот чин одам мақомига лойиқлиги теран акс этади. “Ўзимни ўргатдим” шеъридаги:

*Топталсам-да тўғон туёқларида,
Синиб, сўлмасликка ўзни ўргатдим,
...Кўкдан тушолмаслар менинг дўстиммас,
Мен пастлик, хасликка ўзни ўргатдим,
...Бахтсизнинг олдидা ярқиратиб тожс,
Бахтили бўлмасликка
Ўзни ўргатдим*

поэтик қаторларида бошқа одамлар билан бирга одам бўлиб яшай олиш санъатини эгаллаган одам түйғулари ифодасини топади. Ўзни кўпдан айри кўрмаслик, ўзгани ўздай тух билиш чин ижодкор ва чин инсон моҳиятининг белгисидир.

“Илтижом шу...”, “Ошиқлик” каби шеърларида шоира ва одам Ҳалиманинг “Мен” и яққолроқ кўринади. Табиатан ҳамиша эҳтиёжлар ичидаги яшовчи инсон доимо нималаргадир муҳтоҗлик сезади ва унга етишиш учун Аллоҳга илтижолар қиласи. Қизиғи шундаки, ҳар кимнинг сўрагани ўзига яраша бўлади. Ҳар ким ўз савияси ва даражасидан келиб чиқиб эҳтиёжманд бўлади: кимдир давлат, кимдир фарзанд, кимдир соглиқ, кимдир яна нималар...

Шоиранинг сўраганлари ҳам ўз даражасида. У аввало, эл қизи, миллат онаси сифатида: “Иймонимга ўраб юрган бойлигим, Турк элимни шафқатингга зор қилма, ...Туркистанни хор қилма”, деб сўраган бўлса, мўмина аёл сифатида: “Бир қўл сўиди қизилини юзимни, Кўзга суртди ҳоргин-ҳоргин изимни. Кетар чоғим шу қўл ёпсин кўзимни,

Бошқа бахтдан энди бахтиёр қилма”, тарзида тавалло қиласы. Бир она сифатида эса: “Ишқни гулдай осиб юрсина болалар, Изимизни босиб юрсина болалар, Бизларга муносиб юрсина болалар, Алар үтар йүлакларни қор қилма...”, деге үтгинади. У тақдиридан нолимайды, берилған неъматларнинг шукрини қиласы. Лекин бир банда сифатида унинг Яратгандан бўлакча тилови бор. Олдинроқ фарзанд сифатида юрт камолини, аёл сифатида оташин ишқ, она сифатида болалар камолини үтинган шоира сўнгрок: “Парвонадай ўлганини билмай қол”иши учун “чироққа ошиқлик”, маҳшар куни чалинадиган “қўнгироққа ошиқлик”, сўнгги дамга – “кетар чоққа ошиқлик”, “битта гилга, Бир тупроққа ошиқлик”, “чин дунёга, Ўшал ёққа ошиқлик” рутбаларини тилайди. Шунча сўралаётганилар замирида аслида биргина нарса – Аллоҳга қуллик ва ошиқлик бор. Унда эса, ўзликни англаган баланд шахсият намоён. Шу йирик шахсият шеъриятга кўчгани учун ўқирманга суйимли. Маълумки, суйган кўнгил суюклисига ўхшашга интилади. Демакки, комиллашади.

Бежизга буюк инсонларга бағишлиланган “Буюк қушлар” шеърининг номи китобга чиқарилмаган. Буюклар ҳақида шоира: “Буюк қушлар – буюк инсонлар ҳамиша, ҳамма замонларда ўзларининг сир-синоатли умргузаронликлари, ғам-андуҳли ва шодумон кунлари, катта баҳт ва баҳтсизликлари билан бутун инсоният диққатини ўзига қаратиб келган. Қанчалик буюк истеъодод эгалари бўлишимасин, улар ҳам инсон боласи. Шу боис инсонлар ҳаётига неки даҳлдор бўлса, уларнинг ҳам ҳаётларига даҳлдор бўлиши табиий”, деб ёзади. Бу шеърда буюкларни аямасликдай инсониятга хос улуғ бир нуқсон ҳақидаги аччик ҳақиқат ифода этилган. Чинданда, вақтида аялмагани боис вайрон бўлган тақдирларга доир “ҳақиқатнинг эгилсада, синмаслиги”, “олтин зангламаслиги”, “асл айнимаслиги”, “қўлёзмалар ёнмаслиги”, “ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғлиги” каби ҳақиқатлар аллаловчи таскинлар, холос. Бундай дейиш, эзгу амалнинг вақтида қилинмаганини хаспўшлаб, ўзини алдашдан бошқа нарса эмас. Аслида қўлёзмалар “ловулаб кул”га айлангани ва уларни битган олтин бошли зотларнинг “хор бўлиб” ўлганига тарих кўп

бор таниғ бўлган. Шоира одамизодни “ермас қўкка оид буюк гуманоид” зотлар – буюкларга лойиқ бўлиш, уларни ҳимоясиз ташлаб қўймасликка чақиради.

Буюклар ҳамиша ҳам камчиликни ташкил этиб, оммадан ажралиб турадилар. Омма эса, табиийки, ўзидан ажралиб турганларни кўпда ёқтиравермайди. Шу боис буюклар: “Кўзга тушиган чоғларидан, ...Бу дунёнинг согларидан, Бемор бўлиб ўтганлар”. “Софлар” – ҳисоб-китоб билан яшайдиган кимсалар, ҳаётини ўзига фойда бермайдиган қандайдир ғояларга бағишилаган кишилар эса, уларнинг назарида, bemorлар. Бундайлар ўз юкини бировга ортмайди, қадамидан фойда чиқаришга уринмайди, айни шу жиҳатлари билан бошқаларга бегона бўлиб кўринади. Улар, айниқса, меҳрга, ишққа “зор-зор бўлиб ўлгайлар”. Кўпчилик эса, “қўлёзмалар ёнмайди”, - деб ўз қилмишлари учун ўзларига таскин берадиган томошачилар, холос.

Шеърда шоира “буюк қуш”ларнинг “Ўзлари юввошдан ювоши” ва “Хотинлари чимирап қоши” эканини таъкидлаш орқали қўкка лойиқ улуғларни ердаги майда ташвишлар хароб этиши мумкинлигини кўрсатади. Аёл зоти – табиатан шон-шуҳрат, бойлик ва мартабага ўч. Табиатининг шу жиҳати уни буюклар эътиборини қозонишга ундайди. Буюкнинг меҳрига эришгач, моддий тўқислик талаби пайдо бўлади. Буюк зот унинг мана шу майда талабларини ҳам қондириши керак. Аммо чинакам буюк шахс, ким бўлмасин, бир кишиники бўлолмаслиги билан буюк. Демак, у аёл талабларининг ижрочиси бўлолмайди. “Турмуши бошда шаҳду шакар, Бора-бора у талху тар”лиги сабаби шунда. Улкан орзуларининг йўлига энг яқин кишилари тўсиқ экани боис: “Ер қўллари тутса заҳар, Беёр бўлиб ўлгайлар” тарзида қаноти қайрилади “буюк қушлар”нинг. Хиёнат ётдану ёвдан эмас, қўйнидаги суйгулидан келгани буюк кушларнинг қанотини қирқиб, уни кунда неча-неча бор ўлдиради. Зоро, улар майда майший талабларга мослашомлай, тезгина завол топади. Зотан, қанотли кушга қафас эмас, бепоён осмон керак. Уни қафастга тикиш: “Ёлгиз жони сиёмас қўшикка, Шони баланд, қўли қисқа. Буюк қушлар чимдим ишқа, Зор-зор бўлиб ўлгайлар” тарзидағи якунга олиб келади.

Озод куш учишдан завқлангани, унинг учун ҳаёт маъноси

парвоздан иборат бўлгани каби “буюк қушлар” ижоддан, ишдан паноҳ топадилар. Бундайлар ишдан завқ оладилар, ишилаётганларида яшайдилар, яратагётганларидан баҳтили бўладилар. Улар ўзларини аяш ҳақида ўйламайдилар. Шу боис ҳам: “*Улар рангпар, улар озгин, Бошдан оёқ сирлардай. Қараишлари сокин, эзгин Пайғамбардай, пирлардай*”.

Кўнгилларида эзгуликдан бўлак туйғу йўқлиги боис шоира буюкларни Худонинг элчилари деб билади, пайғамбарларга менгзайди. Шу сабаб буюкларни одамлар орасига эмас, қўкка, Яратганинг маконига муносиб кўради. Буюкларни туйиб, уларнинг завол кўришини истамаган шоира Яратгандан: “*Маҳшар кунигача токи, Элчиларим сог кетсин*”, деб ўтинади.

Шеър ниҳоясида миллатнинг юксалиши ўз буюкларини тувиши, суйиши ва асрashiда экани ғоят таъсирли йўсинда ифода этилади:

*Катта ватан, суй, куй десанг,
Тишга босиб тишларни.
Тагин олдга силжий десанг,
Асра, буюк қушларни!*

Асрashга арзигулик одамни асрashга чақириқ шоиранинг ижодий кредити дейиш мумкин. У ҳаммани суйсада, ҳамма учун куйсада, лекин миллатни “олдга силжит” гувчи буюк қушлар унинг учун фарзанлардай ардоқлидир.

Инсон ҳамиша ҳаётини сарҳисоб қилиб яшайди. Топилгану йўқотилганлар, эришилгану бой берилганлар, орзулару армонлар, чақмоқдай лаҳзалик баҳтили кунлару йиллардек узун баҳтсиз лаҳзалар тафтиш қилинади, хулоса чиқарилади, мўлжал олинади. Умрининг айни етуклик палласида илҳом пайкалларида этилган сара поэтик ҳосилдан улкан хирмонлар уяётган Ҳалимахоним шеър ошиклари кўнглига тобора чуқурроқ кириб, кўпроқ хузур бағишлийверишига умид қиласиз.

Поэтик назарининг ўткирлиги, хаёлот парвозининг юксаклиги, бадиий мантифининг салмоғи, инсоний дардларининг самимилиги, ўтлиф туйғуларининг чинлиги билан шеъриятнинг буюк қушига айланган шоира Ҳалимахоним Худойбердинегава юксак парвозлар ёр бўлсин!

2013

Қайдлар учун

Адабий-илмий нашр

Қундузой ҲУСАНБОЕВА

ТАҲЛИЛ – АДАБИЁТНИ АНГЛАШ ЙЎЛИ

Муҳаррир: Жалолбек Йўлдошбеков
Техник муҳаррир: Аъзам Муродалиев
Мусахиҳ: Нодира Эгамқулова

«Муҳаррир» нашриёти
Лицензия: АI № 230.2012 йил16 ноябр

Теришга 2013 йил 25 августда берилди.
Босишга 2013 йил 14 сентябрда рухсат этилди.
Бичими: 84x108 $\frac{1}{32}$. «Virtec Times» гарнитурасида
оффсет босма усулида оффсет қофозида босилди.
13,5 шарт.б.т. 17ҳисоб нашр.таб.
Адади 1000 нусха. 121-сон буюртма.

«Муҳаррир» нашриёти матбаа бўлимида чоп этилди.
100060, Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-уй
E-mail: Muharrir@list.ru